



Шарк Ҳадаузи

Ойлик адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

4. 1983

52-йил чиқиши

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Мундарижа

Жуманиёз Жабборов. Юракдаги манзиллар. Шеърлар	3
Саъдулла Кароматов. Сўнги барҳан. Роман. Давоми	9

ШАРОФ РАШИДОВНИНГ «ДИЛ АМРИ» ҚИССАСИ АДИБЛАР ВА ТАНҚИДЧИЛАР ТАЛҚИНИДА

Комил Яшин. Дўстлик қўшиғи	67
Уйғун. Мардлик ва дўстлик маҳияси	68
Георгий Владимиров. Ватанпарварлар қалби — Ватанга бахшида	70
Одил Ёқубов. Номига муносиб асар	74
Мумтоз Мухамедов. «Дил амри» ҳошиясидаги дил сўзлари	75

ШЕЪРИЯТ

Азиз Абдураззоқ. Нон, имон, муҳаббат; Тўра Сулаймон. Дехқон қўллари; Мирпўлат Мирзаев. Ота	78—81
--	-------

ҲИКОЯЛАР

Туроб Мақсуд. Муножот; Абдурашид Пардаев. Кампирлар; Мухаммад Очилов. «Шалпангқулоқ»; Эркин Усмонов. Каримберди қайтмади...	83—98
Мухаммадjon Мирзамухамедов. Карвон шимолга йўл олди. Киносценарий	105

ОЧЕРК

Шомурод Сиддиқов. Минглардан бири	129
-----------------------------------	-----

ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Шерали Турдиев. Ғафур Ғулом ва татар адабиёти	132
---	-----

ДАВРА СУҲБАТИ

Замон ва драматургия	135
----------------------	-----

САНЪАТ

Малик Қаюмов. Қардошлигимиз кўзгуси	151
Дадахон Нурий, Амир Файзуллаев. Нафосат бўстони бу	156

БОБИРНИНГ 500 ЙИЛЛИГИГА

Азиз Қаюмов. Заҳириддин Мухаммад Бобир	159
--	-----

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Сиёсий сатира устаси	169
Демьян Бедний. Суръат ошар янада	170

ТАҚРИЗЛАР

Нўмон Раҳимжонов. Шеър — фикрнинг гули; Норқул Бекмирзаев. «Борса келмас» муаммолари; Шарофиддин Шарипов. Ўзбек рубоёти таҳлили; Улуғбек Саидов. Ғўзаллик туйғуси; Сотимхон Иномхўжаев. Режиссёрнома	171—178
--	---------

ЙИЛЛАР, ҲУЖЖАТЛАР, ВОҚЕАЛАР

Дилбар Абдуллаева. Ўзбек поэзиясининг шайдоси	179
Субҳонқул Умаров. «Булбул каби сайраб тургин, дўмбирам»	181

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Юрий Ковалёв, Алексей Карасек. Бўри из қолдиради. Қисса. Давоми	183
Валерий Нечипоренко. Еттинчига ўтар кечаси. Ҳикоя	198

ГУЛҚАЙЧИ

Эргаш Ендош. Муроса	205
Самандар Воҳидов. Савол	205
Маданий ҳаёт	206
Адабий журналлар (апрель ойда)	207


Жуманиёз
Жабборов



ЮРАКДАГИ МАЎЗИЛЛАР

Ният

Олимп қоясида
Қуёш қўридан
Ирим билан ёқиб олинган олов
Бошлар узра балқиб мисоли ялов,
Москвага етгунча пиёда-яёв
Нақ бир ой йўл юрди,
Кўрди кўп юртни,
Кечди дарёлардан, шаҳру сарҳаддан.
Қўлдан-қўлга ўтди
Ва йўлдан-йўлга,
Дилдан-дилга ўтди
Ва элдан-элга —
Беш минг чақиримли олис масофани
Еритиб борди у меҳру шафқатдан!



Мен ҳам юрагимда йилт этган чўғни
Бошим узра кўтарганча даст,
Неча йиллар
Ва йўллар ўтиб,
Ўтиб оғир-енгил, иссиқ-совуқни,
Корингизга қилча ярармикин деб,
Бир лаҳза кўнглингиз яйрармикин деб,
Сизга элтмоқдаман, азиз одамлар,
Сиз баланд чўққисиз, чўнг, элас-элас.
Бироқ орзу, дерлар, асло айб эмас,
Ажабмас, мақсудга элтса қадамлар.

Оташга ташаккур

Қадимдан муқаддас саналур олов,
Оловга топинган кўп вақт одамзод.
Агар ўчоқларда ёнмаса лов-лов,
Қайдан пайдо эди бу қадим ҳаёт?

Қайроқдан чақнаган кичкина учқун
Ҳайвондан ажратди бир кун одамни.
Ўша муътабар он, ўша азиз кун
Қайта яратгани ҳақдир оламни.

Ҳақдир ва мутлақдир
У эзгу тақдир
Биринчи кулчаю пишган гўшт таъми.
Ердан ўйилган у биринчи тандир,
Инсоннинг биринчи қўлбола шами.

У қуёш парчаси, чақмоқ боласи,
Табиат бағрида мужассам меҳр,
Шовваларга сингган ёғду толаси,
Ернинг таг-тагида қатланган сеҳр.

Адашган карвонлар талпинган орзу,
Тунларни забт этган нурли истило:
Машъалсан,

гулхансан,

ёлқинсан,

ёғду,

Аланга, ўт-оташ, учқун ва жило.

Еритиб Номаълум солдатлар қабрин
Ёнгувчи оташга минг бор ташаккур.
Равшан этган олис фазолар қаърин
Кемамас,


заминдан биз сачратган нур.

Оловни ардоқланг,

ардоқлагандек

Нонни, кўз қорасин, эзгу, ниятни.

Унга сингдирмангиз нафрат билан кек,
Хизматида бўлсин инсониятнинг.



Сапун тоғида

Авайлаб босингиз заминни,
Оҳиста босилсин қадамлар.
Бу ерда ботирлар ётурлар,
Бизни деб жон берган одамлар.

Уларнинг руҳлари чарҳ уриб,
Бош узра беором кезмоқда.
Шамолмас шивирлаб елпинган,
Уларнинг нафаси эсмоқда.

Бағишлов

Ватан ичра минг чаман, минг боғим бор,
Ҳар бирдан фаҳрим бор, ардоғим бор,
Лекин бири — кўз ичра қароғим бор,
Кўнгил уйин ёритган чароғим бор,
Қашқадарё — суянғудай тоғим бор.

Юр, азизим, айна сафар пайтидир,
Мўл-кўл ҳосил, тўкис зафар пайтидир,
Ғазна-ғазна унган самар пайтидир,
Йўл пайти бу, айна саҳар пайтидир,
Кўз тутувчи кўп дўсту ўртоғим бор.


Мингчинорда меҳмон бўлсанг бир кеча,
Маст этгудек юлдузлар қоқур мижжа,
Сув ўрнига сен шарбат ича-ича,
Бемор бўлсанг, қувватга тўлиб филча,
Яйрагайсан, шўх сою ирмоғим бор.

Бир ён кета-кетгунингча сўнгсиз чўл,
Бунда фикр, бунда хаёл, орзу мўл,
Яқин дўстлар даврасига элтар йўл,
Сурув-сурув қўй сурони ўнгу сўл,
Дарё-дарё сутим бор, қаймоғим бор.

Ёзда келсанг, парвона бошда офтоб,
Оташига фақат мардлар берур-тоб,
Ташналигинг босгайдир яхдай чалоб,
Сен меҳрдан бўлажаксан файзиёб,
Меҳмоннавоз уруғим-аймоғим бор.

Кузда келсанг, қовун-тарвуз палакда,
Тустовуқлар, жайронлар чакалакда,
Юлдузларга нарвон бор Майданакда,
Узум ширин Пўлоти, Гўбалакда,
Бойлик тўла далам бор, қирмоғим бор.

Ғар Қайнардан Муборакка жўнарсан,
Йўл-йўлакай кўп мазилда кўнарсан,
Йўл олис-да, ҳар таклифга кўнарсан,
Шубҳа йўқки, сен Қаршида тунарсан,
Маржон-маржон миллиард сон чироғим бор.



Пахта десанг, пахта қайнар диёр бу,
Чорва десанг, энг танти чорвадор бу,
Буғдой десанг, Чироқчи бу, Ғузор бу,
Бўстон десанг, Шаҳри сабза — гулзор бу
Муборакда қуёшдек маёғим бор.

Жаҳон ичра қандоқ бойлик бор бўлса,
Баридан бор, агар ихтиёр бўлса,
Агар кўнглинг гулобга хумор бўлса,
Варганзада етилган анор бўлса,
Билки, сархуш айлағудек чоғим бор.

Қай гўшадан келса раъно ислари,
Элитмасин сени севги ҳислари,

Юрган йўлин гулшан этиб излари,
Шўх товланиб келур Косон қизлари,
Юрагингни ёққудек чақмоғим бор.

Бир воҳа бу, минг қирра олмос мисол,
Тоғ яратган зар териб мисқол-мисқол,
Ипак мавжлар ёлқинидан баҳра ол,
Ульянов — бу, Нишондир бу — истиқбол,
Тилла тўла хазинам, қазноғим бор.

Каналлари зилолдир бир-биридан,
Таъми ўрлар буғдой нон тандиридан,
Мазасин бил ё Кўчкак анжиридан,
Дашт қутулиб сувсизлик занжиридан,
На муҳтожлик, на зарра чанқоғим бор.


Бир элат бу, муҳаббатдан йўғрилган,
Яхшиликка, тантиликка туғилган,
Номи улуг йиғинларда ўқилган,
Дўст қадрию юрт қадрин баланд билган
Меҳри дарё, юраги қайноғим бор.

Фалак илмин ўрганувчи Китобим,
Коинотга дангал айтган хитобим,
Шўх илҳомим, севинчли изтиробим,
Замин узра барқарор инқилобим,
Ленин ўзи топширган байроғим бор!

Ташналик

Бутун баҳору ёзни,
Барча кузу аёзни,
Қизлардаги шўх нозни,
Булбулдаги овозни
Бир косада жам қилиб,
Гулобу шабнам қилиб
Тўйиб ичмоқ истайман.

Тоғларнинг бор чашмасин,
Тонгларнинг оқ нашъасин,
Юлдузлар карашмасин,
Бўстонларнинг яшнашин
Бир шеърга жо қилиб,
Янада зебо қилиб,
Вазн бичмоқ истайман.



Илҳом деган бир қудрат.
Дилимга солиб журъат,
Кўзимга олам-хилқат
Гўзал кўринган фурсат
Маида-чуйда баҳслардан,
Ўткинчи ҳаваслардан
Мангу кечмоқ истайман.

Қалб гупуриб келган пайт,
Дилда борин дангал айт,

Жилоласин олтин байт,
Тош ҳам қолмасин лоқайд,
Қулфи диллар очилсин,
Меҳр нурдай сочилсин.

Кўчани тўлдириб ўтди

Кўчани тўлдириб ўтди бир гўзал,
Унга беихтиёр эргашди кўзлар.

Биров томоқ қирди, биров қотди лол,
«Кўз тегмасин», деди ҳатто битта чол.

Қўйинг ёш-ялангни ва йигит зотин,
«Бўйингдан ўргилай», дерди кўп хотин.

Кимки бирор ёққа шошиб борарди,
Шаштидан тушиб, бош қашиб борарди.



Биров трамвайда, биров бекатда,
Не ўйда бўлмасин, не ҳаракатда —

Олам ташвишидан бўлгандек холи,
Фикрин ёритганди ул қиз хаёли.

Унга омад тилаб, бахтин тиларди,
«Тенгинг учрасин», деб дуо қиларди.

Кўчадан қиз эмас, нур ўтди гўё,
Ёришиб кетгандай бўлди бу дунё.

Раққосалар

Ўйнангиз дил яйратиб, шўх,
сарвиноз раққосалар,
Хўб ярашгай сизга шодлик,
сизга ноз, раққосалар.

Мавж уриб, гулгун ёниб, минг бир
ибо изҳор этинг,
Жўр бўлиб эркин хиромингизга
соз, раққосалар.

Навжувон, хушнуд баҳорни
акс этар рафторингиз,
Бағрингиз ичра мужассам
ўтли ёз, раққосалар.

Сиз — Маликам, сиз — Дилафрўз
неча шайдолар учун,
Ёки Қизлархонмисиз, заррин
либос раққосалар?

Сийна — гул, дийдор — гул, гулдан
пойандоздир замин,
Қадди шамшод, зулфи райҳон,
лаб — гилос, раққосалар.

Тўлди саҳна, тўлди олам,
тўлди қалблар сиз билан,
Шунчалар жўшқинми завқу
эхтирос, раққосалар?

Сизда санъат, сизда иффат,
дилрабо юрт зийнати,
Жами инсоний гўзаллик
сизга хос, раққосалар,

Кўнглим ичра турфа туйғулар
жилосия ёздингиз,
Сизга меҳримдан девон
тузсам-да оз, раққосалар.



Саъдулла Кароматов

Сўнги БАРХАН

РОМАН



Ўнинчи боб

Ленин номидаги совхоз идораси Найманча билан Янги қишлоқ оралиғидаги чор атрофи пахта пайкаллари билан ўралган жойда қурилган бўлиб, олди гулзор, ўртада доҳийнинг бронзадан қуйилган ҳайкали салобат билан қад кўтариб турибди. Икки қаватли ҳашаматли бинонинг биринчи қаватида совхоз маъмурияти жойлашган. Юқорида клуб. Даврон бу бинони райкомдан совхозга ўтгач, дастлабки икки йил ичида қурдирган эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас маиший хизмат кўрсатиш хоналари билан ҳаммом солдирди. Давроннинг ташаббусига қараб, атрофдаги ҳаммоми йўқ колхоз-совхозлар ҳам қимирлаб қолишди. Етти йиллик мактабнинг қўримсизгина бир қаватли чўзинчоқ, пастак биносини буздириб, ҳашар йўли билан икки қаватли иморат тиклашди. Йил ўтмай, етти йиллик мактаб ўн йилликка айлантирилди. Деярли ҳамма иш механизациялаштирилган янги типдаги сигирхона қурилишига ҳам Даврон директорлиги пайтида киришилди. Шубҳасиз, у хўжаликни сезиларли даражада кўтарди. Сувсизликдан пахта битмади деб қараб турмади. Кам сув талаб этадиган деҳқончиликни ривожлантирди. Совхоз тоқзорларини тўрт юз гектарга етказди. Паррандачилик, қуёнчиликни йўлга қўйди. Туг дарахтлари кўплитидан фойдаланиб, пиллани уч барабар кўпайтирди. Бу янгиликларни кўриб қувонган одамлар унинг атрофига уюшиб, астойдил ишга киришишди. Даврон ҳам одамларга меҳрибонлик кўрсатиб, ҳар бир ишда уларнинг ҳожатларини чиқаришга тиришади. Қўмаги зарур бўлиб қолган жойга ярим кеча, субҳидам демай эринмай бориб, енг шимариб ишга киришади. Аммо одамларга ишонмайди. Ҳамма иш шахсан ўз иштирокида ўтишини истайди, ташаббус кўрсатиб, завқланиб ишга киришган одамларни таъқиб остига олади. Буйруқбозлик, маъмуриятчилик авжга минган.

Даврон. Боши ўтган сонда.

Аста-секин одамлар ундан ҳайқадиган бўлиб қолишди. Бундай усулда иш юритиш ўзини ҳам ҳолдан тойдирди. Сал нарсага асабийлашадиган, одамларга кўрслик қиладиган бўлиб қолди. Совхоз ишчиларини арзимаган гуноҳлари учун устама мукофотдан маҳрум этиш, жарима солиш одат тусига кирди. Даврон бу ишларни амалга оширишда ўзини совхоз активлари билан бамаслаҳат иш тутаётгандек қилиб кўрсатса-да, аслида кўриладиган масалаларни шахсан ҳал этар, дегани деган, айтгани айтган, йиғилганлар хўжакўрсингагина кўл кўтаришарди. Бора-бора бу сир совхоз аҳлига аён бўлиб қолди. Бир гал активлар директор хонасига кириб кетишаётганда, кимдир шеригига: «Ана, жазо командаси тўпланяпти»,— деган эди, ўрнига қўйиб айрилган бу ўхшатиш эртасигаёқ оғиздан-оғизга ўтиб, шу-шу совхоз активларининг бундай йиғилишларида қатнашадиган қисми «жазо командаси» номи билан юритиладиган бўлди. Ҳозир ҳам директор кабинетига «жазо командаси»нинг навбатдаги йиғилиши ўтаётган эди.

Деворларига хўжаликнинг сўнгги йиллардаги тараққиётини кўрсатадиган диаграммалар осиб қўйилган ҳашамдор кабинетнинг тўридаги катта стол ортида Даврон қовоғини уйиб ўтирипти. Узун столнинг икки ёнидаги стуллардан активлар ўрин олишган. Стол пойида навбатдаги тартиббузар — Сангин қўйиниб гапирарди. У ишга ярим кун кеч қолганининг сабабини осойишталик билан тушунтираётганди, Даврон столга мушт урди.

— Бас қилинг сафсатани! Шунча одамни лақиллатишга уялмай-сизми?— Давроннинг бурун катаклари керилди, ранги оқарди, бир қоши керилиб, кўзлари чақчайди.— Судга бериш керак, ишдан ҳайдаш керак, қаматиш керак сиздақа бебошни. Пахтани ўт босиб ётипти. Бу ёқда беда ўрими ўлда-жўлда. Сиз бўлсангиз...— тутақиб кетиб, гапиролмай, юзини дераза томон бурди.

Унг томонда, биринчи стулда ўтирган Адолат Давронга зимдан қараб қўйди-ю, бир нарса дейишга журъат этолмади. Кўпинча у Даврон қуюшқондан чиққан кезларда мулойим қараб, «ошириб юборяп-сиз» деган маънони билдирарди. Бу гал Давроннинг нигоҳини илиб ололмади. Даврон унга эътибор ҳам бермай ўрнидан турди.

— Тартиббузарни бир ойлик мукофотдан маҳрум этиш керак!— деб гапни кесди.

Сангиннинг косасига ботган кичик кўзлари қисилиб, олдинга туртиб чиққан энгаги титраб кетди. Қулт этиб ютинди-ю, Давронга ўқрайиб гапира бошлади:

— Қўлингиз тайига турган одамларга мурувватингиз йўқ экан сизди. Мен гапни прама юзингизга айтаман.

Бошда жар ёқасидан ўтаётиб сирғалиб кетишдан чўчиб, авайлаб қадам ташлаётган кишидан ҳадиксираб гапирётган Сангиннинг тўсатдан туюқийши ўтирганларни ўйлантириб қўйди. Негаки, қирқ ёшлар чамасидаги Сангиннинг бировга қаттиқ гапирганини шу кунгача биров эшитмаган эди. Бундай мўмин-қобил ишчиларни бетга чопарликкача бориб етишга мажбур этиш маъмуриятнинг бурдини кеткизади, одамлар ўртасида обрўсизлантириб қўяди. Стол атрофида ўтирганларнинг ҳар бири буни яхши биларди. Аммо Давронга гап уқтиришнинг ўзи бўлмади. Бундай кезларда Давроннинг раъйига қарши чиққан одамни кўпчилик олдида изза қилиб қўйиши ҳеч гап эмас эди. Бундан ҳайиққан активлар дамларини ичларига ютавериш, бора-бора йиғилишнинг пасив кузатувчиларига айландилар. «Хонаси келганда тушунтирармиз» қабилида иш тутдилар. Совхоз партия ташкилотининг секретари Адолат Каримова ҳам бундан мустасно бўлолмади. Бу — табиатан иродасиз Давронни талтайтириб юборди. Одамлар унга сажда қиладиганини кўриб, ўзини ҳаммадан кўра билимдонроқ, оқилроқ ҳис эта бошлади. Ниҳоят якка раҳбарлик дардига чалинди. Хўжаликка коллектив раҳбарлик тамоман йўқ бўлди.

Ҳозир Адолат ҳам кўп қатори шу ҳақда ўйларкан, Сангиннинг гап-

ларини диққат билан тингларди. Унинг ноҳақликка қарши исёнкорлик билан дадил айтаётган сўзларини қалбан маъқуллаб ўтирарди.

— Мани сизга қўшилмаган жойим бо.— Сангин яқинроқ келиб, ҳаяжондан титраётган қўли билан стол қиррасини ушлади.— Нега, мени мукофотдан маҳрум этайкансиз? Менга нима гуно? Кеча хотунум иситмай оташда ётган жойига «касалман» деб худони зорини қилсам, бир гиромам қулоқ солмай, далага ҳайдабсиз. Кўз қўлни кўрмаймикон шом чўкканда ўйга келсам, хотун бир ҳолда ваража туггандай қалтираб ётупти. Кечайи дароз алаҳлади. Эрталаб район балнисасига олиб бордим, деб сизга уч марта тушунтирдим. Имону инсоф борми сизга ўзи? Ёруғ осмонга кичкина бир булут чиқса-ю, офтоби олдига турса, одам ёруғди яхшироқ кўрмай азоб ейди. Сиз бўлсангиз ҳар куни ёруғ кунимизди хуфтон қилиб юрипсиз. Мен худоданам, пайғамбарданам кўрқмайман. Бу ёқда сув йўқлигидан бир парча томорқа еримга тирикчилик учун тиккан экинларим қовжираб ётса-ю, бо сиз мукофотим-ниям бермасангиз. Устингиздан арз қиламан, шуни билиб қўйинг! Аравани от эмас, арпа тортади. Сиз бўлсангиз ишчини насибасини қирқаман, дейсиз.— Сангин ўпкаси тўлиб чуқур хўрсинди-ю, қўл силтаб, шарт эшик томон бурилиб кетди.

«Жазо командаси» тартибни бузган ишчилардан яна икки кишига жарима солгач, Даврон йиғилишни ёпиқ деб эълон қилиб, ўрнидан турди: Унинг чакка томирлари бўртиб, бўйнигача қизарган, қўллари билинар-билинемас титрарди. Йиғилганлар бирин-кетин чиқиб кетишди. Фақат Адолатгина қимир этмай ўтирарди. У боя Сангин гапирётганида: «Даврон ака билан яккама-якка қолганда дилимдагини рўй-рост юзларига соламан, тартибга қақираман», деб хаёлидан ўтказган эди. Аммо Давронга қаради-ю, куёш булутлар галасини тилка-пора қилиб ташлагандай, юраги така-пука бўлиб кетди. Вужудини ширин туйғу қамраб олди. Бу туйғу кўзга кўринмас ришталари билан уни сеҳрлагандай ўйлаганларини тўзитди. Асабийлашиб, титраб-қақшаб ўтирган Давронга юраги ачишди.

— О ҳай, бунча кўнглингизга яқин тутмасангиз? Бундайчикин қилаберсангиз ўзингизни касал қилиб қўясиз-ку, Даврон ака, бахай?

Даврон Адолатга истеҳзо билан қараб, бош чайқади.

— Ғурбатга тушингизми, устингиздан арз қиламан деганига?— Даврон аччиқ тутун ютгандай юзини бурди.

— Нимага ғурбатга тушарканман. Одамни хафа қиладиган гапга хожат йўқ, дейман-да.— Адолат бу гапини айтишга айтди-ю, лоладек қизариб, кўзини Даврондан яширди.

— Иш нима бўлади? Одамни хафа қилмай деб юраберсак ишни ким қилади? Ё ману сизга қўшни қишлоқдан ҳашарчилар келадими?— Даврон дераза олдига бориб, пахта пайкалларига тикилганча жим қолди.

Адолат унинг кенг елкаларига, келишган қадду қоматига сўқланиб қараганча ўрнидан турди. Вужуди аланган оташ ичида ёнаётгандай ловилларди. Ортиқ гапиролмаслигига кўзи етди. Стол устидаги қоғозларини йиғиб олиб, кабинетдан чиқди.

Даврон ўрнига келиб ўтирди. Паришоң кўзлари хона бурчагидаги бўй баравар соат милларига қадалди. Олтинранг милларнинг ҳар иккиси етти устида турипти. Соатнинг ёнидаги чорпоёга қўйилган икки-та камёб биллур ваза оқ шойи дарпарда қиясидан тушиб турган қуёш нурида камалак рангиде товланади. Вазаларни Нуқра ҳадя этган эди. Даврон ором олгандай бошини кресло суянчигига қўйиб, кўзларини юмди. Хаёлида Нуқра жонланди. Кейинги кунларда у қаттиқ изгириб чекди. Нуқра турмуш қуриш тўғрисидаги таклифни рад этгани устига бу ёқда Румия билан учрашув эски дардларини янгилаб, юрагини ўртаб юборди. Хотиралар бамисоли занжирли реакция: битта ҳалқасидан тортсанг, бошингдан ўтган бутун воқеалар бирин-кетин кўз ўнгингда гавдаланаверади. Даврон хотиралар уммонида сузаркан, унинг тубига тушишни, жон койитиб асосини пийпаслаб кўришни хаёлига ҳам

келтирмайди. Пукак сингари сув сатҳида қалқийди. Дунёнинг тамоми лаззатларидан биратўла баҳраманд бўлиб, унинг озорларини четлаб ўтишни истайди. Ҳаёт асал эмас, баъзан шунақа тахир бўладик, чидаш маҳол, аммо татиш керак. Минбарларда ваъзхонлик қилиб, чандон бор бошқаларга бу нақлни уқтирса-да, ўзи амал қилмайди. Бир сониялик роҳат-фароғатини деб кетидан келадиган жабру ситамларни унутади. Парвоз қилаётган турнадан қўлдаги чигтакни афзал билади. Бир умр муштоқликда яшаб, ниманидир илҳақ бўлиб кутади. Хайрли иш қилганида мукофотини, кимдир тақдирлашини ўйлайди. Момақалди роқ олдидан одатда бир зум сукунат ҳукм сурганидек ҳаёт машаққатларига дуч келганида баъзан хаёлидан шу фикрлар кечади-ю, бироқ ширин дамларнинг шуури устунлик қилиб, беқарор кўнглини чалғитади. Ҳаётда шундай дақиқалар бўладик, киши ўз мақсадини аниқ белгилаб олиши заруратга айланади. Лекин бундай дамларда Даврон ўйламай-нетмай чекинади, бетарафлик йўлига ўтиб олади. «Менга нима, бошқалар нима қилса қилаверсин» деб орқага тисланади, қийинчиликни баргараф этишни эмас, ёнлаб ўтишни кўзлайди. Ҳаётда эса инсоннинг ўрни иккинчи даражали масалаларни бош мақсадга бўйсундириш йўлидаги ғояларни емиришда кўрсатадиган қатъияти, қунтсаботи билан белгиланади. Умрни ўртача етмиш йил деб фараз этсак, Даврон унинг ярмини босиб ўтди. Аммо кечирган умрининг мазмуни устида ҳозиргичалик чуқур мушоҳада этиб кўргани йўқ эди.

Румияни кўрди-ю, қалбида яшириниб ётган ана шу фикрлари юрагини босиб турган оғир тош кўчгандай қалқиб юзага чиқди. Қайиғи довулда қолган эшкакчи ҳолатига тушди. Румия уни соядек таъқиб эта бошлади. Овқат устида ҳам, идорада қоғозларга кўмилик ўтирганида ҳам Румия маъюс қиёфада рўпарасида пайдо бўларди-ю, чиройли кўзларини ундан узмай таънаомуз тикилиб турарди. Бундай кезларда уйда ўтирган бўлса қўлидаги қошиқни ташлаб, чорбоққа ошиқарди. Бурчакка уюб ташланган неча йиллик тўнкаларни ҳолдан тойгунча ёргач, боғ этагидаги анҳорга шўнғиб, ҳовуридан тушарди. Бу ҳол идорасида такрорланганда эса, бепоен қумликларга чиқиб тили ҳалқумига тикилгунча одимлар, ниҳоят қуёшнинг жазирама тўғи чаёндек ниш ура бошлаганда саксовул соясида чўзилиб, жон сақларди. Бугун йиғилиш пайтида ҳам уни Румия зимдан таъқиб этарди. Ёлғиз қолиб, илк бор кўнгил розига қулоқ солгандагина, Румия эмас, виждони таъқиб этаётганини пайқайди. Дунёда бирон кимса ўзидан, айниқса виждон тафтишидан ҳеч қачон ва ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди. У бундан бир қадар тушунди, назарида. Лекин фурсат ўтган эди. Румия билан муносабатлари хаёл кўзгусида ширин тушдай чайқалди-ю, сўнг қуюқ туман пардаси ортидаги ёруғ юлдуз — сароб сингари фазо кўйнига шўнғиб кетгандай ғойиб бўлди. Бу ифбатли қизни севганмиди ё уни Румия сари етаклаган куч — жиловлай олмаган ҳирсинг ҳузурбахш иштиёқимиди? Балки Қаҳрамондан устунлигини кўз-кўз қилиш учун қалбида туғён урган йиғитлик ғурури, худбинлик оқибатидир бу? У бундай саволларга жавоб беришдан ожиз, зеро дастлабки муваффақиятдан маст бўлган Давроннинг, ўз таъбири билан айтганда, иккинчи сархушликнинг сарҳади — Нуқра билан учрашуви, қизга нисбатан муносабати ҳам оёқ остидан чиққан тасодиф эди.

Аммо Нуқра тамоман бошқа олам. Румиянинг ҳиссиётларга лиммо-лим дарёдек қалбидаги орзу-ўйларини, ифшо этишга шайланаётган дил розини унинг ишонч билан боқувчи кўзларидан, ойнадек мусаффо, очиқ чеҳрасидан осонликча уқиб олса бўлади: У самимият гулшанининг покиза тимсоли. Румия қалбакичилик, сохта ноз-карашма, қувликдан тамоман бегона. Одамларни ҳам шу тоза қалб ойнасида кўради. Нуқранинг ҳам покизалигини, қизлик ғурурини сақлай билишини шубҳа остига олиб бўлмайди, албатта. Бироқ, бошқа масалаларда у Румиядан фарқ қилади. Нуқранинг қалбини ташвиш, дарду алам тегирмон тоши каби эзаётган бўлса-да, сиртига чиқармайди. Кўнгилсиз дамларни қаҳқаҳа билан енгади. Мотамсаро чеҳрасини табассум пар-

даси билан тўсади. Урни келганда ёлғон гапириб, истаган одамани домига илинтиради. У ўз шахсини эъозлашнинг олий намунаси. Ботини билан зоҳири бир-бирига қарама-қарши қутб. Дастлабки кезларда Давроннинг қиз қалбига тузоқ солиш йўлида ишга солган бисотидаги енгил-елпи хатти-ҳаракатлари, куйдим-ёндим қабилидаги сўзлари мустаҳкам кўрғон деворига тўппончадан ўқ узгандай гап бўлди. Унинг тунларни мижжа қоқмай бедор ўтказиб топган минг бир ҳийлатадбирлари ҳам бирин-сирин муваффақиятсизликка учради. Нуқрани ўйлаган сари қовушиш орзусидаги кўзга кўринмас ришталар уни маҳкамроқ чирмаб, эс-ҳушини тобора кўпроқ банд эта бошлади. Нуқра қанчалик кам эътибор берса унинг қизга талпиниши, аксинча шунчалик ортиб борди. Энди қайси йўл билан бўлмасин қиз васлига етиш унинг қатъий қарорига айланди. Чунки Нуқра уни ўзига тамоман яқинлаштирмаганидек, ноумид ҳам қилмади.

Нуқрага бўлган илинж, иштиёқ уни эс-ҳушидан айириб, телбалик даражасига етказди. Атрофидаги одамларга ҳам, содир бўлаётган воқеаларга ҳам бефарқ, лоқайдлик билан қарай бошлади. Нуқрани кўриш истаги ҳамма ишларини бир чеккага суриб ташлар, хоҳ кундузи, хоҳ кечаси, хоҳ тунда бўлмасин, зудлик билан Шаҳристон томон йўл оларди...

Даврон столи устидаги ҳужжатларни апил-тапил тортмасига солиб қулфлади-да, кўчага отилди. Зинадан шшилганча тушиб, машинасига ўтирди-ю, шофёрга қарамай:

— Шаҳристонга, — деди ҳаяжон билан.

Бу сўздан кейин шофёр хўжайинининг қаерга боришини билади. Чунки бирон тadbир муносабати билан областга чақирганларида у шофёрга борадиган идорасининг номинигина атайди.

Машина Шаҳристонга олиб борадиган текис асфальт йўлга бурилгач, Даврон висол дамларининг ҳузурбахш лаззатларига талпинаётган кўнглига ихтиёр берди. Бояги фикрлар қуршовидан чиққан, енгил нафас оларди. Энди унинг бошидан дунёнинг ташвишлари бир қадар чекиниб, хаёлида танҳо Нуқранинг ўзи қолди. Негадир Нуқра билан бирга бўлган дастлабки учрашуви, Румияларникидан кузатиб чиққан оқшомнинг эртасини хотирлади. Ўша кеча ҳаётида биринчи марта раъйи қайтарилган эди.

Даврон Нуқра билан тезроқ учрашиш иштиёқида кун бўйи кўкнорини кумсаб хумори бўлган гиёҳванддай қоронғи чўкишини пойлади. Нуқранинг шўх кулгиси, ўзига ярашадиган нозу истиғноси оромини олиб қўйди. Юраги ошёнини йўқотиб қўйган қушдек типирчиларди. Нуқранинг кўзга ялт этиб ташланадиган чиройи Румияни хаёлидан тамоман сиқиб чиқарди. Уни гўё илгари сира учратмагандай дарров унутди.

Кечки салқин тушиб, ниҳоят қоронғи чўқди-ю, Давроннинг кўнгли таскин топди. Яқинда олган йўл-йўл чизиқли кулранг костюмини кийиб, ҳаворанг галстугини тақди. Эрталабоқ харид қилган беш юлдузли коньяк шишасини оқ шилдироқ қоғозга ўради. Узини яна ойнага солиб, кўнғир сочларини ўнг томонга силлиқ тарагач, кўчага отилди.

Мана, иккинчи подъезд. Атрофга ўғринча аланглади. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ичкарига кирди. Қизил дермантин сирилган эшик тепасидаги «12» рақамли туйнукчани кўриб юраги орзиқиб кетди. Нафасини ростлади. Қотириб дазмолланган оқ ёқаси, галстугини тузатгач, билинар-билинмас титраётган қўлини кўтарди. Кафтини тўқ ҳаворанг бўёққа бўялган деворга тираб, бошқаларига нисбатан анча йўғон бармоғи билан кўнғироқ тугмачасини босди.

Эшик очилди. Нимқоронғи йўлакка ёрқин нур ёйилди-ю, олдида ёнламаси билан турган Нуқранинг эгнидаги заррин гулли яшил ҳарир кўйлаги ялтираб кетди. У қўлини кўксига қўйганча Давронга йўл берди. Нуқранинг тугмачаси қадалмаган ёқасидан нокдек таранг оппоқ сийнаси бўртиб турарди. Пайпоқсиз дўмбоқ оёқларида тасмаси тўпигигача айлантириб боғланган баландпошна олтинранг туфли.

Бўйнидаги ниҳоятда латиф тилла занжирга осиглиқ медальоннинг йирик кўзли бриллиантдан мавж ураётган қизғиш-зангори ранг кўксига жимирлайди. Давроннинг ҳирс чақнаган катта кўзлари рўпарасида уста ҳайкалтарош қўли билан яратилган гўзаллик тимсолининг нодир намунаси тургандай Нуқрага беиблик билан қадалди. Нуқра буни сезиб ижирганди-ю, эътибор қилмади. Давроннинг тирсагида ушлаб хонага бошлади. Уртада ясатиғлик стол кўзни қамаштиради. Каттакон биллур вазада ҳар бири салкам икки метрча келадиган тўртта қип-қизил гладиолус. Вазанинг ёнида, сўргичланган тамғали бақалоқ шишада «Наполеон» коньяги, шампанское, сал нарида лимонад ҳамда боржомиди. Чироқ ёғдусида кўк, қизил, зангори товланаётган кемасимон асил биллур идишда пушти ва симобий зар қоғозларга ўроғлиқ икки-уч хил қимматбаҳо конфет. Уларнинг атрофида яхна гўштдан тортиб, қазигача хитой қоғозидек юпқа гулдор тақсимчаларга дид ва тартиб билан жойлаштирилган.

— Буюринг, азиз меҳмон, уйимизнинг тўри сизга мунтазир!— Нуқра кўйлаги этагини қўллари билан икки ёнига тортиб, гавдасига монанд кичкина бошини эгганча таъзим этди. Сўнг «момент», дея хонадан чиқди.

Даврон олиб келган коньягини шоша-пиша чўнтагидан чиқариб, девор билан диван оралиғидаги бўш жойга ўғринча кўйди-ю, тўрдаги ҳаворанг сидирга шойи сирилган стулга ўтирди.

Нуқра бир қўлида жажжигина гулдор хитойи чойнак, иккинчи қўлида шу хилдаги пиёла олиб кириб, атайин Давроннинг рўпарасида тўхтади. Даврон хушёрлик қилди. Урнидан туриб, ёнидаги стулни тортиди. Нуқра «сенкю» дея мамнун жилмайди-ю, қўлидаги чойнак-пиёлани стол четига қўйиб, этагининг орқа томонини хиёл кўтарганча, Даврон кўрсатган жойни эгаллади. Чойни қайтаргач, бир қултумгина ҳўплади. Иккинчи пиёлани, чап қўлини кўксига қўйиб, Давронга узатди.

Даврон ҳали бу мулозаматлардан ўзига келмасдан қиз унинг қўлига коньяк тўлатилган нафис гулли қадаҳ тутди.

— Малол келмаса, менга шампан қўйсангиз.

Даврон шампанское шишаси бўйнидаги зарни сидириб, стол устига қўйгач, тиқинга кафтини босганча уни авайлаб очди. Рюмкасига монанд фужерга қўйгач, ўрнидан турди.

— Дўстлигимиз абадий бўлсин, — деди-ю, қўлидаги рюмкани Нуқранинг фужери билан жиринглаб уриштирди.

— Дунёда ҳеч нарса абадий бўлмайди. Келинг, яхшиси ҳамма кунларимиз бугунгидай дилхуш ўтиши учун ичайлик!— Нуқра табасум билан ёниб турган кўзларини Давронга тикди.

— Сиз нима десангиз шу-да, — дея рюмкасини қайта уриштириб, лабига олиб борди Даврон.

Икки-уч қадаҳдан кейин Нуқра хиргойи қилиб, ўрнидан кўзгалди. Бурчакдаги курси устида ялтираб турган япон магнитофонининг клавишини босган эди, тангонинг бир маромдаги ёқимли оҳанги хонани тўлдириб янграй бошлади. Даврон Нуқранинг рўпарасига келиб тўхтади. Таъзим билан бош эгди-да, хипча белидан қучиб, музыка оҳангига стол атрофида айлантира бошлади. Коньяк сархуш этибми, ё Нуқранинг ёқимли иссиқ бадани тегиб турганидан ҳаяжонланибми Даврон ўзини тутолмади. Қўллари қалтираб кўзлари сузилди. Нуқра сергаклик билан қора сочи кулча қилиб турмакланган бошини эгиб, унинг кўзларига тикилди.

— Чарчадингизми?

Давроннинг бадани жимирлаб, Нуқранинг яланғоч елкасига бош қўйди.

Нуқра уни изза қилмади. Мулойимлик билан деди:

— Бўлмаса, қани келинг, энди мен сизни бошлай!

У елкасини бўшатиб олди-да, ўнг қўли билан Давроннинг белидан қучди. Гоҳ ўнг, гоҳ чапга нозик ҳаракатлар билан тебраниб, му-

зикага мос оёқ ташлаганча, Давронни аввал коридорга, сўнг нариги хонага бошлаб кирди-ю, чироқни ёқди. Бу хона наригисидан чоғроқ бўлса ҳам деразаларга тутилган зарбоф дарпардалар, деворга осиглик чўғдай қизил гилам, суянчиқлари ялтираб турган тўқ жигарранг каравот, креслолар олдига ташлаб қўйилган кийик териси унга бошқа-ча файз киритарди.

— Каминанинг ғарибона қироатхона-ю, хобхоналари мана шу.— Нукра дераза ёнидаги токчага остин-устин қилиб тахланган китоблар олдига бориб тўхтади. Бирпас кўз югуртириб, китоблар орасидан Бернард Шоу танланган асарларининг биринчи жилдини қўлига олди. Давронга кўз қирини ташлаб:— Қайси бир мутафаккирнинг: «Китоблар замонлар тўлқинида сузувчи ва қимматбаҳо юқини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир»,— деган сўзларини эшитгандан буён китоб йиғман, уларни жон дилим билан ўқийман. Китоб кишини фикрлашга мажбур этади. Фикрлаш— янги ғоянинг туғилиши. Шундайми?— Нукра Давроннинг ёнига келиб, унга кўз тикди.

Даврон ичидан зил кетди. «Китоб кишини фикрлашга мажбур этади», деган сўзларини ўзича талқин этди. «Ҳозиргина шахвоний туйғу васвасасига итоат этиб, олдиндан ўйлаб қўйган режаларимдан бирини ишлатдим. Қиз усталик билан рақсада ўрин алмаштириш баҳонасида мени атайлаб бу ерга бошлаб кирди. Энди эса танангга ўйлаб кўр, дегандек, фикрлашга ундаяпти». Давроннинг бошидан биров совуқ сув қуйгандек бўлди. Ерга қараб секингина:

— Тўғри айтипти мутафаккир,— деди-ю, Нукрага қарашга юраги дов бермади.

Нукра ўзининг дастлабки ҳамласидаёқ Давроннинг жўнгина таслим бўлганига ичидан кулди. Сен кенг дала бағрида йстаган томонингга тўш уриб, эркин парвоз этишга ўрганиб, ҳавойи бўлиб қолисан. Келишган сохт-сумбатинг, хушбичимлигинг билан чиройли қўйлакни ғижимлагандай мени бағрингга босмоқчи бўлдингми ҳали? Чучварани хом санабсан. Қани, барно йигит, ичинггаям разм солиб кўрай-чи». Нукра хаёлидан шу фикр ўтди-ю, қўлини оҳиста Давроннинг елкасига қўйди. Дастлабки ҳамладан эсанкираб, умидсизланиб ўтирган Давронга Нукранинг бу ҳаракати далда берди. Иккинчи усулни ишга солди. Этини жимирлатиб турган латиф бармоқлар устига қўлини қўйиб силай бошлади. Нукра Давроннинг қўлидан бармоқларини оҳиста тортиб олди-ю, ярим истехзо билан мурожаат қилди.

— Мана бу китобни ўқиганмидингиз? Машхур инглиз драматургиники.

Даврон яна ўсал бўлди. Ҳаяжондан қалтираётган қўлини китобга чўзди. Унинг кўзи олдида жимжилоқдек ҳарфлар бир-бирининг устига мингашгандай жимирлаб, муқова устидаги китоб номини ҳам ўқий олмай:

— Мен бадий китобларни ўқимайман. Кўпроқ сиёсий адабиётга қизиқаман. Чунончи, «Сиёсий иқтисод», «Давлат ва революция»...— деди дудуқланиб.

— Хафа бўлманг, бадий китоб ўқимаган киши ёмон эмас, атиги биттагина китоб ўқиган киши ёмон.— Нукра Давроннинг нозик жойидан тутди, узиб олди.

Кун бўйи келишга қанот боғлаб ўтирган Даврон энди бу ердан тезроқ чиқиб кетишга, маънавий азобдан қутулиб, соф ҳаводан кўкрагини тўлдириб нафас олишга ошиқарди. Нукра уни ҳамон сергаклик билан кузатарди. Кейин залга таклиф этди. Аммо Даврон бошини ушлаганча чуқур уҳ тортди. У ҳозир нафсониятига тегиб, раъини қайтарган Нукрадан тезроқ қочишнинг йўлини изларди.

— Бошим тўсатдан қаттиқ оғрий бошлади. Хафа бўлмасангиз, кетсам. Бошқа келаман,— дея Нукрани ишонтириш учун ихраб қўйди.

Нукра Давроннинг қўлидаги китобни олиб, ўрнига жойлагач:

— Дори берайми? — деди унга зимдан қараркан, ўзини ачинаётгандай қилиб кўрсатиб.

— Раҳмат, Нуқраҳон, дори наф қилмайди. Ҳавога чиқсам ҳали-замон ўтиб кетади.

— Майли, аммо бу келишингиз ҳисобмас. Ҳалигина дўстлигимиз абадий бўлсин, дедингиз... — Нуқра истиғно билан унга қараб шу қадар ёқимли жилмайдики, Даврон «касали»ни ҳам унутиб беихтиёр ўрнидан сапчиб турди. Нуқра олдинга икки қадам ташлаб, унга яқинлашгач, икки қўлини узатди. — Мана қўлларим. Дўстлашайлик. Унутманг, эшигим сизга доим очиқ. — Нуқра энди кулгичини кўз-кўз қилаётгандек баралла кулди. — Агар унутсангиз қулоғингиздан мана мундоқ чўзиб қўяман, — дея эркаланиб Давроннинг қулоғини беозборгина тортиб қўйди.

Давроннинг бу ҳароратли қўллар таъсиридан, латофат гулшанининг энг сара гунчаси янглиғ лаблар ҳадя этган нозли табассумдан йўқлик қаърига тушиб кетгандек кўзи тинди. Ўзини бир қадар қўлга олиб, аранг хайрлашди. Эшикдан чиққач, маст одамдай гандираклаб, ҳар қадамида икки-уч зина ҳатлаганча, пастга тушди. У анчагача ўзига келолмай қоронғи кўчаларда сандироқлаб юрди. Бошига минг хил фикр келар, аммо уларга узил-кесил жавоб топиб, нуқра қўёлмасди. Ниҳоят узоқдан троллейбус чироғи милтиллаб кўрингач, Нуқра билан бошқа учрашмасликка қарор қилиб, бекат томон чопди. Троллейбусда одам сийрак эди. Орқа ўриндиққа ўтириб, асалари уясидек ғувиллаётган бошини кафтлари орасига олиб сиқди. Тепасига келиб турган кондукторни Нуқра фараз этиб, ўрнидан турди-ю, дуррачасини пешонасининг ярмигача танғиб олган кекса аёлга кўзи тушгач, чўнтагини хижолатомуз кавлай бошлади. Кондуктор йиртиб берган билетни гижимлай туриб, дарахтларнинг сарғайган барглари орасида милтиллаётган чироқ нурига тикилди. Нуқра кўксида қизғиш товланиб турган бриллианд кўз олдига келиб, эти жимирлади. Троллейбуснинг ўнг томонидаги биринчи ўриндиққа бориб ўтирди. Яна унга Нуқра тинчлик бермади. Қулоғи остида чиройли, босиқ овози, кўз ўнгида сурати. Гўё Нуқра усталик билан бўйнига ташлаган занжир бўғин-бўғинигача чирмаб, мисли йўқ куч билан ўзига тортарди. Даврон бу куч, эртақлардаги сеҳру жодудек-қўдрат олдида ожизлигини биринчи бор пайқади. Аммо бу қўдратдан-да забардастроқ куч билан ҳам чора кўролмаслигини билмаган эди. Латиф бармоқлар, юракни қиндан суғуриб олгудек кўзлар, камонга тортилган ёй сийғари чўққи кўкраклар, чиройли қадду қомат унга аллақачон бир умрга тузоқ солганини тан олмай, ҳамон қаршилиқ кўрсатарди. Бироқ Нуқранинг жозоба қўдрати олдида Давроннинг кучи денгиздан томчи эди. Даврон Нуқра бағрига сингиб, унинг соясига айланди.

У Румияларникига бормаи қўйди. Орадан бир ойча ўтди. Нуқра билан бўлган кейинги учрашувлар Давроннинг бўйнидаги занжирни янада маҳкамроқ чирмаштиради.

Декабрнинг изғиринли кўнлари. Шамол аралаш қор учкунларди. Даврон Нуқра билан навбатдаги учрашувдан кейин ётоқхонасига эти жунжикиб қайтди-ю, эртанги семинарга тайёрланишга ҳам ҳоли келмай кўрпага ўраниб ётди. Тўсатдан эшик шиддат билан тақиллади. Даврон «киринг» дейишга улгуролмай хонага Қаҳрамон отилиб кирди. Унинг рангида қон қолмаган, созуқдан кўкарган этсиз энгаги титрар, кўзларида ўт қақнарди. У эшик олдида туриб:

— Сан бадбахт нима қилиб қўйдинг? Биласанми, нима қилиб қўйганингни? — деди-ю, нафаси тикилиб, гапиролмай қолди.

Даврон чинакамига қўрқиб кетди. Сапчиб ўрнидан туриб, шимини кийди. Хона ўртасидаги столга қўлини тираганча анграйиб қолди.

— Нима бўлди? Мундоқ одамга ўхшаб, ўтириб гапирсанг-чи! — Ниҳоят ўзини қўлга олиб, одатича баланддан келди.

— Ҳо, сан одамга ўхшаб, ман одамга ўхшамай қолдимми? Марг

сандай одамга! Кимнинг жонига қасд қилганингни биласанми? У бир малак, фаришта! Сан-чи?..

Даврон Қаҳрамоннинг сўзини оғзидан олди.

— Қани, оғиргина ўтириб, манга гапларингнинг мағзини тушунтир-чи. Нима бўлди? Кимнинг жонига қасд қилибман?— У стулни суртиб, Қаҳрамонга ўтиришни ишора қилди.

Қаҳрамон стулни шарақлатиб четга сўрди. Давроннинг рўпарасига келиб тўхтади.

— Ҳозир Румияни ўлим ҳолатида балнисага олиб бордим...— У юзини дераза томон бурди.

— Нима?

Қаҳрамон Давронга бир ўқрайди-ю, қалтироқ овозда деди:

— Ўқи паррон! Нима деб сўрашини қаранг!

— Сен Румияни яхши кўрармидинг? Нега менга олдин айтмадинг?

— Марг сандай олифтага. Санга хайф севги. Севги деб лоф урасан-у, каллангда ифлослик!— Қаҳрамон сен ҳам одаммисан дегандек бош чайқаб туриб, ҳамон ҳаяжонли оҳангда сўзини давом эттирди.— Яхши кўришини киши айтмайди, амалда исбот қилади. Нима, оламга жар солишим керак эдимиз?

Давроннинг боши эгилди. Бу унинг таслим бўлганини ифодаларди. Ҳали ҳеч ким олдида бу қадар лол қолмаган эди у. Лом-мим деёлмай каравотига бориб ўтирди-ю, икки чаккасини ўнг қўли панжалари орасига олиб сиқиб, жим қолди. У қанча ўтирганини билмайди. Очiq қолган эшикдан гувиллаб кираётган совуқ уни ўзига келтирди, зилзамбил гавдасини ўрнидан базўр қўзғатди.

Орадан яна бир ойлар ўтгач, Қаҳрамоннинг олдига борди. Тиз чўкиб, узр сўради.

Қаҳрамоннинг табиати юмшоқ. Олдида тиз чўкиб турган одамни кўрса чидаб туролмайди. Барча гиналарини унутди. Давронни қўлтиридан кўтариб турғизди. Нима дейишини билмай, ниҳоят:

— Сен Румия кечирармикин?...— деди-ю, хонадан чиқиб кетди.

Даврон шу топда Румия олдида ҳам тиз чўкишга тайёр эди. Румия буни қандай қабул қиларкин? «Нима дейман?— хаёлидан кечирди Даврон.— Аблаҳман, мени кечиринг, дейманми? Юзимга тупуриб, бурилиб кетса-чи?»

Румия билан учрашишга Давроннинг юраги дов бермади. У Румияни кўрганда қочиб юрди. Аммо бир гал гафлатда қолди. Институт муюлишига еганида тўсатдан рўпарасидан Румия чиқиб қолди. Даврон довдираб орқасига қайтмоқчи бўлди. Бироқ улгуролмади. Румия қаршисига туриб қолди. Яна ҳам гўзаллашти. Совуқдан қизарган юзи тиниқ. Қулоғида Даврон уни биринчи бор кўрганидаги ўша ёқут кўзли сирға. Румия кўзларини пирпиратиб:

— Ассалому алайкум, Даврон ақа, тузукмисиз? Кўринмайсиз?— деди. ичидан келган қалтироқни аранг босиб, оёйишталик билан вазиятини сира ўзгартirmай.

Давроннинг қулоғигача қизарди. Чурқ этмай ерга қаради.

— Сизда ҳам уят бор экан-у!— Румия Давронга заҳархандалик билан қараб, «садқай одам кет» дегандай бош чайқаб:— Кечирасиз, университетга шошилаётганим,— деди-ю, бурилиб кетди.

Даврон ҳамон кўшинининг боғига ўғирликка тушиб, қўлга тушган боладай саррайиб турарди...

Машина Шаҳристондаги янги микрорайоннинг кенг кўчаларидан бурилиб, чеккадаги тўрт қаватли бино олдида тўхтагач, Даврон бошини кўтарди. Машинадан тушиб, бино бурчагидаги учинчи қават ойналарига разм солди. Шойи дарпарда ортида чироқ кўринди. Даврон шошилмай зиналардан кўтарилди.

Нуқра ўқишни битирадиган йили бобосига телефон қилиб: «Уйни сотаман», деганида бобоси хириллаган товушда: «Сотдинг — кул қилдинг, олдинг — пул қилдинг», қизим. Мулкни қўлдан кетқизиш — телбалар иши. Яхшиси Шаҳристонга алмаштир»— деган эди. Бобоси-

нинг маслаҳати билан Нуқра Тошкентдаги уйини, интуристда ишлаши кераклигини билгани учун, ўшанга яқин жойдаги уч хонали кооперативга алмаштирди. Нуқра асосан бобосиникида турса-да, ишдан кеч қолганида ёки Даврон «келаман» деб телефон қилганида шу уйда қоларди. Бугун ҳам негадир ишда иверсиб, қоронғи чўкканини сезмади. Эски ҳовлига боришдан эриниб, шу ёққа кела қолган эди. Давроннинг келишини кутмаганди. Бирда бобосининг гапларини айтганда, Даврон хафа бўлиб, қайтиб телефон қилмаганди. Ошхонага кириб, қайнаб турган човгунни энди кўтарган эди, қўнғироқ жиринглади. Нуқра човгунни жойига қўйиб ўйлади: «Ким бўлди экан?..» Халати барини тортди. Тугмаларини қадаб, бориб эшикни очди. Давронни кўрди-ю, жилмайганча бўйнига осилди.

— Шунчалар соғинтирасизми, золим?— Нуқра эркаланиб, қўлларини унинг бўйнидан олмай юзларидан ўпди, сочларини силади.

Даврон уни бағрига босганча бўйинларини ҳидлади, қошларидан ўпа туриб:

— Ўзингиз айтдингиз-у,— дебгина улгурди.

Нуқра латиф бармоқларини унинг лабларига босди. Аразлаган оҳангда:

— Хотинларнинг гапида субут бўлармиди,— деди истиғно билан.

У кейинги сўзини шу қадар мулойим ва карашма билан чўзиб айтдики, Даврон ўзини тутолмай энтикканча Нуқранинг йилтираб турган дудоғига лаб босди.

— Идорада уззукун сизни ўйлаб, телефонга қадалиб ўтирувдим. Қандай яхши бўлди келганингиз. Қани, ичкарига, ҳориган кўринасиз, мен ҳозир чой дамлаб кираман.

Орадан ўн йил ўтган бўлса ҳам Нуқранинг ҳусну латофати сира ўзгармаган. Тўлишган қадди қомати уни янада зебороқ қилиб кўрсатарди. Даврон эшикдан чойнак кўтариб кирган Нуқранинг билинар-билинемас тукли, чиройли оёқларига тикилиб хўрсинди. Нуқра чойнакни чорқирра стол ўстидаги қизил духобадан маҳсус тикилган ёстиқчага қўйди. Давроннинг тиззасига ўтириб, бўйнидан қучди.

— Соғиндингизми?

Даврон унинг халати тугмаларини ечди. Қўлини Нуқранинг хипча белига чирмаштириб, кўксига тегиб турган таранг сийнасидан ҳирс билан ўпди. Юзлари билан суйканди. Нуқра унинг сочларини силай туриб, нозланди:

— Оҳ... ўлдирасиз-ку мани, жо-он!..

Хобхонадан кайфи чоғ чиққан Даврон оёқларини чалиштирганча диванга ўтириб, Нуқрага ёнидан жой кўрсатди.

— Эرتак айтайми?

Нуқра таажжубдан катта очилган кўзларини Давронга қадади. Узун қора киприкларини пирпиратганча бош қимирлатди.

Даврон яхшилаб ўрнашиб олди. Нуқранинг бўйнидан қучиб, уни ўзига қаратди. Мулойим овозда эртак бошлади:

— Бир бор экан, бир йўқ экан, тулки баковул экан, бўри ясавул, Шаҳристон азимда ҳусну жамолда етти иқлимга донғи кетган бир малика яшар экан. Маликанинг меҳрибон бобосидан бўлак дунёда ҳеч кими йўқ экан. Малика ҳам бобосини жон-дилдан севар экан. У яна бир саҳройи йигитни яхши кўрар экан. Бу саҳройи йигит жон зорини қилсаям бобоси маликасини унга беришга кўнмас экан. Қунлардан бир куни йигит Шаҳристонга келса малика отланиб ўтирганмиш. Иккаласи дулдул отда қишлоққа қочишипти-ю, мурод-мақсадларига етишипти.

— Энди мани эртагимни тингланг, хайми?

— Қани?

— Бир бор экан, бир йўқ экан...— Нуқра ўйланиб қолди.— Тулки-ю, бўрсини ташлаб кетаман, майлими? Сиз айтдингиз-ку!

Даврон бош қимирлатиб маъқул ишорасини қилди. Нуқра эртагини давом эттирди.

— Шаҳристондек қадимий бир шаҳарда шаҳзода бор экан. Шаҳзода шу шаҳарнинг ғариб бир қизини яхши кўраркан. Қиз жониниям беришга тайёр экан-у, лекин шаҳзодага турмушга чиқолмасакан. Шаҳзода бир куни жаҳл билан келиб: «бугун ҳам шартимга кўнмасанг, менч бошқа кўрмайсан» депти. Қиз гулзор ёнида ўтирган экан. Кўз ёши дарё бўлиб оқипти. Шаҳзода мундоқ қараса севгилисининг кўз ёши тўкилган ердан атиргул униб чиқипти-ю, бирпасда ғунчалапти. Ғунча шаҳзода кўзи олдида очилиб, косадай қизил гулга айланипти. Қиз кўз ёшларини артипти-ю, гулни узиб, шаҳзодага узатибди. Менинг севимли шаҳзодам, бу юрак қонимдан битган гул. Оҳим қулдоғингизга етганда, шу гулни ҳидланг, депти. Шаҳзода йиғлаб, қизнинг оёқларига бош урипти. Юрак қонингни кўришга тоқатим йўқ. Сенинг ойдай лафофатли юзинг — менга гул бўлсин. Сен юрак қонингни тўкма. Майли, шартингга кўндим. Турмуш қурмасак ҳам бир умр севгиси сира битмас-туганмас ошиқу маъшуқа бўлиб яшайлик, деган экан. Шу билан улар мурод-мақсадларига етишган экан.

Даврон индамай ўрнидан туриб дераза олдига борди, Нуқрага порози қиёфада қаради.

— Эртақчингиз золим экан, — деди тўсатдан.

— Ҳо, ўзингизники-чи? Тўқсонга яқинлашган бобосини ташлаб кетарканми яккаю ягона назира. — Нуқра ўпқаланиб, юзини бурди.

— Ахир, ўйлаб кўринг, Нуқраҳон! Ёшим бир ерга етди. Ман тенгиларнинг уч-тўрттадан фарзанди бор. Қачонгача сўққабош бўлиб юраман?!

— Нега сўққабош бўларкансиз. — Нуқра ўрнидан турди. Бориб Давроннинг бўйнига осилди. — Ман-чи?

Даврон юмшаб, иссиқ бадани тегиб турган Нуқранинг кўзларидан ўпди. Ёстиқча устидаги чойнақдан пиёлага чой қуйиб, ичди-ю, соатига қаради.

— Майли, — деди чехрасига табассум ёйилиб. — Сизни енгиб бўларканми ўзи?

Нуқра унинг елкасидан қучиб, эркаланди. Қўлларини олиб, ўпди.

— Ман бир умр сизникиман, жо-он! Кўнглингизга бошқа гап келмасин. Борақолинг энди, кеч бўлди. Хавотир олиб ўтираман.

Даврон хайрлашиб, кўчага чиққанда соат ўнда ошган эди. Машинанинг орқа ўриндиғига ўтирди-ю, бошини суянчиққа ташлади. Нуқра билан ўтказган ширин онлардан лаззатлангандек тамшаниб, кетидан чуқур хўрсинди.

Дарвозани ўзининг калити билан очиб, ҳовлига кирганда, Истат биби оғилхонадан чиқиб келаётган эди.

— Вой болам, қаёқларда тентираб юрибсан. Сани Ибодов сўроқлаб келдилар. Ваҳобов Очил бовоникига кириб, сани йўқлаган эканла.

Даврон бўшашибгина: «Шаҳарга кетувдим», деди-ю, хомуш ҳолда айвондан хонасига ўтди. Изма-из дастурхон кўтариб кирган Истат бибини қайтарди, ечиниб, чироқни ўчирди-ю, ўринга чўзилди. Кўзига уйқу келмади. Хаёли ҳамон Нуқра билан банд эди. Бироқ зум ўтмай, юрагига ғулғула тушди. Онасидан эшитган гапдан ғашланиб, ўнг ёнбошига ағдарилди. Ниҳоят дераза ойнасидан милтиллаб кўринаётган юлдузларга қараб ётиб ухлаб қолди.

Ўн биринчи боб

Секретарь қиз кириб, соат учда бюро бўлишини айтганда, Зулфиддинов таажжубдан тарадудланиб, нима масала кўрилишини ҳам сўрашга улгуролмади. Қўнғироқ тугмачасини босиб, ўйланиб қолди. Секретарь эшикни очди-ю, думалоқ қора кўзларини Зулфиддиновдан узмай, «хизмат» дегандай тикилиб қолди.

— Нима масала кўриларкан, уни бу?

— Абдукарим Ваҳобович айтмаяптилар, Мустафо Зулфиддинович. Кабинетларида бўларкан бюро.

Зулфиддинов ўйчан кўзларини сиёсий адабиётлар тартиб билан терилган китоб жавонидан узмай, «бўшсиз» деган маънода бош қимирлатди. Эричқоқлик билан ўрнидан турди-ю, буй-баста билан қотирилган Шаҳристон жайронининг ёнидаги яшил креслога бориб ўтирди. Ичини бир нарса таталаётгандек бўлди. Оппоқ кенг манглайи тиришиб, ингичка қора қошларини бирлаштирди. Жайронининг тирикдек боқаётган йирик кўзларини силаб туриб, хаёлга чўмди. Бюро бўлишини биринчининг ўзи шахсан айтмаганиданми, кейинги пайтларда, назарида, унга эътибор бермай қўйганиданми — ҳар хил андишаларга борди. Бошда: «Қимдир мени биринчига ёмонлаган» деган гумонда «душманлар» ҳисоблаб юрган одамларни бармоқ букиб, ~~номма-ном~~ санай бошлади. Бош ва кўрсаткич бармоқлари билан гўштдор энгагици силаб туриб, бу тахминини эҳтимолдан узоқ дея четга сурди. «Йўқ, ҳали булар биринчига ийманмай сир айтиш даражасига етганлари йўқ. Наҳотки иш борасида бирон нарсдан гумонсираётган бўлса? Асос йўқ, шекилли. Ахир бундан атиғи икки йил олдин мени шу лавозимга Марказком бюросида тасдиқлаётганларида, Марказком иккинчи секретарининг шахсан ўзи: «Зулфиддиновдай ишчан раҳбарлар бизнинг таянчимиз бўлиши керак», деган эди. Ҳазил гапми бу? Марказком бюросида-я! Тағин шундай катта партия раҳбар ходимининг баҳоси!» «Иш масаласида менга таъна қилиш? Йўқ. Бўлиши мумкин эмас. Вақти келиб чорва аҳволидан хабар олиш учун отарма-отар тентираб юрган кезларимда оёғимдаги брезент этик ҳафталаб ечилмайди. Машина кабинасида икки соатгина мизғиб кетаверган пайтларим ҳам бўлган». Зулфиддинов областга раҳбарлар келганда, секретарларнинг иш кийимига зимдан разм солишларини сезиб, костюминини кителу галифе шимга алмаштирди. Оёғига оч-яшил ранг брезент этик кийиб олди. Шу-шу ёзин-қшин бу кийимни ташламас, ҳатто бир-икки Марказком пленумига ҳам шу кийимда борди. Сирасини айтганда, у ишини яхши билади. Ўзига боғлиқ масалаларни пайсалга солмай шахсан ҳал этиш, зиммасига юклатилган соҳани астойдил ўрганиб, икир-чикирларигача суриштириш одати бор. Аммо ҳаммаша эътибор беришларини, маслаҳатлашиб фикр сўрашларини, у билан ҳисоблашишларини истайди. Ҳар нарсани кўнглига яқин олиши шундан бўлса керак. Арзимаган икир-чикирларга диққати ошиб, ёнидагиларни хун қилади. Улгудек инжиқ. Ўзига келганда эса, қиладиган ишини олдиндан маслаҳатлашиб, келишиб олишни ёқтирмайди. Майлига қўйса, топширилган соҳага шахсан жавобгарман, ҳеч ким, ҳатто биринчи ҳам аралашмасин, дейишданам тоймайди. Хонаси келганда, буни бошқаларга уқтириб қўйишни унутмайди. «Чорва масаласини қўйиб беринглар, қўй туёғи ортидан юравериб, қумалоғини санаб сочлар оқарди-ку! Ветеринария фанлари доктори илмий даражасини берганлар ҳам ўйлашгандир!». Хуллас, ўзига ҳаддан зиёд ишонган Зулфиддинов ишда хатога йўл қўйиши мумкинлигини тасаввур ҳам этмайди.

Зулфиддинов пешонасини ишқалаганча дераза олдига бориб, кўчага қаради. Ун иккинчи қаватдан ердаги одамлар, назарида, жуда майда, барглари сарғайган, дарахтларнинг буй-баста ҳам катта сада райҳонлардек ихчам кўринди. Уткинчилар унга қараб: «Бизнинг тақдиримиз сизнинг қўлингизда, ўзингизни бардам тутинг, ўртоқ Зулфиддинов», деб бош қимирлатаётгандай бўлди. Зулфиддинов терисига сиғмай, кўнгли тоғдай кўтарилди. Виқор билан иш столига келиб ўтирди. Қилаётган ишдан ғурурланиш ҳиссиёти билан тўлиб-тошиб, ширин орзу-умидлар қанотида не ёқларга парвоз этмади. Гоҳ Марказком секретари у билан шахсан гаплашишга шайлангандай курсидаги қатор телефонларга қараб қўяр, гоҳ ўзини секретарь лавозимида кўрар, катта хизматлари учун берилган юксак мукофот муносабати билан сурати, марказий матбуотда босилгандай газеталарга кўз ташлар-

ди. Ниҳоят фавқуллода иш билан шошилини Москвага чақирилаётган-дек ўрнидан турди. Яна жайрон ёнидаги креслога бориб чўкди. Ҳаётида қандайдир ўзгариш рўй бераётгандай юраги ҳовлиқди. Китоб жавони олдига бориб, «Қўйчилик — сердаромад манба» деган брошюрасини олди. Брошюрани варақлаб, ундан-мундан чўкилаб ўқиди-да, сўнг жайрон устига қўйиб, қатъий қарорга келди. «Йўқ, иш масаласида биринчи мени туртиб бўпти. Ундан кам жойим борми! — Норози қиёфадаги Зулфиддиновнинг бодом қовоқлари остидаги қисқ кўзлари юмилаёзди. — Чинданам нима кам ундан? У фан кандидати. Мен эса — доктор! Яхши мутахассис. Уч йил райком котиби бўлганимда хўжаликлар жами соҳалар бўйича план-топшириқларини зиёдаси билан бажарди. Мана, бу лавозимда ҳам чакки ишлаётганим йўқ. Нега энди бемалол уддалаб кетадиган маҳаллий кадрлар бўлатуриб, биринчини, албатта, бошқа областдан олиб келишлари керак? — Зулфиддинов ерга ёзилган гилам пойандоз устидан оҳиста одимлаб бош чайқади. Хотирасига бир нарса келгандай тўхтади. — Шошма, кунни кеча Марказком бўлим мудирини телефон қилиб, областда тажриба учун икки-учта ихтисослаштирилган қоракўлчилик совхозлари ташкил этишни шахсан менга тавсия этди. Бу ишни, ҳойнаҳой, ўзича қилмаётгандир. Марказком секретарларидан биронтаси: «Шахсан ўртоқ Зулфиддиновга тавсия этилсин!» — деб тайинлаган. — Зулфиддиновнинг тунд чёҳраси ёришди. Хийла осилиб қолган бағбақасини силай туриб, бугун эрталабданоқ топшириқни бажаришга киришмагани учун ўзини койди. — Э, бефаҳму бефаросат, калла, — у яккам-дуккам оқ оралаган чўзинчоқ бошига уриб қўйди, — сени синамоқ ниятида махсус топшириқ беришаётган бўлмасин тағин. Ҳа, ҳа, бўлмаса биринчига айтмай нега менга айтишди бу таклифни. Биронта бошқа областга биринчи қилиб юборишни мўлжаллаётган бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Демак, биринчи билан алоқани мустаҳкамлаб, мураса-ю мадорани ўрнига қўйишим даркор. Раҳбарларга у-бу деб ёмонламаслиги учун. Зулфиддинов тамоман хотиржам бўлди. Ҳатто хуш кўрадигани «Воҳай бола»ни хиргойи қилиб, жойига келиб ўтирди-ю, қалин остки лабини юқори тишларига ишқалаганча, ўйланиб қолди. — Қизиқ, ҳарҳолда билишим керак. Биринчи қандай фикрда экан мен тўғримда? — У сочларини бармоқлари орасига олиб тараётиб, мийиғида кулди. — Пўттиевга телефон қиламан. Бу қари тулкиям ичидан пишган. Ундан гап олишдан бигиз билан ер ҳайдаш осонроқ. Аммо тухуми оғзига тикилганда, ман билан дардлашади. Кейинги кунларда эса негадир биринчи уни бот-бот чақирадиган бўлди. Кеча кечқурун ҳам алла-маҳалгача биринчининг кабинетидан чиқмади. Улар, мен тўғримда гапиришган бўлишса-ю, айтмаса Пўттиев. Ундан нима кетди». Зулфиддинов трубкани кўтариб, шошилмай, керакли номерни терди.

— Алло, салом, Садри Пўттиевич! Қалай, соғлиқлар дурустми, уни бу? Раҳмат... Ҳа, ҳа, ўзимда бўламан, уни бу... Бормоқчи эдим дейсизми? Марҳамат! Хўп, хўп. Яхши...

Трубкани қўйди. «Ўзи келишга чоғланиб тургани айни муддао бўлди. — Кўнглидан ўтказди Зулфиддинов. — Одамларга ишониб бўлмайди. Сен билан гаплашиб туриб, орқанга ўтиб, афтини буриштиради. Ҳар каллада бир хаёл. Бировга яқинлашишдан олдин ундан тегадиган нафни чўтлайди. Ажабо, наҳотки шу қадар тубанлашиб кетган бўлсак?! Ҳарҳолда эҳтиёт яхши. От ҳам синалмаган йўлда қоқилади. — Зулфиддинов телефондан кўз узмай ўйланиб қолди. — Пўттиев нега олдимга келмоқчи бўлди экан? Наҳотки кеча кечқурун мен тўғримда бирон гап эшитиб, ўз оёғи билан келишни ихтиёр этган бўлса? Нега? Борди-ю, биринчи билан улар орасида шундай гап бўлган дейлик. Хўш, унда Пўттиевга менинг нима керагим бор? Ё биринчи: «Зулфиддиновдан кўз-қулоқ бўлинг, мени хабардор этиб турасиз», деганмикан? Унда Пўттиев ҳозиргидек йўл тутмаслиги керак эди-ю! Ўзим телефон қилганимга бирон нарса сездимикан?»..

Эшик очилиб, секретарь қиз кўринди.

— Садри Пўттиевич ижозат сўраяптилар.

— Ҳа, ҳа, айтинг, кирсинлар.

Зулфиддинов назарида Пўттиевнинг шашти пастроқ кўринди. Одатда кўришган заҳотиёқ ҳасратидан чанг чиқиб: «Одамларгаям ҳайронман. Уйдаям, идорадаям бир гиром тинчлик йўқ уларнинг дастидан, телефон жиринглагани жиринглаган. «Жон ака, бир кубгина сув беринг, хизматингиз ерда қолмайди!» Иби, ман сув худосимидимки, қўлимни кўтаришим билан тоғу тошлар шаршарасини очиб юборса! Қачон битаркан бу ишлар, жўра?» деб нолирди муштдек бошини сарак-сарак қилиб. Ана шунда икки оғиз мақтаб қўйсангиз борми, қулфи дили очилиб, жонў жаҳонини берарди. Ҳозир эса...»

— Салом, ўртоқ Зулфиддинов!— Пўттиев расмий оҳангда кўришгач, Зулфиддиновнинг иш столига узунасига тақалган столча ёнидаги креслолардан бирига ҳорғин гавдасини ташлади-ю, нимадан гап бошлашни чамалаётгандай энгагини бош ва кўрсаткич бармоқлари орасига олиб турта бошлади. Зулфиддинов унинг диққати ҳаддан зиёд ошгандагина шундай қилишини биларди. Савол назари билан қараб туриб:

— Баҳай, Садри Пўттиевич? Нима бўлди, уни бу? Ғурбатга ботибсиз-ку!— деди кулиб, бемалолроқ гапиришга туртки бергандай.

— Э, дунёни ишларига гарангсан одам! Жону жаҳонингни кўйдуриб кечаю кундуз меҳнат қилганнинг бошига калтак синаркан ўзи...

Инсон табиати қизиқ. Ҳамма ўзини бошқаларга нисбатан кўпроқ ва астойдил ишляпти деб ўйлайди. Ҳеч ким шахсини бировдан кам деб ҳисобламайди.

Зулфиддинов ичида кулди. «Оббо тулки-ей, мандан гап олмоқчи-сан-ку, чоғи?». Ҳолатини сездирмай, Пўттиевнинг сўзларига алоҳида диққат қилаётгандек тирсакларини столга тираганча қошларини чимирди.

— Нима бўлди ўзи? Тинчликми?

— Нима бўларди, сув жанжали-да! Амударёдан икки юз йигирма беш куб сув олиб берасан, деб икки оёқларини тираб туриптиларда Абдукарим Ваҳобович! Хў, ака, мундоқ қилишга ҳаққимиз йўқ, деб жон кўйдириб, лойиҳани очиб кўрсатсамам, ишонмайдилар! Ҳай, сувни кўпайтирдим, нима бўлса бўлар деб. Энди янги канал лойиҳасини тузасан-дейдилар. Бу ёқда Шўркўл, Тўдакўлни сув омборига айлан-тирмоқчилар.

Пўттиев қўлларини столдан олиб бош чайқади.

— Минг йиллардан буён бу партов кўлларга шўр сув йиғиллавериб, вужуди тузга айланган-ку! Уларга қандай қилиб сув қўярканлар? Бир дарё сувам етмайди-ку!

— Ҳамма бало шунда-да!

— Ётиғи билан тушунтирмайсизми?

— Тушунтирмай ўлибманми! Айтган билан наф чиқмаяпти-да! Бо устига ҳам канал, ҳам сув омборига мунча пулни ким ажратади бизларга йилнинг ўртасида. Буниям айтдим.

— Хўш, нима дейдилар?

— Сув хўжалиги министрлигига айтинг бунини, деб гапни кесдилар.

Зулфиддинов ўйланиб қолди. «Демак, биринчи ички имкониятларни ишга солмоқчи. Техника, қурилиш материаллари, одамларни планли объектлардан олмоқчи. У ердаги зарур ишларни тўхтатиб, ўз ғоясини амалга оширмоқчи. Сих куйсаям, кабоб куймасин... Қизиқ, қайси юрак билан бу ишга қўл уряпти экан? Ахир, бу бориб турган тартиббузарлик-ку!» Зулфиддинов дилидагини Пўттиевга айтгиси келмади. Сувнинг оқимига қараб иш тутишни хаёлига тугди-ю, сўради:

— Хўп, министрликка телефон қилмадингизми?

— Э, телефон қилганимгаям минг пушаймонман. «Бир тийин йўқ. Сизни кўз-қулоғимиз деб қўйганмиз областга. Йўқ деб турасиз,

вассалом», деди ўртоқ Жавлон Мардиев. Суву оташ ўртасидаман. Нима қилишга ҳайронман.

Пўттиев ҳамон энгагини туртиб, нажот тилагандек кўз узмай Зулфиддиновга тикилиб қолди.

Зулфиддинов биринчи қилаётган ишларга анчадан буюн зимдан разм соларди. Қўрилаётган тадбирлар область экономикасини беқиёс кўтаради, албатта. Бунга шубҳа йўқ. Бир чеккаси шу режалар ўзининг хаёлига келмаганидан алам қилган пайглари ҳам бўлган. Аммо ғайриқонуний йўл билан ҳаракат қилиш зарурати туғилиши мумкинлигини ўйлаб хотиржамланди. Бошини ўз ихтиёри билан болта остига қўйиб, таваккал қилишни тентаклик санади ўзича. Маълум вақтгача бетараф туриб, аралашмасликни афзал кўрди. Пўттиевни тинчлантиргандай бўлиб, хаёлида тузиб қўйган режасини амалга оширишга тиришди. Буни сездирмаслик учун арқонни узунроқ ташлади.

— Сиз кўпни кўрган, ҳаммамизга устоз одамсиз, Садр Пўттиевич. Раҳбарга бўйсунуш — вазифамиз, партиявий бурчимиз. Анархияга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Бу билан раҳбар нима деса, кўр-кўрона эргашаверайлик, демоқчи эмасман, албатта.— Зулфиддинов Пўттиевга зимдан разм солди. Гаплари ижобий таъсир кўрсатаётганига имони комил бўлгач, тинч оқар дарёдек осойишта давом эттирди.— Абдукарим Ваҳобович тадбиркор, уддабурон раҳбар. Яхшиям партия бахтимизга шу одамни юборди бизга. У кишининг кўз-қулоқлари бўлиб ишлашимиз керак. Шунисиям борки, у киши одамларнинг жон куйдириб айтган ҳар бир фойдали, тўғри фикрини эътиборсиз қолдирмайдилар. Буни мендан бурун ўзингизам сезаётгандирсиз. Доим биргасиз-ку!— Зулфиддинов усталик билан гап оқимини ўзининг тегирмонига бурди. Атайин фикрини тўплаётган киши бўлиб, ўйланиб олди-да, Пўттиевнинг қўлига қўл солди.— У киши сизни: «Ишчан одам экан», деб мақтайдилар.— Зулфиддинов сездирмай Пўттиевга кўз қирини ташлади.

Пўттиев қўлини энгагидан олиб, креслога яхшилаб ўрнашиб олгач:

— Бу ёқда сиз ҳам гапириб турсангиз керак-да!— деди мамнун жилмайиб.

— Албатта, биз сиздай ишчан одамларга таянишимиз керак.— Зулфиддинов Марказком иккинчи секретарининг ўзи ҳақида айтган гапларини қайтариб, елкасини виқор билан кресло суянчиғига ташлади.

— Раҳмат, Мустафо Зулфиддинович, биз ҳам сизнинг тўғрингизда дилга хуш ёқадиган гап эшитсак, албатта етказиб, хонаси келганда ўзимизам фикримизни билдирамиз. Қарс икки қўлдан-да!

Зулфиддинов юзига жиддий тус берди. «Сенинг садақанга зор эмасман», дегандай тундлашган чеҳрасини Пўттиевдан яширмади. Кемаси мақсад маррасига етганини пайқаб, қўлидаги олтин занжирли соатига намоийшкорона қараб қўйди.

Пўттиев ҳаддидан ошганини фаҳмлади шекилли. Бир-икки томоқ қириб, қўлини кўксига қўйганча ўрнидан турди.

— Вақтингизни олмай, Мустафо Зулфиддинович, бюрогаям тайёрлансангиз керак.

Зулфиддинов Пўттиевнинг ўзи унга яхши баҳона топиб берганидан кўнгли равшан тортиб, юзига сохта табассум югуртирди.

— Кўпни кўрган одамсиз, деб бекорга айтмадим-ку боя,— деб ўрнидан турди. Пўттиевнинг ёпиқ бюродан хабардорлигидан таажжубланиб, шунчаки омади гап келгандай сўради:— Сизниям чақириндими?

— Ҳа, бюро вақтида қабулхонада бўларкансиз, дейишди.

Зулфиддинов бир кўнгли кўриладиган масаланиям сўрамоқчи бўлди-ю, Пўттиев ичида кўлмасин деб фикридан қайтди. Сўнг Пўттиевга яқинлашиб, қўл узатди.

— Яхши, Садр Пўттиевич, саломат бўлинг!

Пўттиев қора дермантин сирилган эшикни ёпгач, Зулфиддинов кўнғироқ тугмачасини босди.

— Эшитаман, Мустафо Зулфиддинович!

— Менга Варахша райкомининг биринчи секретари Ҳамро Ибодовни чақиртирсангиз. Соат бешга етиб келсин.

— Яхши, Мустафо Зулфиддинович!

Зулфиддинов партия ишини ташкил қилиш бўлиmidан олиб кириб беришган хатни ўқий бошлади.

* * *

Бюро белгиланган вақтда бошланди. Абдукарим Ваҳобович иш столи устидаги қоғозларни олиб, бюро аъзолари ўрнашиб олган узун столнинг тўрига қўйилган стулга ўтирди-ю, ҳамма йиғилганини кўргач, ўрнидан турди. У анча ҳорғин кўринарди. Амударёдан бир оз ошириб олинаётган сув ҳам вазиятни тубдан ўзгартирмаётгани, зудлик билан сувни кўпайтириш ва уни бир меъёрга сақлаб қолиш чораларини кўриш зарур эди. Ваҳобовнинг шу мақсадда бошлаган иши эса, ҳар қадамда қаршиликка учраётгани уни ҳолдан тойдираётган эди. Милклари шамоллаган одамникидек қизарган кўзлари атрофидаги майда ажинлар чехрасини тундлаштириб, кейинги ҳафталадаги уйқусиз, машаққатли дамларидан далолат берарди. Қошларини чимирганча столдаги қоғозлардан бирига тўжилиб қолди. Бармоқлари билинар-билинимас титрарди.

— Уртоқлар, — деди ниҳоят бюро аъзоларига яна бир қараб олгач. — Областа сув танқислиги қанчалик жиддий тус олиб бораётгани ҳеч биримизга сир эмас. Яқиндагина кўнғилсиз ҳодисанинг бюрода кўрилиши ҳаммамизни бирдай ҳам ўйлантириб, ҳам ташвишлантириб қўйди. Зудлик билан бу ишнинг олдини олмасак, эртага колхозлар, совхозлар, районлар ўртасидаям сув таллашиб, худди шундай воқеа содир бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Сувсизлик офати бу ёқда область экономикасини чўктириб юборяпти. Ғўзалар айни яйраб, гуркирайдиган саратон палласида сувдан қоляпти. Ҳосили кечикаяпти. Сарғайиб, ер бағирлаб ётипти. Озуқа йўқлигидан чорва-мизга қирон келяпти. Яйловлардаги ўт-ўланлар қуёш жазирамасида қовжираб ётипти. Суғориладиган ерларимизда озуқабоп экинлар экиш ҳақида ўйлашимиз керак. Бу ишни йўлга қўймагунча чорвани тузатиб бўлмайди. Бу ёқда гўшт етиштириш плани ўлда-жўлда. Одамларнинг кайфияти яхши эмас. Томорқаси қақраб ётипти. Шаҳристон — азалдан шўрхок. Ҳар йили етти миллион тонна тузни ердан ювиб чиқаршимиз керак. Ваҳолонки, ердаги мавжуд тузни ювиш ўрнига янги туз қўшяпмиз. Саноат корхоналари, аҳоли сувсизликдан қанчалик қийналаётганини гапирмай қўя қолайлик. Бунга ҳаммаларингиз кўриб турибсизлар. Бу йилни амаллаб яқунлармиз. Мана, Амударёдан олинаётган сувни эллик кубга оширдик. Хўш, эртага нима қиламиз? Ҳадемай ерларга яхоб суви бериш палласи бошланади. Шўрни ювиш турипти олдимизда. Қачонгача бригада бошлиғи-ю, раису райком секретарини сув қидиртириб сарсону саргардон қиламиз. Дехқоннинг иши унумли бўлсин десак, ўғити борми, суви борми, техникаси борми — ҳаммасини етказиб беришимиз керак. Бу — бизнинг вазифамиз. Хўш, қиялпимизи шу ишларни? — Абдукарим Ваҳобович қўлидаги қоғозни асабий ҳолда столга ташлаб, ўтирганларга савол назари билан тикилди. Гўё хона кимсасиз қолгандек жимлик чўкди. Утирганлар олдиларидаги қоғозларга қараб, сукут сақлашарди.

— Жуда тўғри, Абдукарим Ваҳобович. Вазият сиз айтганингиздан ҳам вазминроқ. — Жумаевнинг бўғиқ овози жимликни бузди.

— Вазият вазмин, деб қараб ўтираверамизми? Ё биз учун ҳамма ишни Марказком қилиб беради деб кутиб ўтиришимиз керакми? — Ваҳобовнинг юзига қон югурди. Чакка томирлари бўртиб, лўқилдай бошлади. — Ҳаммамиз биргалашиб бугунги ишларга ўралашиб юраверсак, Шаҳристоннинг истиқболи нима бўлади? Келажак авлод олди-

да ким жавоб беради? Партия биз билан, сизни бошқалардан ортиқсан, шоҳу бутонинг бор деб сайлаб қўйгани йўқ вазифаларимизга. Амални даврини сурсин деб ҳам бермайди давлат.— Ваҳобов нафас ростлаб, ўтирганларга узр сўрагандек бир-бир қараб олди-ю, сўзини осойиштароқ давом эттирди.— Мени кечирасизлар, қизишиб кетдим. Аммо вазият шунга мажбур қилипти. Варахша сувсизликдан ночор аҳволда. Рўпарасида Жондорнинг ерлари бир умр нам кўрмай, шўри елкасига чиқиб, оқариб ётипти. Гуж-гуж одам, қиладиган иш йўқ! Бу аҳвол қачонгача давом этади? Шошилиш тадбир кўрмасак Шаҳристонга ҳам Варахшанинг куни келмайди, деб ишонтириб айтадиган марди майдон борми орамизда?— Ваҳобов олдида турган қоғозларни титкилаб, кераклигини қўлига олди. Тузган режаларини вазминлик билан тушунтиргач:— Марҳамат, ўртоқлар, кимда қандай фикр бор?— дея бюро аъзоларига мурожаат қилди.

Биринчи бўлиб Жумаев сўз олди. У салқи бўйнида ҳалпиллаб, бир ёққа сурилган ёқасини тузатиб қўйди-ю, оқ оралаган бароқ қошларини чимириб, сўз бошлади.

— Мен айтганларингизни қайтариб ўтирмайман, Абдукарим Ваҳобович. Сиз янги одамсиз. Областда шундай вазият вужудга келганига бу ерда ўтирганлар — ҳаммамиз айбдормиз. Буни инкор этиш — кўзимизни лўқ қилиб икки карра икки — беш деб туришдай гап бўлади. Бу ерда қўйилган масалаларни биз аллақачон қилишимиз керак эди. Ночор аҳвол олдида томошабиндек қўл қовуштириб туришимиз вазиятни янада кескинлаштирди. Мен Тўдакўл, Шўркўл сув омборлари қурилишига фурсатни қўлдан бой бермай, дарҳол киришиш зарур деб ҳисоблайман. Пайканд, бу ёғи Варахша-ю, Жондорга канал чиқариш, насос станциялари қуриб, сувни кўтариш шу йилнинг ўзидаёқ самарасини беришига аминман. Бу ёқда Ўрта чўлдан Муборакқача, Пайканду Варахшада салкам ярим миллион гектар ер ўзлаштирилади. Бирдан-бир вазифа энг шимариб, ишга киришиш, бир ёқадан бош чиқариб, одамларни сафарбар этиш. Канал лойиҳасини пайсалга солаётгани учун область сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Пўттиевга нисбатан чора кўриш даркор деб ўйлайман.

Зулфиддинов сўз олди.

— Мен ўртоқ Жумаев фикрига тўла қўшиламан, ўртоқлар, уни бу!— Зулфиддинов бюро аъзоларидан биронтасининг фикрига қўшилганини шу чоққача овоз чқариб айтмаганидан ҳозирги сўзи ўтирганларга қандай таъсир этганини билиш учун атрофга зимдан қараб қўйди. Ҳамма қўлидаги қаламни айлантирганча унинг сўзларини диққат билан тингларди. Зулфиддинов Ваҳобовга миннатдорчилик билдираётгандай бурилиб қаради-ю, сўзини давом эттирди.— Раҳмат, Абдукарим Ваҳобович! Ҳаммамиз учун сабоқ бўладиган масалани кўтардингиз, уни бу. Канал қурилишини бир дақиқаям кечиктириб бўлмайди, назаримда, уни бу. Шу чоққача гафлатда юрганемиз ҳам етар. Ишни бошлашни пайсалга солган ўртоқ Пўттиевга чора кўриш борасидаги таклиф жуда ўринли. Умумий ишимизга халақит берадиганларга нисбатан чора кўриш — бошқаларга ўрнатқ бўлади, уни бу!— Зулфиддинов ўйланиб олди. Сўнг Абдукарим Ваҳобовичга қараб жилмайганча, олдида турган қоғозни олиб, сўзини давом эттирди.— Бир масалада иккиланяпман, уни бу; Абдукарим Ваҳобович.

Боядан бери Зулфиддиновнинг янги тактикасига таажжубланиб, ичидан кулиб ўтирган Ваҳобовнинг юзига табассум қалқиди. У Зулфиддиновга қараб:

— Бемалол, Мустафо Зулфиддинович, шунинг учун бюрода кўр-япмиз-да масалани, — деб далда берди.

— Раҳмат, Абдукарим Ваҳобович. Раҳмат, уни бу! Мени иккилантириб қўйган масала — Шўркўл билан Тўдакўл.

Ваҳобов юзидаги таажжубни яширолмай, «хўш-хўш», дегандек унга тикилиб қолди.

— Ҳаммамизга маълумки, бу кўллар, уни бу, — Зулфиддинов кат-



та сир-синаотни очаётган каби ўтирганларга виқор билан қараб олди.— Шаҳристон неча амирлар замонидан, ҳатто ундан ҳам қадимроқ даврлардан буён шўр сувлар ташланадиган жой бўлиб хизмат қилган, уни бу. Сира иккиланмай айтиш мумкинки, қават-қават туз кўлларнинг туб-тубигача сингиб, қон даражасигача етган, уни бу. Бугун биз уларга тоза сув қўймоқчимиз: Меҳнатимиз ҳам, сарфлайдиган миллион-миллион пулимиз ҳам зое кетмасмикин, уни бу?— Зулфиддинов Ваҳобовга мулойим боқиб, силлиқ қафтларини бир-бирига қовуштириб, чамбарак қилиб олди.— Назаримда, икки-уч қатрондан кейин ҳам кўзлаган мақсадимизга эришолмаймиз, уни бу. Мени шу масала ташвишлантиряпти. Гапим тамом.— Зулфиддинов ўрнига ўтириб, сўзларини ўзи тасдиқлаётгандек бош силкитиб қўйди.

— Рухсат берсаларингиз, изоҳ берсам.— Ваҳобов ўрнидан туриб, бюро аъзоларига мурожаат қилди. Икки-уч кишининг олдинма-кейин «албатта», деган розилигидан кейин ўйланиб туриб, Зулфиддиновга қараб гапира бошлади.

— Сизни ташвишлантираётган масала ўринли ва асосли, Мустафо Зулфиддинович. Чинданам бу кўлларда тўпланган туз миқдори кўп. Бир чеккаси таваккал ҳам қиляпмиз. Аммо таваккал замирида фан асослаб берган тажриба ётипти.— Ваҳобовнинг чеҳраси хийла ёришиб, жилмайди.— Тиббиётда қон қуйиш операцияси бор. Бу — ҳаммамизга маълум, албатта. Шу йўл билан инсон танасидаги заҳарланган қон тозаланади. Хўш, нега энди бу операцияни ирригацияда қўлламаслигимиз керак. Ер ҳам тирик жон. Инсондек нафас олади, озикланади, ниҳоят маҳсул беради. Бинобарин, қон қуйиш операциясини ерга ҳам қўлдасак бўлади. Бир ёқдан чучук сув қуйиб, иккинчи ёқдан шўрни ҳайдаб, Амударёга оқизсак, менимча, туз бизга керакли нормага тушади, деб ўйлайман.

Ўтирганлар мамнун жилмайиб қўйишди. Баъзилар ҳатто: «Тўғри, тўғри», дея маъқуллашди ҳам секретарнинг фикрини. Зулфиддинов ўрнидан туриб, икки қўлини кўтарганча: «Таслим, уни бу!» деб кулиб қўйди. Бирпаслик жонланишдан сўнг ип-газлама комбинатининг ишчиси қўл кўтарди.

— Абдукарим Ваҳобович, икки кўлнинг шўрини оқизиб, Амударё сувини ҳам яроқсиз ҳолга келтирмасмикинми? — деди қизариб.

— Йўқ!— Абдукарим Ваҳобович шу заҳоти жавоб берди.— Биз ташлаган сув Амударёни атиги бир граммга шўрлантиради. Бир литр ҳисобига.— Бу бутун бошли дарёга бамисоли томчи.— Ваҳобов ўйланиб туриб, бюро аъзоларига қаради.— Яна кимда қандай мулоҳаза бор, ўртоқлар?

Ҳеч ким қўл кўтармади. Ваҳобов олдидаги қоғозларни тахлаб, папкасига солгач, сўзини давом эттирди.

— Бу ерда ўртоқ Пўттиевга партиявий жазо бериш масаласи қўйилди.— Ваҳобов ўйланиб турди-да;— У киши шу ерда бўлиши керак. Қани, ўзидан эшитайлик-чи,— дея қўнғироқ тугмачасини босди.— Ўртоқ Пўттиев кирсин.— Ваҳобов секретарь қизга мурожаат қилди.

Пўттиев шийинқираган қовоқларини ишқалаб кирди-ю, узун стол пойидаги стулга ўтириб, бюро аъзоларига қараб, сўрашгандай бош қимирлатиб қўйди.

— Ўртоқ Пўттиев, сиз билан неча марталаб гаплашиб олган масалани кўриб чиқдик. Бюро бутун режаларимизни маъқуллади. Аммо айрим ўртоқлар лойиҳа-смета ҳужжатларини айтилган вақтда тайёрлаб, бюрога тақдим этмаганингиз учун сизга партиявий чора кўриш масаласини қўйди. Бюро аъзоларига топшириқни бажармаганингизнинг сабабини айтиб берсангиз.

Бюро жазолаши мумкинлигини Пўттиев хаёлига ҳам келтирмаган эди. Чунки бундай масалаларни одатда ўзи бюрога тайёрлаб, уни истаган йўналишга буриши мумкин эди. «Чора» сўзи эришроқ туюлиб, фикрини тўплаб олаётгандек ўйланиб туриб, юрагини ваҳм босди.

«Менга-я,— дея хаёлидан кечирди.— Бутун умрини ирригация ишини ривожлантиришга бағишлаган одамга-я!»— Назарида ҳозир бюро аъзоларининг фикрини остин-устин қилиб ташлайдигандек ўзига ишонч билан сўз бошлади.

— Ўртоқ Ваҳобов, ўртоқ бюро аъзолари! Сув масаласи области-мизда чинданам ташвишли аҳволда. Бунда, эҳтимол, биз — сувчилар-нинг ҳам айби бордир. Инкор этмайман. Ҳа, инкор этмайман. Аммо шу бор сувниям қабул қилиб олаётган хўжалигимизда ҳамма иш жойидами? Олаётган сувдан тежаб-тергаб фойдаланишни ўйлапмизми? Назаримда, йўқ. Сув — беқарор, инжиқ, буғланиб, шимилиб кетадиган ресурс. Энди ундан фойдаланиш коэффициентига назар ташлайлик. Бизда кўп сув бекорга ерга сингиб кетяпти. Қарийб тўртдан бири эса, буғланияпти. Бу билан, биринчидан, сувни исроф қиляпмиз. Иккинчидан, еримизнинг мелиорация ҳолатини бузаяпмиз. Ерости сувлари кўтариляпти. Ирригация тармоқларимизни қайта қурсак, ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшиласак, олаётган сувимиз мана мундоқ етган бўлур эди,— Пўттиев кафги қирраси билан бўйнига ишора қилди.

— Областимизнинг суғориладиган ерлари қанча, ўртоқ Пўттиев? — Жумаев луқма ташлади.

— Эчки юз элик минг гектар.

— Область учун белгиланган кейинги сув режими қачон қабул қилинган? — Жумаев яна савол берди.

— Минг тўққиз юз қирқ саккизинчи йили.

— Нега министрликка бундан ўттиз йил муқаддам қабул қилинган сув режими областимизнинг ҳозирги шароитига тўғри келмаётганини, эскирганини исботлаб, масала қўймаяпсиз? Биз олаётган сув билан амалда ишлаётган сув баланси бир-бирига тўғри келадими бундай вазиятда?

Биринчи зарбадаёқ Пўттиев кучли тўлқинга дуч келган писта пўчоғидек қалқиб, довдираб қолди. Бу зарбдан ҳали ўзига келмай, Абдукарим Ваҳобович вазминлик билан сўз бошлади.

— Ўртоқ Пўттиев, сиз айтаётган гапларнинг ҳаммаси рисоладагидек тўғри. Амайда-чи? Ерлар неча йиллар давомида қаровсиз қолган. Уни вақти-вақти билан жорий, капитал ремонтдан чиқариб туриш керак эди машиналардек, буни ҳеч ким ўйламаган. Ерга одамга бераётганимиз каби отпускаи беришимиз, алмашлаб экишимиз керак. Аммо биз Ватанга узлуксиз равишда пахта етказиб беришимиз зарурлигини унутманг. Хўш, фараз этайлик, сиз айтгандай, ерларнинг ирригация, мелиорация ҳолатини яхшилашга киришдик. Бунинг учун ҳар бир гектар ерга қанча маблағ сарфлашимиз керак?

— Тўрт ярим минг сўм.— Пўттиев кўзини ердан узмай жавоб берди.

— Шуни ҳозиргина ўзингиз айтган ер миқдорига кўпайтириң-чи, қанча бўлади?

Пўттиев пешонасида бурмаланган ажинлар орасидаги терни оқ дастрўмоли билан арта туриб, хаёлан ҳисоблади.

— Тўрт ярим миллиард сўм.

— Неча йилдан буён облводхоз бўлиб ишляпсиз?

— Ҳн беш йилдан буён.

— Нега шу чоққача бу ишларга министрликдан, ўртоқ Мардиевдан пул талаб қилмадингиз?

— Биз юз миллион сўм нари-берисида маблағ сарфлаб, сувни кўпайтирмақчимиз, беҳисоб қўриқ очмоқчимиз. Ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшиламоқчимиз. Нега энди министрлик бунга қарши чиқиши керак? Еки ўртоқ Мардиев умумдавлат манфаатлари айрим министрлик, корхоналар манфаатидан устун туришини тушунмайдими?

— Бугун хўжаликни аниқ ҳисоб-китобсиз бошқариш мумкин эмас,

Ўртоқ Пўттиев. Сарфланаётган ҳар бир сўмимиздан қанча фойда олишимизни олдиндан аниқ билишимиз керак. Шундагина мамлакат бонийди, эл фаровон ҳаёт кечиради. Давлат беҳисоб ер бериб қўйипти, элли боқинг деб истаганча маблағ ажратиб турипти ҳар йили. Биз эса... — Ваҳобовнинг қовоғи учиб, юзини дераза томон бурди.

Хонага яна сукунат чўқди. Ҳамма чуқур ўйга чўмди. Эҳтимол ўтирганларнинг ҳар бири жамиятда тутган ўрни, унга қилаётган хизматларини чамалаб, ўзига сарҳисоб бераётгандир. Балки ҳар ким кундалик тирикчилиги хаёлига фарқ бўлиб ўтиргандир. Инсон шу қадар мураккаб мавжудотки, умр бўйи бирга яшаб турган одамнинг ниям аслида охиригача тушунолмайсан. Бировнинг ичидагини билиш мушкул гап. Ҳар каллада минг хаёл!

Пўттиев бош кўтаролмай қолди. Ҳозиргина роз турган қадди ҳақ гап олдида эгилди. У ё хатосига иқрор бўлиши ёки қаттиқ жазони бўйнига олиши керак эди. Бундай кезларда одам анча юмшайди, атрофида содир бўлаётган воқеаларга ақл кўзи билан қарашга интилади. Пўттиев бошини аранг кўтарди. Ҳамон кўзини ердан узмай, синиқ овозда гапирди.

— Ўртоқ бюро аъзолари, Абдукарим Ваҳобович, мен салкам қирқ йилдан буён партияга, Ватанга хизмат қилиб келяпман. Ватан уруши йилларида қўлимга қурол олиб, унинг бахт-саодатини ҳимоя этдим... Жилла бўлмаса шуни эътиборга олишларингизни сўрайман. Хато қилдим. Бир ҳафта ичида лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб беришга сўз бераман. Сув ҳўжалигидаги аҳволни тузатишга ҳаракат қиламан. Илтимос. — У яна бош эгди.

Ҳеч ким чурқ этмасди. Ҳамма Абдукарим Ваҳобовичнинг сўнгги сўзини кутарди.

— Ўртоқлар, — ниҳоят Ваҳобовнинг босиқ овози жимликни бузди. — Одамларни жазолаш бизнинг иш услубимизда энг охири нуқта бўлиши керак. Инсон — мўътабар зот. Биз унга ишонч билдирсак парвозга қанот берган бўламиз, ташаббус кўрсатиб, астойдил ишлайди. Менимча, бу ерда ўртоқ Пўттиев йўл қўйган хатосини тушунди. Айбига иқрор бўлгани, лойиҳа-смета ҳужжатларини бир ҳафта ичида тайёрлашга сўз бергани, ҳўжаликда ишни яхшилаш борасидаги ваъдасини эътиборга олиб, огоҳлантириш билан чеклансак, нима дейсизлар?

— Жуда тўғри фикр, Абдукарим Ваҳобович, уни бу. Ўртоқ Пўттиевга ишонса бўлади. — Зулфиддинов шундай деди-ю, Пўттиевнинг нигоҳини илиш учун зимдан унга қараб қўйди.

Бошқалар ҳам ўртага ташланган таклифни бир овоздан маъқуллашгач, Ваҳобов Пўттиевга рухсат бериб, бюро аъзоларига қаради.

— Ўртоқлар, яқинда Варахшадан қайтатуриб, йўлда Би-би-си радиостанциясининг ахборотини эшитиб қолдим. Совет Иттифоқидан олинаётган пахтанинг сифатсизлиги ҳақидаги ҳеч қандай фактга асосланмаган умумий сафсатадан кейин Шаҳристон тойлари ичидан каноп чиққанини хабар қилди. Аввало бу фактни биз синчиклаб ўрганишимиз керак. Пахта заводлари ишига алоҳида эътибор билан қарайлик, ўртоқлар. Пахта — бу давлатимизнинг ташқи дунёда обрў-эътиборини белгилайдиган омиллардан бири ҳисобланади. У нафақат ички сиёсатимиз, балки ташқи сиёсатимизни ҳам белгилашда муҳим ўрин тутди. Ниҳоят, пахта — олтин, валюта, бойлигимиз, куч-қудратимиз. Унга биринчи даражали эътибор даркор. Шунинг учун биз бу ерда, ўртоқлар, бюро номидан юқорида айтиб ўтилган фактни текширишни Жумаев ҳамда Зулфиддинов ўртоқларга топширсак. Комиссия тузиб, бугун пахта заводлари ишини пухта ўрганиб чиқишсин. Қерак бўлса, битта-иккита завод ишини бюрога қўйсаларингиз ҳам қаршилик йўқ. — У Жумаевга, сўнг Зулфиддиновга қаради.

— Яхши, Абдукарим Ваҳобович, эртагаёқ киришамиз бу ишга. — Жумаев шундай деб, Зулфиддиновга қараб бош қимирлатди.

— Масалани муҳокама этишда фаол қатнашганларингиз, менга билдирган ишончларингиз учун раҳмат. Бюро ёпиқ, ўртоқлар.

Бюро аъзолари бирин-кетин кабинетдан чиқишди. Зулфиддинов ёлғиз қолгач, Ваҳобовга қаради.

— Абдукарим Ваҳобович, кеча партия ишини ташкил қилиш бўли-мидан имзосиз хат олиб кириб беришди. Ленин номидаги совхоз ди-ректори Даврон Зиёев устидан шикоят.— Зулфиддинов «нима қилай?» дегандек Ваҳобовга савол назари билан тикилди.

— Хатни қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудирини Юнус Юсуповга топширинг. Шахсан ўзи текширсин.— Ваҳобов ўйланиб туриб жавоб берди.

Зулфиддинов бош қимирлатиб, эшик олдида борганида:

— Ҳозир эмас. Йиғим-терим тугагандан кейин киришинг,— деб қўшиб қўйди Ваҳобов.

Зулфиддинов «маъқул» дегандай бош ирғаб, қабулхонага чиқ-ди-ю, Ибодовни кўриб, қўл бериб сўрашди.

— Салом, Ҳамро Ибодович. Кечирасиз, куттириб қўйдим.

— Ҳечқиси йўқ, Мустафо Зулфиддинович, мен бир минутга Абду-карим Ваҳобовичга кириб чиқай, олдингизга тушаман.

— Яхши, кутаман.

Ибодов Абдукарим Ваҳобович билан кўришиб, у кўрсатган жойга ўтиргач, синиқ овозда сўз бошлади.

— Бизнинг районга кўз тегдими, дейман, Абдукарим Ваҳобович.

Ваҳобовнинг қошлари чимирилди.

— Нима бўлди тагин?

— Варахшадаги Хўжақултепа устига шийпон қурмоқчи бўлиб те-кислаётгандик, бирдан Найм ака бўлимининг аъзоси Боқижоннинг трактори тумшуғи минан қудуққа тикилди. Кабина пачоқланиб, Боқи-жон чиқолмай қолди. Амаллаб тортиб олиб, балнисага ётқуздик. Ҳай, ҳозир аҳволи яхши, қаттиқ шикастланмаган экан, эрта-индин чиқиб қолади.

Ваҳобов қай куни чўлга чиққанида кўрган тепаликни эслади.

— Унинг устида қудуқ кўринмагани-ку, қай куни чиққанимда?

— Ўзимизам ҳайронмиз. Биров шиббалагандай теп-текис эди, ай-рим дўнгликларни демаса. Бу сабил битта эмас, тўққизта қудуқ бор экан. Ҳаммаси пишиқ гишт билан ишланган. Қазиб тагираям етолма-дик. Кўп чуқур зормонда. Аммо суви йўқ. Биттасининг ичидан терига ёзилган хат чиқибди. Форсча экан. Қадим замонники.

— Хат дейсизми? Қани?

— Хатни ўртоқ Розикованинг қўлига беришипти. Шу гапдан сиз-ни хабардор қилиб қўяй дедим.

Ваҳобов ўйланиб, жилмайди.

— Хатни Розиковага беришиб, тўғри қилишипти. Мен эрта-индин ўтаман. Раҳмат, оғайни, хабар берганингиз учун. Боқижоннинг аҳво-лидан хабар олиб туринг,— деди Ваҳобов Ибодовга қўл узата туриб.

* * *

Зулфиддинов Ибодовни ўрнидан туриб кутиб олди. Креслога ўт-қизгач, ўзи унинг рўпарасида ўтирди. Ибодов Хўжақултепа янгили-гидан уни ҳам хабардор этиб, секретарга тикилиб қолди.

— Аломат гап-ку! Хатда нима ёзилган экан?

— Ҳали ўзим кўролганим йўқ, Мустафо Зулфиддинович, трактор-чини балнисага ётқизиш билан овора бўлиб.

— Яхши, биргалашиб ўқиймиз. Мен сизни жуда муҳим бир гап билан чақиртирган эдим, Ҳамро Ибодович. Варахша бугун ташаббус-корлик борасида областда байроқ бўлиб турипти. Мана, қўриқ очиш ишини биринчи бўлиб бошлаб юбордингиз. Бу ёқда янги қанал.

— Раҳмат, Мустафо Зулфиддинович, албатта, сизларнинг ёрдам-ларингиз билан.

— Шубҳасиз, сиздай ишчан раҳбарларга кўмаклашмай кимга бо-қардик.— Зулфиддинов фикрини тўплаб олгач, кулиб, сўзини давом эттирди.— Бутун республикага донфингизни чиқарадиган яна битта

ташаббус бошлайсиз.— Зулфиддинов атайин жим қолиб, Ибодовга сирли қараб қўйди.

— Нима экан, Мустафо Зулфиддинович?

— Кўп улуғ иш. Кеча Марказкомдан телефон қилишди. Областда тажриба тариқасида икки-учта ихтисослаштирилган қорақўлчилик совхози тузишни шахсан менга топширишди.— Зулфиддинов «шахсан менга» сўзларига алоҳида урғу бериб, Ибодовга зимдан қараб қўйди. Сўнг илтифот кўрсатаётганини таъкидлаб:— Мен, албатта, биринчи навбатда сизни хаёлимдан кечирдим. Чунки, сизга ишонса бўлади. Биз — партия ходимлари одамларга ишонишимиз керак.— У бюрода Абдукарим Ваҳобович айтган сўзни қайтарди.

Ибодов ўйга ботди. Нима дейишини билмай, гарангсиб қолди.

— Нима, ёмон иш қилибманми?

— Йўқ, ишончингиз учун минг раҳмат сизга. Аммо... тайёргарликсиз, дабдурустан қўлда совхоз тузиш... Қандоқ бўларкин?

— Яхши бўлади, Ҳамро Ибодович. Мени бир айтди дерсиз. Бу — янгилик-ку! Тагин республика миқёсида-я! — Зулфиддинов шундай деди-ю, хотини неча ҳафталардан буён зоотехник укасини дурустроқ ишга қўйиб, қўл остига олишни эридан илтимос қилиб юрганини хотирлади. Мийғида кулиб туриб:— Билиб турибман, бундай масъулиятли ишни бажарадиган кадрлар тўғрисида ўйлаясиз. Бу ҳам муҳим масала, албатта.— Зулфиддинов Ибодовнинг жавобини ҳам кутмай сирли оҳангда сўзини давом эттирди.— Яхши бир мутахассис бор. Тишимнинг қавагида олиб юрувдим, масъулроқ ишни зиммасига юклайман деб. Начора, дўстга ёрдам қўлини чўзишга доим тайёрман, бунга ўзингизам яхши биласиз. Битта совхозингизга ўшани қўйсангиз, ишингизни дўндириб беради. Идиев Ҳикматжон. Жондорда зоотехник бўлиб ишлаяпти.

Ибодов бўйинини қашиганча, бошини эгди. Бир лаҳзалик сукутдан сўнг бошини кўтарди.

— Ҳаммаси яхши-ю, Мустафо Зулфиддинович, совхозга йўл олиб бориш керак, биринчи навбатда. Одамлар учун уй солиш бор бу ёқда. Жилла бўлмаса, беш олти ой муҳлат беринг.— Ибодов Зулфиддиновга ўтинч билан тикилиб қолди.

— Сиздан сир тутмадим. Бу — Марказком таклифи. Биз — партия солдатларимиз. Сиз қўйларни ажратиб, одамлар қўлига топширинг, улар яйловга чиқиб, иш бошлашсин, йўл, иморат бир гап бўлар, ахир. Наҳотки ёрдам бериш Зулфиддиновнинг қўлидан келмайди, деб ўйлаётган бўлсангиз? Қишгача ҳали ярим йил бор. Қараб турмасмиз. Йўл қурилишига одамни ҳам, техникани ҳам, бинокорлик материаллариниям етказиб берамиз, оғайни, дадил бўлинг.

Ибодов ўрнидан турди.

— Яхши, ўртоқ Зулфиддинов. Тахтлаймиз.

— Ана энди ўзингизга ўхшадингиз. Қўлни ташланг. Ташаббус сиздан, кўмак биздан. Идиевни ўзингиз чақиртириб оласизми?

— Яхши, Мустафо Зулфиддинович, чақиртириб оламан.

Ибодов бўшашибгина хайрлашди.

Зулфиддинов бу иш хамирдан қил суғургандек оғзининг ели билан жўнгина битганидан мамнун жилмайиб, «Воҳай бола»ни хиргойи қилганча, иш столига бориб ўтирди.

Ўн иккинчи боб

Хўжақултепадан топилган чармхал ҳақидаги хабар бир кунга қолмай бутун районга тарқалиб, катта-кичикнинг диққатини тортди. Кўча-қўйда, бурчак-бурчакда, дастурхон устидаям шу гап. Ибодов шаҳардан келгунча бу фавқулодда хабар чекка қишлоқларгача етиб бориб, акс садоси, янги тафсилот-у, қўшимчалар билан район марказига қайтиб, ҳаммани ҳайратда қолдирган эди. Битта-иккита ҳангома-

талабларнинг юрагига гулгула тушиб, орқаларидан элни шошилинич эргаштирганча Хўжақултепа сари равона бўлишди.

Ибодов бу гапларни эшитиб, кабинетига кирди-ю, район экскурсия бюросига телефон қилди. Зудлик билан эртага эрталабданоқ маълум соатларда район марказидан Хўжақултепага автобуслар қатнашини радио орқали эълон қилдиришни, бунга газетада ҳам бостириб, халққа маълум этишни топширди. Сўнг машинасига ўтириб, Румияни қидириб кетди.

Румия саҳарлаб экскурсияга одам олиб келган автобуга ўтирди-ю, Ибодовнинг тавсияси билан хатни таржима қила оладиган одамнинг уйига борди. Таржимани дафтарга кўчириб, изига қайтди. У автобус бекатига етмай, тўп-тўп бўлиб турган одамларни кўриб, ичида кулди. Тўпни ёриб, машинага чиқди-ю, олдинги ўринлардан бирига ўтирди. Бирин-кетин чиқишганлар ўрнашиб олишгач, автобус ўнқир-чўнқирликларда чайқалиб, Хўжақултепа томон йўл олди. Йўловчилар бири олиб, бири қўйиб, чармхат тарихини ҳар ким эшитганича қўшиб-чатиб сўзларди. Румиянинг орқасида ўтирган барваста, оппоқ соқоли бутун юзини қоплаган чол ёнидаги жуссаси кичкина, чўққи соқоли мош-гуруч шеригидан сўраб қолди.

— Хай, шу гапди ўзийиз аниқ эшитдийизми?

— Эшитдимки, боропман-да. Хай, сизам кўп содда одам экансиз-ку! Шамол бўлмаса дарахди шохи қимирлайканми?

— Иби, садагайиз кетай, жонимга уринг. Қани, тўртта гапурингчи, билсайиз, нима акан ўзи?

Иккинчи йўловчи есоқолини тутамлаганча шошилмай, қоматини ростлаб ўтирди-да, сўзларни доналаб, бамайлихотир гап бошлади.

— Хўжақултепани тайига авлиёни мозори чиқупти. Ўзиям узунлиги тўрт метрдан зиёд экан. Ёнига гориям бор экан...

Чол ҳикоясини тўхтатди. Оғзидаги носни ташлашга жой қидириб, аланглаб қолди.

— Ўзи сизга шу одат бачалийизгаям бор эди. Бир гапди бинойидайкина бошлайсиз-у, сўгун нафасийизди сув босгандай дам бўласиз. Одамди пичоқсиз ўлдирасиз-да. О, тайланг носди, гапурунгчи, олдайига мангинага.

Шеригиянинг даккисидан сўнг носини оёқ остига туфлаб, сўзида давом этди.

— Хай, Хўжақултепани тайига...

— У, мардак, одамди хун қилайкансиз-да. Лақма бўмай, сўгунгисини гапурунг! Бу ёғини эшиттим.

— Шу тепа устига йигирмата қудуқ чиғибди. Ҳаммаси фарш хишлар¹ минан ишланган экан. Биттасини тайига авлиё турайкан. Шу қудуқ битта тракторчини мошини минан ютупти. Шериклари ҳарчанд қидирсаки йўқ. Гум бупти қўюпти. Олдайига тушкан бир одам авлиёни дастурхондай келайтикон хатини топуп чиғипти. Хатти олтин минан битган акан ўзиям. Сабил кўзди олайкан-у, ўқиб бўлмас акан. Қадим хатти блайтиконлардиям зеҳни ўлмапти...

Румия пиқиллаб кулиб юборишига сал қолиб, дастурмолини оғзига босганча энгашди.

— Хай, бу ерла ўзи қадимдан авлиёю анбиёла ўткан жойла-да. Ҳазил қилип бўлайканми...

Румия автобусдан тушди-ю, тахтадан омонат тикланган айвон тагидаги курсида ўтириб, мольбертига турли бўёқларни чаплаётган зрининг ёнига шошилганча бориб сўради:

— Ҳамро Ибодович сизга ҳеч нарса дедиларми?

Қаҳрамон Румиянинг бўғриққан рухсорларига завқ билан боқиб кулди-ю, мўйқаламининг учини латтага артиб, мольберт ёнига қўйгач, хотинининг овозига монанд товущда ҳаяжонланиб:

¹ Фарш хишлар — тўрт бурчак қадимий пишиқ ёйиш.

— Дедилар, Румияхон, артист бўларканман,— деди елкасини қоқиб.

— Сизга доим ҳазил бўлса.— Румия қошини чимирди.

— Ҳазили йўқ, Румияхон, чармхатни оҳангини келтириб ўқирканман. Уни магнитофонга ёзиб, сўнг одамларга қўйиб берарканмиз.

— Ҳа, ҳа, худди шуни сўрамоқчи эдим манам.— Румия эркаланиб, эрининг елкасига қўлини қўйди.— Магнитофониям олиб келишдимми?

— Хў, ҳайло!— Қаҳрамон бурчакда, курси устидаги «Юпитер» магнитофони-ю, иккита карнайга ишора қилди.

— Жуда соз. Қани, бўлақолинг. Мана хатти ўзбекчаси. Уни ёзган қадим деҳқон бобонинг овозига ўхшатиб ўқийсиз-да, ҳа, Қаҳрамон ака?

Қаҳрамоннинг митти кўзлари юмилаёзиб, кулди.

— Бир камим шу қоганди ўзи... Менга қаранг. Ўзингиз ўқисангиз қалай бўларкин, Румияхон? Жуда ўхшатардингиз-да.

— Ана, бошланди.— Румия яна аразлагандай ингичка қора қошларини чимирди.— Хатти хотин киши ёзганми?— деди ниҳоят чиройли кўзларини пирпиратиб.

Қаҳрамон елкасини қисиб, бошини қашиди. Уйланиб туриб, қўшиб қўйди.

— Бўлмаса, олдиндан бериладиган изоҳни сиз ўқийсиз, хайми?

— Изоҳам бериларканми?

— Ҳа, мана, ёздириб келиптилар Ҳамро Ибодовичнинг ўзлари.

Румия ахборотни эрининг қўлидан олиб, кўз югуртирди. Унда варахшаликлар чўлни ўзлаштиришга киришганлари, унинг истиқболи, ниҳоят кечаги воқеа лўнда қилиб ифодаланган эди.

— Бўпти. Бунисини ман ўқийман.

— Олдин сиз ўқиб, сўнг: «Ҳозир хатни ўқиб эшиттирамиз»,— деб сўзни манга бераркансиз.

Эр-хотин магнитофонни сошлаб, ахборотни ҳам, хатни ҳам плёнкага ёзишди. Сўнг магнитофон билан икки карнайни Хўжақултепанин чор атрофдан кўзга ташланадиган жойига қўйишди.

Одамлар гоҳ гишлари нураган сағана олдида узоқ туриб бир-бирларига гап уқтиришар, гоҳ тепа устидаги қудуқларга бошлари етганча энгашиб, узоқ тикилишарди. Катталарга эргашиб келган болалар сопол парчаларини, шоша-пиша теришиб, енгларига артганча чўнтакларига солишарди. Бирдан карнайлардан чиққан овоз ҳаммани чўчитиб, одамлар эътиборини ўзига тортди.

— Азиз ҳамқишлоқлар, диққат қилиб тингланглар!

Одамлар туртина-суртина қудуқлардан овоз чиққандек олазarak бўлишиб, анграйганча карнайларга тикилиб қолишди.

— Бундан бир ҳафта муқаддам область партия комитетининг қарори билан Варахшани ўзлаштиришга, бу ерларни яна обод шаҳар ва қишлоқларга айлантиришга киришилди. Сиз кўриб турган мана шу тепалик тозаланаётганда бир трактор қудуққа тиқилди. Трактор кабинаси пачоқланиб, тракторчи Боқижон Самиев бир оз шикастланди. У ҳозир район касалхонасида. Тепа устидан тўққизта қудуқ ва шулардан бирининг ичидан чармга ёзилган хат топилди. Ҳозир шу хатни ўқиб эшиттирамиз.

Одамлар бир-бирларига маъноли қараб қўйиб, яна анграйиб қолишди. Қаҳрамоннинг босиқ, ўзиникига ўхшамайдиган овози келганлар ҳайратини янада ошириб, янграй бошлади.

— Тингланг, авлодлар! Бу нома қачон муборак қўлингизга тегишини каромат қилиб айтолмайман: қачонки ва кимеки уни тонса, гурбатзада фақир у нотавон бир ҳамқишлоғингиздан деб билгайсиз.

Карнайлар қитирлаганча, жим қолди. Одамлар нафас олишга ҳам қўрқиб, ерда давра олганча, чордана қуриб ўтиришарди...

1 Мелодий ҳисобда 1873 йил.

2 Ҳамал — март — апрель ойлари.

— Тарих 1294¹ йил эди. Ҳамал² ойининг бошида дарёлар суви қуриди. Ҳаттоки Чармобда ҳам сув қолмади. Кишиларнинг аҳволи шу даражада танг бўлдики, асти қўясиз. Қудуқларда лоақал томоқ ҳўлашга яраша ҳам сув қолмай қатағон бўлди. Одамлар ҳалок бўлишга яқинлашдилар. Бу ҳол ақраб¹ оий йигирманчи кунига қадар давом этди. Ақрабнинг йигирманчи кунидан эътиборан ўн кун давомида ҳаёт сақлаш учун зарур миқдорда сув келиб турди. Ўн кундан сўнг сув шу қадар кўпайдики, ҳатто дарёларга ҳам сиғади. Тошқин бир неча қишлоқларга зарар етказди. Одамлар буғдойни мўл экдилар. Буғдой экилмаган бўш ер қолмади. Қиш бошланди. Жадди² ойининг еттинчи куниди, жума куни чошгоҳ пайти эди, бирдан тўфонли шамол бошланди. Хуфтонгача тинмади. Хуфтонда тўфон тиниб, шундай совуқ бошландики, одамлар уйларидан чиқолмадилар. Йўлда бўлган одамлар музлаб, кўчаларда ўлдилар. Чўлларда чўпонлар, туя, от, қўйдан на ном, на нишон қолди...

Тепажикдаги одамлар бошларини эгдилар. Дуррачаси устидан оқ супр ташлаб, юзини бекитиб ўтирган икки-уч аёл пиқиллаб йиғлаб юборди. Ени-беридагилар «жим бўл!» дегандек карнайга ишора қилдилар. Ҳорғин ва маънос деҳқон овози яна диққатни ўзига жалб этди.

— ...Барчаси ўлди. Жаҳаннам қаърига кетди. Бу ҳол уч кечакундуз давом этди. Йигирма тўртинчи кун андак таскин топдик. Уша куни яхши ҳаво бўлди... Баҳор ҳам келди. Локин сув қолмади. Қор ва ёмғир асло ёғмади. Ер юзиди битта ҳам гиёҳ йўқ эди. Одамлар таажжубда қолдилар ва ишларининг иложини тополмай, гаранг бўлдилар. Охири донишмандлардан сўраб, баҳорги буғдой экдилар. Баъзи ерларга кўп, баъзи ерларга кам экилди. Сув ва ёғин кўп бўлди. Асло камаймади. Локин ғалланинг нархи етмиш тангага кўтарилди. Арпа, тариқ, жўхори, мўл бўлди. Савр³ ойининг охирида бир сел-ёмғир қўйдик, ғўза ва эртанги қовунлар йўқолиб кетди. Аммо қайтадан маж амал қилди. Қовун битди, ғўза кам бўлди. Сел, ёмғирдан сўнг худонинг қудрати билан бир хил қўрт пайдо бўлиб, жами гиёҳларнинг япроқларини еди. Бу қўртлар кузгача йўқолиб кетмади. Тарих 1296 йили Чармобда сув шу қадар кўпайдики, бир қанча қишлоқлар сув остиди қолиб кетди. Яна куз бошланди. Кишилар нарху наво тушганига хурсанд бўлдилар. Буғдой йигирма танга, жўхори етти танга, тариқ беш танга, ғўза ўттиз танга бўлди.

1297 йилда буғдой кўп бўлди. Ҳар бир таноб⁴ ер олти ботмон⁵; етти ботмон, саккиз ботмонгача ҳосил берди. Сув мўл бўлди. Кечки қовун сероб битди. Жўхори кам бўлди. Ҳамма одамлар ваража⁶ касалига гирифтор бўлдилар. Бу касалга учрамаган одам қолмади. Савр ойининг бошида ҳўкизларга, қорамолларга касал тегди. Агар қайси ҳовлида беш, ўн қорамол бўлса, барчаси ўлди. Кузга бориб, бир оз таскин топди. Қиш жуда қуруқ келди. Қор ва ёмғир ёғмади. Қиш иссиқ келди. Сув музламади. Хут⁷ ойининг бошида зардолу⁸лар гуллади. Сўнгра айёмнинг ичиди ҳаво совиди. Одамлар кўрпачага ўрандилар. Меваларга совуқ тегди.

1298. Яна оллоҳнинг карами бирлан қаролиллар оз-моз гуллади ва мева берди. Баҳорда ёмғир кўп бўлди. Ғўза экиб бўлмади. Лекин бир нав қилиб экдилар. Жавзо⁹нинг бешинчи-олтинчисиди иссиқ шамол бўлиб, буғдойга зарар етказди. Баъзи жойларда буғдойнинг бешдан бири, олтидан бири қолди ёки бутунлай қолмади. Саратон¹⁰ ойи-

1. Ақраб — октябрь — ноябрь.

2. Жадди — декабрь — январь.

3. Савр — апрель — май.

4. Бир таноб — 025 гектарга тенг.

5. Ботмон — бир ботмон саккиз пуд, 128 килограммга тенг.

6. Ваража — безгак.

7. Хут — февраль — март.

8. Зардолу — ўрик.

9. Жавзо — май — июнь.

10. Саратон — июль — август.

нинг тўққизинчисидан ўн тўртигача беш кун тўфон бўлди. Ўн бешида сел келди. Ҳар кўчада муболағасиз ярим тош¹ сув оқди. Шундан сўнг одамлар касал бўлиб, ўла бошладилар. Ҳар қишлоқда кунда етти-саккизта жаноза ўқилди. Баъзиларнинг ўриб, йиғиштирилмаган буғдойлари янчилмай, шунингдек, тоқлари кесилмай қолди. Қавс²нинг ўн саккизида совуқ бошланди. Қиш қаттиқ келди. Шундаям қору ёмғир ёғдики, кишилар танг қолдилар. Хутда ҳам совуқ бўлиб, янги 1299 йилгача давом қилди.

1299 йили душанба кун қаттиқ ёмғир ёғди. Ҳамма уйларнинг томидан ўтди. Сўнгра қор ёғди. Яна уч кун яхши бўлди. Яна совуқ бўлди. Сувлар музлади. Янги йилнинг бир ҳафтасидан сўнг бир шағрий газ³ қалинлигида қор ёғди...

Қарнайлар тинди. Аммо одамлар қимир этмай жойларида ўтирдилар. Уларнинг ғамнок кўзлари қизарган, ҳайратланганча бир нуқтага қадалган эди. Болаларгина ўша заҳоти гувв этиб тарқалишди. Яна сопол ва тош парчаларини йиғиб, бир-бирларига кўз-кўз қилганча чўнтақларини қаппайтира бошлашди. Тепа устидан қўзғалганлар бошлари эгилганча пастга тушишар, ҳамқишлоқларининг нолаю фиғони қулоқлари остидан нари кетмай, мотам тутгандай чурқ этишмасди. Чармхат мазмунини ҳар ким ўзича мушоҳада этар, кўзи олдида мозийнинг ҳар йили бир-биридан даҳшатлироқ манзаралари намоён бўларди.

Кечгача яна бир неча бор автобус қатнади. Ҳақиқий аҳволдан хабарсиз одамлар шовқин-сурон билан келишар, тўп-тўп бўлиб нималар ҳақидадир баҳслашишар, қудуқларга кўрсаткич бармоқларини бигиз қилиб, бўғилганча шерикларига гап уқтиришар, ҳар ким ўзини воқеадан кўпроқ хабардорлигини кўрсатишга интиларди.

Бўлиб ўтаётган ғаройиботларнинг бош сабабчиси Хўжақултепа қуёш ботиши олдида хиёл бўшади. Асрий сукунат олами — чўл манзарасини томоша қилиш учун гўё табиат тепани атайин шу ерда яратган. Бундан чор атрофга разм солганингизда Варахша кўз илғамас кенгликларнинг ягона ҳукмдоридек гоҳ қалқиб, гоҳ жимирлаб мавжланар, алвонранг шафақ ҳар кун шу маҳалда аста-секин жигарранг тусга кириб, бепоён саҳро узра лолақизғалдоқ гиламини ёяр, арғимчоқ учаётган нимранг пушти нурлар уфқдан уфққача қадалган бўшлиқларни суйиб қучаётгандек чайқаларди. Саҳро ҳамроҳи шамол яна қум зарраларини эркалаб, опичлаганча ҳувиллаб олисларга йўл оларди.

Қаҳрамон тепа четида қўлларини чамбарак қилганча чинакам гўзаллик тимсолининг шу ажиб нухасини бир дам ғафлатда қолса гўё табиат қизғаниб, қора пардасига ўраб оладигандек, кўз узмай томоша қилар, бир-бирига уйғунлашиб, турли нақшлар жимжимасининг олий намунасини яратган бўёқлар мажмуасига суқланиб боқарди. Табиат йўқлик ва сукунат, турғунлик ва умидсизликка маҳкумлик муҳрини уммонлар сатҳидек беҳудуд манглайига босиб, сўнг кераксиз буюмдек ғижимлаб ташлаган ва шафқатсиз қуёш жазирамасида униққан улкан дастурхондек бужмайиб ётган саҳрода беназиру бетакрор бўёқлар тилсимоти мавжудлигини Қаҳрамон хаёлига ҳам келтирмаган эди. У латофат гулшанининг сеҳрли алласидан мудраб, ширин туш кўраётгандек ўзига ишонмас, кўз қорачиқлари ичига турфа бўёқлар латофатини жўлаб олишга интилаётган каби мижжа қоқмасди. Тасавурида жонсиз, ўлик саҳро нозик ҳис-туйғуларининг торини чертиб, қўшиқ бўлиб янграй бошлади. У ҳаяжондан ўзини қўйишга жой тополмасди. Бошини иссиқ кафтлари орасида сиққанча узоқ ўйланди. Ниҳоят ўрнидан турди. Темир оёқларининг найзадай учлари ерга қадалган мольберти олдида туриб, бўёқлар жилвасига бир лаҳза тикил-

1 Бир тош сув тегирмоннинг битта тошини айлантиради.

2 Қавс — ноябрь — декабрь.

3 Бир шағрий газ — бир метр.

ди-ю, сўнг нигоҳи яна бепоен кенгликларга қадалди. У берган бўёқлар ўзининг асл нухасига сира ўхшамас, ҳиссиз ва ўлик эди. Бўёқларга жон ато этиш ниятида мўйқаламини қўлига олди. Кўзларини қисганча яна мольбертга қаради. Бўёқларни аслига яқинлаштиришга интилди. Бироқ мўйқалам унга итоат этмай қўйди. Кўзлари тиниб, оловли чиқиқчалар чақнаб кетди. Мўйқаламни итқитиб, ўт ичида ёнаётган танасига ором берди. Салқин чўл шабадасидан кўксини тўлдириб нафас олди. Фикри тиниқлашиб, билакларига куч йиғила бошлагандек бўлди. Энди мольберт ҳам, тупроққа қоришиб ётган мўйқалам ҳам тасвирнинг етти парда ортидаги сир-асрорларини очишдан бўйин товлаётгандек туюлди. Гўё у бир умр қўлига мўйқалам олмагандай мольберт сатҳида сира мўъжизалар намоёиш этмагандай эди. Қаҳрамон қалбини изтиробга солаётган дард, эзгу ниятни амалга оширишдан ожиз эди.

Чўл жамолини кўз-кўз қилаётгандек мавж уриб жилваланади. Олисда, қумликлар орасида қўлидаги узун чўп билан ер титкилаб, дафтарчасига алланималарни ёзиб турган Румияни кўрди-ю, чеҳраси ёришди. Қаҳрамон кўпинча романтик хаёлларга берилиб, ширин орзулари қанотида парвоз этган кезларида Румияни ўйлайди. Уни Румия сари тортаётган куч, қудрат нимадалигини тушунолмас, ёки тушуниб етолмасди. Аммо яхши қўшиқ ҳис-туйғуларини қитиқлаб, дилига ором бергани сингари, Румияни кўрганда, эслаганда ҳам худди шундай ҳолатга тушишини такрор ва такрор қалбан чуқур ҳис этарди. Румия қўшиқ, дилрабо куй бўлиб қалбига кирарди-да, вужудини аллалаб, уни ижоднинг юксак чўққилари сари етакларди. Румияни ўйлаган сари бу ёқимли қўшиқ оҳанги қалбига маҳкамроқ ўрнашиб, ҳис-туйғулари гўзаллик олами сари талпинарди. Румия фазилатларининг ўзига номаълум бирон қирраси хаёл кўзгусида намоён бўлганида қўшиқ оҳангининг жозибаси ҳам тобора ошиб борарди. У ана шундай романтик ҳис-туйғулар уммонида чайқалиб, ором олаётган кунларидан бирида хонага Румия кириб келди. Юзида табассум билан:

— Қаҳрамон ака, суюнчи беринг,— дея эрининг бўйнидан қучиб, эркалаганида Қаҳрамон бармоқларини лабларига босганча шивирлади:

— Тс-с...

Румия ҳам ҳайратдан каттароқ очилган кўзларини Қаҳрамонга тикиб, шивирлади.

— Нима қиляпсиз?

— Қўшиқ тинглаяпман. Эшитяпсизми?— деди чап қўлини номаълум томонга кўтарганча.

Румия қиқирлаб кулди.

— Вой, қўшиқни қаердан эшитяпсиз? Радио жим. Пластинка ҳам қўйганингиз йўқ-ку?

Қаҳрамон ширин ҳис-туйғулари оғушида тебраниб, мийиғида кулди.

— Қўшиқ — сиз!— деди ўрнидан туриб.

— Нима? Қўшиқ — мен?

— Ҳа, Румияхон, сиз — қўшиқ. Менинг севгим муқаддас ва бетакрор қўшиқ, ўйларимни остин-устин қилиб ташловчи симфония! Ишонинг! Ана, у янграпти, эшитяпсизми?

Румия унинг сўзларини тасдиқлаётгандек бош қимирлатди. Эркаланиб, унинг елкасига қўлини қўйди. Қалбидан қуйилиб келаётган сўзларини тинглай туриб:

— Мени қўшиқ деб атай қолинг бўлмаса,— деди жилмайганча.

— Ҳа, ҳа, сиз — қўшиқ, оҳанграбо куйимсиз, Румияхон,— дея хотинининг тўзиган сочларини силади, юз-кўзларидан, тариқдек хolidан беҳисоб бўса олди...

Қаҳрамон хотинининг ушоқ гавдасига қараб, лабларига ёйилган кулгисини тўхтатолмади. Ушанда Румия Варахшадан ўзи излаётган дастлабки канал ўзанини топганини айтиш учун чанг-тўзонга беланиб атай Янги қишлоққа келган эди. Ҳозиргача кўмилган ариқ-каналлар-

нинг уч-тўрттасини топди. Уларнинг аниқ чизмасини қоғозга ҳам туширди. Дастлабки кашфиётнинг гашти ўзгача бўлади. Қаҳрамоннинг ҳам биринчи натюрморти назарида муваффақиятли чиққандек бўлиб, энтикканча энг яқин кишиси — устози олдига чопган эди. Унинг таҳсинига сазовор бўлишни истаган эди... Румия эса унинг олдига югурди. Қаҳрамоннинг қалбини яна ўша ёқимли қўшиқнинг сеҳрловчи оҳанги қамраб олиб, ҳис-туйғуларига ором бера бошлади...

Қаҳрамоннинг нигоҳи бепоён чўлдан дўнгликда турган мольбертига кўчиб, ўйлиниб қолди. Бир кўнгли мольбертни қайта тикламоқчи ҳам бўлди. Аммо шафақ шуъласи сўна бошлаган чўл осмонининг шарқ томонидан нимқоронғилик чўкаётган эди. Бурилиб, Эликқалъа томонга тикилди. Соқижоннинг еру кўкни ларзага солиб, ҳайқираётган трактори қум тўфони ичида олдига ўрнатилган куракчаси билан барханлар уюмини куч билан суриб, чеккага итқитарди. Ундан сал нарида бульдозер, грейдер улоқ ортидан жон-жаҳди билан чопаётган отлардек пишқириб, наъра тортарди. Еғочдан омонатгина кўтарилиб, усти шифер билан ёпилган айвон остида ҳеч ким кўринмайди. Қаҳрамон мольберти билан бўёқ қутичасини қўлтиқлаганча оҳиста одимлаб, пастга тушди. Чўл ўртасида қаққайиб қолган айланаси уч метрча келадиган пахса минора олдидан ўта туриб, вақт ўтиши билан нураган кунгира деворларига қизиқсиниб қаради. Қай куни Соқижон қишлоқдан азза-базза тўртта каптар олиб келиб, миноранинг ичига қўйиб юборди. Боқижоннинг калакаомуз танбеҳини эшитиб турди-да, тўсатдан чўнтагидан қоғоз-қалам олди. Шўра босиб ётган дўнглик олдига бориб ўтирди. Икки энлик хат ёзиб, буклагач, тўши оппоқ қора каптарни олди. Унинг ўнг оёғига хатни боғлаб, қишлоқ томон қўйиб юборди.

— Беш минутга хат уйга боради,— деди Соқижон ихтиросидан мамнун бўлиб жилмайганча.

— Уйдан хат ёзишмоқчи бўлишса-чи? — Боқижон ихтирога қизиқсинаб сўради.

— Худди шу каптарнинг оёғига хат қистириб бу ёққа учирашадиди,— деди ҳамон юзидаги кулгини йиғолмай. Бирпас минорага тикилиб туриб:— Илгари замоннинг энг катта пўчтачиси шу бўлган-да ўзи, Боқижон, нималигини билмайкансиз-да буни,— деб айвон томонга юрди.

Боқижон шу оддий нарсага ҳам фаҳми етмаганидан куйиниб, қовоғини солганча, индамай бориб трактори моторини юргизди-ю, чўл ичкарисига ҳайдади.

Қаҳрамон минора устида «ғув-ғув»лаб бир-бирининг патларини тумшуғи билан тозалаётган икки каптарнинг меҳрибончилигига маҳлиё бўлиб турди-да, сўнг мольберти билан қутичани айвон бурчагидаги курси устига олиб бориб қўйди. Румияни олиб келиш ниятида қумликлар оралигидаги сўқмоққа бурилиб, икки-уч қадам қўйганида, орқадан машина моторининг гувиллаганини эшитиб тўхтади.

Оқ «Волга»дан Абдукарим Ваҳобович тушди. Унинг кетидан «Газ-69»да Ҳамро Ибодович келди. Ваҳобов чўл томонга қараб, овозининг борича «Ҳорманглар, чўлқуварлар!» деди-ю, минора олдида жилмайиб турган Қаҳрамонга қўл узатди.

— Салом, ўртоқ рассом, қалай, ишлар кетяптими? Зерикмадингизми?

— Раҳмат, Абдукарим Ваҳобович, ишлар кинодагидек, зерикишга вақт топилмаяпти.

— Яхши. Румияхон қанилар?

— Ишда, Абдукарим Ваҳобович.

— Ие, касабасоюз йўқми ҳали чўлда? — Кўлидаги соатга қаради.— Саккиз бўляпти-ю! — деди кулиб.

— Бизларга тонгда қуёшнинг чиқиши-ю, кечаси ой кўриниши ҳисоб, Абдукарим Ваҳобович. Чўл соатга қарайдиганларни хуш кўрмайди,— Қаҳрамон кичкина кўзларини қисиб кулди.

Ваҳобов Ибодовга бурилди.

— Бу дейман, обкомнинг томорқасига тош отиляпти-ю, жўра, га-
пирсангиз-чи, мундоқ!

— Парво қилманг, Абдукарим Ваҳобович, булар чўлни ўзлашти-
риб, обком, райкомни ўзларидан чиқаришмоқчи.— деди Ибодов чўл
истиқболига ишора қилиб.

— Бўлади, ўртоқ Розиков.— Ваҳобовнинг чўлга қадалган кўзла-
рида нур порлади. Юзидаги табассум йўқолиб, жиддий тусга кирди.—
Янги обкомам, райкомам бўлиши тайин бу поёни йўқ чўлларда. Аммо
ҳозир нақди — совхоз, жўра.— Унинг кўзлари Ҳамро Ибодовга қадал-
ди. Сиз эртадан йўл тарадудини бошланг. Чўлга йўл, электр, телефон
кирмагунча у чинакамига обод бўлмайди. Бу ёқда совхоз посёлкаси
қурилишиниям кетма-кет бошлаб юборамиз. Кеча область архитектор-
ларини йиғиб, зудлик билан посёлка лойиҳасини тузишни топширдик.
Йўлдан кейин, иккинчи масала — уй-жой! Чўлда адашганам чироқни
қора тутиб келади. Чироқ бор жойда, одам бўлади.

Ибодов мамнун жилмайиб, чўнтагидан бир даста буклоғлиқ қо-
ғоз олиб, обком секретарига узатди.

Ваҳобов чўлни ўзлаштирадиганлар сафига қўшишни илтимос қи-
либ берилган аризаларнинг баъзиларини кўздан кечиргач, пешонаси-
даги ажинлар текисланиб, мамнун жилмайди.

— Уҳ-хў! Ишлар катта-ку! Кўнгиллилар сафи кўпайяпти денг?
— Шундай, Абдукарим Ваҳобович, кеча бу ерда кичик бир тадбир-
ча ўтказгандик.— Ибодов юзидаги кулгини йиғиштиролмай, бўлиб ўт-
ган воқеаларни тафсилоти билан тушунтириб, миннатдорчилик ифода-
лаётгандек кўзларини Қаҳрамонга меҳр билан тикди.— Ўртоқ Рози-
ковларга раҳмат, бизнинг жонимизга ора киришди.— деб кулди.

— Ҳай,— Ваҳобов бу гапнинг маъносини тушунолмай, Қаҳрамон-
га шунчаки қараб қўйди-ю:— Чармхат қани, айтгандай?— деди Ибо-
довга юзланиб.

Ибодов жавоб беришга улгурмай, Қаҳрамон унга маъноли кулиб
қўйиб: «Ҳозир», дея тепалик томон чопди. Магнитофонни созлаб, ай-
лантирди. Ваҳобов ҳеч нарсага тушунолмай овоз чиққан томонга юр-
ди. У тепа устида туриб, қудуқларга тикилганча, Румиянинг ахборо-
тини тинглади. Бир лаҳзалик жимликдан сўнг Қаҳрамоннинг бўғиқ
овози хириллади.

— Тингланг, авлодлар!..

Ваҳобов гоҳ тўлқинланиб, гоҳ изтиробини яширолмай хўрсиниб,
хатни диққат билан эшитди. Карнайлар бир-икки қитирлаб тингач,
бошини эгганча айвон томонга юрди. Сўқмоқдан ҳорғин одимлаб ке-
лаётган Румия Ваҳобовни кўрди-ю, қадамини тезлатди.

Ваҳобов уни кутиб тўхтади.

— Салом, Румияхон, ҳорманг энди, чарчамай юрибсизми?

— Салом, Абдукарим Ваҳобович, ўзингиз ҳорманг, бизлар ҳори-
мадик-ку, ҳали чоғи.— Румия қимтинибгина қўл бериб кўришди-ю,
ерга қаради.

— Бу дейман, дикторлик санъатиям зўр экан-ку,— Ваҳобов кулиб,
тепаликка ишора қилди.

— Хўжайинни кўндириш учун дикторлик қилишга ҳам тўғри келди.

— Жуда катта иш қилипсизлар, офарин! Алифни кўрсатса, кал-
так дейди-ю, бошига саватдек саллани кўндириб, бўлар-бўлмас гапни
кўпайтириб юрадиган чала муллалар ҳалиям бор орамизда. Кечаги
гапниям ўшалар тарқатган. Раҳмат сизгаям, ўртоқ Ибодов, ёлғон-
яшиқ билан халқнинг диққатини чалғитадиганларга вақтида зарба бе-
рибсиз. Бу ёқда, мана, ўзингизнинг ишингиз ҳам юришиб кетипти.—
Ваҳобов ҳамон қўлида ушлаб турган аризаларни Ибодовга узатди...

Чорпоя устидаги лампа хира милтиллар, нурга талпиниб, қағот
қоқаётган парвоналар гоҳ исинмоқчи бўлгандек шишага ўзини урар,
гоҳ шифтга ёйилган ёғду кетидан қувар, яна қайтиб, чироқ атрофини

гир айланарди. Ваҳобов ўйчан кўзларини лампа атрофида ўйнаётган парвонадан узиб, Ибодовга қаради.

— Кечаги одамларингиздан бир-иккитаси келиб парвонани кўрсаяна гап тарқатарди: парвона муқаддас жойларга келади деб.

Ибодовнинг лампа ёғдусида қорайиб турган юзига табассум югурди.

— Бу ерлар чинданам ота-боболаримиз ўтган муқаддас жойларда, — деди нигоҳини парвонадан узмай.

Румия усти сирланган жигарранг чойнакда чой кўтариб кирганда, Соқижон келиб, коржомасини айвон устидаги қозиққа илди-ю, ёнламаси билан ўтирган Ваҳобовга тикилиб туриб, кўзларига ишонмади. Яқинроқ келиб, адашмаётганига ишонч ҳосил этгач:

— Ассалому алайкўм, акамулло, яхшимисиз? — дея шоша-пиша Ваҳобовга қўл узатди.

— Ваалайкўм ассалом, ҳорманг! — Ваҳобов қайрилиб, Соқижон билан кўришди-ю, чеҳрасига табассум ёйилди. — Э, адашмасам, Соқижонмилар?

— Ҳа, акамулло, худди ўзлари!

Соқижон Ваҳобовнинг ҳазилига ҳазил билан жавоб бергач, чорпоя олдидаги бўш курсига ўтирди.

Ибодов ўнғайсизланиб, Соқижонга қаради.

— Меҳмон билан танишмисиз?

— Ҳа, акамулло билан кўна тонишимиз. Ҳа, акамулло, ўртоқ Ибодовга айтиб қўйинг.

Ваҳобов Ибодовга қараб, бир нарса демоқчи бўлиб оғиз ростлаган эди, Румия чой узата туриб:

— Чўлнинг нониданам тотиб кўринг, Абдукарим Ваҳобович, — деди уни чорпоя устига ёзилган дастурхонга ундаб.

Соқижоннинг чанг инган бароқ қошлари остидаги кичкина кўзлари бақрайганча, чайнаб турган нонини ҳам ютолмай, анграйиб қолди.

Ваҳобов унинг ҳолатини кўриб, кулди.

— Ҳа, Соқижон, нима бўлди?

Соқижон ўрнидан туриб кетганини ҳам билмай қолди. У бир қулоғи осилиб қолган қулоқчинини бошидан юлқиб олди-ю, уй вазифасини бажармай муаллими қаршисида серрайиб қолган боладек кўзларини пирпиратганча ерга қараб:

— Кечирасиз, ўртоқ Ваҳобов, тонимаган эканман сизни ўшанда. — деди.

— Қарбюраторни тахтлаб бердими домодчангиз, — Ваҳобовнинг юзи кулгидан ёришиб, сўради.

— Домодчагаям кунимиз қолмай, қаерданам дириктирди ўзи ҳовлиққанча келиб, бир фасда ўхшатиб, бо яна мошинам берди олиб келишга... Аммо лекин... — Соқижон бир-икки томоқ қириб, дудуқланди. — Биздан беодоблик ўтган бўлса, афв этасиз-да, ўртоқ Ваҳобов, танимаганини сийламас қабилда бўлди чоғи. Кўп ҳазил қилдик-да ўзиям, Боқижон минан бир бўлиб.

— Яхши-да, доим ҳазил-кулги қилиб юриш керак ўзи.

— Бу-ку, шу-я!.. Ҳарҳолда... — Соқижон яна ерга қаради.

— Боқижоннинг аҳволи қалай? — Ваҳобов Соқижонни хижолатдан қутқариш учун гапни бурди.

— Э, у киши бажо. Зарб минан каллалари бир оз қалқиган экан. Эртага ишга чиқадилар.

— Утиринг, нега туриб қолдингиз.

Соқижон лабларини кулгидан тиёлмай ўтиргач, Ваҳобов тунги йўловчилар саргузаштини гапириб берди. Соқижон гоҳ хижолатдан қизарганча бош чайқар, гоҳ Боқижоннинг гапларини қайтариб, ўзи ҳам умумий кулгига қўшилиб, қиқирларди.

Ваҳобов кулгидан ўзини аранг тийиб:

— Чўлни ўзлаштириш музейини очганимизда шу гапларни ёзиб берасиз ўзингиз, — деди Соқижонга қараб.

— Э, бизага даст-панжа қаерда дейсиз мундайчикин ишлага, ўртоқ Ваҳобов.

— Мана, Румияхондан илтимос қиласиз, кўмаклашадилар.

— Йўқ, яхшиси Қаҳрамон акадан сўраймиз, чиройли сурат ишлайдилар,— деди Румия бир чеккада гапга аралашмай ўтирган Қаҳрамонга қараб.

— Музей деганингизга эсимга келди, ўртоқ Ваҳобов. Илтимос, шу пўчтахонаям қолсин. Тирик тарих бу.

Ваҳобов тушунолмай, қошини чимирганча Ибодовга қаради.

— Қаптархонани айтяптилар бу киши, — дея изоҳ берди Ибодов боши билан қоронғиликка ишора қилиб.

— Ҳа-а... албатта қолдирамиз. Атрофидан яна ярим гектарча ерниям асли ҳолида сақлаш керак, ўртоқ Ибодов, иложи бўлса мана бу айвон билан бирга. Чўлга тушган биринчи иморат тарзида.

— Тахтлаймиз, Абдукарим Ваҳобович.

Ваҳобов ўрнидан турди. Пайканд канали қурилиши бошланганини айтиб, узоғи билан икки ой ичида Варахшага етиб келишини, одамлар, техника масаласига ҳозирдан киришиш зарурлигини таъкидлағач, хайрлашиб, машинасига ўтирди. Румия билан Қаҳрамон «ГАЗ-69» га чиқишди.

Машина фараларидан таралаётган нур чўлга ёйилиб, бу ерларда янги ҳаёт бошланганидан далолат берар, асрлардан буён тинчини ҳеч ким бузмаган юмронқозиқлар инини тополмай, кичкина бошчаларини ўнгу сўлга бурганча саросималаниб чопарди.

«ГАЗ-69» совхоз идораси ёнидан ўтиб, уч юз метрча юрди-ю, тунука томли уй олдида тўхтади. Румия билан Қаҳрамонга совхоз меҳмонхонасидан икки уйни ажратиб беришган эди. Қаҳрамон уст-бошини ечиб, сочиқни елкасига илди-да, майкачан меҳмонхона эшиги олдидан жилдираб оқаятган ариқча лабига бориб, энгашди. Кундузги диққинафас ҳарорат пасайиб, кечки салқин бошланганидан жунжикканча бўйин, юзларини тезгина ювди-ю, уйга чопди. Румия кираверишдаги хона бурчагига тираб қўйилган иш столига энгашганча ватман қоғозидаги чизмасига янги белгилар қўярди. Қаҳрамон сочиқни қозиққа илди-да, оёқ учиде келиб, Румиянинг елкасидан оҳиста қучиб, сийрак сочлари тўзғиб турган оппоқ бўйнидан ўпди. Румия қаддини ростлади. Бурилиб, Қаҳрамоннинг қошлари, сочларидаги сув томчиларини кафти билан сидириб:

— Чарчадингизми? — деди яланғоч елкасига юзини суркаб.

— Йўқ, нега ундоқ деяпсиз?

— Узим, кўзларингиз киртайиб, ҳоригандай кўриндингиз назаримда.

Румия ундаги озгина ўзгаришни ҳам сергаклик билан пайқашини биларди. Тепа устидаги изтиробларини айтиб, кўнглини бузгиси келмади.

— Назарингизда шундоқ кўринаётгандирман, Румияхон. Бугун жуда тетикман.— Қаҳрамон хотинини эрқалаб, бағрига босди.

Румия эрининг бағридан сирғалиб чиқди-да, стол ёнидаги жигарранг шотланка сирилган креслога ишора қилди.

Бир дамгина ёнимда ўтиринг, ҳозир сизга бугун қилган ишларимни айтаман.

Қаҳрамон креслога чўкди-ю, қўлларини чамбарак қилиб, меҳр тўла кўзларини Румияга тикди.

— Унақа қараманг-да, гапиролмайман.

— Қанақа қарай, бўлмаса?

— Тўғри. Ҳа, ана шундоқ.

Румия стулни тортиб ўтирди. Унг қўли тирсагини столга тираганча юзини кафтига босди.

— Биласизми, Қаҳрамон ака, чўлдаги ариқ-каналлар изини қидириб юриб, баъзан чуқур ўйга ботаман.— Румиянинг юзига ташвиш,

ҳаяжон балқиб, ингичка қошлари чимирилди. Сўнг хазин овозда сўзи-ни давом эттирди.

Қаҳрамон қидириб юрган нарсасини топиб олган боладай ич-ичидан қувониб, Румиянинг юз-кўзига диққат билан тикилди.

Румия бунга эътибор бермай гапирарди.

— Анчадан буён шу фикр миямдан чиқмай қолди. Назаримда Варахшадаги яшнаган ерлар ўз-ўзидан йўқолмаган. Уни чўл ҳам емирмаган. Қандайдир бир ёвуз қўл бор бунда.

Қаҳрамон хотинининг гапларини деярли эшитмас, аниқроғи қулоғига кирмас, у кичкина кўзларини қисганча ўз хаёлига фарқ бўлган эди. Стол устидаги қалам билан қоғозни оҳиста ёнига тортиб, алланарсаларни чиза бошлаганини кўргач, Румия аразлагандай гапини тўхтатди.

— Бирпасгина ишингизни қилмасангиз нима бўларди? — Румия эрининг қўлидаги қаламни олиб, столнинг бурчагига суриб қўйди.

— Хўп, хўп, эшитаман, қулоғим сизда.

Юрагида кек сақламайдиган Румия қилган ишига узр сўрагандек жилмайди-ю, шу заҳоти аслига қайтди.

— Ҳа, ҳа, Қаҳрамон ака, ёвуз қўл бор бунда. Чунки, Варахшада ҳаёт аста-секин эмас, бирдан сўнган, менимча.

Қаҳрамон Румиянинг ҳозирги ҳолатининг бирон нуқтасини унутишдан қўрқиб, кўз узмай, унинг кўнгли учунгина савол берди.

— Нимага асосланиб айтяпсиз бу гапни?

— Ариқ-каналларга қараб, бунинг устига чўлда ихота дарахтлари бўлган деб гумоң қилиб айтяпман. Тушуняпсизми, бу ерларда ҳаёт аста-секин йўқолганида ариқ-каналларнинг изи бошқача ҳолатда бўларди. Ҳозир эса суви қуриган заҳоти биров устига, қум тортиб қўйгандай. Билдингизми энди?

Қаҳрамон хотинидан кўз узмай, бошини лиқиллатди.

— Эсингиздами? Тошбобо отарларига борганимизда, у киши Чингизхоннинг Варахшани забт этолмай, сувдан маҳрум этгани ҳақидаги кизиқ бир ривоятни айтган эдилар. Абдукарим Ваҳобович келиб қолдилар-у, тафсилотини суриштириб ололмагандим.

— Унда, Тошбобо олдиларига бориш керак.

— Ҳазир шуни ўйлаётувдим. Эртага бормоқчиман. Яна у киши сайёҳ Эверсманнинг Шаҳристонда қолдириб кетган ҳассаси ҳақидаги фаройиб саргузаштним айтман, қизим, дегандилар. Ҳассаниям қишлоққа борганларида олиб келиб қўйган бўлсалар керак.

— Жуда яхши, эртага сизга оқ йўл тилаймиз. Лекин энди менинг илтимосимга йўқ деманг.

— Нима экан у? — Румия нозланди. Юзига табассум югурди.

— Биринчи илтимосим шуки, менга ишингиз ҳақида гапирётганингиздаги ҳолатларингизни бузмай нариги хонага ўтасиз. Иккинчи илтимос, худди ўша ҳолатда ярим соатгина ўтирасиз.

Румия ўрнидан турди. Қаҳрамон шошилганча ундан олдинроқ хонага кириб, иш столи ёнидаги Румиянинг тугалланмаган портретини олди. Стул суянчигига тираб қўйди-да, мўйқалам, бўёқларини ҳозирлади. Эрининг бу хатти-ҳаракатларидан таажжубланганча остонада туриб қолган Румия савол назари билан Қаҳрамонга қаради.

— Ҳозир тушунтираман, сиз ўтиринг, — деди у ҳаяжонини босолмай. Румия чироқ ёғдуси қаратилган стулга ўрнашиб ўтиргач, Қаҳрамон мўйқаламни бўёқ қутиси устига қўйганча гапирди. — Дидронинг бир гапи хотирамга маҳкам ўрнашиб қолган. Унинг айтишича, кулиб турган одам портретида эзгулик намоён бўлмайди. Кулги ўткинчи ҳолат. Уй суриш, қайғу, мушоҳадага берилиш онларида теранлик бор. Сиз, Румияхон, қалбингиз ойнадай покиза, хушчақчақ, очиқ аёлсиз. Дилингиздаги юзингизда. Шунинг учун чехрангизда доим табассум. Мен дардли, аламли ҳолатингизни неча йиллардан буён пойлайман. Бугун эса сизда ниҳоят шу ҳолатни кўрдим.

Румиянинг юзига одатича бирпасгина табассум югурди-ю, сўнг атайлаб қошларини чимириб:

— Мана, бўлмаса сизга, — деб эрига қаради.

— Йўқ, йўқ, буниси энди сохталик. Сиз эса сохталикдан йироқ-сиз.

Қаҳрамон бир нарсани хогирлагандек қошларини чимирди-ю:

— Биласизми, фикримни яна ҳам ойдинроқ тушунтириш учун Расул Ҳамзатовни кўмакка чақираман, — деда ўйлаиб.

— Қани, қани, эшитайлик-чи?

— Доғистонда ҳар хил касбдаги одамларнинг овуллари бўларкан. Шаҳристонимиздаги гузарларга ўхшаш. Чунончи, бир овулда кулоллар яшаса, бошқасида наққошлар, учинчисида яна бир касб кишилари. Ҳатто ҳофизлару шоирларнинг ҳам овули бўларкан. Одатда ашуласини бошлашдан олдин ҳофиз одамлардан: «Севги ҳақида куйлайми ё ғазабни ифодалайми? — деб сўраркан. — Қўшигимда қувонч бўлсинми ёки ғам?» Шунда шинавандалар бундай жавоб беришаркан: «Севгини куйла, аммо унда қаҳр ҳам бўлсин. Қўшигингда қаҳр янграсин, аммо унда севгини тараннум эт. Ғамни куйлагин, аммо қувончни ҳам ҳис қилайлик. Қувончда эса дард сезилсин».

Румия кўзларини пирпиратганча хўрсинди.

— Вой, қандай чиройли гаплар.

— Энди фикримни тушундингизми?

Румия бош ирғади. Аста-секин юзида эри илтимос қилган ҳолат ифодалана бошлади.

Қаҳрамон кўзларини қисганча гоҳ Румияга тикилар, гоҳ қўлидаги мўйқаламни авайлабгина холст устида юргизар, яна ўйлаиб, Румияга тикилиб қоларди...

Улар ўринларидан туришганда, девордаги атрофи кунгирадор думалоқ осма соатнинг миллари ўн иккени кўрсатарди. Румия хонасига ўтиб, иш столига яқинлашди.

— Яна ишламоқчимисиз?

Румия бош ирғади. Қаҳрамон келиб, унинг рухсорларидан бўса олгач, хонасига кирди. Холстдаги Румиянинг портретига тикилиб туриб, яна мўйқаламни қўлига олди.

Ўн учинчи боб

Қулоқлари диккайган чавқар бошини баланд кўтариб, узун бўйинининг икки томонида ипак шокиладек осилиб турган майин ёлларини силкитганча гужумга яқинлашганда уйдан Румия чиқди. Чавқар устида қоматини чавандозлардек тик тутиб турган Тошбобо жиловни тортди. Унинг эғнида аҳён-аҳёнда катта тантаналар, тўю маъракаларгагина кийиб борадиган банорас тўн, оёғида пошнаси баланд ағдарма этик. У ўттиз-қирқ йил муқаддам ортидан ҳеч кимни еткизмай, такани тақимга босганича елдай учган онларини хотирлаган каби чаққонлик билан сакраб, ерга тушди. Тошбобонинг йигитлардек чақнаб турган кўзлари меҳр билан Румияга тикилди. Қўлидаги сопи кумуш нақшли қамчи билан оҳори тўкилмаган сур теллагини оппоқ сийрак қошлари устидан хиёл кўтарди. Чўл қуёши қорайтирган юзига табассум ёйилди. Румия билан ораси беш-олти қадам қолганда:

— Хуш келибсиз, қизим, хуш келибсиз! Бинойидек юрибсизми? Марҳабо! Марҳабо, — дея тишсиз милklarини кўрсатиб кулди. — Қаранг, озиб-ёзиб бир отарди чўлиқлага ташаб кетганимда, мемон келиб турса-я! Чавқар жонвор устига минишим минан бир-икки олдинги оёқлариди ерга уриб қўйди-ю, эътибор бермовдим. — Бобо Румиянинг ҳайрон бўлиб бир отга, бир ўзига тикилиб қолганини сезиб, изоҳ берди. — Бир ёққа отланганимда мемон келайтикон бўлса у икки олдинги оёғиди ерга уриб қўяди. Ким билади, ё менга шундай туюладими. Ҳай, куттириб қўймадимми, кизим?

— Йўқ, йўқ, бобожон, манам ҳозир келиб, яхтаккина чалоб ичиб

ўтирувдим. От дупурини эшитдим-у, югуриб чиқдим. Ким экан у навқирон чавандоз деб танаймай, анқайиб турувдим.

Бобо лабидаги кулгини йиғолмай, этсиз чайир қоматини янада тикроқ тутиб, отнинг сувлигини ечиб олди-ю, бўйнига шапатилаганча бостирма томонга бурди. Эгар-жабдуғи олинмаган чавкар устидаги яшил духоба ёпиқни кўз-кўз қилаётгандек ер депсиниб, йўртиб кетди.

Тошбобо Румияни уйга бошлади. Тўнини ечиб, қозиққа илгач, тер томчилари йилтиллаб турган кўкрагини белидаги ҳаворанг белбоғи билан артди. Яхтаги барларини текислаб, шолча устига чўккалади, фотиҳага қўл очди.

— Хай, Қаҳрамонжон тинчгинами? Дадайизлар? Афаносдан дарак борми?

— Ҳаммалари соғ-саломат, Қаҳрамон акам кўпдан-кўп салом айтдилар сизга.

— Саломат бўлсунлар. Олиб кемапсиз-да бирга.

— Иш қилиб ўтирувдилар, халақит бермадим.

— Дарё бошига кўп одам йиғилупти. Канал қозишопти.— Бобонинг кўзлари порлаб, болалардек қувнаб кулди.— Ҳаммасини бошида ойнакми темир ниқоб, юзлари кўринмайди. Маҳкам бекитиб олган. Югуриб бориб чўлди эни-ю, бўйини бирпасда ўлчайди. Сўгин кафтаккина нарсани ипидан тортганча ҳув анча жойга бориб, ётиб олади. Қанопдай ингичка симга ўт қўяди. Шу денг, сим балою офатдай пишиллаб, кетади. Бояки кафтаккина нарсага тақалади-ю, гумбурлаб, еру кўкди ларзага солиб портлайди. Дунёни тупроғи осмонга сапчийди. Икки уйдаи жойди ўйиб, канал қазийди. Ағрайиб ўтириб қопман денг, уларди ҳунарига қараб. Биза бачалийимизда бир қишлоқди одами дори портлаб, ўйган ариқди эчки кундаям қазиб улгуролмасди. Хўп замонла келди-да, қизим. Бошига темир кийганладан биттаси: «Бабай, иди дўм» демаса ҳали-бери ўтирайтим. Канал келопти, қизим, ҳа!— Тошбобо ҳаяжонини босолмай, икки қўлини тиззаларига уриб, қиқирлаб кулди.

Румия бир умр сувга муштоқ бобонинг қувончига ич-ичидан суюниб, жилмайиб ўтирарди.

— Иби, ўтиришимди қаранг мени, мемон олди-да.— Тошбобо томирлари бўртиб турган қўлларини ерга тираганча ўрнидан туришга чоғланган эди, Румия қўймади.

— Ҳозиргина чалоб ичдим, бобожон, айтдим-ку сизга, ҳеч нарсага ҳожат йўқ. Қай куни келганимизда Чингизхон ҳақидаги чала қолган гапни... Яна эсингиздами, ҳассани қишлоқдан олиб келиб қўяман деганингиз?— деб Тошбобога тикилиб қолди.

Тошбобонинг қувонч порлаган кўзларидаги нур сўнди. Юзига ғам-гусса соя ташлади. Бир дам чўлнинг гармселу шамолларидан хира тортган пастаккина дераза ойналаридан баланд-паст қум барханларига хомуш боқиб, оғир хўрсинди.

— У замонларди ҳикоясини эсласам, юрагим эзилади, қизим. Тагинам одамнинг боши тошдан қаттиқ экан. Ҳамма жабру ситамларга чидаган.— Бобо яна жим қолди. Сўнг:— Хай, қизим, ҳозир,— деди-ю, ўрнидан турди. Бориб бурчакдаги сандиқни очди.

Тошбобо қайтиб келиб, жойига ўтирганида, қўлида жимжимадор узун ҳасса бор эди.

* * *

Кўҳна Шаҳристоннинг беҳисоб бозору тим ва расталарида ҳаёт қайнайдди. Одамлар бири олиб, бири сотар, кундалик тирикчилигига беш-ўн танга пул ишлашга жон-жаҳди билан тиришаётган косибу ҳунармандлар овозининг борича бақириб-чақириб молига шунчаки кўз қирини ташлаган харидорнинг этагига ёпишгудек бўлиб мақтарди. Ҳассаларига таянганча тиланаётган дарвишу гадоёлар, яхоб кўзасини кўксига босган чувринди норасидаларнинг қичқириқлари, бунинг устига бозорларда тинмай давом этадиган одатдаги ола-ғовур қулоқларни

қоматга келтирарди. Кўз қамаштирувчи расталарда анвойи ипак-матолар, ранг-баранг от ёпиқлари, аёлларнинг зарбоф оёқ кийимлари, пичоқлар, чой, атир-упа, чинни, сопол идиш-товоқларнинг минг тури, бир ёқда тиллақошу зебигардон, сурмадон, билагузукдан тортиб қим-матбаҳо тошлар, дуру жавоҳирлар... Гўё дунёдаги жами бозорлар Шаҳристонга кўчиб келган-у, аҳли тужжорлар молини пулга чақишга ошиқарди. Харидордан сотувчи, одамдан буюм мўл.

Биргина киши бу умумий алғов-далғовга алоқасиздек кўк зарбоф чопонининг барини кўтарганча хомуш одимларди. Бошида салла. Ҳар замонда бозор кезиб юрган Шаҳристоннинг кетворган риндлари унинг хинадан жигарранг тус олган соқолига ҳавас билан қараб, ёнларидаги шерикларига имлаганча шивирлашарди.

Шаҳристон кўчаларида ана шундай қиёфада юрган киши оренбурглик врач Эдуард Эверсманн. Бу ерда у ўзини «татар савдогари» деб таништиради. Араб, форс, ҳинд тилларида муомала қилаётган кишиларга разм солди, Кимнингдир намоз ўқиётганини, кимнингдир қарғанаётганини, яна бировларнинг худою пайғамбарларни ўртага солиб, қасам ичаётганини кўрди. Дарвишлар ва қашшоқларнинг нола, фиғонларини эшитди. Эҳтимол Шаҳристон минг йил ва ҳатто ундан ҳам қадимроқ замонлардан буён савдо билан машғулдир. Унинг кўчалари, майдонлари ва бозорларидаги қулоқ эшитмаган даражадаги шовқин-сурондан «татар савдогари»нинг боши ғувилларди. Асл ипак салла оғирлик қилаётгандек бўйнини чўзганча, бир зумгина баланд минораларга кўз тикди. Уларда ин қурган лайлақлар назарида юз йиллар ёки минг йиллар давомида шу юксакликда узун тумшуқларини пастга қаратиб, шаҳарни бир зайлда кўздан кечириётгандай бўлиб туюлди. Бу муқаддас оқ қушлар юқоридан туриб бутун шаҳарнинг тунда зулфинига катта қулфлар солиниб, калитлари арк миршабига бериб қўйиладиган пахса деворли ўн бир дарвозасини ҳам қафтда тургандай кўришарди. Одамлар оқими туялар бўйинларидаги қўнғироқлар жангир-жунгири остида дарвозалар томон шошилиб борарди. Доимий ҳаракатнинг кети узилмайди. Одамлар шовқин-суронга ҳам, тиқилинчга ҳам, отларнинг туёғидан атрофга сочилаётган лойга ҳам эътибор беришмайди. Шунингдек, майдонларга тахлаб қўйилган танасиз бошлар ҳам ёки дорда ичи бўш хуржундек осилиб турган жасадлар ҳам ҳеч кимнинг эътиборини жалб этмасди. Одамлар, Эверсманнинг назарида, ўлганлар кетди, тириклар тирикчилигиндан қолма, қабилида иш тутарди.

Мана, шаҳар узра виқор билан қад кўтариб турган тепаликда амир арки турипти. Айланма йўл унинг асосий дарвозасига олиб боради. Икки ёнидан кунгирадор пахса девор чўзилиб кетган, косадек темир қуббалари нақшинкор дарвоза ёнидаги икки минорага улкан ноғоралар қўйилган. Силлиқланиб терилган харсанг тошлар дарвозадан кўтарилиб борган йўлакни ҳам безаб турарди. Эверсманн шу йўлдан кўтарилиб, аркка кирди. У қинғир-қийшиқ шамширлар ва найзаси узун, пиликли милтиқлар билан қуролланган амир сарбозларини ёнлаб, ялангликка чиқди. Қадамини секинлатиб, ёғоч филдиракли ўн иккита тўп олдида турган амир тўпчиларини кўздан кечирди. «Эҳ голова, два уха»,— дея сўқинарди русчалаб тўпчибоши. Сўнг милтиқни қўлига олиб: «Сен милтиқни аввал мана бундоқ елкангга тираб, сўнгра мўлжалга ол...»— деб танбеҳ берарди ўзбек тилида. Таажжубланган Эверсманн, кейин суриштирса, тўпчибоши асир олинган рус солдатни экан.

Эверсманни амир Ҳайдархон ҳузурига бошлаб киришди. Ҳайдархон анча ёш бўлса-да, маъюс кўринарди. Ранги захил. «Жигари касал бўлса керак», дея ўйлади ўзича Эверсманн. Савдогарни Қушбеги¹ олиб кирган эди. Эверсманн Қушбегига йўл-йўл кашмир тўн тақдим этган ва унинг шамоллаган суюкли хотинини даволаган эди.

¹ Қушбеги — бош вазир.

Зарбоф тўн, бошидаги салласига атрофи лаълу жавоҳирлар билан нақшланган пиёладек бриллиант қадалган Ҳайдархон суяклари туртиб чиққан қўлларини олтин тахт қуббаларига тираганча ўтирарди. У шишинқираган қовоқлари остидаги нурсиз кўзини бир дамгина савдогарга тикиб, хуш келибсиз, дегандек эринчоқлик билан бош силкиб қўйди. Эверсманн таъзим этган каби қўлларини тавозе билан кўксига қўйди. Ёнида турган Қушбеги уни секин туртиб, эшик томон юрди.

Кечга яқин мулозим Эверсманнга Қушбегининг хатини келтириб берди. «Татар савдогари»га оллоҳнинг ердаги ноиби — амир карвон билан Қашқарга йўл олишга рухсатнома берган эди.

Бироқ дунёда хоинликдан ҳимоя излашдан кўра машаққатлироқ нарса бўлмаса керак. «Савдогар»нинг тил билиши, медицина сирларидан воқифлиги, қиличбозлик санъати ёки кўз бойлоғичлиги бари бир сақлаб қололмади. Арвоҳдек қотма шаҳристонлик бир киши Эверсманни Оренбургдаги мол айирбошлайдиган саройда кўрган эди. Таниб, Улуғбек мадрасасига етар-етмас, отини айтиб чақира бошлади. Эверсманн ўзини эшитмаганга солди. Аммо у пешинда, айниқса, иссиқда одамга ёпишиб оладиган хира пашшадек сира нари кетмади. «Татар савдогари»нинг изидан Абдуллажон карвонсаройигача борди. Эверсманн шу ерда истиқомат қилаётганини суриштириб билгандан кейингина орқасига қайтди.

Омад келганда уни қил билан ҳам торта оласан, кетгудек бўлса, занжир ҳам кор қилмайди. Карвоннинг Шаҳристонда Қашқарга кетишига бир кун қолганда амирга у қабул қилган, ҳомийлик кўрсатган савдогар ва табиб аслида исломни топтаган, шариатни бузган рус фуқароси, ғайридин деб етказишди.

Амир Ҳайдар тахт қуббаларига тираб ўтирган қўлларини қаҳр билан кўтарди. Унг қўл бармоқларини иккинчи кафтига урди.

— Жаллод! — Унинг заҳил ранги янада оқарди, шишган сарғиш қовоқлари пириллаб кетди.

Қушбеги мувозанатини бузмай, зарбоф тўнининг боғичи устига икки қўлини қўйганча, саватдек саллала бошини амир томон эгди.

— Амирлар амири, оллоҳ бандаларининг пушти-паноҳи, сабр айлағайсиз. — Қўрқувдан қисилган кўзлари бир зум амирга тикилди-ю, сўнг ерга қадалди. Оний сукутдан кейин мулозим ва тавозекорона оҳангда муддаога ўтди. — Элда: «Мартабанг билло бундан ҳам улуғвор ва айни чокда пойдор бўлмоғини хоҳиш этсанг, баъзан сенинг раъийингни тўхтатувчи яқин кўмакдошлар машваратига қулоқ сол», деган нақл бор.

Амирнинг чақчайган кўзлари Қушбегига еб қўйгудек тикилди-ю, сўнг чимирилган қошлари остига ботиб, юмилди. Бир лаҳза ўтар-ўтмас «гапир» дегандек оғир боши Қушбеги томон бурилди.

— Шошилмайлик, амирим. Ғайридин олло таолонинг қаҳридан қочиб қутулолмас. Иншолло, эгамнинг марҳамати давлатпаноҳимизга беадад. Ба сабаби ин, у бизнинг қўл остимизда илоҳий кишида тургай. Шаҳристон яқинидаги рус ваколатхонасининг мулозимлари бугун-эрта юртига йўл олади. Ана ўшанда муборак фармони олийлари... — Қушбеги амирга зимдан қараб қўйиб, таъзим бажо келтирди. — Унга-ча худо холиқ. Бу ёқда қудрату камолга тўлиб турган рус подшоси Александр ҳазрати олийлари ҳам ўз фуқароларининг қатлидан беҳабар қолғусидир. Оллоҳнинг бизга бўлган карами бисёр, ҳукмронлар ҳукмрони!

Амир қўлларини яна тахт қуббаларига тираганча ўйланиб қолди. Қушбегига табассумга мойил рангпар юзини буриб, бош қамирлатди...

Эверсманн саройдаги ҳужрасида маъюс ўтирипти. Хаёл уни минг ёққа тортқилайди. Туғилиб ўсган ерни — Дерптани эслади. Қозондаги дўстлари кўз ўнгидан бир-бир ўтди. Аммо хотиралар уни узоққа етаклаб кетолмади. Безовта кўнглидан бундан икки кун муқаддам карвонсаройигача орқасидан эргашиб келган соя ўрин олди-ю, бутун ўй-фикрларини остин-устин қилиб ташлади. Ўша куни кечқурун Шаҳрис-

тондан чиқиб кетиш учун ҳамма ишни қилди. Дарвиш дўстидан яхши от сотиб олиб қўйишни илтимос қилди. Ҳатто Вобкентдаги беш тўп ва икки юз казак соқчилари билан турган рус элчисини аҳволдан воқиф этишни ҳам унутмади. Эверсманн Шаҳристондан пинҳона чиқиб кетиш учун тонгни кутмоқда эди. Устига иккита тўн ёпиб, наमत устида ўтирар, ҳар бир шарпага «қотиллар келмаётганмикин?» дея қўрқа-писа қулоқ осарди. У моҳир актёр сингари олдиндан ёд олган дийдиёсини айтишга ўрганган. Узининг «татар савдогари» эканлигини унутмасди. Эверсманн бу ердаги бутун хона ва дўконлардаги бурга, каналарга ҳам ўрганиб кетди-ю, аммо деворлардан, ҳатто ер ва шифтдан, ҳаводан доим уриб турадиган захга сира қўниқолмасди.

Эверсманн жунжикканча эриниб ўрнидан турди. Гўристондек қоронғи токчадан қалам ва сиёҳ олди. Ўйланиб, қошларини чимирди. «Кундалигимга яна нималарни ёзмадим экан?— Қаламни қора сиёҳга ботириб, хаёл суриб қолди.— Нега энди шу шаҳарга келишга интилдим? Ун тўққизинчи аср — фан, маърифат, эркинлик асри ҳали бу ерларга етиб келмаганини билардим-ку! Шаҳристонда ўтириб, ўйланиб қоласан: бу ернинг осмони остида нечанчи аср экан? Ун бешинчи асрми? Ё ун олтинчи асрми? Ер юзида яқиндагина Наполеон жунбушга келтирган Европа борми ўзи? Иқлим жондек Италия мавжудми? Ўзи туғилган Германия-чи? Тепаликда овчилар саройи бўлган шаҳар-чи?.. Бежирим режаланган кўчалар. Тош уйлар ва кўприклар. Трактирдан музыка садолари эшитилиб туради...— Эверсманннинг кўзларида ёш ҳалқаланди.— Наҳотки қачонлардир ўлмас Гётени кўрганим рост бўлса?»— Эверсманн нафрат билан атрофини кўздан кечирди. Гиштаридан қабристон ҳиди анқиб турган ҳужра нимқоронғи. Назарида у ҳозир фақат Шаҳристонни, мана шу зах унқиқиб турган деворларнигина билгандек бўлиб туюлади. Бошқа олам йўқдай. Бу сафарга олти йил илҳақ бўлган эди. Кўз олдида отаси келди, қулоғи остида у айтган сўзлар эшитилгандай бўлди: «Шу саёҳатга отланиб, бемаъни иш қил-япсан». Қулт этиб ютинди-ю, олдидаги доимий ҳамроҳи — кундалигига тикилиб қолди. Майда ҳарфлар билан битилган ёзувларга кўз югуртирди. Унда ўзи кўрган ўсимликлар олами ва тошлар, ҳайвонлар ва касалликлар, саноат ва савдо, шаҳристонликларнинг урф-одатлари-ю, турмуши баён этилган. Эверсманн ўйланиб қолди: «Бу ёзувлар вақти келиб бирон кишига керак бўлармикин? Умуман улар Европагача етиб борармикин? Ёки бошим амирга олиб бориладиган чарм қопга тушармикин?» Эверсманн оғир хўрсиниб, яна дафтарни очди. Қамиш қалам қитирлаб, қоғоз қоралай бошлади.

«...Бу ерда гадолар шу қадар кўп ва улар шу қадар сурбетки, овозининг борича қичқиради. Борди-ю, биров уларга тақлид қилгудек бўлса, пешингача овозидан ажралиши аниқ. Бундай гадонинг овоз йўлларини ўрганишга истаган анатом жон-жон деб киришган бўлур эди. Карвонсаройда ҳам, ўз уйингда ҳам гадолар дастидан тинчлик йўқ. Улар бостириб қирадилар, пунда талаб этадилар. Тағин: «Худони биласанми?» деб таъна ҳам қиладилар. Мен кўпинча: «Йўқ!»— деб жавоб берардим. Улар бундай жавобни сира эшитмаганлари учун мендан жиркангандай чиқиб кетардилар».

Эверсманн қаламни қўйиб, яна ўйга чўмди. «Дерптада ўша кезларда нақадар соддадил эканман. Осие табиатини савдогар ёки табиб қиёфасига кириб ўрганишга қарор қилганимни қаранг! Бировни чечакдан даволай туриб, бировнинг ярасига малҳам босиб ёки ойна, хина, турли безакларни сотиб, наҳотки ўз ҳаётимни хавф остида қолдириб юришимни ўйламаган бўлсам? Мана, энди жаллод ойболтасига дуч келишим ҳеч гап эмас... Олим жаҳолат олдида ожиз. Эртами-кечми Улуғбек мадрасаси олдидами, Арк пой-остонасидаги майдондами ёки карвонсаройдами — бари бир шундай бўлиши тайин эди. Улуғбек! У ҳам олим эди: астроном, математик. Қимга халақит берган эди? Ўз ўғлигами? Ўғли олдин уни уйдан бадарға қилди, кетидан отасининг бошини олиб келишни буюриб, қотилларни юборди.

Эверсмани яна қўлига қалам олди. Майда, аммо аниқ ва бир текис хуснихат билан ёза бошлади: «Шаҳристон гадоларидан бирининг оқ тушган кўзини операция қилдим. Бу операция маҳаллий табибларнинг руҳини туширди. Аммо мен бир дўст орттирдим. Дарвиш уззу кун орқамдан эргашиб юради, олдимга гадоларни йўлатмайди. У шу ердаги анча нуфузли нақшбандийлар жамоасининг вакили экан. Мана, ҳозир ҳам оёқ товуши келяпти, шекилли...»

Хужра эшиги секин тиқирлади. Эверсмани тўнларининг барини ушлаганча ўрнидан турди. Хужрага буй-баста шифтга тегай-тегай деб турган қоматдор, юзларини қоп-қора соқол қоплаган, жандасининг қуроқлари сўкилиб, аранг илиниб турган дарвиш кириб: «Худога минг қатла шукр, сизни саломат кўрдим», дея хужра эгасига қўлини узатди.

— Қани, юқорига ўтсинлар.— Эверсмани мулоимлик билан уни хужра тўрига ўтқизиб, жилмайди.— Саломат бормисиз?

— Иншоолло, табиби аъзам.— Дарвиш табобатдан тузалган ўнг кўзини ишқалаб, қўлини кўксига қўйди. У кемасимон қора қоғоқни ипидан кўтариб, бўйнидан олди-ю, бурчакка сурди. Совқотган қўллари бир-бирига ишқалаб, шивирлабгина сўзини давом эттирди.— Бунда арк миршаблариндин бирининг ҳузуриндин келурмен, тақсир. Ҳамма иш битди, иншоолло, олло таолонинг қудрати минан. Миршаб қўлига тутқазилган тангалар ишни жабожо қилғай. Бунда ортиқ туришга жазм этмағайсиз деган умиддаман. Зероки, ҳар сония хавфу хатардан холи эмастурур. Урусси одамлари эртага кечга яқин жилади. Амир жаллодлари шу фурсатни пойлаб турурлар. Бинобарин, олло таолонинг истаги бирлан тонгда саломат турсангиз, сайёралар сўнмай, зудлик билан йўлга равона бўлғайсиз. От ҳовлида.

— Раҳмат, дўстим! Қай тилда миннатдорчилик билдирсам ҳам оз. Сиз менинг халоскоримсиз.

— Сизнинг миннатдорчилигингиз ман қилишим керак бўлгон миннатдорчиликга урбоқ ҳам бўлмағай, тақсирим. Сиз менга ёруғ дунёни икки кўзлаб кўришга имкон бердингиз. Бу қилгон муборак ишингиз учун ҳар қанча хизмат қилсам оз. Қаерда юрсангиз ҳам саломат бўлғайсиз, деб осий бандаларига жон ато қилгон эгамдин тиловат келтуруб сўрурмен.

Эверсмани ёнидаги олтин танга солинган халтачани олиб, дарвишнинг олдига суриб қўйди. Дарвиш бир қимирлади-ю, соқолини селкиллатганча юзини девор томон бурди.

— Сиз мени сафар олдидан ғурбатга солиш ниятида эдингизми магар, табиби аъзам? Тангаларингизни кўзимдан йироқ тутинг. Олинг. Мен олло таоло йўлига ҳақ деб ўзимни бағишлаган дарвишмен. Бу дунёнинг фароғату лаззат, олтину тангалари менга ҳаромтурур.

Эверсмани кулиб, халтачани олиб, қўлтиғига солди. Бу гаройиб дарвишнинг хатти-ҳаракатларига қараб, ҳайрат ичида ўйланиб қолди.

— Сиз бундин кетурсиз.— Ниҳоят яна хазин овозда сўзлай бошлади дарвиш.— Минбаъд дийдор кўришмоғимиз даргумон. Бинобарин бандайи ожиз каминани бу йўлго солгон сабаби илоҳийни зикр этсам деган умидим бор.— Дарвишнинг қора кўзлари ғам-андух билан юмилди. Қошлари чимирилиб, лабларини бутунлай тўсиб қўйган соқол-мўйлаблари титраб кетди-ю, хаста овози дўриллади.— Мен Пайканд яқинидаги Найманча қишлоғида истиқомат қилур эрдим. Гўдаклик чоғларимда азбаройи бақувватлиғимдин эл мени Гурзи полвон деб атай бошлогон. Асли отимни ҳам билмайман. Падари бузруквориму волидайи азизам ўша кезлари келган ўлатдан омонатларини ҳақ таоло ихтиёрига бергон. Мен қишлоғимиздаги Бадри оқсоқол қўлинда хизматда эрдим. Не сабаб бўлади-ю, оқсоқолнинг кенжа қизи бир пой олтин ҳалқасини¹ йўқотади. Мендан бадгумон бўлишди. Не қийноғу азобларга дош бердим. Қишлоқ аҳли олдида бош кўтаролмай қол-

¹ Ҳалқа — зирак.

дим. Эсимни бир оз таниб, оқу қорани ажратадиган бўлдим, иншоолло. Шунда қишлоқдин бош олиб кетдим. Ҳақ таоло йўлига кирдим. Шаҳардан ташқарида бир чордеворни мана шу қўлларим минан тиклаб, макон айладим. Кўзи сўқир бир бева хотинга уйландим. Худога шукр фарзандли бўлдим. Олло таоло бу қулини ҳам бандаларидан кам этмади. Яратганимга шукр этиб, умримни тоат-ибодатда ўтказиб юрармен!— Дарвиш жим бўлиб, хумдай бошини эгди. Бир дақиқалик сукутдан сўнг:— Менга молу дунё не даркор, тақсирим!— деди.

Эверсманн дарвишнинг дилини огритганидан хижолат чекиб, ўрнидан қўзгалди. Буюмлари орасидан дастасига майда ҳалқачалар ўрнатилган узун, қорамтир ҳассани олиб, жиринглатганча дарвишга узатди.

— Мендан сизга ёдгорлик.

Дарвишнинг ғам-андух ичидаги кўзлари чарақлаб, ўрнидан туриб кетди. Ҳассани икки қўллаб олиб, лабларига босди. Энтикиб шивирлади.

— Бир умрга унутмасмен сизни.— У қучоғини очганча Эверсманн бағрига тортди. Сўнг садақа қовоғини олиб, бўйнига осди-ю, ҳассага таянганча эшик ёлдига борди.— Хайр, азиз табиби аъзам, сизга оқ йўл!— дея ҳужра эшигини очди.

Тонг ғира-ширасида, юлдузлар тўдаси ҳали милтиллаб ёғду таратаётган паллада Шаҳристон кўчаларидан аргумоқ минган оқ салла, зарбоф тўнли новча отлиқ борарди. «Амир ва давлат топшириғи билан шошилурмен!»— дея ҳайқирди у уйқу аралаш кўзларини аранг очган қизил камзулли қоровулга кумуш танга ташлаб. Дарвиш дўсти шундай деб тайинлаганди унга. Қоровул занглаган катта калитни солиб, шошилиб дарвозани очди. Оғир дарвоза гижирлади. У секин очиларди. Аммо кўрниниб турган тасмадек осмон борган сари кенгайиб, ниҳоят пуштиранг уфқ остида йўл ҳам кўринди.

Озодлик. Аммо нега бунчалик хафа у? Тонгда Шаҳристонни тарк этган отлиқ ярим йил муқаддам келганидагидек руҳда эмас эди. У Шаҳристонни бошқача тасаввур этган, бошқача ўйлаган ва орзиқиб кутган эди. Осиеъни кўрди. Янги планетага киргандек бўлди. Уни чинакамига ўрганиш учун бир инсон умри кифоя қилмайди. Эверсманн ўлимдан қочди. Номи жаҳонга кетган, илмий ишлари билан кўпларни ҳайратга солган Қозон университетининг профессори, медицина, фалсафа, нафис санъат доктори, турли илмий жамиятларнинг аъзоси Эдуард Александрович Эверсманн шу ҳолга тушдими? Қайси даврда? Ишониб бўлмайди. У соф дала ҳавосидан кўксини тўлдириб нафас олди. Хаёлидан ўз қўллари билан кундалигига битган сўзлар ўта бошлади: «Ҳар ким топганини, улгурганини келтиради. Мен ҳам ўзимникини келтирдим. Кимдир бу ишни бошлаб бериши керак эди. Ахир ҳар бир иш бошда унча такомиллашмаган бўлади. Менинг ишим ҳам эҳтимол шундайдир. Аммо у бошқа тўлароқ ва мукамалроқ ишларнинг вужудга келиши учун туртки бўлиши мумкин».

Эверсманн дарвиш дўстини қўмсаб, хўрсинди. «Қандай ажойиб одам,— дея хаёлидан кечирди у.— Борди-ю, шу одам бўлмаганида ғайридиннинг буюмига тегиш ҳам гуноҳи азим саналган Шаҳристонда унга ким ҳам ёрдам қўлини чўзарди? Бошини гаровга қўйиш кимга керак эди?— Эверсманн дарвишлар ҳақида эшитганларини хотирлади. Кимдир унга: «Дарвишлар расмий мусулмон руҳонийлари билан чап. Ҳатто баъзан «шариат раҳнамоси»— амирнинг ўзига ҳам қарши чиқишган»,— деган эди. Эверсманн беихтиёр кулди. Узини ҳам дарвиш қиёфасида кўриб, шивирлади: «Демак бир дарвиш иккинчи дарвишни қутқарди...»

* * *

Тошбобо ҳассани Румияга узатди. Румия неча замонларнинг гувоҳи бўлган бу муқаддас ҳассани қўлига олиб, синчиклаб кўздан кечирди. Ҳасса киши диққатини дарҳол ўзига жалб этарди. Унинг узун-

лиги бир қулочча келарди. Атрофига мис, темир, бронзадан ҳалқачалар ўрнатилган. Румия ёнғоқ ёғочга михланган шу ҳалқачалардан биридаги ёзувга тикилиб қолди. Темир ҳалқачадаги ёзув майда бўлсада, жуда аниқ ўйилган эди. Осонлик билан ўқиларди: «Эверсманн... 1815».

Румия кўзларига ишонмай Тошбобога қаради. Тасодифмикин? Бобо унинг назарида улкан тарихнинг давомидек бўлиб туюлди. Тошбобо унинг дилидагини уқиб ўтиргандек, хомуш кўзларини деразадан узмай, бош қимирлатди.

— Бу чинданам ўша ғаройиб сайёҳнинг ҳассаси, қизим. Уни ўлимдан қутқариб қолган дарвиш менинг бобом — отамнинг оталари. Ҳассани ҳам отамга бобом берганлар. Шу-шу неча замонларди гувоҳи бўлиб келаётган бу ноёб ҳасса хонадонимизди мўътабар буюми тарзида сақланади.

Тошбобо ўриндан турди. Ҳассани авайлабгина олиб бориб, сандиққа солгач, ташқарига чиқди. Румия бу гал унга монелик қилмади. Балки кўнглига кўнган ғашликни ёзиш учун чиққандир. Орадан ўн минутлар чамаси вақт ўтди. Тошбобо бир қўлида устига пиёла тўнкарилган дастурхон, иккинчисида чойнак кўтариб кирди. Дастурхонни ёзиб, нон ушатгач, чой қўйиб, Румияга узатди.

— Қани, нонга қаранг, қизим.

Румиянинг боши ғувиллаб, гоҳ бобога, гоҳ ҳасса солинган сандиққа қараб, чуқур ўйга ботган эди.

— Бобожон, — ниҳоят у ўтинч оҳангида мурожаат қилди. — Мен ҳафталаб чўл кездим. Райкомнинг ёрдами билан кўп жойларни қаздириб, синчиклаб кўрдим. Қаерга қўл урмай, ариқ-каналлар изи-ю, ғуж-ғуж шиша, чинни, сопол синиқлари, турли хил тангалар. Сахро ўсимликларини, назаримда, инсон емиргандай, ундаги ҳаёт эса кимнингдир қўли билан йўқ қилингандай. Бошим қотди. Борди-ю, кейинги тахмин тўғри чиқса, унда сахродан сира чўчмай бу ерларда ҳаётни қайта тиклаб, беҳисоб унумдор ерларни ўзлаштирилаверса бўлади. Борди-ю...

Румиянинг умидсизланган кўзлари дастурхонга қадалди, дилидагини айтишга журъат этолмади. У иккинчи тахминига астойдил ишонмас, дастлабкисига асос излаб, чўлу биёбонларнинг қайта нафас олишини, қуруқшаган томирларига ҳаёт суви югуришини истарди. Гўё областда қўриқ очишнинг бутун истиқболи унинг биргина сўзига маҳтал тургандай, жазирамада ҳансираётган жонсиз ва тилсиз чўл сўнги кучини тўплаб, қулоқларига: «Сув, сув беринг! Менинг имкониятларим ҳали буткул сўниб битгани йўқ. Инсонга кўмаклашаман», дея шивирлаётгандай бўлиб туюларди. Румия бу дўзах оташида бир бурда бўлиб, қорайиб юрганини ҳам унутиб, ҳаёт билан йўқлик чегарасида сахро ва шафқатсиз чўл қуёши билан яккама-якка жангга кирган афсонавий қахрамондек ҳис этарди ўзини. Қалбидаги ҳаётга, инсонга нисбатан чексиз муҳаббат, эътиқоди билакларига куч бағишлаб, муваффақиятнинг янги сарҳадлари сари етакларди. Иккиланган дамлари ҳам оз бўлмади, албатта. У ўз тахминини илгари суриб, домласи Афанасий Васильевичнинг: «Бу ерларда ҳаёт мўғуллар истилосигача сувсизлик офатидан аста-секин емирилган», деган хулосасини шубҳа остида қолдирмоқда эди. «Афанасий Васильевич бу фикримга қандоқ қарарқинлар? Наҳотки оғринсалар? Наҳотки тахминим ноўринлигини исботлаб, ўзларининг хулосаларига қатъий ишонч ҳосил этишим йўлида, шубҳа-ўйларимнинг узил-кесил чекинишига ёрдам қўлини чўзмасалар?»

Бу ҳақда ўйларкан, устози унга қараб: «Наҳотки менинг ҳақимда шундай фикрда бўлсанг?» деб бўй-басти билан кўз олдида намоён бўлгандек туюлди.

— Бобожон, сиз нима дейсиз? — деди у ниҳоят Тошбобонинг ўйчан кўзларига қараб. — Қай куни Чингизхон ҳақида энди сўз бошлаганингизда Абдукарим Ваҳобович келиб қолиб, гап чала қолувди. Чин-

гизхон лашкарлари чинданам Варахшага келганми? Ё бу шунчаки гапми? Унда бу қадар тезкорлик билан бўлган вайроналиклар қайдан?

Тошбобо сукутга чўмди. Чўққисоқолини тутамлаб, хиёл қисилган кўзларини Румиядан узмай сўзлади.

— Энди, қизим, Чингизхон устидайи гап, бу, шунчаки одамла оғзида қоған ривоят-да. Уни нечоғли тўғрилигини ўзимам билмайман, аммо-локин. Фалон китобга шундоқ битилган деган гапдиям эшитмадим алҳол.— Бобо иккиланиб, суяклари туртиб чиққан елкаларини қисиб қўйди.— Аммо-локин ривоят бо.

— Нима деган ўша ривоятда, бобожон, қани айтинг-чи?— Румия Тошбобога яқинроқ сурилиб, атрофига ажин тушган ботиқ кўзларига тикилди.

— Ўша замонларда Чингиз лашкарлари Шаҳристонди ер минан яксон этиб, қишлоқлагаям ўтган дейишади. Варахша атрофида қаттиқ уруш бўлган акан. Айниқса, Дингилтепа томонлада. Хўжақултепадан уч-тўрт тош нарида. Ўша ерларда ўт қўйибам элди енголмаган акан. Неча кечаю кундуз уруниб, ғазаб оловида ёнган-у, Хитфар дарёни бурган-да! Шу минаң Варахша сувсиз қолган акан. Бо ким билади, қизим. Чингизхон замонидан кейнама у ерларда одамла деҳқончилик қилган акан шекил, бунисигаям гарангман. Ҳай, Чингиз бу ерлага неганми, йўқми — бу-ку бир гапу аммо-локин шу атрофди қаранг, қизим, ҳаммаёқ янтоқзор. Янтоқзор жойла ҳосилди кони бўлайкан. Буни бир қарич деқон балаям билади. Сизди юрагийиз нима сабабдан сиқилсин! Сув кеса бу ерла яна тирилади. Одамла буни билади. Қани, нонга қаранг, қизим, қорнийизам очгандир. Ман ҳозир шўрва пишираман.

Бобо ўрнидан турган эди, Румия кўнмади.

— Йўқ, бобожон, ҳали кўп келаман. Энди кетай, Қаҳрамон ака хавотир бўлиб ўтирмасинлар,— деди бободан илтимос қилиб, қўлини кўксига қўйганча, ўрнидан тураркан.

— Ҳай, қизим, майли, ихтиёр ўзингизда. Алоҳида бир келингла бўмаса.

Чўлнинг оташ нафасига чидаб бўлмасди. Тинмай эсаётган шамол қум аралаш жизғинаги чиққан хас-хашакларни ҳувиллаб гирдобига тортар, ҳавода муаллақ тутгач, дуч келган томонга итқитар, саҳро йўловчисининг куч-иродасини синамоқчи бўлгандек вужудини олов тили билан ялаб, юз-кўзларига қум сепарди.

— Чўлди авзойи бузуқ, қизим. Бирпас ўтира қолинг. Бугун кечга бориб ё эртага тўфон кўтаради чоғи,— деди у жунбишга кирган барханларга қараб.

— Мошин бор-ку, бобожон.— У уйнинг орқасида турган «ГАЗ-69» га ишора қилди.

Бобо бояги ҳаяжонли ҳолатида уй ортида турган машинага кўзи тушмаган эди. Тошбобо «маъқул» дегандек бош ирғади-ю, отардан икки-уч қақирим нарида барханлар орасида шердай наъра тортиб ишлаётган тракторлар овозига завқ билан қулоқ солди. Унинг елкаси оша қараб турган Румияга бош чайқаб:

— Қаранг, эрталабдан берики тинмайди була. Сулаймонди одамлари,— деди фаҳр билан қўлини ўша томонга қадаб.

— Иби, Сулаймон ака буёққа келдиларми?— Румия ҳайратдан катта очилган кўзларини бобога тикди.

— Кўп орийтчи одам бу. Ўша Наим минан бўған гапдан сўғун қишлоққаям кам боради. «Уёламан» дейди бояқиш. Биргади минан юз гектар ер опти шу ёқдан. Қаранг, бир жаҳон текислаб, қумлани суриб қўйипти...

Румия бош ирғаб, бобо билан хайрлашди.

Тошбобо машина кўздан ғойиб бўлгунча ундан нигоҳини узмай, сўнг яна трактор мотори гувиллаган чўлга тикилди.

Үн түртинчи боб

Румия қалбини тирнаётган дард кечга бориб ҳам уни тарк этмади. Илк бор Қахрамонга монелик кўрсатди. Портрет устида ишлашига кўнмади: «Бошим оғрияпти, Қахрамон акажон!» дея важ кўрсатди-ю, бироқ иш столига келиб ўтирди. Ҳафталаб давом этган кузатувларини қайта кўрди, ўхшаш жойларнинг чизмасини тузди, ихота ўсимликлари бўлиши фараз этилган ерларни алоҳида белги билан ажратди, шамол кўпроқ қайси томондан эсишини ҳисобга олди. Ҳориган кўзларини бир зумгина юмиб, лўқиллаб оғриётган чаккаларини кафтлари орасига олиб сиқди. Чарчоқ ва бош оғриғини писанд қилмай, яна иш столига энгашди. Бутун ҳисоб-китоблари уни қайта ва қайта биринчи тахмини сари тортарди. Қўлидаги бигиздек учланган қизил қаламни қўлида думалатиб, ўйга ботди. «Адашаётган бўлсам-чи? Афанасий Васильевич бу дашту биёбонларни ёлғиз ўзи тадқиқ этмаган-ку! Унинг хулосаларига эътироз билдирганлар бўлгандир! Нега энди улар осонлик билан ягона фикрга келишган? Ё чуқурроқ тадқиқ қилишга имконият бўлмаганмикин? Ахир, бундан қирқ беш йил олдинги имкониятлар, техника ускуналари билан ҳозирги кунни солиштириб бўлмайди-ку!» Румия иккиланганча ўрнидан турди. Дераза олдига бориб, унинг бир табақасини очди. Епирилиб кирган муздай тунги шабада сочларини тўзғитганча хонага ёйилди. Зим-зиё осмонга, беҳисоб юлдузларга тикилиб қолди. Тун чиройи уни ўзига мафтун этиб, енгил нафас олди. Дераза ёнидаги симлари чиқиб ётган диванга омонатгина ўтирди. Бироқ ёқаси, енглиридан баданига ўрмалаётган шабададан жунжикди. Бориб деразани ёпди-ю, яна иш столига яқинлашди. Устига тўрт буклаб сочиқ ташланган стол лампасидан тушаётган ёғду бир четга тўплаб қўйилган сопол, шиша синиқларини жимирлатиб, Румияни яна саҳро сари етаклади. У ашъвий далилларга қўл чўзди. Қичкина ҳовучини тўлдириб, ёғдуга яқинлаштирди. Панжаларини очиб, кафтига тикилди. Қизалоқлик йилларида дугоналари билан шиша синиқлари борми, ялтироқ тошми — ййғиб, кечкурун дастрўмолчаси устига ёйганча узоқ томоша қилганларини эслади. Мийиғида кулиб, сопол ва шиша парчаларини жойига ташлади. Бўшаган кафтини сочиқнинг бир учига артиб, ўзига таъна қилаётгандек: «Вайроналардан бутун идиш-товоқ топмоқчимидинг?» — дея ўрнидан турди.

Румия ёстиғи устида ётган «Чингизхон» романини қўлига олиб, варақлади. Сўнги саҳифаларига кўз югуртирди: «...Менинг ейилаёзган қаламим гуллаб-яшнаган ватанимиз водийларига шафқатсиз бостириб кирган мўғуллар ҳақидаги қиссанинг сўнги сатрларини битмоқда... Яна мен тинч қабилаларнинг кушандаси, қутурган Чингизхонга қарши мардона курашишга журъат этолмаган Хоразмдаги юраксиз одамлар тўғрисида ҳам сўз юритмоқчи эдим...» Румия китобни жаҳл билан ёпиб, каравоти устига итқитди. Ғазабдан титраган лаблари шивирлади: «Ёлғон сўзлаяпсиз, ўртоқ Ян! Халқ бир тан, бир жон бўлиб бош кўтарган. Чингизхон истилочиларига қақшатқич зарба билан ҳамла этган. Бутун бошли Хоразм давлати у ёқда турсин, биргина Варахшанинг ўзи бунга асосли далил. Бу мардона кураш тўғрисида халқ ривоятлар битган, уни замонлар елкасида олиб ўтиб, бизгача етказган». Румия энтикиб, стулга ўтирди. Кўз олдида Тошбобо, унинг жаҳолатга қарши ўзича исён кўтариб, одамларга эзгу ният билан ёрдам қўлини чўзган дарвиш бобоси жонланди. Тошбобонинг Чингизхон ҳақидаги ҳикоясини қайта тинглаётгандай бошини эгиб, жим қолди. Фикри тиниқлашиб, қатъий қарорга келди. Эртага Дингилтепага боради...

Румия ечиниб, ўрнига кирганда осмон гумбазидаги юлдузлар хира милтилларди. У юлдузларга қараб, кўзи юмилаёзганда чўл этагига қадалиб турган уфқ қизара бошлади.

Бир нафас мизғиб олган Румия шофер билан келишиб олинган вақтда ташқарига чиқди. Қуёш дарахт учларига қўниб, қизғиш шуъласи ерга ёйилаётган бўлса-да, ҳали иссиғи сезилмас, асалари бол

ийққан каби эрталабки шудрингни симирарди. Атроф сокин. Одамлар далада.

Румия ариқчадан ҳатлаб ўтди-ю, асфальт йўл четида турган машина кабинасини очиб, олдинги ўриндиққа ўтирди. «Қаёққа» дегандай қараб қолган шоферга борадиган жойини айтишдан ийманиб, тараддуланиб қолди. Ниҳоят паст овозда:

— Дингилтепага бормоқчи эдим, — деди тортинибгина.

Шофер моторни юргизиб, машинани тезликка солди-ю, ўзига гапираётгандек «Ўтаолармикимиз» деб газни босди. Ҳадемай асфальт ортда қолиб, Варахшанинг баланд-паст барханлари бошланди. Машина зўриқиб инграр, ғилдираклар остидаги қум уюмлари эгар кўрмаган огдай уни чегга ригтарди. Орқадан кўтарилаётган чаңг-тўзон эса ўчакишаётгандек машина ойналарига тармашарди. Йигирма чақиримча юрилгач йўл қум барханлари орасига кириб, ғойиб бўлди. Барханларни ёнлаб буралиб кетган сўқмоқнинг ҳам боши кўринмасди. Румия машинадан сакраб тушиб, атрофга разм солди. Уфқдан аста-секин юқорига қараб кўтарилаётган қуёш қизил баркашдек жимирлаб, кўзни қамаштирарди. Румия шимол томонга кўз тикди. Баланд-паст қум тепаликлари бир чақиримча жойдан нарини кўрсатмасди.

Румия кулиб, кабина эшигини очди.


— Таваккал эркаклар иши-ю, аммо тенг ҳуқуқлилик борасида конституцион ҳуқуқимдан фойдаланмоқчиман. — У шундай дея сумкасининг тасмасини узайтириб, елкасига ташлади. Шофернинг «бирга бораман» деган таклифини рад этиб, сўқмоқдан илгарилаб кетди. Икки чақиримча юргач, сўқмоқ ҳам қумликлар ичида йўқолди. Румия тобора юқорилаётган қуёшга қараб, мўлжаллаганча шимол томонга гоҳ мункиб, гоҳ тўпигигача қумга ботиб борарди. Шу азобда Румия босиб ўтган йўл беш чақиримга етмаган бўлса-да, назарида олам-жаҳон масофа ортда қолгандек туюлди. Тўхтади. Синчиклаб олдинга қаради. Чўл манзараси ўзгармас, бир бархан ортидан иккинчиси кўтарилиб, унинг йўлини тўсарди. Румия ҳансирай бошлади. Ҳар тола мўйидан қуйилаётган тер томчилари юзини ювиб, бўйнига тушар, найзага келган қуёшнинг аёвсиз нури баданидаги намни сўриб, уни тобора ҳолсизлантирарди. Румия каловланиб, атрофга аланглади. Соясига бош суққудек бирон туп ўсимлик кўринмасди. Офтобда ёниб, ҳали тамоман кулга айланмаган янтоқ, шувоқ пояларигина турган ерида ағдарилганча қорайиб ётарди. Румия безовталана бошлади. Қайси томонга кетаётганини ҳам билмас, айланаси чўл барига кўклаб қўйилган улкан шиша тоғора ичига тушиб қолгандек юраги сиқилди. Жон ҳовурида сумкасини титкилади. Компас йўқ. Кечқурун ён дафтарчаси билан бирга сумкасига солгандай бўлган эди. Қум устига чўккалаб, сумкасини титкиламоқчи бўлди. Қиздирилган темирга чўккандек қум сонларигача жазиллатиб куйдирди. Ўрнидан турди-ю, икки-уч қадам ергача каловлагиб бориб, мук тушиб ийқилди. Баданларини ендирган аланга қўйлагига ўтгандек талваса ичида кафтларини қумга босиб, турмоқчи бўлди. Иссиққа дош беролмай ёнбошига ағдарилди. Оёқлари унга итбат этмай қўйди. Бўғзига аланга тикилгандай нафаси қайтди. Кўзлари юмилиб, ўзидан кета бошлади. Яна бир фурсат ётгудек бўлса ўрнидан туролмаслигини ўйлади-ю, сўнгги кучини тўплаб, иссиқ қумни чаңгаллаганча олдинга эмаклади. Ниҳоят тиззаларини жуфтлаб ерга тираган эди, кўзлари тиниб, боши айланди. Энди жонидан ўтаётган дўзах иссиғини ҳам ўйламай қандай бўлмасин оёққа туришга, қай томонга кетаётганини аниқлашга жазм этди. Ичаклари буралиб, аччиқ тутун кекирдагига ўрмалаб чиқаётгандек тиз чўкканча кафтлари билан томоғини силади, оғриққа дош беролмай, ёқасини куч билан тортиқилай бошлади. Кўзларини тер томчилари тўсди. Уни кафти билан амаллаб сидирди-ю, ўрнидан кўзғалди. Маст одамдай каловлана-каловлана атрофга қаради. Унга тармашаётган қум уюмларидан ҳимоя излаган каби ингичка бўйинини юқорига чўзди. Иссиқ шамол қум зарраларини кўкка кўтариб, саҳро узра соча бошлади. Румия ўзига

келгандай ҳушёр тортди-ю, шамолга қараб, йўналишни белгилашни мўлжаллади. Бироқ қуёш ҳароратидан гангиб кетган боши ҳеч нарса-ни идрок этолмас, ўтмаслашган хотираси ҳам унга кўмак беролмасди. Сўнги умид учқуни ҳам сўнди.

Румия қандай бўлмасин ҳаракат қилишни, йўл босишинигина хаёлидан кечириб, олдинга талпинди. Тирик қолишнинг бирдан-бир йўли шу. Бироқ ҳолдан тойганидан узоққа боролмади. Очлик, ундан баттарроқ қийноққа солаётган ташналик тинка-мадорини қуришиб, тили оғзига сиғмай қолди. Сувсизланган териси буришиб, майда ажинлар билан қопланди. Румия бир оздан сўнг очиққанини ҳис этмай қўйди. Аммо ташналик уни борган сари кўпроқ қийнарди. Шу даражага етдики, ҳамма нарса-ни унутди. Тошкентдаги уйини ҳам, Варахшани ҳам, севимли ишини ҳам, ҳатто Қаҳрамонни ҳам. Хаёлида биргина тушунча қолди: Сув!.. Аксига олгандай шамол зўрая бориб, юришни ҳам оғирлаштирди. Шамол ҳамласидан йиқилмаслик учун оёқларини икки ёққа керганча қумга тираб, чайқалиб турарди. Чўл осмонини қора тутундек қоплаган тўфон унинг бошига, елкаларига тинимсиз қум эларди. Румия зўр бериб чора излар, бироқ хаёлига айқаш-уйқаш келаётган саробдек фикрлар шу ондаёқ зилол сувли улкан кўлга айланиб, ўйлари ундан нарига ўтолмасди. Орқасидаги бархандан кўчган қум уюми уни елкасидан уриб йиқитди-ю, вишиллаганча гирдоб бўлиб ҳавога кўтарилди. Румия қайтиб ўрнидан туролмади. Ҳатто гавдасини қимирлатишга ҳам дармони етмади. Зўр бериб ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, ичак-чавоқлари таранг тортилиб, оғриғига чидай олмай, қумга бош қўйди. У қанча ётганини билмайди. Танасида куч йиғилгандек бўлди.

Базўр очган кўзлари олдида яшил, қизил ҳалқачалар жимирлади. Ҳаёт билан видолашаётган каби ниманидир хотирлаб, кўзларини каттароқ очишга уринди. Бир-бирига чатишгандек мижжалари очилиб, кўзларига хиёл ёруғлик тушди. Негадир Тошбобонинг кеча хайрлаша туриб айтган сўзларини эслади: «Чўлди авзойи бузуқ, қизим. Бирпас ўтира қолинг. Бугун кечга қараб бориб ё эртага тўфон кўтаради чоғи», деган эди у. Кўзини тамоман очишга уринди. Ниҳоят хаёлидан уни қидираётганлари кечди-ю, эмаклаб ўрнидан турди. Икки-уч қадам босгач, бошини кўтарди.

Юраги қинидан чиққудек гупиллаб урди. Беш-олти метр нарида кучли тўфонга дош беролмай, шохлари тинмай ўнгу сўлга эгилаётган саксовулга кўзи тушган эди. Румиянинг томирларидаги қон айланиши тезлашгандай бўлди. Жон жаҳди билан олға талпинган эди кучли шамолнинг қаршилигини енголмай тиззалари букилди, қумга чўккалади. Бир-икки уриниб, ўрнидан қўзғала олмагач, ётиб эмаклади. Унг тиззасини аранг кўтариб, тирсаклари билан олдинга қараб тирмашди. Аммо чап тиззасини кўтаришга ҳоли келмади. Қумга бош қўйди. Икки тиззасини баравар олдинга суриб, эмаклай бошлади. Бир метрча илгариллагач, яна кўзи тиниб, бошини қумга ташлади. Қулоқлари бир шанғиллади-ю, тўсатдан ҳаммаёқ жимиб қолгандек атрофга сукунат чўкди. Лаҳза ўтмай момақалдиروқнинг зарб билан гумбурлашидан кўзини очди. Тўфон тўсатдан бошланганидек худди шундай фавқулодда тезлик билан тинди. Муздай шамол эсгандай бўлди. Румия чўккалаб олди. Сўнг икки кафтини қумга ботириб, эмаклади. Саксовул поясига етай деганида икки-уч ёмғир томчиси унинг елкаларига, бўйнига келиб тушиб, нафас олиши хиёл енгиллашди. Румия кўкка-тикилди. Булутлар галасини ёриб, қуёш мўралай бошлади. Бироқ у энди ғарб томонга оғиб, қизғиш нурлари оташ пуркашга ожизлик қилаётгандек сўна бошлаган эди. Румия қалтираётган қўлларини саксовул шохларига чўзди. Яна бир эмаклаб, унинг поясини қучоқлаганча, қаддини ростлади. Ҳовуридан қайтган чўл ором олаётгандек қимир этмасди. Боя ёмғирдан олдин бир зум эсган шабада тиниб, атрофни димиққан чўл нафаси қоплади. Чанқоқ азоби Румияни олдингидан қаттиқроқ қийнай бошлади. Қўлидаги соатга қаради. Унинг жажжигина милла-



ри еттини кўрсатарди. Румия ўйланиб қолди. Соат тасмасини бўшатди. Уни қўлидан ечди-ю, саксовул поясига уриб, ойнасини синдирди. Ойнанинг каттароқ бўлаги билан саксовул танасини қирабошлади. Бироқ сахро қуёши саксовул танасидаги намни сўриб, қуруқ ёғочга айлан-тириб қўйган эди. Атрофига кўз югуртирди. Енгинасида кўзларини мўлтиратиб турган калтакесакни кўриб қолиб, унга жон-жаҳди билан чанг солди. Бармоқлари орасида сиқиб, бир томчи бўлса ҳам, томоғини ҳўллаб олмоқчи эди. Бармоқларини ёзди. Кафтидан чакиллаб тома бошлаган қон аралаш икки-уч томчи суюқликка қараб, хўрлиги келди. Хўнграб, ўзини қумга ташлади. Ниҳоят хиёл куч тўплаган қўллари билан қумни кавдай бошлади. Ярим метрларча етар-етмас қўли нам-га теккандай бўлди. Румия ўра шаклида чуқурча ҳосил этди-ю, кўк-рагини қумга босиб, чўзилди.

Улим таҳликаси ортида қолгандай бўлди. Саксовул пояси остида тўпланган нам уни анча ўзига келтирди. Хаёлида йўлда кутиб қолган шофер жонланди. «Наҳотки ҳозиргача пойлаб ўтирган бўлса?» Бу фикрдан юрагига ваҳм тушди. Атрофига аланглади. Қумлар тун чойшабини ҳозирлаётгандек қорайиб жимирларди. Яна бир нафас ўтар-ўтмас борлиқ қора чодирга ўралиб, зим-зиё зулмат чўкади. Румия юраги бўғзига тикилгудек бўлиб, ўтириб олди. Қалтираётган дәрмонсиз қўллари билан оёқларини қучоқлаганча тиззаларига бош қўйди. Энди бадани қумни қиздираётган эди. Томоғига аччиқ бир нарса тикилганча бўйин томирларини тириштирарди. Румия чуқур нафас олиб, кўкка тикилди. Яккам-дуккам юлдузлар йилтиллари. Бора-бора бир-бирига яқин турган икки юлдузнинг шуъласи ёрқин-лашиб, фараларини ёқиб келаётган машинадай бўлиб туюлди назари-да. Чўл этагига кўз тикди. Икки юлдуз энди унинг кўзи қадалган чўл этагида милтиллари. Енларига қаради. Гўё худди ўша икки юлдуз таъқиб этаётгандек кўздан нари кетмай қолди. Кўзларини чирт юмди. Илону эчкимарлар гимирлаётгандай қўрқиб, ён-верига аланглади. Атрофини қум деворлари тўсгандай кўзлари зимистон қоронғилигига қадалди. Яна кўзини юмиб очди. Зулмат баттар қуоқлашди. Энди сайёралар ҳам ёғду таратмаётгандай, нигоҳидан яширингандай бўлди. Қўрқув ҳисси бутун вужудини қамраб, тиззалари қалтиради. Томоғи-даги зўлдир йириклашиб, юраги сиқилди. Кўзларидан дувқилаб тўкил-ган ёшни тиёлмай, ўзини қумга ташлади. Унг ёнбошига ағдарилган эди, саксовулнинг иссиқдан қовжираб буралган шохлари кўзига сак-киз бошли аждардай кўриниб, ундан нари қочди. Ҳолдан тойган оёқ-ларининг тўпиғигача чиққан муздай қум узоққа боришига имкон бер-мади. Румия нафаси тикилиб ўтирди. Бир умр шу қум барханлари орасида қолиб кетадигандек ёшлик йилларини хотирлади. Мунис, меҳрибон онасининг сўзлари қулоқлари остида жаранглагандай бўлди. Унинг яхши одамлар ҳақида айтганларини эслади.

Румиянинг ёш пардаси тўсган кўзлари чўлга қадалди. «Одамлар, мен бу ердаман!» дея ҳайқиргиси келди. Аммо овоз бериш у ёқда турсин, қимирлашга ҳам ҳоли қолмаган эди. Ҳеч нарсадан хабарсиз отасининг бир вақтлар мактаб болалари тутадиган найчадек узун са-риқ ручкасини сиёҳдонга ботириб ишлаётган ҳолати кўз ўнгида намо-ён бўлди. Унинг кенг елкаларига бош қўяётгандек юзини тиззасига тегизди. Қаҳрамоннинг: «Кулги — ўткинчи ҳолат.. Уй суриш, қайғу, му-шоҳадага берилиш онларида теранлик бор», деган сўзларини эслаб, зўрма-зўраки илжайди. «Эҳ, Қаҳрамон акажон, қаердасиз? Келинг, ўйларига чирмашиб, абадий қайғу, изтироб оламига чўкаётган севиқ-ли Румиянгизнинг ҳолига боқинг, ғуссага тўлган қалбига ором беринг!»

Чўл борган сари сокинлашар, осмон унинг тунги оромини бузишни истамаётгандек «митти кўзларини» жимирлатганча осуда эди. Онда-сонда сайёраларгина бу чексиз оламда ҳали ҳаёт сўнмаганидан дало-лат бераётган каби учиб, орқасида қолдирган узун ёғдусини яна мағ-нитдек атрофига тортарди. Румиянинг хаёлида яна йўлда қолган

машина жонланди-ю, қалбининг аллақаерида яширинган умид руҳини кўтарди. «Шофер қоронғи чўккунча кутган, сўнг бориб Қаҳрамонга, Давронга, Ҳамро Ибодовичга хабар қилган. Ҳа, тунни ҳам, йўлда кутиб ўтказиши сира мумкин эмас». Румия ўрнидан турди. Қум устида ётган сумкасини олиб, боши узра кўтарди. Бор кучини тўплаб, айлантира бошлади. Унг қўли толиб, чап қўлига олди. Икки қўллаб итқитди. Осмоннинг бир чеккаси ёришгандай бўлди. Румия сумкасини олиб, ёғду таралган томонга қараб югурди. Оёқлари чалишиб, мук тушди. Чўккалаб олиб, бошини кўтарди. Бўйинини буриб, осмон гардишини кўздан кечирди. Кўкдаги юлдузлар унинг телбаларча хатти-ҳаракатига кулаётгандай ҳамон жимирларди. Румия қўли билан кўзларини тўсди. Бепоеъ осмон ҳам, нур таратаётгани билан ҳарорати йўқ юлдузлар ҳам унга бегона бўлиб туюлди. Соат сайин кучайиб бораётган совуқ Румиянинг суяк-суягидан ўтиб, аъзойи баданини кучли безгак тутгандек қалтирата бошлади. У кундузи ўлим даҳшатини солган қумлардан паноҳ излади. Чўккалаганча икки қўллаб, ўра қазиди. Бироқ қумнинг қатлам-қатламигача сингиб улгурган совуқдан бармоқларининг учлари зирқираб, оғриқ миясига урди. Совуққа қарши курашнинг энг sinalган йўли унга эътибор бермаслик, деган фикр хаёлидан кечди-ю, қўл-оёқларини узатганча чалқанчасига ётиб олди.

Уйлари уни яна онаси сари етаклади.

Узун қиш кечаларида меҳрибон онажониси унинг жажжигина каваротчаси ёнида ўтириб олиб, бошини силаганча эртақ айтарди, баъзан ёшлик дамларини эсларди. Шундай кечалардан бирида онаси эртаксимон бир воқеани сўзлади. «Бир вақтлар менинг ҳам онам ажойиб-ғаройиб эртақлар айтиб берардилар. Бир кун кечқурун у киши меҳмонга кетаётгандай чиройли уст-бошларини кийдилар. Бизларни ҳам ювиб-тараб, кийинтирдилар. Ўзимизда йўқ қувондик. Онам билан меҳмонга борарканмиз, деб. Онам раҳматли қоронғи чўкиши билан бизларни уйга бошлаб кирдимлар. Шунақа қиш палласи эди. Мен билан опамни танчанинг дераза кўриниб турган томонига ўтқиздилар-у, уй эшигини тамбалаб келдилар. Мен опамга қараб қўйдим-у, индамадик. Узлариям танчанинг бир ёғига оёқларини узатиб, бемалол ўтириб олдилар. Ҳайрон бўлиб қолганимизни кўриб кулдилар. «Меҳмонга олиб борадилар деб ўйлаганмидиларинг?»— дедилар. Опам билан баравар бош силкитдик.— Вой тентақлар-эй, кечасиям меҳмонга борарканми одам?»— Юзларидаги кулгини йиғолмадилар ўзлари. Бизларга қараб туриб, маъюсландилар. Сўнгра синиқ овозда: «Бугун Лайлатулқадр¹ ўтадиган кун»,— дедилар аллақандай сирни очаётгандай. Опам билан бир-биримизга анграйганча қараб қўйдигу онамдан Лайлатулқадрнинг нималигини сўрашга журъат етолмадик. Назаримизда Лайлатулқадр деганлари онамнинг эшикни тамбалаб олганларига қараганда жуда баҳайбат бир маҳлуқдай бўлиб туюлди. Нафасларимизни ичимизга ютганча қўрқа-писа қоп-қоронғи ҳовли юзига бир қараб қўйдигу сўнгра танча кўрпасини бурнимизгача тортиб олдик. Онам раҳматли яна кулдилар. «Вой жинилар-эй, нимадан кўрқяпсизлар?»— дедилар. Жавобимизниям кутмай: — Қўрқманглар, Лайлатулқадр — каттакон бахт қуши. Уни кўриш камдан-кам одамга насиб этади. Битта-яримта кўрган эса умрбод бахтли бўлади. Ҳамма орзулари ушалади.— Сўнгра бирдан ҳаяжон ичида:— Тагин Лайлатулқадрни кўрганда бир-бирларингизни ушламанглар. Қимни ушлаган бўлсаларинг, ўшани Лайлатулқадр олтинга айлантириб, ўзи билан олиб кетади. Онам менга қараб: «Сен нариги томонга ўт!» дедилар буйруқ оҳангида. Бизлар ўша кеча алламаҳалгача кўзларимизни деразадан узмай, кичкинагина ҳовлимизга қараб ўтирдик. Аммо ҳеч қандай қушми кўрмадик. Онамнинг айтишларича, у осмонда гулдираб пайдо бўлганда ҳаммаёқ ёришаркан. Аммо қоронғи осмонда ўша кеча юлдуз ҳам кўринмади. Онам бечора хўрсиниб, ўринларидан туриб,

¹ Лайлатулқадр — афсонавий қуш.

ечиндилар. Сўнг индамай ҳаммамизга қатор ўрин солиб: «Қани, туринглар, энди кемайди». дедилар. Бизлар маъюсланиб, анчагача кўрпа тагидан осмонга тикилиб ётдик...»

Румия мийғида кулди. Дард-аламларини унутгандай бўлиб, чап ёнбошига ағдарилди. Инсонда умид ҳисси кучли. У ҳамиша ўзидан олисдаги нарсага интилади. Бутун умри бўйи нимагадир илҳақ бўлиб яшайди. Қимдандир мадад кутади. Баъзан ўзи ҳам нимани, кимни кутаётганини билмайди. Ўйлари қанотида парвоз этади. Бир зумда хаёли олам кезади. Айниқса, аҳволи танглашиб, атрофидаги одамлардан ёрдам умидини узганда ғайрикучлар ҳақида ўйлайди. Бахтли бўлиш илинжида хаёлида нималарни яратмайди. Румиянинг бувиси ночор кун кечирганини отаси ҳали-ҳали гапиради. «Демак, бувим бечора бир умр кимдандир мадад кутганлар. Бувим сингарилар дилларига таскин бериш учун хаёлларида афсонавий қушларни яратганлар. Бахтли бўлиш истагида тунларни бедор ўтказганлар. Қим ҳам бахтли бўлишни истамайди!»

Румия ўрнидан тураётганида осмоннинг жанубий қисмида чўғдай бир нарса ялт этди-ю, шу заҳоти сўнди. Қўрққанидан эти жимирлаб, қўлларини кўксига босганича осмонга тикилди. Шуъла қайтиб кўринмади. Тўсатдан ўзи тасаввур ҳам этолмайдиган Лайлатулқадр тўғрисида ўйлай бошлади. Хаёлида танча кўрпасига ўралиб ўтирган онаси жонланди-ю, ўйларини қувмоқчи бўлди. Қани энди мияси бир лаҳзагина тиниб, ором олса. Хаёлидан аллақайси ўқиган китобидаги персонажнинг сўзлари ўтди. «Тун ўрнини ёруғ кун, чириган қари дарахт ўрнини навниҳол эгаллайди,— деган эди у.— Тун қоронғисида игнадан ип ўтказолмайсан, чириган дарахт танаси аравага ўқ бўлолмайди. Сабр керак. Тонг отишини кут, навниҳол тик ва бақувват дарахт бўлгунча бардош қил».

Бу сўзлардан Румия таскин топгандай бўлди. Кўкдаги юлдузларга қараб, кўзлари юмила бошлади. Кун бўйи тентирашидан зўриққан томирлари лўқиллаб, оёқлари зирқираётганига ҳам қарамай уйқу билан ярим бедорлик ҳолатига кирди. Кўзи илинганида гувиллаган овоздан чўчиб, бошини кўтарди. Яна жануб томондан ялт этган шуъла кўринди-ю, бу гал ёғду бир лаҳза чўлни ёритди. Сапчиб ўрнидан турди. Сумкасини қўлтиғига қистирганча шуъла ёйилган томонга қараб чопди. Тобора зулмат қаърига кириб борарди. Қоронғи бўшлиққа ноумид тикилганча, қумга тиз чўкди. Ҳали ўзига келмай туриб, шуъла янада кучли нур таратди-ю, атрофни кундузгидек ёритиб, унга яқинлаша бошлади. Румия ўрнидан туриб, олдинга талпинди.

— Одамлар, мен бу ерданман! Одамлар, мен бу ерданман!!! Ода-а-амла-а-ар!!!

Тариллаган овоз ва кучли ёғдудан кўзлари тиниб, қумга ағанади. Қанча ётганини билмайди. Анчадан кейин одамларнинг гангур-гунгири-ни эшитди. Эшитди-ю, қимирлашга ҳоли йўқ, ҳатто кўзларини ҳам очолмасди. Бир оздан сўнг қўлларига жон киргандай бармоқлари қимирлай бошлади. Бир-бирига елимланган каби мижжаларини оҳиста очди. Қаҳрамон унинг бошини тиззасига қўйиб, ялинчоқ овозда алланималар деб чаккаларини, бўйни, елкалари, кўкрагини силарди. Румиянинг лаблари табассумга мойиллашиб, жилмайгандай бўлди-ю, киртайиб, ажин қоплаган кўзларини вазмин қовоқлари ёпди.

— Лабларини хўллаб, сув қуйинг бир-икки томчи.— Қаҳрамоннинг орқасида турган Ҳамро Ибодовнинг овози эшитилди.

Қаҳрамон Румиянинг лабларини хўллаб, бошини авайлаб кўтарганча қўлидаги пиёладан ичирмоқчи бўлган суви хотинининг бўйнигача оқиб тушди. Қаҳрамон пиёлани ташлаб, Румияни қачонлардир шифохонага олиб борганидек бир қўлини бўйни, иккинчисини тиззалари остидан солиб, азот кўтарганча вертолёт томон юрди.

Тонг отиб, қуёшнинг қизғиш нурлари ёйилаётганда Румия кўзини очди. Тепасида ўтирган Қаҳрамонга жилмайиб, беҳол қўлларини унинг бармоқлари устига қўйди.

— Ҳаммамизни қўрқитиб юбордингиз-ку, Румияхон, тузукмисиз?— деди Қаҳрамон уйқусизликдан қизарган кўзларини хотинидан узмай.

Румия оҳиста бош чайқаб, лабларини ялади.

— Сув-в!

Қаҳрамон унга яхна чой тутди.

Румия бир-икки хўплаб, чуқур нафас олгач, Қаҳрамоннинг кичкина чайир бармоқларини иссиқ кафтлари орасида сиқиб, илтижо билан унга қаради.

— Қаҳрамон акажон! Афанасий Васильевични олиб келолмай-сизми?

— Жоним билан, Румияхон. Аммо бир-икки кун сабр қилайлик, ўзингизга келинг-чи. Тағинам шофёр ақллидик қилиб, уч-тўрт соат ўтар-ўтмас хабар қилди. Ун киши чўлни элагандек изғидик. Йўқсиз. Ҳамро Ибодович кечаси Абдукарим Ваҳобовичга телефон қилдилар. Бирпасда вертолёт егиб келди-ю, жонимизга ора кирди. Минг раҳмат ўша кишига.

— Ҳаммаларингизга раҳмат, Қаҳрамон акажон, ўтиниб сўрайман, илтимосимни қайтарманг.

Қаҳрамон энгашиб Румиянинг ранг кирган лабларидан ўпди.

Ўн бешинчи боб

Кедров ўзининг анъанавий уст-бошини кўз-кўз қилаётгандек узун, бақувват қўлларини кўтарди-ю, Румияни кучиб, пешонасидан ўпди.

— Оббо, сен-э, эркакларни гапингга кўндиришнинг янги йўлини топдингми, а?— дея елкаларини силкитиб кулди, сўнг порлаб турган кўзларини Румиядан узмай сўради:— Қани, мундоқ ўтириб, очигини айт-чи, Дингилтепага нима қидириб борувдинг?

— Сиз доим одамнинг нозик жойини топиб, исканжага оласиз, Афанасий Васильевич.— Румия рухсорлари қизарганча кўзларини пирпиратиб кулди.— Шундай қилмасам, Қаҳрамон акани сизни олиб келишга кўндирилмасдим, кейин, ўзингиз ҳам бу ёққа тезда келақолмасдингиз. Бир ўқ билан икки қуённи отдим.— Румия қиқирлаб кулди.

— Эҳ, хотинлар, хотинлар! Сизларнинг бир соатдан кейин бизни қай томонга қараб буришларингизни олдиндан фаҳмлай оладиган эркак зоти бормикин дунёда? Назаримда бизлар бошу сизлар бўйин. Бўйин бошни истаган томонига бура олади. Рафиқам билан ярим асрдан ортиқ умр кечиряпман. Баҳорнинг инжиқ кунларида қачон жала қуйишини олдиндан айтишим маликаи турандотимнинг кулиб турган чехрайи тобонлари бир зумда тумтайиб, қовоқларидан қор ёғишининг сабабини билишимдан жўнроқ! Худо ҳақи! Эрталаб айтган гапларини пешинда ўзгартирадилар, кечга бориб, пешиндагисидан тонадилар. Бир ёққа юр, деб худонинг зорини қилсанг, оёқларини тираб оладилар, ҳеч қаёққа бормаимиз десанг, аксини қиладилар. Ўтир деса юради, юр деса, ўтириб олади. Куйиб, адою тамом бўлдим дастидан, азбаройи савоб.

— Шунинг учун яхши кўрасизлар-да хотинларни, домлажон, бурама қўғирчоқ бўлганимизда аллақачон меъдаларингизга тегиб, бола ўйинчоғини четга суриб қўйгандай, «пуф сассиқ»қа чиқардик.

— Аммо сизларнинг механизмларингиз ер юзидаги энг мураккаб механизмдан ҳам мураккаброғи, инс-жинс тушунмаса, унча-мунча механикнинг калити тушмайди. Сизларга нисбатан золим бўлиш керак ўзи, шунда чўчиб турасизлар, ҳа, ҳа! Мени бир айтди дейсан, худди шундай қилгин, Қаҳрамон!

— Афанасий Васильевич, шуни ҳам унутмангки, зулму ғазаб билан ёнган кўзлар макру истиғно олдида ерга қадалади.

— Ана, Қаҳрамон, айтдим-ку! Иқроп бўлишини кўряпсанми? Форсигўй бир шоир деган экан:

Дарахти макри зан сад реша дорад,

Фалак аз дасти он андеша дорад¹.

— Афанасий Васильевич, аммо ўша форсигўй шоирингиз шу байтни битганида Румияхондек аёллар ҳали дунёга қелмаган бўлса керак.

— Ана холос, хўп одамига қилган эканман-ку ҳасратимни. Шунақа қилиб айнитамиз-да хотинларни. Кейин бирники мингга, мингники туманга.

— Э, Афанасий Васильевич, кошкийди, буларни шунақа макру хийлалари бўлса жони иссиғимни берайдим, ўлгудай соддалар Румияхон, кўнгилчалари оқ қанттай.

— Ҳа, яхши, эрингниям қўлбола қилиб опсан, Рум!— Афанасий Васильевич яна елкаларини силкитиб кулди-ю, сўнг одатича тўсатдан чеҳраси жиддий тус олди. Трубкасига тамаки жойлаб, бир-икки тортди-да, ўйчан кўзларини дераза ойналарига тегиб турган катта тут дарахтининг ям-яшил баргларига қадади.

— Румия!— Афанасий Васильевич кўзларини тут дарахтидан узмай, вазмин оҳангда сўзларини чўзиб гапира бошлади.— Фараз ва тахминларининг қисман йўлда эрингдан эшитдим. Очигини айтганда, хурсандман.— Кедров Румияга зимдан қараб қўйди-ю, трубкасидаги ўчиб қолган тамакини гугурт чақиб тутатгач, яна деразага қаради.

Кедров елкасидаги оғир юкни олиб қўйгандай Румия энгил тортиб энтикди-ю, ўнг қўлини энгагига тираганча, Афанасий Васильевич томон энгашди.

— Тахмин фан учун жуда зарур. Ҳамма катта кашфиётларнинг замирида тахмин ётади. Аммо аллақачон ҳал этилган муаммоларга-ям, борди-ю, эътироз билдирадиган ўринлари борлигини пайқасанг, уни хато деб фараз этиш яхши натижалар бериши мумкин. Ҳамма нарсадан ҳайратланиб, чапак чалаверсак тараққиёт йўлини тўсиб қўямиз, фанда турғунлик бошланади. Фанда барча соҳалардагидек темир тартиб-интизом ўрнатиб бўлмайди. Чунончи, ҳарбий қонун-қоидаларга қараб иш тутилса ҳеч қандай янги кашфиёт вужудга келмайди. Бинобарин, баҳс учун олимнинг илмий даражалари-ю, унвону лавозимлари сира эътиборга олинмаслиги даркор. Афсуски, сичқоннинг ини минг танга бўлганда, унвону лавозимларидан ҳимоя излайдиганлар орамизда бор. Ваҳолонки, ҳар қандай оригинал, янги фикр тадқиқотга сазовор. Чинакам фан қарама-қаршиликларни бартараф этмай олға силжий олмайди. Муросасизлик ва ялтоқилик каламуш ғаладонни илма-тешик қилгандек фанни кемиради. Шундай қилиб, баҳсимизнинг асосий шарти борасида келишиб олдик-а?

Румия қаршисида ўтирган камтарин олимнинг оқилона гапларидан қанчалик ҳаяжонланиб, қувонган бўлмасин, ўзини босди. Олимга хос вазминлиг-у, камсуханлик билан ерга қараб гапирди.

— Афанасий Васильевич,— унинг овози хиёл қалтирарди.— Сизнинг Варахша ҳақида яратган улкан монографиянгиз фан учун бетақдор кашфиёт бўлибгина қолмай, жиддий масалаларни тадқиқ этиш намунасини кўрсатадиган катта мактаб ҳам.

— Ҳм-м!— Афанасий Васильевич трубкасидан кетма-кет тутун ютганча пешонаси тиришиб, юзини ўгирди.— Бошланди.. Мен...

— Йўқ, йўқ, Афанасий Васильевич,— Румия унинг сўзини бўлди,— мени ялтоқланипти деб ўйламанг. Омади гапни айтдим. Ундаги хулосаларга шак келтириш балки ноўриндир.

— Нега ноўрин бўларкан?— Афанасий Васильевич норози оҳангда савол берди.

— Чунки шундай жиддий хулосага келиш учун ўн йиллаб иш олиб боргансиз. Юзлаб экспедициялар бу чўлларни илма-тешик қилган, албатта. Аммо...— Румия ўйланиб қолди.

— Нима аммо? Гапиравер.

¹ Хотинларда макр дарахтининг юз томири бор. Фалак ҳам улардан андиша қилади.

— Аммо, — Румия дадилланиб, асосий фикрга ўтди. — Тадқиқ этилган объект бениҳоя катта. Беш юз квадрат километр майдонни ишғол этиб ётипти. Сиз асосий эътиборни амиру хонлар қароргоҳлари ўрин олган жойларга берганингиз табиий, албатта.

— Шубҳасиз!

— Модомики шундай экан, камина шогирдингиз, сизнинг пойқадамингиз камроқ теккан жойларни кўздан кечириб, шундай хулосага келишга журъат этдим.

— Яхши! Далил?

— Тахминимча, Афанасий Васильевич, мен кўздан кечирган майдонларда иҳота ўсимликлари ниҳоятда кўп бўлган. Сахро уни аста-секин емириши мумкинлигига ақл бовар қилмайди. Ахир у ерда одамлар бўлган-ку! Улар зироат қилишган. Асосий тирикчилиги шу билан ўтган.

— Сув танқислигида қанақа зироат бўлиши мумкин? — Афанасий Васильевич осойишталик билан эътироз билдирди.

— Ариқ, каналларнинг қолдиқлари у ерда сувнинг аста-секин эмас, қўққисдан йўқ бўлганини кўрсатапти. Шундай қилиб, Варахшада ҳаёт аста-секин эмас, тўсатдан тўхтаб қолган. Балки бу тахминимни бутун Варахшага татбиқ этиб бўлмас. Аммо мен кўздан кечирган жойлар шундай тахминга асос берапти, Афанасий Васильевич. — Румия нафасини ростлаб, фикрини тўплаб олди, академик уни диққат ва эътибор билан тинглаётганига қаноат ҳосил этгач, сўзини давом эттирди. — Дингилтепага боришимга эса Тошбобо айтган Чингизхон истилоси ҳақидаги ривоят сабаб бўлди. Ривоятда айтилишича, у ерларда ҳам қақшатқич жанглар бўлиб, мўғул босқинчилари кўп жойларга ўт қўйишган. Бу бир бўлса, иккинчиси, у томонларда одамлар яқин-яқинларгача ҳам деҳқончилик қилган дейишяпти.

Афанасий Васильевич ўрнидан турди. Бўйи-ю, эни уч метрча келадиган хонанинг у бошидан-бу бошига юриб, катта кўзларини қисганча, чуқур ўйга ботди. Ниҳоят, Румия олдида тўхтаб:

— Қани, кетдик! Яқинроқ жойларни кўрайлик-чи! — деди ҳаяжонини босолмай ва нариги хонанинг эшигини қия очиб: — Қахрамон, хонининг олиб кетяпман, қаршилик йўқми? — деди кулиб.

Қахрамон қўлидаги мўйқаламини латтага артиб, қоматини тиклади.

— Фақат Дингилтепага эмас, — дея кулди.

— Йўқ, йўқ, Дингилтепага борадиган анойи йўқ. Яқинроққа борамиз. — У шундай деди-ю, мольбертда чўл фониде жонланаётган кекса чўпон тасвирини кўриб, ичкарига кирди. — Уҳ-хў, Тошдедми?

Қахрамон кулди. Бобо портретига тикилиб туриб:

— Ҳа, Афанасий Васильевич. Аммо Тошдедингиз мўйқаламинимга сира тутқич бермаяптилар, — деди.

— Буюк одамлар тирикчилигида ўзидан нишона бермайди. Уларда рамзий ҳолат кўпроқ бўлади. Уйла, қўзичоғим, уйла! Ташини унутиб, ичига боқ. Шунда ўзига ўхшайди Тошдед.

Қахрамон Тошбобони биринчи кўрган пайтида қаламга олган суратига тикилди. Оддий портрет учун зарур ҳамма нарса эътиборга олинган, ҳатто диққатни ҳам жалб этади. Бобонинг айнан ўзи кулиб турибди суратда. Бироқ унинг ўйлагани бу эмас. У биргина кекса чўпон портретини яратиш ниятида қалам сураётгани йўқ. Инсон ўйларини умумлаштирамоқчи. Сахрода қорайган қиёфа, йиллар оқартирган соч орқали инсон меҳнатининг улуғворлигини, у бажараётган машаққатли иши туфайли чинордек умрбоқийлигини ифода этмоқчи. Қахрамон яна қўлидаги суратга тикилди. Унда ана шу чуқур мазмун, портретга қараб, инсонни фикрлашга мажбур этадиган тўйғу сезилмасди. Суратни чизаётган портрети билан солиштирди. Қаламда чизилган суратда ҳам, портретда ҳам ички ҳолат йўқ эди. Ҳар икки ҳолда Қахрамон Тошбобонинг ташқи қиёфасига кўпроқ эътибор берганини, бинобарин портрет фотонусха бўлиб қолаётганини сизди.

Бобонинг қош-кўзлари, чеҳрасига мўйқалам юритди. Тошбобо: «Бил-иб-билмай мўйқалам суравериб нима қиласан?» дегандек тумтайиб, баджаҳл чол қиёфасига кирди. Қаҳрамон чап қўлидаги латтани ги-жимлай туриб қай куни Хўжақултепа устида қуёш ботиши олдидан камалакдек товланган бўёқлар жилвасини хотирлади. Орқароққа тис-ланиб, кўзларини қисганча портретга қаради. Бўёқлар ғайритабиий, жонсиз ва жозибасиз эди. Мўйқаламни артиб, жойига қўйди. Чарм камзулини елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Қуёш қизариб, уфққа ёнбошлаётган эди. Дарахт барглари орасидан оёғи остидаги шиша синиғида мавжланаётган нурга тикилиб турди-да, қўл силтаб, Хўжа-қултепа томон юрди...

Афанасий Васильевич билан Румия уйга қайтаётганларида осмон гардишида камон шаклида осилиб турган янги ой қуюқлашаётган зул-матни ёритишдан ожиз жимирларди. Кедров уйга келгунча чурқ этма-ди. Румия академикнинг одатини яхши биларди. Янги ахборот унинг тафаккуридаги фикрлар қатламини дафъатан кўзгатолмасди.

Кедров ҳорғин одимлаб, уйга кирди. Қозиқдаги сочиқни елкасига ташлаб, ариқча бўйига бориб энгашди. Румия кечки овқат тарадду-дида уйнинг орқа томонидан тахтадан омонат қурилган ўчоқбошига ўтиб, сабзи-пиёз тўғрай бошлади.

Афанасий Васильевич дастурхон устида ҳам кўрганлари ҳақида ҳеч нарса демади. У Румиянинг кунжут ёғида зирвакини маромига етказиб тайёрлаган ошини мақтаб, иштаҳа билан тановул қиларди. Ора-чора пиёладаги илиқ чойдан ҳўплаб, ошнинг турлари кўплигини, айрим қўлёзмаларда унинг ҳали ҳеч ким билмайдиган хилларини ўқи-ганини таърифлаганча Румиянинг ошпазлик санъатини атайин камси-таётган каби Қаҳрамонга кўз қисиб қўярди. Румия қўлини артиб, ўр-нидан турди. Эркаланиб, Афанасий Васильевичнинг кенг елкаларига осилганча:

— Домлажон, сиз нима десангиз денгу аммо, пазандага энг олий мақтов тайёрланган таомнинг битга қолдирмай охиригача ейилиши. Лаганга қараганда, мўддао мўлжал устида. Кейинги келгунингизча сиз айтган ошниям ўрганиб қўяман. Ош ҳазмига тарвуз сўяйми, қовун?

— Қовунингни қўй, Рум, одамни ланж қилади, тарвуз сўяқол. Ҳа, Қаҳрамон, сан нима дейсан?

Қаҳрамон кулиб, хотинига қаради.

— Қичкина малика нима десалар шу-да!

— Ҳа, бу гапингам тўғри. Қани, ҳазми таомиям мўлжал устига ке-лармикин. Ошпазлик санъати масаласиниям шунга қараб қайта кўриб чиқамиз...

Шогирду устоз алламаҳалгача турли мавзуларда суҳбатлашиб ўтирдилар. Румия гап қамровини асосий мақсадга бурган сари, Афа-насий Васильевич уста мергандек ёйни узоқроққа мўлжаллаб отарди. Ниҳоят Румия чарчади. Кўзлари юмилаётганини кўрган Кедров баланд қоматини керганча ўрнидан турди. Румиянинг ишораси билан Қаҳра-моннинг хонасига ўтди.

Румия ошхонадан идиш-товоқларни ювиб қайтди-ю, негадир уйқу-си қочди. Хаёл уни чўл сари етакларди. Халатини кийди. Чироқни ўчириб, ўрнига кирганда ҳам ухлаёлмади. Сочиқни тўрт буклади, стол лампаси устига ташлаб, ёқди. Естиғи остидан «Шафқатсиз аср» кито-бини олиб, ўқишга тутинди.

* * *

Муқаддас ва қадамжо Шаҳристон тақдири таҳлика остида қолиб, лашкарга она юрт ҳимояси учун раҳнамо бўладиган амиру хонлар юмронқозиқ калхатдан қочгандай шаталоқ отганларида, Ер юзида ягона хонлик даъвоси билан замину замонни титратган Чингизхон Утруп пой-остонасида кейинги ҳарбий ҳаракатларнинг режаларини

тузарди. У кечгача оқ қоғоздаги чизмалар устида ўтирди. Вақти-вақти билан лашкарбошилари чақирди, зарур масалаларни сураб олди. Яна танҳо қолиб ўйлади. Ниҳоят қатъий қарорга келгач, ўғилларини чақиртирди.

— Қани, ўғилларим, ўтиринглар, қиладиган ишларимиз ниҳоятда кўп. Сен, Жўчи, Сайхун¹ бўйлаб паства юрасан. Йўлингда учрайдиган барча шаҳарларни забт этасан. Мана, сен борадиган жойлар.— Хон тирноғи билан чизма устида из қолдириб, Гурганж устида тўхтади.— Сен билан икки сарт бирга боради. Улар бу жойларни ва йўлни яхши билишади. Аммо ишониб, лаллайиб ҳам ўтирма.— Хоннинг қисик кўзлари Жўчига қадалди.— Биз дунёга ҳукмрон бўлиш учун туғилганмиз. Эҳтиёт бўл, тўнғич ўғлим деб, сенга биринчи яхлит улушни ажрат-япман.— Чингизхон бармоғи билан Гурганжни ҳам қамраб олган ерларни кўрсатди.— Чигатой ва Угэдэй, сизлар шу ерда қоласизлар. Ўтронни оласизлар. Шаҳар ҳоқими Ғайрхонни менга тирик олиб келасизлар. Унутманглар — тирик! Дарё бўйлаб юқорига лашкарбошиларимдан биронтасини юборармен. Биз иккимиз, Тулуй ва мен, Шаҳристонга борамиз. Ундан Самарқандга ўтамиз. Муҳаммад шоҳнинг ичак-чавоғини суғуриб оламиз. Бу ишни амалга оширгач марказга ўтиш ҳеч гап эмас. Эсларингизда бўлсин, биз бу ерга асрий ҳукмронлик ўрнатиш учун келдик. Ўзини бу ерларнинг хўжаси деб билганларга нисбатан бешафқат бўлинг! Одамлар бамисоли ердаги гиёҳ. Буларини йўқ қилсанг, эртага бошқалари униб чиқади. Бироқ ўша бошқалари Ер юзида ягона ҳукмрон борлигини билиб оладилар. Биз осмон ҳукмига амал қиляпмиз. Итоат этмаганларни эса осмон ҳукмига шак келтириб, унга бўйсунмаганлар деб тушуниш даркор...

Шаҳристоннинг феруза осмонида, дуру жавоҳир янглиғ ерида бир минг икки юз йигирманчи йил февралида бурқсиган қора тутунни, замин у замон кўрмаган жабру ситамларни инсон зоти Ер юзида тирик экан, сира унутмайди. Салкам саккиз юз йилдан буён башарият бу яъжуж-маъжужларни лаънатлаб келмоқда. Орадан саккиз минг йил ўтганда ҳам авлодлар ўзга юртларга тажовуз қилганлар бўйнидаги лаънат тавқини олиб ташламайди. Диёнат ва эътиқодини олтин у мол-мулкка сотган хонлар эса она диёрнинг муққадас тупроғини топтаган тажовузкорлар билан бирга лаънатланади.

Мана улар — Шаҳристоннинг беку уламолари, имому мударрислари, танга сасини эшитса чуқурдаги макруҳни бошига тортадиган аҳли тужжорлари ўзлари муқаддас санаган олло таолонинг ердаги ўйи — масжиди жомийда кенгашмоқдалар, ёв ҳужумини синдириб, унга қаршилиқ кўрсатишни эмас, йўқ, юз минглаб аҳоли қатли эвазига «азиз» бошларини сақлаб қолишни ўйлаптилар улар. Ниҳоят қузғунлар қатъий қарорга келишди.

— Эгилган бош олдида золимнинг қиличи ҳам хам. Бизга ким хон бўлишининг не фарқи бор. Минбаъд Чингизхонга юмуш қилгаймиз.

Ясан-тусан уламою бек, имому мударрислар, аҳли тужжорлар беҳисоб тортиғу инъомлар билан бирга Шаҳристоннинг ўн бир дарвозасининг ўн битта олтин калитини патнисга қўйиб, бадавий мўгул хони Чингизхон ҳузурига равона бўлдилар. Сарик чодир олдида оқ от минган Маҳмуд Елвач пайдо бўлди. Оқ соқоли кўксига тушиб турган айрим уламолар уни танишди. Маҳмуд буюк хоннинг бош тилмочи. Гурганжлик бой савдогарлар карвони билан кўп юртларга қатнаб, ғайри тилларни ўрганган эди.

— Шаҳристон буюк хон пойқадамига мунтазир! Мана, дарвозаларнинг калитлари. Қатлу хун не даркор.— Уламо шундай деди-ю, лайлак уясидек салла қўндирилган бошини эгди.

— Сиз мунда сабр этинг, мен ҳозир,— дея тилмоч сариқ чодир томон юрди.

¹ Сайхун — Сирдарё.

У чодир ичидан шошилмай чиқди. Тўпланганлар олдига келиб, уларга мағрур боқди.

— Буюк хоннинг буюрганлари!— У кибор бошини орқага ташлаб нафас ростлагач, сўзини давом эттирди:— Мана, тингланг! «Жангсиз таслим бўлишга қарор этган экансиз, дарвозаларни қўлларинг билан очиб, кутишни буюраман!»

Тўпланганлар ҳайрат ичида бир-бирларига қараб, изларига қайтдилар. Буюк ҳоқоннинг кўнгли не буюришини ўтакалари ёрилгудек кутиб туришдан ўзга чоралари қолмади.

Мудофаа қўмондони бу нонкўрларни лаънатлаб, қолган-қутган қўшинларини Арк томон бошлади. Унда Варахшанинг элга манзур, эл орзу-ўйларини, эзгу ният, мусибатларини моҳирлик билан қаламга оладиган шоири, жасоратда мислсиз довюрак Абдулҳасан Варахший тўрт юз яккачин баҳодирлари билан кутмоқда эди. Қўмондонни ғурбатда кўрган Варахший остида ер депсиниб турган саман жоловини бўшатиб, пайваста қора қошларини чимирганча савол берди.

— Не ҳол юз берди? Паришон кўринурсиз?

Қўмондон шошилмай отдан тушди. Варахшийни имлаб, четга олиб чиқди.

— Бизни сотдилар. Муқаддас Шаҳристоннинг ўн бир дарвозаси ланг очиқ. Шаҳар ёвга тортиқ этилди.— Қўмондон гурзидай қўли билан бошидаги учи найзасимон темир қалпоқни кўтариб туриб, дўриллаган қаҳрли товушда Варахшийни рўй берган ҳолдан воқиф этди.

Варахшийнинг қон тўлган кўзлари чақнаб, Аркнинг арра каби кунгирдор девори оша шаҳарнинг беҳисоб минораю кўркам биноларининг пештоқларига қадалди. Бир нафаслик сукутдан сўнг чора излагандек қўмондонга қаради.

— Не қилурмиз энди?

Қўмондон минг чоғли лашкарга маъюс тикилди.

— Бу одамларимиз билан бирдан кучда тенгсиз ва мўру малах янглиғ бисёр ёв устига бостириш тентаклик бўлур.

— Гапингиз мантиқ устида турубдур. Аммо тадбир одамзод тафаккурининг маҳсули турур. Чорасизликдан халос бўлмоқнинг чораси мақбул чора изламоқ ва уни зудлик билан амалга оширмоқ.

Қўмондон тадбиркор шоирнинг жасорат барқ уриб турган бўй-бастига маннун боқиб, бир сония сукут сақлади. Ниҳоят бақувват қўлларини Варахшийнинг елкасига ташлаб, сўради.

— Варахшада одамлар шайми?

— Қавл этганимизни олло таоло лойиқ тутган эрса, қилич янглиғ бурро бўлиб турур.

— Офарин, шоири замон. Унда сўзимни тинглағайсиз.

— Қулоқларим сизда.

— Кучда тенгсизликни эътиборда тутиб, ҳийла тадбирини қўллағаймиз. Мен бунда бир қисм лашкар билан қолиб, яъжуж-маъжужларнинг шаҳарга киришини кутурмен. Сиз ўз одамларингизни тезда Варахша сари бошланг. Қонга ташна мўғул хони тинч аҳоли устидаги хунрезлик билан ғазабини босолмас деб ўйлайман. Бинобарин унинг жиғига тегиб, изингиздан Варахша сари равона бўлғайман. Йигитлар остидаги отлар — бари сара туркман бедовлари. Олло таоло насиб этса, ёв бизга етолмай, ғазаби ўн чандон ошур, инчунун, жон-жаҳди бирлан қувиши муқаррар. Шундай этиб, ғаним адабини Варахшада бирлашиб берурмиз.

— Тадбирингиз баайни муддао турур, сипоҳсолар. Яратганининг ўзи тадбирингизга тақдир бергай. Ғанимат фурсатни қўлдан бой бермай равона бўлғаймен.— Варахший қўмондоннинг елкаларини маҳкам сиқди. Лашкар бошида турган оти узангисига оёқ қўйди-ю, одамларига изидан эргашини ишора қилиб, жоловини Арк дарвозаси томон бурди.

Орадан ярим соатлар чамаси ўтмай шаҳарда ғулғула бошланди. Одамлар пастак томлари устида туриб, яъжуж-маъжужларни томоша

этардилар. Кучли тўлқин билан янграётган қийқириқ овозлари шаҳарни ларзага солиб, Арк ёқалаб дала-қир томон ёйиларди.

— Хур-рааа! Хур-рааа!!!

Чингизхон масжид олдидаги майдонга етганда уламою беклар ёв отлари туёғига бош теккизгудек ерга ётиб, таъзим этдилар. Масжид зинасида турган зарбоф тўнли киши мурда каби қонсиз юзини буриштириб, сап-сарик бўйнидаги томирлари қабарганча чийиллади.

— Подшоҳ Чингизхонга парвардигоримнинг ўзи умри боқий ато этсин! Шарқ шамсу қамари толейимизга сиҳат-саломат бўлғайлар!

Атрофга ёйилиб, қўл қовуштириб турганлар ҳам масжид меҳробига сажда этган каби бу сўзларни баравар такрорлаб, ер ўпдилар.

— Бу баланд уй ҳоким маҳкамасими?— Чингизхон кўзларини қисиб масжиднинг салобатли пештоқига тикилиб, сўради.

— Олло таолонинг уйи бу!

Имомларнинг жавобидан кулган ҳукмдор отини ниқтаб, одамларини эргаштирганча масжид ичига кирди. Қимматбахў гиламларни топтаб, меҳроб зинаси устида туриб, мурожаат қилди.

— Енгилмас қўшинларим, амримни тингланг! Мана бу чумолилар,— хон йўғон кўрсаткич бармоғини бошларидаги мисқоли саллалари ялтираб турган имомларга қадади,— худосининг уйдан чиқиб, шаҳарга от қўйинг. Жамики омбору хонадонлар сизнинг ихтиёрингизда! Оёгингиз остидаги гиёҳлар қони шаҳар кўчаларида дарё бўлиб оқсин! Олғай!!!

— Хур-рааа! Хур-рааа!

Қўшин шаҳар кўчалари бўйлаб тарқалди. Арк девори кунгирасидан кузатиб турган мудофаа қўмондони бир тўда мўғул отличлари кўча чаңгитиб келаётганини кўрди-ю, лашкарлари билан пастга отилди. Сарбозлар бамайлихотир келаётган ёв устига ногаҳоний ҳамла билан ёпирилиб, тўданинг ярмини қириб ташлашди. Қиличбозликда чапдаст қўмондон ўнгу сўлга ҳамла этарди. Душман лашкарлари бошини сапчадек узаётиб, янги қўшин яқинлашаётганини кўрди-ю, отини бурди. Сарбозлар қўмондоннинг изидан елдек учиб, шаҳар кўчаларини ортда қолдирдилар. Ғазабланган мўғул лашкарлари сафдошларининг қонини тўккан сарбозлардан қасос олиш ўтида ёниб, изма-из қувардилар. Визиллаб учаётган ёй ўқлари сарбозларни ерга қулатар, аммо қўмондонни қора тутиб кетаётган асосий тўда анча олислаб, душман ғазабини ўт олдириб илгариларди.

Сарбозлар Варахша дарвозасига етай деганда ичкаридан чиққан Варахшийнинг одамлари ғанимларга қарши ҳужумга ташланди. Мўғулларнинг сара отларга минган ўн нафарча лашкари от бошини Шаҳристон томон буриб, учиб кетдилар. Ҳаёт-мамот жангига кирган варахшаликлар билан сарбозлар от бостириб келган мўғулларнинг ярмидан кўпини қирганда кун пешиндан оққан, эгасиз қолган отлар олдинги оёқларини кўтарганча оломон ичидан чиқишга йўл изларди. Тенгсиз жангда толиққан варахшаликлар Шаҳристон томондан келаётган янги қўшинларнинг «хур-раа!» сини эшитиб, шаҳар ичкарисига кириб, дарвозаларни беркитиб олдилар. Яна икки соатча давом этган жангдан сўнг шаҳар деворларидан мўр-малахдай ошиб тушган мўғуллар атрофдаги қишлоқларга ўт қўйиб, аҳолисини ташқарига ҳайдаб чиқардилар. Қўмондонни халойиқ олдида бошсизлантириб, Варахшийни арқон билан чирмаб боғладилар. Ғўладек, дум-думалоқ мўғул лашкарбошиси ёнидаги тилмочга ўз тилида сўзлаб, одамларга қараб ишора қилди.

— Хонлар хонининг бу фавқулудда беадабликдан ғазаблари алангаю оташ ичида ёнмоқда. Бинобарин Варахша қишлоқларига ўт қўйиб, унинг бирдан-бир сув манбаи Хитфар дарёсини бошқа ўзанга солиш — бу, мўътабар зотнинг фармони олийларидир. Асир тушган сарбозлар ва шаҳар аҳолиси уч кун ичида янги ўзан қазиб, дарёни буриб, эски ўзанни йўқ қилмаса боши танидин жудо этилур. Эртага атроф-қишлоқлардин йиғилган йигирма минг одам шаҳарга келур.

Тилмоч лашкарбошига қараб, таъзим этди. Лашкарбоши ўз қўшинларига бу фармонни амалга оширишда уларнинг вазифаларини тунтиргач, гулхан олдига бориб, отдан тушди...

Қўллари танасига чирмаб боғланган Варахший ўн отлиқ навкар қуршовида Шаҳристонга олиб кетилди. Шаҳристон пой-остонасига яқинлашган сари аччиқ тутун, куйган гўшт ҳиди тобора кўпроқ димоққа уриб, одамни лоҳаслантирарди. Варахший шаҳар кўчаларига киргандагина бу бадбўйлик сабабини англади. Тутун бурқсиётган култепалар устида ярим вайрона масжид ва саройларнинг қора қурум қоплаган гиштин деворлари мунгайиб турар, шамол чўғ парчалари ва куйиндиларни ҳар ёққа сочарди. Кўчаларда сийналари чавоқланган яланғоч аёллар, танаси бошидан жудо этилган чоллар, кампирлар, но-расида гўдаклар ўтин каби бир-бири устига қалашиб, жилға бўлиб оқаётган қон устида қалқирди. Қўллари кишанланган паҳлавондек йигитлар тўп-тўп қилиниб, аллақайёққа олиб кетилаётган эди. Кўчалардан жон талвасасида чинқираётган одамларнинг нолаю фиғонига чидаш мумкин эмасди. Варахший жизиллаб ёнаётган ҳамшаҳарлари жасадларига ортиқ қарай олмай кўзларини юмди. Шаҳарнинг тўрт томонидан тинмай эшитилаётган оҳу нолалардан қалби изтиробга тўлиб-тошиб, харсангтошга қоқилиб мук тушди. Унинг ёрилган пешонасидан қон оқарди. Навкарлардан бири одан тушиб, шоирни юз-кўзи демай қамчилаб, тепиб тургазди. Бўйнига солинган арқоннинг бир учини эгарга илиб, отига қамчи босди...

Жоме масжидининг олдидаги майдон ҳайитлардагидек гавжум, тангадек бўш жой йўқ. Дошқозонларда билқиллаб қайнаётган таомлар кети узилмай навкарларга узатилар, қўлма-қўл айланаётган мешлар қалаба гаштини сураётганларни сармаст этарди. Чингизхон масжид кираверишидаги баланд майдончада шойи ёстиқларга ёнбошлаганча ястаниб ўтирарди. Лашкарбошилардан бири зинадан шошилинич кўтарилиб, унга яқинлашди. Энгашганча хон қулоғига шивирлади. Чингизхон тўсатдан ғазаб ўтида ёниб, ўрнидан кўтарилди-ю, кўзларини катта майдон бурчагидаги тарвақайлаган тут дарахтига қадади. У гўладек қўли билан ўша томонга ишора қилганча, ёнида эгилиб турган лашкарбошига буюрди.

— Дарахт танасига кўзлари, оғзи, оёқ-қўлларидан миҳланиб, устига қиздирилган ёғ қуйилсин! Жизғинаги чиққан жасадга ўт қўйилиб, кули кўкка совурилсин!

Чингизхон жойига ўтиргач, ҳайқирди.

— Раққосу муғаннийлар! Рақсу қўшиқ авжи фалакка етсин! Бу бадкирдорнинг ўлими шаънига чалинган соз садоси бутун шаҳарда акс садо берсин!

Тўрт навкар Варахшийнинг қўл-оёқларидан кўтариб, дарахт олди-га олиб бориб ташлашди. Икки навкар дарахтга тиралган нарвонлардан айрига чиқиб олиб, унинг бўйнига солинган арқонни юқорига тортди. Икки нарвоннинг ўртасига кўтарилган Варахшийнинг икки кўзига узунлиги ярим газча келадиган қиздирилган темир қоқилгач, оёқ-қўллари, сўнгра оғзидан миҳланди. Ошпазлар кўзларига ёш олиб, тескари бурилишди. Раққосу муғаннийлар нағмаси масжид пештоқларига урилиб, самони титратгудек акс садоси шаҳар узра таралмоқда эди. Шоирнинг бошидан қозон гардишида тутуни чарх уриб, биқиллаётган ёғ қуйилиб, ўт қўйилди. Алангаи оташ тут дарахтининг яланғоч шоҳларини чирсиллатиб, кўкка ўрмалади. У майдон устига ёйилиб, ўнгу сўлга ниш урарди...

* * *

— А-а!..

Даҳшатли овоздан уйғониб, ичкари хонадан отилиб чиққан Афанасий Васильевич билан Қаҳрамон, ўз овозидан чўчиб, каравотига ўтириб олган Румияга яқинлашишди.

— Сенга нима бўлди, Румия?

Афанасий Васильевичнинг дўриллаган овозидан ўзига келган Румия эс-ҳушини йиғолмай атрофига аланглар, бир нарса демоқчидек дераза ойнасига тегиб турган тут шохларига қарарди-ю, лаблари дидир титраганча овози чиқмасди. Қаҳрамон тутган пиёладаги сувдан икки-уч ҳўплагач, тўзғиган сочларини тузатди. Уэр сўрагандек очилган кўкрагини халатининг ёқаси билан беркитиб, қўрқувдан ола-кула кўзларини Афанасий Васильевичга қадади.

— Нима қилди, қизим? — Афанасий Васильевич унинг елкасидан қучди.

Қаҳрамон ўрин устида ётган китобни олди. Уни стол устига қўйиб, Румияга қараб қолди.

— Билмадим, — Афанасий Васильевич... Тут дарахти... Тумонат одам... Ёнгин... — Румия юзини панжалари билан беркитиб, тирсақларини тиззасига қўйди.

— Эртагаёқ Шаҳристонга... Невропотологга бориб учрайсан. Буйруқ! Уқдингми?

— Яхши, Афанасий Васильевич, албатта бораман.

— Буйруққа амал қилишга сўз берганинг учун эркаклар жамияти номидан ташаккурнома эълон қиламиз сенга. Энди бир зум диққат билан мени тингла: олиб бораётган тадқиқотларингдан мамнунман. Тарихини билмаган одам кўп адашади, боболари йўл қўйган хатони қайтариши мумкин. Аммо сен олиб бораётган тадқиқот фақат тарихни билиш учунгина муҳим бўлиб қолмай, унинг қишлоқ хўжалиги учун ҳам зарур томонлари бор. Оғзига зўр берадиган айрим вайсақилар: «Чўлни ўзлаштириш учун бугун унинг ўтмиши кимга керак», дейишлари мумкин. Аммо фан нуқтаи назаридан буни билиш жуда зарур. Борди-ю, обод ерларни саҳро емирган бўлса, тарих қайтарилиб, бу ерлар обод этилгач, саҳро яна ҳужумга ўтиши муқаррар. Бинобарин қайта тирилтирилган саҳрода ҳаёт абадий бўлишини истаган одам — унинг тарихини ўрганмай иложи йўқ, қизим. Ҳа, бу жуда зарур ва муҳим. Биз боболаримиз йўл қўйган хатони қайтаришга ҳаққимиз йўқ. Сенинг тадқиқотинг шунинг учун ҳам гоят қимматли. Тошкентга борибоқ, академия олдига масала қўяман. Катта экспедиция юборамиз... Румия Розикова бошчилигида. Докторлик диссертациянг учун яхши мавзу танлабсан, табриклайман. Ана энди бизни қўрқитмай, оёқларингни узатиб, хотиржам ухла. Тунинг хайрли бўлсин. Қани кетдик, Қаҳрамон, уйқунинг энг ширин палласи ҳозир.

Румия ўрнига чўзилганча, ўйланиб қолди. Докторлик диссертацияси... Экспедиция... Ойнинг хира ёғдуси аллалаётгандек кўзлари оҳиста юмилди.

(Давоми бор).

ШАРОФ РАШИДОВНИНГ

«ДИЛ АМРИ» ҚИССАСИ

АДИБЛАР ВА ТАНҚИДЧИЛАР ТАЛҚИНИДА

Комил Яшин,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

ДУСТЛИК ҚЎШИҒИ

Мен ишга пионерлар боғи орқали ўтиб бораман. Бу маскандан ҳар гал ўтганимда, Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида эл-юрт озодлиги учун қаҳрамонона фидойилик кўрсатиб ҳалок бўлган ёш пионерларнинг суратлари қаршисида узоқ-узоқ хаёлга чўмардим. Шунда беихтиёр хотиримга чеҳраларидан мурғаклик нишонлари аримай туриб Ватанга садоқат тимсолига айланган бу ёшларнинг қаҳрамонликлари адабиётимизда мукамал бадиий ифодасини топиши лозим деган фикр келарди ва унинг рўёбга чиқишини жуда истардим. Хаёлимни узоқ банд этиб юрган ана шу истагим атоқли ёзувчимиз Шароф Рашидовнинг «Дил амри» қиссаси мисолида амалга ошди.

Асарнинг марказида уруш ва болалик мавзуи туради. Бу мавзу замирига ёзувчи уруш даврининг катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий хусусиятларини жам этиб, уни маҳорат билан тасвирлайди. Адиб урушнинг болалик дунёсида қолдирган доғларини, даҳшатларини кўрсатиш орқали бугунги кун моҳиятини мантиқан тинчлик сўзига бириктириш, хусусан болалик дунёсига гард қўндирмаслик ғоясини илгари суради. Сергей, Ира, Тарасларнинг қалб тугёнлари асарнинг бутун руҳига томир отган. Бу илдизларни бирлаштирган Ватан тушунчаси мурғак қалбларда эътиқод шаклида намоён бўла боради. Ҳар бир қадамда, ҳар бир лаҳзада дуч келган воқеалар, ҳолатлар, уруш даҳшатлари бу тушунчани уларнинг қалб қатларига мустаҳкамлайди. Бу туйғунинг болалар кўнглида қарор топишида мамлакатимизнинг вояга етишида ҳамқадам бўлиб, Ватан тушунчасини ҳаётининг мазмуни — эътиқодига айлантирган кекса ўқитувчи Иван Ивановичнинг рөли катта. Асарда бу жуда ёрқин кўрсатилган. Қисса қаҳрамонлари яшаётган Берёзовка қишлоғига уруш бутун даҳшату асорати билан кириб келади. Қишлоқ уруш билан юзма-юз, урушнинг қирғинли нафаси одамлар нафасига тегиб турибди. Шунда кекса ўқитувчи қишлоқ аҳлига мурожаат қилади:

«— Қадрдон ҳамқишлоқларим, тенгқурларим, менинг азиз ва ширин болажонларим, бу ерда жуда яхши гапларни айтдинглар, Россия миқёсида, мамлакат миқёсида олиб кўрганда, Берёзовка қишлоғимиз катта эмас, лекин у ҳам Ватан деган буюк тушунчани ўз ичига олади». Худди мана шу ерда ёзувчининг улуғ мақсади ва асарнинг бутун мо-

ҳияти намоён бўлади. Мазкур фикр қиссанинг воқеалари ва қаҳрамонларнинг тақдири замирига кўчади, болаларнинг қалбини лаҳзама-лаҳзаларзага солиб, уларнинг Ватанга бўлган эътиқодларини ўстиради. Болалар ўз эътиқодларининг замини — туғилган уй, қишлоқ, эл, Ватанни босқинчилар исканжасидан озод этиш йўлида кичкина Берёзовкада катта жасорат кўрсатадилар. Уларнинг жасорати воқеалар тақозосига кўра гоҳ лирик, гоҳ романтик, гоҳ публицистик, гоҳ реалистик бўёқларда ҳаққоний чизилади.

Қиссада даврнинг инсонни вояга етказишдаги роли совет воқелигидаги типик мисоллар воситасида ёритилган. Асар қаҳрамонлари — Сергей, Ира, Тараснинг ҳар бир қадами уларни ёшлиқдан кечиб катталардек ҳаракат қилишга, фикр юритишга ундайди. Бу ҳол юз бераётган воқеалар моҳиятидан, ҳаёт тақозосидан келиб чиқади.

Лейтенант Темиров болалар билан бўлган мулоқотидан кейин бир нарсани қаттиқ англаб, шундай хулосага келади: «Ё мен янги истеъдоднинг туғилиши, тез камол топишининг жонли гувоҳи бўляпман, ёхуд уруш даҳшати каттанигинамас, гўдакни ҳам тез улғайтиради, учинчиси бўлиши мумкин эмас». Бу ҳаққоний фикр ёш қаҳрамонлар жасорати баёни ва воқеалар ривожидан равшан сезилади, Ватанни севиш, керак бўлганда унга фидо бўлиш туйғуси билан чамбарчас боғланади. Асарнинг бутун руҳидан худди шундай фазилат англашилиб туради.

Қиссанинг тили равон. Қаҳрамонлар характери қисқа жумлалар ва ёрқин ифодалар билан санъаткорона чизилган. Воқеалар тасвири ўқувчи диққатини жалб этиб, қалбини ҳаяжонга солади. Асар воқеалари биргина Берёзовка қишлоғида кечса ҳам, у ёзувчининг маҳорати туфайли улуг Ватанзимиз, буюк халқимиз қаҳрамонлиги ҳақидаги катта гапга айланган. Бу қисса бугунги кунда империализмга қарши кураш олиб бораётган халқлар қалбидаги ватанпарварлик туйғусини янада алангалатади ва шу жиҳати билан жаҳоншумул аҳамият касб этади.

Ёзувчининг узоқ йиллик ижодий меҳнати самараси сифатида юзага келган бу асар адабиётимизда дўстлик қўшиғи, ёрқин ҳодиса. Бунга аминман. Шу боис мен адибни, ўзбек адабиётини ва умумсовет адабиётини янги дурдона асар билан қутлайман.

Уйғун,

Ўзбекистон халқ шоири

МАРДЛИК ВА ДЎСТЛИК МАДҲИЯСИ

Хурматли ёзувчимиз Шароф Рашидовнинг «Дил амри» қиссасини ниҳоятда хурсанд бўлиб, завқу шавқ билан, ҳузур қилиб ўқиб чиқдим. Бу асар кейинги вақтларда ўзбек совет адабиётида майдонга келган насрий асарларнинг энг мумтоз, энг яхшиларидан бирidir.

Бу қиссанинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки, у ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашнинг энг зарурий, энг омилкор, энг таъсирчан ва мазмунли ғояларини илгари суради.

Асар бошдан-оёқ инсоний дўстлик, халқлар дўстлиги, ватанпарварлик, интернационализм, совет халқига чексиз садоқат, биродарлик, қардошлик, ҳамкорлик, меҳру муҳаббат туйғуларини билан суғорилган.

Қиссада совет кишиларининг мардлиги, матонати, партиянинг, халқнинг кучига, қудратига бениҳоя эътиқоди, совет тузумининг барқарорлиги, метиндай мустақамлиги, енгилмаслигига ва нурли келажакка ишонч зўр маҳорат билан тараннум этилади.

Асар ўқувчилар кўнглига душманга, фашизмга, ҳар қандай босқинчиларга қарши нафрат, қаҳру ғазаб туйғуларини сингдиради. Унда галабага шаксиз ишонч, совет халқининг ва совет давлатининг кучу қудратига, Қизил Армиянинг баҳодирлиги ва маҳоратига, партизанларнинг жасоратига ишонч бошдан-оёқ акс этиб туради.

Содда ва ширали, халқона бийрон тил билан; юракдан, моҳирона ёзилган бу асарнинг фазилатлари жуда кўп. Муаллиф томонидан яратилган хилма-хил, ижобий ва салбий образлар ўқувчи дилидан мустақам жой олади.

Адиб рус қишлоғи Берёзовкани худди ўз қишлоғидай, Россия табиати манзараларини Ўзбекистон табиати ва манзараларини тасвирлагандай меҳр билан ҳаяжонланиб тасвирлайди. Бу ҳол ҳам халқлар дўстлиги туйғусига ранг, қон, жон бағишлайди.

Асардаги ўқитувчи Иван Иванович ва кекса темирчи Миша боболарнинг, икки рус мўсафиди «азизим»ларнинг дўстлиги, қадрдонлиги, меҳрибонлиги нақадар идиқ, самимий, чуқур ҳурмат ва севги билан қаламга олинади. Ҳа, бу икки ёқимтой, доно, бутун умри меҳнатда ўтган муҳтарам мўсафидларнинг бир-бирига нисбатан дўстлик ҳисси, буюк инсоний туйғуси бошқаларга ўрнак бўлиш қувватига ва жозибасига эгадир.

Ёзувчи асарда жуда кўп ажойиб, эсдан чиқмас, ижобий образларни яратади. Айниқса, болалар образи ниҳоятда чиройли, мукамал, тўлақонли, чуқур. Серёжа, Ира, Тарас ҳақиқий пионер, чин ватанпарвар, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳушёр, ақлли, тадбиркор, халққа, Ватанга нисбатан меҳри дарё, душманларга қарши ғазаби алангаланган мард болалар. Улар бир-биридан ёқимтой, одобли, жасур, ҳозирги ёшларнинг ҳаваси келадиган, тақлид қилишга арзийдиган болалар. Улар асарнинг жозибасини, тарбиявий аҳамияти ва қувватини яна ҳам кучайтиради. Бу зийрак болалар катталар зўрға бажара оладиган улкан ишларни қилишга қодир. Айниқса, Серёжа йўл қийинчиликларини енгиб, хавфга хатарлардан қўрқмай, тўрт томонга олазarak бўлиб турган душманга панд бериб, бир неча бор партизанларга муҳим ҳарбий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни етказди, топшириқларни аъло даражада бажаради.

Адиб Тарас ҳақида гап борганда, машҳур пионер, қаҳрамон, ўз отасига, қулоқларга қарши курашда ҳалок бўлган Павлик Морозовни тилга олади. Ҳақиқатан ҳам, Тарас кўп жиҳатдан Павликни эслатади. Тарас ҳам ўз отасига — хоин, қулоқнинг ўғли, жиноят қилиб илгари қамалган, энди фашистларнинг малайига, ювиндихўрига айланган Герасимга қарши омонсиз курашади.

Ҳа, Герасим — асардаги салбий образларнинг бири. У — совет тузумининг ашаддий душмани, фашистлар томонида туриб ўз халқига, партизанларга қарши курашган, беюз, беор, разил, тўнғиз қиёфасидаги дағал, бераҳм, бешафқат; у — ярамас, ватан ҳоинининг мукамал тимсоли. Бундан бўлак салбий типлар ҳам ихчам, аниқ чизгиларда, эсда қоларли қилиб яратилган.

Асарда ижобий типлар, образлар асосий ўринни олади. Федотов, Шахов, Юра ва бошқалар ҳам етук образлар.

Адиб тасвирлаган партизанлар — мард, моҳир, садоқатли, партия топширигини, ватан ҳимояси бурчини шараф билан оқлайдиган, ёвларга қирон келтирадиган, немис босқинчиларига қарши омонсиз кураш олиб борувчи садоқатли коммунистлар, ватанпарвар совет кишилари.

Асардаги ўзбек жангчиларининг фидойи, жанговар вакиллари образи ҳам диққатга сазовор. Булар шофёр Омонов Бобоёр ва Темировлар. Улар рус ва бошқа қардош жангчилар билан ёнма-ён туриб жанг

қиладилар. Бобоёр ва Темировлар билан болаларнинг, айниқса, Серёжанинг муносабатлари, муомалалари жуда самимий, илиқ, дўстона.

Асардаги образлар жуда жонли. Ҳатто тўшакда касал ётган муш-типар, эри томонидан хўрланган Зоя Андреевна ҳам кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади. Бу ёзувчининг маҳоратидан далолат бериб туради.

Ҳозирги халқаро вазият кескинлашган, уруш хавфи янада кучайган бир вақтда, бу асарнинг қиммати яна ҳам ортади, у одамларни ҳушёрликка, урушга қарши, тинчлик учун курашга чорлайди, душманларга, ёвузларга, босқинчиларга, уруш оловини ёқувчиларга нисбатан чуқур нафрат ҳиссини уйғотади.

Бу асарнинг фазилатлари, яхши томонлари кўп, бу ҳақда алоҳида мақолалар ёзиш, чуқур мулоҳазалар юритиш лозим.

Бу асар мардлик ва дўстликнинг ёрқин мадҳиясидир.

Георгий Владимиров,

филология фанлари доктори,
профессор

ВАТАНПАРВАРЛАР ҚАЛБИ— ВАТАНГА БАҲШИДА

Шароф Рашидовнинг «Дружба народов» журналида эълон қилинган янги қиссаси Улуғ Ватан урушининг дастлабки ойларида рўй берган воқеаларни кўрсатишга бағишланган. Асар воқеалари немис-фашист босқинчилари билан бўлган улкан жангларнинг бошланиш даврида, душман томонидан босиб олинган оддий рус қишлоғи Берёзовка ва унинг атрофларида кечади.

Қисса қаҳрамонлари — фавқулодда оғир шароитларда юксак ватанпарварлик, социалистик Ватанга садоқат, ёвуз ва бешафқат душман устидан қозонилажак ғалабага ишонч, курашга доимо тайёрлик, жасурлик ва матонат намуналарини намоён қилган оддий совет кишилари. Уларнинг жасоратини уй, мактаб ва касалхоналарни вайрон қилган, аёллар ва болаларни пулемётдан ўққа тугган фашист қузғунларининг бутун ваҳшати сўндиролмади. Уларни, аввало, коммунистлар, совет ва колхоз тузуми фаоллари, ҳалол меҳнаткашлар, Қизил Армия командирларининг оилалари, партизанлар, хуллас, босқинчилар олдида бош эгмаган одамларга қарши авж олдирилган таъқиб ҳам тўхтата олмади. Улар тез фурсатда сотқинларни фош этишни, босқинчиларни ошкор қилишни ва бузғунчиларга, гестапо агентларига, халқ ва давлатга қарши жиҳоятлари учун ўз вақтида одилонга жазоланган, энди совет ҳокимиятидан ўч олмоқчи бўлган Ватан хоинларига муносиб зарба беришни ўргандилар.

Босқинчилар пайдо бўлган биринчи кунларданоқ улар партизан отрядларига бирлашдилар, душманга қарши қақшатқич, кенг кўламдаги жанговар операцияларни амалга ошира бошладилар.

Асар қаҳрамонларининг аксарияти — душман асоратига қарши курашган халқ қасоскорлари, уларнинг сафдошлари ва дўстлари, жасур, ички дунёси беғубор одамлардир. Ёзувчи, шу билан бирга, душман лагерини — немис-фашист қўшинлари вакилларини, жазо отрядлари аъзолари ва гестапочиларни ҳам ҳаққоний тасвирлайди.

Асарнинг муштарак ва жонли қурилишини ҳосил қилган сюжет

мотивлари мазмунлиги ва бадий мақсадга мувофиқлиги боис қарама-қарши кучлар тўқнашувини белгилайди. Булар ортида мазкур ҳаётнинг серқирра ва мураккаблиги, унинг умумхалқ ҳаёт йўлига келиб қуюлувчи, ўзининг эпик қудрати билан ҳайратга солувчи, чексиз «ирмоқлар»и ва «оқим»ларининг кўплиги аён бўлади. Охир-оқибатда Улуғ Ватан уруши ҳақидаги адабиётда кўтаринки руҳни, мавзу теранлигини, эстетик ўзига хосликни таъмин этган ҳам шу ҳаётдир.

Шароф Рашидов ўзининг қишлоқ ҳаётига бағишланган «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» асарларида ҳар бир совет кишидан жасорат ва онглиликни талаб қиладиган суронли даврларда янги шахснинг камол топиши ҳақида ҳикоя қилган эди. У янги асарда ҳам шу йўлдан боради, ҳаётни чуқур таҳлил қилади. Қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини, уларнинг умумхалқ ишига, душманни тормор қилишга қўшган ҳиссасини тарихий нуқтаи назар билан кўради ва баҳолайди.

Муаллиф, бир томондан, қаламга олинган муҳитнинг ҳамма қирраларини ва мураккаблигини, унинг бутун борлигини кўрсатишга ҳаракат қилади, иккинчи томондан эса, ўзи тасвирлаган кишилар хатти-ҳаракати, ўйлари, уларнинг ички олами ҳақида улкан воқеаларни назарда тутган тарих тараққиётини, замон қиёфасини белгиловчи ҳолда фикр юритади. Ёзувчининг аввалги йирик асарларида муваффақиятнинг таъминлаган худди шу йўл «Дил амри» қиссасида ҳам яхши самара берган. Бу асарда ҳам бош ҳарфлар билан ёзилувчи Тарих ўзида қаҳрамонларнинг шахсий тақдирини юзаки акс эттирмайди, балки уларнинг турмушига, бутун ҳаётига сингиб боради, қалбига жо бўлади.

Ёзувчи тарих билан шахс ўртасидаги диалектик жиҳатдан мураккаб ўзаро боғланишни моҳирлик билан аниқлаб олган. Бу боғланиш шундан иборатки, тарих шахсни шакллантиради, унинг хулқ-атворини белгилайди, агар шахс халқ манфаатларини тўғри ва тўла ҳис қилса, қалб амрига қулоқ тутса, ўзининг фаолияти билан ижодкори халқ бўлган тарихга маълум даражада таъсир эта олади.

Тарихга шундай чуқур, ҳақиқий диалектик-материалистик дунёқараш асосида муҳит ва унинг инқилобий ривожланишини тасвирловчи социалистик реализм санъаткорининг ижодий нуқтаи назари намоён бўлади.

«Дил амри» қиссасида Улуғ Ватан урушининг бошланиш даврларидан бири — бизнинг қўшинларимиз фронтнинг маълум қисмларида ташаббусни қўлга олиб, душманга сезиларли зарбалар бераётган, «яшин тезлигида уруш» деган афсонани чиппака чиқараётган пайтлар қаламга олинган.

«Қўшинларимиз кўпдан-кўп талафотлар эвазига бўлса ҳам Смоленск ва Ельня-районларида немис армиясининг ҳужумини тўхтатдилар. Натижада, душманнинг «Марказ» группаси мудофаага ўтишга мажбур бўлди. Вазият ниҳоятда оғир эди...» деб ёзади автор қиссанинг биринчи бобида. Бу муқаддима китобхонни Совет Олий Қўмондонлигида ишлаб чиқилган стратегик вазифалар ҳақида тасаввур ҳосил қилувчи воқеалар жараёнига олиб киради, қиссанинг неқбиона руҳини белгилайди.

Шароф Рашидов тиш-тирноғигача қуроллаётган душман билан курашдаги бутун қийинчиликларни, Қизил Армия кўрган дастлабки оғир талафотларни ҳаққоний кўрсатади. Китобхон Ватанимиз бошига қандай хавф-хатар тушганини, 1941 йил августидаги жангларда нима учун кўп қурбонлар берганимизни яққол тасаввур қилади. Лекин асардан ёруғ келажак нафаси уфуриб туради, адиб бизнинг ғалабамиз муқаррарлигини, Москва остоналарида душманнинг яқсон этилиши бу ғалабанинг илк даракчиси эканлигини санъаткорлик билан китобхонга етказди.

Ф. Энгельс 1888 йил апрелида Маргарита Гаркнесга унинг «Шаҳарлик қиз» қиссаси муносабати билан ёзган мактубида асарни юқори баҳолаган, уни «ҳақиқий санъаткорнинг жасорати» деб атаган эди. Бу ўринда Ф. Энгельс ўз замонига мансуб бўлган адабиёт тажрибалари-

ни умумлаштириб, реализмнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ёзади. Бу билан у келажак адабиёти ва санъатида воқеликни тасвирлаш қонуниятларига оид муҳим методологик асосларни ўртага ташлаган эди. Социалистик реализм методининг худди мана шу қонуниятлари ҳар бир диққатга сазовор, салмоқли асарда рўёбга чиқди.

Шароф Рашидовнинг «Дил амри» қиссасида ҳам шу фикр тасдиқланади. Унда Улуғ Ватан урушининг бошланиш давридаги типик шариоит ва қалтис ҳолатларда ўзининг бутун кучини намоён қилган совет кишилари характерининг ажойиб қирралари аниқ ва ифодали кўрсатиб берилган.

Муаллифнинг тарихга диалектик-материалистик қараш туфайли зоҳир бўлган ижодий позицияси кўп миллатли совет адабиётида чуқур ва атрофлича ишланган улкан ва мураккаб мавзу. — Улуғ Ватан уруши мавзусини ўзига хос тарзда ёритиш имконини берган.

Ёзувчи тасарруфида бўлган катта ва серқирра материални чуқур ўрганган, шу боис урушнинг дастлабки кунларидаёқ воқеалар оқимининг қаяққа қараб ҳаракат қилишини кўрсатувчи факт ва ҳолатларни тўғри илғаб олишга, ҳаяжонли қилиб тасвирлашга муваффақ бўлган. «Дил амри» қиссаси алангали йиллар бадийий солномасига қўшилган қимматли асардир.

Дунёга кўтаринки руҳ билан назар ташлаш Шароф Рашидов ижодига хос етакчи хусусиятлардан биридир. Унинг кўп асарларидаги қаҳрамонларнинг фаол ҳаётий позицияси ҳам шу билан изоҳланади. Айниқса, бош қаҳрамон Пўлат Содиқов характеридаги кишини лол қолдирадиган матонат, мақсад йўлидаги собитқадамлик, кўтаринки руҳ тантанаси унинг «Қудратли тўлқин» романида яққол намоён бўлган эди. Биз «Дил амри» қиссасида ҳам, ёзувчининг бошқа асарларидаги каби ватанпарвар — интернационалист қаҳрамонлар характерига дуч келамиз. Бу ердаги янгилик шундан иборатки, ҳар бир қадамда намоён бўладиган совет кишилари қаҳрамонлигининг ҳаётий манбалари янада чуқур очиб берилган. Муаллифнинг таъкидлашича, кишиларимиздаги сабр, матонат ва жасоратнинг манбаи тарихан ғолибларга мансуб бўлган кўтаринки руҳда ва у халқ ҳаётининг етакчи оқимлари юзага чиқарган шахслар тақдирини ўз ифодасини топади. Шароф Рашидов асарлари қаҳрамонларининг бутун борлиги, хатти-ҳаракатидан келиб чиқадиган қонуний хулоса шудир.

Шундай қилиб, «Дил амри» қиссасининг кўтаринки руҳи ёзувчининг ҳаёт ҳодисаларига илмий ёндашуви туфайли туғилган дунёқараш, нуқтаи назари билан изоҳланади.

Ушбу қиссада янги шахс — социализм кишисининг камол топиши жараёнидаги муҳим бир давр қаламга олинади. У Улуғ Ватан уруши давомида энг оғир синовлардан шараф билан ўтади. Бу гап, аввало, ёш ватанпарвар, тақдир тақдоси билан курашнинг олдинги сафларига тушиб қолган Серёжа Есин образига тегишлидир.

Биз Шароф Рашидов асарларида турли касб эгалари, турфа ёшда ва турли миллат вакиллари бўлган кенг ва ўзига хос қаҳрамонлар гуруҳи билан учрашганмиз. Улар — пахтакорлар ва ишчилар, партия раҳбарлари, комсомол етакчилари. Мана, улардан баъзилари: Умурзоқ ота («Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли»), Халил ота («Қудратли тўлқин»). Улар катта, оғир ва гўзал ҳаёт йўлини босиб ўтганлар. Жўрабоев ёки Олимжонлар эса Улуғ Ватан уруши йиллари Қизил Армия сафларида социалистик Ватанни ҳимоя қилганлар. Хайри каби қаҳрамонлар ўзларининг қалб қўри ва истеъдодини ёш авлодни тарбиялаш ишига бахш этганлар.

Унинг қаҳрамонлари ичида эндигина ҳаёт йўлини бошлаган, коммунизмнинг юксак идеаллари учун курашда тажриба орттириб, тобланиб бораётган ёшлар образи ҳам кўп учрайди. Бу ўринда мактаб партасидан тўғри катта ва мураккаб дунёга қадам қўйган Пўлат билан Баҳорни эслаш кифоядир.

«Қудратли тўлқин» романи қаҳрамонлари — Пўлат билан Баҳор

давр синовидан муваффақият билан ўтдилар ва бир неча авлод ёшларининг ишончли ҳамроҳларига айланиб қолдилар. Ёки биз «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» асарларида учрашадиган социализмнинг ёш қурувчиларини олиб кўрайлик. Ахир, Ойқиз ёки Карим билан Меҳри муҳаббат ва дўстликдаги садоқат, меҳнат ва курашдаги матонат, партия ва халқ ишига фидойилик намунаси эмасми?

Бу образлар ёшларни жасоратга чорлайди, орзуларига қанот бағишлайди.

Серёжа Есин ҳам ёш ватанпарварлар образлари сирасига киради. У тасодиф тақозоси билан Берёзовка учун бўлган жангда қатнашади ва бу ерда қишлоқ мудофаасини уюштирган лейтенант Темиров билан танишиб қолади. У алоқачи сифатида партизанлар отряди штабининг муҳим топшириқларини бажаради, ўзини ва дўстлари ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса-да, Германияга жўнатиш учун сотқинлар томонидан тайёрланган ватанпарварлар рўйхатини қўлга туширади. Сўнг гестапочиларнинг барча сўроқ ва қийноқларига бардош беради. Шуниси муҳимки, у ҳар доим қалб амрига бўйсуниб иш тутади. Серёжа ҳам Пўлат каби отасининг фронтдаги қаҳрамонликлари билан гурурланади, қўлида қурол билан ғалаба йўлларида ўтишни орзу қилади.

«Матонатли бола! Ҳақиқий пионер!»— дейди у ҳақда партизанлар отряди командири Шахов.

«Қизиқ,— ўйларди Темиров.— мана шу Сергей Есинни бир неча соатгина кўрдим-у, бир умр менга ёқди-қолди».

Темиров Серёжа билан янада яқинроқ танишар экан, унинг жасурлигига қойил қолади, ўзи ҳам у сингари фарзандлар ўстиришни орзу қилади. Лейтенантнинг бу ўйлари санъаткор яратган ёш ватанпарвар образи ҳақидагина эмас, балки советлар муҳитида, социализм ғоялари таъсирида тез вояга етган янги шахсга ҳам дахлдордир. Уруш синовлари фақат бу ижтимоий шахснинг камолотини тезлаштирди, буюк ва муқаддас Ватан туйғусини юқори нуқталарга кўтарди.

Шу ўринда лейтенант Темировнинг қўйидаги хулосаси диққатга сазовордир: «Ё мен янги истеъдоднинг туғилиши, тез камол топишининг жонли гувоҳи бўляпман, ёхуд уруш даҳшати каттанигинамас, гўдакни ҳам тез улғайтиради».

Биз Серёжа Есиннинг хатти-ҳаракатларини кузатар эканмиз, унинг характери шаклланиши А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романи қаҳрамонларига ўхшашлигини, бунда бунёдкор инсонни улғулайдиган, инсонпарварлик ғояларига асосланган социализм замиридаги ижтимоий муносабатлар асосий роль ўйнаганлигини сезамиз.

«Дил амри» қиссасида яратилган ёш ватанпарварларнинг ажойиб образлари адибнинг бошқа романларидаги шу сингари қаҳрамонлар гуруҳини кенгайтиради, айни вақтда, ўзига хослиги, бетакрорлиги билан диққатни тартади. Асарнинг Серёжа Есин ва партизан отряди раҳбарлари, Серёжа ва Бобоёр Омонов, Ира ва Зоя Андреевна каби сюжет линиялари шундан гувоҳлик беради.

Коммунизм қурувчиларининг ёрқин образларини яратишда миллий адабиётларнинг тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган ўзаро алоқалари яхши самара бериши табиий ҳол, албатта. Айниқса, бунда ёзувчиларнинг қардош халқлар ҳаётига мурожаат қилиши муҳим роль ўйнайди. Кўп миллатли совет адабиётида бунга мисоллар талайгина. Д. Фурмановнинг «Исён», И. Ленин «Тоғ оралиқлари романи», П. Лукницкийнинг «Ниссо», Н. Бирюковнинг «Норин сувлари» каби асарларида мамлакатимиздаги турли халқларнинг социализм ғоялари билан суғорилган ҳаёти чуқур тасвирланган. Шу асарлар қаторига бепоеён Ватанимиздаги халқлар ҳамда элатларнинг бирлиги ва қардошлигини куйловчи, совет ватанпарварлигини, интернационализмининг тараннум этувчи Ҳамид Олимжоннинг «Россия» шеъри ҳам киради.

Айтиб ўтиш керакки, адибнинг «Дил амри» қиссаси ўзининг ғоявий йўналиши, руҳи жиҳатидан интернационализмнинг ҳаётбахш ғояларини куйлайди. Асарда рус кишилари образларини яратиш борасидаги из-

ланишларнинг янгича маҳсулини кўрамиз. Бу изланишлар муҳитни атрофлича бадий инъикос эттириш, рус қишлоғига хос табиатни, турмуш тарзини кўрсатишдангина иборат эмас. Балки қаҳрамонларнинг ички оламини теран тасвирлашда, миллий характерни барча қирралари билан, тўлақонли акс эттиришда кўрилади.

Серёжа Есиннинг тез камол топиши, Тараснинг мураккаб ва дилни эзувчи изтироблари, унинг бемор онаси Зоя Андреевнанинг сабр-тоқати, кекса ўқитувчи Иван Ивановичнинг донолиги, одамларга ёрдам беришга доимо тайёр туриши, қишлоқ совети секретари Федотовнинг метин иродаси, Мартиновнинг жасурлиги, Юранинг топқирлиги ва кескинлиги — буларнинг бари рус миллий характерининг ёрқин қирраларидир, ва улар социализм даврида улғайган янги ижтимоий шахснинг чексиз имкониятлари ҳақида ўқувчида эзгу таассурот қолдиради.

Рус халқи вакиллари бўлган асар қаҳрамонларининг ички дунёси ўзбек адаби томонидан шу қадар нурли ёритиб берилган экан, бу, шубҳасиз, катта эпик полотнолар муаллифи бўлган атоқли ёзувчининг ижодий уфқи янада кенгайганидан даракдир.

Хуллас, «Дил амри» қиссаси ўзбек совет адабиётининг улкан имкониятлари, унинг замон талаблари даражасида, мамлакатимиз халқларининг маънавий хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшиладиган асарлар яратишга қодирлиги ҳақида аниқ тасаввур беради.

Китобхон бу асардан ўзини ҳаяжонлантириб келаётган кўп саволларга жавоб топади. Қисса унга тўғри ҳаёт йўлини танлашда кўмаклашади. Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғоялари билан йўғрилган «Дил амри» қиссаси ўқувчида Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялайди.

Одил Ёқубов,

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР
Давлат мукофоти лауреати

НОМИГА МУНОСИБ АСАР

Уш жодда санъаткорнинг ҳаётини тажрибаси, бошидан ўтган воқеалар, кўрган-кечирганлари нақадар катта аҳамиятга молик экани ҳаммага маълум. Агар Лев Николаевич Толстой Тула яқинида туғилиб, болалик ва ёшлик чоғлари, кейинчалик эса бутун умри Ясная Полянада ўтмаганида, эҳтимол, рус деҳқонининг ҳаётини, унинг дарду ҳасратларини, орзу-умидларини бу даражада чуқур очиб бера олмас эди. Еки замонамизнинг улуғ ёзувчиси Михаил Александрович Шолохов ижодини олайлик. Шолохов Дон соҳилларида таваллуд топиб, у ерда бўлиб ўтган мураккаб инқилобий ҳодисалар қозонида қайнагани учун ҳам «Тинч Дон» ва «Очилган кўриқ» каби доҳиёна асарларни яратди. Бу гаплар адабиёт аҳли учун янгилик эмас, албатта. Мен ҳаммага маълум ҳақиқатларни айтяпман. Лекин атоқли адабимиз Шароф Рашидович Рашидовнинг «Дил амри» қиссасини ўқир эканман, мен бу ҳақиқатни яна бир бор эсладим.

Шароф Рашидов Улуғ Ватан уруши йилларида қўлига қурол олиб, фронтда немис-фашист босқинчиларига қарши курашган, ўз юртидай азиз бўлиб қолган рус тупроғи учун шиддатли жангларда иштирок этган, Улуғ Советлар Ватани учун қон тўккан.

Гарчи, Шароф Рашидов «Дил амри» қиссасида бошидан ўтган воқеаларни ёзмаса ҳам, қиссанинг ҳар бир сатрида, асарнинг ички руҳида фронтчи адабнинг кўрган-кечирганлари, изтиробли ўйлари, тугён-

лари, қалб исёнлари шундоқ барқ уриб турибди. Уруш кўрмаган, она юрт учун қўлига қурол олиб курашмаган ёзувчи уруш келтирган мислсиз талафотлар, уқубатлар, инсон бошига тушган оғир фожиалар ҳақида бундай чуқур самимият ва ҳаяжон билан ёзолмайди.

Шароф Рашидовни адабиётимизда ўз услуби, ўз тили, ўз йўлига эга бўлган улкан реалист ёзувчи сифатида яхши биламиз. Унинг романларида чуқур реалистик тасвир тиниқ лиризм билан, лиризм эса жўшқин публицистик руҳ билан йўғрилиб кетади.

«Дил амри» қиссасида ёзувчи ижодига хос бу жиҳатлар, айниқса психологизм янада кучайган, чуқурлашган. Шу билан бирга «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» романларига хос нозик лиризм ўрнини шиддатли драматизм, баъзи ўринларда эса ҳатто фожий оҳанглар эгаллаган. Албатта, тасвирдаги бу шиддат, бу драматизмни ҳикоя қилинаётган ҳаётий материал тақозо этган. Оғир уруш йиллари. Фашистлар асоратида қолган рус қишлоғи. Ҳар куни ўлим, зўравонлик, ҳақорат. Бу зулм, бу хўрлик, бу зўравонлик олдида бош эгишни истамаган мағрур, мард, довюрак рус кишилари. Кучли, шафқатсиз душманга қарши кураш бошлаган бу ватанпарварлар орасида шиддатли жангларда тобланган Николаев, Темиров сингари жангчи партизанлар ҳам, Иван Ивановичга ўхшаган тажрибали мўсафидлар ҳам, Серёжа, Ира ва Тарас каби беғубор, аммо дилида аллақачон ватан туйғуси шаклланган оташқалб ўспиринлар ҳам бор. Ёзувчи ўспиринлар образларини, айниқса Серёжа билан унинг ёш дўстлари образларини оталарча бир меҳр билан, чуқур ички ҳаяжон билан чизганким, улар, гарчи тақдирлари шафқатсиз бўлса ҳам, худди илиқ, шаффоф нурга йўғрилиб тасвирланганга ўхшайди. Назаримда, «Дил амри» қиссасининг китобхонда жуда катта таассурот қолдиришининг яна бир сабаби шундаки, асар қаҳрамонларининг тақдири ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли. Фақат ижобий қаҳрамонлар эмас, ҳатто душманлар ҳам, ҳатто Герасим билан Иринархий каби сотқинлар тақдири ҳам бутун мураккаблиги билан тасвирлаб берилган. Бу жиҳатдан жафокаш аёл Зоя Андреевнанинг қисмати айниқса характерли. Бу қисмат ҳеч кимни лоқайд қолдиролмайди. Ёзувчи Шароф Рашидов социалистик реализм услуби тақозо этган ҳақиқатдан ҳеч бир жойда чекинган эмас. Шу боисдан бўлса керак, ҳазин оҳанглар билан йўғрилган бу ажойиб қиссани ўқир эканмиз, мунгли, аммо ёруғ бир куйни эшитгандай дилимиз равшан бўлади. Шу маънода мен бу қиссани номига муносиб асар деб атагим келади.

Мумтоз Муҳамедов,

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси,
истеъфодаги майор

«ДИЛ АМРИ» ҲОШИЯСИДАГИ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Уруш ветеранлари Совети комитетининг Тошкент секциясига кирдим-у, дафъатан бир тўп уруш қатнашчиларининг гурунглашиб турганлари устидан чиқиб қолдим. Сийрак учрайдиган воқеа. Ҳамма ишли-тишли. Улар фақат орден ва медалларини ярқиратиб юриш учун туғилмаганлар. Ўзларига яраша бурчлари, истеъфодаги ижтимоий хизматлари бор.

Гўё эски, чандиқ яралар очилган эди.

— Дарвоқе, «Дил амри»ни ўқидингизми? Уқимаган бўлсангиз, ўқинг,— маслаҳат беради комитет раиси, генерал Файзулла Норхў-

жаев.— Ажойиб қисса. Узимизнинг ветеран Шароф Рашидов қаламига мансуб. Қаттол урушнинг маълум ва номаълум фожиалари кўз ўнгингизга шундоққина келади-қўяди...

Маслаҳатдан гула кўтарган суҳбатдошлар китобхон сифатидаги мулоҳазаларини изҳор этадилар. Бир «Дил амри» уруш мавзуининг янги қатламларини очган деса, бошқаси ҳарбий-ватанпарварлик, умуман интернационализм темаси Шароф Рашидов адабий фаолиятининг мағзига сингиб кетганини, «Ғолиблар», «Қудратли тўлқин», «Бўрондан кучли» асарларида ҳам бу тема қизил ипдай тизилиб ўтганини таъкидлайди.

— Шунинг эътирофи этиш керакки,— суҳбатдошлар ўзларича изоҳлашади,— Шароф Рашидович ҳаётининг шох томирини тўғри топадиган, адабиёт ва санъат проблемаларини партиявий теран англайдиган санъаткор.

Зеро ҳаёт билан ялакат мағиз бўлиш бу тоифадаги ёзувчиларнинг фақат ўзларига хос хусусиятлардир. Улар умрларини ижтимоий меҳнатнинг бирор бир кўринишисиз тасаввур эта олмайдилар. Худди шу фазилят, инсоний олижаноблик улкан адибимиз Шароф Рашидовнинг турфа адабий фаолиятида яққол бўртиб турибди. Муаллиф «Ғолиблар» романида ва «Бўрондан кучли»да қўриқлардан қаричма-қарич ер узиб олаётган олтинсойликлар довруғини ёйди ва уларнинг улкан «оқ олтин» хирмонига қўшаётган ҳиссаларини мадҳ этди. «Қудратли тўлқин» романида эса Улуғ Ватан уруши даври алоҳида куч ва жозоба ила жаранглайди.

Воқеликлар оқимини, замонлар йўналишини тез, нозик пайқайдиган адибимиз атом булутларисиз, осойишта ва бунёдкор ҳаёт учун шиддатли кураш кетаётган бир пайтда халқлар орзусига ҳамоҳанг «Дил амри» қиссасини эълон қилди.

«Дил амри» кеча ёки бугун туғилган, оппа-осонгина йўргакка тушиб қўяқолган фарзанд эмас. Унинг илк нафасини биз Шароф Рашидовнинг урушдан олдинги ва кейинги ҳарбий ватанпарварлик поэзиясида ҳам, жангтоҳларда ўзбек жангчининг қўлтиғида юрган шеърлар китобида ҳам, ҳаётбахш очерклари ва ҳароратли публицистикаларида ҳам туйишимиз мумкин.

Агар жангда қайтсам орқамга,
Лаънат ўқинг. Яшашим бекор!

«Дил амри»ни ўқиркансиз, шундай дейсиз беихтиёр.

Мен мунаққид эмасман. Асардаги воқеалар тугуни ва ечим ҳақида, типажлар табиати хусусида фикр юргизиш адабиётшуносларимиз даврасига ҳавола. Лекин мен, Брянск fronti қўмондонлиги сиёсий бошқармаси органи «Душманга қарши олға» газетасининг собиқ ҳарбий муҳбири, гвардиячи майор сифатида «Дил амри» тўғрисидаги таассуротларимни фронтдош ўртоқлар билан баҳам кўришга бевосита ва билвосита ҳақлиман. Негаки, билишимча, Шароф Рашидов ҳам ана шу фронтнинг қонли, оловли йўлларини босиб ўтган. Воқеа ҳам шу атрофларда юз берганга ўхшайди. Шу боис бўлса керак, расмана рус қишлоғи Берёзовканинг қиёфаси мусаввир каби ёқимли чизилган:

«...Иван Иванович қўлидаги пақирни ерга қўйиб, жонажон қишлоғининг тонг-саҳардаги ҳусни-жамолига мафтун бўлган ҳолда ширин хаёлга берилди, майсалар, дарахтларни суқ-ҳавас билан, меҳр-муҳаббат билан, фахр-шукроналик билан кўздан кечирди. Нигоҳи қайин танасидан юқорилаб, кўкка тикилди, шу лаҳзада киндик қони тўкилган қишлоқ бор савлати, кўрки-камоли билан унга пешвоз чиқиб, бағрига олгандай, эркалангандай бўлади... Эҳ, Берёзовка, Берёзовка... нақадар гўзалсан, жонажон қишлоқ. Поёнсиз ўрмонларинг: экинзорларинг, майсазорларинг, қишинг ва ёзинг, мусаффо ҳаволаринг нақадар ҳузурбахш, нақадар ёқимли, нақадар ширин, нақадар гўзал, она қишлоғим. Эҳ, Берёзовка, Берёзовка, ҳаминша мафтунингман, ноёб юртим...»

Муҳими шундаки, «Дил амри»да ижобий қаҳрамонларнинг ёруғ тақдири ҳам, салбий типларнинг фожией қисмати ҳам бир-бирига қоришиқ. Улар бамисоли бир дарёнинг баланд ва паст қирғоқлари. Ҳар бирига айрича сайқал, айрича урғу берилган. Қишлоқнинг ёш ватанпарварлари ҳам, партизанлар ҳам, совет жангчилари ҳам асарда муайян бир юк ташийди. Гитлерчилар ҳам, ҳаттоки сотқинлар ҳам вакуумдаги сингари бўм-бўш, қотириб қўйилган эмас. Улар ҳам ўзларига яраша жонли. Фаҳм-фаросатдан кам қилмаган.

Кўп қиррали ва кенг кўламли уруш мавзунининг мазкур қиссада талқин этилиши ўзига хос, шу йўсиндаги асарлардан гоят фарқлидир. Унда бирмас, биракай учта нуқтани кўриш мумкин: фронт — оккупациядаги қишлоқ — мамлакат ичкараси. Бу нуқталар шу қадар бирикиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиб олиш, бўлаклаб кўриш қийин.

Менинг имоним комилки, қиссадаги шахслар — хоҳ ўқитувчи Иван Иванович, Мартинов, Шахов, Миша бобо, Николаев, ака-сингил Есинлар, хоҳ Бобоёр Омонов ва Темиров бўлсин, уларни муаллиф қайси бир таниш сиймоларнидир, кўз ўнгига келтириб чизган. Шу боис улар бўртиқ, ҳаракатчан, эса қоларли. Хусусан, ўзбек жангчиларининг прототиpleri шаксиз бўлиши керак.

Турган гап, «Дил амри» руҳимга, кечаги кечинмаларимга мос, ҳамоҳанг бўлгани учун уни камоли иштиёқ ва таҳсин билан қайта-қайта ўқиб чиқдим. Худди эски яралар очилиб кетгандай изтиробларда қоврилдим, мусаффо осмонимизда қора булутлар ҳеч қачон тўпланмасин, уруш абадул-абад даф бўлсин, дедим.

«Санъаткор, — деган эди Максим Горький, — сўз, овоз, рангга шакл ва образ берувчи санъат кишидир. Санъаткор ўзидаги тасаввур кучининг мантиқ кучи билан, ақл-идрок кучининг ҳиссиёт билан уйғун бўлмоғига эришиш керак... Инсон ўз қобилиятларидан фойдаланиш йўллари шундай билмоғи керакки, бу қобилият адо бўлмасин, борган сайин ривожлансин».

«Дил амри» тажрибаси ва намунаси бунинг ёрқин тимсолидир. Заҳматкаш коммунист Шароф Рашидович бизга сўз дурдоналари билан мудом илҳом ва лаззат бағишлайди деган ширин умиддамиз.



Шерият

Азиз Абдураззоқ

Нон, имон, муҳаббат

Ёддан ўчмас ўтган замонлар:
Нонни ўлчаб бердилар бизга.
Шундоқ майда эдики нонлар,
Тенг келарди қулоғимизга.

Кейин роса бир кеча-кундуз
Яшар эдим ўша нон билан.
Аммо элда эмасдим ёлғиз,
Яшар эдим зўр имон билан.

Имон асли эди муҳаббат,
Излаб не-не доvon ошардим.

Жимит нонга тўярдим, фақат
Муҳаббатга тўймай яшардим.

О, нақадар мўъжиза, қудрат
Муҳаббат деб аталмиш бало!..
Аҳволим не кечар, табиат,
Муҳаббатдан айласанг жудо?!.

Бу оламда муҳаббат борки,
Қаддим баланд бундан буён ҳам.
Нонсиз яшай олурман балки,
Муҳаббатсиз бўлмасман одам...

Тумор

Менда ҳам бир тумор бор эди
Ўсмир чоғимда.
У мен учун ифтихор эди
Ўксик чоғимда.
Мен акамдан,
Урушдан келган
Учбурчак хатни
Тумор қилиб тақиб юрардим.
Ўша хатни,
Жанггоҳлардан бир бурда тарих,
Жанглар рўйхатин
Тумор қилиб тақмасдан олдин
Ҳидладим кўп,
Топарман деб акамнинг ҳидин...

Акам ҳиди,
Порох ҳиди
Ва қон ҳиди
Йўқолганди етиб келгунча.
Ўқиб чиқдим қайта-қайта,
Кўнглим тўлгунча.
Сўнгра, охир тумор қилиб,
Бўйнимга тақдим.
Не бўлди-ю,
Ўша тумор йўқолди бир кун.

Излаб, излаб,
Тополмадим,
Йиғладим дилхун.
Во ажабо...
Ажаб тақдир...
Ажаб тасодиф...
Кейинчалик маълум бўлдиким,
Ўша тумор йўқолган кун
Биздан неча минг-минг қақирим
Олис ерда,
Жанг майдонида
Акам шаҳид бўлган экан.
Унинг жони билан бирга
Узилган экан
Бўйнимдаги туморнинг ипи.

Ўша тумор —
Учбурчак хат
Турмас энди кўкрагимда.
Аммо ҳамон юрагимда
Ўша тумор —
Учбурчак хат
Жанггоҳлардан бир бурда тарих,
Жанглар рўйхати...

Жанчи

Ахир мен —
Жангчиман,
Хаёти жангларда кечгувчи.
Манзилим — ғалаба.
То унга етгунча,
Билмайман кўксимни тешгувчи
Ўқ қайси қуролда ниҳондир.
Ўйлама: «Ғалаба — осондир».

Мабодо етолмай ғалаба дамига,
Жон берсам кўксимга қадалган бир ўқдан
Ё қилич дамидан,
Авлодим,

Сен учун аталган,
Дилимда сақланган
Сунгги сўз айтилмай қоларкан,
Лабимда қон каби қотаркан,
Хайратда қолмагин,
Лабдаги қонимдай хайратда қотмагин,
Ахир мен —
Жангчиман.
Мен асло кўркмайман ўлимдан,
Қуролим олсанг бас кўлимдан
Ва десанг:
— Ахир мен
Жангчиман!

Ушбу уйда

Ушбу уйда
Мен туғилган чоғ
Онам алла айтган,
Учмаган чироғ.

Чироғ ўчмас ҳамон ушбу уйда.
Бу —
Бошқа чироғ.
Мен туғилган чоғ
Ёқилганимас,
Ундан ёруғроқ,

Ушбу чироғда,
Ушбу ёруғда
Қўшиқ туғилар.
Бу —
Менинг қўшиғим.
Хар оқшом куйлайман.
Куйимни
Онам айтган ўша аллага,
Онам берган ўша аллага
Улайман
Ушбу уйда.

Шаҳарлар

«Биз шаҳарга айланамиз!» —
Дер тошу тоғ.
«Биз шаҳарга айланамиз!» —
Дерлар қумлар.
«Мен шаҳарга айланаман!» —
Дер соз тупроқ.
«Биз шаҳарга айланамиз!» —
Дерлар сувлар.
Биз шаҳарга айлантирдик тошу тоғни

Ва қумларни,
Соз тупроқни.
Ва сувларни.

Аммо бу кам.
Ҳали қанча шан, муҳташам
Шаҳарлар бор қурилмаган,
Ҳатто тушда кўрилмаган.
Улар ҳали ётибдилар ер бағрида,
Ер бағирлаб.
Биз уларга жон бағишлаб,
Ҳали қанча шаҳарларни қуражакмиз.
Кечалари —
Кундуз мисол кўчаларин
Қўшиқ билан обод этиб
Юражакмиз.

Отнинг дарди

Менга қамчи урмагин, хўжам,
Тезроқ юр деб қистама кўп ҳам.
Билсанг, сенинг энг содиқ дўстинг,
Қулингман, хўжам.
Пойгаларда қизил ёлларим
Алангадай қилпираган.
Қулингман, хўжам.
Қамчи урсанг,
Жоним унча топмас-ку озор,

Бироқ қамчи
Ҳақоратдир.
Бу ҳақорат
Ва жаҳолат
Не учун даркор?
Қулинг бўлай,
Марҳаматинг дариг тутма,
Дўстим ва хўжам...

Тўрғайлар

Самовотда тўрғайлар
Жуфт-жуфт бўлиб учгайлар.
Бизда мўл-кўл буғдойзор,
Тўқчиликни кўрғайлар.

Кўкда учган тўрғайлар
Гўзалликни кўрғайлар.

Гўзалликни кўйлашиб,
Ёз завқини сургайлар.

Буғдойзордан тўрғайлар
Ризқларини тергайлар.
Хатто полапонларин
Буғдой билан йўрғаклар.

Тўра Сулаймон

Дехқон қўллари

Шу қора тупроқдан, хоки пок ердан,
Йил бўйи тўкилган пешона тердан,
Истаса бий дала, сахрою қирдан
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Эл-юрт ифтихори — унинг бойлиги,
Ўз ишига мудом шердай шайлиги,
Таърифга сиғмасдан хотамтойлиги,
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Соқликда қолишмай олқордан, қурдан,
Сахийликда эса Амудан, Сирдан,
Худди мўъжиза-ю, сарҳадсиз нурдан
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Меҳри — ёз, қаҳрда ва лекин қишдай,
Парвози ҳам баланд, қарчиғай қушдай,
Кўнгилнинг оқлиги асил кумушдай,
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Юзларга суртгулик босган излари,
Ишда издошлари — ўғил-қизлари,
Сойдек бедор ўтиб баҳор, кузлари,
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Юксакка интилиб, довонлар ошиб,
Шаъни-шавқатига қўшиқ ярашиб,
Уйган хирмонлари кўкка туташиб,
Оқ олтин яратар деҳқон қўллари.

Мен ҳам...

Мен ҳам умид билан сафарга чиқиб,
Узоқ манзилларга кўз тиккан жонман.
Бирда Сирдай тошиб, бирда тутоқиб,
Катта йўлга чиққан
Кичик қарвонман.

Отанинг армонли замонасида,
Устодимнинг танҳо таронасида,
Ҳикматларга тўлиқ пок сийнасида
Ушалиб-ушалмай
Қолган армонман.

Магар кимни кўрсам кўзлари ёшли,
Унга қараб турса бир бағри тошли,
Бир ялтоқнинг пойи бўлса қуёшли,
Қинғирга кун бермас
Худди тўфонман.

Бирга мафтун бўлдим, бирга ҳавасда,
Соҳиби суҳанга жоним пайваста.
Кўргулик бор ерда — кўнгил шикаста,

Сафардан бир нафас
Тинмас қарвонман.
Зулфия

Давоси топилмас
Дардга дармонман.

Кимларга кўклам — қиш, кимга қиш —
ёздир,

Кимга кўлмак — теран, уммон — саёздир,
Боздан гоҳ қарғанинг умри дароздир,
Лочинмас, кузғунга
Келган қиронман.

Дардсиз яшамоқлик — дардмандлик асли,
Баҳордай беғубор — болалик фасли,
Бу дунёни кўрсам гулга қиёсли:
Боғли, боғчалиман,
Кўкси осмонман.

Дунё яратмоқлик дунё демақдир,
Матлабсиз кимсанинг сийнаси чоқдир,
Эл-юртга муҳаббат — муаззам кўшқдир,
Бу юрт, бу Ватансиз
Беҳол, бежонман.

Шу ёруғ кунларни кўролмай кетган,
На манзил, на мурод-мақсадга етган,
Эл-улус турганда ўзин унутган
Зотлар бағридаги
Бир қатра қонман.

Дариғ тутма меҳринг мендин, табиат,
Жудо қилсанг-да гар жондин, табиат,
Бир шуни сўрайман сендин табиат:
Аро йўлда қўйма,
Мен ҳам меҳмонман...

Армон

Ногоҳ айри тушмиш йўлларимиз ҳам,
Турли-туман кечмиш йилларимиз ҳам.
Бир эди доимо ўйларимиз ҳам,
Энди мен — нодонни танимадингми?

Ишқингда паришон хаёлли, ўйли,
Гоҳо йўли тошлоқ, гоҳи оқ йўлли,

Бирларда армонли, бирда минг қўйли,
Соҳиби суҳанни танимадингми?

Сенингсиз на еру на осмонда мен,
Сендек шам истарман шабистонда мен,
Ҳеч кимга ўхшаман бу жаҳонда мен,
Тўра Сулаймонни танимадингми?

Мирпўлат Мирзаев

Ота

У хизматга жўнар тонг маҳал,
Рафиқаси қўяр кузатиб,
Тетапоя қизчаси билан.
То йўлақдан ғойиб бўлгунча
Қўл силкийди унга қизалоқ,
Хайрлашар қулиб-қийқириб.

Бийрон тили бунчалар ширин!
Ҳовлидаги райҳондан
Кўкрак
Чўнтагига солиб кетгандек,
Қизчасининг кулгусин дилда
Қуни бўйи асраб юрар у.

* * *

Дунёда севишган қанча — билмайман,
Туюлади менга: фақат иккимиз...
Мен бўлак туйғуга сажда қилмайман,
Барҳаёт экан шу буюқ севгимиз.

Биз учун мўътабар ҳаттоки ҳижрон,
Соғиниш, ўртаниш, ғуссалар бари...
Ҳаммасидан эзгу эрур бегумон
Энтиктирган висол дақиқалари.

Майли, йиллар бизни ташласин кўмиб
Нокерак ташвишлар, икир-чикирга.
Биз эса энг юксак ўйларга чўмиб,
Севгимизни эъзоз этгаймиз бирга.

Бу қутлуғ лаҳзалар ёрқин, безавол
Безар умримизни гулчамбар мисол.

* * *

Қиш оқшоми тушади эрта,
Тун қучади кўча-кўйларни.
Бир ташвишга йўғрилиб,
эркам,
Ийроқларда сени ўйладим:

Қайтинг балки паришон
ишдан,
Муз қоплайди бу палла йўлни.
Кўчаларни кесиб ўтишда,
Ўтинаман,
эхтиёт бўлгин.

Мен сафарга жўнаб кетганда...

Мен сафарга жўнаб кетганда,
Биламан,

уй қолар ҳувиллаб.
Шаҳар узра шом кўниб,

сени
Дилгир гўша қарши олар-у,
Юрагингни чирмар бир ғусса.
Остонадан ҳатлаб паришон,
Ёққанингда даҳлиз чироғин,
Хоналарни тинтиб, ахтариб,
Жажжи қизчам тинмай бидирлар,
Сўраб

менинг нечун йўқлигим.

Юпатасан эркалаб уни,
Қўғирчоқлар қиласан ваъда,
Сўнг ўзинг ҳам юпанмоқ бўлиб
Нимагадир уннай бошлайсан,
Лекин унмас юмушинг сира.
Мен сафарга жўнаб кетганда,
Орамизга тушганда ҳижрон,
Шундоқ кечар сенинг ҳар шоминг —
Руҳингни тарк этар фароғат
Ва сезмайсан,

уй бурчидаги
Кўзгу юзин боса бошлар чанг...

Ҳаёт


Гоҳо куюнамиз бекор-беҳуда,
Икир-чикирларга бузамиз асаб.
Яшасак бўлмасми тинч ва осуда,
Олий мақсад учун юракни асраб?

Ахир, умр — қисқа, вақт — чопоғон,
Дунёнинг ками-ку асло тўлмайди...
Бу гап жуда кўҳна, айтмоққа осон,
Афсуски, беташвиш яшаб бўлмайди.

Гул кўтарган аёл

Эрта тонгда
Ҳазонли йўлдан
Гул кўтариб ўтди бир аёл,
Бир қўлида рўзгор халтаси.
Ажаб,

Кимга экан у гуллар —
Кимга экан
Оддий, ташвишманд
Юракдаги бир даста кувонч?..



Туроб Мақсуд

МУНОЖОТ

Кўзларингдин неча сув келгай деб
ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кеча
су келмади.

Алишер Навоий

Инсон елкасига оғир юкини юклаб асрлар ўтади, асрлар...
...Бундан икки асргина илгари Туркистоннинг Эчкилизор қишлоғида яшовчи уста Тош Қиронбекка қарши исён кўтарди. Бир кишилик исён! Уста ясаган қиличлар тошни ҳам сариёғдек кесар ва у бекка шўнинг учун қадрли эди. Аммо қилич ясамоқ нечун?! Бева-бечораларнинг бошини сапчадек узмоқ, ўз невараларининг қонини тупроққа қормоқ, бутун авлодларнинг таъна-маломатларига қолмоқ учунми? Бегуноҳ тўкилган қонлар, наҳот, устани тинч қўйса!

Қаранги, уста айни қирчиллама йигит ёшида, тенги йўқ темирчи деб ён-атрофга номи кетган маҳалда бу ҳақда ўйлаб кўрмаган экан. Ёши қирқдан ошганда эзгу ўй уни афсус-надоматлар залвори остида ўзга дунёга бошлади. У қилич ясашни бас қилиб, атиги икки торли соз — дутор ясашга киришди. Бу гап Қиронбекнинг қулоғига етиши билан устани банди этиб келишни буюрди. Қўл-оёғи кишанланган уста Тош бекнинг қароргоҳида дамгин бош эгиб турарди.

Қиронбек қиличдек кесиб сўзлар эди:

— Менга қилич керак! Созни ҳезалакларга чиқарган! Соз билан на қорин тўюр, на хазина гавҳар кўрур! Аҳдингиздан айниб, қилич ясанг, илгаригидек кун кўраверинг! Билъакс соз ҳам ишломмайсиэ! Олдингизда икки йўл! Бирини танланг!

— Муҳтарам бек! Шу пайтгача мен ишлаган қиличлар қанчадан-қанча бечораларнинг қонини тўкди. Энди дилимга олло-таоло қилич ясамаслик истагини солган экан, табарруқ аҳддан воз кеча олмайман. Энди мени тинч қўйинг!— деди уста Тош зарра тап тортмай.

Қиронбек ер сузиб қолди; сўнг тикондек нигоҳини уста Тошга тикди. Уста бекка киприк қоқмай шундай тик боқардики, бу боқиш зарбидан гўё беклик ўрдаси титраб кетгандек бўлди; Қиронбек қилич дастасига ёпишиб, қичқириб юборди:

— Жаллод!

...Одатда инсоннинг боши узиладиган ажал кундасига бу гал устанинг қўли қўйилди.

Қиронбек жаллодни нари суриб, қиличини қинидан чиқарди. Уста не кўз билан кўрсинки, бу қилич ўзи бекка тортиқ этган, бор зако, бор ҳунарини тўкиб ишлаган қилич эди! У умрида бундан чиройлироқ,

бундан кескироқ қилич ясай олмаганди. Уста қўлини кундага қўйганча кўзларини чирт юмди! «Наҳот, шу қилич устанинг қўлини кеса! Наҳот! Балки унинг тиғи уста қўли олдида бирдан ўтмай қолар?! Азбаройи худо! Ҳазрати Довуд пирим!» Аммо тилсиз-забонсиз қиличнинг бандини худо ҳам эмас, Ҳазрати Довуд ҳам эмас, балки Қиронбек тутган эди. Бек икки зарб уриб, икки қўлини билагидан кесиб ташлади! Ҳайҳот! Кунда устида қип-қизил қонга бўялган, панжалари тортилиб қолган икки кўлдан қон сизиб ётарди!

Даҳшатли воқеа содир бўлган куннинг эртасига, тонг қоронғисида Эчкилизордан кичик карвон йўлга тушди. Олдиндаги туяда тўмтоқ кўлларини боғлаб, бўйнига осган уста Тош борар эди. Уста Тош ва унинг укаси уста Эшнинг хеш-ақраболаридан ташкил топган бу карвон узоқ йўл юрди; чўлу биёбонлардан ўтиб, қишлоқларни ортда қолдириб, нақ юлдузга етгудек бўй чўзган улкан қоя ортидаги кимсасиз жойга қўнди. Бу ерда ҳеч ким уларни қилич ясашга мажбур этмасди! Шу бўйи ям-яшил табиат қучоғи уларнинг абадий макони бўлиб қолди. Уста Тош қариндошларига, ўғилларига қўл билан кўрсата олмаса-да, сўзлаб, дутор ясашни ўргатди. Нурота тоғининг Муғамбир қояси ортидаги Уста қишлоқнинг тарихи шундай. Қишлоқ аҳли шу икки оғанининг уруғ-аймоғи. Авазбек ҳам шу авлод вакили, Муҳаммад бахшининг ўғли. Аваз боболаридан дутор ясашни энг нозик сирларини ўрганган, дуторларининг таърифи яқин-узоқларга кетганди.

Отаси Муҳаммад бахши сўзга қанча бийрон бўлса, Аваз шунча камгап, аммо унинг учун ҳам дутори сўзлар эди. У чалган куйлар мардонавор, шиддатли янграб, кишилар қалбига селдек оқиб кирар ва дард-аламларни, ғамгин хотираларни ювиб кетиб, жўшқин ҳислар уйғотарди. «Аваз дутор чалса, одам яшариб қолади!»— дерди кишилар. Баҳор кунларининг бирида, ярим тунда Уста қишлоқликлар ғаройиб бир куй ноласидан уйғониб кетдилар. Улар бундай сеҳрли, кишини ажойиб руҳий оламга бошловчи куйни ҳеч қачон эшитмаган эдилар.

Айни камолга етган бўзбола! Унинг бутун вужудини ишқ алангаси шунчалар ларзага соладики... Юраги булоқ сувидек тиниқ, покиза йигитнинг муҳаббат дарди шунчалар чуқур, шунчалар кучлики... У ёноқлари лоларанг, лаблари ёқут, кўзлари юлдуз, бадани қаймоқдек қизнинг висолига зор! Кечалари уйқу билмай, кундузлари қўли ишга бормамай уни қумсайди! Йигит бир лаҳзалик висол учун жон фидо этишга тайёр! Аммо зебодан дарак йўқ! Қўринмайди! Келмайди! Йигит жонига раҳм қилмайсанми, эй қиз?! Сенда зарра шафқат ҳисси борми? Майли, агар сен шунчалар бешафқат эсанг-да, бечора йигитнинг муножотини тингламасанг-да, у сени севаверади. Танасида жони бор эканки, севаверади. Сенинг ишқингни гоҳ селини ўзанига сиздира олмай қийналаётган дарёдек ҳайқириб, гоҳ тубсиз денгиздек чайқалиб куйлайверади, куйлайверади.

Ҳамма ярим тунда дутор ила нола чекаётган бу кимса Аваз эканини билди. Уста Олимнинг қизи Гулсум ётган жойида пиқиллаб йиғлаб юборди. У Авазни колхоз узумзоридида кўриб гаплашганидан бери ғалати аҳволга тушиб қолган эди; куйни эшитганидан кейин эса ўзини ҳеч тийиб тура олмади.

Аваз бу пайтда ҳовлидаги харсангда ўтириб кўзларида шашқатор ёш, дутор чертарди. Йўқ, дутор эмас, бир-бирига интилган икки қалбнинг кўзга кўринмас торини чертар, ҳар бир бармоқ уриши нафақат икки дилни, эшитган ҳар бир кимсанинг юрагини ўртаб юборарди. Бир пайт елкасига қўйилган қўлни туйди. Елка оша назар ташлаб, ой ёруғида Муҳаммад бахшининг серсоқол юзини кўрди. Бахши:

— Бас, ўғлим, одамни қон қилиб юбординг-ку!— деди.

Аваз индамай, создан қўлини олди.

Эртаси кунни уста Олимниқига борган совчилар тўн кийиб қайтишди.

Дунёдаги энг бахтли жуфт Гулсум билан Авазбек эди.

Ана, Аваз асбоб-ускуналарини ҳовлига олиб чиқди, бу ердаги ўртаси ўйилган харсанг Авазга жуда мос курси эди. Эрини кузатиб турган Гулсум югуриб ичкарига кириб кетди, бирпасдан сўнг атлас кўрпача кўтариб чиқди-да, харсангнинг ўйнига солиб, эрига: «Ана энди ўтиринг!»— дегандек кўрпачанинг устига бир урди, Аваз юввошгина кулиб, қўлини кўксига қўйди. Гулсум икки ўрим, йўғон сочларини силкилатиб ошхона томон кетди; бир оздан сўнг чойнак-пиёла кўтариб чиқди-да, харсанг четига қўйди. Ўзи пастга ўтириб, бир куйни хиргойи қилганча, ишга шўнғиган эрини завқ билан кузата бошлади.

Ширин-шакар турмушнинг тўққиз ойу тўққиз куни ўтганда уларнинг ўғиллари Сарабек дунёга келди. Улар жуда бахтли эдилар. Аммо Авазбек Сарабек олти ёшга кирганда ўғли ва ёридан, қишлоғидан узоққа жўнаб кетди. У жўнашидан олдин тугата олмаган дутор бўлакларига узоқ тикилиб қолди; сўнг Гулсумга:

— Гулсум! Буларни йиғиштириб, бир жойга қўй! Афсус, тугата олмадим. Ҳа, майли. Насиб қилса, қайтиб келсам бир гап бўлар!

Шу куни у йигитлар билан қишлоқдан жўнаб кетди.

Эртаси куни эса Гулсум ўғли Сарабекни етаклаб, ҳамқишлоқлари билан эри Авазни кузатгани Жиззахга боришди. Ушанда киши юрагини тарс ёргудек сиқадиган кузнинг қора булутли куни эди. Жиззахнинг кичкинагина бекати бесаранжом.

Эҳ, кутиш ёмон-да!..

Нихоят, бир эшелон келиб тўхтади-ю, ҳамма шовқин-сурон, қийчув шунда бошланди. Одамлар Гулсум ва ўғлини туртиб-суртиб, у ёқ-бу ёққа югуриб қолишди. Атроф бир-бирини чақирган, йиғи-сиғи товушларига тўлди. Гулсум гангиб қолди. Эшелондан тушаётган йигитлар зумда одамлар орасига шўнғиб кетишарди. Гулсум: «Шулар орасида Аваз акам ҳам бормикан, қаердан қидирсам экан?» деб ўйлаб турганди. Сарабек одамлар оқимини ёриб келаётган отасини кўриб:

— Ота, отажон!— деб қичқириб юборди.

Якка чинордек атрофдагилардан рўй-рост ажралиб турган Аваз гавдасини олдинга хиёл эгиб овоз келган томонга жадал интилди. Гулсум ҳам унга талпинди, лекин ундан илгари ўғли югуриб бориб отасининг кучоғига отилди. Аваз ўғлини даст кўтариб, бағрига босди. Гулсум опа бутун вужудидан қуйилиб келган ёшни тўхтатолмай, ҳўнграганча ўзини Аваз акасига ташлади. Шу тобда Авазнинг мулойим, ёқимтой кўзлари, кенг, нур ёғилиб турадиган юзи Гулсумга жуда яқин, чиройли кўринди. Тоғдек кўксига бош қўяркан, кучли суянчиғидан ажралиб қолиш ҳисси вужудини титратиб юборди. Оҳ, қани эди ҳозир ўғилчаси билан эрининг қўлидан етакласа-ю, уйига қайтса! Йўқ! У ўйлагандек бўлмади, улар хайрлашдилар!

Аваз хотинининг ловуллаб ёниб турган ёноқларига хумор боқиб, ичиди айрилиқдан эзилаётган бўлса-да, ўзини дадил, хотиржам тунтарди.

— Хайр! Кўришгунча!— деб Гулсумнинг қулоғига шивирлади-да, Сарабек иккаласини яна бир бағрига босиб ўпиб, вагонга чиқиб кетди.

Турган жойида чуқур «ух» тортиб, сўнг қўзғалган эшелоннинг шамоли Гулсумнинг бошидаги қизил дуррани учириб ерга туширди. Унинг қулоғида Авазнинг: «Хайр, кўришгунча!»— деган сўзлари-ю, иссиқ нафаси қолди.

Шундан бери қанча вақтлар ўтди. Аммо у қайтиб келмади! Келмади!! Сарабек отасиз вояга ета бошлади. У мактабда ўқиб юрган кезларида отасидек дутор ясамоқчи бўлди. Лекин унинг асбоблари йўқ эди. Кичик уйдаги сандиқда эса отасининг ускуналари қулфлоглик турарди. Сарабек бир куни унча ботинмасдан, онасига:

— Она, отамнинг асбобларини беринг, мен ҳам бир уриниб кўрай!— деди.

Гулсум эса:

— Йўқ, ўғлим! Уларни йўқотиб қўясан. Сўнг отанг келса, уришиб

юради!— деди қандайдир хавотирланиш ва олазараклик билан сандиққа боқиб.

Ушанда онасининг бу гапидан Сарабекнинг назарида отаси бугун-эрта келиб қолаётгандек туюлган эди. Бироқ Сарабек мактабни битирди. Отаси келмади! Институтни тугаллади, отаси келмади. Уйланиб, бола-чақали бўлди, ҳамон отасидан дарак йўқ! Аваз келмади, келмади... лекин у онасидан: «Отам келмади-ку?!— деб сўрамасди, сўролмасди. Чунки яхши умид билан йўлга кўз тикиш, унинг ҳам дилидан сағирлик ҳиссини қувиб, қувват бахш этарди. Мактабда музика дарси ўта бошлагандан сўнг, у ота ишини давом эттиришга қатъий аҳд қилди. Лекин у ҳар қанча қийналса-да, онасидан сандиқдаги асбобларни сўрамади; шаҳарга тушиб, керакли ускуналарни сотиб олди-да, ишга киришди. Аста-секин унинг дуторлари бир-биридан яхши чиқа бошлади.

Бир кун Гулсум айвонга тўшалган кигиз устида ўтирганича ўғлининг ишини сўзсиз кузатарди. Гулсумнинг сочлари қордек оқарган, пешонаси, ёноғидаги дардли ўтган йилларнинг тарам-тарам излари чуқурлашган. Шу тобда Гулсум эри Авазнинг харсанг устида ишлаб ўтиришларини кўз олдига келтирди-ю, илиқ ҳаяжон қуршовида қолди; кўзларидан ёш қуйилиб кўксига томди. Шунда эрининг гаплари кечадек қулоғи остида жаранглади:

— Гулсум! Буларни йиғиштириб бир жойга қўй! Шунисига жуда ишқибозлик қилаётган эдим-да! Афсус, тугата олмадим. Ҳа, майли, на-сиб қилса, қайтиб келсам, бир гап бўлар!

Гулсум ҳамон Авазнинг келишини кутар, яна харсангга ўтириб хиргойи қилганча, дутор ясабини шундай истар эдики...

Шунинг учун ҳам Сарабек отасининг асбобларини сўраганда бермаган, тўғрироғи, сандиқни очишдан қўрққан, ўғлининг у сирдан воқиф бўлишини хоҳламаган эди. Ахир, у Авазнинг қайтиб келишига умид қиларди, ноумид бўлиш унга ўлимдан ҳам қийинроқ эди. Аммо Аваз ўн йил ўтса ҳам, йигирма, ўттиз йил ўтса ҳам келмади. Бу даврда бечора Гулсум у билан биргаликда ширин тушдек ўтган етти йилнинг ҳар онини минг бор ёдлагандир!

Бугун у ўзини жуда ҳам ёмон ҳис қилмоқда эди, кўзларидан қуйилиб келаётган ёшларни тия олмас, юраги титрар, мияси ҳам оғирлашгандек эди. Талмовсираб ўрнидан турган Гулсум харсангга тикилиб қотиб қолди: «Ана у! Авази келибди-ку?! У озиб, кичрайиб кетибди-ми? Хайрият, шунча чеккан аламлари тушдек ўтди! Мен унинг келишини билардим! Мен унинг келишини билардим! Ўттиз йиллик азоб ҳаққи, билардим».

Гулсум талпиниб қичқириб юборди:

— Аваз ака! Аваз ака! Мен бечорани шунча куйдирасизми?

Сарабек қичқириқдан чўчиб тушиб, ўзи томон қучоқ очиб келаётган онасини кўрди.

— Онажон! Сизга нима бўлди?

Гулсум ярим йўлда тўхтаб, қалқиб кетди-ю, кўзларини катта очиб ўғлига тикди. Сарабек учиб бориб онасини қучоқлаб олди. Гулсум эса ўғлини бағрига босганча уввос солиб юборди, у ёшдан намланган бетини Сарабекнинг юзига суркаб бўзлар, бутун вужуди дир-дир титрарди.

Сарабек онасини суяб сўрига олиб борди ва авайлаб тўшакка ётқизди. Сўнг хотинини чақириб, тезда врачга юбормоқчи бўлди. Лекин Гулсум ўзига келиб, бунга қўнмади: «Шунчаки, ўзимнинг кўнглим бўшашиб кетди. Энди яхшиман!»— деди келини олиб келган сувдан бир-икки ҳўплаб. Сўнг у икки ўрим сочидан бирига боғланган, узоқ сақланганидан қорайиб кетган калитни олиб Сарабекка узатди:

— Мана, ўғлим! Отангнинг асбобларини ола қол!

Сарабек: «Асбобларни сўраганимда шаштимни қайтаргани ҳамон ёдида экан-да!»— деб ўйлади-ю, лекин онасининг кўз ёшларига, оқариб кетган юзига қараб:

— Онажон, қўяверинг! Сизнинг тобингиз йўққа ўхшаяпти. Ичкари-

га кириб ётинг!— деб унинг қўлтиғидан олди. Бироқ Гулсум ўрнидан қимирламай:

— Ичкарига кирсам, нафасим қисади! Шу ер яхши. Ма, сандиқни оч!— деди товушини хиёл баландлатиб.

Сарабек энди онасининг раъйини қайтармай калитни олди. Онасининг аҳволи яхшилигига ишонч ҳосил қилгач, унинг олдида хотинини қолдириб кичик уйга кирди. Сарабек уйнинг тўридаги сандиқни кўриб ҳаяжонланди. Чунки у шу пайтгача отасидан қолган ёдгорликларни кўрмаган эди-да! Сарабек сандиқ устидаги кўрпаларни олиб қўйиб, қопқоқни кўтарганда, дастлаб дуторнинг дастасига кўзи тушди, уни эҳтиётлик билан ушлаб айлантириб кўра бошлаган эди, парда ўринларига қадалган садафлар ярақлаб кетди; қорин қопқоғининг ўртасига эдики, садафларнинг қўшилган жойлари деярли сезилмасди. Сарабек даста билан қоринни бирлаштирган эди, ажиб манзара ҳосил бўлди, қорин қопқоғидаги қуёш садафранг нурларини даста бўйлаб, булбулакка томон сочиб турар, буни кўрган кишининг қалби беихтиёр ёришиб, кенгайиб кетарди. Сандиқ тубида дуторнинг қовурғалари, қулоқлари ётарди; қоғозга ўраб қўйилган тешача ва рандачанинг тиғларини занг босиб кетганди, сандиқ ичида бир қора тугунча ҳам бор эди. Сарабек тугунчадан чиққан қоғоз қутичани очганда, орденга ва бир парча саргайиб кетган қоғозга кўзи тушди-ю, шошиб ўқий бошлади. Мактубнинг сўнги сатрлари уни титратиб юборди: «Оддий аскар Аваз Муҳамедов 1943 йил, 4 ноябрда Киев шаҳрини озод қилиш пайтида қаҳрамонларча жанг қилиб ҳалок бўлди!»

«Отам ўлган экан-да! Онам у дараксиз кетган, бир кун келади, деб юрарди-ку?! Бечора онам, мендан яширган экан-да!» Сарабек отаси ҳақида бирор хушxabар эшитиш ҳақида аллақачондан бери ўйламай қўйган бўлса-да, бугун шундай хат ўқишини ҳам кутмаган эди. Кўнгли бузилиб қорахатни тутганча ташқари чиқди.

Шу куни Гулсум опа тилдан қолди. Тўғриси, ўзи гапиришни истамади, овқатланишни, сув ичишни ҳам... У ҳар замонда мажолсиз кўз очиб, атрофга болаларча соддалик билан тикилиб қўярди-ю, яна кўз юмар ва шу зайлда узоқ ётарди.

* * *

Онаизорни сўнги йўлга кузатиб қўйган Сарабекнинг қўли ишга бормай қолди. Марҳуманинг қирқи ўтгандан кейин сал ўзига келган Сарабек яна сандиқни очиб, ўша хатни қайта-қайта ўқиди ва отаси тугата олмаган дуторнинг бўлақларини яна бир бор кўздан кечирди; жудаям моҳирлик билан ишланган қовурғалардаги нақшлар, пардалар орасидаги, булбулакдаги ўймалар нақадар чиройли! Онасининг эҳтиёт қилиши туфайли улар яхши сақланган, фақат вақт ўтиши билан тут ёғочи қорамтир тус олибди.

Сарабек керакли нарсаларни топиб келди-да, хонага қамалиб олиб, дутор бўлақларини йиғишга киришди. У таърифга сизмас сеҳрли бир ҳолатни бошдан кечирмоқда эди. Унинг қўллари ҳеч қачон бундай чаққон, бундай моҳирона ишламаганди. Чамаси, унинг қўлларини Авазнинг, Гулсумнинг руҳлари бошқарарди. Мана, у қовурғаларини осонгина бир-бирига елимлаб чиқди; кейин уларга қорин қопқоғини ёпиштириб, дастани улади; ҳар сафар жуда машаққат билан кўчадиган иш — дутор товушини ажратиб, пардаларга бўлиш ҳам энгил ва ажиб бир ширин ҳаяжон билан ўтмоқда эди. Мана, у ниҳоят сўнги, авж пардаларини ҳам боғлаб бўлди-ю, ўзини тўхтата олмай дуторни созлаб, «Муножот»ни бошлаб юборди. Қуй авжига чиққан сари юрагининг тубидан бир дард кўтарилиб келиб, охири кўзидан ёш бўлиб қуюлди...

Аваздан қолган дуторни кўриш учун келган қишлоқликлар каттагина меҳмонхонани тўлдириб ўтирардилар. Сарабек қизил духоба филофни очди. Дуторнинг қуёшидан ўтирганлар қалбига нур сочилди.

Қишлоқнинг энг кекса кишиси, чўққисоқол, новчадан келган чол — Оқил ота дуторни қўлида айлантириб кўриб, искади.

— Чиндан ҳам бу дуторингдан Авазнинг иси қеляпти,— деб кулди. — Дастанинг узунлигини қаранг! Раҳматлик буни ҳам ўзига мослаган экан-да!

Аваз хўп сулув, хўп полвон йигит эди-да! Сара, сенинг қош-кўзинг унга ўхшайди-ю, лекин анча пачоқсан! Ундай йигит қишлоғимиз бу ёғда турсин, бутун Ўзбекистонда йўқ. Раҳматли катта отанг, Муҳаммад бахши унга қараб завқланиб:

**«Келадир, Аваз келадир,
Қирқ йигит-ла сурон солиб,
Еру кўкни жангсиз олиб,
Келадир, Аваз келадир»,—**

дея куйлаб юборарди.

Мана бу дуторни кўриб худди унинг ўзини кўргандек бўлдим! Балли, ўғлим! Сенга ҳам бобонг от қўйганди: «Бу Авазнинг қирқ йигитидан бири, энг сараси — Бексара бўлади!»— деган эди.

Оқил ота дуторни айлантириб кўриб, ёнидагиларга тутқазди. Шу дамда унинг хаёлига 1943 йил кузида Гулсум билан орасида бўлган суҳбат келди-ю, маъюсланиб қолди. Ушанда у алоқачи эди. Бир қарашдаёқ ўзига маълум бўлган совуқ хатни кўтариб, минг бир азобда Гулсумнинг олдига кирди. Гулсум аввалига роса уввос тортди. Бир оздан сўнг эса бирдан ўзига келгандек деди:

— Отажоним, ахир, бир парча қоғозга ишониб, мен қандай аза очай, Аваз акамнинг жасадини кўрмасам, кўкрагига ўзимни ташлаб ўқирмасам!

— Кўй, қизим, тақдир экан! Ким тақдирдан қочиб қутула олади. Мен элбошига хабар қилай!

— Йўқ-йўқ!! Отажон, ахир, Қаршибой акага ҳам қорахат келганди-ку, мана энди хабар берибдилар, тирик эканлар...

Оқил ота ўйланиб қолди. Авазни дунёдан ўтди, деб ўйлаш унга ҳам оғир эди. Шундан сўнг: «Тўғри айтасан, қизим!»— деди-ю, Гулсумга таскин бера-бера, оғир одимлаб ортига қайтди. Гулсум ўксиб-ўксиб йиғлади, сўзлади. Аммо у сочини ёзмади, эгнига қора киймади.

Дутор даврада қўлдан-қўлга ўтарди. Аммо бир киши — Қаршибой отагина созни қўлига олмади, ололмади. Фақат, ўксик назар ташлаб, сўнг юз ўтирганча, юрагини тўлдириб келган хўрсинишни босиб, енгил «ух» тортди. Унга дутор чертишни Аваз ўргатган эди. Бир куни у болалар билан тоғ этагида қўй боқиб юришарди, булоқ бўйидан дутор товушини эшитиб, ўша ёққа югуриб боришди. У ерда чопонини тагига тўшаб ўтирган Аваз бир куйни машқ қиларди. У болаларни ёнига чақириб олиб:

— «Муножот» куйини биласизларми?— деб сўради. Болалар «йўқ» дейишди.

— Бўлмаса, жим ўтириб эшитинглар. Бу куйнинг ранги кўм-кўк, мазаси эса, сизлар яхши кўрадиган Жиззахнинг пашмак ҳолвасидан, хомуш ўтирсаларинг, рангини ҳам кўрасизлар, мазасини ҳам тотасизлар!— деди Аваз жиддий.

Болалар жим ўтириб қолишди. Дутор сайрай бошлади. Вазмин бир куй булоқ шилдирашларини, атрофдаги барча товушларни босиб кетди. Во ажаб, қўдратни қарангки, Қаршибойнинг кўз олдида мовий ранг чайқалиб, бутун вужудига ширин таъм ёйилди. Куй тамом бўлиб, ҳамма болалар туриб кетганда ҳам у ўтириб қолганди. Шу-шу Аваз Қаршибойни ёнидан ажратмайдиган бўлди...

Қаршибой ота нақ томоғига тиқилиб келган дардни ютиб, Сарабек ушлаб турган дуторга тикилди-ю, кўзларида ёш қалқди. Оҳ, қанийди, ҳозир илоҳий бир қудрат намоён бўлиб, бўш енгидан чап қўли чиқиб қолса! Аммо бу истак, холос! Қўли эса аллақачон жанг майдони тупроғига қоришиб кетган. Шу тобда нақ кўз олдида тўмтоқ қўлини кўкка чўзиб бўзлаётган боболари — уста Тош жонланиб кетди-ю, ба-

дани жимирлаб кўзини юмди, сўнг у шу ҳолда Авазни эслади... Энди бобоси ҳам, Аваз ҳам фақат хотирасида жонланади, аммо бу жонсиз дутор ҳамон даврада қолаверар экан.

— Ота даврани сиз бошлаб берсангиз,— деди Сарабек Оқил отага қараб.

Оқил ота ўйланиб қолди.

— Анча пайтдан бери чалганим йўқ эди-да!— деди дуторга кўз ташлаб.— Узи мен ҳадеб чалавермайман. Илгарилари саҳар тургувчи эдим, дутор чалгим келиб қоларди, сўнг олиб, чалаверардим, чалаверардим. Кейин миҳдек бўлиб ишга кетардим. Бир куни Аваз билан Жиззах бозорига бордик. Бозор гавжум эмасми, бир-биримизни йўқотиб қўйдик. Авазни излай-излай чарчадим. Шунда: «Қани, бир дутор бўлса-ю, чалсам, ҳордиғимни чиқаргунча, дутор товушини эшитиб Авазнинг ўзи топиб келарди!»— деб ўйладим ва бозор айланаётиб, бир дўконда турган дуторларни кўриб қолдим. Дўкончи хушрўйгина қиз экан, ҳазиллашиб: «Ҳой кампир! Дуторингни сотасанми?»— дедим. У ҳам шўх экан: «Вой ота! Ҳали қиз боламан-у, сиз «кампир» дейсиз?! Агар дутор чалишни билсангиз, тишингиз қолмаган бўлсаям, сизга тегадим»,— деди. Мен: «Қани дуторингни бер-чи, кўрай-чи!»— дедим. Дуторни олиб, созлаб кўрсам, пангроқ экан. «Ҳа, майли», дедим-у, ерга чордона қуриб, ола кетдим: «Ҳо, тасаддуқман, тасаддуқ!» дея. Бир маҳал дўкон одамга тўла бошлади. «Уфори»га, «Баёт»ни улаб, сўнг байт айтиб «Беш қарсак»ни олувдимки, ҳаммаёқдан қарсак ёғилаверди. Дўкончи қиз додлайди: «Ҳой, отажон! Бўлди. Совчиларни жўнатаверинг! Одамлар дўконни бузиб юборяпти»,— деб. Бир пайт қарасам, одамлар орасини ёриб, жилмайганча Аваз кириб келяпти. Сўнг мен қизга: «Бу панг дуторингни ҳам, сени ҳам олмайман!»— деб чиқдим. Одамлар қаҳ-қаҳ уриб кулиб қолишди. Аваз ҳам қотиб-қотиб кулди. У узоқдан дутор товушини эшитиб, менинг усулимни танибди-ю, тўғри шу ёққа юрибди.

Оқил ота қайси куйни чертсам экан, дегандек ўйланиб қолди. «Муножот»ни у ҳам эшиб юборарди; аммо ҳозир у йиғилганларнинг қаҳ-қаҳа ураётганини кўриб, дуторни шу руҳга созлади-ю, «Беш қарсак-ка» терма тера бошлади:

**Самарқанднинг йўлида, эй,
Каллаклаган толи бор.**

У бу мисраларни яна бир қайта айта туриб, атрофдагиларга кўз қисиб, шўх назар ташлар ва яна давом этарди:

**Бизнинг ёрнинг юзида, эй,
Уймалаб олган холи бор!
Ҳа, дурма, дурма, дурма,
Қошинга ўсма сурма!**

У мисрани авж билан тугатар экан, беихтиёр қалбидан ҳайқирик отилар, бу ишқ ўтида қуяётган навқирон йигитнинг ёр васлига ташна ҳайқириги эди:

Ҳей! Ҳей! Ҳей-й!!!

...Оқил ота бошини дутор бўйнига жуда яқин эгиб, торга зарб билан бармоқ урди-ю, тўхтади. Куй тинди. Атрофдан олқиш ёғилди.

— Оғайнилар, агар Аваз ҳаёт бўлганда, дунёнинг нариги бурчагидан бўлса-да, бу дутор товушини эшитиб, худди бозордагидек ёнимга келар эди. Минг афсуски, энди у келолмайди, келолмайди!— деди Оқил ота чуқур, қайғули «ух» тортиб. Орага оғир жимлик чўкди. Гўё ўтирганлар нафас ҳам олмасдилар. Шу пайт хонани бир ҳайқирик титратиб юборди:

— Ҳ-о-ой! Ҳ-о-ой! Ҳой-й...

Қаршибой ота ранглари оқарганча, оғизда «Муножот»ни нақ авжидан бошлаб чалар эди. Одамлар энтикиб ўтириб қолишди. У куйлар эди, сўзсиз, қўлсиз, оғизда! Уттиз йилдан бери соз ушлолмаганини, Авазнинг дуторини черта олмаганининг дардини қўшиб бўзлар эди!

Қўзларидан тирқираб юзига қўйилаётган ғам-алам томчиларига парво қилмай қўлсиз, сўзсиз қалб зарби билан Авазнинг дуторини жаранглатарди.

Ўтирганлар ғам кўлига чўкиб қолишди. Оқил ота юрагини тўлдириб келаётган дард селобини тўхтатмоқчи бўлгандек дуторга ёпишди, энг юқори пардаларига бармоқ босиб, Қаршибойга жўр бўлиб, черта кетди. Инсоннинг юрак-юрагини эзиб юборадиган мунгли товушга қўшилган вазмин куй хона деразаларидан оқиб чиқиб, қорайган сирли қоялардан ўтиб, олам-олам қайғуларни кўра-кўра абадий кўк кийган самога таралар, икки торнинг дилини тушуна олган барча авлодларга мўъжазгина ўзбек қишлоғининг дардини нола ила муножот этарди...

Абдурашид Пардаев

КАМПИРЛАР

Япроқлари тўкилаётган дарахт остидаги ўриндиқда икки кампир учрашди. Нариги бинодан келган, бўйи паст, юзлари бужмайиб қолган кампир йўталди, заифгина инқиллади ва жуссадор, бардам танишининг ёнига чўкди.

— Сизни қора тортиб келдим. Бирпас гаплашиб ўтирай, дедим. Кун узоқ, нақ зерикиб ўласан, киши.

— Келганингиз яхши бўпти! Менам зерикаман. Қўшниларим ғужур-ғужур қилиб ўтиришади, қўшилаё десам, тилларига тушунмайман.

— Менам тушунмайман. Икки бинода, ўзбек кампир икковимиз экан. Фарзандларга эргашиб келиб... юрибмиз-да!

— Сиз Ушдансиз-а?

— Ҳа, Ушдан...

— Бизники Зоминда, тоғда.

— Зомин яқин-ов. Бориб-бориб турсангиз бўларкан. Бизнинг Уш, энди узоқ. Узоқ бўлсаям бораверардим-у, кўзим хира тортиб қолди. Йўл юрсам оёғим қалтирайди. Етаклаб юрадиган биров керак. Ўғлимга олиб бор, қишлоқни соғиндим, десам; сабр қилинг, мен ҳам соғинай, дейди. Ҳе-еч соғинадиганга ўхшамайди. Ҳозирги ёшлар юртини эмас, ёнида юрган хотинини соғинишади!..

Уртага жимлик чўкди.

Иккинчи қаватда, бурчакдаги айвон деразасида бир қиз кўринди. У деразадан бошини чиқариб, кафтидаги писта пўчоқларини пастга сочиб юборди. Сўнг иягини кўтариб оғзини очди, яна семичка чақа бошлади. Пистадан тузукроқ эрмак топилмагандек кампирларга қизиқсиниб қараб қолди.

Зоминлик кампир жимликни бузди.

— Қўшниларингиз сизгаям от қўйишдими?

— А?

— Менга қўшниларимиз ўзларича: «Товуши баланд кампир», деб от қўйишибди. Кўчага жўнашим билан, ўғлим: «Астароқ гапиринг, яхшиси гапирмай ўтинг», деб қолади. Томоғи бўғилган одамдек шивирлаб гапирман.

— Ҳа-а... Менгаям от қўйишган: «Бахши кампир». Ирим-сирим қилиб юришимни қўшнилар сезиб қопти. Қутлуғ кунларда раҳматли чолимга чироқ ёқай десам, ўғлим билан келиним: «Йиғиштиринг ирим-сиримингизни, бизниям уятга қўйяпсиз!» дейишди. Мени излаган одам, «бахши кампир» демаса, қўшнилар танимайди.

— Ҳар қалай, сизга яхши от қўйишипти!

— Сизники ҳам ёмон эмас...

Уртага яна жимлик чўкди.

Икки қаватли бинонинг учта подъездидан ҳам одамлар кириб, чиқиб турарди. Аммо ҳеч кимнинг кампирлар билан иши йўқ. Писта чақаётган қизгина кампирлардан кўз узмасди. У орқасига ўгирилиб, бир нарса деди ва нечундир кулди. Бир оз ўтмай, айвонда мўйловли йигит пайдо бўлди, қизнинг елкасига қўл ташлаб, кампирларга тикилди. Иккови шивирлашди, қиз йигитни чимчилаб кулди.

Бу гал сукутни «бахши кампир» бузди.

— Бу, Зомин деганиям, эски жой-да, а?

— Зоминми? Эски, азиз жой.

— Садағаси кетай, азиз-авлиёлар бордир?

— Авлиё қишлоқ, авлиё булоқ, авлиё тут бор... Сизиниб турамин.

— Сизинмай қаёққа борасиз? Қарами кенг худо, бандасини сизинишга яратган-да. Сизинмасангиз, соғинмайсизам.

— Юртига сизинмаган одам борми?

— Бор, айланай, бор... Бизнинг бинода тўртта оила пулга сизинади, иккита оила амалга сизинади. Учта оила молга сизинади... Э, нимасини айтасиз. Менинг ўғлим хотинига сизинади... Уф-ф...

— Менинг ўғлим олдин шунақа эди... Энди тушуниб қолди. Бир-икки панд еди-да. Бари бир ҳалиям, макрдан тоза қутулганича йўқ. Сизники ҳам тушуниб қолади.

— Э-э! Сиз айтган йигит бошқа... Мен, айланай чала туққанман... Кўкрагимга сут келмаганда латта сўрдирганман. Сизиниб тушгур ёшлик қилиб тиши чиқмаган болани эшакка миндириб қўйган. Кейин отга миндирдим, фойдаси бўлмади.

— Эй, Ушни бирам соғиндим-а... Бир ҳовуч тупроғини олиб келувдим, қўйган жойимдан тополмадим. Излаганим — излаган, йўқ. Келиним ҳўмрайиб: «Мунча тимирскиланасиз?» дейди аччиғи чиқади. Нимани излаганимни унга айтардим?... Ҳа, хом сут эмган банда-я, ўзининг нарсаларидан шубҳаланади, шекилли!

— Мен тўртта оппоқ тош олиб келганман. Зоминни эсласам, тошларни қўлимга оламан. Бир куни столнинг устида қолиб кетган экан, келиним тошларни «муср челақ»ка ташлабди. Жоним бўғизимга келди. Ювиб, суртиб ўпдим-да, аччиқ устида йўлга тушдим. Ўғлим қўярда-қўймай йўлдан қайтарди... Келиним бўлса: «Ўғлингиз билан мени уриштиришга баҳона қидиряпсизми?» дейди-я! Э, одамнинг аҳмоғи, дедим ичимда. Шу тўртта тош, олтинга айланса, менинг оёғимни ялар эдинг-а! Мен эса бу тўртта тошни бир хирмон олтинга алмашмайман. Кампир одамга олтиннинг нима керағи бор? Юртим бор бўлсин, дедим куйиниб.

Яна жим қолишди.

Икки кампир ҳам хаёлга ботиб ўтирар, бири Ушни, бири Зоминни ўйлар эди. Кутилмаганда писта чақаётган қиз хохолаб кулди, у ўпмоқчи бўлаётган йигитнинг кўкрагига қўлларини тираб, ноз қиларди.

Шақилдоқ товушидан ҳурккан қушлар каби, кампирлар чўчиб бош кўтаришди ва шошиб кўзғалишди.

«ШАЛПАНГҚУЛОҚ»

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

Қуччиев районда уч кишини ҳурмат қилади: биринчиси — ўзи, иккинчиси — Солмон Солмонов, учинчиси эса Эшбой Ҳайдовулов деган шахс.

Ўзи, яъни Қуччиев, ўрта мактабда оддий ўқитувчи; Солмон Солмонов район маориф мудир; Ҳайдовулов эса райпотребсоюзнинг раиси эди.

Қуччиевнинг ўзини ҳурмат қилиши ҳаммага маълум нарса, чунки, бу дунёда ўзини-ўзи ҳурмат қилмаган кимсанинг ўзи топилмаса керак.

У Солмон Солмоновни шу боисдан яхши кўрадики, ҳозирги хизмат ипи учининг бевосита бориб тақалган «калава»сини ана шу одамнинг қўлида деб биларди.

У Ҳайдовуловни шу важдан икки суйиб қолгандики, Қуччиев баъзан иши соҳасидан норози бўлиб кетар, «фақат маоши билан кун кечирувчилар» тоифасига кирганлигидан ўкиниб юрар, савдо соҳасида ишловчиларни эса «итининг товоғи тилладан» деган фикрга қўшилар, гоҳ пайтларда хаёли қочгандан пайтини топиб савдо соҳасига ишга ўтиб кетишни хаёл қилар ва бу борада Ҳайдовуловдан умидвор бўлиб юрарди. Иккинчи томондан Қуччиев Ҳайдовулов билан болалигидан таниш, иккаласи бир партада «оёқ тепишиб» катта бўлишганди. У пайтларда Қуччиев Ҳайдовуловни писанд қилмасди. Сабаби, Эшбой синфдаги энг қобилиятсиз ўқувчи ҳисобланиб, доимо ёрдамга муҳтож — уй вазибаларини Қуччиевникидан кўчириб олар эди. Бунинг эвазига у Қуччиевни елкасига миндириб то гузаргача олиб бориб қўярди.

Энди замон косаси айланиб келиб ёғ тўла қошиқ Ҳайдовуловга теккач, Қуччиевни назарга илмай қўйди. «Давлат қўнса агар чивин бошига, семурғ келиб салом берар қошига» деганлари рост экан. Қуччиев катта бошини кичик қилиб Ҳайдовуловга «салом бериб» борганди, саломи ҳавода қолди.

— Нокас кишининг қўл остида ишлайдиган одамнинг ҳожатини чиқаришга чап ичагим ҳам бурилмайди,—деди Ҳайдовулов, пўнғиллаб.

«Нокас киши» дегани Солмон Солмонов эди. Маълум бўлдики, Солмонов билан Ҳайдовуловнинг ўртасида ола мушук ўтган. Бунга сабаб Ҳайдовулов бир пайтларда Солмоновга «арзимас иш» билан борганди:

— Ўғилчамиз аттестатининг ўртача баҳоси «уч» бўлиб қолибди. Энди зақун бўйича баҳоси «уч» бўлганларнинг институтга қабул қилиниши қийин эмиш. Шунинг бир иложини...

Солмонов ошпичоқдек чўрткесар одам экан. Ҳайдовуловнинг чувалаётган гапини чувалчангдек қоқ ўртасидан кесиб ташлади:

— Ҳар ким экканини олади! Ўғлингнинг раз... баҳоси уч, демак калласи пуч, институтга киришга лойиқ эмас!

Солмоновнинг бу тарздаги «нокаслиги» Қуччиевга урди ва унинг илтимоси боши хира кўринадиган чангли кўчада қолиб кетди, вақтинча ўз ишида ишлаб туришга тўғри келиб қолди.

Бу орада Солмонов унинг «илтимоси» билан Ҳайдовуловга «салом бериб» борганини эшитиб тепа сочи тикка бўлиб кетди, пайти келиб Қуччиевни бошлаб таъзирини беришни дил дастрўмолининг бир учига ният қилиб тугиб қўйди, хамир учидан патир сифатида у Қуччиевни

педсоветда шундай қийноққа солдики, бечора бир ҳафта «касал» бўлиб қоронғи уйда қамалиб ётди. Хотини бетоблигининг сабабини сўраганда «икки ҳўкиз шохлашганда, ўртада қолган чивинга озор етди!» деб сирли жавоб қилиб қўйди-да, инқиллаганча у ёнбошига ағдарилиб олди.

Инсон турмуш машаққатлари олдида ўзини мажҳул сезмаслиги керак! Унинг кўзига дунё қоронғи кўриниб, ҳаётни энди яккаш зулумотдан иборат дейишса ҳам, у ҳар бир тирқишга умид кўзи билан қараши керак, вақти келиб ундан ёруғлик шуъласи тушишига ишончи комил бўлиш керак. Икки-уч кун ўтгач, Қуччиевга яна аллақайси бир тирқишдан шуъла тушгандек бўлди. — «Солмон Солмонов билан Эшбой Ҳайдовулов фалончининг тўйида ярашишган эмиш», деган хуш-хабарни эшитгач, унинг мажнунтолдек эгилган қади яна сарвдек бўй тортди. Ортиқ уйда ётишга сабри чидамай кўчага чиқди. Унинг чиқишини кутиб юргандек, катта кўчанинг у томонидан Солмон Солмонов юриб келарди. Қуччиев бозорлик қилиб қайтаётган отасини кўрган ёш боладек севинганча унинг ёнига югуриб борди ва ўртада ҳеч воқеа рўй бермагандек қуюқ салом берди. Солмонов ҳам негадир илжайиб алик олди, бу илжайиш Қуччиевнинг ғамдан қорайган юзига «шуъла» бўлиб тушиб уни ёритди. Қуччиев бахтиёр ҳолатда ерга қаради, Солмонов эса кулиб юбормаслик учун осмонга боқди. Шу пайт яқин, жуда яқингинадан аянчли ғингшиш овози эшитилди. Қуччиев аланг-жаланг бўлиб атрофга боқди. Солмоновнинг қўлидаги саватчадан қандайдир бир кучукча бошини чиқариб мунчоқдек кўзларини мўлтиратганча унга қараб турарди. Қуччиевнинг меҳри жўш уриб кетиб, кучукчанинг бошини силади.

— Бунча чиройли... Буюрсин...

Солмонов жавоб тариқасида кучукваччани икки бармоғи билан бўйнидан торганча саватдан сугуриб олди.

— Ма, ол... Бу сенга мендан падарка!

Қуччиев кучук боласи эмас, боқимандага текин кўзи олган одамдек, суюниб кетди, дарҳол «падарка»ни қабул қилиб бағрига босди ва ниҳоятда бахтиёр бўлганини Солмоновга билдириб қўйиш учун итваччанинг шудринг босгандек ялтироқ ҳўл тумшугидан «чўлп» этиб ўпиб қўйди.

— Яхши тарбияла! — деди Солмонов унинг қилиғидан бадани жимираб, жунжикканча. — Тарбияласанг зўр овчи ит чиқади. Лекин қулоғини кесмайсан, отини мендан бесўроқ қўймайсан!

— Лў-лў-ли-и-и! — Қуччиев кучукчани шундай деганча эркалатиб вешонасидан яна ўпди, оғзида қолган қил донасини қўллари бандлиги сабабли тили билан елкасига суртар экан сўради:

— Отини нима қўяйлик, хўжайин?

— Шалпангқулоқ! Ёдингда тут, эсингдан чиқмасин, — деди Солмонов аста-секин юриб Қуччиевдан узоқлашаркан, ўйлаган ниятининг яхши бошланганидан хурсанд бўлганча.

Қуччиев ҳам хурсандлигидан оғзи қулоғи билан «ўпишиб» — тиржайганча кучукваччани бағрига босиб уйига жўнади. Бутун борлиқ, дов-дарахтлар-у... ҳатто... тўқими қорнига тушиб чангли кўчанинг чегида ағанаб ётган эшаккача шу тобда унинг кўзига чиройли кўринарди. Солмон Солмонович шахсан ўз қўли билан унга «падарка» берди. Демак, унинг меҳр қозонига тушган. Энди шу қозонда бир қайнаб пишиб олса бўлгани. Солмонов сўнг уни ҳолвайтар қилиб еса ҳам майли!..

У шу хаёллар билан бўлиб ҳовлисига етиб борганини ҳам сезмай қолди. Тандирдан нон узаётган хотини эрига ажабланиб қаради:

— Нима у қўлингиздаги... кучукми?! Ёққа кетувдингиз-ку?

— Тсс... ухлади! — деди Қуччиев кучукчанинг бошига ёпилган рўмолчасини тўғирлайман деб уни ерга тушириб юборди, нон ҳидини сездими кучукча ғингшиб кўзини очди.

— Вой, — деди хотини яна ажабланиб, — илгари ўлиб кетган Оқ-бош итимизга ўшаркан. Униям пешонасида шундай оқи бор эди. Бу-нияма Оқбош деб қўя қоламиз-а?

— Оқбош деб кўр-чи! — ўшқирди Қуччиев. — Қаллангни сапчадек узиб ташлайман. Бунинг оти Шалпангқулоқ. Буйруқ шу... Юқоридан!

Қуччиев бир дўқ билан хотинининг оғзини сирачлаб ташлагач, кучукваччани кўтариб оғилхона томонга ўтиб кетди.

...Шалпангқулоқ катта бўлгани сари Қуччиевнинг юраги ҳам итнинг калласидек бўлаборди. Ҳатто бир кун боқимандага ҳўкиз боқаётган қўшни Ҳамдам отани ҳам тергашга журъат этди:

— Сизнинг буқа боққанингиздан халққа нима фойда, а, бобой? Ҳеч замонда эшитганмисиз, мол зотининг инсонга ёрдам қўлини чўзганини... Ҳатто, Ҳиндистондай шаҳарларда катта кўчаларга чўзилиб ётиб олиб машиналарни ўтказмас эмиш. Ҳа, жонивор боққанга яраша бундоқ, жамиятга фойдали нарсаларни боқиш керак. Масалан, мана мен кучук боқяпман. Кучук, биласизми... салом берсангиз панжасини чўзади. Ҳатто аллақайси бир мамлакатда... Э-э... айтган билан бари бир тилингиз келишмайди, кучукка ҳайкал ўрнатишган, шунақа...

Ҳамдам ота РайОНОда қоровул, бу суҳбатнинг бир учи у орқали Солмоновга бориб етишини Қуччиев жуда яхши биларди. Ростдан ҳам Солмон Солмонов кейинги учрашувдан сўнг уни кўрганда саломига илжайиб алик олар, ўзи ҳам «Ҳа, қалай, кучукбола катта бўла-яптими?» — деб ҳол-аҳвол сўраб қўярди.

Қуччиев шу тариқа Солмоновнинг меҳр «қозони»га бир-икки тушиб қайнаб олгач, яхши бузоқ икки онадан сўт эмар, мақолига амал қилиб, Ҳайдовуловнинг ҳам «қозони»га тушгиси келиб қолди. «Нокас» раҳбар Солмонов билан ярашиб олган Ҳайдовулов ҳам бу сафар Қуччиевга қўпол муомала қилмади:

— Ҳай, кейинроқ бир ўйлаб кўрармиз. Повидиниянгизга қараймиз-да. Биронта кичикроқ магазинга мудир бўласизми? Сизга ташвиш бўлмасмикин дейсизми? Э-э, карнайчидан бир пуф-да!..

Иши бароридан келган Қуччиев ширакайф ҳолатда хиргойи қилганча дарвоза хона томонга йўл олди.

— Биримда кўрдим бир пар-ри-и...

Ҳаммомда айтилаётгандай тиниқ чиқаётган ашула қоқ ўртасидан бўлинди — даҳлиздан Солмонов кириб келаётганди. Қуччиев осмондан қизил қор ёғармиш деса ишонар, лекин Солмоновнинг Ҳайдовуловни-кига қадам ранжида қилиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Солмонов ажабланган одамдек унга қаттиқ тикилиб туриб қолди, сўнг муғамбирона илжайди...

— Ҳа-а... Ихм-м, бу кучукбола қалай! Катта бўлаётибдимми?

Гуноҳ иш қилиб турганда қўлга тушган боладек нафаси ичига тушиб туфлисининг учи билан асфальт йўлқадан ёриб чиққан бир туп ажриқни тепиб турган Қуччиевга жон кирди.

— А? Ҳа! Катта бўп қолган... Узиям бирам етилганки, тағин битта-яримтанинг кўз-пўзи тегмасин деб кўзмунчоқ ҳам осиб қўйдим!

— У-ў! Дуруст-ку...

Йўлакдаги гўнғир-гўнғир товушларни эшитиб елкасига чопонини ташлаганча Ҳайдовулов ҳам чиқиб қолди. Бир-икки дақиқадан сўнг у ҳам Солмоновнинг Қуччиевга берган «падарқаси» — овчи итидан хабар топди ва шундоқ ноёб туҳфадан беҳабарлиги учун бу йккаласидан койинган бўлди:

— Овчи ит дейсизларми? Э-э... Ёмон писмиқ одамларсизлар-да, а? Итваччанинг ашаддий ишқибози биз бўламиз-ку! Қани энди иккитасини бўйнига шойи бўйинбоғ боғлаб бедана овига чиқсанг. Мепда биттаси бор, зоти пастми сволични... Томдан товуқ қақиллаб тушса, у киши вангиллаганча ўзини катакка уради... Бир овчи итнинг гадосиман. Ҳай, аттанг, ажойиб бир итдан қуруқ қолибмиз-да.

Солмонов шу тобда Ҳайдовуловнинг нафаси «овчи ит»га ҳакалак

отганини сизди, бу у режалаштириб юрган мақсади учун айни муддао бўлганлиги учун темирни қизигида босиб қолди:

—Бўлмаса... менда бир таклиф бор. Вақт топиб Қуччиевнинг кулбасига биз фақирлар ташриф буюрсак. Кучук баҳона, бир «бит тўкилди» қилардик. Мабодо кучук ёқса, иккалангиз келишиб бирон нарсага айирбош қиларсизлар...

—Балки, бирон бир ҳожатини чиқарарман-а?—деди Ҳайдовулов Қуччиевга «маъноли» қилиб кўз қисганча.

Қуччиев Солмоновдан бундай таклифни кутмаган эди, жуда шошиб қолди, гўлдироганча:

—Хўп бўлади... Бошимиз осмонга етарди, ўзим ҳам асли шунга келгандим... — дея олди холос. Таклиф ҳаммаларига маъқул тушди. Бир қарорга келиб ажралишдилар...

Қўшиқни чала қолган жойидан ванг қилганча ҳовлисига кириб борган Қуччиевни кўрган хотини қозон бошида чўмични кўтарганча ҳайрон бўлиб қолди.

— Биримда кўрдим бир пари,

Деди менга тур нари...

Э, дод! Ҳа, нега анграйиб турибсан, оғзингни юм, бўлмаса чивин кириб кетади. Янгилик зўр. Яқинда бу кerpдешин кўйлақларинг крем-пленга айланадиган бўлди. Эржонинг ҳам энди дафтар-қаламни чўтга алмаштиради. Уқитувчилик ҳам касб эканми? Қуруқ ойликка қараб қовурғам саналиб қолди-ку! Бизнинг пичоқ ҳам ёғ кессин-да, ахир... Хўш, буйруқни эшит! Келаётган якшанбада ўнта казо-казолар келишади. Чучвара қиласан, второйга қовурдоқ, қўшимчасига варақи, сомса... Нима? Тугишни билмайсан. Ничего, ўрганасан. Бундан кейин еганин чучвара, манти бўлгандан сўнг... Хўш, чорвоққа жой қиласан. Шалпангқулоқ ҳовлида бўлсин. Бойлаб қўйинглар, тагин қўшнининг қанжиғига илашиб ўйнаб-нетиб кетмасин... Бўйнига кўзмунчоқ тақиб қўй. Шундай деб қўйдим. Кўзмунчоқ йўқ? Ана, боланнинг бешигидагини ола қол. Кейин яна тақиб қўярсан. Бизнинг мактабда ҳам шунақа, комиссия келгунча ўқувчилар галстук, нишонларини тақиб юришадую, кетишганларидан сўнг яна ёқавайрон ҳолда келаверишади. Ҳа, айтгандай, Шалпангқулоқнинг ўзи қаерда? Шалпанг... Шалпангқу-ло-оқ! Маҳ-маҳ-маҳ!..

Ернинг остидан чиққандай отқулоқ баргидек қулоқларини осилтирганча Шалпангқулоқ унинг рўпарасида пайдо бўлди. Қуччиев итнинг бошини силаб эркалади:

— Ялтиллаган кўзингдан аканг! Ҳаммаси, сен туфайли бўлаяпти, Шалпангжон!..

* * *

Ҳайдовулов «овчи итнинг гадосиман» деб ёлғон гапирган эди. Аслида унинг ит ишқибози бўлган Луқмон Норчаев деган яқин улфати бор эди. Норчаев Ҳайдовулов билан офтобда қатиқ, салқинда сариёғ ялашган оғайниларида бири эди. Институтда бирга ўқишган, ётоқдош, шишадош, хуллас, эски сирдош ўртоқлардан саналарди.

Талабалик йиллари «Лағмоң емайман, есам хаамири ичагимга ўралиб қолади», деб ҳаммага кулги бўлиб, шу боис Луқмон Лағмон деб ном олган тириққина бу йигитча эндиликда район ресторанида битта кресло, иккита телефоннинг эгаси эди.

Ит боқиш «Норчаевнинг «хобби»си эди. Унинг ишқибозлиги шу даражада эдики, ҳатто одамлар орасида «Норчаев уйидаги итларининг иккитасини тишига тилла қоплама қўйган эмиш», деган миш-мишлар ҳам юрар эди. Бу гап балки ёлғондир, лекин Норчаевнинг дарвозаси олдига тез-тез биқинига «Озиқ-овқатлар» деган ёзув тортиғлиқ машина келиб туриши рост, ўзининг қўни-қўшниларига берган изоҳига қараганда «ошна-оғайнилари итларига озиқ-овқатдан ёрдам бериб туришаркан».

Ҳайдовулов «зотли ит»ни шу оғайнисига илинган эди. Фурбатни ўтказмасдан у Норчаевга қўнғироқ қилди. Бу қўнғироқнинг мазмуни куйидагича эди: «Бир қушча келиб остонамга ўзини уриб юрибди. Патини биргалашиб юлсак, дегандим. Яхши бир «совға» ундириб берардим...»

Норчаев ҳозирча насияга бўлса ҳам «совға»ни мамнуният билан қабул қилди. «Совға»нинг нима эканлиги билан қизиқмади, чунки у ҳам дўсти Ҳайдовулов сингари бир нарсага ўрганиб қолганди—совға деб берилса бўлди, ҳар қандай нарсани ҳам қабул қилаверарди, зеро текин тушадиган ҳамма нарсага унинг ҳам суяги йўқ эди. Шундай қилиб бу таклиф Норчаевга ёғдек ёқиб тушди ва у ҳам, ўз навбатида, бирорта «бўйни йўғон» оғайнилари билан «қушчанинг патини юлишга» борадиган бўлди.

Ниҳоят белгиланган кун ҳам етиб келди. Кун чошгоҳга яқинлашганда Қуччиевнинг дарвозаси олдига олти фарали «Жигули» автомашинаси келиб тўхтади. Дарвоза томондан чақалоқнинг «инга-ингаси»дек машина сигналини эшитган Қуччиев шошиб қолди—меҳмонлар бир соатча илгари ташриф буюришганди, қўйларга олиб бораётган тоғорадаги қовун пўчоғини яқинроқдаги товўқхона ичига идиши билан ирғитганча дарвоза томонга қараб югурди...

Меҳмонлар чорбоғдаги супа тўридан жой олишди. Ҳайдовулов қўлтиғига ёстиқни буклаб тортиб ёнбошлаганча дуога қўл очди:

— Қани... овми-и-н, биз келдик бало келмасин! Ҳо-ҳо-ҳо! Ҳазил, ҳазил, Норчаевич. Рангингиз тез оқарди-я! — Ҳайдовуловнинг бу гапига Норчаев билан қўшилишиб келган жуссаси кичик бўлса ҳам, қорни «тарвуз»чадек бақалоқ киши қотиб-қотиб кулди, кулгидан тўхтагач кўз ёшларини салфетка қоғоз билан артганча деди:

— Ўлманг-да, нафасингиз бунча совуқ, худди музхонадан чиққан арақдай. Норчаевнинг ранги оқаргани «бало»дан эмас, бу ерда лағмон-пағмон қилинмаяптимикин, деган хавотирда! Қҳи-қҳ-қҳ...

Ҳеч нарсага тушунмаган бўлса-да, меҳмонларнинг пойабзалларини тўғрилаб қўяётган Қуччиев ҳам қийқириб кулди. Ҳайдовулов кулгидан тўхтаб бир оз тин олгач, меҳмонларни мезбонга таништирди:

— Бу киши Луқмон Норчаевич... эшитгансиз, районнинг бир устунни! Биз эрқалаб Луқмон Лағмон деймиз... Сиз ҳам тагин бу кишини шундай деб атаб юрманг-а, уят бўлади! Хўш, бу киши бизнинг дўстимиз, устозимиз Холиёров...

Ҳайдовуловга нисбатан ўзининг Холиёровга яқинлигини кўрсатиш учун Норчаев шоша-пиша луқма ташлади:

— Лақаблари динозавр... Ҳа-ҳа-ҳа! Гавдасига ишонманг, бу лақабни топиш-тутишларига қараб қўйганмиз. Бизлар бу кишининг олдида пешка... Кичкина митти, ҳаммамизни йиқитди, ва-ҳей... Ҳа-ҳа-ҳа!

Қуччиев тиржайганча ўйларди: буларга мазза! Қаерга боришса маишат, аския билан бир-бирини чандиш. Энди Ҳайдовуловни лақабини айтишади... Қизиқ, унга қандай лақаб қўйишган экан?

Қуччиевнинг фикри тўғри чиқди. Норчаев Ҳайдовуловнинг елкасига «тап» этиб уриб гашириб қолди:

— Узлариники-чи, ўзлари...

Ҳайдовулов Қуччиевнинг олдида ўз лақабини эшитишни хоҳламади шекилли, эпчиллик билан гап тизгинини бошқа томонга тортди:

— Қани бу... Солмонов келмадими?

Қуччиев энди оғиз жуфтлаган эди, Норчаевнинг ранги оқариб пишиллаганча ўрнидан қўзғалиб қолди.

— Қайси Солмонов? Анови ёзувчими?.. У келса мен кетаман. Нега дарҳол айтмадинг? Бу ерда ҳам бирон ишқал топиб ҳаммамизни газетага уради...

Қуччиев шоша-пиша гап қистирди:

— У киши келолмад экан, зарур ишлари чиқиб. Кеча келиб хабар бериб кетувдилар...

Норчаев Ҳайдовуловга ёвқараш қилди:

— Ҳали ўша билан дўст бўлиб юрибсанми? Сендан ҳам қўлни ювиб...

— Қаерда дўст...— деди Ҳайдовулов, чаққонлик билан битта шишанинг оғзини очиб пиёлаларга қуяркан. — Энг биринчи душманим ўша! Лекин, ўртоқ Жабборовнинг тўйларида у кишининг сўзларидан ўтолмай ярашгандим. Пайт пойлаб юрибман, бир чалпак қиладиган фурсатни кутиб...

Ҳайдовуловнинг назари бир лаҳза Куччиевга тушиб, негадир индамай қолди, сўнг қаттиқ томоқ қирди-да, деди:

— Қани овчи итингиз... Кўрсак кўрайлик-да. Агар эгасига тортган бўлса, зўр қопағон бўлса керак!

Бу гап Солмоновга тегишли эди. Афтидан меҳмонларнинг учаласи ҳам Солмонов билан чап эди. Куччиев Ҳайдовуловнинг гапига жавобан эски мулабаччалардек қўлини қовуштирганча оғилхона томонга югуриб кетди.

Бориб кўрдики, кучук йўқ! Шалпангқулоқ афтидан аҳдига вафо қилиб қўшининг ити билан ўйнаб кетган кўринади. Куччиев ўчоқ бошида куймаланаётган хотинига «ўғилчасини итни излашга юбориб, овқатни тезлаштиришни» буюрди-да, ўзи меҳмонлар ёнига қайтди. Ҳайдовуловнинг саволмуз қарашига жавобан дудуқланиб деди:

— Бу-у... х-хаёлдан чиқибди. Кучукчани оёғининг чигили ёзилсин, деб ўғилчамиз сайрга олиб чиқиб кетибди. Ҳозир келиб қолишади... Қани, дастурхонга қараб ўтирингизлар.

Меҳмонлар унинг таклифисиз ҳам аллақачон дастурхонга қарашиб ўтиришарди, яъни икки бўш бутилка аллақачон йўнғичқазорга итқитиб улгурилганди.

Куччиев кўчага яна икки-уч марта чиқиб келди. Шалпангқулоқдан дарак йўқ, қораси ҳам кўринмасди. У хомуш ҳолда ўчоқ ёнидан ўтаётиб хотинига «чучвара»ни секинлатишни буюриб, ўзи тайёрлаб қўйилган бир лаган қовурдоқни кўтариб меҳмонлар томон юриди. «Шайтоннинг суви» таъсирида анча қизишиб қолган Норчаев Ҳайдовуловнинг ёқасидан бўғиб олганича, шаҳодат бармоғини унга бигиз қилиб пўписа қиларди.

— Ҳа, тулки! Сен Солмоновнинг район раҳбарлари орасида обрўси тузуклигини, «ҳақиқатгўй» деб ном олганлигини яхши биласан! Сен биз билан ҳам, у билан ҳам тил топмоқчимисан?! Динозавр, мен сенга айтсам, бунинг қулоғи ҳамиша динг. Қаерда қандай вазият бўлса, эшитиб, сўнг одамига қараб муомага қилади. Вой сени... динг бўлган қулоғингдан, вой, сен Шалпангқулоқ...

Супага кўтарилаётган Куччиевни ток ургандек бўлди: Нима?! Шалпангқулоқ! Ҳайдовуловнинг лақаби шунақа экан-да!

У гандираклар кетди, лагандан катта илик суяк билан икки дона картошка ерга сочилиб тушди. Шу пайт тўсатдан пайдо бўлган ит узилган бўйинбоғини судраганча ўзини суякка отди.

Ўчоқ бошида бу ҳолни кўриб турган аёл косовини баланд кўтарганча қаттиқ кичқирди:

— Шалпангқулоқ! Маҳ-маҳ-маҳ! Орқанга қайт-э, ер юткур!

Қолган воқеалар кино лентасидек бир лаҳзада бўлиб ўтди: Ҳайдовулов қўлидаги пиёласини тушириб юборди. Норчаев билан Холиёров бирпас оғизларини очиб ҳайрон бўлиб туришгач, сўнг бараварига шарақлаб кулиб боришди. Шу даражада завқ билан кулишдики, ҳатто Холиёров орқаси билан супадан гулзорга ағанаб тушди.

Лавлагиси чиқиб кетган Ҳайдовулов ўрнидан ирғиб туриб Куччиев томонга ҳезланганча борди.

— Ҳа, кучугинг бошингни есин, аҳмоқ! Бошқа от қуриганмиди сенга! Мени падвадит қилдинг-ку! Аблаҳ!..

Ҳайдовулов Куччиевни урмоқчи бўлиб қўлини ҳаволатди, лекин негадир урмади, ерга қаттиқ бир тупурди-да, ғазаб билан кўча эшикка

қараб йўл олди... Бирпасдан кейин жўнаб кетган машинанинг овози эшитилди...

Сурат бўлиб қолган Қуччиевнинг қонсиз лаблари жонсиз пичирлади:

— М-мен э-эмас... Солмонов!..

Бу пайт уйда диванда ёнбошлаб ётганча хаёл сураётган Солмон Солмонов бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган одамдек беихтиёр қаҳқаҳа отиб кулиб юборди.

Эркин Усмонов

Қаримберди ҚАЙТМАДИ



[Кекса ишчи Эшонқул АҲМЕДОВ ҳикояси]

Баъзан ўйлаб ҳайратга тушаман. Гўё ҳаммаси кун кеча юз бергандек. «Умр — оқар сув», деганлари шу бўлса керак-да! Ушандан бери қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Кимлар келиб, кимлар кетмади. Гўпдан-кўп воқеалар унутилди. Аммо ўша кунлар, ўша воқеалар сира ёдимдан чиқмайди.

Қишлоққа тез-тез бориб тураман. Соч-соқолига оқ оралаган учтўртта тенгқур мўсафид гурунглашиб ўтирамин, ўтган-кетганларни эслашамиз. Ҳар сафар, ҳар суҳбатда, албатта, Қаримберди амакининг исми тилга олинади. Тўғри, уни ҳозир қишлоқдагиларнинг аксарияти билишмайди. Билишса ҳам ота-боболарининг ҳикоялари, хотиралари орқали танишади, холос. Аммо мен, менинг тенгдошларим-чи?! Йўқ, биз уни бир умр унутолмасак керак...

* * *

Адашмасам; ўттизинчи йилларнинг бошлари эди. У вақтларда қишлоғимиз ҳам ҳозиргидек эмас эди, албатта. У ерлар ўттиз-қирқ хонадон яшайдиган пастаккина, лой томли иморатлардан-у, чексиз-поёнсиз адирлардан иборат эди, холос.

Қишлоқ марказида инқилоб йиллари чет элга қочган Умарбекнинг данғиллама қўрғони бўларди. Ана ўша ерда ҳар ойда бир марта кино намойиш қилинарди. Аввалига, деворга оқ чойшаб тутиб, ҳар хил жонли суратлар кўрсатишармиш, деган хабар каттаю кичикни қизиқтириб қўйди. Аммо, ҳеч ким у ерга боришга журъат этолмади. Негаки, одамлар домла-эшонларнинг: «Қимда-ким жонли суратни кўрса, нариги дунёда худонинг қаҳрига учрайди», деган гап-сўзларидан қўрқишар эди. Шу боисдан кино кўришга фақат ёш-яланг йигитлар-у, биз, болалар борардик, холос.

Инқилобдан кейин бойнинг қўрғонига Қизил чойхона жойлашган бўлиб, қишлоқ совети ҳам ўша ерда эди. Кинони қўрғоннинг ичкари-сидаги ярми ағдарилган баланд деворга оқ чойшаб тортиб кўрсатишарди. Одатда кинони Миша амаки деган жиккаккина рус чол қўйиб

берарди. Қаримберди амаки бўлса унга ёрдамлашиб юрар, баъзан унинг ўрнида паттачилик ҳам қиларди. Биз патта учун топган-тутганимизни олиб борардик. Биров қовун, биров олма, бошқа биров ичакка солинган сариёғ ё бўлмаса қийиқчада туршак, қовунқоқи олиб келарди. Қаримберди амаки юриш-туришига қараб камбағал, бечораҳол кишиларни текин ҳам киритаверарди. Биз, болаларни ҳам. «Тўполон қилмасдан ўтиринглар! Худди қулоқларингни кесиб оламан», деб пўписа ҳам қилиб қўярди.

Биз шундоққина ернинг ўзига, бетартиб ўтириб олиб, томоша бошланишини жим кутардик. Кун ботиб қош қорайганда шалоғи чиққан аравада Миша амаки келарди. Узоқ тимирскиланиб, аппаратларини ўрнатарди. Қаҳрабо трубкасини бурқситганча ёғоч оёқ устига ўрнатилган катта темир қутича атрофида яна узоқ куймаланарди. Шундан кейин хонтахтага ўхшаган сўри устига ўрнатилган генератор деган машичани уч-тўрт киши босиб туришар, йигитлардан биронтаси унинг филдирагини айлантира бошларди. Шунда қутичанинг пиёладек шиша кўзидан ярқ этиб кўзларни қамаштирувчи оппоқ нур отилиб чиқардида, бизнинг устимиздан ўтиб, девордаги оқ чойшабга бориб уриларди ва бизнинг кўз ўнгимизда уйлар, одамлар худди ростакамдек кўрина бошларди.

Темир қутича эса қулоқни битиргудек вағиллар, қоронғида Миша амакининг трубкаси қизариб кўришиб турарди, холос. Қаримберди амаки эса, одатдагидек майдончанинг ўнг томонидаги дўнгликда — ўз жойида ўтирарди. У орамиздаги яккаю ягона ёши улуг киши эди. Мен шопмўйловли, катта-катта кўзлари ҳамиша кулиб турадиган бу баланд бўйли, озғин кишини ҳеч қачон унутмайман. Янглишмасам, ўша вақтларда, ўша майдончада кино кўрганларнинг барчаси ҳамон уни эслаб юришади.

Қаримберди амаки тунукачилик қиларди. Уззукун дўконида ўтириб самоваркарнай, ҳокандоз, челақ ясарди, човли тўқирди. Баъзан биз, болакайларга кичкина-кичкина ҳуштакчалар ҳам ясаб берарди. Эсимда, у анҳор ёқасидаги илон изи сўқмоқдан ҳар куни эрталаб ва кечқурун ўтарди. Эрталаб катта-катта қадам ташлаб, гузардаги кичкинагина дўкончасига борар, кечқурун яна ўша сўқмоқдан уйига қайтарди, унинг ана ўша дўкончаси доим одамлар билан гавжум бўлар эди. Қаримберди амаки ҳазил-мутойибага ўч, гапга чечан, ҳозиржавоб, шу билан бирга болалардек содда ва ниҳоятда камтарин, оқкўнгили киши эди. Ана шу фазилатлари учунми, одамлар уни жуда севишарди. Айниқса, биз, болалар...

Ўзи тунукачи бўлишига қарамай, қишлоқда каттаю кичик уни «Карим кино» дейишарди. У кино қўйиладиган куни ҳаммадан олдин, гагига тўшаб ўтирадиган пўстагини қўлтиқлаб қўрғонга бориб оларди. Чунки, усиз кино — кино бўлмасди-да! Бунга ўзиям яхши биларди.

У вақтларда кино овозсиз эди. Деворда ҳар хил тасвирлар липиллаб кўринар, ҳар бир суратнинг тагига ҳарфларда алланималар деб ёзиб қўйилган бўлиб, аммо уни ҳеч ким ўқий олмасди. Ушанда биз на эскича, на янғича ўқий олардик. Шунинг учун миқ этмай жонли суратларга тикилганча анграйиб ўтираверардик. Қаримберди амаки бўлса жонли суратларни баланд овозда бизга изоҳлаб бериб турарди. Худди шунақа бўлиши керакдек! Бунга ҳамма кўникиб кетган эди.

— Ана!— дерди Қаримберди амаки дўриллаган товушда.— Ана! Икки отлиқ келишяпти. Ана! Қелишди. Отдан тушишди. Зап отлар эканми, а?!

— Қирчанғи-ку?— луқма ташлаб қўярди томошабинлардан битта-яримтаси.

— Яхшилаб қаранг, хачир эмасми?— дерди бошқа бир йигит.

— Қарим ақа, биямикан ё айғирмикан?— қўшилишарди яна бошқаси.

Ҳамма хаҳолаб кулиб юборарди.

— Учирларинг овозингни, бемазалар! Худди ҳозир ҳайдаб чиқа-

риб юбораман!— дерди ярим ҳазил, ярим пўписа қилиб Каримберди амаки.

— Ҳа, энди, сўраяпмиз-да!

— Сўраганинг айби йўқ-ку!

— Ж-жа... билгинг келаётган бўлса, ана, яқинроқ бориб қара!— дерди Каримберди амаки овозини баландлатиб.

Кўрғон яна қаҳқаҳадан ларзага келарди.

Агар Каримберди амаки сал жим бўлиб қолса, томошабинлар у турган томонга қараб ҳой-ҳойлашарди:

— Ҳа, Карим ака, нега жим бўлиб қолдингиз?

— Ҳозир, ҳозир!— дерди у пиёладан чой ҳўпларкан.— Томоғим қуриб қолди!

— Томошага томоқни мойлаб чиқиш керак-да, Карим ака! Қоида-си бунақа бўлмайди!— дерди қайси бир йигит ҳазилга йўйиб.

Каримберди амаки ҳаммани овозидан танирди.

— Ҳов, Наим аравақаш! Аввал ўзингнинг аравагнинг ўқини мойлаб олгин. Қачон қарама, ношукр бандага ўхшаб мингиллагани мингиллаган!

Яна кулги, яна қаҳқаҳа!

— Ҳа, Карим ака, қўйинг аравақашни. Кинони олинг!

— Ҳа, гапиринг!

— Ҳўп, ана!— деб давом эттирарди Каримберди амаки.— Ана! Икки киши кўришишди. Гаплашишяпти.

— Нима дейишяпти?— сўрарди кимдир.

— Нима дейишарди, хумпар. Ҳол-аҳвол сўрашяпти. Бола-чақа, сигир-бузоқ, қозон-товоқ яхшими, дейишади-да!..

Яна гурр кулги кўтариларди.

— Нега куласизлар? Тўғриси янтаяптилар-да!— дерди кимдир норози оҳангда.— Ҳар нарсага кулаверадими?

— Э, бормисан, Ботир бақалоқнинг ўгли?! Шунақа деб тур! Ўзинг тушунган боласан-ку!— дерди Каримберди амаки завқи келиб.

— Жуда икковлари тил топишишди-ку!— луқма ташларди кимдир.

— Албатта-да!— дерди Каримберди амаки.— Девордармиён қўшним бўлса. Ўзимиз у ёқда турсин, ҳатто хўроз-товуқларимиз ҳам тил топишиб олишган, апоқ-чапоқ!

Яна кулгидан ҳаммаёқ ларзага келарди.

... Киноаппарат вағиллар, унинг пиёладек шиша кўзидан худди тутундек оппоқ нур отилиб, чиқар, рўпарамизда эса ҳар хил тасвирлар ялт-юлт қилиб кўзга ташланиб турарди.

— Ия, Карим ака! Анави одамларнинг қўлида милтиғи бор-ку?!

— Ҳа, отишмоқчи шекилли?!— овозлар келарди ҳар тарафдан.

— Жим!— дерди Каримберди амаки ўзи ҳам қизиқиб кетиб, қолган гапини давом эттирарди.— Ана! Новчаси милтиғини ўқлашяпти. Паканасини отмоқчи!..

— Ие, отмади-ку?

— Бир-бирига алланима дейишяпти.

— Нимани гаплашишяпти, Карим ака?

— Жим!— дерди Каримберди амаки буйруқ оҳангида.— Отади! Ҳозир отади! Қараб тур!

— Ие, кетишяпти-ку? Милтиғини ўқталди-ю, отмади?!

— Ниманидир гаплашишди-да!

— Ўзингиз айтинг, Карим ака! Нима дейишди?!

— Бояги паканаси новчасига ялинди,— дерди Каримберди амаки чойдан ҳўплаб.— Қўйворақол, акаси, бола-чақа бор, етим қолиб чирқиллаб юришмасин, ўзинг ҳам мусулмон экансан, деди. Шунга раҳми келиб қўйиб юборди-да!..

Ҳамма, ҳатто Миша амаки ҳам, ўзини тутолмай кулиб юборарди.

...Биз кинони ана шунақа томоша қилардик. Каримберди амаки-сиз кинони, киносиз Каримберди амакини тасаввур қилолмасдик. Агар

у кино бўладиган куни кўринмай қолса, йигитлар уни аллақаяқлардан топиб келишарди. Кино кўядиган Миша амаки ҳам уни яхши танирди. Баъзан икковлашиб нималарнидир узоқ тортишишарди.

Бир йили, кузнинг бошларида эди янглишмасам, Миша амаки кўринмай қолди. Кейин билсак, ўзи туғилган юртга, Самара деган ерга кетган экан. Унинг ўрнига кино кўрсатадиган аппаратни ингичка мўйловли, юзлари, кўллари оппоқ, тўладан келган бир йигит олиб келди. Оёғида ярақлаган хром этик, белида уч попукли ипак арғамчи-белбоғ, ироқи кўйлак кийиб олган эди. Хатти-ҳаракатлари олифтанамо бу йигит биринчи кўришимиздаёқ биз, болаларга ёқмади. Аммо на илож... азбаройи кинони яхши кўрганимиздан кўрғонга борардик. Қаримберди амаки ҳамон одамларга кинони тушунтириб, ўтирарди. Ҳамма мириқиб кино томоша қилар, Қаримберди амакининг гапларини ҳузур қилиб эшитиб қайтишарди. Ҳаммаси одатдагидек эди. Ҳамон Қаримберди амаки пўстагини қўлтиқлаб ҳаммадан олдин кўрғонга келиб олар, ёнига чойнак-пиёла қўйиб, кино бошланишини кутиб ўтирарди. У баъзан аппарат атрофида куймаланиб юрган олифта йигитга тикилганча чуқур хаёлга чўмиб кетар, шунақа пайтларда биз уни таниёлмай қолардик. Унинг қенг пешонасини ажин қоплаб, кўзларида қандайдир маъносиз бир ифода сезилиб турарди. Аммо кино бошланиши билан яна аслига қайтар, худди биз, ёш болалардек қувониб, бирдан ўзгариб қоларди.



Кунлардан бир куни қишлоқда «Юсуф қори Қарим кинони мачи олдида ушлаб олиб, намозга киритмабди, эл-юртнинг олдида шармандасини чиқарибди. «Сен, эси йўқ, ёш болалар билан кино томоша қиласан», деб тоза сўкибди!» деган гап тарқалди. Дадамдан сўрасам, «Э, бўлмаган гап», деб мийиғида кулиб қўяқолди.

Кейинчалик билсак, Юсуф қори Қаримберди амакини эмас, балки аксинча бўлган экан. Қаримберди амаки жума намозга борса, қори турган эмиш. У Қаримберди амакини енгидан ушлаб бир чеккага тортибди. «Сен бетавфиқ, элликка кириб, ёшинга ярашмаган ишлар қилиб юрган эмишсан. Кино кўрармишсан?» дебди. Бирпасда атрофларига тумонат йиғилибди.

— Тўғри,— дебди Қаримберди амаки,— у ерда қизиқ нарсалар кўрсатилади-да, қори ака.

— Нима қизиқ нарса?— сўрабди қори.

— Э, нимасини айтасиз?— дебди Қаримберди амаки кўзларини айёрона қисиб.— Қайси куни бир кино кўрсатишди. Тарвуз-қовунлар, қовоқлар ҳақида... Жуда қизиқ...

— Қанақа қовоқ?— сўрабди қори тушунмай.

— Қанақа бўларди, ҳарҳолда носқовоқ ҳақида эмас-да!

— Хўш?— дебди қори гапнинг давомини кутиб.

— Шу десангиз, азбаройи худо, ҳар қовоқларки, шу, ҳар биттаси сизнинг каллангиздек десам бўладими, ё сизнинг каллангиз ўша қовоқлардекми?!

Иигилган оломон гурр кулиб юборибди. Юсуф қори ҳамманинг олдида ёмон мулзам бўпти. Бундан хабар топган Азим эшон Каримберди амакини мачитга йўлатмай қўйибди. Бу гап тез орада бутун қишлоққа тарқаб кетди. Ҳамманинг оғзида ўша «суҳбат». Биров, Карим кино бошлабди, деса, бошқа биров, яхши иш қилмабди, деди. Каримберди амаки бўлса, парвойифалак, ҳамон кино кўришни, одамларга тушунтиришни канда қилмасди. Ҳамон одамлар кино бошланиши билан: «Қани бошланг, Карим ака!» деб қўйишарди...

* * *

Бир кун Самарқанд ҳақида фильм кўрсатишди. Қаршимизда гоҳ Регистон, гоҳ Бибиҳоним, гоҳ Гўр Амир намоён бўларди. Девордаги оқ чойшабада ҳар хил манзаралар липиллаб алмашилиб турар, аммо негадир Каримберди амаки миқ этмасди.

— Ҳа, Карим ака, гапирмайсизми?— деди кимдир.

Каримберди амаки индамади.

Шунда кимдир шарақлаб кулиб юборди.

— Карим ака Самарқандда бўлмаганлар, билмайдилар.

Гира-шира қоронғиликда Каримберди амакининг дўриллаган товуши эшитилди:

— Тўғри. Бўлмаганман. Аммо гап унда эмас. Бу ерда сўзлайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Ана у кошинларни, нақшларни кўряпсанми? Ота-бобонг қилган шу ишларни! Буларни фақат томоша қилиш керак!

Кимдир «тўғри» дея маъқуллаб қўйди. Шундан кейин ҳеч кимдан садо чиқмай қолди.

* * *

Келгуси сафар эса Каримберди амаки яна аслига қайтди.

— Ана! Чол келяпти. Ёнидагиси невараси бўлса керак — деди у.

— Қаёққа кетишяпти экан?

— Бирпас жим турсанг, билиб оласан. Ана, от-арава ўтди. Ана дарахт, ана у иморатни қаранглар, Азим эшоннинг кошонасига ўхшайди-я! Ана сув, вой бў, кўплигини қара! Ана чархпалак! Чиройли-я?!

Шу пайт лип этди-ю, рўпарамиздаги манзаралар кўздан ғойиб бўлди. Ярқ этиб ўрик шохига илинган катта лампочка ёниб, ҳаммаёқ ёришиб кетди. Одамлар ҳайрон бўлиб орқага ўгирилишди. Ингичка мўйловли йигит киноаппарат олдида оёқларини чалиштирганча папирос тутатиб ўтирарди.

— Ҳа, нима бўлди? Нега тўхтатдингиз?— деди кимдир.

Йигит миқ этмади.

— Нега индамайсиз, ошна, ё томоша тамомми?— деди яна бошқа биров.

Йигит ўтирган жойида бўйнини чўзиб биз томонга имо қилди.

— Анави чиқиб кетсин, кейин қўяман!

— Ким у?— сўради аллаким.

— Анави тўтиқуш-да!— деди пинагини бузмай йигит.

— Кимни айтаяпти?

— Карим кинони айтмаяптими, тагин бу занғар?!

— Ҳа, ўшани, ўшани!— деди йигитча хўмрайиб.— Сайрайверади, сайрайверади. Ана от, ана кўча, ана дарахт... Ўзимиз ҳам кўриб турибмиз. Кўр эмасмиз-ку?!

— Каримберди ака бизга тушунтирадилар-да!— деди бир йигит ўрнидан туриб.

— Жуда бошлаб тушунтираяптилар! Бир марта индамадим. Иккинчи марта майли, дедим. Учинчи марта чидадим. Бўлди-да, энди! «Ана ер, ана осмон!» Э, ўргулдим, бунақа тушунтирадигандан!

— Э, бола! Ўзингдан катта одамни бунақа дема!— кимдир жеркиди.

— Нима қилади шунча одамни лақиллатиб? Кап-катта одам. Биронта гапи титрга тўғри келмайди!

— Титранг йимаси?

— Суратнинг тагидаги ёзув-да!— деди йигит «Улларинг шуни ҳам билмасаларинг!» деган оҳангда.

— Карим ака ўқий олмайдилар. Аммо тушунтириб бера оладилар,— деди кимдир.

— Бу... йигит, ўзингиз ўқий оласизми?— сўради бошқа бир овоз. Йигитча илжайиб қўйди.

— Унақада, ёзувини ўзинг ўқиб берақол!— кимдир қичқирди.

— Бунинг учун менга бир мири ҳам беришмайди-да. Ўқиб бериб туриш, менинг вазифамга кирмайди,— деди йигит бамайлихотир.

Боядан бери ҳанг-манг бўлиб ўтирган Каримберди амаки ўрнидан турди.

— Кимнинг вазифасига киради бўлмаса? Ёзувларни катта холанг келиб ўқиб берадимиз?

— Бу сизнинг ишингиз эмас, аравангизни тортиб юраверинг! Ҳеч ким сизга «Бориб, кинони тушунтириб ўтир!» деб тайинламаган. Ҳарф-лаб бўлсаям ўқиб турсангиз майли эди! Саводнинг «с» ҳарфи йўқ-ку, тагин..

Каримберди амакининг боши бирдан эгилиб, шопмўйловининг тиккайган учлари титраб кетгандай бўлди. У индамай одамлар орасидан ўтиб, дарвоза томонга юрди.

— Унақа қилманг, Карим ака!

— Тўхтаанг!— ҳай-ҳайлашди одамлар.

Аммо у тўхтамади. Қўрғон дарвозаси тепасидаги хира чироқ нурида лип этиб бир кўринди-ю, ғойиб бўлди.

Бир неча йигит ҳам сўкина-сўкина тўнларининг этагини қоқиб ўринларидан туришди. Шу куниники кино бошқа қўйилмади. Ҳамма қандайдир бир паришон ҳолатда уй-уйига тарқади.

Биз, болалар ҳам кўчага чиқдик. Тахта деворлар тагида чигирткалар чириллар, яқин-йироқдан кучукларнинг узук-юлуқ вовуллашлари эшитилиб туради. Анҳор бетига эса баркашдеккина оймоманинг акси тўлқинларга мингашганча сузиб юради. Болалар билан хайрлашиб, уйимиз томонга бурилдим-у, анҳор ёқасидаги дарахтлар тагида ўтирган кишига кўзим тушди. Танидим. У Каримберди амаки эди... Ойдинда оқариб кўринган сўқмоқдан ўша тарафга юрдим. Каримберди амаки тиззаларини қучганча анҳорнинг нариги соҳилига хаёлчан тикилиб ўтирарди. У менга эътибор ҳам бермади. Аста ёнига чўкдим.

— Амаки, қўйинг, хафа бўлманг!— дедим қўрқа-писа.

У индамади.

— Уша йигитдан хафа бўляпсизми?

Каримберди амаки бошини мен томонга буриб, қоқсуяк кафти билан бошимни силади.

— Йўқ. Ундан эмас,— деди ҳирқироқ товушда,— ўзимдан хафа бўляпман...

Ҳеч нимага тушунмай унга қарадим.

— Вақтида илм ололмадим. Тирикчилик, бола-чақа дедим,— ўйчан бир тарзда давом этди у.— Қани энди, жиян, Самарқандгами, Тошкентгами борсам, ўқисам, кино-қўйишни ўргансам... Э, қайда энди?! Орзулар орзу бўлиб қолди. На эскича, на янгича ўқий оламан. У йигит тўғри айтди,— Каримберди амаки хўрсиниб қўйди ва бирдан сергакланиб иягимдан кўтариб, юзимга қаради.

— Сен Исроил аканинг ўғлисан-а?

— Ҳа,— дедим аста.

— Нечага кирдинг?

— Унга.

— Ана! Ун йил ўтиб кетиб қобди. Мактабга бормадингми?

— Йўқ. Далада дадамга ёрдамлашяпман...

— Ёрдамлашаверасан. Аммо мактабга, албатта, боргин, хўпми?

Бўлмаса менга ўхшаб қоласан.

— Нега унақа деяпсиз, амаки?— сўрадим ҳеч Һимага тушунолмай.

— Кейин билиб оласан... Майли, жиян, турақол энди ўрнингдан. Шамоллаб қолма тагин. Уйингга бор!

— Сиз яна кинога борасизми?

У индамади. Шу кўйи бир лаҳза туриб қолдик. Мен унинг «ҳа» дейишини кутардим. Аммо у бир оғиз ҳам сўз айтмай ўрнидан турди. Дарахт шоҳлари шитирлаб, унинг елкаларига тегди. Муздек шабнам томчилари дув этиб бўйнимга тўкилди. Сесканиб кетдим. У йўқ демади. Аммо тўкилган шабнамдар унинг ана ўша орзуларига ҳам, бермаган жавобига ҳам ўхшаб кетгандек туюлди менга...

Орадан бир-бирини қувалаб кунлар ўтди. Қишлоққа яна кино келди. Аммо қўрғондаги кино қўйиладиган майдончада бир неча бола-ю, иккита йигитдан бошқа ҳеч ким кўринмасди. Кино тугагунча ҳеч ким келмади. Қаримберди амаки эса йўқ эди...

Келгуси сафар эса, кино ярмисига борганда момақалдироқ гумбурлаб, тоза жала қуйди. Ҳамма ура қочди. Кино қўядиган олифта йигит аширатининг атрофида ўралашганча қолиб кетди...

Ёзининг ўрталарига келиб, уруш бошланибди, деган хабар тарқалди. Ҳамма фронтга отланди. Қаримберди амаки ҳам. Айтишларича, у кўнгилли бўлиб кетган экан. Шу кетганча қайтмади.. Ном-нишорсиз кетди. Унинг «Қарим кино» деган исми қолди, холос...

* * *

Мана, ўшандан бери анча вақт ўтди. Табиий, бу орада кўпдан-кўп воқеа ва ҳодисалар унутилиб кетди. Аммо ўша кунларни, Қаримберди амакини сира унутолмайман.

Қишлоққа тез-тез бориб тураман. Соч-соқолига оқ оралаган уч-тўртта мўйсафид гурунглашиб ўтирамин. Ўтган-кетганларни эслашамиз. Ҳар сафар, ҳар суҳбатда Қаримберди амакининг исми тилга олинади. Зеро у, олис болалигимизнинг унутилмас саҳифаларидан бири бўлиб қолган эди-да!

Қизиқ. Тақдирнинг ҳазилини қаранг! Негадир ўша киночи — олифта йигитни ҳеч ким эсламайди. Лоақал исмини ҳам тилга олмайди. Суриштириб келсангиз, ҳатто унинг кимлиги, исми билан ҳам ҳеч ким ҳеч қачон қизиқмаган экан... Аммо мен ўша кечани, Қаримберди амаки билан анҳор бўйдаги суҳбатимизни, юз-кўзларимга тўкилган шабнам томчиларини тез-тез эслаб тураман. Эслайман-у, ўша томчилар, шабнам томчилари эмас, Қаримберди амакининг кўз ёшлари эмасмиди, деб ўйлаб қоламан...

Муҳаммаджон Мирзамуҳамедов



КАРВОН ШИМОЛГА ЙЎЛ ОЛДИ

Киносценарий*

Шаҳар. Кечаси. Алламаҳал.
Бир гуруҳ отлич кимсасиз шаҳар кўчаларидан от қўйиб, кўрғон дарвозасига келади-да, ичкарига кириб, кўздан ғойиб бўлади.

Кўрғон ҳовлиси. Соқчилардан бири қўлида машъала ушлаб турибди.

Суворийлар отдан тушишади. Хон соқчиларининг бошлиғи Авазбек икки букилиб, шайхулислом Қурбон ҳожига салом беради.

Қурбон ҳожи олтмишдан ошиб кетган, лекин у қаддини ғоз тутиб юради, баланд бўйли, тўладан келган. Қалин соқол-мўйлови юзига улуғворлик бахш этган, оқариб кетган бароқ қошлари остидан йирик кўзлари тийрак боқади.

— Барчангиз шу ерда қолинг! — деб буюради у ўз одамларига.

У Авазбекнинг кузатувида тез-тез юриб ҳовлидан кесиб ўтади-да, ҳужралардан бирига кириб ғойиб бўлади.

Ҳужранинг тош терилган полида ўттиз ёшлар чамасидаги бир эркак киши деворга суяниб ўтирибди.

Қурбон ҳожи унга бақрайган кўзларини тикиб, совуқ нигоҳ ташлайди. Маҳбус бу нигоҳ остида аста ўрнидан туради.

Авазбек чаққонлик билан қиличини кўздан кечиради, тигига бош бармоғини теккизиб, ўткирлигини белгилайди. Маҳбус бунга кўриб, сесканиб кетади.

— Уни калтаклашдимми? — деб сўрайди Қурбон ҳожи.

— Йўқ, аълоҳазратлари, — деб жавоб беради Авазбек, қиличини ҳамон кўздан кечиршида давом этиб.

— Ҳақиқатан ҳам... йўқ... Уз уйимдан емак юбораман, қайрилиб ҳам қарамайди. Авахтахона идишидан ҳазар қилармиш! Чиний товоқ учун хон менинг бошимни танамдан жудо қилиши мумкинлиги унинг парвосига ҳам келмайди. Нимасини ҳам гапирай... Меҳмонга борганда ўзини бундоқ, одамлардай тутишни йигитларим эсига солиб қўйишди. Энди иштаҳаси яхши. Узим текшириб билдим.

Қурбон ҳожи хаҳолаб кулиб юборишдан ўзини аранг тийиб, маҳбусга дейди:

— Хон фармонга муҳрини босди... Савдогарлар ва элчилар карвонларини талон-тороғ қилганинг учун, хонлик солиқларини тўламаганинг учун жаллод терингга сомон тиқиши ва эрта билан кун чиққач, бозор майдонида қурилган дорга тортиши лозим.

Қурбон ҳожи найча қилиб ўралган фармонни ҳавола қилади.

Мирқарим Осимнинг «Хоразм элчиси» қиссаси асосида.

— Мен сени ўлимдан олиб қолишим мумкин, Унбеги. Аммо битта шартим бор... Шартим шуки, сен менга хизмат қиласан!

Унбеги тиз чўқади, шайхнинг оёғини ялашга уринади.

— Тур ўрингдан!

— Жоним садақа бўлсин! — дея гўлдирайди Унбеги.

— Жонингни уртга қўйганим — бу яхши. Лекин лақиллатаман десанг, оёвора бўласан! — Шайх олдинга сал ташланиб, маҳбусга кўзларини ўқдай қадайдди. — Мен хон эмасман... ерга кирсанг қўлоғингда, осмонга чиқсанг оёғингдан тўртиб топиб олам. — У фармонни напосандлик билан йиртиб, ерга ташлайди. — Ҳозир сен кетасан. Эсингда бўлсин. Беш кундан кейин Мансурбекнинг кавони Россияга йўл олади. Одамларга, молларга тегилмасин, лекин бек эса, бу қўхна дунё тирикчилигидан чарчаган кўринади, менинг назаримда...

Авазбек маъқуллаб бошини силқийди.

— Ҳамма нарса тайёр қилиб қўйилган. Қалпоқ қишлоғида Унбегини содиқ кишилар кутиб туришибди. Шаҳар дарвозаларига келсак, менга айтишди... сиз ғамини еб қўйган экансиз, ҳазрати олийлари.

Унбеги чўккалаб туриб, Қурбон ҳожи тўнининг этагини ўпади.

Хоннинг оромгоҳи. Эрталаб.

Хон Араб Муҳаммад Ғазабнок.

Шаҳзода Элбарс ва Чин ҳожи хон билан Авазбекни индамай кузатиб туришади.

— Иккинчи марта дордан қочяпти! — дея қичқиради хон. — Бу ўғрини мен, токи бундан буён ҳеч бир кимса бизнинг иродамизга қаршилиқ қилишга журъат этмасин деб, халқ кўзи олдида осмоқчи эдим. Авазбек, биз сизни соқчилар бошлиғи лавозимдан соқит қиламиз!

АВАЗБЕК. Мен айбдорларнинг каллаларини олиб келдим.

АРАБ МУҲАММАД. Биз сизни бўшатамиз, Авазбек!

Авазбек хонга ёвқараш қилиб чиқиб кетади.

ЭЛБАРС. Уни беҳуда хафа қилдингиз, ота.

ЧИН ҲОЖИ. Бу қарорингиздан беклар норози бўлишади, шўҳим. Ҳеч қандай гувоҳ-исботсиз бундай шошқалоқлик қилиш... Султон Элбарс ҳақ. Авазбек ҳалол хизмат қилади, унинг қўлидан алдаш келмайди.

АРАБ МУҲАММАД. Мен ўйлаб кўраман... Ҳаммангизга жавоб, бўшсизлар.

Биринчи бўлиб, отаси унинг сўзини инobatга олмагани учун Элбарснинг дили оғриб, чиқиб кетади. Унинг орқасидан устози Чин ҳожи эргашади.

Жоме мачити имомининг уйидаги меҳмонхона. Уй эгаси шойи кўрпачада ўтириб, китоб ўқимоқда.

Хизматкор киради:

— Тақсир, мулла Акбар келдилар...

— Айт, кираверсин...

Жоме мачити хизматчиларидан бири — мулла Акбар пайдо бўлади. Мезбонга яқинлашиб, қўл бериб кўришади, унинг олдидаги хонтахтанинг рўпара томонига ўтиради.

— Яхши юрибсизми, мулла? — сўрайди имом.

— Худоба шукур, яхши, — бош эгиб жавоб беради меҳмон.

Имом диққат билан мулла Акбарга қарайди.

— Сиз нимадандир хавотирдамисиз?

Меҳмон уялинқириб елкасини қисади.

— Ҳа, хавотирдаман. Мансурбек Россияга бормаслиги лозим...

— Бу сизнинг хоҳишингизми? — масхараомуз сўрайди имом.

— Бу оллоҳнинг хоҳиши, қолаверса, сиз билан бизнинг валинеъматимиз... ҳазрати олийлари Имомқулихоннинг хоҳишлари, — дейди меҳмон қатъий оҳангда, чўнтагидан фил суягидан ясалган тасбеҳни олиб мезбоннинг қўлига узатади.

— Ҳазрати олийлари буни бошқа йўқотмаслигингизни тайинладилар...

Имом шошмасдан тасбеҳ ўгиради, дончаларнинг биридаги қизил доғга кўзи тушади.

— Уғлим, бандаси ёши ўтган сари паришонхотир бўлиб қолар экан... — кулимсирайди имом. — Ҳазрати олийларига айтинг, мен кўлимдан келган ҳамма нарсани адо этишга ҳаракат қиламан.

Жоме мачити. Катта тахта каравотда, бир-бирининг рўпарасида мачит имоми ва Чин ҳожи ўтирибдилар.

ИМОМ. Ҳожим, Мансурбекни Россияга бормасликка кўндириш керак. Мен туш кўрдим... бизнинг тупроғимиз ёвуз душман оёғи остида фарёд чекмоқда... Бунинг ҳаммасига Мансурбебингиз сабабчи.

ЧИН ҲОЖИ. Акам билан Маккани зиёрат қилганимиздан бери, негадир башоратли тушлар кўрмаяпман.

Имом тикандек кўзларини Чин ҳожига қадаб, ғзаб билан пишиллайди.

ЧИН ҲОЖИ. Хафа бўлманг, домла... Давлат тақдирига тааллуқли нарсалар чиндан ҳам менинг тушимга кираётгани йўқ.

Мансурбекнинг ҳовлиси. Бек ҳожини кузатмоқда.

ЧИН ҲОЖИ. Мен сизни кўндирар олмадим, бек. Афсус. Наҳотки, хон аҳмоқлик

қилаётганини тушунмасангиз... Унга таъсир этиш керак. Бухоро ва Эрон Россия билан яқинлашишимизни кечирмайди.

МАНСУРБЕК. Мен учун, ҳурматли дўстим, хоннинг буйруғи — оллоҳнинг хоҳиши демакдир... Мен унинг хизматкориман... Ҳукмдорга гап қайтариш...

Поёнсиз сахро. Карвон дам олиш учун тўхтади. Одамлар отларидан тушадилар. Қудуқдан сув тортадилар, ўчоқларга қозонлар осилади.

МАНСУРБЕК, кўлини йғирма ёшлардаги Раҳимқулнинг елкасига қўйиб, дейди: — Бу ерда, ўғлим, Хоразм ва Бухоро чегаралари туташади... Эртага (шимолга ўгирилиб) мана бу сўқмоқдан кетамиз...

РАҲИМҚУЛ. Ота, сиздан сира ажралгим келмаяпти. Менинг сафарга чиқмаслигим учун Дўстим ҳамма чораларни кўрди.

МАНСУРБЕК. Йўқ, ўғлим, у эмас, унинг акалари... Сендан хавотирдаман... Сенинг кўп дўстларинг авомдан...

РАҲИМҚУЛ. Халқдан!

МАНСУРБЕК. Улар сени кечиришмайди... (осмонга қараб). Қайтиш керак, ўғлим, ҳавонинг авзойи бузиляпти...

Россия билан шундай битим тузайки, душманларнинг Хоразм диёрига суқулишидан иштаҳалари бўғилсин. Сен ҳам билиб қўй, Россиясиз энди яшашимиз мумкин эмас.

Ота ва ўғил кучоқлашадилар. Раҳимқул отга минади.

Бирдан Мансурбек инграб, йиқила бошлайди. Раҳимқул отдан сакраб тушиб, отасини ушлайди, у яна ниманидир айтишга ҳаракат қилади, лекин кўз олди қорайиб, ҳушини йўқотади. Бекнинг орқасига захарланган ўқ санчилиб қолганди.

Хон саройидаги катта меҳмонхона. Зиёфат авжида. Чанг босган сафар кийимида Раҳимқул пайдо бўлади. Ҳорғин, оғир қадам ташлаб, хонга яқинлашади.

Куй тинади, раққосалар Раҳимқулга йўл бўшатгандай ўзларини четга оладилар. Ҳамма оғир сукутда. Раҳимқул хон тахти олдида тўхтади ва титроқ овоз билан гапирди: «Давлатпаноҳ... отамни... Мансурбекни... улдиришди».

Раҳимқулбекнинг шаҳардан ташқаридаги кўрғони.

Раҳимқул Эрондан қайтиб келгани муносабати билан ҳамқишлоқлари учун зиёфат уюштирган.

Энг тўрда, ҳовуз бўйидаги саданинг куюқ сояси тушиб турган супада оқсоқоллар ўтирибдилар. Улар бир-бирлари билан вазмин суҳбатлашиб, шошмасдан чой ичишмоқда.

Навбатдаги меҳмонни уйга олиб кириб, Раҳимқул, пойга бошланиши лозим бўлган ялангликка қайтади.

Матмурод, отда ўтирган ҳолда, Раҳимқулбекка секин гапирди:

— Отабек келдилар!

Кўрғон дарвозаси олдида отлиқлар тўхтади.

Дўстим отдан тушиб, ўзининг бир неча яқинлари қуршовида туради.

Раҳимқул илиқ табассум билан меҳмонга пешвоз чиқади. Дўстим ҳам худди шундай қилади. Улар қучоқ очиб кўришадилар.

РАҲИМҚУЛ. Эътиборингиз учун миннатдорман, Отабек...

ДУСТИМ. Бугун тонгда сизнинг соғ-саломат келганингиз ҳақидаги хабар менга етди. Минг афсуски, хонга Эрон шоҳи билан бўлган музокаралар ҳақида ахборот берганингизда, мен пойтахтда йўқ эдим... Эски касал — овчилик!

Меҳмонхона. Ерда туркман гиламлари. Раҳимқул билан Дўстим рўбарў ўтирибдилар. Хонтахта мева ва ширинлик солинган идишлар билан безатилган. Пиёлаларга май қўйилган.

ДУСТИМ. Чин ҳожи менга ахборотингиз ҳақида айтди...

РАҲИМҚУЛ. Менинг сафарим жуда муваффақиятли ўтди... Шоҳ бизнинг савдосотиқ тўғрисида жон куйдиришимизга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлди. Ёш султонларнинг босқинларини у шўхлик деб таърифлади... Бироқ, хонга шунга айтиб қўйишни сўрадики, бундай бебошлик натижасида юз бермиш қилғилиқлар икки давлат ўртасига ишончсизлик ва душманлик уруғини сочиши мумкин... Шоҳнинг фикрича, ёш султонларнинг шўхликларида уларнинг устозлари айбдордирлар.

ДУСТИМ. Сиз ҳақсиз, Раҳимқул... Менинг акам Чин ҳожи султон Элбарсни довярак жангчи қилиб тарбиялашга ҳаракат қилмоқда. Бу хил тарбия эса домм кўнгилдагидек натижани беравермайди... Май ҳам чет элликими?... Ҳай-ҳай-ҳай!

РАҲИМҚУЛ (қулимсираб). Муҳтарам бек, бу сўзлар Шайхулисломнинг қулоқларига етиб борса, у киши нима дер эканлар...

ДУСТИМ. Кеча, овдан сўнг, биз у билан гўзал бир бева аёлникида меҳмон бўлдик... Мени худонинг ўзи кечирсин!

Дўстим нозик қўлларини осмонга чўзади. Сўнгра май тўла пиёлани бир кўтаришида ичиб юборади, оғзига бир бўлак ҳалво солиб, Раҳимқулга кўзини қисиб қўяди.

— Қурбон ҳожининг айтишича, ўз ахборотингиздан кейин, сиз хон билан узоқ суҳбат қурибсиз.

Раҳимқулнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш сезилмайди.

— Ҳазрати олийлари шоҳ саройидаги ҳаёт билан қизиқдилар...

Отабек бирдан тараддуланиб қолади.

— Энди кеч бўлди. Мен хуфтон намозигача пойтахтга қайтишим лозим... Акамнинг тоби йўқ, мен бўлсам, ордан кейин ундан хабар олмадим.

РАҲИМҚУЛ. Бир оз меҳмон бўлсангиз бўларди, бек...

ДУСТИМ. Миннатдорман, қадрдон дўстим, биз сиз билан ҳали кўп отамлашганимиз, агар Россияга жўнаб кетмасангиз.

РАҲИМҚУЛ. Агар хон Россия билан дўстлик алоқаларини ўрнатишни истасе, мен унинг амрини бажаришга тайёрман.

ДУСТИМ [хаҳолаб]. Ахир, Араб Муҳаммад сизнинг бошингиз билан ўйлайди-ку!

РАҲИМҚУЛ. Миннатдорман... сиз, Отабек, бошимга юқори баҳо бериб юбордингиз.

Дўстимга хизматкор тўнни кийишда кўмаклашди. Май олиб кирадилар.

РАҲИМҚУЛ. Сиз яхши кўрган ичимлигингиз, Эрондан келтирилган.

ДУСТИМ. Овора бўлиб нима қилардингиз...

РАҲИМҚУЛ. Хафа бўламан, бек...

Дўстим таъсирланиб кетади, Раҳимқулни қучоқлайди.

Эшик очилади. Ундан озгина энгашиб отда бемалол ўтса бўлади.

Раҳимқул отдан тушади, отни Матмуродга қолдириб, дейди:

— Мени шў ерда кут.

ИСКАНДАР. Йўқ, йўқ, устоз, кираверсин. Шундай бўлгани маъқул...

Искандар бекнинг отини етаклайди, улар учови сарой девори ортида кўздан ғойиб бўладилар.

Қурбон ҳожининг уйи. Тун.

Ака-укалар: Чин ҳожи билан Дўстим уйда меҳмон. Юмшоқ парестиқларга ёнбошлаб олиб, уларнинг ҳар бири ўз хаёли билан банд. Қурбон ҳожи билан Чин ҳожи тасбеҳ ўгириб ўтирибди.

ДУСТИМ. Қўлларинг оғримаяптими?... Ёки гуноҳларинг тинч қўймаяптими?

Қурбон ҳожи укасига ер остидан қараб қўяди. У гуноҳкорона илжайиб, дейди:

— Бошқа қилмайман...

Ҳалвони қўлига олиб, қизиқиш билан кўздан кечиради.

— Мен ҳозиргина Раҳимқулнинг хузуридан қайтдим... Унинг меҳмони бўлдим.

Чин ҳожи бир дақиқа тасбеҳ ўгиришдан тўхтади. Ақаси қалин қошларини чимиради. Буларнинг ҳаммасини Дўстим илғайди ва ҳеч нима бўлмагандек давом этади:

— Чет элдан келтирилган майдан ичдим. Жаннати ичимлик! Мен ундан эролик жононларнинг нечасиникида меҳмон бўлдим,— деб сўрадим.

Қурбон ҳожининг кўзлари даҳшат-ла ёнади.

— Уч кечаю кундуз бузуқ-беваникида маишат қилдинг... Шайхулисломни йўлдан урдинг... Номуссиз, эшшак!..

ДУСТИМ. Мен туғилган акам босган йўлдан кетдим. Хуфтон пайтида унинг сарой маҳитида эмас, гўзал пари хузурида бўлишига менинг ҳавасим келарди.

ЧИН ҲОЖИ. [хаҳолайди]. Хўш, Раҳимқул хон билан учрашгани тўғрисида сизга нимани баён қилди?

ДУСТИМ. Сиз акамдан сўранг. Уларга ҳаммаси маълум...

Қурбон ҳожи ярашиш белгиси сифатида Дўстимга пиёлада май узатади. У мўйловини силаб қўйиб, бир симиришда пиёлани бўшатади.

Хоннинг оромгоҳи. Тун.

Араб Муҳаммад гиламга оҳиста қадам қўйиб, у ёқдан-бу ёққа юради. Диққат билан Раҳимқулнинг гапини эшитади.

РАҲИМҚУЛ. Эрондан қайтишда йўл жуда оғир бўлди. Мен одамларимга бир неча кун дам беришга қарор қилдим. Озиқ-овқатни ҳам ғамлаб олиш керак эди. Кутилмаганда Имомқулихон ўзининг бош мирзаси Шоҳ Қули Уйғурни юборди. Ёшлиқда мен у билан Самарқанддаги буюк Мирзо Улуғбек мадрасасида бирга таълим олганман.

Бухоро. Кундуз куни.

Раҳимқул ва Шоҳ Қули Уйғур шаҳарнинг сершовқин кўчаларидан юриб борадилар.

ШОҲ ҚУЛИ УЙҒУР. Бу йиллар ичида сиз кўп китоблар ёздингиз... Сизнинг номингиз машҳур ва табаррукдир. Яқинда мен «Хоразмшоҳлар тарихи»ни ўқиб чиқдим. Унда халқ ҳаёти, олимлар ва шоирлар ҳақида кўпгина қизиқарли далиллар келтирилган, аммо...

РАҲИМҚУЛ [айёрона жилмайиб]. Араб Муҳаммаддан илгари ўтган хонлар тўғрисида кам гапирилган...

ШОҲ ҚУЛИ УЙҒУР. Амирларга сизнинг бундай муносабатингиз Араб Муҳаммаднинг ғазабини келтириши мумкин.

РАҲИМҚУЛ. Менинг мадҳия эмас, давлат тарихи тўғрисида китоб ёзишимни давлатпаноҳим тушунадилар... Дўстим, сиз нега илмий машғулотларингизга чек қўйдингиз? Мадрасада сизнинг илмга зўр қобилиятингиз бор эди...

ШОҲ ҚУЛИ УЙҒУР [қовоғи соялииб]. Оила... Олти фарзанд... Шунча йиллар

Ўтиб учрашганимиздан жуда хурсанд бўлдим. Ёдингизда бўлсин, бек, Имомқулихон сиз билан бекорга учрашмоқчи эмас, Англия элчиси бизда меҳмон бўлиб турибди.
РАҲИМҚУЛ. Менинг Англия элчисига қандай алоқам бор?
ШОҲ ҚУЛИ УЙҒУР. Мен Имомқулихоннинг таклифини сизга маълум қилдим, лекин бўлак ҳеч нима демадим...

Сарой боғи. Кундуз куни.
Имомқулихон ва Раҳимқул ҳовуз бўйида туришибди.
ИМОМҚУЛИХОН. Сиз қандай фикрдасиз, муҳтарам бек, давлатларимиз ўртасида бундай совуқ муносабатлар илгари бўлмаган. Мен дўстлик ва савдо-сотиқнинг раванқ топишини шахсан кузатиб турибман...
РАҲИМҚУЛ (хотиржам, виқор билан). Шунинг учун ҳам дўстлигимиз мустаҳкам. Имомқулихон билан Раҳимқул боғда аста юриб боришади.
ИМОМҚУЛИХОН. Бизга айтишларича... сизларда Хоразмни юрагимиздан золиб олиб, Россиянинг қучоғига улоқтиришни жазм қилган одамлар бор эмиш [кўз қири билан Раҳимқулга қарайди].
РАҲИМҚУЛ. (Бепарволик билан жилмайиб). Сизга ёлгон айтишибди. Биз Россия билан савдо-сотиқ тўғрисида битим тузмоқчимиз, доимий алоқаларимиз йўқ-ку... Сизнинг элчингиз... ҳурматли Одамбек Россиядан қайтмаяптими?
ИМОМҚУЛИХОН [саросимада]. У бир йилдан кейин келиши керак.
РАҲИМҚУЛ. Демак, бизнинг элчи билан учрашар экан. Бирга қайтишса, зериктирмайди.

Хиёбон охирида овоз эшитилади:
«Англиянинг олий ҳазрат элчиси!»
Англия элчиси тез-тез юриб келиб, улар билан кўришади.
ИМОМҚУЛИХОН. Мен сизга дўстим, катта олим Раҳимқулбекни таништиришдан ҳоят мамнунман...

ЭЛЧИ. Танишганимдан хурсандман.
РАҲИМҚУЛ. Миннатдорман, элчи жаноблари... [Имомқулихонга мурожаат қилди] Уэр, мен сафарга ҳозирлик кўришим лозим.
ИМОМҚУЛИХОН. [ҳайрон]. Биз билан бирга овқатланмайсизми?
РАҲИМҚУЛ. Йўқ-йўқ. Эртага тонгда ватанимга йўл оламан... Баъзи бир ишларни битириш керак.
ИМОМҚУЛИХОН. Тушунаман... Тушунаман. Ушлаб туролмаймиз. Суюкли синглимиз — малика Қутлижамолга ва муҳтарам Арабхонга қизгин саломимизни етказгайсиз.

РАҲИМҚУЛ. Миннатдорман, тақсир...— Раҳимқул бошини енгил эгиб хайрлашади ва чиқиб кетади.
ИМОМҚУЛИХОН [элчига]. Мен сизни Хоразмнинг ҳақиқий ҳукмдори билан таништирдим...

Хоннинг оромгоҳи. Тун.
Араб Муҳаммад Раҳимқулдан сал нарида турибди, қаёққадир узоқларга тикилади. Унинг нигоҳи совуқ ва шафқатсиз.

АРАБ МУҲАММАД. Энди чўзиб ўтириш мумкин эмас.
РАҲИМҚУЛ. Ҳар бир кун ғанимат... Битимни қанчалик тез имзоласак, ўз хавфсизлигимизни шунчалик тез таъминлаймиз. Англия Имомқулихонни Хоразмни босиб олишга гиж-гижламоқда. Бундан Англия нима фойда кўрмоқчи, менга унчалик равшан эмас... [Уйчан]. Аммо, у Бухоро билан Хоразм учун бирдек хавфли бўлган бирор-каттароқ нарсани ният қилаётгандир балким...

Қурбон ҳожининг меҳмонхонаси.
ҚУРБОН ҲОЖИ. Раҳимқулдан ҳеч нарсани билиб ололмадим, дегин?
ЧИН ҲОЖИ. Ҳеч нарсани? Худди отаси сингари, у ҳам Араб Муҳаммадга содiқ хизмат қилади. Бир оғиз сўзини ололмайсан.
ДЎСТИМ. Уйлайманки, бугун ҳаммаси ҳал бўлади.

Раҳимқулихоннинг кўрғони.
Раҳимқул Матмурод билан сада тагида нонушта қилмоқда.
РАҲИМҚУЛ. Қурбон ҳожи қари тулки. Чин ҳожи ялқов, унинг учун дунёда шахсий манфаатдан қимматлироқ нарса йўқ. Оламни сув олса тўпига чикмайди. Унга биров тегмаса бўлгани, Отабек хавфли!.. Ақлли, чаққон, айёр. У ҳаммасини остин-устун қила олади.

МАТМУРОД. Устод, сизга Дўстим халақит қилиши мумкинми?
Раҳимқул дарахтга ўйчан қарайди.
— Қўлидан желади. У хавфли рақиб.

Сарой боғи.
Араб Муҳаммад хиёбонда сайр қилиб юрибди. Унинг ёнида Раҳимқул. Сал нарироқда хизматкор Искандар, у хонга ҳеч ким яқинлашмаслиги учун атрофини куза-тиб юрибди.

АРАБ МУҲАММАД. Қурбон ҳожи билан бўлган бир вақтлардаги суҳбатимиз ёдимга тушди... Ушанда унинг қўлида анчагина жун ва гилам тўпланиб қолганди... Уларни Бухоро, Эрон, Ҳиндистон ёки Хитойда сотишнинг фойдаси йўқ. Бунақа моллар у ерда жуда кўп эди. Қурбон ҳожи эса молларининг арзонлашиб кетиб, зарар

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВ ◆ КАРВОН ШИМОЛГА ЙЎЛ ОЛДИ

кўришидан кўрқар эди. У ўз толедан нолий бошлади. Енимда бўлган бош вазир Ҳасанбек, Мансурбек, Россия билан савдо қилсақ қандай бўларкин, деган фикрни айтдилар. Қурбон ҳожи менга ялина кетди... Мен Мансурбекни... ўлимга юбордим...

Хон Раҳимқулга диққат билан назар ташлаб, аламли жилмаяди. Кейин бирдан башараси ўзгариб қатъий дейди:

— Энди, шунча йил ўтиб кетгандан кейин, улар Россия билан битим тузишни хохламаганликларини тушундим...

Хон ҳовуз бўйида тўхтади. Жимгина, чуқур хаёлга чўмганча, ҳовуз тубини кузатгандек, кўм-кўк сувга ўйчан қараб туради.

АРАБ МУҲАММАД. Улар Россия билан битим тузишни хохламаяптилар. Бизга курашишни таклиф қилмоқдалар.

Хон Раҳимқулга синовчан қарайди:

— Балким, сиз, муҳтарам Раҳимқул, ҳозир курашга қатнашмай турарсиз? Кураш хавфли... Шундай бўладики, хонлар ҳам ютқазадилар. Бунинг оқибати нима билан туғашини ўзингиз биласиз.

РАҲИМҚУЛ. Йўқ, йўқ! Мен сиз билан биргаман.

Хон миннатдор жилмаяди.

— Узингизга авомдан бир йигитни ёрдамчи қилиб олинг.

Раҳимқул ҳайрон:

— Аммо, яхши йигитлар мулкдорлар орасида ҳам бор.

АРАБ МУҲАММАД. Авомдан танланг. Сафарда синаб кўринг. Сизга ёқса, шубҳасизки, менга ҳам нафи тегади.

Тахт ўрнатилган зал. Бу ерда хоннинг яқин одамлари йиғилишган.

Раҳимқул киради. Зални бамайлихотир кесиб ўтади ва ўз ўрнига, тахтнинг ўнг томонига боради. Тахтнинг чап томонида турган Дўстимга кўзи тушади. Иккови қўлларини кўксига қўйиб, жилмайиб таъзим қиладилар.

Хон пайдо бўлади. Ҳамма таъзим қилади.

АРАБ МУҲАММАД. Мен сизларни ўз қароримни эълон қилиш учун чақирдим.— Хон бу ердагиларни совуқ назар билан кўздан кечиради.— Менинг дўстларим... хурматли Раҳимқулбек, Отабек Дўстим, бош вазир Ҳасанбеклар менга шимолдаги қўшнимиз Россия билан савдо битими тузишни бир неча бор ва қатъий равишда маслаҳат бердилар.

Қурбон ҳожи ғазабда, ер остидан Дўстимга қарайди. Тасбех ўгириб турган Чин-ҳожи қотиб қолади. Раҳимқул, Дўстим ва Ҳасанбек хоннинг кўзига хотиржам қараб турадилар. Хон хулоса қилиб қуруқ оҳангда дейди:

— Узоқ мулоҳазалардан сўнг, ҳаммасини тарозига солиб кўриб, мен дўстларимнинг маслаҳатига рози бўлишга қарор бердим.

Хон тахтдан тушиб, эшик томон юради.

Хон чиқиб кетгач, эшик ёпилиши билан, қолганларга эшикоғаси шундай мўржаат этади:

— Ҳазрати олийлари сиз, сарой кенгаши аъзоларини, ўзлари билан оқ ўтовда тушлик қилишга таклиф қиладилар.

Кичкина ҳовли ўртасидаги лой супа устига оқ ўтов тикилган. Шошмасдан, салмоқлиниб гаплашиб, энг олий мансабдорлар ўтовга кўтариладилар.

Қариб қолган хон чўғ тўла манқал олдида совқотган ориқ қўлларини оловга тоблаб, иситиб ўтиради. Отасининг тиззасига сўяниб олган хоннинг кичик ўғли, султон Авғон Муҳаммад амалдорларни кузагади. У ўн ёшда, лекин ёшига номувофиқ, йирик гавдали, кўрганлар ўн турт-ўн беш ёшдан кам чамаламайди.

Хон ёнидан бош вазир Ҳасанбек, ака-укалар — Чин ҳожи, Қурбон ҳожи, Дўстим, Қозикалон, бир қанча яқин беклар жой олганлар.

АРАБ МУҲАММАД. Агар биз рус подшоҳининг марҳамати ва дўстлигига муяссар бўлсақ, еримизни бирорта ҳам душман топтаёлмайди... Кимки бизга адоват қилса, дўстимиз — рус подшоҳининг ғазабига дучор бўлади.

Чин ҳожи билан Қурбон ҳожи ўзгаларга сездирмасдан норози оҳангда бир-бирларига қараб кўядилар.

ЧИН ҲОЖИ. Давлатпаноҳ, сизнинг донишмандлигингизнинг чеки йўқдир. Сизнинг ғамхўрлигингиз шарофати билан мана, уч йилдирки, халқимиз тинч ҳаёт кечирмоқда. Уруш йўқ, фалокатли босқинлар йўқ... Лекин шуниси ҳам борки, рус шоҳи биздан анча узоқда... Саҳролар, поёнсиз чўллар ерларимизни ажратиб туради...

Араб Муҳаммаднинг ёшланиб турадиган, ҳеч нарса англаб бўлмайдиган кўзлари Чин ҳожига тикилади. Ҳукмдорнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш сезилмайди.

ЧИН ҲОЖИ. Давлатпаноҳ, мусулмон қардошларимиз — Эрон шоҳи ва Бухоро амири Имомқулихон билан дўстлик ришталарини мустаҳкамласак маъқул бўлмасмикин...

Раҳимқул киради. Хон имлаб, ёнидан жой кўрсатади.

АРАБ МУҲАММАД. Утиринг, Раҳимқул. Соғ-саломатмисиз, аҳволларингиз қандай?

РАҲИМҚУЛ. Давлатпаноҳ, сизнинг ҳиммат-мурувватингиз соясида соғ-саломатман. Яратгандан соғлигингизни тилаб, ҳақингизга доимо дуо қилиб юрибман.

Чин ҳожи, гапи кутилмаганда бўлиниб қолганидан норози бўлиб тумшайиб олади. У Раҳимқулга намойишқорона орқа ўгириб, ўтовни биринчи марта кўриб тургандай, уни кузата бошлайди.

АРАБ МУҲАММАД. Сизни табриклайман, Раҳимқул. Оллонинг инояти билан сиз ўзингиз билган форс, араб тиллари, қаторига рус тилини ҳам қўшдингиз ва, оқибат

натижада, бизнинг хоҳишимизни бажо этдингиз. [Хон қарсақ чалиши билан хизматкорлардан бири олтин баркашда зарбоф тўн олиб киради ва Раҳимқулнинг олдига қўяди. Хоннинг юзида энгил табассум аксланади]. Бу сизнинг жонқуярлигингиз ва давлат ишларининг моҳиятини тўғри тушунишингиз эвазига. Биз сизни Москвага, буюк князь ва Русия подшоҳи хузурига юбормоқчимиз. Шимолдаги улуғ қўшнимиз билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаш лозим бўлган фурсат етиб келди.

Қурбон ҳожи, Чин ҳожи ва Дўстим кимсасиз, тор кўчалардан отда ўтиб бормоқдалар.

ҚУРБОН ҲОЖИ [ғазаб билан]. Еш болалардек алдаб кетди бизларни.
ЧИН ҲОЖИ [масҳарамуз]. Еш боладай! Йў-ў-ў! Ахир уч-тўрт йил олдин ов пайтида, бу доно фикрни унга ўзинг айтган эдинг-ку. [Дўстимга ўгирилиб, қўшимча қилади.] Узи айтган, бошқа биров эмас. Энди бўлса аччиғи чиқапти.

ҚУРБОН ҲОЖИ [бирдан жаҳли чиқиб]. Узим, ўзим! Нега бўлмаса шу пайтгача лом-мим демадинг?

ДУСТИМ. Жанжаллашманг, Буни хотиржам ўйлаб кўриш керак. Бизникига бо-райлик. Гаплашамиз. [ўннга бўрилади, унинг орқасидан акалари жимгина эргашади-лар].

Дўстимнинг уйи.

Еруғ меҳмонхонада Қурбон ҳожи, Дўстим ва Чин ҳожи бемалол суҳбатлашиб ўтирадилар.

ҚУРБОН ҲОЖИ. Арабхонни йўқотиш керак!

ДУСТИМ. Ҳовлиқшининг ҳождати йўқ. Мева етилиши лозим, ана ўшанда биз уни мана бу олма сингари... [патнисдан қизил олмани олади ва қарсиялатиб тишлайди]. Мен содиқ одамимни. Имомқулихоннинг олдига жўнатдим. Биз Арабхоннинг ўрнига ўғли Элбарсни тахтга ўтқазсак, Имомқулихоннинг ўзини қандай тутиши бизга бари бир эмас... Бир йўла унинг русларга бўлган муносабатини ҳам текшириб кўрамиз.

ҚУРБОН ҲОЖИ. Кўнгиллари нималарни тўсаб қолибди! Давлатни кофирлар ҳукмронлигига топширармиш... Кўрамиз, ким кимни ютиб чиқаркан.

ДУСТИМ [тайёрона қулади]. Ака, қимматли фикрларингизни аниқроқ айтаверинг. Биз, ўз мулкчимизни бировларга тасарруф қилдириб қўйиш учун ҳеч кимга йўл бермаймиз демоқчисиз? (хаҳолайди).

Токзор.

Раҳимқул билан Матёқуб пишиб етилган узум бошларини базўр кўтариб турган ишқом ичидан тинчгина суҳбатлашиб борадилар. Матмурод катталарнинг гапига ара-лашмай, сал орқароқда юради.

РАҲИМҚУЛ. Ҳосил яхши бўладими?

МАТЁҚУБ. Узум яхши бўлди, қовун ҳам кўп бўлса керак. Буғдойни янчиб ол-дик, қишга ғалламиз этади. Нола қиладиган еримиз йўқ...

РАҲИМҚУЛ. Бугун сизни эсладим. Яқинда узоқ сафарга жўнашим керак. Узин-гиз биласиз, йўлда содиқ ҳамроҳларинг бўлиши лозим. Кўп йигитлар менинг карво-нимга қўшилишга истак билдирмақда. Лекин, синалмаган отнинг сиртидан ўтма дейи-шади. Мен ўзимга ўғлингиз Матмуродни ёрдамчи қилиб олмоқчиман.

МАТЁҚУБ [ўғлига разм солиб қарайди]. Тақсир, сизнинг хоҳишингизни рад эт-маймиз. Лекин, ҳисобли дўст айрилмас, дейдилар. Мен ўғлимнинг меҳнат ҳақини би-лишим керак.

РАҲИМҚУЛ. Унинг қорни тўқ, усти бут бўлади [йигитчанинг титилиб кетган қал-поғини, фақирона кийимини кўздан кечиради]... Астойдил хизмати учун йилига тўрт танга олтин тўлайман.

МАТЁҚУБ. Балки, кўпроқ берарсиз?

РАҲИМҚУЛ. Тўрт танга камми? Ахир бу пулларга қанча ер сотиб олиш мумкин-лигини биласизми?

МАТЁҚУБ. Биламан, тақсир, биламан. Лекин, бари бир, чўғи камроқ кўриняпти.

МАТМУРОД. Ота, менга бир танга тўласалар ҳам, хизмат қилишга тайёрман.

МАТЁҚУБ [уялиқираб]. Майли, тақсир, сизнингча бўла қолсин.

Раҳимқулнинг шаҳардаги уйи. Бир неча савдогар Раҳимқулни ўраб турибди.

РАҲИМҚУЛ. Жаноблар, келаси жумага тайёр бўлинглар, қарвон тонгда йўлга чиқади.

Савдогарлар хайрлашиб, кетадилар.

Раҳимқул олдига Матмуродни чақиради:

— Қутлижамол ҳазрати олияларининг олдиларига бор... Менда нима хизматла-ри борлигини сўраб бил.

Араб Муҳаммаднинг кичик хотинининг уйи. Уйнинг ташқари ҳовлиси.

Матмурод жориялар бошлиғи билан гаплашиб турибди. Уни зимдан диққат билан кўздан кечиради. Аёл, барча жориялардек, оддий кийинган, лекин унинг юзи суддек оппоқ, кўзлари мовий.

МАТМУРОД. Мен қаерда кутиб турай, холажон?

ДАРЪЯ. Мени Дарья хола деявер... Мени шу ерда кут, бошқа кутадиган жойнинг ўзи ҳам йўқ [жилмаяди]... Мен ҳозир.

Дарьяга бу камтар йигитнинг нимасидир ёқиб қолади. Унга оналарча меҳр би-лан, илиқ назар ташлайди.

Хоннинг кичик хотинининг ичкари ҳовлиси.

Деворлари нақш билан ишланган айвон олдида **Матмурод**, унинг ёнида **Дарья** турибди.

Айвонда юзи оқиб чиройли аёл. Ёши ўттизларда. Бу — хоннинг кичик хотини — **Қутлижамол**.

ҚУТЛИЖАМОЛ. Агар **Раҳимқулбек** иложини қилсалар, менга сувсар пўстин билан илак жундан тўқилган рўмол сотиб олсинлар. Мана бу пулларни олинг...

МАТМУРОД. Бекам, устозим пул олгин демаганлар.
ҚУТЛИЖАМОЛ. Ундай бўлса, сафардан қайтганидан кейин ҳисоб-китоб қилар-миз. Сиз, йигитча, полизга бориб ўнчақа қовун танлаб қайтинг. Москвада улар **Раҳимқулбекка** она тупроғини эслатиб туради.

Ташқари ҳовли.

Дарьянинг ёноқларидан кўз ёшлари думалайди. У **Матмуродга** қараб йиғисини зўрға тутиб турар, катта очилган кўзларида киши кўнглини вайрон қилувчи соғинч қотиб қолган.

ДАРЬЯ. Болагинам... ҳозир бир одам чиқиб, отни эгарлайди. Сен меннинг вата-нимга жунаясан. Иккала ўғлим ўша ерда қолишган... Бири сендан сál каттароқ, иккинчиси тенгдошинг бўлса керак. Мен билан қизим туради, у шу ерда туғилган... Мени ўғирлаб келишган, қул қилиб сотишган... Ун етти ёшимдан бери мана шу меҳ-рибон бека ҳузуридаман. Болам **[Дарья хотиржам гапира олмайди, гапира туриб йиғ-лаб юборади]**. Ватаним тупроғига қадам қўйишинг билан, унга таъзим қилиб, ўпиб қўйгин **[Дарья унинг оёғига йиқилади]**.

МАТМУРОД **[саросимада]**. Нима қиляпсиз, холажон **[уни турғазайди]**.
Шу пайт ичкари ҳовлидан бир отлиқ чиқади. **Дарья** рўмолнинг бир учи билан кўз ёшларини артади, унинг елкалари титрайди. **Матмурод** отга минади.

— Қани, кетдик! — қистайди отлиқ.

Матмурод кўчага чиқади, ўғирлиб, **Дарьяга** қичқиради:

— Айтганингизни, албатта бажо келтираман.

От минган ёш йигит олданда, **Матмурод** унинг кетидан кетмоқда. Улар кич-кина кўрғондан ўтиб, кенг далага чиқадилар, чайла олдида тўхтайдилар. Отдан туша-дилар. **Қоровул** пайдо бўлади.

ҚОРОВУЛ. Хуш келибсизлар... кўпдан бери бизнинг томонларда кўринмай қол-динлар.

ЁШ СУВОРИЙ. Асалому алайкум, отахон. Бекам бу одамга энг яхши қовунлар-дан олиб беришингизни буюрдилар. Йўлга...

ҚОРОВУЛ **[Матмуродга]**. Отни қозикқа боғлаб, мен билан юринг, бирга тан-лаймиз...

Қоровул билан **Матмурод** қалин тўшалган хашак олдига келадилар. **Қоровул** хашакни эҳтиёткорлик билан очади, хашак тагида **Хоразмнинг машҳур бирик, пўчо-ғи тўқ яшил қовунлари** кўринади.

ҚОРОВУЛ. Ёққанини ажратиб олинг, лекин заха емасин. Йўлда авайлаб сакланг-лар.

Матмурод ишга киришади.

Қоровул иккинчи отлиқ турган чайла олдига боради, ўртамиёна катга эски шол-ча солади.

ҚОРОВУЛ. Утир, қизим... Анчадан бери келмайсан... Сенга атаб қовун асраб қўй-ганман...

Қоровул **Матмуроднинг** олдига қайтиб боради, хашакни у ёқ-бу ёққа титиб, қў-лига қовун олади. Кат томон йўл олади.

— Кўрдингми, **Марийка**, қандай ажойиб!

Матмурод ўғирлиб қарайди.

Ҳолат гўзал бир қиз турарди. Унинг малла сочлари ёйилган, енгил шабада улар-ни эркаларди. У узоқ-узоқларга ўйчан назар ташлайди.

Бу **Мария** — **Дарья**нинг қизи. Ёши ўн олтида. **Матмурод** қўлида қовун ушлаб турганини унутади. У жуда ҳайрон бўлиб, ўзини йўқстиб қўяди.

МАРИЯ **[Матмуродга]**. Келинг, қовун еймиз...

Матмурод, худди сеҳрлангандай, қўлидаги қовун билан супа томон юради.

ҚОРОВУЛ. Қовунни ташлаб келавер, ўғлим! Шунинг ўзи етади.

Шаҳар. **Мадрасанинг** кенг хоналаридан бирида **Раҳимқул** шогирдлари билан машғулот ўтказмоқда.

РАҳИМҚУЛ. Ҳақиқий олим бўлиш учун ҳар қайсингиз халқ ҳаёти, унинг мадания-тини чуқур ўрганишингиз лозим. Сиз кўп китоблар ўқиб чиққансиз, бу жуда яхши, лекин, уларнинг ҳаммаси юртимиз тарихи ҳақида.

Энди ўз юртингизга қайтгач, деҳқон, ҳунарманд, тўқимачининг меҳнати ҳақида ёзинглар... Яна бирга йиғилганимизда ёзувларингизни муҳофама қиламиз. Мен, қайси бирингиз инсон ҳаётидаги энг асосий нарсани кўришни англаб олганлигингизни били-шим зарур.

Хонага хон хизматкори киради, ҳеч нима демай, **Раҳимқулга** майча қилиб ўрал-ган хат узатади. У хатни очиб, кўз югуртиради.

Раҳимқул шогирдлари билан хайрлашиб, хизматкорнинг орқасидан кзма-из чи-қиб кетади.

Хон саройи.

Хон унча катта бўлмаган залда у ёқдан-бу ёққа бориб келмоқда. Бурчанда хонтах-

та. Хонтахта устида сопи олтин шаҳрихон пичоғи. Унинг ёнида кўзи йирик бадахшон лаълисидан қилинган тилла узук. Ёғочдан ўймакорлик билан ишланган қутича ва қимматбаҳо тошлар қадалган пичоқ қини ётади.

Раҳимқул киради.

АРАБ МУҲАММАД. Мен сизни, бек, ишларимизни ниҳоясига етказиш учун чақиртирдим. Искандар!

Худди ер остидан чиққандай, хоннинг хизматкори пайдо бўлади. Бир неча қадам юриб келиб, тўхтади.

АРАБ МУҲАММАД. Ҳеч ким, ҳатто Султон Авфон Муҳаммад ҳам киритилмасин. Искандар чиқиб, эшикни маҳкам ёпади.

АРАБ МУҲАММАД. Подшоҳга хат тайёрми?

Раҳимқул тўнининг ички чўнтагидан ўроғлик хатни олади.

АРАБ МУҲАММАД [ўқийди]. Шоҳ бизни ўз оиласига қабул қилиши учун... жуда яхши ёзилган (ўқиб бўлиб, мулоҳаза қилади). Яққа ўзимиз дош беролмаймиз. Эрон билан Бухоро бизни янчиб ташлаш учун қулай фурсатчи пойлаб ётибди. Сиз подшоҳ билан шахсан учраштиришларини талаб қилинг ва хатни топширинг... Мана бу совғаларни ҳам...

Араб Муҳаммад пичоқни қинига солади, узукни қутичага жойлайди. Буларнинг ҳаммасини шоҳи рўмолчага ўраб, Раҳимқулга тутқазади.

АРАБ МУҲАММАД. Дўстим, худо омадингизни берсин. Омин! [хон қўлларини очиб, юзига фотиҳа тортади]. Шунинг ёнингизда тутингки, сиз учун энг муҳими шу дир.

Поёнсиз сахро.

Бир-бирига боғланган туялар, занжирдай тизилиб, олдинда пилдиллаб кетаётган эшак кетидан итоаткорона қадам ташлаб бормоқда. Эшакка йўл бошловчи чол мнииб олган.

Матмуроднинг бошида янги чўғирма, эғнида яхши мовутдан тикилган чакмон, ўзида йўқ хурсанд бўлиб, отини ўйнатиб, қарвоннинг гоҳ бошида, гоҳ охирида кўзга ташланади.

Қарвон тунаш учун қудук олдидан жой ҳозирламоқда. Оқшом.

Соқчилар тепаликларда ўз ўринларини эгаллайдилар.

Катта қозонларда овқат пиймоқда.

Раҳимқулнинг ўтовида Матмурод, йўлбошчи чол ва икки савдогар ўтиришибди.

РАҲИМҚУЛ [ласт овозда]. Бу ердан Астраханга денгиз билан эмас, Эмба орқали кетамиз. Буни ҳамманинг билиши шарт эмас. Денгизга боришда бизни Унбеги пойлаб ётибди... «етти гўзал» қудуғи олдидан... Сиз нима дейсиз, оқсоқол?

ЙЎЛБОШЛОВЧИ [ўйлаб туриб, жавоб беради]. Астраханга денгиз орқали юрмасак, ўн кун кечроқ етиб борамиз... Лекин, дам олиш учун вақтни қисқартирсак, икки-уч кун тежашимиз мумкин. Одамларни уйғотишни менга ишонинг, бек, кексалар куш уйқу бўлишади.

РАҲИМҚУЛ. Ердамингиз учун миннатдорман, оқсоқол. Биз сизга ўз тақдиримизни, ҳаётимизни ишониб топширамиз. Дўстлар, дам олинглар. Матмурод, сен қол.

Ҳамма кетади.

— Навбат билан ухлаймиз. Аввал мен, кейин сен... Тун бўйи соқчиларни текшириш керак... Бу ерлар хавфли.

Матмурод ўтовдан чиқиб, соқчиларни текширади, яна одамлар олдига қайтади. Кичкина гулхан олдидан, ерда ётган туяга суяниб ўтирган йўлбошловчи чолни кўради.

МАТМУРОД. Нега ухламаяпсиз, ота?

ЧОЛ [ёниб ётган саксовулга ўйчан қарайди]. Мана шу ерда... йигирма йилча бўлди... Мансурбекни ўлдиршган. Бек яхши одам эди. Мени йўлбошловчи қилиб олган. У менга: «Мен сени ўзим билан Москвага олиб кетаман, йўлни Астрахангача эмас, охиригача билиб олсан»,— деган. Мана, унинг ўғли, Раҳимқул ҳам шу сўзларни қайтарди.

МАТМУРОД. Бекни ким ўлдирган!

ЧОЛ. Худо билади... аммо қотилни Хивадан туриб қўллашган дейишади... Бу ерда ўғлим... [косов билан ерни нуқади], Хоразм билан Бухоро чегаралари туташади. Мана, қанақа жой бу... Раҳматлик яхши одам эди, ўзимиздан, хунармандлардан, лекин саводли эди. Қандайдир мўъжиза юз берган-у, хон уни ёшлигида кўз остига олиб қўйган. Элчи қилиб тайинлади, беклик унвонини берди... Мансурбекни чамаси ўттиз йил мобайнида билганман. У билан Ҳиндистонга, Хитойга, Боғдоғга борганман. Ҳа, унинг қарвонларини қаёқларга бошлаб бормадинг!... Энди эса, эҳтимол, сўнгги бор қарвон бошлаб бораётгандирман. Ёш ҳам саксонга қараб кетди.

Матмурод ўрнидан туради. Гулхан шуъласи унинг ўйчан, шу билан бирга ташвишли юзини ёритади.

Москва остонасидаги ўрмон. Унинг ёнидаги қишлоқ.

Қаҳратон қиш, томлардаги қор кумушдай товланади.

Чаналарнинг узун қарвони кўринади, чаналар қаттиқ гичирлайди.

Қарвон бошида от минган Раҳимқул, Матмурод, савдогарлар келмоқдалар.

Қарвонга бир неча отлик пешвоз чиқади. Қарвон тўхтади. Тўдадан икки отлик ажралиб, Раҳимқул томон келади. Қалин соқоллиги Раҳимқулга тантанавор гапирди:

— Бутун Россия шоҳи Михаил Федорович Романовнинг топшириғига бинан, Хоразм элчисини мен, мирза Иван Грамотин, кутиб олиш шарафига муяссарман.

Тилмоч Грамотиннинг сўзларини тез таржима қилади.
Карвон яна кўзғалади.

Грамотин ўрта ёшларда, яғриндор, зуваласи пишиқ киши, сувсар пўстин кийиб олган.

Раҳимқул билан Грамотин ёнма-ён кетмоқдалар. Раҳимқулнинг эғнида тулки те-рисидан тикилган, сиртига мовут сирилган пўстин, бошида қимматбаҳо тилларанг қо-ракўл қалпоқ.

Грамотин элчи билан дўстона суҳбатлашмоқда.

ГРАМОТИН. Йўлда совуқ қотмадингизми? Ҳозир қаҳратон совуқ. Кечалари бу-рон қутуряпти [унинг гапларини Раҳимқулнинг ўнг томонида бораётган тилмоч тар-жима қилиб туради].

РАҲИМҚУЛ [кутилмаганда, ўзига хос талаффуз билан русча гапира бошлайди]. Сизнинг лашкарбошингиз Нижний Новгородда бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди... Бу эса, дилларимизни қуёш сингари илтиб юборди... Ҳозир биз совуқни сезмаяпмиз. Хурматли Иван Грамотин [мирзанинг исми шарифини Раҳимқул алоҳида эхтиром билан айтади]. Сиз менинг элчи эканлигимни қандай қилиб билдингиз?

Грамотин Раҳимқулнинг русча гапидан ҳайратда қолади.

ГРАМОТИН. Ажнабий меҳмонларни кўп кутиб олганман, бир қарашда бошлиқ-ларини ажратишга одатланганман [қулади, кейин астойдил самимият билан, қўшим-ча қилади]. Сиздан олдин чопар келиб, тасвирлаб берди.

Раҳимқулнинг дилида бу одамга нисбатан чуқур ҳурмат туйғуси уйғонади.

Чаналар қаторлашиб, шаҳарга кириб келади. Кремль тўплари меҳмонлар ша-рафига гумбурлайди.

Карвон Тверь кўчасидаги Бухоро саройига йўл олади. Кўчадан қор кураб таш-ланган, йўлнинг икки томонида, Хоразм элчиси шарафига тантаналарда кийиладиган кийимдаги аскарлар саф тортиб туришибди.

Матмурод шаҳар кўчаларини тўлдирган одамлар оқимини, офтобда кўзни қа-маштираётган черков қуббалари-ю, Кремль минораларини зўр қизиқиш билан то-моша қилади.

Элчини Бухоро саройигача кузатиб қўйиб, Грамотин Раҳимқулга мурожаат қи-лади:

— Дам олинг, жаноби элчи. Ҳойнаҳой, йўлингиз қисқа бўлмагандир...

РАҲИМҚУЛ. Миннатдорман сиздён, азиз Иван Грамотин.

Бухоро элчилари кўнадиган қароргоҳ. Катта меҳмонхона, ҳаммаёқ шарқ услу-бида ясатилган.

Раҳимқул хона ичида у ёқдан бу ёққа бориб келмоқда. Яхши ҳордиқ чиқарга-ни кўриниб туради, фақат қовоқлари кўп ухлаганидан бир оз салқиган.

Матмурод киради.

— Устоз, жаноб Иван... келдилар [фамилиясини ҳеч талаффуз қила ололмайди].

РАҲИМҚУЛ [жилмайиб]. Грамотин. Таклиф қил.

Грамотин тилмоқ билан киради. Раҳимқул уларни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, тўрга, юмшоқ кўрпачаларга ўтказди.

Грамотин Раҳимқулнинг чордона қуриб ўтираётганини диққат билан кузатади. Узи ҳам шундай ўтиради.

Грамотин чўқинади, Раҳимқул буни кўриб юзига фотиҳа тортади.

Грамотин билан Раҳимқулнинг кўзлари тўқнашиб, кулишади.

ГРАМОТИН. Худо битта-ю, динимиз ҳар хил. Тилимиз ҳар хил-у, лекин биз бир хил одаммиз. Бизнинг қуёшимиз унчелик иситмайди — биз оқмиз, сизда эса, жаноби Раҳимқул, қуёшингиз иссиқ — таналарингиз офтобда қорайган.

РАҲИМҚУЛ. Сиз ҳақсиз, жаноби Иван Грамотин. Биз ҳаммамиз бир хил инсон-миз, демакки, ажралмас дўст бўлишимиз керак. Фикрингизни тўғри тушундимми?

ГРАМОТИН. Худди шундай, жаноби элчи.

Янги беқасам тўн кийиб, белига шойи белбоғ боғлаб олган Матмурод қаққон-лик билан дастурхон ёзади. Дастурхонга ёғли патир, майиз, туршак, жийда, ёнғоқ сингари қуруқ мевалар, чиройли қилиб сўйилган қовун тортилади. Раҳимқул чинни чойнақдан пиёлага чой қўйиб, Грамотинга узатади.

РАҲИМҚУЛ. Араб Муҳаммадхон ҳазратлари узоқ умр кўриб, ўз юртларини ҳа-мон қатъий туриб идора қилмоқдалар. У кишининг еттига ўғиллари бор. Кичик ўғил-лари султон Авғон — Имомқулихоннинг синглисидан туғилган. У Эрон шоҳи билан яқин дўст.

ГРАМОТИН. Афв этинг, жаноби элчи, гапингизни бўлдим. Чамаси, икки йилча олдин, эшитишимизча, хоннинг ўғиллари Эрон шоҳининг ерларига ҳужум қилиб, бой ўлжа билан қайтишган. Ахир бу дўстнинг ишимас-ку!

РАҲИМҚУЛ. Ҳа, шундай бўлган, хонзодалар эрқаланиб кетишган, лекин хон уларни ўзига бўйсундириб олган.

ГРАМОТИН. Эртага сизни ҳукмдор қабул қиладилар. Шоҳга қандай совғалар тор-тиқ қилмоқчисиз, олий ҳазратга қандай илтимосларингиз бор?

Раҳимқул гапнинг бошқа мавзуга ўтганидан мамнун бўлиб, хон тамғаси босил-ган, найча қилиб ўралган ёрлиқни ғилофдан суғуради, уни Грамотинга узатаётиб, дейди:

— Бунда ҳаммаси битилган.

Тилмоч ёрлиқни таржима қилади.

ГРАМОТИН. Яхши!.. Яхши!.. Нима ҳам дердик, агар савдода бизнинг савдогарларимизга ҳеч қандай чеклашлар қўймасанглар, савдо-сотикни бошлаб юборамиз. О, лозим бўлса, ҳатто ёрдам ҳам берамиз денг!.. Жуда соз! Уйлайманки, шохимизга бундай таклифлар жуда ёқиб тушади. Хуш, давом этамиз... Энди биздан нима сотиб олмақчисизлар? Сувсар терисини, мовут, қозонлар ва ҳоказо... Буларнинг барисини топиш мумкин... Фақат курол масаласи... Бизнинг ўзимизга темир етишмайди [хўрсинади], аммо чин дўстлар учун ҳеч нарсани аямаймиз. Бор нарсамизни баҳам кўрамиз.

РАҲИМҚУЛ. Мана бу дўстнинг сўзи! Биз ҳам яхшиликни унутмаймиз.

ГРАМОТИН. Сиз хоннинг яқин одамисиз. Унга таъсирингиз ўтишидан фойдаланиб, рус кишиларини озод этишга ёрдам беришингиз мумкин.

РАҲИМҚУЛ. Хоннинг барча русларни озод қилиш нияти бор. Биз савдо алоқаларини мустаҳкамлашимиз керак. Савдо-сотик — тинчлик демакдир, у дўстликни юзга келтиради.

ГРАМОТИН. Биз ҳам шуни хоҳлаймиз.

Раҳимқул тилмочга тикилиб қарайди ва эшикка яқин ўтирган Матмуродга нигоҳини кўчиради. Грамотин Раҳимқулнинг у билан ёлғиз қолиш нияти борлигини сезади.

Буларнинг сўзсиз имоси билан тилмоч ва Матмурод чиқиб кетадилар.

РАҲИМҚУЛ [шошмасдан]. Шох мени саройда қабул қилганидан кейин, жаноби Иван... менинг шох билан шаҳардан ташқарида... ёлғиз учрашимизга ёрдам беришингизни сўрайман. Мен унга хоннинг муҳим илтимосини етказишим лозим.

ГРАМОТИН [хайрон]. Нега энди шаҳардан ташқарида?

РАҲИМҚУЛ. Бу ерда, кўшним, Бухоро элчиси бор...

ГРАМОТИН [маъқуллаб]. Ҳаммаси-тўғри. Ёрдам бераман... Мен яна шохга ёрликни эртага ҳамманинг олдида ўқимаслик кераклигини тушунтираман... Унда курол ҳақида гапирилган.

Раҳимқул ва Грамотин бир-бирининг қўлларини қаттиқ қисшидади.

Кремль.

Шох Михаил Романов тахтда ўтирибди. Эғнида ёқут, олмос, марварид билан безатилган чакмон. Унинг елкасини безаган кумуш попукли погонлари шохнинг рангпар юзини янада оқартириб юборган.

Шохнинг ўнг ва сўл томонида князь ва боярлар турибдилар. Сал нарироқда хорижий мамлакатларнинг элчилари, уларнинг орасида Бухоро элчиси — Одамбек ҳам бор.

Раҳимқул тахтнинг қаршисида турибди, ҳурмат юзасидан, бошини эгиб қўлини кўксига қўйган. Унинг кимхоб тўни устидан тилла нақшли камар тортилган, бошида йирик жавоҳир қадалган оқ салла. Грамотин баланд овоз билан хабар қилади:

— Хоразм элчиси!

Хизматкорлар шохнинг олдидан совғаларни — гиламлар, шойи, парча, бахмал матоларни, қоракўл териларини олиб ўтадилар.

Шох Раҳимқулга мурожаат қилади:

— Ҳазрати олийлари Арабхон соғ-саломатми?

РАҲИМҚУЛ. Ҳазрати олийлари Арабхон соғ-саломатлар. Сизга ўз саломларини, сиҳат-саломатлик ва ишларингизга ривож тилакларини йўлладилар. Арабхон ҳазрати олийлари сиз билан, шохим, Русия билан дўстлик алоқалари ўрнатишни хоҳлайдилар. У киши менга ўзларининг сизга бўлган чуқур ҳурматларини алоҳида таъкидлашимни ва мана бу ёрликни топширишимни буюрдилар.

Тилмоч элчининг гапларини таржима қилади.

Раҳимқул ёрликни шохга топширади.

ШОҲ. Биз самимий тилаклари учун хондан миннатдормиз [ёқимли жилмаяди].

Арабхонга саломатлик ва ишларига ривож тилаймиз... Ҳақиқатан, самимий равишда дўстлашимни хоҳлаган давлатлар билан биз дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга тайёрмиз. Биз хон ҳазрати олийларининг ёрликларини кўриб чиқамиз. Маслаҳатлашиб, сизга қароримизни билдирамиз. Ҳозирча эса, учрашгунча хайр. Дам олинг, ўз савдо ишларингизни битиринг...

Хорижий мамлакат элчилари бир-бирларига хайрон бўлиб қараб қўядилар, улардан бири ҳаяжон билан Одамбекка шундай дейди:

— Сиз бирор нима тушундингизми? Шахсан мен ҳеч нима тушунмадим. Москвада уч йилдан бери яшайман-у, лекин элчининг ёрлигини ўқиб эшиттирилмаганини биринчи бор кўриб туришим. Бу нима деган гап?

ОДАМБЕК [хотиржам]. Ёрликни рус тилига таржима қилиб улгуришмаган.

Бухоро элчисининг қароргоҳи. Одам кўп, жой тор, шовқин-сурон.

Москвалик савдогарлар ва уларнинг саркорлари мол харид қилмоқда. Хоразмлик меҳмонлар уларнинг олдига турли молларни: тўп-тўп чит, шойи, бахмал, парча, донабай матоларни, гиламларни, бадахшон ёқутларини, турли рангдан қимматбаҳо тошларни, олтин ва бошқа нарсалар билан нақшланган, ғоят муъжаз эгар-жабдуқлар ва бошқа алвон турли молларни ёйиб ташладилар.

Шу ёрнинг ўзида хоразмликлар рус савдогарлари таклиф қилган молларнинг намуналари билан танишадилар. Улар бу ердан ўз юртларига сувсар, тулки териларини, қалайи, кумуш буюмларни, уй-рўзғор асбоблари: қозон, игна, болта, ёғоч қошиқларни олиб кетадилар.

Каттакон хона. Раҳимқул билан Одамбек рўпарама-рўпара ўтиришибди. Чой ичишмоқда. Ташқаридан савдо расталарининг гала-ғовури эшитилади.

Бухоро элчиси Одамбек бесўнақай семиз, ҳаддан ташқари қип-қизил ёноқлари-да чечак излари кўзга ташланади.

ОДАМБЕК. Кеча шохнинг Арабхон ёрлигини ўқиб эшиттирмаганлиги биз, аж-набий элчиларга галати бўлиб туюлди. Бу ерда кўпдан бери яшовчи элчилар бунга ҳайрон қолишди. Бу сизни хафа қилмадими?

РАҲИМҚУЛ. Жаноби Грамотин кейин менга тушунтирди. У бир кун аввал тил-моч билан келиб, ёрлиқнинг таржимасини тайёрлаб қўймагани учун афсусланди... Менга бу гап ростдек туюлди...

ОДАМБЕК. Мен келганимда, Грамотин анча олдин ёрлиқнинг таржимасини тай-ёрлаб қўйган эди. Уйлайманки, кечаги қилиқлари билан улар Арабхонни... ва сизни камситмоқчи бўлганлар.

РАҲИМҚУЛ. Жуда унчалик бўлмаса керак! Шохнинг қабулидан мен ва ҳамроҳ-ларим жуда мамнун бўлдик.

Эшик тақиллайди. Грамотин киради.

ГРАМОТИН. Раҳимқулбек, мен сизга келдим. Сўзимнинг устидан чиқмоқчиман. Айиқ овлашга борамиз. [Одамбекка мурожаат қилади]. Сиз-чи, жаноби элчи, биз билан ўрмонга борасизми?

ОДАМБЕК [қуруқ қилиб]. Овни ёқтирмайман. Сизларда шаҳардан ташқарида баттар совуқроқ... Яна отда юриш — «бр-р-р!»

Грамотин қаҳ-қаҳ уриб кулади. Раҳимқулнинг уст-бошига назар ташлайди.

— Бек, бошқа иссиқроқ кийимингиз йўқми?... Этик ўрнига... пийма кийиш ке-рак...

РАҲИМҚУЛ. Афсуски, фақат почапўстин бор.

ГРАМОТИН. Пўстинни олинг, йўлакай меникига кириб кетамиз, пийма топиб бе-раман.

Грамотин ва Раҳимқул чанада Москва кўчалари бўйлаб кетиб борадилар.

ГРАМОТИН. Мен тилмочи ҳам олмадим... Сизнинг русча гапиришингизни эши-тиб, шох ҳайрон қолди... Одамбек, мана бир йилдирки, Москвада яшайпти. Такаб-бур, камгап, хурсандчиликни жини ёқтирмайди... Уни кўпдан танийсизми?

РАҲИМҚУЛ. Фақат бир марта кўрганман... Хивага Имомқулихоннинг топшириғи билан келган...

ГРАМОТИН [илиқлик билан]. Сиз менга ёқясиз...

РАҲИМҚУЛ [ҳазил билан]. Сиз эса, менга ёқмаясиз!

Иккови ҳаҳолайди. Уткинчилар уларга ҳайрон қолиб назар ташлайдилар.

Ўрмондаги яланглик. Ёғоч уй.

Уй олдида, қалин қор устидаги суқмоқ бўйлаб тўрт киши: шох Михаил Рома-нов, Раҳимқул, Грамотин ва Хохловлар сайр қилиб юрибдилар.

ШОҲ. Князь Иван Данилович Хохловни биз Бухорога ҳамда сизга — Хоразмга элчи қилиб юборамиз. Сиз эртагаёқ кетишингиз мумкин. Бизнинг савдогарларимиз тайёр. Лекин биз Арабхоннинг илтимосини қондирмоқчимиз. Бунинг учун эса, ёзгача кутиш керак. Бир ойдан сўнг, қуролсозларимиз бизнинг буюртмамизни бажариш-гач, сизнинг буюртмангиз билан шуғулланишади...

РАҲИМҚУЛ. Хоразмга ҳам ташқи душманлар, ҳам ички, ўз душманларимиз таҳ-дид солмоқдалар. Хон бу ишни кеч, жуда кеч бошлаганини ўзи ҳам тушунади... Ўғиллари улғайиб қолди. Улардан бири аслзода қариндошларининг қаттиқ таъсирига берилган, улар бир бутун давлатни майда, алоҳида хонликларга парчалаб ташламоқ-чилар. Агар бу ҳол юз берса, халқимизнинг боши урушдан чиқмайди...

Шох индамай, чуқур ўйга ботиб уй томон юради, унинг ортидан Раҳимқул, Гра-мотин, Хохлов эргашадилар.

Ёғоч уйнинг ичи иссиқ, рус печида гўлалар қарсиллаб ёнади.

ШОҲ [хоҳа бўйлаб юриб]. Бизнинг шимолий ва ғарбий чегараларимиз нотинч. Деярлик ҳамма қўшинларимиз ўша ёқда... У ерда аҳоил яхшиланса, ҳозирги гапимиз-га қарйтсак бўлади. Бунинг ўзи бўлмайди, жаноби бек... Бутун бир давлатни ўз оқка-мизга қўшиб олиш. Вақт керак... Арабхон хавотирланмасин. Биз ёрдам берамиз...

Раҳимқул ўрнидан туради, гилам хуржунини очиб, ичидан тугунча олади ва да-ғал ишланган стол устига қўяди. Тугунни ечади. Кичиккина дарчадан тушиб турган хира нурда қимматбаҳо тошлар чўғдай порлаб кетади.

РАҲИМҚУЛ. Бу соғаларни Арабхон сизга топширишни сўраган эди. Бу сиз ва малика учун.

ШОҲ. Бек, дўстим Арабхонга сўзларимни оқизмай-томизмай етказишга ҳара-кат қилинг.

РАҲИМҚУЛ. Миннатдорман, давлатпаноҳ. Хон ҳазратларига ҳар бир сўзингизни айнан етказаман.

ШОҲ [Хохлов ва Грамотинга мурожаат қилади]. Ҳурматли бек Раҳимқулга унинг барча ишларида ёрдам беринглар. Бухоро ҳамда Хоразм элчиларига хабар беринг [Раҳимқулга айёрона қарайди], улар ўз юртларига ёзнинг ўрталарида, Россия элчиси Иван Данилович Хохлов билан бирга қайтадилар.

Раҳимқул тушундим, дегандек жилмаяди.

Бухоро элчисининг қароргоҳи. Кундуз кунни.

Раҳимқул Одамбек ҳузурида меҳмонда.

ОДАМБЕК [жаҳл билан]. Шох ўз карвонининг бизники билан бирга кетиши учун, ёзгача кутинглар деб буюрди. У бизга, ўзининг қулидай муомала қилапти! Бизни ҳу-

зурига таклиф қилишни ҳам хатто ўзига эп кўрмай, анави Грамотин орқали айтиб юборибди!

РАҲИМҚУЛ (бемалол чой ичади, кўзлари қувноқ чақнайди). Хўрматли Одамбек, бу ерда яна бир неча ойни ўтказиш мендан кўра сизга осонроқ бўлса керак... Эшитишимча, сиз билан яна икки маъшуқангиз ҳам бор эмиш, (хаҳолаб кулади).

ОДАМБЕК (бир қадар ҳовури босилган, лекин жаҳлдор). Улар менинг... Наҳотки, шохнинг бундай муомаласи сизнинг нафсониятингизга тегмаётган бўлса?!

РАҲИМҚУЛ. Мен бу ерда биринчи бўлишим, лекин руслар менга ёқиб қолишди: ростгўй, олижаноб ва дилкаш одамлар экан.

ОДАМБЕК (заҳарли). Сизга, мусулмон бандага-я?

РАҲИМҚУЛ (жиддий). Биласизми, Одамбек, жуда ҳам донишманд бир рус шундай деган: «Дин ҳар хил бўлиши мумкин, аммо одамлар (киноя билан), агар улар одам бўлса, ҳамма ерда бир хилдир». (Жиддий гапирдию, кўзлари истеҳзоли ёнади). Сиз-чи, Одамбек, худо ҳамма учун битта эканлигини наҳотки пайқамасангиз?

ОДАМБЕК (хафа бўлиб). Мен сизни ақлли одам деб билардим.

Шаҳзода Элбарснинг уйи.

Меҳмонхонада Элбарс билан чексиз саҳронинг тожсиз «хони» деб донғи кетган, бадавлат кўчманчи чорвадор Унбеги бир-бирининг рўпарасида ёнбошлаб ётибди. Унбеги эллик ёшларда, бақувват, қотмадан келган.

Элбарс ёш бўлишига қарамай, семиз, кўзлари қисилиб кетган, қовоқлари орасидаги торгина туйнукдан тикандек қорачиқлари одамга қадалади.

ЭЛБАРС. Яна ич... менинг саломатлигим учун, охиригача.

УНБЕГИ. Сизнинг бебаҳо саломатлигингиз, учун ичаман. (Бир кўтаришда пиёлани бўшатиб, газагига бир бўлак гўштни тишлари билан узиб олиб чайнайди).

ЭЛБАРС. Май хориждан олиб келинган, сездингми? Бир савдогар Москвадан келтирган экан, бир хумчасини совға қилди.

УНБЕГИ (гўшт чайнаб). Хушбўй, танни яйратади. Ичишлик экан...

ЭЛБАРС. Ун кунча олдин сен зиёратчиларни талабсан... Менинг тегишимни бермадинг, унутиб қўялсан. Яхши эмас! Анойилик қилиб қутулмоқчимсан?

УНБЕГИ (мутлақо ўнғайсизланмасдан). Яхши ҳам эсимга солдингиз... Улушингиз ёнимда.

Унбеги қўйнидан оғир халтача чиқариб, ичидан қимматбеҳо кўзли бир неча узук, беш-олтита олтин тангани ажратади. Аммо Элбарс халтачани тортиб олади.

ЭЛБАРС. Бу менга, қўлингдаги эса — сеники.

УНБЕГИ. Ҳазрати олийлари...

ЭЛБАРС. Эсингда турадиган бўлади... Энди ишга ўтайлик. Раҳимқул ва барча савдогарлар ёзнинг охирларида қайтишади. Денгиз орқали. Жуда кўп мол олиб келишади.

УНБЕГИ. Нима олсам, ҳаммаси ўртада арра!

ЭЛБАРС (ўз-ўзидан мамнун). Баракалла, дарров тушунибсан. Донога — имо, аҳмоққа — туртки.

УНБЕГИ. Раҳимқулнинг кўпгина одамлари милтиқ билан қуролланган. Бизда эса ўқ-ёй, қиличдан бўлак ҳеч нима йўқ.

ЭЛБАРС. Э, наҳотки, ўн-ўн бешта милтиқ, юзлаб кескир қиличга бас келолса. Агар кўрксанг, бу ишга қўл урма... Кел, яна биттадан олайлик!

УНБЕГИ (ўрнидан туради). Йўқ, ҳазратим, тонг отаяпти. Одамларим кутиб қолди, улар шаҳарнинг чеккасида...

ЭЛБАРС. Албатта, шаҳардан тун ниқобида ғойиб бўлганинг маъқул. Уйда олиб қолардим-у, хоннинг амрини ўзинг биласан... Сени туган заҳотиёқ кўзга кўринган биринчи дарахтга осиб буюрилган... Хўш, нима қарорга келдинг?

УНБЕГИ (қувноқ). Қарвонни ҳийла билан қўлга туширишга уришиб кўраман.

ЭЛБАРС. Эҳтиёт бўл. Отам билан Қурбон ҳожининг молларига тегма.

Нижний Новгород. Волга соҳили. Пристань. Бир неча елканли кемаларга юк ортилмоқда.

Тепаликда Грамотин, Раҳимқул, Хохлов, Нижний Новгород лашкарбошиси туришибди. Уларга пристанда қилинаётган барча ишлар яққол кўриниб турибди.

ГРАМОТИН. Одамбек қаёққа ғойиб бўлдийкин?

РАҲИМҚУЛ. Хўв ана, ўз кемаси олдида турибди.

ХОХЛОВ. Уз молининг бошқа кемага тушиб қолишидан кўрқаётган бўлса керак.

ЛАШКАРБОШИ. Бундай бўлиши мумкин эмас, мен тартиб сақлаш учун аскарларимни қўйиб чиқдим.

Грамотин, Хохлов, Раҳимқул бараварига кулишади.

Лашкарбоши ҳеч нима тушунмай, ўнғайсизланади.

РАҲИМҚУЛ (қула туриб). У молдан эмас, жононларидан хавотирда, сизнинг йигитларингиз ёқтириб қолади, деб кўрқаяпти.

ЛАШКАРБОШИ (мўйловини бураб). Тузуккина қизлар экан! Бехосдан кўриб қолувдим...

Тўртов хаҳолаб кулишади.

ГРАМОТИН (Хохловдан сўрайди). Ўзинг билан қанча аскар оласан?

ХОХЛОВ. Эллик киши... Етади.

ЛАШКАРБОШИ. Юкни ортиб бўлишяпти. Пастга тушамизми?

Грамотин «маъқул» дегандек бош силкиб, Раҳимқулни биллагидан ушлаб, кемалар томон йўл олади. Хохлов ва лашкарбоши уларга эргашадилар.

ГРАМОТИН [Раҳимқулга]. Ҳеч ҳам хайрлашгим келмаяпти. Сени ёқтириб қолдим, яхши одамсан.

РАҲИМҚУЛ. Сен ҳам, Иван, менга туғишган акадайсан...

ГРАМОТИН [хўрсинади]. Бизнинг ишимиз мушкул, аммо зарур иш. Шунақанги зарурки! Гоҳида халқларнинг дўст ёки душман бўлиши биздақаларга боғлиқ бўлади.

РАҲИМҚУЛ. Худо хоҳласа, яна учрашамиз... Ҳеч шубҳаланма, мен давлатларимиз дўст бўлиши учун кучим борича ҳаракат қиламан.

Грамотин Раҳимқулни қаттиқ кучоқлайди.

Раҳимқул, Хохлов кемага чиқишади. Қайиқ аста-секин қирғоқдан узоқлашади,

Матмурод Раҳимқулнинг елкасига тўнини ёпиб қўяди. Элчи ўз ёрдамчисига миннатдор бўлиб қарайди.

Денгиз.

Раҳимқул, Хохлов, Одамбек, Матмурод каютада чой ичиб ўтиришибди. Капитан киради, у хавотирда. Хохловга мурожаат қилади.

— Жаноби олийлари, ҳаво айнааяпти. Бу жойлар жуда хавфли, сувости қоялари кўп. Ё очиқ денгизга қиқшимиз, ёки дарҳол қирғоққа тушишимиз лозим.

ХОХЛОВ. Қабақликкача қанча қолди?

КАПИТАН. Шамол яхши эсиб турса, ярим кунлик йўл.

Кема кескин чайқалади.

ХОХЛОВ [қатъий]. Қирғоққа бур. Кўрфазга кирамиз.

Шамол кучаяди. Тўлқинлар йириклашиб, хўпикланади.

Кема унча катта бўлмаган қўлтиққа киради.

Денгизчилар елканларни туширишга улгура олмайдилар. Кема катта тезликда тошга урилади.

Каютага капитан югуриб киради.

— Жаноби олийлари, кема туби тешилди! Молларни тушириш керак.

Хохлов, Раҳимқул, Одамбек, Матмурод палубага югуриб чиқади.

ХОХЛОВ [капитанга қиқиради]. Чуқурми?

КАПИТАН. Белдан баландроқ!

Палубада ҳаяжонланган одамлар тўпланиб туришади.

Хохлов дарҳол вазиятни аниқлаб, икки новча аскарни танлайди ва буюради:

— Соҳилгача чуқурликни ўлчанглар!

Аскарлар нарвондан сувга тушишади. Ҳамма диққат билан уларни кузатади. Сув аввалига уларнинг елкасидан, ўн қадамчадан кейин белларидан келади, у ёғи эса саёзлик.

Аскарлардан бири кемага чиқиб дейди:

— Сувости бу ерда тош, сал нарироқда қум. Юкни олиб ўтса бўлади.

ХОХЛОВ [баланд овоз билан]. Буйруғимни эшитинглар! Иккитадан бўлиб қирғоқсаф тортинглар! Юкни қўлма-қўл узатинглар!

Одамлар сувга тушиб, қирғоқкача иккитадан бўлиб тизилишади. Тўлқинлар уларни савалайди.

ХОХЛОВ [капитанга]. Қайиқ борми?

КАПИТАН. Битта.

ХОХЛОВ. Элчиларни қайиққа солинглар.

РАҲИМҚУЛ [Хохлов томон энгашиб]. Мен сиз билан қоламан!

ХОХЛОВ. Қирғоқдагиларга бошчилик қилинг, мен бу ерда бўламан!

Одамбек нимадир дейди.

ХОХЛОВ. Нима, нима?

РАҲИМҚУЛ [унинг юзига сув сачраган, аммо у қула туриб]. Ўзи билан жононларни бирга олиб кетишни сўраяпти.

Хохлов ҳақолайди, билганини, қилсин, дегандек қўл силтайди.

Кун ботган, қоронғи. Машъалаларнинг ёғдусида одамлар оғир юкларни ҳамон қирғоққа ташишмоқда.

Кема. Хохлов капитан билан гаплашади.

КАПИТАН. Ишни бошлаб юбордик. Астрахангача бир амаллаб етиб оламиз. Довул тинчиб қолди.

Хохловнинг чодир. Тун.

Сафар столи устида ёнаётган шам нурида Хохловнинг мовий кўзлари порлаб турибди. Соқолини силаб у Раҳимқулга, Одамбекка, Матмуродга «Нима қиламиз энди?» дегандек жимгина тикилиб ўтиради.

РАҲИМҚУЛ. Қаерда эканлигимизни белгилаб олишимиз лозим...

Раҳимқул чодирнинг барини очиб, узоқда милтиллаётган шуълаларга қарайди.

РАҲИМҚУЛ. У ерда... менимча... чўпонлар. Гулхан ёқишапти. Одам юбориш керак...

ОДАМБЕК. Э, дўстим, агар бу қароқчилар бўлса-чи, улар бизнинг молларимизни тортиб олишади.

РАҲИМҚУЛ. Нимасидан қўрқамиз. Ахир милтиқларимиз бор-ку.

ХОХЛОВ [қатъий]. Эрталаб одам юборамиз. Кимни юборишни бек айтсин!

РАҲИМҚУЛ. Матмуродни...

ХОХЛОВ. Тирковни...

РАҲИМҚУЛ. Тилмочни эҳтиёт қилиш керак. Йўқ, бўлмайди!

ХОХЛОВ. Менинг яна бир одамим бор... татар аскар. Унинг тили сизникига яқин. У борсин.

Раҳимқул маъқуллаб бош силқийди.

Сой-қирдан иборат чўл. Кундуз куни.

Матмурод ва татар аскар чўпонларнинг ўтовларига яқинлашадилар.

Катта бўрибосар уларга ташланади. Тутаётган гулҳан олдида бошига чўғирма кийган, қўлига таёқ ушлаб олган йигит итни ёнига чақиради. Йигитнинг оёғи остига ит итоаткорона чўзилади. Чўпон йигит келгиндиларга «нима қилиб юрибсизлар» деган маънода тикилади.

МАТМУРОД. Биз элчининг одамларимиз. Бизга ёрдам керак.

Йигит меҳмонларни ўтовга олиб киради. Ўтовнинг тўрида оппоқ соқолли чол билан ўрта ёшлардаги бир киши ўтирар эди.

МАТМУРОД. Ассалому алайкум, ота.

ЧОЛ. Вааллайкум ассалом, ўғлим. Хўш, хурматли меҳмонлар, қаердан келяпсизлар, қаерга кетаяпсизлар?

МАТМУРОД. Узоқдан, Россиядан. Денгизда довул туриб, биз қирғоққа чиқиб қолдик. Аммо қаерда эканлигимизни билолмаяпмиз.

ЧОЛ. Бу ердан Қабақликкача бир кунлик йўл. Менимча, сизга туя ва отлар керак.

МАТМУРОД. Ҳа, ота, биз туя ва отлар сотиб олмоқчимиз.

ЧОЛ. Пул ёнингиздами?

МАТМУРОД. Раҳимқулбек, ўзим ҳисоб-китоб қиламан, деганлар.

ЧОЛ [эшикни курсатиб]. Сизлар кутиб туринглар, мен ҳозир чиқаман. Маслаҳатлашиб олишим керак.

Матмурод, татар аскар, чўпон ўтовдан чиқадилар.

МАТМУРОД [чўпонга]. Сенинг хўжайининг ким?

ЧУПОН. Унбеги, балки эшитгандирсизлар? Бу эса хўжайиннинг отаси.

Матмуроднинг ранги ўзгаради.

Чол билан эркак киши пайдо бўлади.

ЧОЛ. Отаниёз, мен у билан кетаман [Матмуродни курсатади], элчилар билан савдолашиб келаман. Сен унинг ҳамроҳи билан от ва туяларни танлаб олиб, ўша ерга ҳайдаб бор... Ҳамроҳинг нечта туя кераклигини биладими?

МАТМУРОД. Билади.

Хохловнинг чодирди.

Матмурод билан чол отдан тушишади. Матмурод чодирга киради.

МАТМУРОД [Раҳимқулга]. Устоз, мен Унбегининг отасини олиб келдим. У сиз билан савдолашмоқчи.

РАҲИМҚУЛ [ҳайрон]. Мен ахир сенга пул бериб юбордим-ку.

МАТМУРОД [пул солинган, ҳамённи Раҳимқулга қайтаради]. Мен айтяпманку, ахир... бу Унбегининг отаси. Тезда жўнаш керак, бу ердан.

Бопоён чўл. Карвон анча чўзилиб кетган.

Матмурод карвон бўйлаб от ўйнатиб, қичқиради:

— Чўзилишманглар, етишиб, етишиб юринглар.

Хон саройи.

Араб Муҳаммад тахтада ўтирибди. Рўпарасида Москва элчиси Хохлов, унинг эғнида янги баҳмал чакмон, оёғида юмшоқ қизил этик.

АРАБ МУҲАММАД. Кеча мен подшоҳ Михаил Романовнинг ёрлиғи билан танишиб чиқдим. Хурматли элчи жаноблари, ўз аъёнларим гувоҳлигида савдо-сотиқ тўғрисидаги битимнинг тузилганлиги учун шоҳга ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни изҳор этишни истардим. Биз унга ҳалол риоя қиламиз. Раҳимқулбекнинг айтишича, сиз эртага Бухорога кетармисиз.

ХОҲЛОВ. Шоҳнинг буйруғи шундай. Менинг одамларим яхши дам олишди. Ҳазрати олийлари, меҳрибончилигингиз ва эътиборингиз учун сиздан беҳад миннатдорман. Бухорода ишларимни битиргач, мен асоратда бўлган рус кишилари тўғрисидаги музокараларимизни якунлаш учун ҳузурингизга қайтаман.

АРАБ МУҲАММАД. Агар сиз мамнун бўлсангиз, бу бизга шодлик бахш этади. Эсон-омон қайтишингизни кутамиз.

Хон боғи.

Хон ва Раҳимқул хиёбонда сайр қилиб юришибди.

АРАБ МУҲАММАД. Мен музокараларингиз якунларидан қаноатландим, Отабек Дўстим бир пайт, шу яқин орада Россия билан жудаям яқинлашмасликни маслаҳат берган эди.

РАҲИМҚУЛ. Бунинг бойси нима экан-а? Фикри ожизимча, давлатпаноҳ, Дўстимбек: биз истамаган ишларни қила кўрманг,— демоқчи бўлган.

АРАБ МУҲАММАД. Мен эса, азизим, бундай деб ўйламайман... Авжи куз. Чин ҳожи овга борайлик деб қўймаяпти. Эҳтимол, пойтахтда ўн кунча бўлмасман... Ҳа, ёрдамчингиз қалай?

РАҲИМҚУЛ. Матмуродми? Жуда яхши йигит чиқди. Ҳалол, довиюрак... нозик гапнинг маъносини тушунадиган.

АРАБ МУҲАММАД. Сиз одамларни яхши тушунасиз. Матмуродингиз эрталаб олдимга келсин. Мен уни султон Авфоннинг шахсий соқчиси қилиб тайинлайман.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВ ◆ КАРВОН ШИМОЛГА ЙЎЛ ОЛДИ

РАХИМКҮЛ. Ахир унинг соқчиси Дўстимбекнинг жияни эди-ку?
АРАБ МУҲАММАД. Мен уни бўшатдим.... Бекнинг жияни учун бу оғир юк...

Қурбон ҳожининг уйи. Туш.
Меҳмонхона ёп-ёруғ.

Узун хонтахта атрофида Қурбон ҳожи, Чин ҳожи, Дўстим, Жоме мечитининг имоми одоб сақлаб, суҳбат қилиб ўтиришибди.

ҚУБОН ҲОЖИ. Бир зарба билан хонни йўқотамиз... Кейин Ҳасанбекни ва бошқа маҳлуқларни тинчитамиз.

ЧИН ҲОЖИ. Хонни бизга қўйиб беринг.

ДЎСТИМ. Султон Элбарс тахтга минишга тайёр. Арабхонни рус элчиси қайтиб келмасдан йўқотиш лозим.

ИМОМ. Менга маълумки, дўстимиз Имомқулихон...

ДЎСТИМ (гапни бўлади). Негадир сиз, пирим, сўнгги пайтда бу номни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ тилингизга оляпсиз... Ким Хоразмнинг хўжайини?
Дўстимнинг ўқдай тикилган кўзларига бардош беролмаган имом ер чизиб қолади.

ДЎСТИМ. Хоразмнинг эгалари бизмиз! Пирим, қани, сиз билан бизнинг умумий ишимизга оқ фотиҳа бериб юборинг.

ИМОМ (титроқ овоз билан). Мен, жаноби олийлари, доим сизга содиқ бўлганман.

ДЎСТИМ. Мана шу садоқатингизни амалда кўрсатадиган пайт келди.

ИМОМ. Мен тайёрман...

Хоннинг кенжа хотинининг уйи. Кундузи.

Қутлижамол айвонда турибди. Унинг ёнида башанг кийиниб олган Матмурод.

Айвоннинг рўпарасида бир гуруҳ ёш йигитлар.

ҚУТЛИЖАМОЛ (йигитларга мурожаат қилади). Хон ҳазрати олийлари султон Авфон Муҳаммаднинг бош соқчиси қилиб [Матмурод томон имо қилади] Матқуб ўғли Матмуродни тайинладилар. Сизнинг бурчингиз унга кулоқ солиш ва итбат этишдир. Сизлар бўшсизлар.

Йигитлар кетадилар. Матмурод қолади.

ҚУТЛИЖАМОЛ. Султон Авфон кўпдан бери шаҳардан ташқарида сайр қилмади.

МАТМУРОД. Агар ижозат этсангиз, мен султон билан сайрга йўл оламан.

Хоннинг кенжа хотини маъқуллаб бош силкийди.

Қутлижамолнинг уйи.

Матмурод ёш султонга кийинишга ёрдамлашмоқда.

Марийка киради. Унинг қўлида гавҳар ва товус пати қадалган қордай оппоқ салла.

Матмурод Марийканинг қўлидан саллани олади. Улар бир-бирлари билан гап-сўзсиз саломлашадилар.

Қўлида зарбоф тўн кўтариб, шошинқираб Дарья киради, у оналарча меҳрибонлик билан Авфон Муҳаммадга тўн узатади:

— Изғирин турди, Шаҳзода, мана буни кийиб олинг.

АВФОН МУҲАММАД (тантқиқлик билан). Керақ эмас. Олиб кет, музлаб қолмасман!

МАТМУРОД. Менга беринг, Дарья хола. Султон тўнни киядилар.

Ёш султон Матмуродга жаҳл билан қарайди.

МАТМУРОД. Шаҳзодам, мен хон олдида фақат ҳаётингиз учунгина эмас, соғлигингиз учун ҳам жавоб бераман.

Хива кўчалари.

Кўча бўйлаб ёш султон соқчилар қуршовида ўтиб боради. Ўткинчилар деворга қисилиб, йўл бўшатадилар.

Матмуроднинг ёнида чўтир йигит.

МАТМУРОД (чўтир йигитга). Марийка бу ерда қийналса керак. Мансабдор ўғрилардан биронтаси бу гулни узади-ю, сўлиб қолгандан кейин оёқ остига ташлаб юборади, деб қўрқаман.

ЧЎТИР ЙИГИТ. Унга яқинлашишга кимнинг юраги дов беради? Бу қизга бекамнинг ўзлари ҳомийлик қиладилар. Катта ўғиллар ва бекваччалар бекамдан қўрқадилар. Бир хиллари унга кўз олайтиришган ҳам, лекин таъзирларини ейишган.

Чўл. Яқинда ёғиб ўтган ёмғирдан, сўнг сабза урган гиёҳлар, баҳордагидек кўм-кўк. Осмонда жанубга қараб турналар учиб бормоқда.

Араб Муҳаммад оҳуни нишонга олади. У отган ўқ гўзал жониворни йиқитади. Араб Муҳаммад Қурбон ҳожи билан Чин ҳожиларнинг қуршовида ўз ўлжасини кўздан кечиради...

АРАБ МУҲАММАД. Афсус... Раҳимқул йўқ, Отабек ҳам касал. Улар овдан мамнун бўлар эди.

Қурбон ҳожи ва Чин ҳожи бир-бирларига қараб қўйишади.

ЧИН ҲОЖИ. Ҳасанбек бизга ҳамроҳ бўлади, деб ўйловдим.

АРАБ МУҲАММАД. Ҳасанбекнинг хотини ўлим тўшагида. У хазорасплик. Уша ернинг ҳавоси шифо бўлар деган умидда Хазораспга олиб боришга бекни кўндириб-

ди. Акалари Ҳасанбек билан бирга. Менинг ўғилларим — Асфандиёр ва Абдулғози ҳам ўша ерда.

ҚУРБОН ҲОЖИ. Пойтахтда энг яхши табиблар бўла туриб... тушунмадим.

ЧИН ҲОЖИ. Гоҳида туғилган еринг, ҳеч қандай табиб муяссар бўлмаган шифобахш кучга эга бўлади.

Узоқда отлиқ кўринади. У тез яқинлашади. Чопиб кетаётган отдан сакраб, ерга тушади, хоннинг олдига чопиб боради, тиз қўкиб, унга қоғоз узатади.

ЧОПАР. Отабек Дўстимдан!

Хон мактубни ўқиб, ранги ўзгаради.

ЧИН ҲОЖИ (чопарга). Тур йўқол!

Чопар кетади.

Хон хатни Қурбон ҳожига узатади ва ўйланиб қолади, ҳеч нима демай, чодир томон юради.

Қурбон ҳожи билан Чин ҳожи хондан сал орқароқда борадилар.

ҚУРБОН ҲОЖИ. Элбарс тахтга чиқибди... Саройни босиб олибди. Шошиб қолмадимикин?!

ЧИН ҲОЖИ. Дўстимнинг одами Бухородан келган кўринади... Имомқулихон бизнинг ишмизга аралашгиси йўқлигини билдирган, чоғи...

ҚУРБОН ҲОЖИ. Аммо Раҳимқул тирик. Тирранча султон Абдулғози уруш-уруш ўйнашни яхши кўради. У Хазораспда, Ҳасанбекнинг олдига. Уларнинг қулоғига хабар етиб бормасдан, ҳаракат қилиш керак. Бутун нотиқлик санъатингни ишга солиб, хонни авра, Хазораспга бормасин.

Хон чодирга киради, унинг орқасидан Чин ҳожи билан Қурбон ҳожи киради. Учови тик турадилар. Ҳамма жим.

Хоннинг ранги ўчган, лекин хотиржам, босиқ... У ака-укаларга тик қараб турибди.

АРАБ МУҲАММАД. Энди нима қиламиз?

ҚУРБОН ҲОЖИ (ишонч билан). Хивага борамиз!

АРАБ МУҲАММАД (тушунмай). Уттизта сарбоз билан-а? Йўқ, яхшиси, Хазораспга борамиз. У ерда Ҳасанбек, ўғилларим Асфандиёр билан Абдулғози бор...

ЧИН ҲОЖИ (руҳланиб). Олампаҳо! Тарихни эсга олинг. Хонлар ўз тахтларини ўнтача содиқ навкарлари билан қайтариб олган ҳоллар кўп бўлган. Энг муҳими, вақтни бой бермаслик керак. Агар шошилсак, оқшомда пойтахт эшигида бўлаемиз. Дўстимга одам юборамиз. Тонгда у дарвозани очади ва олам гулистон...

Ташқарида юзлаб отларнинг дупури, қий-чув, бақирӣқ-чақирӣқ, йиғи-сиғи товушлари эшитилади.

Чодирга Унбеги бошлиқ ўнтача одам бостириб киради.

УНБЕГИ (ака-укаларни кўрсатиб, буюради). Бу сассиқ чолларни маҳкамроқ боғлаб қўйинглар! Улар қочиб кетиши мумкин.

Хоннинг кўз олдига Қурбон ҳожи билан Чин ҳожининг оёқ-қўлларини боғлашади.

УНБЕГИ (хонни кўрсатиб). Унга тегманглар! Бу қари гуноҳкорни ўзим олиб борамай [хаҳолайди]. Жанобларини қоронғи зиндонга, мени қурт-қумурсқа билан боқмоқчи бўлган ерга жойлаб қўяман.

Раҳимқулнинг шаҳар чеккасидаги уйи. Тун.

Меҳмонхонада Матмурод ва Раҳимқул ўтирибдилар.

РАҲИМҚУЛ. Элбарс отаси устидан қозонган енгил ғалаба билан маст. Унинг тахтга чиққанига хурсанд бўладиган одамларни ҳам уйларида қамаб ўтирибди...

Арслоннинг ўлиги — сичқоннинг тириги. Биз учун бу ўлимтик каламуш — Элбарсдан кўра, ўша муңкиллаган арслон — Арабхон дуруст. Ҳасанбек билан Абдулғозига айт, Элбарснинг бутун лашкари пойтахтдан сал нарироқда, «сокин кўл» олдига жойлашган. У ерда тартиб йўқ, навкарлар маст-аласт, қўшни қишлоқларнинг аҳолисини талашаяпти. Биласанми, ким уларнинг бошлиғи? Йўлтўсар Унбеги — Элбарснинг ҳамтовоғи.

МАТМУРОД. Эски таниш.

РАҲИМҚУЛ. Ҳасанбекка менинг таъзиямини етказ. Жанозага нега боролмаганимни у тушунади. Мең сенга ишонаман. Улсанг ўласан-у, виждонингни сотмайсан. Уларнинг қўлига тушмасликка ҳаракат қил. Сенсиз Авғон Муҳаммадни бўри еб қўймайди. Улар ҳозирча кичик султонни хавfli деб билмайдилар.

МАТМУРОД (жилмайиб). Тўғри, устоз, бўри уни еб қўймайди.

Қутлижамолниң уйи.

Матмурод оддий деҳқон кийимида. У елкасига қирқ ямоқ тўрвасини ташлаб олади. Бошига юнглари узун чўғирма кияди-ю, таниб бўлмайдиган ҳолатга киради.

ДАРЬЯ (унинг тўрвасини тўғрилаб қўйиб). Ҳозир, ўғлим, Машенка иссиқ нон олиб келади.

Марийка чопиб келади, унинг эғнида ўғил болалар кийими, бошида қалпоқ, тўрвага нонни солиб, секин пичирлайди:

— Ойи, мен Матмуродни кузатиб қўяман.

Элбарс лашкарининг қароргоҳи. Тун.

Атроф-теварак жимжит. Гулханлар сўнган. Ҳамма қаттиқ уйқуда ҳатто соқчилар ҳам найзаниң дастасига суюниб, ухлаб ётишибди.

Бирдан қароргоҳга отлиқлар қуюндай ёпирилади. Отлиқлар саросимадан қотиб

қолган навкарларни шафқатсиз чопадилар, чиқиб кетишга улгурмаган одамларни чодирларга қўшиб, отлари билан топтайдилар. Баъзилар бу жаҳаннамдан қочиб қутулишга уринадилар, лекин барча йўллар беркитилган, уларни қўлга туширадилар.

Хон саройи. Элбарснинг ётоқхонаси. Тун.

Ётоқхонага Унбеги учиб киради. Элбарснинг кийим-кечагини тезда йиғиштириб, уни уйғота бошлайди.

— Шаҳзода! Туринг, уйғонсангиз-чи! Биз мағлуб бўлдик!

Элбарс ирғиб туриб, кийимини қидиради.

УНБЕГИ. Кийимингиз менда. Кейин кийиниб оласиз. Кетдик!

Элбарс ички, кийимида Унбеги билан ётоқхонадан чиқиб қетишади.

Саройдаги оқ ўтов.

Араб Муҳаммад сертомир бесўнақай қўлларини манқалдаги оловга товлаб ўтирибди.

Хоннинг ўғиллари — қирқ яшар Асфандиёр билан йигирма ёшли Абулғози киради. Хон ишора билан уларни ўтиришга таклиф этади.

АРАБ МУҲАММАД. Энди нима қидамиз?

Асфандиёр мўйловини бураб ўйчан гапирди:

— Ота, агар ростини айтсан, Элбарс баъзи бекларнинг маслаҳати ва ёрдамисиз бундай ёвузликка қўл урмайди.

АРАБ МУҲАММАД. Тўғри. Элбарс айбдор эмас, ҳамма гап ана шу бекларда.

Абулғози ўзини зўрға босиб питирчилайди.

АБУЛҒОЗИ. Сиз бу бекларнинг кимлигини биласизми? **[Бармоқларини букади].**

Шайх Қурбон ҳожи — бир, Чин ҳожи — икки...

АРАБ МУҲАММАД [унинг гапини бўлиб]. Уларнинг фитначи эканлигини тасдиқлайдиган далил-исботнинг борми?

АБУЛҒОЗИ. Далилим бўлмаса ҳам, кўнглим сезаяпти... Мен Элбарснинг қаердалигини билман. У Урганчга яширинган. Ота, рухсат беринг, мен уни топиб ўлдираман...

Хон Абулғозининг ингичка мўйловли ориқ, йиртқиқларникидай хунук юзига назар ташлаб, у ўз мақсади йўлида ҳеч нимадан тоймаслигини тушунади.

АРАБ МУҲАММАД. Уз ўғлимни ўлдиришга қандай рухсат бераман?

АБДУЛҒОЗИ [жаҳл билан]. Уз отасини зиндонга ташлаш-чи?! Биз вақтида улгурмаганимизда, худонинг ўзи кечирсин-у, у сизни осиб кўярди...

АРАБ МУҲАММАД [жаҳл билан]. Бас қил!..

Хон саройининг ҳовлиси.

Кузнинг қуёшли, илиқ куни. Араб Муҳаммад нақшинкор курсида, оқ ўтовнинг соясида ўтирибди.

Хоннинг рўпарасида эски, йўл-йўл беқасам тўн кийган икки одам. Улардан бири — баланд бўйли, соқоли оппоқ киши дейди:

— Элбарс Урганчда яшириниб юрибди... Биз унинг изига тушдик... Элбарс сизга ҳам бизга ҳам душман. У бизни олиқ-солиқлари билан қийнаб юборди. Биз уни ўлдираемиз!

ХОН [истеҳзо билан]. Биз деганингиз ким?

ЧОЛ. Биз — тўқувчилар, кулоллар, қуролсозлар, темирчилар... Бизни урганчлик хунармандлар юборишди.

ХОН [жаҳл билан]. Қора халқ эслзодалар ишига аралашмаслиги керак.

ЧОЛ [хайрон бўлиб]. Ахир Элбарс душманингиз-ку?

ХОН. Уз душманларимизни биз, оллонинг инояти билан, ўзимиз енгаемиз!

Араб Муҳаммад ўзининг оддий одамларга муносабатини очиқ намоёйш қилиши керак эмаслигини тушунади ва шу сабабдан мулоимлашиб давом этади:

— Биз билан маслаҳатлашмай бу ишга қўл урмаганингиз яхши бўлибди... Сизлар маслаҳат сўраб келибсизлар-у, биз бўлсак сизларга зарда қилиб ўтирибмиз... Подшоҳ ва амалдорларнинг ҳаёти бошқа, сизники бошқа. Оллоҳ ҳар кимга ўз ўрнини белгилаб берган... Хайр, кетаверинглар.

Хунармандлар таъзим қилиб эшик томон юрадилар.

Раҳимқул пайдо бўлади.

РАҲИМҚУЛ. Мен ҳозиргина Урганч хунармандларининг оқсоқоли уста Қурбонни кўрдим...

ХОН. Буни қарангки, хунармандлар бизнинг ишимизга бурунларини суқияпти.

РАҲИМҚУЛ. Халқ бизга ёрдамлашмоқчи...

ХОН. Сизга кўпдан бери айтмоқчи бўлиб юрувдим... Ҳеч қандай халқ йўқ... ав-валамбор, қўллар бор, уларнинг пешонасига бизларга бўйсунуш, бизнинг амримизни бажариш ёзилган... **[Қаъий].** Ёдингизда тутинг, бек!

Сарой меҳмонхонаси. Кундузи.

Хон чуқур ҳаёл суриб, хона бўйлаб аста-секин қадам ташлаб юрибди. Қурбон ҳожи, Чин ҳожи, Дўстим, Жоме мачити имоми ҳам шу ерда.

Оғир, руҳни эзувчи сукунат.

Раҳимқул киради. Унинг юзи ҳорғин, сўлғин. Хон Раҳимқулга саволомуз қарайди.

РАҲИМҚУЛ. Элбарс ўз лашкари билан катта ариқнинг бошланиш томонида жанговар ҳолатда турибди. Ўғилларингиз Асфандиёр билан Абулғозининг қўшинлари сизники билан бугун оқшомда қўшилишади.

Раҳимқул хотиржам, обрӯ сақлаб юради ва Қурбон ҳожидан юқорида тўхтади. **ҚУРБОН ҲОЖИ** [хонга мурожаат қилиб]. Ҳазрати олийлари. Биз фақат бир нарсани хоҳлаймиз... Майли... Россия билан савдо қилинг, шунинг ўзи кифоя... Биз мусулмон мамлакатимиз ва бизни ўзининг эътиқоди ва ҳаёт тарзи билан яқин бўлган мусулмон оға-иниларимиз қуршаб олган. Нега энди, аллақердаги руслар билан дўстлашиш учун ўз оға-иниларимиз билан уришиб қон тўкишимиз керак экан?...

ИМОМ. Чин ҳақиқат, ҳазратим!

ҚОЗИ КАЛОН. Доно гаплар!

Араб Муҳаммад Дўстимга тик қараб, ундан сўрайди.

— Хўш, Отабек, сиз нима дейсиз?

ДУСТИМ. Акам, шайх Қурбон ҳожи унчалик ҳақ эмас... Султонларнинг хонга давлат сиёсатини бошқаришда ақл ўргатиш ёки қандайдир шарт қўйишга ҳақлари йўқ. Уйлайманки, ҳазратим, беш ўғилларингизнинг адабини бериб, сизга ҳокимиятни тўла қайтариб бериш лозим.

Раҳимқул билан Дўстимнинг кўзлари тўқнашади. Раҳимқул Отабекнинг қандай мақсадни кўзлаётганини тушунади.

АРАБ МУҲАММАД. Миннатдорман, бек... Сиз ҳақсиз. Биз худо инъом этган ҳокимиятни мустаҳкамлашимиз керак. Рус элчисининг қайтиб келишига қадар, биз мамлакатда тинчлик, осейишталик ва тартиб ўрнатишимиз лозим. Раҳимқулбек, Отабек Дўстим, сизларни бўлғуси жангда бош ёрдамчиларим қилиб тайинлайман. Бошқа аъёнлар бағоят муҳим топшириқларни бажариш учун ёнимда бўлишларини сўрайман. Эрта тонгда йўлга чиқамиз.

Қурбон ҳожи билан Чин ҳожи кўча бўйлаб отда кетишяпти.

ҚУРБОН ҲОЖИ. Бугун негадир сизнинг кўмагингизни сезмадим?

ЧИН ҲОЖИ [айёрона]. Бошимни силкиганимни ўзингиз кўрмадингиз.

ҚУРБОН ҲОЖИ [хаҳолайди]. Аммо бошингиз жойида турибди!.. [Жиддий]. Унбеги ўз одамини қолдирди... Жанг бошлангач, унга Раҳимқулни кўрсатиб қўямиз. У бизни тушунади.

ЧИН ҲОЖИ. Дўстимнинг хабари борми?

ҚУРБОН ҲОЖИ. Унинг фаҳм-фаросати бор...

Очиқ дала. Кундузи.

Араб Муҳаммад, Дўстим, Чин ҳожи, Асфандиёр, Абдулғозилар тепаликда турибдилар. Улар Элбарснинг қўшинлари кўришиб турган томонга тикилиб қолишган.

АРАБ МУҲАММАД. Отабек Дўстим! Сизнинг саккиз юз йигитингиз менинг чап томонимдаги жарликда туради. Қачон жангга киришингизни маълум қиламан. Сиз бўшсиз... Унг томонимда, хув анави тўқайда, пистирмада беш юз жангчи, Раҳимқул билан Қурбон ҳожи ҳозир ўша ерда... Чин ҳожи, ҳозир ўша ерга боришингизни сўрайман. Раҳимқулга айтинг, у менга керак. Ўзингиз Қурбон ҳожи билан қолинг. Менинг буйруғимсиз жангга кирманглар. Мен эса ўғилларим билан жанг бошлайман. Худонинг ўзи ёр бўлмай!

Довулчилар қизиган довулларни чаладилар, карнай садолари янграйди.

Хон ва унинг ўғиллари бошлиқ отлик лашкар учта гуруҳга бўлиниб рақиб томон ҳаракат қиладилар.

Дарахтзор.

Жангчилар отдан тушиб, ўз навбатларини кутиб, дам олаётдилар.

Дарахтлар орасида Раҳимқул билан Қурбон ҳожи суҳбатлашиб юрибдилар. Чин ҳожи келади.

ЧИН ҲОЖИ. Хон буюрди, тезда унинг олдига борар экансиз. Улар душман устига кетишди. Менга шу ерда қолиш буюрилган.

ҚУРБОН ҲОЖИ [буйруқ оҳангда.] Ҳурматли Раҳимқулнинг отини келтиринглар. Отни олиб келадилар. Раҳимқул қаққонлик билан эгарга миниб йўлга тушади.

Йўл бўйидаги қалин бутазор.

Раҳимқул буталар олдидадан ўтади.

Буталар орасидан пичоқ ўқдай отилиб чиқиб Раҳимқулнинг орқасига санчилади. Раҳимқул эгардан йиқилади. От ҳуркиб, қочиб кетади.

Кенг майдон.

Ер ларзага келган. Жанг авжида. Қиличлар жаранглайди, темир найзалар, ойболталар шақир-шуқур қилади, осмон қони қайнаган отлиқларнинг ҳайқириқларидан ларзага келади. Ярадор ва ўлганлар қулайди.

Арабхоннинг кучлари тугай бошлайди.

Жанг майдонидан ўзининг содиқ навкарлари билан катта ўғил Асфандиёр қочади.

Хоннинг кичик ўғли Абулғози Амударё соҳилидаги тўқайзорга яширинади.

Элбарснинг жангчилари хонни ўраб олиб, уни асир олишади.

Соҳилдаги тўқайзор.

Матмурод қилич, совутини ерга кўмади. Бирдан, шундоққина яқинда отнинг кишнагани эшитилади. Матмурод балаид ўтларни босиб бориб сўқмоққа чиқади ва отни кўради. Унинг олдига бориб сесканиб кетади. Ёнбоши билан Раҳимқул йиқилиб ётибди, ўнг курагидан сал пастроқда пичоқ санчилган.

Матмурод пичоқни суғуриб олади, Раҳимқулни кўтариб чакалакка кириб кетади.

Матмурод дарёдан ҳовучлаб сув олади, ютоқиб ичади, кейин қайноқ кўкрагига сув сепади, юзини ювади. Бошдан дубулғасини олади, унга сув тўлдириб, Раҳимқулни ётқизиб келган ерига қайтади.

Матмурод Раҳимқулнинг бошини кўтариб, дубулғадан сув ичиради.

Кўйлагини ечиб, йиртади ва у билан Раҳимқулнинг ярасини боғлайди.

Урнадан туриб, тўнини кияди.

Матмуроднинг олдида султон Абулғози, титилиб кетган кийимда, унсиз пайдо бўлади. Ерда ётган Раҳимқулга қараб сўрайди:

— Тирикми?

МАТМУРОД. Тирик, ҳазрати олийлари... Кўп қон йўқотган, тонггача чидайдим, йўқми, билмайман.

АБУЛҒОЗИ. Мени танидингми?

Матмурод «ҳа» дегандек бош силқийди, лекин ўзини султон олдида эркин тутлади.

АБУЛҒОЗИ. Агар эрталабгача етмайдиган бўлсан... Отни мен миниб кетаман. Сен ўйингга пиёда етиб оласан. Менинг йўлим эса олис. [Отга миниб, ғазаб билан дейди.] Мен уларга калла узиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!

Хон саройи.

Тахтада Элбарс ўтирибди. Унинг ўнг ва сўл томонида, байрам либосларида Чин ҳожи, Қурбон ҳожи, имом ва бошқа бир неча амалдорлар турибдилар.

Элбарснинг рўпарасида Араб Муҳаммад. Унинг бўйнига сиртмоқ солинган. Арқоннинг учи Унбегининг қўлида.

Элбарс [заҳархандалик билан]. Хўш, сизнинг севиқли маслаҳаттўйларингиз қани?

АРАБ МУҲАММАД [ўйчан]. Сенга қараб туриб, кимни туғдирган эканман деб ўйлаялман. Бешиқда ётганингда илон боласини боқаётганимни нега кўрмаган эканман?

ЭЛБАРС [тутоқиб]. Кўрмагансан? Энди умуман кўролмайсан... [Унбегига буюради.] Жаллодга топшир!

Йўл. Эрта тонг.

Баланд бўйли ўтлар орасида, йўлдан сал нарироқда Матмурод, унинг ёнида Раҳимқул ётибди.

Матмурод бошини ўқтин-ўқтин кўтариб кимсасиз йўлга қараб қўяди.

Узоқда қора нуқта пайдо бўлади, у тез катталашиб, усти ёпиқ аравага айланади.

Аравага иккита йирик от қўшилган.

Арава тез яқинлашиб келади.

Юз эллик қадамча масофа қолганда, Матмурод ирғиб туриб, йўлга чопиб чиқади, қўлини кўтаради.

Аравакаш отларнинг жиловини кескин тортади.

Матмурод аравакашнинг яқинига бориб, унинг Қутлижамолнинг чўтир навқари эканлигини кўради.

МАТМУРОД [севишиб]. Хивагача олиб кетасанми? Биз икки кишимиз. Шаҳарга икки қақиримча етмасдан тушиб қоламиз. У ёғи қишлоққача икки қадам, бир амаллаб етиб оламиз...

АРАВАКАШ [кўзини қисиб, орқасига ярим бурилади]. Хоним, бир йигит илтимос қилапти.

ДЕЛ ОВОЗИ. Мен ҳаммасини эшитдим. Майли, жой етади.

Матмурод Раҳимқулнинг олдига югуради. Уни кўтармоқчи бўлади-ю, кучи етмайди.

Матмуродни кузатиб ўтирган аравакаш югуриб келиб, Раҳимқулни елкасига олади ва арава томон юради. Матмурод унинг кетидан оёғини аранг кўтариб эргашади.

Матмурод чодирнинг бир учини кўтариб, Раҳимқулни аравага солинган кўрпачага ётқизишда аравакашга ёрдам беради.

Аравада юзини рўмолча билан бекитиб, кўзларигина кўришиб турган бир аёл ўтирар эди. Унинг юзидаги рўмоли тушиб кетади — бу Марийка эди.

Саройнинг ичкари ҳовлиси.

Жаллод Араб Муҳаммадни бўм-бўш ҳовли бўйлаб олиб кетмоқда.

ЖАЛЛОД. Сиздек одамни ўлдириш гуноҳ эмас. Сизнинг амрингизга биноан неча бегуноҳ одамларни қатл этганлар.

АРАБ МУҲАММАД [пушаймонда]. Сен ҳақсан, жаллод... Сийёсат учун мен кўп-ларнинг қонини тўкканман.

Элбарснинг оромгоҳи.

Дастурхон атрофида Элбарс, Қурбон ҳожи, Чин ҳожи, Унбеги ўтирибдилар.

Тез-тез юриб Дўстим киради, унинг кўзлари ғазабдан ола-кула. Остонадан туриб даҳшат билан бақиради:

— Тўхтатинг. Тўхтатинг!

Дўстим Элбарс томон юради, у Элбарсга пиёла тўла май узатаётган Унбегининг қўлига беҳос тегиб кетганини сезмайди. Пиёла тушиб кетади, қуюқ, қондай қип-қизил май гиламга ёйилади. Унбеги кўрққанидан деворга тисарилади, оёқлари ўрнида қизил излар қолади.

Қурбон ҳожи билан Чин ҳожи жонҳолатда ўринларидан туриб кетадилар.

Дўстим мурдадек оқариб кетган Элбарснинг ёқасидан олади.
ДУСТИМ. Сен, нима, ўлимни хоҳлаб қолдингми? Бошимизга кулфат ёғдирмоқчи-мисан? Авфон султонга, Раҳимқулга қўл кўтаришга ким сенга изн берди?!

ЭЛБАРС [тўнғиллайди]. Оғаларингиз...

ДУСТИМ [ачитиб]. Кексайган чоғингизда миянгиз суйилиб қолдимми, муҳтарам оғаларим?!

— Унбегига кўзи тушади.

— Эй, жаллод!

Унбеги Дўстимнинг оёғига ташланиб гуноҳидан ўтишини сўраб ёлборади.
ҚУРБОН ҲОЖИ [тироқ овоз билан дўриллади]. Жаноби бош вазир ҳазрати олийлари, Унбегига шафқат қилишингизни сўраймиз. У бизнинг одамимиз.

ДУСТИМ [совуқкина]. Аблаҳ кўп нарсадан хабардор.

ЧИН ҲОЖИ [қатъий]. Мен унга кафил бўламан!

УНБЕГИ. Онамнинг номи билан қасам ичман!

ДУСТИМ. Қасаминг уч пулға ҳам қиммат. Лекин Жоме маҷитининг имоми, оғам Чин ҳожининг сўзларини инobatга олса бўлади...

Чин ҳожи ҳайрон бўлиб Дўстимга қарайди.

ДУСТИМ. Ҳа, ҳа! Сиз яна шайхулислом — давлатнинг собир отаси қилиб тайинлангансиз, суякли оғам. [Қурбон ҳожига мурожаат қилади]. Уйлайманки, Отабек қарши эмаслар?!

ҚУРБОН ҲОЖИ. Ахир...

ДУСТИМ. У икки ёқлама ўйин олиб борган... Худо уни ўз ҳузурига бажонидил қабул қилди... [Унбегига айтади]. Эшикнинг орқасида ҳазрати олийлари Авфон султон турибдилар. Олиб бориб онасига, Қутлижамолнинг қўлига топшир. Энди сен, бек... хон Элбарсдан кечирим сўра...

Унбеги Дўстимнинг тўнининг этагини ўпади, эшик томон тисарилиб бориб, кўздан ғойиб бўлади.

Дўстим дастурхонга ўтиради, пиёлага май қуяди, бир бўлак ҳалвони қўлига ушлаб кўздан кечиради ва дейди:

— Сиз, жаноби олийлари, ёдингизда тутинг... бизнинг розилигимизсиз ҳеч қандай фармойиш берман! [Қатъий]. Агар узоқ умр кечириб... давлатни бошқарай десангиз.

Дўстим ўткир нигоҳ билан Элбарснинг башарасига қарайди.

Қурбон ҳожи ва Чин ҳожи хўжайинлардек ўз ўринларига ўтирадилар.

ДУСТИМ. Мирзани қақиринг! «Етти гўзал» қудуғи олдида рус элчисининг қараони турибди, унинг биз томон бурилишга ҳадди сизмаяпти. Мен унга шахсий хавфсизлигини ҳамда, одамларнинг дахлсизлигини таъминловчи ёрлик юбораман.

ЧИН ҲОЖИ. Лекин, Арабхоннинг қора ниятлари нима бўлади?

ДУСТИМ. Арабхон Россия билан савдо битимини тузган, биз уни бажаришимиз керак.

ЭЛБАРС [ичқоралик билан]. Агар рус шоҳи Устюрт, Қорақумдан қўлини чўзиб ҳиқилдоғимиздан олса-чи?

ДУСТИМ [қатъий]. Мен битим билан танишиб чиқдим. Рус шоҳи бизга ҳеч қандай шарт қўймаган, нега энди биз унга душманлик қилишимиз керак?

ҚУРБОН ҲОЖИ. Мен кеча Раҳимқулбекнинг ҳузурда бўлдим.

ДУСТИМ. Сиз оқилона иш қилибсиз. Раҳимқул сингари одамларни хафа қилмаслик керак.

Кенг ариқ. Қирғоқда, дарахтлар соясида Раҳимқул билан Қутлижамол турибдилар, сал нарироқда Матмурод билан Марийка,

Қутлижамол билан Марийка эркаклар кийимида, бошларида чўғирма.

ҚУТЛИЖАМОЛ [Раҳимқулга]. Учрашувни бу ерга тайинлаганим учун узр. Менинг уйимни кузатишяпти. Сизнинг олдингизга боришга эса, журъат этолмадим. Мана бу кийимларни кийиб олишимга тўғри келди. Нима қилишни билмайман, Авфон султонни ўлдиришлари мумкин. Агар ҳозир бўлмаса, бир йил, икки йилдан кейин, албатта, ўлдирадилар. Бухорога, акам олдига боришга ҳам кўрқаман.

РАҲИМҚУЛ [ўйчан]. Бир йўли бор... Лекин, сизга ёқадими, йўқми, билмайман. Аммо бошқа чорани ҳам кўрмаяпман. Агар рус элчисидан султонни Москвага олиб кетишни илтимос қилсак... У ерда у хавф-хатардан холи бўларди.

ҚУТЛИЖАМОЛ. Йўқ, йўқ, бек! Уғлимдан ажралиш? Бу жудолikka чидай олмайман.

РАҲИМҚУЛ [кўполроқ]. Уз бағрингизда эса ўлдиришади?

ҚУТЛИЖАМОЛ [ийғлайди]. Уғлимдан бўлак ҳеч кимим йўқ... [рўмолининг учи билан кўз ёшларини артади, чуқур хўрсинади]. Йиртқич ҳайвонларнинг олдида юргандан кўра, бегона юртларда яшай қолсин. Сал улғайса, Элбарс унга ўз рақибидай қарайди... Яна бир илтимос... Элбарс рус элчисига йигирмата русни — ўнта қари, ўнта ёшни ўзи билан олиб кетишга рухсат берибди. Бугун Дарьяни зўрлаб олиб кетишди. Дўстимга, икковига ҳам ижозат бераман, деганимга қарамай, Марийкани қолдирдилар.

РАҲИМҚУЛ [айёрона]. Сиз манави кабутарларга бир қаранг. Матмурод Авфон султонни ўзининг ёш хотини билан кузатиб боради.

Хон саройи.

Тахтада Элбарс ўтирибди. Дўстим, Қурбон ҳожи, Чин ҳожи, Раҳимқул, савдогар Махтанбой, Унбеги ва бошқа олий мансабдорлар ҳам шу ерда.

Хохлов Элбарсдан бир неча қадам нарида, иззат билан гапирмоқда.

ХОХЛОВ. Ишонаманки, бизнинг буюк давлатимиз билан дўстликни мустақкамлай бориб, сиз, аввалгидек, дўстлигимиз ва ўзаро фойдамиз ниятида элчи ва савдогарларингизни юбориб турасиз.

ЭЛБАРС. Биз розимиз. Савдо-сотиқ подшоҳлар ўртасидаги дўстлик белгисидир. Савдо тўрисидаги битимимиз ўз кучида қолади. Мен, ҳурматли савдогаримиз Махтанбой билан бирга Москвага элчи қилиб Раҳимқулбекни юбориш ниятидаман.

Хохлов Раҳимқулга қарайди. Унинг юзи сўлғин, қаттиқ чарчаганлиги билиниб турарди.

ЭЛБАРС. Хавфсизлигингизга кафолат бераман. То Астрахангача сизни Унбегибек ўз соқчилар билан кузатиб боради...

ДУСТИМ [хоннинг гапини бўлиб]. Биз, жаноб элчи, сизнинг ҳар қандай илтимосингизни бажонидил кўриб чиқамиз. Русларни озод қилиш тўғрисидаги битимимиз ўз кучида қолади.

Саройдаги хона.

Бош вазир уч амалдорга қандайдир фармойишлар бермоқда.

Раҳимқул киради. Дўстим очиқ кўнгил билан уни кутиб олади:

— Сафар олдидан кирмассиз дегандим. Жуда хурсандман.

Дўстим Раҳимқулнинг ёлғиз суҳбатга майлини сезиб, одамларга жавоб бериб юборади.

Дўстим ва Раҳимқул ўтирадилар.

РАҲИМҚУЛ. Мен сиз билан маслаҳатлашгани келдим... Икки кундан сўнг карвонимиз йўлга чиқади. Рус подшоҳи билан менинг музокараларимни қандай тасаввур қиляпсиз?...

Дўстим учун бу савол жуда қутилмаган эди, у нима деб жавоб беришини ҳам билмайди.

РАҲИМҚУЛ. Марҳум Арабхон Хохловга ҳамма русларни — қирқ кишини озод этишга ваъда берган эди. Элбарс ўз фармони билан йигирма кишини бўшатди. Нима қилиш керак? Буюк князь Михаил Романов... қолаверса, ҳамма руслар бизни дилқашлик билан кутиб олдилар, биз истаган барча нарсаларни ҳеч қандай шарт қўймай бердилар. Рус элчиси норози, унинг эса, аччиқланишга ҳаққи бор.

ДУСТИМ [жаҳл билан чўрт кесади]. Биз — мустақил давлатимиз. Шунинг учун, ўз иззатини билсин.

РАҲИМҚУЛ [хотиражам]. Хохлов бизни ҳеч ҳам ҳақоратлагани йўқ... У бандиликка тушиб қолган ҳамюртларини ҳимоя қиляпти.

ДУСТИМ. Биз уларни ўғирлаганимиз йўқ, қул бозоридан сотиб олганмиз!

РАҲИМҚУЛ [қатъий]. Давлатлар ўзаро муносабатларда ҳалоллик, одобга риоя қилишлари керак! Яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш керак. Акс ҳолда, у ерга боришнинг ҳеч қандай зарурати қолмайди.

Раҳимқул билан Дўстим сукутда, бир-бирларига қарамайдилар.

ДУСТИМ [ярашгандек]. Сиз нима таклиф қилмоқчисиз, бек?

РАҲИМҚУЛ. Хохловга ҳамма русларни бериб юбориш керак.

ДУСТИМ. Бу мумкин эмас. Аъёнлар тўполон кўтариши мумкин. Бир йилдан сўнг уларни ҳазина ҳисобидан сотиб олиб, ватанларига қайтариш мумкин бўлар.

РАҲИМҚУЛ. Қуруқ сўзга энди ишонишмайди... Гаровга одам берсак-чи?!

ДУСТИМ. Гаровга арзийдиганроқ одамни бериш керак. Бунақаси бизда йўқ...

РАҲИМҚУЛ. Султон Авғон Муҳаммад...

Дўстим жимгина, совуқ назар билан Раҳимқулга қарайди ва бу суҳбатнинг сабабини тушунгандек жилмай бошлайди.

ДУСТИМ. Қутқармоқчимисиз!

РАҲИМҚУЛ [очиқчасига]. Ҳа. Ахир, у ҳали бола, гўдак-ку.

ДУСТИМ [жиддий]. Мен ўз қароримни эртага айтаман.

Бунинг ўзи бўлмайди... Шаҳзодани гаровга бериш!

Қутлижамолнинг уйи.

Унча катта бўлмаган меҳмонхонада Қутлижамол, Дарья ва Марийка.

ҚУТЛИЖАМОЛ [Дарьяга]. Мен сеини, Авғон султоннинг сизлар билан Москвага кетиш эҳтимоли борлигини айтиш учун чақирдим.

Қутлижамолнинг ранги ўчган, кўзлари жонсарақ йилтиллади.

ДАРЬЯ. Аммо менинг Марийкам шу ерда қолади...

ҚУТЛИЖАМОЛ. Марийка кетади! Қизингни тўй қиламиз... Матмуродга узатамиз. Дарья ўзини йўқотиб, қотиб қолади, кейин собиқ бекваси айтган гапларнинг маъносига тушуниб жилмайди.

ДАРЬЯ [ҳаяжонда]. Хон бунга тўсқинлик қилмасмикан?

ҚУТЛИЖАМОЛ. Одамнинг шаръий хотинига қўл тегизишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Хўш, розимисан?

Дарья бошини силқийди.

Марийка хурсанд, ўрнидан туриб, хонадан чиқади.

ҚУТЛИЖАМОЛ. Мен ишонсам бўладими?...

Дарья онанинг қайғусини, ҳаъжонини тушунади ва мулойимлик билан жавоб беради:

— Хафа бўлманг, бекам, мен Авғон султонга ўз ўғлимга қарагандек қарайман.

Дўстимнинг уйи. Дўстим якка ўзи овқатланиб ўтирибди. Хизматкори унинг қошида.

Ташқаридан Қурбон ҳожининг йўғон овози эшитилади.

ҚУРБОН ҲОЖИНИНГ ОВОЗИ. Бизнинг укамиз эсини еб қўйибди!

Хонага баланд бўйли Қурбон ҳожи, унинг орқасида Чин ҳожи кирадилар.

Қурбон ҳожининг кўлида ҳасса, Чин ҳожининг кўлида тасбеҳ.

ДҮСТИМ (кесатиб). Шундай бемаҳалда Отабек ва пири муршиднинг менда қандай хизматлари бор экан?

Қурбон ҳожи ҳассасига таяниб, бароқ қошлари остидан Дўстимга ғазаб билан қарайди.

ҚУРБОН ҲОЖИ (ўзини зўрга босиб). Буни қандай тушуниш керак?

ДҮСТИМ (чой хўплайди, вазмин). Менга саволингиз равшан эмас, Отабек.

ҚУРБОН ҲОЖИ. Равшан эмас? Давлат тақдирини бизсиз ҳал қилишга қандай ҳаддинг сизди?!

ЧИН ҲОЖИ (кесатиб). Безиён қўй... Тун қоронғисида қўйхонани излаб юрган шўрлик кўзичоқ.

ДҮСТИМ (хотиржам). Билишимча, бек, сизнинг рус заргарингиз бор эмиш... У сизнинг ҳамёнингизга йилга қанча олтин танга келтиради?... Сизнинг устангиз-чи, пирим, қанча саройларни нафис нақш билан безаган? Бу билан ҳамёнингизни, йўғ-е, қопингизни ақча билан тўлдирган! Балки сиз уларни рус элчисига бериб юборарсиз?

ҚУРБОН ҲОЖИ. Бу менинг шахсий мулким! Мен у қулни бозордан сотиб олганман.

ДҮСТИМ. Ҳа, давлат манфаатлари йўлида ўз шахсий мулкингиздан воз кечолмай-сизми?!.. Сиз-чи, пирим?

Дўстим ўрнидан туради, оёғи остига пиёла тушиб кетади, этиги билан уни босиб ўтади.

Дўстим ранги ўчган, ғазаб билан акаларига қарайди.

— Нега менинг амримга бўйсунмай, Ҳасанбекни ўлдирдинглар! Султон Авғонни қатл этмоқчи бўлдинглар-а? Нега индамайсиз! Оғзингизга талқон солганмисиз? Балким мен Имомқулихон билан рус шоҳининг ғазабини ўзимни деб бартараф қилаётгандирман? Балки Россияга мен ўзимнинг молларимни жунатаётгандирман?! Гапиринглар! Акалари тумшайиб, жим туришади. Улар Дўстимнинг қайнаб кетган ғазабидан кўрқаётганларини яшира олмайдилар.

ДҮСТИМ (масҳараомуз, кесатиқ билан). Боринглар, Элбарсга буюринглар, Авғон султонни қатл этсин. Имомқулихон келиб бўйинларингни қилич билан силаб кўяди. У шуни кутиб ётибди. Шундай кутяптики!

ҚУРБОН ҲОЖИ (қовоғини солиб, рози бўлгандек). Агар рус элчиси у итваччани олиб кетишни хоҳласа, майли олиб кетаверсин...

Чўл. Карвон йўлга ҳозирланмоқда.

Ўғлини саҳро чегарасигача кузатиб келган Қўтлижамол у билан хайрлашмоқда.

АВҒОН МУҲАММАД. Ойи, қолсам майлими? Акамнинг олдига борамиз, тиз чўкиб кечирим сўраймиз...

Йиғлаб хун бўлиб кетган Қўтлижамол шоша-пиша кўз ёшларини артади, ўғлига, гапирди:

— Йўк, йўк, кетганинг маъқул. Мен энди йиғламайман. Аканг Элбарсининг ичи тундан ҳам қора, у сени соғ қўймайди.

АВҒОН МУҲАММАД. Бўлмаса Бухорога, тоғам олдига борамиз!

Хохлов Раҳимқулга секин гапирди:

— Бутун дунёдаги оналар бир хил... Ахир узоқ муддатга хайрлашаётганини юраги сезиб турибди.

ҚўТЛИЖАМОЛ. Тоғаннинг сендан бошқа ҳам жиянлари жуда кўп. Эҳ, ўғлим, ҳали қип-қизил гўдаксан! Одам хон бўла туриб ўз қариндошларининг дўсти бўла олар эканми?

Қўтлижамол ўғлини Хохловнинг, Раҳимқулнинг олдига олиб келади. Уларнинг орқасида Дарья, Матмурод, Марийка турадилар.

ҚўТЛИЖАМОЛ. Мен... сизнинг қўлингизга ўз юрагимни топширяпман.

ХОХЛОВ. Уни ўз фарзандимиздек асраймиз...

Ҳамма Қўтлижамолга чуқур таъзим қилганча қолади.

Кремль. Қабулхона.

Тахтда — подшоҳ Михаил Романов. Девор бўйлаб боярлар, князлар, ажнабий элчилар турибдилар. Раҳимқул билан Махтанбой ҳам шу ерда.

Сукунат. Ҳамма диққатини жамлаган.

Махтанбой норози бўлиб Раҳимқулга пичирлайди:

— Шоҳ Араб Мухаммаднинг ўғлини худди улуғ элчидек кутиб олмоқда... Хон Элбарс элчи қилиб сизни тайинлади, бек, бу тирранчани эмас!

РАҲИМҚУЛ. Сиз — савдогар, мен — бекман, лекин биз шаҳзодалар эмасмиз. Руслар Авғон Мухаммадни тантана билан кутиб олиб, бизнинг халқимиз ва давлатимизга чуқур ҳурмат изҳор этадилар, деб ўйлайдилар... Ҳаммаси тўғри.

Грамотин билан Авғон Мухаммад киради. Грамотин шаҳзода туриши керак бўлган жойни унга кўрсатади ва эълон қилади:

— Хоразм хонининг ўғли, шаҳзода султон Авғон Мухаммад ҳузурингизга бош уриб келди, олий ҳазрат!

Грамотин меҳрибонлик билан шаҳзоданинг тирсагидан ушлаб, шоҳнинг олдига

олиб келади. Михаил Романов илиқ табассум билан унинг елкасига қўлини қўяди, унинг кўлидан ёрлиқни олиб, ўқиш учун Грамотинга топширади.

ГРАМОТИН (ўқийди). Бутун Россиянинг буюк шохи ва буюк князь Михаил Федорович! Авғон султон сизга бош уриб келди. Менинг отам сиз билан дўст эди. У, Улуғ Россияга қўшилмаганимизча, юртимизда тинчлик бўлмайди, деганди. Душманлар бунга йўл қўймасликни истар эдилар ва уни ўлдирдилар.

Сиздан илтимос, давлатпаноҳ, фармон беринг, менга қўшин топширилсин, мен золимлардан ўч оламан ва бутун халқим билан бирга мамлакатимизни ўз оилангизга қабул қилишингизни сўрайман»...

ПОДШОҲ (оғир хўрсиниб). Дўстимизнинг ўғли эшигимизни қоқар экан, биз уни меҳмондўстларча кенг очиб беришимиз лозим... Шаҳзодани сенга топшираман, Грамотин.

Улар хайрлашадилар.

Астрахань.

Волганинг баланд қирғоғида Раҳимқул ва Грамотин турибдилар. Улар видолашмоқдалар.

ГРАМОТИН. Хафа бўлма, дўстим, шундай кунлар келадики, бизнинг халқларимиз бирлашиб, ягона оиладай яшайди.

РАҲИМҚУЛ. Биз қўлимиздан келган барча чораларни кўрдик...

ГРАМОТИН. Авғон Муҳаммаддан хавотирланма. У Дарьянинг олдида, янги уйда. Подшоҳ боланинг тарбиясини давлат ҳисобига ўтказишни буюрди. Ҳеч нарсага муҳтож бўлмайди. Ўқитамиз. Уни кўриқлаш менга топширилган...

РАҲИМҚУЛОВ (таъсирланиб). Миннатдорман, биродар...

Раҳимқул билан Грамотин кучоқлашадилар, русчасига уч марта ўпишадилар.

Русчадан Мухтор НИЁЗОВ таржимаси.



Куй сеҳри

Р. Альбеков
фотоэтюди

Шомурод Сиддиқов

МИНГЛАРДАН БИРИ

Киш курғоқ келиб, қор кам ёққанидан деҳқон ташвишда. Гарчи ҳосил йиғиштирилиб, долзарб кунлар орқада қолган бўлса-да, пахтакор тиним билмайди. У совуқ-изғиринда ҳам далани — эртага «оқ олтин» дурдонаси унадиган тупроқ тақдирини ўйлайди. Уни обдан етиштириш ва тупроқда етарли нам тўплаш чорасини кўради.

Маҳкамхон Ҳазратқулова далага отланаркан, қўшни райондаги бригадир — Адолат Носированинг катта бир йиғилишда айтган гапини эслаб, яна ҳаяжонланди. Адолатхоннинг область қишлоқ хўжалик ходимлари кенгаши минбаридан айтган шу сўзлари қулоқлари остида қайта янграгандек бўлди. «Мен бу йил ёшлар билан эмас, тажрибали пахтакор Маҳкамхон Ҳазратқулова билан мусобақалашмоқчиман».

Ўйлаб қараса, ишлаб чиқаришда Адолатхондан орқада қолаётгани йўқ. Илгари иккови ҳам Нишон район хўжаликларида бригадирлик қилар эдилар. Адолатхон Чўли Бегимқулов номидаги совхозда, ўзи эса Карл Маркс номи совхозда, Терим бошланиши билан қизил карвонда ҳам тенгма-тенг қатнашиб, баравар олқиш олардилар. Пахта тайёрлаш планини ҳам бир кунда бажарар эдилар. Урталарида фарқ шундаки, Адолатхон икки йилдан бери бошқа хўжаликда — Таллимаржон районидagi «Коммунист» совхозида бригадир. Ери кўриқ, суви мўл, техникаси етарли. Лекин Маҳкамхон Адолатхонга қараганда тажрибалироқ. 1972 йилдан бери пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. Туғилиб ўсган Қовчин қишлоғининг етти яшаридан етмиш яшаригача билганидек, ўн бир йилдан бери деҳқончилик қилаётган кадрдон даласининг бутун сир-асрори унга беш бармоғидек аён. Чигитни қачон екишдан тортиб гўзани озиқлантириш, чеканка бошланадиган кун — ҳаммаси соат-минутигача ёндафтарчасига қайд этилган. Йил бўйи ҳисоб билан иш тутиб, режа билан иш юритади. Лекин Адолатхон бир жиҳатдан устун: олий маълумотли агроном. Қўлида Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг иқтисод-агрономия факультетини тамомлагани ҳақида дипломи бор. Маҳкамхон эса, ўрта маълумотли. Қишлоғидаги мактабни 1958 йили тамомлаганидан буён колхозда. Дастлабки йиллари онаси Новвоҳтоннинг ёнига кириб пахта терди. Айни баҳорда она-бола колхозда икки қути пилла уруғи олиб, қурт боқди. Ёз чилласи бошланиб, гўза: «Сув, сув!..», деб ҳансираганда тажрибали сувчилар ёнида енг шимариб, эгатларга сув таради. Кейин, мана, ўн бир йилдан бери бригадир. Ҳар йили 150 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Йил бўйи дала кезиб, деҳқончиликда кўзи пишди. Ўтган йили эса, бригадаси шу майдондан қарийб 1000 тонна пахта ҳосили етиштирди. Республикамиз пахтакорларининг 6 миллиондан ошиб кетган ўлкан хирмонида уларнинг муносиб ҳиссаси бор...

Маҳкамхон ширин хаёллар оғушида далага етиб келганини сезмай қолди. Чаккасига оғиб тушган дуррасини ўнг қўли билан сал тепага суриб қўйди-да, кафтини пешонасига тутиб, узоқ-узоқларга тикилди. Уфққача туташиб кетган поёнсиз дала. У меҳнат қилаётган Карл Маркс номи совхоз ҳар йили 1 минг 800 гектар ерга пахта экади. Бундан ташқари анчагина майдонда сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Уларга қўшни 6- ва 10-совхозлардан ҳар бирининг 2—3 минг гектарлаб суғориладиган ери бор. Кечаги яйдоқ Қарши чўлида янги-янги совхозлар, районлар ва шаҳар бунёд этилмоқда. Бу улкан ишларнинг ҳаммаси инсон қудрати билан, Адолат, Мастура, Тўлганой, Шарофат сингари ўнорак чўлқуварлар ғайрати билан амалга ошмоқда. Узаро аҳдлашиш, социалистик мусобақанинг кучини айтмайсизми? Адолат юсак минбардан туриб мусобақага қақиргандан буён Маҳкамхон елкасида оғир бир юк тургандай ҳис қилади ўзини. Ҳар кун иш далага чиқиб, тупроққа яқоб бераётган сувчиларнинг ишини текширади. Қишда ҳам уйда тинчиб ўтиролмайди. Ҳа, қарши зонасидаги районларнинг табиати нозик, қишда ҳам, баҳорда ҳам ёғингарчилик кам бўлади.

— Маҳкамхон, бунча тикилиб қолдингиз? Қўшнилариимизнинг янги ерларига ҳавас қилайсиз шекилли?— деди сувчи Мели ота Жўраев бригадирнинг ёнига келиб.

— Э-э, отахон, ассалому алайкум. Чарчамадингизми? Хаёл билан бўлиб, сизни пайқамабман ҳам,— деди Маҳкамхон.

— Даламизнинг меҳригиёси зўр-да, ҳар куни келиб-кетасиз, қизим,— деди Мели ота пушта четига чўккаларкан.

— Гапингиз тўғри,— сўзини давом эттирди бригадир.— Таллимаржон районидаги «Коммунист» совхози ерларининг тупроғи ҳам бизга қўшни 6-совхознинг ҳув анави майдонларидай,— Маҳкамхон ўша томонга ишора қилди.

— Мақсадингизни тушундим, қизим. Мусобақадошимизнинг имкониятини чама-лаб кўряпман, денг. Биламан, шартлашгансизлар. Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Бу йил ҳам бўш келмаймиз,— деди Мели ота секин ўрнидан тураркан.

— Раҳмат, отахон. Жалил билан Эгамбердининг суғоришидан кўз-қулоқ бўлиб турасиз-да. Ҳарҳолда улар сизга қараганда тажрибасизроқ,— дея Маҳкамхон отахон билан ёнма-ён олдинга юрди.

Уша куни у пайкаларни, айланиб, таралаётган сувнинг қуйилишини кўрди, пушталарнинг мустаҳкамлигини текширди. Сувчилар билан бирма-бир учрашиб: «Ҳар картага қўйилган сув ўзига сингсин. Сув пуштани ўпириб, иккинчи картага оқиб ўтмасин, тупроқнинг унумдор қатламини ювиб кетмасин», деб уқтирди. Бундан беш кун олдин суғорилган этакдаги картанинг тупроғи селгиб, тобга келган эди. Даладан қайтишда яна Мели ота Жўраев билан маслаҳатлашди.

— Қиш қурғоқ келди. Баъзи карталаримизга яхоб сувини икки мартадан бермасак бўлмайди шекилли, отахон?

— Мен ҳам худди шу ниятдаман,— деди Мели ота бригадирнинг гапини маъқуллаб.

Маҳкамхон даладан қайтаётиб, йўл-йўлакай механизатор Рўзибой Эшонқуловнинг уйига кирди:

— Этакдаги картаимизга эртагаёқ мола бостиринг. Яна нами буғланиб кетмасин,— деб унга ҳам вазифа топширди.

Уша кунни Хумор чой дамлаб, ойисини кутди. Ойиси ҳар хил ташвишлар билан далада ушланиб қолди. У қайтадан чой қўймоқчи бўлиб, энди ошхонага ўтган ҳам эдики, ташқаридан ойисининг:

— Хумор!— деган овози эшитилди.

— Лаббай, ойи!

Хумор ойисига пешвоз чиқди.

— Ичкаридан супургини олиб бер. Этигим лой бўлиб кетди. Сал тозалаб селгитмасам...

— Еча қолинг, ўзим тозалаб қўяман... Ҳозир!

Хумор шундай дея зудлик билан ичкарига қайтиб кириб, ойисига кавуш олиб чиқди.

— Ойи, ўзиям роса шудгор оралабсиз-да. Этигингизнинг ҳар бирида ботмон лой,— деди Хумор чаққон-чаққон тозаларкан.

— Пушталардан юрувдим, нам уриб, лой тортибди-да,— дея Маҳкамхон тўрга ўтиб, хонтахта атрофига ўтираркан; оқиста сўради,— қизим, буving кўринмайди?

— Фазли қишлоғидаги Хуррам ойига ўғиллари она тўйи қилаётган экан. Қўни-қўшни, тенгдошлари билан ўша ёққа кетувдилар. Энди келиб қолсалар керак. Сиз чой ичиб, бир оз дамингизни олинг. Ҳадемай овқатим ҳам пишиб қолади,— деди Хумор ошхона томон юраркан.

Маҳкамхон сал ором олиш учун болишга ёнбошлаган ҳам эдики, ташқаридан ойисининг овози эшитилди:

— Тавба, одамлар ҳам гапга тўн кийдиришади-да! Сизнинг қизингиз эмас, ҳукуматимизнинг қизи, дейишади-я!— Новвот ойи йўл-йўлакай кулиб-кулиб гапириб келарди.

— Ойи, уйга кириб, нима гаплигини бизларга ҳам айтинг, қўшилишиб кулайлик,— деди Маҳкамхон ўрнидан туриб, эшик томон юраркан.

Ойиси кавушини ечиб ичкарига кирди ҳамки, нуроний юзларидан табассум аримади.

— Фалакнинг гардиши билан бугун қўни-қўшниларга қўшилиб, Фазли қишлоғига, она тўйига борган эдим,— дея гап бошлади кампир.— Кўпдан бери кўриша олманган танишларим билан учрашдим. Мени танимаганлари: «Ким бўласиз?», деб суриштиришди. Бригадир Маҳкамхон Ҳазратқулованинг ойиси бўламан десам, ҳаммалари сенинг таърифингни қилиб кетишди. Депутатлигинг даврида Қовчинга туғуруқхона қурдирганинг ҳам, Фазлида янги мактаб солдирганинг-у, қишлоғимизга сув келтирганинг— ҳамма-ҳаммасини бирма-бир эслашди. Бутун қишлоқ аҳли сендан роса миннатдор. Шу вақт ёнимда ўтирган қўшним: «Новвотхон, таърифи элга кетган ўша Маҳкамхоннинг ойилари-да!» деганини биламан, рўпарамда ўтирган кампирлар, гапга чечан экан, роса бери олиб, бири қўйишди. Биласан, гапга йўқман. «Отаси фронтга кетганда ўн бир ойлик бир парча эт эди, уни улғайтаман деб, не-не қийинчиликларни тортдим», деб гап бошласам, «Қиз улғайтишни билибсиз-у, ўзингиз орқада қолибсиз-да», деб яна гапни илиб қочишди. Хуллас, Хуррам кампирнинг тўйи баҳона бўлиб, роса яйрашдик, қизим.

Қадимий Қарши чўлини ўзлаштиришдек умумхалқ ҳаракатида етакчилик қилаётган икки мусобақадош пахтакорга область коммунистлари катта ишонч билдириб, уларни Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съездига делегат қилиб сайладилар.

Маҳкамхон билан Адолатхон съезд залида ёнма-ён ўтириб, КПСС Марказий

Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидовнинг ёрқин докладыни ва музокарага чиққан делегатларнинг нутқларини зўр ҳаяжон билан тингладилар.

«Янги беш йилликда ҳар йили ўрта ҳисобда 5 миллион 900 минг тоннадан пахта етиштириш таъминланиши лозим. Беш йил мобайнида қарийб 30 миллион тонна пахта етиштириш керак бўлади».

Маҳкамхон ҳам, Адолатхон ҳам докладда таъкидланган бу рақамларни ёндафтарларига ёзиб олдилар. Улар «Вазифа улкан! Ун биринчи беш йилликда яна ҳам ғайрат билан ишлашимиз зарур!» дегандек бир-бирларига ҳис-ҳаяжон билан тикилиб кўйдилар.

Съездда чўлқувар коммунист Адолат Носирова Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзолигига сайланди. Уни бу юксак ишонч билан биринчи бўлиб ёнидаги ҳамюрти Маҳкамхон Ҳазратқулова табриклади.

— Бу Қарши чўлини яшнаган воҳага айлантираётган барча коммунистларимизга билдирилган юксак эътибордир,— деди Маҳкамхон зал фойесига Адолатхонни самимий кучаркан.— Ғайратимиз ана шу улуғ эътиборга яраша бўлмоғи лозим.

— Албатта, опахон! Мендек оддий деҳқон қизига шунчалик...— деди қувончдан тўлқинланиб Адолатхон.

Улар съезддан хурсанд бўлиб қайтдилар. Келган кунларининг эртасигаёқ ўз шийпонларида бригада аъзоларини йиғиб, съезддан олган таассуротларини ва республикамиз коммунистларининг тарихий анжуманида белгиланган улуғвор вазифаларини ҳаяжон билан гапириб бердилар.

Қайси бир донишманд «Қимки ҳалол меҳнат қилса, тер тўкса, шуҳрат, обрў уни толиб келаверади», деган экан. Дарҳақиқат, яшнаётган Қарши воҳасининг ёруғ юлдузларига олдинма-кейин бахт ва иқбол кулиб боқди. Қашқадарё бўйлаб радио тўлқинлари орқали хушхабар тарқалди: Нишон районидаги Карл Маркс номли колхознинг пахтачиллик бригадаси бошлиғи Маҳкамхон Ҳазратқуловага СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Уша кунийёқ Маҳкамхоннинг уйи тўйхонага айланиб кетди. Дугоналари, қариндошлари, ҳамқишлоқлари уни юксак унвон билан самимий табрикладилар.

Одамлар тарқалиб, қизи ва невараси билан холи қолган Новотхон ая:

— Қизим, ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ деганлари бежиз эмас-да,— деди ҳаяжонланиб.— Куёвимиз Мадаминжон машина авариясида ҳалок бўлганда ҳовлимиз ҳам, кўнглимиз ҳам хувиллаб қолган эди. Ёлғиз қолдим деб, ўк-сигандинг ўшанда. Мана, дугоналаринг қаторида тер тўкиб, обрў орттирдинг. Бугун партия ва ҳукуратимиз кўксингга Олтин Юлдуз тақишни лозим кўрибди. Бундан ортиқ бахт борми?! Лекин яхши куннинг қадрига етиш учун оғир кўнни ҳам эсдан чиқармаслик керак...

— Ҳа, ая,— маъюсланди Маҳкамхон.— Бу олий мукофотда марҳум Мадаминжон акамнинг ҳам улушлари бор. У киши тиниб-тинчимас эдилар. Бригадамизнинг ери, суви деб ўзларини ўт-оловга урардилар. Биз у кишининг амалга оширилмаган орзуларини рўёбга чиқараётганлигимиз учун ҳам бахтиёрмиз.

* * *

1982 йил республикамизнинг барча пахтакорлари сингари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳазратқулова бошлиқ бригада деҳқонлари учун ҳам ғоят машаққатли бўлди. Баҳорнинг қурғоқ келиши, кўзда бевақт ёққан ёмғир-қор пахтакорларимиз учун жуда катта қийинчиликлар туғдирди. Лекин шонли юбилей йилининг ўзига хос масъулияти ва таровати бор эди.

Карл Маркс номли совхознинг Маҳкамхон Ҳазратқулова бошлиқ юқори ҳосилли бригадаси пахтакорлари йил бошидаёқ Қашқадарё областида «СССРнинг 60 йиллигига— 60 центнерлик ҳосил» деган ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар. Табиийки, ташаббус замирида катта масъулият ётарди. Қийин об-ҳаво шароитида 60 центнерлик юксак маррани эгаллаш осон бўлмади. Моҳир пахтакорлар халққа, партияга берган ваъдаларини оқлаш учун бутун куч-ғайратларини ягона мақсадга йўналтира билдилар. Улар мавжуд механизация воситаларидан ўз ўрнида унумли фойдаландилар. Астойдил қилинган ҳаракат туфайли мақсадга эришилди. Қаҳрамон бошлиқ бригада аъзолари область партия комитетига ва область ижроия комитети номига йўллаган ғалаба рапортида: «Мажбуриятимизни бажардик: ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта йиғиб топширдик», дея фахр билан хабар қилди.

Пахта тўкинчилик, фаровонлик манбаи ҳамдир. Шу жиҳатдан олиб қараганда Маҳкамхон бошлиқ бригада КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларига амалий жавоб берди.

Мана, саксон иккинчи йил ҳам тарих саҳифасига кўчди. Лекин у республикамиз пахтачилигининг ривожланишида, Маҳкамхон Ҳазратқулова сингари қаҳрамон пахтакорларнинг меҳнат фаолиятида ҳақиқий жасорат ва садоқат тимсоли сифатида салмоқли из қолдирди.

Ҳа, юксак доvon ошган ғолиблар энди. янги чўққиларни кўзламоқдалар.



ФАФУР ҒУЛОМ ВА ТАТАР АДАБИЁТИ

Ғафур Ғулом бутун умри давомида барча қардош адабиётлар, жумладан татар адабиёти билан мустақкам алоқада бўлиб келган эди. «Ёшликда китобга ўч эдим,— деб ёзган эди у кейинчалик бу ҳақда,— менинг севиб ўқийдиган китобларим Қозон, Оренбург, Бокуда босиларди. Айниқса, Қозон китобларини кўп ўқиганман. Абдулла Тўқайни, Мажид Ғафурийни, Фотиҳ Амирхонни, Ризоуддин бинни Фахриддинни, Олимжон Иброҳимовни ва бошқа-бошқаларни ўша замондаёқ таниган эдим. Қозон менинг ёш тасаввуримда Каъбадан юқори турар эди...

Ҳамза Ҳақимзода ва Маннон Уйғурлар бунёд қилган ҳозирги Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театрини воёга етказишда машҳур татар сахна арбоблари Абдулла Камол, Девишев, СССР халқ артисти Халил Абжалилов ва бошқаларнинг ҳам хизмати синган. Рус қизи Мария Кузнецова, ўзбек қизи Лутфиҳоним Саримсоқовалар билан бирликда татар қизи Маъсума Қориева ўзбек совет артистларининг биринчи отрядидандир...

Ўзбекистон матбуотининг ривожланишида ҳам татар эълоларининг маълум ҳиссаси бор. Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермухамедов, Зиё Саид, Аъзам Аюб, Л. Олимий, А. Ёкубовлар билан бир қаторда Аҳмад Донской, Вали Алломов, Қ. Сорокин, М. Ҳасан, Ф. Сулаймон, Ш. Муртазин ва бошқалар ўзбек совет журналистларининг биринчи отрядини, бўғинини ташкил қилдилар. (Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. «Фан» нашриёти, Тошкент 1971, 289—290-бетлар.)

Ғафур Ғулом, айниқса, Абдулла Тўқай Олимжон Иброҳимов, Мажид Ғафурий кейинроқ Ҳоди Тоқтош, Ҳасан Тўфон, Сайфи Қудаш каби кўплаб татар ва бошқирд шоирлари ҳамда ёзувчиларининг асарларини севиб ўқигани маълум. Унинг Ҳоди Тоқтош, Ҳасан Тўфон, Сайфи Қудашлар билан шахсий дўстлиги эса умрининг охиригача давом этди.

Ғафур Ғуломнинг Тоқтош билан танишиши аслида 1919 йилдан бошланди. Кейинчалик у Зиё Саид билан Қозонда бўлганида Одил Қутуй, Демьян Фатҳий, Шомил Усмонов, Афзал Шамовлар даврасида

Ҳоди Тоқтошни ҳам учратгани, Тоқтош унга Мусо Жалилни таништириб: «Келажаги ўтдай балқиб турган ёш шоир, ундан умидимиз зўр», деб унга катта баҳо берганини эслайди. Адиб Тоқтошни «Татаристоннинг оташин революцион шоири, Маяковскийнинг издошларидан бири, йирик сиёсий лирик» деб атаб, унга юксак баҳо беради. (Ўша китоб, 283-бет.)

Ғафур Ғуломнинг татар классик ва совет адабиётига бўлган қизиқиши унинг кейинчалик Абдулла Тўқай, Мусо Жалил, Ҳоди Тоқтош ижодидан қилган энг яхши таржималари, улар ҳақида ёзган мақола ва эсдаликларида ҳам очиқ кўринади.

Ҳоди Тоқтошнинг социалистик ҳаёт қурилиши ютуқларини кўтаринки романтик руҳда куйловчи кўплаб ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърларини Ғафур Ғулом В. Маяковскийнинг «Ҳайқирик», И. Бехернинг «Беш йилликни куйлайман» каби шеърлари билан бир даврда таржима қилгани диққатга сазовордир.

Тоқтошнинг бевақт ўлими кунларида шоир унинг «Муҳаббат товбаси» дostonини таржима қилиб, «Ер юзи» журналининг 1931 йил, 17-18-сонларида чоп эттирди.

Ғафур Ғулом илҳом билан таржима қилган бу дostonдаги «Севги ўзи жуда эски нарса, фақат ҳар юрак уни янгилар» каби сатрлар кейинчалик Ҳамид Олимжон, Усмон Носир каби шоирларнинг совет ёшларидаги эркин муҳаббатни куйловчи қайноқ мисралари билан омухта бўлиб, шеърят мухлислари ўртасида ёд бўлиб кетди.

Мазкур таржима муносабати билан журналда ёзилган сўзбошида ҳам Ғафур Ғуломнинг татар адабиёти ва матбуотига, айниқса, ўзига ғоявий жиҳатдан яқин бўлган жанговар шоир Ҳоди Тоқтошга нисбатан қизгин меҳр-муҳаббат очиқ сезилиб туради. Шоир Ҳоди Тоқтош ўлимига чуқур қайғуриб, «Ер юзи» журналининг кўп минглаб ўқувчилари томонидан татар халқига таъзия изҳор этади: «Шу йил 8-декабрда Татаристоннинг атоқли шоирларидан Ҳоди Тоқтошнинг ўлими тўғрисида телеграмма олдик.

Ҳоди Тоқтош биринчи шеъри босилиб чиққан кундан бошлаб, попутчик ҳисобла-

нар эди... Давримизнинг салобати, социализм қурилишининг дағдағалари, оҳанглари шоирни попутчикликдан... пролетариат шоири бўлишига қорладилар. Унинг «Мухаббат тавбаси» дostonчасини ўқувчиларимизга тақдим қилиш билан шоирга бўлган ҳурматимизни эълон қиламиз,— («Ер юзи» журнали, 1931, 17—18-сон)— деб ёзади у. Шундан кейин Тошкентда 1932 йил Узнашр томонидан Фафур Фулом таржимасида «Ҳоди Тоқтош шеърлари» номли китоб чоп этилади. Унда В. Уразаевнинг Тоқтош ҳаёти ва ижоди ҳақида каттагина сўз бошиси ҳам берилган. Китобда шоирнинг «Тоқтош ўлди», «Асрлар ва минулар», «21-январь», «27-январь», «Қуюндан сўнг», «Турмуш симфонияси», «Жавоб», «Мухаббат тавбаси», «Зубайданинг расми» каби гоёвий-сийсий жиҳатдан ўткир шеър ва дostonлари ўрин олган. Уларда Тоқтош ҳаётдаги янги инқилобий ўзгариш тўлқинлари, инқилоб доҳийси В. И. Лениннинг барҳаёт сиймоси, беш йилликларнинг шиддатли ғалабаларини катта шеърый эҳтирос билан куйлаган эди. Ҳоди Тоқтош асарларидаги оригинал изланишлар Фафур Фулом томонидан чуқур ҳис қилиниб, янгича бир поэтик завқ ва кўтаринки оҳанг билан таржима қилинган. Тоқтошнинг ўғли, санъатшунослик фанлари доктори Рафаэль Тоқтош хотираларидан бирида шундай ёзади:

«Ўзбекистон отам учун жонажон ўлка эди... У Тошкентда Туркистон ишчи-деҳқон университетига дарс берди. «Билим юрти» журналида ишлади, қизил аскарларга лекциялар ўқиди, ўзбек шоирлари билан танишди, дўст тутинди. Бу шоирлар орасида Фафур Фулом ва Ғайратийнинг бўлганлиги менга яхши маълум. Отамнинг дўсти, буюк шоир Фафур Фулом менга оталарча ёрдам берди, ҳомийлик қилди. Мен Фафур Фулом шеърятини доим тарғиб қиламан. Умр бўйи бу улкан шоир ва улкан инсондан миннатдорман.

1939 йилдан буён ҳаётим Ўзбекистон билан боғлиқ. Бу давр ичида шу нарсани аниқ билдимки, ўзбек зиёлиларининг энг сара қисми учун отам ижоди юракка яқин ва қадрдондир. Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Султон Жўра каби машҳур шоирлар ўз асарларида отамни эслаганлар, унга эрғашганлар. Ўзбек китобхонларини отамнинг ижодига эътиборини ҳар дақиқда сезиб тураман». (Рафаэль Тоқтош. Фарзандлар оталар ҳақида. «Гулистон» журнали, 1971, 1-сон, 19-бет.)

Фафур Фулом Қозонга иккинчи бор (1936 йил август ойида) Шокир Сулаймон бошчилигидаги бир гурупа ўзбек ёзувчилари, жумладан, Абдулла Қодирий, Амин Умарий ва бошқалар билан бирга борди. Кўпчилик татар газета ва журналлари Амин Умарий, Шокир Сулаймон асарларидан намуналар босиб чиқарди. Татар шоири Ҳасан Тўфон «Хуш келдингиз, ўртоқлар!» номли табрик мақоласида Фафур Фуломнинг Қозондаги Воҳидов заводи ишчиларига бағишланган шеърининг интернационал моҳияти, бизнинг давримизда халқлар дўстлигининг ҳаётбахш кучи тўғрисида тўлқинланиб ёзган эди. Ўз навбатида Фафур Фулом ҳам Шокир Сулаймон билан биргаликда «Қизил Татаристон» газетаси саҳифасида ёзган «Ўзбекистон совет адабиёти» мақоласида Ўзбекистон ёзувчилари-

нинг Қозонга бўлган бу сафаридан кўзда тутилган асосий мақсадини ифодалаб: «Ўзбекистон совет ёзувчилари бригадасининг Қозонга келиши, бир ёқдан, Татаристонни ўрганиб, бадийий асарлар яратишни мақсад қилиб, иккинчи ёқдан татар совет адабиёти ўлкасида танқиднинг қўйилиши ва саҳна асарлари билан танишиб, тажрибаларини ўртоқлашув бурчини кўзда тутди»,— деб кўрсатган эди. Бундан ташқари мақолада ВКП(б) МКнинг 1932 йил, 23-апрелда чиқарган тарихий қарори, Бутуниттифоқ совет ёзувчиларининг биринчи съездидан кейин бошқа миллий республикаларда бўлгани каби, ўзбек совет адабиётида ҳам қўлга киритилган янги ютуқлар, айниқса, Садриддин Айнийнинг «Қуллар», Ҳусайн Шамснинг «Хуқуқ», Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон», Ойбекнинг «Дилбар — давр қизи», Ҳамид Олимжоннинг «Пойга» каби машҳур тарихий ва замонавий мавзудаги романлари, шеър ва поэмаларига тўхтайдди. Ўзбек драматургияси, опера санъатининг ривож, рус, жаҳон классикаси ҳамда СССР халқлари адабиёти ва театр санъатидан қилинган янги таржималар, адабиётларимизнинг интернационал алоқалари ҳақида қардош татар ўқувчиларига маълумот беради. Бу сафардан кўпчилик ўзбек ёзувчи ва шоирлари — Абдулла Қодирий, Шокир Сулаймон, Амин Умарий каби шоир Фафур Фулом ҳам катта таассурот ва бой илҳом билан қайтади. Айниқса, Қозоннинг социализм даврида ўзгараётган янги қиёфаси, у ердаги янги адабиёт ва санъат ютуқлари, Татаристон қолдоғ ва совхозларидаги меҳнат кишиларининг жонбозликлари уларни илҳомлантиради. Кейинчалик улар бу ҳақда Ўзбекистон ёзувчилари союзидаги учрашувларда сўзлаб берганлар, Ҳикоя ва очерк, хотиралар ёзганлар (Абдулла Қодирий «Қачида икки ҳафта» (1936), Амин Умарий «Қозон йўлида» (1938), Шокир Сулаймон «Сургон Сайфий» (1939). Бу орада Қозонда ўзбек шоирларини кутиб олган ва улар ижоди ҳақида мақолалар ёзган татар шоири Ҳасан Тўфон ҳам Фафур Фулом ҳузурида бўлиб, Ўзбекистоннинг гўзал боғлари, меҳнатқаш халқи, унинг буюк қаҳрамонликларига мадҳиялар батади.

Бу жиҳатдан, айниқса, унинг Фафур Фуломга бағишланган «Тошкент боғларида» шеъри характерли бўлиб, унда ўзбек халқининг гўзал диёрига, янги социалистик ҳаётга чуқур меҳр-муҳаббат, унинг шонли тарихи», буюк сиймоларига нисбатан дўстлик эҳтирослари баралла эшитилади.

Фафур Фуломнинг мамлакатимиздаги барча халқлар каби татар, бошқирд шоир ва ёзувчилари билан бўлган алоқалари, айниқса, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги йилларда кучайди. Бу йилларда унинг совет ватанпарварлиги ва интернационалиزم руҳидаги «Кузатиш», «Соғиниш», «Мен яхудий», «Сен етим эмассан», «Улуғ рус халқига» ва бошқа қатор шеърлари қардош адабиётларда ярақилган кўп-кўп бақувват асарлар каби ватанимиз халқларининг буюк дўстлиги, қаҳрамонлик жасорати, фашизмга чуқур нафратининг юксак ифодаси сифатида мамлакатимиздаги барча халқлар каби татар, бошқирд халқлари ўртасида ҳам машҳур бў-

либ кетди. Бу даврда татар шоирларидан Абдулла Тўқай, Ҳасан Тўфон, Мусо Жалил, бошқирд шоирларидан — Сайфи Қудаш, Муштай Карим ва бошқаларнинг қатор асарлари ўзбек тилига таржима қилингани каби, ўзбек адабиётидан Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Миртемир, Назир Сафаров, Мирмуҳсин, Жуманиёз Жабборовларнинг асарлари татар тилида нашр этилди. Фафур Фуломнинг энг яхши шеърлари «Шарқдан келаётирман» номи билан татар тилига таржима этилди (1963). Китобга кирган «Ленинга, партияга раҳмат», «Турксий», «Йигитларга», «Алишер», «Бари сенники», «Ленин» ва бошқа шеърларни таниқли татар шоирлари А. Давидов, М. Хусайн, З. Нури, Т. Фоих ва бошқалар маҳорат билан таржима қилдилар. Бундан ташқари, тўпلامда Фафур Фуломнинг ҳаёт ва ижод йўли, асарларининг СССР ва жаҳон халқлари тилларига таржималари, асарларининг асосий ғоявий йўналиши тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтилади.

Фафур Фулом туғилган куннинг 50 йиллиги муносабати билан, 1953 йилда кўпчилик совет ёзувчилари каби татар шоири Шайхи Маннур, бошқирд шоири Сайфи Қудашлар ҳам атоқли санъаткор ҳақида қатор шеър ва мақолалар эълон қилдилар. Улар Фафур Фулом билан бўлган шахсий дўстлик ва адабий алоқаларини эслаш билан бирга, бу дўстликнинг замирида ётган совет халқлари бирлигининг буюк қудрати ва ҳаётбахш кучи ҳақида ҳам тўлқинланиб ёздилар.

Жумладан, бу ҳақда татар шоири Шайхи Маннур «Фафур Фуломга» шеърда:

**Куйинг олисларга етар,
Кўчиб турли тилларга —
Дўстлик туйғусин элтар
Барча қардош элларга.
Шарафлайлик кенг Ватаним,
Улуғ дўстликим, Фулом,
Зўр байрамимг куним, жоним!
Биздан оташин салом!**

деса, бошқирд шоири Сайфи Қудаш «Тортиқ» (1953) шеърда бу ҳақда:

**Юрганимда сақлайман сир,
Ошкор бўлсин дўсту ёронга.
Бир дўстимнинг тўйини кутлаб,
Борар бўлдим Ўзбекистонга.
Ўзини орзу ихтиёрига —
Қўйиб, йўлга тушганимда шод,
Қон-қардошлик, дўстлик ҳислари,
Юрагимга боғлайди қанот.
Яқинлашди олис масофа,
Муштоқ кўзлар боқди беармон.
Қон-қардошлик, дўстлик олдида
Машаққатлар туйилар осон...
Тонг жилмайиб менга шу нафас,
Нур таратди янги айёмга,**

**Деди: «Тонгнинг кўркини олиб бер,
Шоир дўстинг Фафур Фуломга!»**

— деб ёзди.

Сайфи Қудаш «Улкан шоир ва гражданин» деган мақоласида дўсти Фафур Фуломни «бутун талантини, юрагининг жўшқин туйғуларини она юртига, жонажон халқига бағишлаган. ...Ленин партиясининг ишига, интернационализм ғояларига садоқатини кўрсатган» улкан совет шоири сифатида юксак баҳолайди («Шарқ юлдузи» журнали, 1953, 5-сон, 93-бет). Фафур Фулом ҳам ўз навбатида машҳур татар ва бошқирд шоир ҳамда ёзувчиларининг ўзбек адабиёти ва маърифати тарихидаги алоҳида роли ва аҳамияти ҳақида миннатдорчилик билан гапирди («Тўқай бизнинг ҳам шоиримиз», «Шоирнинг умрбоқийлиги» мақолалари).

Адиб қаҳрамон татар шоири Мусо Жалилнинг буюк жасорати, ўлмас сиймосини хотирлар экан, уни умумсовет адабиётининг фахри, адабиётда қаҳрамонлик намунасини кўрсатган фавқуллодда довурак инсон эди, деб таърифлайди. «Агар Мусо Жалил фашист ойболтаси тагида ҳалок бўлмаганда эди, ҳозир у ҳам муборақ 60 ёшга кирган ва ёру биродарлар даврасида ойдайд балқиб ўтирган бўлар эди,— деб ёзади шоир.— Унинг ҳаёти каттакон эпосга, бир неча жилдлик эпик романга, қалин қомусга тенгдир.

Унинг қаҳрамонликларга тўла жўшқин ва жанговар ҳаётини Гомер ёзганда эди, «Одиссея», «Илиада»лар ёнига яна бир эпопея қўшилган бўлар эди. Шунисига шукрки, бизнинг кўзимиз очик. Мусога муносиб «Шоҳнома»лар рўпарасига «Мардонмалар» ёза оламиз.

Юлиус Фучик ҳам дор тагида, бўйнига сиртмоқ солинаётганда тирик қолаётганларга «менинг учун яшанглар», деб кетган эди. Мусо Жалил ҳам шундай сўзни айтиб кетди. Биз, унинг ватандошлари, фақат ўзимиз учунгина эмас, Мусо Жалил учун ҳам яшамоқдамиз» (юқоридаги асар, 285—287-бетлар).

Фафур Фуломнинг Мусо Жалил ҳақидаги бу сўзларида татар адабиётининг ватанпарвар ва халқпарвар шоирига бўлган меҳр-муҳаббати билан бир қаторда, умуман Улуғ Ватан уруши йилларида қаҳрамонлик ва мардлик, ғалаба адабиёти сифатида майдонга келган умумсовет ҳарбий ватанпарварлик адабиётига бўлган ғоявий-эстетик муносабати ҳам ёрқин ифодалангандир.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари
кандидати

¹ Сайфи Қудаш. Танланган асарлар, Ўз-давнашр, Тошкент, 1954, 94-бет.

¹ «Шарқ юлдузи», 1953, 5-сон, 93-бет.

Давра суҳбати

ЗАМОН ВА ДРАМАТУРГИЯ

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ:

Қадрли ўртоқлар! Айниқса ҳозирги вақтда драматургия масалаларини ҳал қилиш, унинг муаммолари устида фикр юритиш жуда ҳам муҳимдир. Очигини айтишимиз керакки, драматургия бошқа жанрлардан орқада қолмоқда. Биз бу ерда энг қийин жанрларнинг ютуқларини инкор қилмоқчи эмасмиз, албатта. Утмишда профессионал драматургияга эга бўлмаган бу жанр қисқа бир вақт ичида, яъни 70—75 йил ичида жуда катта ютуқларга эришди. У минг йиллаб тарихга эга бўлган қатор европа мамлакатлари драматургиялари савиясига етиб олди.

Бундай тараққиётда улуғ Ҳамза, Комил Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Зиё Саид, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Сарвар Азимов, Умаржон Исмоилов, Иззат Султонларнинг хизматлари катта.

Охирги вақтларда ўзбек драматургиясига ўз овози, ўз дастхати билан кириб келган ёш драматургларимизнинг қийин жанрдаги ижодлари бизни хушнуд этмоқда. Айниқса Улмас Умарбеков, Машраб Бобоев, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Максим Каримов, Муҳаммаджон Хайруллаевлар ўз қаҳрамонлари, ўзлари кўтарган масалалар билан драматургиямизни бойитиб бормоқдалар. Драматургиямиздаги бу ижобий ҳодисаларни қайд қилган ҳолда, ундаги жиддий нуқсонларни айтиб ўтишимиз, унинг келгуси ривожини таъминлаш йўлларини қидиришимиз лозим.

Поэзиямиз, айниқса, прозамиз Бутуниттифоқ миқёсига чиқди, уларнинг баъзи дурдоналари жаҳонга машхур бўлиб кетди.

Аmmo драматургия ҳақида бундай юксак ижобий баҳони айта олмаймиз. Ўзбек драматургияси жуда секинлик билан қардош халқлар театрлари сахнаси юзини кўрмоқда. Москва ва Ленинград театрлари сахнасида эса узоқ вақтдан бери биронта ўзбек муаллифининг асарини кўрганимиз йўқ. Бунга сабаб нима? Биринчидан, ўзбек драматурглари Бутуниттифоқ томошабинларини ҳаяжонга соладиган, уларнинг қалбини забт этадиган масалаларни етарли даражада кўтара олмаганликлари, пухта, кучли характерлар яратмаганликлари бўлса, иккинчидан, бошқа тилга ағдарилган пьесаларимиз таржимасининг савияси юксак эмаслигидадир. Булардан ташқари, ўзбек драматурглари марказий театрлар билан ижодий алоқаларни ўрната олмаётирлар. Бунга яна ўзбек драматургиясининг ютуқларини матбуотда, айниқса марказий газета ва журналларда етарли тарғиб қилмаётганлигимиз ҳам киради. Бу нуқсонлар ўзбек драматургиясининг юксак парвозига халақит бермоқда.

Ўзбек драматурглари республика театрларини пьесалар билан таъминлашда ҳам оқсамоқдалар. Ҳозир Ўзбекистонда 30 театримиз бор. Буларнинг ҳар бири бир йилда 5—6 та асар қўйса, булардан камида 2—3 таси миллий муаллифларнинг қаламига мансуб бўлиши керак. Шундай экан, ҳар йили юзга яқин пьесаларни оляпмизми? Йўқ, албатта. Балки сон жиҳатдан шундай миқдорда сахна асарлари яратилаётгандир. Сифат-чи? Кўпдан-кўп асарлар ҳозирги юксак талабларга жавоб бермаётир. Баъзи драматургларимиз майда-чуйда гаплар атрофида ўралашиб қолмоқдалар. Давримизнинг долзарб масалаларини бутун моҳияти билан кўтариб чиқадиغان пьесаларга жуда муҳтожмиз. Театрларимиз ҳам йилт этган талантига маҳкам ёпишиб олиб, унинг бошини силаб, талантини тўла намоён қилишига етарли ёрдам бермаётирлар.

Суҳбатимизнинг асосий мақсади — драматургиямизнинг аҳволини таҳлил қилиш, унинг истиқболларини аниқлаб беришдан иборатдир. Шу улуғвор мақсадни рўйбга чиқариш учун тўпландик. Қандай қилиб драматургияни ривожлантириш мумкинлиги ҳақида сизларнинг мулоҳазаларингизни билишни истаймиз.

Мамажон РАҲМОНОВ:

1981 йилнинг февраль ойи ҳаммамизнинг диққатимизни ўзига жалб қилган эди. Шу ойда Кремль саройида XXVI съезднинг илҳомбахш садолари янгради. Мана шу тарихий воқеадан кейин, мана, учинчи йил ўтиб боряпти. Мамлакатимизда буюк ишлар содир бўлди ва бўлмоқда.

Хўш, ҳозирги кунда жамият ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал қилишда театр-

ларимиз компас ролини ўйнамоқдаларми? Давр билан бирга қадам ташлаб, энг юқори тоғ ва илғор фикрларнинг манбаига айландиларми? Саҳнамизда ҳаётнинг динамик ривожини, унинг чуқур жараёнини, ижтимоий тараққиётнинг келажагини ўзида ифодадай оладиган спектакллар пайдо бўлмоқдами? Ҳа, бўлмоқда. Съезд арафаларида, ва ундан кейинги даврда, айниқса, СССРнинг 60 йиллик юбилей кунларида, ҳамма театрларимизда ижодий ишлар анча фаоллашди, қатор-қатор бадиий етуқ спектакллар пайдо бўлди, театрларга келаётган томошабин сони кундан-кун ошмоқда, сахнамизга ёш, истеъдодли кучлар кириб келмоқда. Яқинда газеталарда эълон қилинган, СССРнинг 60 йиллик юбилейига бағишланган қатор санъат асарларига берилган мукофотлар ҳам бунинг гувоҳидир.

Ҳамза номли Узбек Давлат академик театри коллективи томонидан қўйилган «Қўриқ» спектакли муҳим аҳамиятга эга.

Шу театр сахналаштирган Озод Абдуллиннинг «Ун учинчи раис», Улмас Умарбековнинг «Кузнинг биринчи кунин», «Аризасига кўра», «Еш гвардия» театрида ўйналган Александр Гельманиннинг «Мукофот», Александр Фадеевнинг «Еш гвардия» асари, Горький номли рус драма театрида қўйилган Нодар Думбадзеининг «Абадийлик қонуни», Чехов номидаги Самарқанд рус драма театрида ўйналган Улмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз», Фарғона ўзбек театрида сахналаштирилган Наби Юсуфийнинг «Мухтор вакил», Бухоро театрида ўйналган Шароф Бошбековнинг «Тақдир эшиги» каби спектакллари ҳам театрларимизнинг катта ютуқлари ҳисобланади. Улар томошабиннинг жаҳмиёт ва ҳаётдаги муҳим муаммолар хусусида ўйлашга, фикрлашга, мунозараларга сидқидил аралашшга олиб келади.

Саҳна ленинномаси ривожиди ҳам айрим ютуқлар қўлга киритилди. Ҳамза номли театрд ва рус ёш томошабинлар театрида Михаил Шатровнинг «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар» асари муваффақиятли сахналаштирилди.

Ана шундай ижодий ҳодисалардан яна бири айрим театрларнинг ўзбек классик драматургиясининг нодир асарларига мурожаат қилишидир. Ҳамза номли театрд узоқ танаффусдан сўнг «Бой ила хизматчи», Муқимий номли Музикали театрд «Гулсар» спектакли, Қўқон театрида Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» асари янгича саҳна талқинини топди. Бу спектаклларда (айниқса «Гулсара»да) театр институтида таҳсил кўраётган истеъдодли ёшларнинг яратган образлари ярқ этиб кўзга ташланди.

Театрларимизнинг рус ва жаҳон классик асарларига тез-тез мурожаат қилиб туришлари ҳам ҳар вақт муҳим аҳамиятга молик бўлиб келган. Бу соҳада ҳам кейинги йилларда айрим ютуқлар қўлга киритилди. Айниқса, Самарқанддаги Ҳамид Олимжон номидаги драма театрида Бертольд Брехтнинг мураккаб фалсафий асарларидан бири — «Кураж ва унинг фарзандлари» («Бандаи гумроҳ» номи билан) спектаклининг зўр муваффақият билан қўйилиши кўнгилли шов-шувларга сабаб бўлди. Андижон театрида сахналаштирилган Шекспирнинг «Ричард III», Горький номли рус драма театрида ўйналган Чеховнинг «Олчазор» спектакллари ҳам бу борадаги ижодий қидириш давом этаётганини кўрсатмоқда.

Навойи номидаги Катта театримизда ҳам бир неча йирик опера ва балет асарлари сахналаштирилди. Айниқса, А. Петровнинг «Пётр I» операси ва Пётр образини катта маҳорат ва юксак савияда ижро этган В. Гренченко томошабинларнинг муҳаббатига сазовор бўлди. Шароф Рашидовнинг «Икки дил достони» мотивлари асосида яратилган балет катта муваффақият қозонди. Спектаклда поэманинг романтик қаҳрамонлари — раққоса Комде билан қўшиқчи Мудан образлари хореография тили билан ажойиб ифода этилди. Ёш солистлар — Р. Каримова ва Х. Бозоровлар инсоннинг абадий туйғуси бўлган муҳаббатни ва санъатнинг улғувор қудратини чуқур фалсафий тасвирлаб бердилар.

Ўзбек санъаткорлари ўз санъатларини, эришган ютуқларини турли шаҳарларда, турли чет мамлакатларда намойиш қилмоқдалар. Бунга Алишер Навоий номли Катта театримизнинг Москвада ва Берлинда (ГДР) зўр муваффақият билан ўтган гастроллари, «Баҳор» ансамблининг Франция ва Япониядаги ижодий ҳисоботлари мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, ютуқларимиз катта. Бироқ... партия XXVI съездининг адабиёт ва санъат олдига қўйган улғувор ва мураккаб вазифаларини амалга ошириш учун яна нималар қилишимиз керак, деган савол фикри-зикримизни банд қилмоқда. Съездда қилинган докладда Маяковскийнинг бир шеърдан парча келтирилган: «Истайманки, топшириқ бераман, деб менга бир йилга, баҳсларда терлаб-пишсин ўша Госплан». Ўзбек саҳнасида (агар биз Улмас Умарбековнинг «Аризасига кўра» асарини ҳисобга олмадик) шундай жиддий масалалар кўтарилган, пьеса қаҳрамонлари майда-чуйда ишлар атрофида ўралашиб қолмасдан, ўз мамлакатининг ташвиши, шижоатли меҳнати билан, адолат ва йхшилиқ тантанаси учун астойдил курашиш руҳи билан яшайдиган, фақат Госпланингина эмас, бошқаларни ҳам «терлатадиган» баҳсларга сабаб бўладиган, янги, ўзига хос саҳна асарлари жуда кам пайдо бўлаётгани ҳаммамизни ўйлантириб қўймоқда.

Бугунги театрларимизнинг муваффақиятли ишлашлари учун ва XXVI съезд қарорларини амалга оширишда репертуар проблемасидан муҳимроқ масала бўлмаса керак. Театрларимиз ҳанузгача перспектив репертуар планга эга эмаслар. Ҳатто 1983 йилги репертуар планини тузишда ҳам катта қийинчиликларга дуч келинди. Бунинг боиси шундаки, ўзбек драматургияси театрларнинг бугунги талабидан жуда орақада қолмоқда. 1983 йилги репертуар плани ҳам бу фикрни тасдиқлайди, унда 4—5 та янги ёзилган пьесаларнинг номи учрайди, холос. Аммо буларнинг ҳам сифати талаб даражасида эмас. Бу ҳол театр коллективларининг яхши асарларга ташналигини янада ойдинлаштиради.

Бу борада театрларимизнинг камчиликлари ҳам йўқ эмас, албатта. Режиссёрларимиз театрда янги муаллифни тортиш, улар билан узлуксиз ижодий ҳамкорлик қилиш, оригинал репертуар яратиш бобида, Маяковский ибораси билан айтганда, ҳали «терлаб пишганларича» йўқ. Масала шундаки, ёш драматургларнинг тарбияси ҳам театр зиммасига тушади. Бундан икки йил бурун Ҳамза номли театрда драматургларнинг ижодий лабораторияси тузилган бўлса ҳам, ҳали деярли натижа бераётганича йўқ. Менимча, театрда драматурглар тайёрлаш масаласини узи-кечилиш ҳал қилиш вақти келди. Бунинг учун Ҳамза театрида Москва бадий театри сингари 5—6 кишидан иборат, маош тўланадиган драматурглар стажировкасини ташкил қилиш керак бўлади, улар асарнинг шу театрнинг ўзида, актёр ва режиссёрлар ҳамкорлигида яратишлари керак.

Театрларимиз кейинги йилларда репертуар борасидаги яхши традицияларимизни эсдан чиқармоқдалар. 1957—1959 йилларда, Москвада ўтадиган декадага тайёргарлик кўриш даврида, Шароф Рашидовичнинг маслаҳатлари билан 8 та ижодий группа тузганимиз эсимда. Бу ижодий группа спектаклнинг ҳамма авторлари — драматург, режиссёр, рассом, дирижёр, балетмейстерлардан иборат эди, улар бўлажак спектакль устида ҳамкорликда иш кўрардилар. Группанинг ҳаммаси маълум даврга ижодий уйларга юборилар эди. Ижодкорларнинг бошини бир жойга бириктириш жуда яхши натижалар берган эди. Бир ёқдан драма ёки либретто пардама-парда ёзилар, композитор музика, режиссёр спектаклни саҳналаштириш режалари устида иш олиб борар, рассом саҳна безаклари эскизини чизар эди.

Ҳозирги кунда классик бўлиб қолган саҳна асарлари ўша даврларда яратилгани сир эмас. Бу анъанани яна тиклаш керак. Айниқса, Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллик юбилейига тайёргарлик олдидан мана шундай тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқдир.

Энди репертуар яратиш проблемасининг иккинчи томонига ўтайлик. Драматургияда оригинал, тайёр пьесалар кам туғилаётган экан, нега биз прозага ёки поэтик асарларга мурожаат қилмаймиз? Ўзбекистонда замонавий проза ва поэзиянинг баркамол асарлари мавжуд. Саҳнамизга йирик прозаиклар ва шоирларнинг кириб келиши театр репертуарини, унинг мавзу доирасини беҳад бойитган, томошабинни янги қаҳрамонлар билан таништирган бўларди. Шу ўринда Ҳамза ва Муқимий номли театрларда бир вақтлар Александр Гинзбург, Тошхўжа Хўжаев, Раззоқ Ҳамроевларнинг бу соҳадаги тажрибаларини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Театрларда репертуар муаммосини ҳал этишда, оригинал асарларга ташналик кучайган бир пайтда, таржима асарларга мурожаат қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда рус ва қардош халқлар драматургиясида баркамол асарлар майдонга келмоқда. Ҳар ойда чиқадиган «Театр» журналари 2—3 пьеса босилмоқда, турли нашриётларда, драматургия альманахида СССР халқлари ва демократик республикаларнинг пьесалари кўплаб нашр қилинмоқда. «Управление авторских прав» идораси ҳам ҳар йили юзлаб пьесаларни тарқатмоқда. Бинобарин, маданият министрлигининг репертуар-редакция қоллегияси театрларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда таржимага катта эътибор бериши, уни режалаштириш, изчиллик билан амалга оширишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз театрларида қўйиладиган спектаклларнинг сонини ошириш ва раён-баранг қилиш, бу ишга актёр ва режиссёрларни, драматургларни кенгрок тортиш, томошабинни кўпроқ жалб қилиш мақсадида кўп театрларда кичик саҳналар — филиаллар майдонга келмоқда ва муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда бундай янгилик биринчи бор Горький номли рус драма театрида Ўзбекистон халқ артисти О. Чернова ташаббуси билан ташкил топди. Бу театрда, катта залда асосий спектакль билан бир вақтда 50—100 кишигина сифадиган кичик залда Полонскийнинг «Репетитор», Родзинскийнинг «Дон-Жуаннинг янги саргузаштлари», Ильф ва Петровнинг «Эхтиросли туйғулар», Путныишнинг «Кўр ювувчи аёл» каби ўнлаб спектакллари муваффақиятли қўйилмоқда. Театрдаги ёш режиссёр ва актёрларнинг янги номлари аниқланмоқда. Бундай спектакллар экспериментал «Илҳом» клуби саҳнасида ҳам ўйналмоқда.

«Илҳом»да қўйилган спектаклларда «Ҳамза», «Ёш гвардия», «Ёш томошабинлар» театрлари актёрлари, асосий саҳнадан бўш вақтларида, кичик саҳнада ўзларини қизиқтирган ролларини ўйнашга эришмоқдалар. Бу саҳналар уларга бахтли ижодий дамлар бахш этмоқда. Бироқ театр санъатида янгилик бўлган кичик саҳналарнинг катта саҳналардан фарқи бор. Катта саҳнада актёр томошабиндан анча узоқда ўйнайди. Уртада авансцена бор. Кичик саҳнада эса актёр худди одамнинг кафтида тургандек яқин масофада роль ижро этади. Шунинг учун ҳам унда бирон образни юзани ўйнаш ёки юзани ҳолатга кириш мумкин эмас. Чунки пешонангга ўйнаётган актёр ўз нуқсонини яшира олмайди. Ҳар бир роль бекиёс истеъдод, катта эхтирос бидан ижро этилиши даркор! Бу эса актёр ўйинида янги бир шакл ва услубни туғдирмоқдаким, ролнинг руҳий таҳлили қаршингизда, бир қадам масофада ўтирган томошабинни ишонтириш кучига эга бўлиши керак. Ҳозирги кунда актёр ва режиссёрлар ана шу янги, кичик саҳна сирларини ўрганмоқдалар.

Хўш, бундай кичик саҳналар Ҳамза ва Муқимий номли театрларда, «Ёш гвардия» ва ёш томошабинлар театрларида қачон майдонга келаркин?

Кейинги йилларда Кавказ республикаларида янги бир театр шакли пайдо бўлди. Грузин, арман ва озарбайжон театр жамиятлари қошида «дўстлик театрлари» майдонга келди.

Бу театрларнинг доимий группаси йўқ. Улар ҳар бир республикада энг яхши спектаклларнинг бир-бирлари билан алмаштириш, театрларнинг ўзаро алоқаларини

кучайтириш, қардош республика театрлари ютуқларини тарғиб қилиш соҳасида ажойиб ишларни амалга оширмоқдалар. Арманистонда «Дўстлик театри» ташаббуси билан «Шекспир кунлари» ўтказилиб, турли республикалардан келтирилган Шекспир спектакллари намойиш қилинди, ҳозирги замон Шекспир асарлари масаласига бағишланган конференция ўтказилди.

Биз ҳам шундай «Дўстлик театри» ташкил қилишимиз, театр фестиваллари, «театр баҳорини» (театральная весна) ўтказишимиз, область театрлари спектакллари Тошкентда тез-тез қўйилиб туришини таъминлашимиз мақсадга мувофиқ бўларди. Бунда театр жамияти ташаббус кўрсатиши лозим.

Бундан уч йил бурун Югославияда бўлганимда, Белградда грузинларнинг Рус-тавели номли театрининг гастроллари жуда катта муваффақият билан ўтаётганининг гувоҳи бўлдим. Б. Брехтнинг «Кавказнинг бўр доираси» спектакли менга жуда таъсир қилди. Утган йили Тбилисида яна шу театрнинг «Ричард III» спектаклини кўрдим. Бу театр ўзининг юксак санъати, актёрларнинг ажойиб маҳорати, юксак эҳтисоти, етуқ режиссураси билан аллақачоноқ дунё театрлари қаторидан ўрин олган. Театр Москвада, Англияда, Ғарбий Германияда, Мексикада, Польшада ва бошқа шаҳарларда ўз санъатини намойиш қилмоқда. Бу театрнинг ютуқлари кишида қандайдир бир ғурур ва ҳавас уйғотади. Ҳамза номидаги академик театримизнинг ҳам шундай улғайган, санъати яшнаган даврлари бўлган. Мен 1935 йилда ўйналган «Гамлет»ни, 1939 йилда сахналаштирилган «Бой ила хизматчини», 1940 йилда ўйналган «Отелло»ни, «Алишер Навоийни эслайман. Абдор аканинг Гамлети, Отеллоси, Шукур Бурхоновнинг Фафурри, Сорахонимнинг Офелияси, Дездемонаси, Жамиласи, Гулиси, Олим Хўжаевнинг Навоийси куз ўнгимда туради. Ахир уларнинг санъатлари қандай мўъжизавий кучга эга эди. Бу етуқ ва таъсирчан образлар кимларни изтиробга солмаган, кимларнинг фикрини уйғотмаган? Кимларнинг юрагига ғулғулалар солмаган? Шукур Бурхоновнинг Улуғбек, Шоҳ Эдип каби забардаст образлари қайси юракларни зирқиратмаган! «Йўлчи юлдуз», «Инқилоб тонги», «Қонли сароб», «Қиёмат қарз» қанчаларнинг руҳини бойитмаган!

Ҳамон сахнада шундай спектакллари, одамларга руҳий куч берадиган шундай образларни кўргинг келади киши.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ:

Кимки ўзгаларсиз, бир ўзим ишни битираман, деб ўйласа, янглашади; лекин кимда-ким менсиз ўзгалар ишини битира олмайди, деб ўйласа, янада қаттиқроқ янглишади. Худди шу каби театр билан драматургия бир-бирига қаттиқ боғлиқ. Бирсиз иккинчисини тасаввур қилиб бўлмайди. Драматургиясиз театр йўқ. Пьеса ҳам театр учун, ҳам ўқувчи учун ёзилади, яъни у, аввало, адабий асардир. Пьеса ҳам, энг аввало, ёзувчининг иш столи устида, қоғоз саҳифаларида пайдо бўлади. Кейин эса, қоғоз саҳифасидан сахнага кўчади. Француз кинорежиссёри Рене Клер бундай ёзган эди: сценарий битди деган сўз — фильм яратилди демак. Фақат уни суратга олишгина қолади, холос. Худди шу каби пьеса битгач, спектакль ҳам яратилди, дейиш мумкин. Уни фақат сахналаштиришгина қолади, холос. Албатта, бу ўринда рисоладаги асарларни кўзда тутиш лозим.

Драматург театрга яқин туриши керак, дейишади. Менимча, бу маъқул тушунча. Хўш, драматург қайси театрга яқин туриши керак? Ҳозир бизда ижодий лаборатория, масалан, лоқал тил маданияти бўйича ўрناк бўла оладиган театр борми?.. Демак, драматург театрга эмас, ҳаётга яқин туриши, ҳаёт ичида бўлиши керак, театр коллективини ўз асари билан олға етаклаши лозим. Пьеса театрдa эмас, балки ёзувчининг ҳаётини кузатишлари замирида унинг ижодхонасида яратилади. Шоир Фафур Фулом бир суҳбатда режиссёрни «талқинчи» деб: «Пьеса қозонида нимаики бўлса, талқинчи чўмичига солиб томошабинга кўрсатиш учун артистларни сафарбар қилади, яъни талқин қилади. Лекин пьеса қозонида йўқ нарсани йўндираман деб уринмай қўя қолсинлар. Бу ёзувчининг иши», деган эди.

Пьеса салмоқли бўлиши учун кўп ишлашимиз, театр янгиликлари билан таниша боришимиз лозим. Устоз драматурглар бизга бир олам мерос қолдириб кетишган. Бизгача етиб келган пьесалар орасида ёши Самарқанд ёшига тенглари ҳам бор. Буларни ўқиб ва ўқиб олишимиз керак. Рус адабиёти жуда бой. Бу бойликка жаҳон классикларининг даярли барча яхши асарлари таржима қилиб қўшилган. Адабий меросни билиш шунинг учун ҳам керакки, тақрор вужудга келмайди, янги, оригинал асар яратилади, ўз йўлини, ўз кўчасини топиб олиш осон бўлади.

Маълумки, бадий адабиёт турли жанрларда яратилган асарлардан иборат. Ҳозирги кунда бир жанрнинг равнақи бошқа жанрнинг ютуқ ва камчиликлари билан ўзвий боғлиқ, яъни бир жанр, масалан, проза, поэзия ниҳоятда равнақ этиб кетиб, иккинчи бир жанр, масалан, проза ҳаддан ташқари орқада қолиб кетиши мумкин эмас. Тўғри, у ёки бу жанрда маълум вақтларда воқеа бўладиган асарлар нисбатан кўпроқ яратилиши мумкин. Лекин, умуман олганда бадий адабиёт тирик бир бутун организмдир. Бир жанрда қўлга киритилган ютуқ иккинчи бир жанр ривожига омил бўлиб, ҳеч бўлмаганда ижобий туртки бўлиб хизмат қилиши турган гап. Масалан, Комил Яшиннинг «Ҳамза», Ҳамид Фуломнинг «Мангулик», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Пиримқул Қодировнинг «Олдузли тунлар», Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Шукур Холмирзаевнинг «Сўнгги бекат», Уткир Ҳошимовнинг «Нур борки», соя бор», Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» асарлари романчилигимизнинг ютуқлари бўлиши билан бирга бошқа жанрларнинг ўсишига ҳам ёрдам беради, албатта. Масалан,

«Нур борки, соя бор», «Диёнат» ва «Гирдоб» романлари асосида ишланган телеспановкалар йирик, долзарб, муҳим мавзулар тилга олингани билан, катта ҳаётий мазмунлар, муаммолар кўтаргани билан томошабинларга манзур бўлди, драматургиянинг бундан тегишли хулоса чиқариб олишлари эса, драматургиянинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади, албатта.

Драматургия ҳақида сўз борар экан, театр режиссёрлари ва умуман режиссура санъати ҳақида ҳам қисқача тўхтамай ўтиб бўлмайди.

Адибларга ўхшаб, режиссёрлар ҳам услуб, маҳорат, дадиллик, фидойилик, ижодий изланувчанлик ва бошқа жиҳатлардан турли хилдир. Кўпчилик режиссёрлар бошқа театрларда қўйилиб, сивондан ўтган тайёргина пьесаларни ва таржима асарларни қўйишга ишқибоз, чунки бунда ортиқча ташвишлар ҳам бўлмайди, премьералар ҳам тезда бўла қолади. Айрим режиссёрлар эса, образли қилиб айтганда, «охори тўқилмаган», «теша тегмаган», янги, оригинал пьесаларни қўйишда жонқуярлик, дадиллик кўрсатадилар, буни ўзларининг ижодкорлик ва граждонлик бурчлари деб биладилар. Афсуски, бундай фазилатли режиссёрларимиз ҳали оз. Бу борада сўз кетганда, истёдодли навқирон режиссёрларимиздан Носир Отабоев, Мансур Равшанов, Оқил Узоқов кабиларни тилга олиш лозим: Улар янги-янги авторларни драматургияга жалб этишда кўп йиллардан бери жонбозлик кўрсатиб келмоқда-лар. Иш бор жойда хато ҳам бор, деганларидек, уларнинг фаолияти, ҳаёт йўли доимо гул-чечаклар билан безанган бўлавермайди. Бироқ уларнинг бош нияти ўзбек драматургиясини янада равнақ эттиришга режиссёр сифатида ҳисса қўшиш, яхши пьесаларни кенг тарғиб қилиш, томошабинларга манзур этишдир.

Кези келганда, Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри ҳақида жамоатчилик ўртасида ва матбуот саҳифаларида «Ҳамза театри оригинал асарларга кам эътибор бераётми» деб айтилаётган фикрга муносабат билдириб ўтишни истардим. Менинг фикримча, бу борада театр коллективидан гина қилиш ўрнига, академик театр талабига тўла жавоб берадиган асар ёзиш билан жавоб бериш, ло-зим. Яхши асар ҳеч қачон қолиб кетмайди, баъзи субъектив сабабларга кўра беш-ўн йил орқага сурилиб турса-да, кейин бари бир сахна юзини кўради, бу режиссёр бўлмаса, бошқа бир режиссёр, бу театр бўлмаса, бошқа бир театр сахналаштиради. Мен шундай қомил ишонч билан қалам тебратаман, бошқаларни ҳам шундай бўлишга чақираман.

Сўнгги йилларда жаҳон ва рус классик драматургиясидан бир неча зўр асар ўзбек тилига таржима қилиниб, сахналаримизда қўйилди. Бугунги кун ўзбек адабиёти ҳақида, жумладан, драматургиямиз ҳақида сўзлар эканмиз, таржима асарларини ҳам, албатта, тилга олиш шарт. Чунки эндиликда бу таржималар ҳам халқимизнинг маънавий мулкига айлангандир. Сўнгги йилларда пойтахт ва область театрларининг «Тирик мурда», «Соқов Рицарь», «Кўҳна комедия», «Ҳаммом», «Ҳар тў-қисда бир айб» каби классик асарлар беади. Бу спектаклларнинг кўрғи томоша-бинлар билан бирга қаламқашларни ҳам маънавий бойитиши турган гап. Шу ўрин-да рус адабиёти тарихига оид бир ажойиб ҳодисани айтиб ўтишни истардим.

Матълумки, 18-асрдан бошлаб рус тилига жаҳон классикларининг асарлари кўплаб таржима қилинган. Бу 19-асрда рус адабиётининг равнақ топишига ва жа-ҳоншумул аҳамият қозонишига сабаб бўлган омиллардан биридир. Рус ёзувчилари жаҳон классиклари билан мусобақага киришиб, улардан ўтказиб асар яратишга бел боғлайдилар, олға интиладилар ва шу йўл билан ҳам ажойиб самараларга эриша-дилар, дунё адабиёти хазинасига кўпгина шоҳ асарлар тақдим этадилар. Бундан бизлар ҳам ибрат олишимиз лозим. Шу ўринда академик адиб ва публицист Воҳид Зоҳидовнинг яқинда қилган суҳбатимиздаги бир гапи эсимга тушди. У бундай деган эди: «Агар Алишер Навоий фақат ўзбек адабиёти, яъни Қутб Хоразмий, Атойи, Лutfий, Саққоқийлар ижодини ўрганиш билан чекланиб қолиб, Низомий Ганжавий, Фирдавсий, Саъдий, Хусрав Деҳлавийлар ижоди билан ҳам танишмаганида эди, бу даражада гениал санъаткор бўлиб етишмаган, ижоди оламшумул аҳамият касб этмаган бўлиши ҳам мумкин эди. Алишер Навоий буюк устозлардан ижодий ўрган-ди ва ўзи ҳам ўшандек буюк устоз бўла олди. Ҳурматли Воҳид Йўлдошевнинг мушоҳадалари жуда ўринли ва ундан бизлар тегишли хулоса чиқариб олишимиз лозим.

Музыкали драма ва комедия жанрларига ҳам икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман. Аслида бу жанрлар бизда энг халқчилдир. Чунки уларнинг илдизлари халқ оғзаки ижодига, қадимий халқ театрига бориб тақалади. «Алломиш», «Тоҳир ва Зухра» каби дostonлар бу фикримизга мисолдир.

Менимча, бу жанрда ёзилган пьесада сўзнинг имконияти етмай қолган ўрин-лардагина музикага, кўшиққа мурожаат этиш керак. Жанрнинг бош талаби шундай. Ҳуда-беҳудага ария, дуэтни тиқиштиравериш такрорни келтириб чиқаради. Кўпин-ча, асар қаҳрамони аввал сўзлайди, кейин шу гапларини кўшиққа солиб айтади. Масалан, ҳозирги кунда Муқимий номидаги музикали театрда қўйилаётган аксарият спектаклларда, айниқса, таржима жараёнида музикали асарга айланган спектаклларда худди шундай. Ваҳоланки, ўринсиз такрор, қайтариқ бор жойда санъат асари тугайди, чунки таъсир кучи қирқилади. Асар қаҳрамонлари ва персонажлари рўхий ҳолатининг ўзи музикани тақозо этгандагина куй-кўшиққа ўрин берил-са, мақсадга хизмат этади.

Бир пайтлари Муқимий театри жуда машҳур эди, спектакль тугагач, йигитлар Тошкент кўчаларида Маҳмуджон Ғафуров ижро этган Тоҳир, Алломиш арияларини баралла айтиб, уйларига қайтар эдилар, бу ҳам муаллиф, ҳам режиссёр, ҳам иж-рочининг ютуғини кўрсатувчи далил эди, албатта.

Республикамиздаги рус театрлари аввало, Ўзбекистон театрларидир, бошқа театрлардан асосий фарқи шуки, спектаклини рус тилида кўрсатади. Ўзбек драматургиясининг энг яхши асарларини тарғиб қилишда бу театрлар кўп иш қилиши мумкин. Лекин улар ўзбек авторлари асарларига деярли эътибор беришмайди. Масалан, Тошкентдаги Максим Горький номидаги рус драма театри ўзининг бутун ижодий фаолияти давомида ўзбек авторларининг фақат 5—6 та пьесасини сахналаштирган, холос. Ачинарли жойи шундаки, республика Маданият министрлигининг айрим раҳбарлари театр режиссёрлари уларга бўйсунганини истамасликларидан нолайдилар, репертуар босида театрлар мустақилликка эга, дея яна ўзларига ўзлари таскин берадилар. Лекин театрлар мустақил бўлса (маълум даражада мустақилдир), уларни назорат қилиб туриш, тўғри йўл-йўриқ бериб туриш лозим. Фактлар шуни кўрсатадики, бошвоғи бўш қўйиб берилган театрларда яхши асар деярли яратилмаётир, репертуарларни асосан таржима ва бўш оригинал пьесалар босиб кетаётир.

Драматургия ҳаётдан орқада қоляпти, деган гап деярли ҳар бир мажлисда тилга олинади. Бу жуда эски гап. Қадим-қадимда ҳам, масалан, Эсхил даврида ҳам шундай дейишган экан. Ҳолва деган билан оғиз чучимагиндек, драматургия орқада қоляпти, деб нолиган билан ҳам бу жанр ривожланиб кетмайди. Қолаверса, драматургиямиз бошқа жанрлардан қолақ, дея бу жанрга беписанд қараш одат тусига кириб қолган ва борган сари шундай беписандлик кучайяпти. Менимча, гап жуда бунчалик эмас. Драматургияда ҳам бошқа жанрлардагидан қолишмайдиган юксак асарлар яратилган ва ҳозирги кунда ҳам яратилмоқда. Масалан, Комил Яшин коммунист образини, Ленин мавзусини, Сарвар Азимов халқроқ мавзунини ёритди, эътиборни долзарб, актуал масалаларга қаратди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Хуллас, жанрларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб ҳам, уларни бир-биридан мутлақ ажратиб ташлаб ҳам бўлмайди, хусусан, адабиёт турли жанрларда яратилган асарлардан иборат бир бутун, тирик вужуддир, ягона ҳаётбахш оқимдир. Барча жанрларда бўлгани каби драматургияда етук асарлар ҳам яратилаётганига ишонса бўлади, чунки адабиётимизнинг умумий тараққиёти шундай дейишга асос беради.

Лекин драматургиядаги ижод жараёни бошқа жанрлардагига нисбатан анча мураккаб. Биринчидан, драматургияда авторлар ниҳоятда турли-туман. У энг қийин жанр деб тан олинган бўлса-да, сир эмас, ҳозирги кунда шу жанрга қўл уриб кўраётганлар бошқа жанрда қалам тебратаётганлардан сон жиҳатдан кўп ва тобора ошиб бораёпти. Лекин уларнинг кўпчилиги адабиётдан, драматургиядан узоқ кишилардир. Матбуотда лоақал бирор материали билан кўринмаган киши лоп этиб «пьеса» ёзиб қўяди, сахнага ҳам «йўл» топади. Шундай ҳолларга лоқайд қараймиз. Лоқайдликка лоқайд қараш жамиятимиз равнақи учун ҳам, адабиётимиз ривожини учун ҳам тўсқинлик қилади.

Одатда драматурглар аввал кичик жанрларда ёки бошқа йирик жанрларда ижод қилиб, кейин драматургияга қадам қўйишади. Машҳур инглиз театршунос олим Эрик Бенглининг жаҳон драматургияси миқёсида олиб борган илмий таҳлилига кўра, драматургия ижодкор умрининг иккинчи қисмида яратиладиган жанрдир, яъни ёзувчи ёки шоир одатда ўттиз-қирққа боргач, драматургияга қўл уради, бунгача поэзия ёки прозада ижод қилади, қаламини чархлайди, ҳаётини тажрибасини бойитади, маҳоратини оширади. Демак, драматургияга маълум ҳаётини ва ижодий йўлни босиб ўтиб, муайян тайёргарликдан кейин кирилар экан. Ўзбек драматургияси ва театр тарихига назар солсак ҳам, буни яққол кўраемиз. Хўш, ўзбек драматургиясида кимлар қалам тебратишган ва ҳозирги кунда кимлар пьеса ёзмоқда? Уларни шартли равишда бир неча гуруҳга ажратиш мумкин.

Ижодда драматургия етакчи ўринни эгалловчи Ҳамза, Комил Яшин, Зиннат Фатхуллин, Баҳром Раҳмонов каби ижодкорлар. Фаолиятида драматургия анчагина катта ўринни эгаллаган Уйғун, Назир Сафаров, Абдулла Қаҳҳор, Сарвар Азимов, Иззат Султон, Ҳамид Фулом, Туроб Тўла, Шукрулло, Пўлат Мўмин каби шоир ва ёзувчилар.

Фаолиятида драматургияга ҳам бир-икки қўл урган ижодкорлар. Булар миқдор жиҳатидан кўпчилик бўлиб, уларнинг баъзилари яхши пьесалар ёзиб, театрда қўйдириб, муваффақият қозонишган. Айримларининг пьесалари қўйилган бўлса-да, сахнадан тезда тушиб кетган, яна бошқаларининг пьесалари турли сабабларга кўра сахналаштирилмаган. Бундаги сабаблардан бири шуки, айрим бош режиссёрлар бирор пьесани сахнага қўйишга кучлари етмаса, уни навбатчи режиссёрга бериш ўрнига, пьесанинг ўзини ёмонлаб қўя қолишади. Баъзан эса бош режиссёр ишдан кетса, у қўйган барча спектакллар, ҳатто ижодий муваффақият деб тан олинган асарлар ҳам сахнадан олиб қўйилади. Масалан, Эргаш Масофаев «Ёш гвардия» театридан бўшаб кетгач, Носир Отабоевни эса, Фарғона ўзбек театридан Москвага икки йилга ўқишга юборишгач, худди шундай бўлди. Носир Отабоев ўқишни тугатиб қайтгач, ўзи сахналаштирган айрим спектаклларни қайта тиклади, «Мухтор вакил» спектакли учун театр коллективи республика конкурсидан мукофот билан тақдирланди. Бу борада ҳам рус маданият арбобларининг ўз салафлари ижодига чуқур ҳурмат билан қараш фазилатларидан ўргансак арзийди. Москва театрларида бир неча ўн йиллардан бери ўзгаришсиз кўрсатиб келинаётган спектакллар бор.

Адабиётда ўз ўрнини ва ўзининг асосий жанрини топмаган ва тополмаётган авторларнинг деярли барчаси ёши ўттиздан ошиб, қирққа яқинлашгач, ўз бахтини «синагани» бўлса керак, албатта, пьеса ёзиб кўради. Хизмат вазифаси театр ва драматургия билан боғлиқ турли касб эгалари ҳам пьеса ёзишади, жуда бўлмаса таржима қилишади, бир-икки пьесани сахнага қўйдиришади ҳам, иш жойлари ўзгаргач, драматургияни унутиб юборишади.

Ун беш-йигирма йиллардан буён пьеса ёзиш билан шуғулланиб, кўпгина спектаклларнинг авторлари бўлган қаламқашлар ҳам борки, уларнинг биронта асари эл оғзига тушмаган, бу фаолиятдан авторнинг ўзидан булак ҳеч кимга наф йўқ, уларнинг «асарлари» томошабиннинг ихлосини театр санъатидан совутади, холос.

Ҳаммуаллифликка ўч авторлар ҳам бор. Буларнинг бир қисми қаламқашлардан бўлса, иккинчи қисми театрларда режиссёрлик вазифасида турган кишилардир. Юқоридаги кузатишлардан яққол кўринадики, драматургияда авторлар ғоятда турли-тумандир, тасодифийлари анчагинадир. Шунинг учун ҳам ёзилаётган ва кўйилаётган пьесаларнинг савияси паст-баланд, шунинг учун ҳам миқдор жиҳатдан кўп «пьеса» битиляпти. Бу ҳол яхши асар билан шунчаки «пьеса»ни ажратиб олишни қийинлаштирапти. Ҳақиқий драматик асарларнинг саҳналаштирилиши маълум муддатга орқага сурилишига сабаб бўлмоқда, уларнинг ўрнини вақтинча бўш пьесалар эгаллаб, театр обрўсига зиён етказмоқда, томошабинни театрдан узоқлаштирамоқда. Театр залларининг аксарият ҳолларда бўм-бўш бўлишига ҳам биринчи сабаб шудир. Буни қарангки, мамлакатимизда ҳар йили ўрта ҳисобда 1000 кишидан 900 киши театр томошаларини кўрса, Ўзбекистонда эса 1000 кишидан 250 киши йилга бир марта театрга борар экан, яъни республикамизда бу борадаги кўрсаткич итти-фоқ миқёсидагидан деярли тўрт баравар қўйи экан.

Ваҳоланки, халқимиз санъатсевар халқлардан. Томошабинни театрга жалб этишда репертуар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Репертуар савияси эса, драматургия равнақи билан узвий боғлиқ. Ҳадеб таржима асарларга ружу қўявериш билан аҳволни яхшилаб бўлмайди, бунда ҳам меъёрни унутмаслик лозим. Мунозараларда маълум актёрга ёки бирор коллективга аввалдан мўлжалланган асарлар ёзиш керак, деган фикр айтилиб келинади. Шундай бўлиши ҳам, шундай иш тутиши ҳам мумкин деган балки. Лекин бу усулни умумий қонун тусига киритиб бўлмайди, бу ижоднинг табиатига зиддир. Ҳатто шундай ҳоллар ҳам бўлади, асар ёзилаётганда унинг қаҳрамонлари авторга итоат этмайди, ўзига уни эргаштириб кетади, автор ўзини эҳтиётлайверса, яхши асар яратиши, жонли ва яхлит қаҳрамон яратиши амримаҳол. Шунинг учун маълум актёрга ёки коллективга олдиндан мўлжаллаб пьеса ёзиш жузъий ҳол бўлса бордир, лекин умуман қатъий қилиб қўйилишига қўшилмаймиз. Чунки ҳақиқий санъат асарининг умри авторнинг жисмоний умридан ҳам, уни саҳналаштирган ёки рад этган режиссёр умридан ҳам, ундаги ролларни ижро этган актёрлар умридан ҳам боқий. Бир асарни турли даврларда бир неча режиссёр қўйган, ундаги ролларни кўплаб актёрлар ижро этган, бунга тарихда мисоллар кўп. Ҳақиқий саҳна талқинини, ўзининг асл қаҳрамонини орадан кўп йиллар ўтгач топган пьесалар ҳам бор. Масалан, театршунос олим Инна Вишневскаянинг ёзишича, «Ревизор»га орадан бир асрча ўтгач, унинг ҳақиқий саҳна талқини топилган. Демак, драматургнинг асосий вазифаси яхши пьеса ёзишдир. Яхши пьеса, албатта, саҳналаштирилиши турган гап. Александр Вампиловнинг пьесалари унинг фожиали ҳалокатидан кейин кенг суръатда саҳналаштирилди. Демак, яхши асар бари бир кадрини топмай қолмайди.

Шекспир, Мольер, Ҳамза конкрет ижрочиларни кўзда тутиб ёзишган-ку, деб эътироз билдиришлари мумкин. Бунга жавобимиз шуки, уларнинг ўз труппалари бўлган ва улар ўз труппалари аъзоларининг имкониятларини инobatга олишга мажбур эдилар, акс ҳолда, труппа аъзолари беиш қолиши турган гап эди. Ҳозир аҳвол ўзгача: ҳеч бир драматургнинг махсус труппаси йўқ. Бирор театрнинг актёрлари кўзда тутилиб пьеса ёзилса-ю, уни ўша театр рад этса, ёки бош режиссёри ишдан кетиб қолса, бу пьеса бошқа театрга тўғри келиши даргумон. Яна такрорлаймиз, бизнингча, драматург театрга мослашмасин, балки уни олға бошласин, ўзига эргаштира олсин.

Пьесани тезроқ қўйдирай, деб шошилмаслик керак, театрнинг баъзан бўладиган ўринсиз талаби билан унга пала-партиш тузатиш киритиб, қайта ишлаб юрмаслик лозим. Шундай қилинса, пьесанинг савиясига, авторнинг кадрига путур етади. Пьеса, аввало, ўз театрини, ўз режиссёрини топиши керак. Драматург ўз кадрини ҳимоя қилиши учун ҳам, ўзининг ҳақлигини исботлаш учун ҳам, яхши пьеса ёзиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, пьеса аввало адабий асар, шеър, ҳикоя, қисса дoston ва роман сингари мустақил яшаб келаётган адабиёт тури. Лекин унинг икки хил умри бор: бири — китоб шаклида яшайди, ўқувчига хизмат этади, иккинчиси — спектаклга асос бўлиб, саҳнада яшайди, томошабинга эстетик завқ беради. Шундай икки умрга сазовор пьесаларгина ҳақиқий драматик асарлардир.

Максим КАРИМОВ:

Маълумки, драматургия энг сермашаққат, энг мураккаб жанр ҳисобланади. Пьеса драматургдан ҳар бир жумла, ҳар бир сўз, ҳар бир товуш устида жиддий ишлашни талаб қилади. Ҳар бир давр драматургияга ўз бадий-эстетик қарашларини муҳрлайди. Замоннинг залворли қадамларидан ҳамиша айрича товуш эшитилади. Бу зиддиятлар, ижтимоий курашлар драмаси театрга ўз инъикосини топади. Вақт баъзан оҳиста, баъзан жадал юради. Бироқ Шекспир қолаверади. У замон ўтгач сайин яшариб боради. Бугун ёзилган минглаб драмалар эртасига қариб қолиши мумкин. Бироқ минг йил олдин драманинг энг ибтидоий шакллари асосида ёзилган ҳаққоний асар гуркираб туради. Бу кечинмалар табиий-

лиги, ижтимоий дарднинг собитлигига нисбатдир. Тўртала девори мустаҳкам театрда фикр димиқиб қолади. Унинг тўртта девори тугул, бешинчиси ҳам бўлмаслиги керак. Театрнинг кўкрагига замона шабадалари уриб туриши зарур. Албатта, шабададан ёшлик нафаси уфуради.

Бизнинг фикримиз ана шу ҳақда, драматургиямиз азим дарахтининг ёш новда ва куртаклари тўғрисида. Назм ва насримизда ўнлаб ўзига хос ёш овозлар пайдо бўлди. Бу жараён драматургияда бир оз кечикиб бошланди. Шубҳасиз, бу жанрнинг миҳоятда мураккаблиги билан характерланади. Чунки, XX асрдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар драматургияни ҳатлаб ўтмади. Бу давр драматургияда янги шакллар кашф этди. Агар, Фейхтвангер таъбири билан айтганда, «XXX» аср драматурги — Брехт» асримиз бошларида Аристотель системасидан юз ўгирган бўлса, 40-йиларга келиб ўзи Аристотель системасида асар ёза бошлади. Бундай драматик мактаблар даври ва «XX аср — режиссёр асри»да ижод қилиш, маъқул асар яратиш жуда ҳам мушкулдир:

Шундай даврда драматургияда маъқул асар яратиш ижодий жасоратдир. Зотан драма ёзиш Шекспир «панжасига панжа урмоқликдир».

Ана шундай оғир ва хайрли юмушга қўл ураётган журъатли ёшларимиз ҳам бор. Шулардан бири тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

...Хизмат сафарларимдан бирида янги ташкил этилган Олим Хўжаев номидаги Сирдарё область музикали драма ва комедия театрининг раҳбарлари бир «нозик иш»га бир-икки соат вақт ажратишимни илтимос қилишди. «Актёрларимдан бири пьеса ёзган», деди театрнинг бош режиссёри Маҳкам Муҳамедов. Очиғини айтганда, мен учун бу янгилик эмасди. Драматургияни шунчаки эрмак, пьеса ёзиш — жўн иш, деб юрганлар ҳам йўқ эмас. Афсуски, бундай «сермаҳсул ижодкорлар» тез-тез учраб туради. «Танилмаган авторнинг асарини шубҳа билан қўлга оласан. Одатда бир хил пьесаларни қийналиб, ора-орада танаффус қилиб ўқилади.

Ажабо!

Пьесани бир нафасда ўқиб чиқдим. Унинг муаллифи — Шароф Бошбеков эди. Муаллиф драматургиянинг теран томирларини яхши хис қилиб, асарни сахнавий чиқишига эришганди ҳам. Шарофнинг тўнғич пьесаси «Тақдир эшиги» республикамизнинг уч театрида, қардош Тожикистоннинг Кўлоб шаҳри театрида муваффақият билан ўйналмоқда. Бир оз мунозарали жойлари мавжуд. Унинг «Олтин япроқли қайрағочлар» драмаси қишлоқ ҳаётидан олиб ёзилган бўлиб, бугунги куннинг зарур муаммоларини ўртага ташлайди. Пьеса Қашқадарё область театрининг бу йилги репертуар планидан ўрин олган.

Шароф Бошбеков изланувчан ва меҳнаткаш йигит.

Ўтган йилнинг августида Дўрмонда бўлиб ўтган ёш ижодкорлар семинарида бешта драматург тўғилди. Булар — наманганлик Абдулла Жаббор, андижонлик Салоҳиддин Сирожиддинов, самарқандлик Юрий Муродов, сурхондарёлик Исомиддин Отақулов, тошкентлик Ариадна Васильевалар. Ҳозир уларнинг илк асарлари устида республика ва область театрлари иш бошлаб юборишган.

Яқинда бир неча шеърый тўпламлар чиқарган шоирлар — Усмон Азимов «Бир қадам йўл», Саъдулла Аҳмад «Охун Яккакорд» сингари драмаларини репертуар — редакция коллегиямизга тақдим этишди. Ҳар икки шоирнинг асарлари ҳам бизда қизиқиш уйғотди. Улар ҳозир асарнинг сахна варианты устида ишлашмоқда.

Баъзи драматурглар асарлари театрлар репертуарида кам эканлигидан ўпкалаб юришади. Ҳолбуки, бугунги театр учун имконият катта. Улар антик давр драматургиясидан ҳам, ҳозирги замон жаҳон прогрессив драматургларининг асарларидан ҳам танлаб олиши мумкин.

Шунинг учун ҳам драматург асар устида ишлаш жараёнида маълум бир театрнинг куч ва имкониятларини назарда тутган ҳолда иш олиб бориши керак. Ҳар бир драматургнинг ўз севган мавзуси, ўз услуби ва ўз театри бўлиши лозим. Шекспир, Мольер сингари буюк драматургларнинг ҳар бир асари театрда туғилган.

«Театр» журнали саҳифаларида бир неча йиллардан буён давом этаётган «Драматургия проблемалари» баҳсида ҳам шу ҳақда жуда керакли гаплар айтилмоқда.

Журналнинг 1981 йил август сонисида, театршунос В. Шуваловнинг «Парадокслар» мақоласида қуйидаги фикр мавжуд: «Театр актёрни, режиссёрни ўстиради деган гап бор. Бироқ театр ўз драматургини ҳам ўстириш имкониятига эга».

Дарҳақиқат, театрларимиз бугуннинг ижтимоий-сиёсий, публицистик руҳидаги ўткир нафасли, бақувват асарларга муҳтож. Шунинг учун ҳам ёш драматурглар театр ижодий коллективи билан яқиндан таниш, режиссёр ва актёрларнинг орзу-ўйлари, режалари билан ошно бўлишлари лозимдир.

Ана шундай ижодий мулоқот туфайли маъқул асарлар туғилиши мумкин.

Биргина 1982 йилда 48 та янги сахна асари вужудга келди. Бироқ уларнинг ақалли ярмини ҳам юксак савияда деб бўлмайди. Гап сонда эмас, сифатда! Гап — маҳоратда, янги, оригинал, «теша тегмаган» гап топишда, коммунистик эътиқод билан, соғлом партиявий позицияда туриб, давримизга муносиб асарлар яратишда.

Муҳсин ҚОДИРОВ:

Драматургларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Улмас Умарбеков, Ҳусниддин Шарипов, Муҳаммаджон Хайруллаев, Фарҳод Мусажонов, Абдуқаҳҳор Иб-

роҳимов, Максим Каримов, Машраб Бобоев, Омон Матжон, Малика Мирзаева, Раим Фарҳодий, Шароф Бошбеков... Кекса ва ўрта бўғинга мансуб драматурглар ҳам қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Хуллас, ҳар йили турли мавзу ва жанрларда ўнлаб оригинал асарлар пайдо бўлмоқда. Албатта, аксар янги пьесалар драма театри учун ёзилмоқда. Музикали драма ва музикали комедиялар йил сайинч камайиб, опера ва балет либреттоси тансиқ бўлиб бормоқда. Болалар учун мўлжалланган асарларга ҳам талаб кучли. Лекин, нима бўлганда ҳам, сон жиҳатдан шикоятга ўрин йўқ. Ҳамма гап шундаки, ёзилаётган кўпгина пьесалар сифат жиҳатидан қониқарли эмас, шу боис улар саҳна юзини кўрмай умри тугамоқда, амал-тақал ва туртки билан саҳнага чиққанлари ҳам томошабинни ром қилолмай, «яшин тезлигида» саҳнадан тушиб кетмоқда.

Драматургиямизни сифат жиҳатидан кўтариш учун, назаримда, уч нарсага эътибор беришимиз керак.

Биринчидан, мавзулар доираси тор ва кўпроқ маиший турмуш манзараларини ёритишга эътибор берилмоқда. Йирик мавзуларни ишлаш учун драматургларимиз халқ ҳаётига, унинг маънавий оламига чуқурроқ кириб боришлари керак.

Иккинчидан, драматургларимиз маҳоратини кескин ошириш керак. Кўп асарларда мавзу яхши, кўтариладиган масала ҳам ёмон бўлмайдими, бироқ характерларни ишлашда, конфликтни тўғри белгилаб, узлуксиз ривожлантириб боришда, пьесанинг композицион қурилишида, диалог санъатида драматургнинг ожизлиги сезилиб қолади. Пьесаларнинг ҳам театрга, ҳам томошабинларга манзур бўлиши учун совет драматургиясида рўй бераётган изланишларни чуқур ўрганиб, янги шакллар, янги тасвирий воситалар излаб топишга тўғри келади.

Учинчидан, драматург билан театр ҳамкорлигини яхшилаш жуда зарур. Мен худди шу хусусда фикр билдирмоқчиман. Назаримда, ҳозирги кунда бу энг муҳим, долзарб масаладир. Ҳамкорликдан ҳам драматургия, ҳам театр ютади.

Драматургия билан театрни алоҳида-алоҳида тасаввур этиш қийин. Улар бамисоли гул ва булбул. Улар ҳамнафас, ҳамдам бўлгандагина юзлаб кишиларнинг қалби ва ақлини забт этувчи мўъжиза туғилади. Азалдан шундай. Драматургия театрдан туғилган. Драматург айна замонда актёрлик ва режиссёрлик функцияларини бажарган. Тарихда мисоллар жуда кўп. Эсхил, Брехт, Ҳамзани бир эсланг.

Айниқса, ҳозирги пайтда драматургияни театрсиз тасаввур этиш мушкул. Драматург истайдими-истамайди, янги бир асар ёзишда ўз майли, интилишларининггина ҳисобга олиб қолмасдан, унинг томошабин учун зарур, янги ва қизиқарли бўлишини, муайян театр коллективи репертуари ва имкониятига мос келишини ҳам ўйлаши керак. Зотан, пьеса саҳналаштирилиб, томошабин ҳукмига ҳавола қилингандан кейингина ўз якунини топади. Аксар чоп этилган пьесалар саҳнавий талқинлардан сўнг қарор топган текстлар эканлиги, уларга саҳна ижодкорларининг ҳам ҳиссаси, ижодкорлик ҳарорати кўриниб туриши шундан далolat беради.

Модомики шундай экан, драматург ҳаёлида мавзу туғилиши биланоқ театр билан алоқа ўрнатиш лозим. Ҳундан бошлаб пьесага сўнги муқта қўйилгунча — бутун жараён режиссёр маслаҳатлари, мулоҳазалари кўмагида кечса, натижа яхши бўлади. Афсуски, кўп ҳолларда бунинг акси бўлмоқда. Драматург ҳаёлига келган мавзунини ўзи билган ва ёқтирган йўналишда ишлаб чиқади. Кейин уни қўлтиқлаб у-бу режиссёрга тақдим этади. Режиссёр асарда маълум мавзу бор-у, аммо конфликтнинг эскилиги ёки сохталлиги, шаклнинг жўнлиги ёки бадий жиҳатдан пишиқ бўлса-да, мавзу жиҳатдан театр репертуаридаги маълум бир асарга ўхшаб кетиши ва бошқа сабабларга кўра драмани эгасига қайтариб беради. Агар пьесада янги гап бўлса, ғояси шу кун учун муҳим туюлса, режиссёр пьесани маълум йўналишда қайта ишлашни маслаҳат кўради. Иккала ҳолда ҳам драматург изтироб чекади. Чунки неча ойлар ўйлаб, тўлқинланиб, заҳмат чекиб ёзган нарсаси ноақтуал, хом, қайтариқ бўлиб чиқса ёки қайта бошдан ишлаб чиқишга тўғри келса, алам қилади-да. Ана шундай бекорга ижод қилмаслик, ортиқча изтироб чекмаслик учун ҳам пьесани театр билан бамаслаҳат ёзган маъқул. Ижодда бошиданоқ нишонни аниқ мўлжалга олиш керак.

Шуни ҳам айтиш керакки, янги пьеса яратилишида театр драматург билан баб-баравар масъулиятлидир. Театр ва режиссёрлар бу ишда жонбозлик кўрсатишлари, ҳаракатдаги репертуар, ижод истиқболи ва томошабин тарбиясидан келиб чиққан ҳолда маълум авторлар билан конкрет ва дўстона иш олиб боришлари, мавзу, конфликт ва характерларга оид аниқ маслаҳатлар бериб туришлари жуда зарур. Театрга ҳар жиҳатдан тайёр асар келмайди. Пьеса театрга қиёмига етади. Драматургини шодон, меҳр билан қарши оладиган, унга беминнат йўл-йўриқ кўрсатадиган театр, режиссёргина ютади. Шундагина замонга ҳамоҳанг, ғоявий бақувват, бадий кўркем асар майдонга келади. Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри тарихидан бунга кўплаб ижобий мисоллар келтириш мумкин. Шу театр саҳнасида қанчадан-қанча драматург туғилди, вояга етди: Комил Яшин, Уйғун, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Сарвар Азимов, Иззат Султон. Ана шу драматургларнинг ижодий камолотида ва улар ёзган ўнлаб саҳна асарларининг ҳар жиҳатдан мукамаллик даражасига етувида Маннон Уйғур, Ятим Бобожонов, Александр Гинзбург, Тошхўжа Хўжаев, Шариф Қаюмов каби аллома режиссёрларнинг хизмати беқиёс катта. Ҳамза театри саҳнасида Саид Аҳмад, Улмас Умарбеков, Машраб Бобоев драматург сифатида танилди. Бунда режиссёрлар Баҳодир Йўлдошев, Рустам Ҳамидов фаол хизмат қилди. Ушбу жараёнларда Ҳамза театри актёрларининг ҳолисона қўшган ҳиссаси, ижодкорлигини айтмайсизми. Ҳар бири ўз ролининг зарғари, драматурги.

Аммо бу — театр, режиссёр ўз фикрини зўрма-зўраки ўтказиши ёки қўлига қалам олиб, автор ўрнига пьесанинг баъзи ўринларини қайта ёзиб чиқади, деган гап эмас. Ҳар ким ўз ишини қилсин: драматург ёзсин, режиссёр қўйсин, актёр ўйнасин. Режиссёрнинг пьеса устидаги иши авторга ўз фикри, муносабатини билдириш, лозим бўлса, мулоҳазалари, маслаҳатларини баён этиш билан белгилашни лозим. У драматургга таъйик ўтказмасин, балки уқтирсин, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирсин. Драматург билан ҳамкорлик қилишда режиссёр, бардошли бўлиши лозим. Афсуски, кўпгина режиссёрларимизда нафақат меҳр, балки бардош ҳам етишмайди. Драматург келтирилган пьеса ёки унинг қораламасини ҳурмат билан ўқиб, фикр билдиришга шояшмайди, балки соладилар, гапга соладилар. Баъзан конкрет фикр ва мулоҳазалар билдириш ўрнига мавҳум, умумий баҳо билан чекланадилар. Бундай «юм-юмалоқ» баҳодан драматург гангиб, нима қилишини билмай қолади. Ана шундай кайфиятдаги режиссёр қардош театрлар сахнасида қўйилиб етилган тайёр таржима асарларни сахналаштиришни хуш кўради. Таржима асари ҳам керак, албатта. Аммо миллий театр репертуари ва ижодида оригинал асарлар етакчилик қилиши, ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлиши лозимлигини унутмаслик керак. Янги, оригинал асар эса риёзатсиз, чинакам ҳамкорликсиз майдонга келиши амримаҳолдир.

Қарс икки қўлдан чиқади. Драматург билан режиссёр ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама бўлиши лозим. Драматург режиссёрга, режиссёр драматургга интилинсин. Уларнинг муносабатларида самимият, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва талабчанлик бўлсин. Шундагина чинакам ижодий ҳамкорлик юзага келади.

Бердиали ИМОМОВ:

Хозирги драматургиямизда ҳаракатни кескин равишда юзага чиқариб, мақсадни таъсирчан монолог ва диалогларда ифодалашда «Гулсара», «Ҳамза», «Нурхон», «Алишер Навоий», «Муқанна», «Мирзо Улуғбек», «Қонли сароб» типдаги асарларимиз савиясига кўтарилган ҳолатлар кам ва моҳият томонидан улгарга ўхшаш кўринишларни такрорлашдан нарига ўтилмаётир. Ҳатто тажрибали, улкан маҳоратли драматург Уйғуннинг «Абу Али ибн Сино», «Абу Райҳон Беруний», «Зевуннисо» пьесаларида таъсирли ўринлар йўқ бўлмаса-да, уларда қалбларни ларзага соларли, асар ғояси билан чапишиб кетган драматизмли кульминациялар оздир. Бу асарларнинг юқорида саналган машҳур пьесаларимизчалик шухрат қозонмаётганлигининг сири ҳам шунда бўлса, ажаб эмас. Ўрни келганида шунини айтиш керакки, танқидчилик ишларида масаланинг бу томони деярлик эътиборсиз қолдирилмоқда.

Эҳтимолки, ҳозирги кўпчилик пьесаларимизда маҳоратнинг ана шу борасида янада саёзликларга дуч келаётганлигимиз боиси ҳам шундадир.

Маҳоратнинг муҳим қиррасини кўрсатувчи авж нуқта айрим асарларда сезилар-сезилмас бўлса, баъзиларида бир мартагина, кул ичидаги чўғдек милт этиб қолади ва йўқдан кўра бор бундай ўринлар учун авторлардан мамнун бўламиз. Чунончи, Машраб Бобоевнинг «Гурунг» пьесасида драматизмдан, таъсирчан кучдан ҳоли, кўп сўзли диалоглар узоқ давом этади. Бундай диалоглар ҳарактерларнинг бир-бирларидаги нозик томонларни босиб қўйиш ва кескинликни кучайтиришга хизмат қилдирилмаганиги сезилиб туради. Асарнинг охиригача бориб уруш ветерани Абдували билан нопок турмуш йўлидаги сохта олим Шоди ўртасида гап қолади. Шунда ҳокисор, камтар, самимий ветеранга ғаш келган Шоди унинг хизмат-жасоратларини менсимай, «нима бўлибди, уруш бўлса, биз ҳам борардик», дейди. Абдувалининг жону жасони қақшаб кетади ва қаҳр-ғазабини «Ё алҳазар!» сўзларида издор этади. Бутун асарда ана шу авж нуқтагина бор, у ҳам, афсуски, разил Шодининг «попугин» пасайтирадиган, унинг характеридаги нозик қилларини чертиб, ўйнатиб юборадиган савияда эмас.

Драматик ҳаракатни санъаткорона ривожлантиришдан аввал ғоявий концепцияни аниқ-пухта қилиб олиш ҳамда шунга яраша характерлар танлаш, уларнинг қай бирини биринчи ўринга қўйишни белгилаш зарур. Машрабнинг асари бу масалада анча паршон: асар қаҳрамони ким ва биринчи ўринда: Абдувалими ёки Шодими? Жавоб топиш маҳол. Шу сабабли ҳаракат ечимини (айниқса Ҳамза номидаги театр спектаклида) ланж, томошабин асар тугаган-тугамаганлигини билолмай, гаранг бир ҳолатда қолади. Бунга, назаримда, пьесага мансуб хусусиятлар билан уни сахнада гавдалантириш принципларидаги эстетик номувофиқлик ҳам сабабини бўлган: пьесада ҳаракат характерлар аро тўқнашувга асосланган конфликт замирида ривожланади, спектаклда эса, аксинча, ҳаракат аста-секин ривожлантирилади ва кульминациядан кейинги муносабатлар мавҳум ҳолга келади. Юз берган ҳолатга аниқлик киритувчи ва ҳаракатга мос диалог ва монолог берилмайди.

Ҳозирда нашр қилинаётган ва сахнага чиқаётган талай пьесаларда драматик ҳаракатда сустика, паршонлик, драматизмдан маҳрумлик, тилда, нутқда жилосизлик, сийқалик, суханбозлик, мазмунан қашшоқлик, ташқи ҳаракатга ундаш, янгича ички-психологик ҳолатларга тушириш хусусиятлари кўзга ташланади. Максим Каримовнинг «Нотаниш танишгинам» «Инсонликка номзод», Яздон Худойқўловнинг «Севгини ардоқлаш керак», Абдуқаҳор Иброҳимовнинг «Бу замон ўғлони», Уткир Рашиднинг «Фарзанд деб», Шухратнинг «Она қизим», Шароф Бошбековнинг «Тиконсиз типра-тиканлар» сингари пьесаларида сўз ва ҳаракат бирлиги етарли таъминланмаган. Уларда персонажлар тили кескинликни содир этишда, тағ-заминли мазмундорликдан, том маънодаги сахнавий кўринишлардан олис.

Уйғуннинг замонавий мавзудаги «Парвона» драмасида подтекстли саҳналар, диалог ва монологлар, кескин ҳолатлар анча. Бундай хусусиятлар Муҳаммад Хайруллаевнинг «Тинмасин соз» пьесасининг айрим ўринларида яхши таассурот қолдиради. Улмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз», «Шошма, қуёш» асарларининг муваффақияти халқчил, образли, асосли диалоглар билан ҳаракат уйғунлигида, буларнинг ғояни очишга муносиб хизмат қилишидадир.

Хуллас, драматик маҳоратнинг муҳим қирраси ғоявий ниятга хизмат қилувчи сўз билан ҳаракат бирлигини санъаткорона таъмин этишда юзага чиқади. Бундай бирлиكنи содир этмай туриб, ижодий муваффақиятга етишиш қийин. Шуниси ҳам борки, Улуғ Горькийнинг куйидаги сўзлари худди шу кунларда пайдо бўлаётган купчилик пьесаларга қарата айтилгандек туйилади: «Тили қашшоқ, қуруқ, ширасиз ва рангсизлик — куп пьесаларнинг умумий нуқсони». Бундай нуқсонларга драматик маҳорат сирларини эгаллаш орқали чек қўйиш мумкин.

Пьесада ғоянинг ҳаракатда, нутқ, тил билан бирликда ифодаланиши бадийликнинг бошқа компонентларидан ажралган ҳолда содир бўлишини кўрсатмайди. Аксинча, улар барча воситаларга таъсир ўтказиб туриши билан пьесада устиворлик қилади: сюжетнинг ривожланиш йўли ва босқичлари драматик ҳаракатда бевосита кўринса, конфликт-коллизия уларга куч бағишлайди. Уз навбатда бу куч характерлар зиммасига тушади. Характерлар эса ғоявий мақсад талабига мувофиқ ўзаро муносабатда бўладилар ва уни ифодалайдилар. Ғоявий-бадийликнинг бир бутунлигини худди шундай англамоқ зарур. Уз-ўзидан равшанки, барча компонентларда тил маҳорати ўзини «мана мен!» деб кўрсатиб туради. Шу вайдан улуғ санъаткорлар бу масалага алоҳида эътибор беришган.

Фрунзе ЖУРАЕВ:

Кўп миллатли совет драматургиясининг аjoyиб ҳислатларидан бири — унинг интернационалиги, миллий саҳна асарининг республика доирасидан чиқиш, минг-минглаб томошабинлар олқишига, эътирофига сазовор бўлишидир. Бунга республикамиз театрлари, уларда маҳаллий муаллимларимиз билан бир қаторда ҳамма қардош совет республикалари драматургларининг асарлари муваффақиятли қўйилаётганлиги ёрқин мисол бўла олади. Чунончи, улар орасида Александр Фадеевнинг «Еш гвардия», Анатолий Софроновнинг «Юрак операцияси», Михаил Шатровнинг «Революция номи билан», Чингиз Айтматовнинг «Момо ер», Мустай Каримнинг «Ой тугилган тунда», Озод Абдуллиннинг «Ун учинчи раис», Нодар Думбадзеининг «Абадият қонуни», Александр Гельманнинг «Мукофот», Рустам Ибрагимбековнинг «Қум устидаги хонадон», Сотим Улуғзоданинг «Гавҳари шамчироқ», Ион Друценнинг «Каса Марэ» каби аjoyиб асарлари мавжуд. Кейинги икки йил ичида республикамиз театрлари саҳнасида қардош совет драматургларининг олтинчидан ортиқ турли жанр ва мавзудаги асарлари қўйилди. Уз навбатда Ҳамза, Комил Яшин, Мақсуд Шайхзода, Сарвар Азимов, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон, Зиннат Фатхуллин, Назир Сафаров, Уйғун, Ҳамид Фулом, Саид Аҳмад, Улмас Умарбеков, Туроб Тўла, Мақсид Каримов, Абдуқаҳҳор Иброҳимов каби адибларимизнинг пьесалари ҳам қардош совет республикалари театрлари репертуаридан муносиб ўрин олиб келмоқда. Мана шу йилнинг ўзидаёқ Воронеж рус драма театрида Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» трагедияси саҳналаштирилди, Қозон давлат театри эса, ўз репертуарига Улмас Умарбековнинг «Отилмаган ўқ» драмасини киритди.

Кейинги йилларда Уйғун «Зебуннисо», Сарвар Азимов «Юлдузлар жамоли», Зиннат Фатхуллин «Олтин куз», Иззат Султон «Кумуш шаҳар», Саид Аҳмад «Келинлар кўзғолони», Ҳамид Фулом «Мангулик», Туроб Тўла «Қаҳр», Пиримқул Қодиров «Бобир» каби янги асарлар билан драматургиямизни бойитдилар. Пешқадам адибларимиз билан биргаликда бир қатор истеъдодли қаламкашлар ҳам баракали ижод қилмоқдалар. Улмас Умарбековнинг «Отилмаган ўқ», «Қиёмат қарз», «Шошма, қуёш», «Аризасига кўра», Машраф Бобоевнинг «Ер томири», «Ўттиз ёшлар», Мақсид Каримовнинг «Ун саккиз ёшлигим», «Дийдор», «Интилганга тола ёр», «Инсонликка номзод», Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл», Фарҳод Мусажоновнинг «Олифта», Жуманиёз Жабборовнинг «Ужарлар», Уткир Ҳошимовнинг «Баланд дорга осилма», Яздон Худойкуловнинг «Севгини ардоқлаш керак», Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Зўлдир», «Тусмол», «Мени айтид деманг», «Майли-майли», «Бу замон ўғлони», Хусниддин Шариповнинг «Афсона», Халид Расулнинг «Хўжайин» каби саҳна асарлари театрларимиз репертуарини безаб турибди.

Гарчи ўзбек совет драматургияси маълум ютуқларга эришган бўлса ҳам, шуни очиқ эътироф этиш керакки, у миллий адабиётимизнинг бошқа турларига қараганда, тараққий этиб бораётган воқелигимиз, давримиз талабига нисбатан оқсамоқда ва етарли даражада кенг майдонга ҳали чиқа олганича йўқ. Бунинг сабаби нимада? Шубҳасиз, бу саволга тўла-тўқис жавоб бериш мушкул. Ҳар қалай бу борада айрим фикрлар юритиш мумкин.

Ўзбек совет драматургиясининг шаклланиши ва ривожланишида талайгина бадий аъналар бор. Улардан бири — саҳна асарининг бадий етук пьеса сифатида театрга, режиссёр ва актёрларнинг бевосита ижодий ҳамкорлигида шакл топишидир. Масалан, Ҳамзанинг ҳамма саҳна асарлари спектакль яратилиши жараёнида профессионал пьеса даражасига кўтарилган, Ҳамзага фақат воқеликгина эмас, театрнинг ўзи ҳам саҳнада қандай мавзуларни, ижтимоий муаммоларни кўтариш лозимлиги бобида таъсир кўрсатган. Ҳамзанинг таъбирича, саҳна — ҳаёт кўзгуси. Шунинг

Ун-ўн беш йил муқаддам республикамиз театрларига бир қанча истеъдодли ёш режиссёрлар кириб келди. Бироқ, минг афсуски, бу ёшларнинг бирортасига юқоридан номлари айтиб ўтилган кекса режиссёрларнинг фазилатлари ҳалигача етарли даражада сингмаган, драматург билан ижодий ҳамкорлик қилиш принципи улар учун одат тусига кирмаган. Бунинг устига, гарчи улар ўн-ўн беш йиллик ижодий тажрибага эга бўлсалар ҳам, кўпчилиги режиссёрлик маҳоратини керакли даражада ўзлаштирган, деб айтолмаймиз. Аксинча, айрим театрларда шаклланган энг яхши ижодий анъаналар секин-аста унутилмоқда. Мана, бир мисол. Маълумки, сахна тили пьеса тилидир. Масалан, рус театрида режиссёр қайси миллат вакилига мансуб бўлмасин, ижрочилар билан ижодий иш жараёнини ўзбек, арман, грузин ёхуд эстон тилида эмас, (гарчи асар шу халқлар ҳаётидан олинган бўлса, ҳам) балки соф рус тилида олиб боради. Бу театр маданиятига тааллуқли қоидадир. Ҳозир эса, кўпчилик ўзбек театрларида, жумладан Ҳамза номли академик драма театрида ҳам репетициялар соф ўзбек адабий тилида эмас, балки ўзбек ва рус тилларида ёхуд ўзбек тили бўлганда ҳам, бошқа тиллар билан чатишган ҳолда олиб борилади. Бу аҳволда сахна асарининг энг асосий манбаи бўлган, пьеса қаҳрамонларини ҳаракатга келтирувчи, уларни жонлантирувчи, характерини очувчи бирдан-бир восита — тил қандай қилиб юксак бадий даражага кўтарилсин! Мана шунинг ўзиёқ ҳар қандай пьесанинг бадий қимматини тушириши, драматургининг эса ижодий илҳомини сўндириши мумкин.

Фикримизча, режиссура муаммоси ҳал этилмагунча, яъни театр санъатини тўғри, изчил ҳамда интенсив йўналтири оладиган пешқадам режиссёрлар етказилмагунча драматургиямизнинг ривожини тезлаштириш, унинг мавқеини янада ошириш, кундалик ҳаёт олдинга сураётган талаблар даражасига кўтариш қийин. Чунки театрсиз драматургиянинг тараққиётини таъминлаб бўлмайди, бинобарин, у мустақил адабий жанр сифатида ҳали ўз ўрнини топгани йўқ. Театрнинг истиқболи эса, кўп жиҳатдан режиссёр ва актёрнинг истеъдодигагина эмас, драматургиянинг юксаклигига ҳам боғлиқдир. Демак, театр ва драматургия ўзаро шунчалик узвий боғлиқки, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Модомики, драматургиямизнинг тараққиёти театрга, унинг режиссурасига бевосита алоқадор экан, бу муаммони тез орада ҳал этиш йўлларини излаб, топиш зарур. Масалан, МХАТда шундай йўл топилган. Театр бадий раҳбари ва бош режиссёри Олег Ефремов беш-олтита истеъдодли ёш режиссёрларни ўз қаноти остига олган, уларнинг ҳар бирига мустақил спектакль сахналаштиришни топширган. Ҳақиқат эса уларга амалий ёрдам бериб, бадий раҳбарлик қилмоқда. Ёш режиссёрларнинг қайси бири ўзининг профессионалиги, истиқболлиги, ташкилотчилиги, юксак ахлоқий принциплари, инсоний фазилатлари билан ажралиб турса, МХАТнинг ажойиб бадий анъаналарига содиқ бўлибгина қолмай, уларни давом эттириб, яна чуқурлаштира олса, ўшандагина у шу театрда қолиши ва келажакда пешқадам режиссёрлар қаторидан ўрин олиши мумкин экан.

Нега энди худди шундай йўлни Ҳамза номли академик драма театрида ҳам тутиш, Маннон Уйғур ва Ятим Бобожонов шакллантирган режиссёрлик мактабини тиклаш, унинг энг яхши томонларини ривожлантириш мумкин эмас? Ҳозир ҳам бу ишнинг кечи йўқ. Чунки театрда бу атоқли санъаткорларнинг режиссурасини ўзига обдан сингдирган бир қатор актёрлар бор. Агар бу иш яна ўн-ўн беш йилга кечиктирилса, чиндан ҳам улар яратган режиссёрлик мактаби тамомилан унутилиши мумкин.

Ҳамза номли академик драма театрида республикамиз театрларидан энг истеъдодли ёш режиссёрларни тўплаб, режиссёрлик коллегияси тузилса, Москва ёки Ленинграддан бирорта тажрибали устоз режиссёрни икки-уч йилга таклиф этиб, уни ёшларга ижодий мутассадди қилиб қўйилса, ёмон бўлмасди. Балки бу тадбир ўзини оқлар, ёшларимиз орасидан Ҳамза номли, Муқимий номли, шунингдек республикамизнинг бошқа театрларига чинакам раҳнамолик қила оладиган пешқадам режиссёрлар етишиб чиқиши мумкин. Балки ҳозирги ёш режиссёрлар орасида миллий режиссурамиздан энг яхши бадий анъаналарни давом эттира оладиган, катта режиссёрлик салоҳиятига, ташкилотчилик ҳамда мураббийлик қобилиятига эга, ўзида ажойиб инсоний фазилатларни мужассамлаштирган, истиқболли истеъдодлар бердир; балки улардаги ана шу хислатларнинг тамомила очилиши, уларнинг улкан санъаткор бўлиб, вояга етиши учун қулай ижодий муҳит ва шароит яратиш зарурдир. Балки МХАТ қўллаган тажриба бизда ҳам татбиқ этилса кутилган натижалар бериши мумкин.

Шундай қилиб, театр билан драматургиямиз, ўртасидаги ижодий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилса, кучайтирилса, бу борада керакли тадбирлар орқага сурилмай, тез ва дадиллик билан амалга оширилса, театр санъатимиз, драматургиямиз камодот сари янада баландроқ парвоз этиши муқаррар.

Мащраб БОБОЕВ:

Энг аввало биз ватанпарвар бўлишимиз керак. Бу фикр бир оз ғалати эшитилиши, нима, биз она-юртимизни яхши кўрмаймизми, деган савол уйғотиши мумкин. Шошилманг, бердисини энди айтаман. Она-юртни яхши кўриш деган гап унинг шаънига ҳамду сано ўқишдангина иборат эмас. Ҳар қандай гап амал билан тасдиқлангандагина кучга қиради. Тўғри, ҳаммамиз ҳам она-юртимизни яхши кўрамиз. Лекин унга тегишли бўлган, унга алоқадор бўлган ҳамма нарсани қадрлай оламизми? Бевосита ҳозир драматургия тақдири ҳақида қайғуриб ўтирган одамлар.

мен учун катта эҳтиёжга айланган эди. Уни машинкадан олиб чиқаётганимда таниш бир режиссёр учраб қолди. Қўлимдаги пьесага кўзи тушиб, ўқиб кўрай, деди. Бердим. У ўқиб кўрач, ўзим кутганимдай, «бу пьеса эмас», деб қайтиб берди. Кейинчалик бу пьесани Баҳодир Йўлдошев ўқиб, «қўяман», деганида, рост гап, бир оз ҳайрон ҳам бўлганман. Иккинчи мисол: «Уттиз ёшлилар» деган пьесам Маҳкам Муҳамедовнинг қўлга тушгунича жуда кўп вақт ҳаракатсиз ётган эди, ўйламанки, Маҳкам Муҳамедов саҳнага қўймаганида, бу пьесани ҳеч ким билмаган, эҳтимол, ҳозир ҳам тортмада ётган бўлиши мумкин эди.

Менимча, драматургияни янада тараққий эттириш йўлларида яна бири шуки, кўп асар ёзилишига эришиш керак. Тўғри, сон сифатни белгилamayди, албатта, деякин фойдали коэффициент йўли билан ҳисоблайдиган бўлсак, пьесанинг умумий сони кўп бўлса, яхшиларининг сони ҳам ортади-ку, шундай эмасми? Шу ўринда Улмас Умарбековнинг Ўзбекистон ССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари сифатидаги фаолиятидан ибратли бир намуна келтирмоқчиман. Улмас ака тахминан тўрт ой мобайнида икки марта драматургларни йиғиб, улар билан драматургиянинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболи ҳақида суҳбатлашди. Ҳар иккала йиғинда ҳам у драматургларни янги-янги асарлар ёзишга ундади, шартномалар тузишни таклиф қилди. Бу — жуда бебаҳо ташаббус! Лекин, афсуски, айти пайтда министрликнинг бевосита драматургия билан шуғулланадиган бошқа ходимлари бу ташаббусга амалий ҳаёрийлик кўрсатишмаяпти.

КПСС Марказий Комитети Ноябрь пленумида меҳнат интизомини яхшилаш лозимлиги ҳақида жиддий гаплар айтилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ҳақда маҳсус қарор қабул қилди. Меҳнат интизому — ишга вақтида келиб, вақтида кетиш деган гапдангина иборат эмас. Меҳнат интизому — энг аввало, ишга бўлган муносабатдан иборат. Шундай экан, маълум бир ишга масъул бўлган одамлар шу иш ривожини сўздагина эмас, амалда ҳам ўйлашлари керак.

Драматургияни тараққий эттиришнинг ҳар хил йўллари баён қилинмоқда. Ҳатто Театр санъати институтида драматурглар тайёрлаб етиштирадиган курс очиш ҳақида ҳам гаплар бўлмоқда. (Мен хусусан бу фикрга мутлақо қаршиман. М. Горький номидаги Адабиёт институтини истисно қилганда, ҳеч қандай олий ўқув юртида ёзувчи етиштириб чиқариш мумкин эмас. Бунинг устига, Театр санъати институти бундай базага эга эмас. Институт ўзининг вазифасини яхши бажарса — бизга яхши режиссёрлар билан яхши актёрлар етказиб берсагина, бас, шунинг ўзи билан ҳам бугун ҳал қилаётган муаммомизнинг ечилишига яхши ҳисса қўшган бўлади.) Лекин умуман ҳеч нарсани силлиқ, чиройли гаплар билангина яхшилаб бўлмаганидек, драматургиямиз тараққийини ҳам бундай гаплар билангина таъминлаб бўлмайди. Бунинг ўрнига амалий иш керак. Биз ватанпарварлар бўлганимиздагина, яъни ўзимизнинг мулкимизга меҳр ва ҳурмат билан қараганимизда, драматик асарларнинг кўп ёзилишига эришганимизда ҳамда бу кўп асарнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажрата олганимиздагина, ниятимизга эришамиз.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ:

Менимча, суҳбатимиз қизиқарли ўтди. Баҳсда драматургиямиз, театр санъати ҳақида, режиссёрлар тайёрлаш масалаларида жиддий фикрлар, мулоҳазалар ўртага ташланди. Кўтарилган масалалар ҳақида тегишли ташкилотлар жиддий ўйлаб кўришар деган умиддамиз.

Барча ўртоқларнинг асосий гапи — драматургия ва театр санъатида замондошларимизнинг образини яратиш, даврнинг долзарб масалаларини кенг ёритиш устида бўлди. Тўғри, ҳозирги ҳаётимизнинг асосий тенденцияларини ўзларида гавдалантирган ижобий қаҳрамонларсиз ҳеч бир санъатни ривожлантириб бўлмайди.

«Театрнинг кўкрагига замона шабадалари уриб туриши зарур», деган фикрга тўла ўзлашимиз. Ҳар бир драматург, ҳар бир ижодий коллектив, ҳар бир санъат аҳли кўчилининг бадий фаолиятларида замон шабадаларини, давр руҳини назарга олган ҳолда иш тутсалар, улар совет томошабинларига муносиб асарлар, спектакллар яратишга замин ҳозирлаган бўладилар.

Баҳсда асосий кўтарилган масалалардан бири — драматург ва театр муносабатлари хусусида бўлди. Драматурглар кўпинча театр улар билан самимий, ижодий ишлар олиб бормаётганликларидан нолиб гапирадилар. Бу гапда жок бор. Айрим театрларимиз драматургларимизни етарлича эъозлаб, уларни театр бағрига тортмаётдилар, қўлларидан келган ёрдамни бермаётдилар.

Яхши спектакль драматург ва театр ижодий коллективининг самимий, ижодий ҳамкорлигининг меваси эканлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Лекин «пьеса ҳам, спектакль ҳам, энг аввало, ёзувчининг иш столи устида, қоғоз саҳифаларида пайдо бўлади», деган мулоҳазага унча қўшилиб бўлмайди. Спектаклни яратишда театрнинг жуда катта хизмати борлиги ўз-ўзидан маълум-ку!

Баҳсда драматурглар баъзи артистларга қараб асар ёзиб, чекланиб қолмасдан, ҳаётни чуқур ўрганишлари, унинг ичида бўлишлари, томошабинларни ўзларига эргаштира олишлари, уларни олға бошлашлари лозимлиги ҳақидаги ҳаққоний фикрларга қўшилмасдан иложимиз йўқ, албатта.

Драматургияда ҳам, театр санъатида ҳам бадий маҳоратни кўтариш орқали санъатимизни ривожлантириш ҳақидаги ажойиб фикрларни тўла қувватлаймиз.

Бадий маҳоратни оширайлик, улўғвор замонимизга муносиб, пухта, баркамол саҳна асарларини яратайлик!

Малик Қаюмов,

Ўзбекистон Кинематографчилар союзи
 правлениесининг биринчи секретари

ҚАРДОШЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ

Мен кўп миллатли киносанъатимизни бадий ва ҳужжатли кино деб иккйга ажратишга одатланган эмасман. Уларни бир дарёнинг икки ирмоғига ўхшатишим келади. Менимча, улар коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий турли босқичларида қийинчиликлар, ҳар хил муаммолар бўлган, албатта. Уларни муваффақиятли бартараф этишда бир неча яхши чиққан фильмлар эмас, балки санъатимизнинг йиллар давомида шаклланган юксак ғоявийлиги, бадий баркамоллиги, одамларга, жамиятга таъсир этиш хусусияти муҳим омил бўлган.

Кинематографиямизнинг узун тарихини босқичларга бўлиш, улардаги етакчи йўналишларни аниқлаш санъат назарийotchилари зиммасидаги ишдир, албатта. Лекин бизни — киносанъати билан амалда шуғулланувчи кишиларни бунга дахлсиз, деб ўйлаш ҳам хатодир. Йўқ, мен ўзини бу ишдан четга торган, замон билан ҳамқадам бўлмоқ учун нималар қилиш кераклиги ҳақида ўйламаган, бот-бот шу куннинг оддий воқеалари, турфа ҳодисалари замирида келажакнинг ғаройиб нурларини, эртанги куннинг шакли-шамойилини кўз олдига келтирмаган бирор ҳақиқий санъаткорни билмайман.

В. И. Лениннинг машҳур кинематографияни национализация қилиш ҳақидаги Декретидан кейин киносанъатимиз 60 йиллик мураккаб йўлни босиб ўтди. Бу санъат янги замон кўзгуси — одамлар ўртасида янгича муносабатлар ўрнатилган жамият тўғрисида, жаҳон тараққиёти тарихида — мисли кўрилмаган ҳодиса бўлмиш — тенг ҳуқуқлилиқ ва эркинлик асосида қардош халқларнинг бузилмас иттифоқи таркиб топган мамлакат ҳақида дунё аҳлига ҳикоя қилиб берди. Олтимиш йил давомида, ниҳоят, ҳар томонлама баркамол бўлган, бунёдкор ва ижодкор солномасидир, деб бекорга сийи кашф этди. Замондошларимиз, киносанъати давр солномасидир, деб бекорга айтмайдилар, ҳақиқатан ҳам, у Улуғ Октябрь инқилоби тарихини, марксизм-ленинизмнинг ҳаётбахш ғоялари тантанасини, Улуғ Ватан уруши йилларида дунёни ҳайратга солган халқ жасоратини, тикланиш йилларида дунёни ҳайратга солган халқ жасоратини, фазонинг забт этилиши каби унутилмас воқеаларни, бугуннинг сержило қиёфасини ҳужжатли кадрлар ва бадий образларда гавдалантирди, уларга мангулик муҳрини босди.

Мен ҳаётимиз киносолномасини яратиш ишида бевосита иштирок этаётган, ўзини меҳнат ва кураш жабҳаларида кўлда камерасиз тасаввур этолмайдиган ҳужжатли кино вакиллари тоифасига мансуб бўлсам-да, шунга айтишим керакки, киносанъатимизнинг бош йўналиши — келажакка назар ташлаш, у ҳақда фикр юритишдан иборат. Яъни, ҳозирги кун заминида келажакни кашф этишдир.

Ҳақиқатан ҳам шундай эмасми? Санъатимиз ривожи шу билан ўлчанмайдими? Бизнинг энг яхши фильмларимизга замонавийлик бахш этаётган омил ҳам шу эмасми ахир? Совет киносининг халқ маънавий ҳаётида тутган ўрни унинг ривожланган социалистик жамият маданиятидаги аҳамияти шу билан белгиланмайдими?

Таниқли кино арбулларида М. Ромм ўз шогирдлари билан бўлган бир сўхбатда шундай деган эди: «...бадий асар асосида санъаткор калбининг маълум ҳақиқати ётади. Унинг томошабинга тақдим этадиган бу ҳақиқати шу кунга таянган ҳолда яратилгандир. Ҳатто тарихий фильмларда ҳам шу картина яратилган даврнинг таъсири бўлади».

Мен айна пайтда М. Роммнинг ана шу сўзларидаги совет киносининг замонавийлиги ҳақидаги фикрни яна бир бор таъкидлашни истардим. Чунки замонавийлик бўм-

бўш жойда уз-узидан зоҳир бўлмайди, балки санъатимизнинг шаклланган тарихи, барҳаёт анъаналари билан ҳозирги замоннинг диалектик бирлиги асосида вужудга келади. Демак, ўтмишга бугун ва келажак кўзи билан қараш, уни бугун ва келажак нуқтаи назаридан таҳлил этиш лозим бўлади. Бу эса санъаткордан тарихий манбага янгича ёндашишни, ёниқ қалб ва ўткир ақл билан иш тутишни талаб этади.

Хўш, бизнинг киносанъатимиз сўнгги йилларда қандай муҳим масалаларни ҳал этиш устида иш олиб борди ва умумхалқ байрами — СССРнинг 60 йиллигини қандай ютуқлар билан қутиб олди? Менимча, биз бу саволга КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-баддий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида»ги қароридан жавоб топамиз. Қарорда шундай дейилади: «Социалистик реализм санъати учун совет турмуш тарзини улуғлашдан кўра ҳам муҳимроқ вазифа йўқ...»

Агар совет турмуш тарзини экранда нечоғли ҳаққоний акс эттирилаётгани тўғрисидаги масалага КПСС XXVI съезди ҳужжатларидан келиб чиқадиган хулосалар асосида кенгроқ назар ташласак, жаҳон киносанъатида амалга оширилаётган ишларга нисбатан биз — совет кинематографчилари учун кўпроқ мансуб бўлган қуйидаги уч ҳолга дуч келамиз: биринчидан, инсонга дунёдаги энг бебаҳо мавжудот, яъни табиатнинг гултожи, деб қаралди, «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» шиорида ифода этилган совет турмуш тарзининг инсонпарварлик фазилатини тасдиқлашди. Иккинчидан, совет турмуш тарзининг барча қонуниятлари, унинг моддий, ижтимоий ва маънавий асосларининг янги инсонни камол топтириш вазифаси билан узвий бирликда такомиллашганлигини кўрсатишди. Масалан, КПСС Марказий Комитетининг Май (1982) Пленумида қабул қилинган Озиқ-овқат программаси айтишунга қаратилгандир. Ниҳоят, учинчидан, коммунистик қурилиш назарияси ва амалиёти олға сураётган муаммоларни ҳал этиш, яъни совет турмуш тарзи ривожини тўла акс эттириш. Буларнинг бари ҳар бир санъаткордан ижодий фаолликни, ишга масъулият билан ёндашишни тақозо қилади. Ана шуни ҳис қила туриб, совет санъаткори деган юксак номга эга бўлиш на фақат фахрли, балки ўта масъулиятли иш эканлигига қайта-қайта иқдор бўласан киши. Ахир бизнинг фильмларимизни деярли бутун жаҳон аҳли тамошо қилади. Шундай экан, биз куррамиздаги бутун меҳнаткашларга турмуш тарзимизни муносиб равишда намойиш этишимиз керак, токи фильмларимиз дунёдаги жафокаш халқлар учун умидбахш намуна бўлиб хизмат қилсин.

... Тошкент. Баҳор охирига, гўзал ёз фасли бошланаётган, табиат бутун кўркини кўз-кўз қилаётган кунлар. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII Халқаро кинофестивали давом этарди. Бу фестивал — тараққийпарвар киносанъати кўриги — ҳар доим байрамга айланиб кетади. Бу сафар у улуг умумхалқ байрами — СССРнинг 60 йиллиги арафасида ўтаётганлиги учунми, ўзгача шукҳ, кўтаринки руҳ касб этган эди. Биз жаҳоннинг юзга яқин мамлакатидан келган фестиваль қатнашчилари ҳамда меҳмонларининг эркин ва тенг ҳуқуқли, ягона оилга бирлашган, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлиши учун елкама-елка туриб курашаётган турли миллату элатларнинг буюк қардошлигини, бу иттифоқнинг тенгсиз қудратини қалбдан ҳис этишларини истардик.

Одатдагидек, мен фестиваль кунлари жуда кўп чет эллик ҳамкасбларим — Ҳиндистон, Мексика, Афғонистон, Бангладеш, Вьетнам каби жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган дўстларим билан учрашдим. Уларнинг кўпчилиги Тошкент кинофестивалига авваллари ҳам келишган. Дўстларим менга шахримизнинг янги бунёд этилган осмонўпар бинолари, нақшинкор саройлари, гўзал майдонлари ва шуълавор фавворалари ҳақида тўлқинланиб сўзладилар. Тошкентнинг бугунги жамолига боқиб, «Бу эртатанга ўхшайди!» деб хитоб қилдилар. Лекин биз — совет кишилари учун бу эртатан эмас, балки оддий ҳақиқат, кундалик ҳаёт тарзимиздир. Еҳуд бизнинг кўз олдимизда, бевосита иштирокимизда ҳақиқатга айланган афсонадир.

Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Чунки буларнинг бари бизнинг ютуғимиз, улкан меҳнатимиз самараси. Ахир фақат шаҳарларгина янги қиёфа касб этгани йўқ, балки сўнгсиз саҳролар ҳам боғ-роғларга, бепоён пахтазорларга айланди. Одамлар ҳам ўзгариб, гўзаллашиб борди.

Ҳозирги ёшларга дол қомат, шикаста кўнгил, очлик ва муҳтожлик мутлақо беғонадир. Мен уларнинг очиқ чеҳраларига, дуркун қадди-қоматларига, журъат ва яратувчилик ишқи акс этиб турган нигоҳларига боқиб, ўзларига ва порлоқ келажакка бўлган қатъий ишончларини кўриб, беҳад қувонаман. Бейхитёр ўзимнинг болалик йилларимга қайтгандай бўламан.

... Отамдан ўн тўрт норасида етим қолгандик. Отамни эслай олмайман, мен эсимни танимасдан оламдан ўтган эканлар, ҳатто бирорта суратлари, ҳам сақланиб қолмаган. Онам ҳикоя қилишларича, отамиз меҳрибон, ғамхўр, оқил одам экан. Биз онамизга қўлимиздан келганича кўмаклашишга ҳаракат қилардик. Кейинчалик тўнғич акам Абдуғани ишга кирди...

Олти ёшимда акам мени эски мактабга берди. Лойсувоқ, зах ҳужрада турли ёшдаги талабалар жам бўлишиб, ҳафтияк туширардик. Уқишимизнинг охири кўринмасди. Қачон бу зулматни тарқ этарканмиз, деб ҳаёл сурардик.

Домлашим ҳам бизга сабоқ берар, ҳам масжидга имомлик қиларди. У бир кунни мени арзиман айбим учун калтаклади, мен унинг қўлидаги хипчинни юлиб олиб, ўзини туширдим. Кейин, албатта, қочиб қолдим. Уйда ҳам лойиқ «насибам»ни олдим...

Лекин бир сабоқ қалбимда мангу ўрнашиб қолди: одам ҳақиқат учун доимо курашмоғи керак, адолатсизлик рўй берганида эса, ўзини ҳимоя қила билиши ҳам лозим экан! Улуғ Октябрнинг ҳаётбахш зиёси бизнинг заминга ҳам етиб келмаганида, билмадим, аҳволим не кечарди.

Янги мактаб эса бизни катта ва нурафшон оламга олиб кирди. Бизнинг Тоҳирий номли ёш муаллимимиз (ҳозир у киши 80 ёшга бордилар, «Ленин ордени» ва бошқа бир неча унвонларга сазовор бўлганлар) атрофимизда нималар рўй берганлигини, инқилобнинг моҳиятини тушунтирамди, бизга қардошлик тили — рус тилини ўргатарди.

Кейинроқ мен машҳур алломамиз Қори-Ниёзий Қўқонда ташкил этган, худди бизникига ўхшаган мактаб ҳақида ҳужжатли фильм яратдим. Бу мактабни ўн бир ўсмир ва икки қиз битириб чиққан эди. Уларни «Ун уч қалдирғоч» деб аташарди. Фильм ҳам шундай номланди. У йилларда илк совет мактабларида ишлаш — жасорат эди. Эски тузум тарафдорлари, босмачилар ота-оналарни қўрқитар, ўқитувчиларга суиқасд уюштиради. Оташын шоир ва маърифатчи Ҳамза мактабни қўлда қурол билан ҳимоя қилган эди. Ҳаммаси ўтди. Бу воқеалар кекса авлоднинг хотира мулкига айланди, тарих саҳифаларига битилди. Лекин ҳозирги пайтда бизнинг кечаги кунимизни яшаётган мамлакатлар ҳам йўқ эмас.

Биз кейинги пайтларда буюк ўзгаришларни бошдан кечираётган Афғонистонда бўлиб, «Бир йил ва бир кун», сўнроқ эса «Ер ислоҳоти», «Афғонистон. Инқилоб давом этади» фильмларини суратга олдик. Иш жараёнида мен ўзимни олис болалигимга қайтгандай, ўн йиллар, ҳатто бир аср орқага чекингандай ҳис қилдим. Таниш манзара: бу ерда ҳам босмачилар, халқ душманлари, аксилинқилобчилар оддий меҳнаткаш афғонларга, маърифат зиёсини тарқатаётган муаллимлар жонига қасд қиладилар. Янги мактабларга ўт қўядилар. Мен шунда ўша олис, оловли йилларни эсладим, муаллим Тоҳирийни, турли-туман воқеаларни хотирга олдим. Мени кинога олиб келган нарса ҳам шундай ҳодисаларни келажак учун зикр этиш, лаҳзани мангуликка айлантириш истаги бўлган эмасмикан, деган ўйларга бордим.

Менинг ижод йўлим қандай бошланган эди? Эсимда, мактабимизда драма тўғраги бўларди. Бир кун Москвалик режиссёр Николай Кливо мактабимизга келиб, саҳналаштирган спектаклимизни тамошо қилди. Охири шундай бўлдики, ўша одам мени қўлимдан тутиб, кино оламига етаклаб кирди.

Ўзбек кинематографияси пойдеворида Москва ва Ленинграддан келган санъат фидойилари илк гиштини қўйдилар. Тўғри, унинг биринчи қалдирғочи Худойберган Девонов инқилобгача бўлган йиллардаёқ, ислом дини тазйиқи ва жоҳил руҳонийлар таъқиби остида бўлса ҳам, фото ва кино суратлари олган эди. Лекин фақат Совет ҳокимияти йилларидагина бу ажойиб санъат билан эркин ва самарали шуғулланиш мумкин бўлди. 1925 йили «Шарқ юлдузи» кинофабрикаси тузилиб, Худойберган Девонов унинг муҳбири этиб тайинланди.

Хуллас, ҳақиқий ўзбек киносанъати 20-30 йиллардан бошланди. Шаклан миллий, мазмунан социалистик бўлган бу санъатнинг дунёга келиши, оёққа туриб олишида москвалик ва ленинградлик санъаткорларнинг хизмати беқиёсдир. Улар фақат маҳаллий турмуш тарзи асосида фильмлар яратиш билан кифояланиб қолмасдан, бу иш жараёнида миллий кадрларни тарбиялаб, вояга етказдилар. Биринчи ўзбек режиссёрлари ва сценарийчилари, оператор ва актёрлари — Комил Ёрматов, Раҳим Пирмухамедов, С. Хўжаев, Э. Ҳамроев, Р. Тўраҳўжаевлар, М. Доронин, Н. Клодо, К. Гершель, М. Авербах, О. Фрелих каби устозларнинг фильмларини сабоқ олиб, аста мустақил ишларга қўл урдилар. Кўплаб ёшлар Москвага, малака оширишга юборилди. Улардан бири Йўлдош Аъзамов эди, ҳозир у СССР халқ артистидир.

Бизнинг биринчи овозли картинамиз «Қасам» фильми бўлиб, уни режиссёр А. Усољцев-Гарш ўзбек касбдошлари билан биргаликда суратга олган эди. Сўнг сеvimли адибимиз Комил Яшиннинг ажойиб сценарийси асосида «Асал» фильми яратилди. Ундаги бош ролни таниқли санъаткоримиз Ҳалима Носирова ўйнади, бу унинг кинодаги илк қадами эди. Изланиш, ўрганиш давом этди. Шундай интилишларнинг самараси ўлароқ «Насриддин Бухорода» фильми, Наби Ғаниевнинг «Тоҳир ва Зухра», Комил Ёрматовнинг «Алишер Навоий» картиналари вужудга келди ва халқимизнинг киносанъатдаги нодир мулкига айланиб қолди.

Бизнинг киносанъатимиз ривожига етакчи рус кино арбоблари, қардош республикаларнинг кино усталари яратган «Ленин Октябрда» (М. Ромм), «Балтика депутати» (А. Зархи), «Биз Кронштатданмиз» (Е. Дзиган), «Милтиқли киши» (С. Юткевич) каби қатор фильмларнинг ижобий таъсири катта ўрин тутди, албатта.

Натижада, бизда ҳам киночиликнинг ижодий методи тақомиллаша борди. Янги қаҳрамонлар — меҳнат кишилари етакчи ўрин тутди бошлади. Халқнинг бунёдкорлик қудрати билан дунёнинг ўзгаришини, гўзаллашувини акс эттириш янги мавзу бўлиб қолди. Бу янгилик киносанъатининг ҳамма жанр ва турларида акс этди. Биз барчамиз янги даврнинг улуғвор таъсирини, ўзига ҳослигини ҳис этдик ва ижодимизда замон билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилдик. Замон ҳар биримизни санъатда ижодкор шахс сифатида тезроқ шаклланишимизни талаб қилди.

Киносанъатимизнинг интернационалистик ва инсонпарварлик руҳи ҳақида гап кетганда, кўпчилик Шуҳрат Аббосовнинг «Сен етим эмассан» фильмини тилга олади. Маълумки, бу фильм Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида турли миллат вакиллари бўлган 14 нафар болани тарбиялаган темирчи Шоаҳмад ака ва унинг рафиқаси Баҳрихон опа жасоратига бағишланган. Яқинда эса Тошкентда, В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари Дўстлиги саройи қошида ажойиб мемориал ёдгорлик қад кўтарди. Шуниси фахрлики, бу фақат меҳрибон инсонлар — Баҳрихон опа ва Шоаҳмад Шоаҳмадовларгагина эмас, балки мазкур фильм қаҳрамонларига ҳам қўйилган ҳайкалдир. Бу ҳаёт билан санъат муштараклигининг бемисол тимсолидир.

«Ленинградликлар — менинг жигарбандларим» картинаси ҳам мавзу жиҳатидан кўп миллатли халқимиз жасоратини кўрсатиш борасидаги улуғ ишнинг давоми бўлди.

Шу ўринда Германия Федератив Республикасидан келган кинорежиссёр Моника Маурернинг куйидаги сўзларини келтириб ўтиш жоиздир: «Бу ёдгорлик — интернационализмнинг ҳайратбахш ва ўлмас рамзидир. Мен Исроил тажовузкорлари томонидан топталган Ливан тупроғидаги фаластин аёллари ва болаларининг азоб-укубатларини кўрдим. Шунинг учун ҳам тошкентлик оддий темирчининг хайрли иши, «Ленинградликлар — гамжур лигари жигарбандларим» фильми қахрамонларини ўз панохига олган одамларнинг фанхўрлиги, илиқ меҳри менинг дилимга яқин ва азиздир. Бу жаҳоннинг ҳамма халқлари учун юксак даражадаги сабоқ ва ибратдир. Урушнинг, инсонга ва инсониятга қарши қилинадиган ҳар қандай жиноятнинг йўлини тўсмоқ учун нима лозим бўлса, ҳаммасини амалга оширмоқ керак!»

Уйлайманки, бу сўзларни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Мен ҳозирга қадар 250 дан ортиқ фильмни суратга олдим. Шундан 13 таси тўла метражли фильмлардир. Уларнинг ҳаммасини ҳам кўнгилдагидек чиққан дея олмайман, албатта. Бу тушунарли бўлса керак. Лекин уларнинг ҳар бири — тарих ва ҳозирги даврнинг, жонажон республикамиз ҳаётининг бир парчасидир. Улар орасида мени муаллиф сифатида ҳозирга қадар қувонтириб келаётганлари ҳам бор. Шулардан энг қалбимга яқини, сеvimлиси экранда бор-йўғи 5 дақиқага 3 сония давом этадиган «Паранжи» фильмидир. Унда республикамиз тарихи ва ўз ижодий биографиям мухтасар ҳолда акс этгандай туюлади. Бошқача қилиб, айтганда, ундаги ҳар бир кадр фақат меники, уларни турли вақтда ўзим суратга олибман. Ундаги ҳар бир кадр — жаҳолат қурбони бўлган Турсуной ҳам, марғилонлик санъаткор Нурхон ҳам, биринчи бўлиб паранжисини гулханга отган қиз ҳам — тарихий ҳужжатдир. Агар таъбир жоиз бўлса, шунга айтишим керакки, бу картинани йиллар давомида сатрма-сатр битилган шеър янглиғ узоқ вақтда яратганман. Ҳар бир образнинг худди шеърдаги алмаштириб бўлмайдиган сўз каби. Ўз ўрнига тушиши учун ҳаракат қилганман. Бу фильмни яратишдан мақсад, саховатли қуёш масканида туғилган, доимо ёруғликка интилувчи она халқимнинг гўзаллигини куйлаш эди. Шу боисдан томошабинни ногаҳон юз очадиган табиий гўзаллик қаршисида лол қолдирмоқ учун юртимдаги мунис аёлларнинг гулгун чеҳраларини такрор-такрор тасвирга туширдим. Утмишнинг қоронғи, фоживий манзараларига бугуннинг нурафшон жамолини қарама-қарши қўйдим.

Мен «Паранжи» фильмининг Лейпциг кинофестивалида «Олтин кабутар» совринига сазовор бўлганидан хурсандман. Айниқса, унинг кўп ҳорижий мамлакатларнинг киноэкранларида намойиш этилгани мен учун беҳад қувончлидир. Эфиопиялик таниқли ёзувчи Теэфейе Гессесе бу фильм ҳақида шундай дебди: «Бу фильмда аёлнинг ҳаётдаги янги йўли фоят ишонарли кўрсатилган, биз аминмизки, у Эфиопияда социалистик жамяят барпо этишда бизга жуда катта ёрдам беради».

Санъаткор учун бундан ортиқ бахт борми?

Мен юқорида, бу фильм она халқимизни, гўзал аёлларимизни шарафлаш мақсадида яратилган, дедим. Агар мендан: «Сизни бу картинани яратишга ким илҳомлантирган, у кимга бағишланган?» деб сўрасалар, мен биринчилар қаторида теран шоирамиз Зулфияни, машҳур «Баҳор» ансамблини ташкил этган нафис санъат соҳибаси Мукаррама Турғунбоевани, яна неча-неча аёлларимизни тилга олардим.

Бизнинг ғоявий муҳолифларимиз кўпинча социалистик даврида халқлар ўз урф-одатини, миллий қиёфасини йўқотади, деб даъво қиладилар. Агар кўп миллатли киносанъатимизнинг босиб ўтган йўлига кўз ташласак, уни чуқурроқ таҳлил этсак, мутлақо ўзгача ҳолга дуч келамиз. Юқоридаги даъвонинг акси уларо, социалистик халқлар ва элаларнинг ўзига хослигини янада юқори даражага кўтарди, бир халқнинг маданият соҳасидаги ютуқларини бошқа қардош халқларнинг ҳам маънавий мулкига айлантирди. Шубҳасиз, бу жараёнда илгор рус маданиятининг аҳамияти бекиёсдир. Ҳозирги даврда ўзбек киносанъати Ватанимиз сарҳадлардан ташқарида ҳам номларини ҳамма яхши биладиган қатор режиссёр ва актёрлардан эгалиги, кўп фильмларимиз нуфузли жаҳон киноанжуманларида юксак баҳога сазовор бўлаётгани бунинг ёрқин далилидир. Мен фақат Ўзбекистон киносанъати ҳақида гапирётган бўлсам-да, бу хусусиятлар, табиийки, ҳар бир қардош республика учун ҳам хосдир.

Ҳозирги кунда кўп миллатли совет киносанъати қиёфасини ўзига хос ва серқирра истеъдод соҳиблари белгилайди. Биз ҳар бир муваффақиятни, у қайси республика ижод аҳлига мансуб бўлмасин, умумий ютуғимиз деб қабул қилишга ўрганганмиз. Чунки яқиндагина 60 йиллиги кенг нишонланган СССР аталмиш улкан ва ягона оилада ҳамма кўлини қўлга бериб, бир мақсад йўлида меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам С. Гонсаровнинг «Кўл бўйида», «Инсонга муҳаббат», С. Микаэлянининг «Мукофот», С. Бердасарчукнинг «Инсон тақдири», «Улар Ватан учун жанг қилдилар» каби фильмлари, Ю. Озеровнинг «Халоскорлик» киноэпопеяси ёки В. Жалаквичуснинг «Ҳеч ким ўлишни истамасди» номли ижтимоий-психологик трагедияси, Г. Данелиянинг комедиялари ва яна бир неча асарлар умумиттифок миқёсида воқеа бўлди. Турли йилларда яратилган, мутахассислар ва томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган Хўжақул Нарлиевнинг «Келин» (Туркменистон), Эмилия Матякунинг «Лаутарлар» (Молдавия), Тўлмуш Уқевнинг «Оловга таъзим қил», Бўлатбек Шамшиевнинг «Оқ кема» (Қирғизистон), Генрих Малаянининг «Наапет», Фрунзе Давлатяннинг «Салом, бу — мен» (Арманистон), Калье Кийскнинг «Улимнинг баҳосини ўликлардан сўра» (Эстония), Юрий Ильенконинг «Оқ лайлақлар» (Украина), Реваз Чхеидзеннинг «Солдат отаси» (Грузия), Игорь Добролюбовнинг «Иван Макарович» (Белоруссия), Борис Кимёгаровнинг «Сивуш ҳақида афсона» (Тожикистон) каби фильмларини тилга олмасдан ўта олмайман. Булар ҳам, бари бир, совет киноси ҳазинасига дурдона бўлиб қўшилган асарларнинг бир қисми, холос. Шу билан бирга, мен уларни фақат ўз шахсий қарашимдан келиб чиқиб санаб ўтдим. Аёнки, менинг фикрим ҳам маълум

даражада субъективдир. Бу фильмларни яратган ҳар бир санъаткор ўзига хос, бетакрор ижодий услубга эга. Чунки ҳақиқий, бошқаларга ўхшамаган ижодкоргина санъатда сезиларли из қолдира олади. Ижодий жараёнга у ёки бу даражада таъсир кўрсатади.

Лекин бизда ҳар бир миллий кинематография ўзининг умумий бўлган ижодий услубига, умумий қиёфасига ҳам эгадир. Шу сабабли биз украин фильмларини литва картиналаридан ёки молдаван киносанъаткорлари яратган асарни Грузия кинематографияси маҳсулотидан осонгина фарқлай оламиз.

КПСС XXVI съездида маданият соҳасида янги, илҳомбахш тўлқин, ижодий юксалиш пайдо бўлганлиги таъкидланди. Кўп миллилатли совет киносанъати ҳақида сўз юри тар эканмиз, республикамиз кинематографчилари ҳам сўнги йилларда турли кинофестивалларда кўпчилик эътиборига сазовор асарлар яратганликларини эслаш мақсадга мувофиқдир. Гап фақат қўлга киритилган соврин ёки мукофотларда эмас, мақсадга мувофиқдир. Гап фақат ҳазинасига қўшилган ҳисса ҳақидадир. Ҳа, сўнги йилларда бизнинг киночилигимизда «Бутуниттифоқ стандарти»га тенглашиш жараёни кечди. Бу йўлда кекса ва ёш авлод вакиллари бир ёқадан бош чиқариб, ўзаро ҳамкорликда меҳнат қилдилар.

СССР халқ артисти Шуҳрат Аббосов ижоди халқаро ва умумиттифоқ миқёсидаги фестивалларда бир неча бор юқори баҳоланди. Мени иқтидорли санъаткор Али Ҳамроевнинг муваффақиятлари қувонтиради. Латиф Файзиев ижоди ҳам алоҳида эътиборга молик, у билан ҳинд санъаткорларининг сидқидилдан ҳамкорлик қилаётганлари бежиз эмас. Шуҳрат Аббосовнинг «Оловли йўллар», Йўлдош Аъзамовнинг «Узун ва қисқа ҳаёт», Учқун Назаровнинг «Қўқон воқеаси» фильмлари кейинги йилларда яратилган энг яхши асарлардир. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бир неча иқтидорли ёшларни айтиб ўтирмадим. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, юқорида мен номларини тилга олган санъаткорларнинг ҳар бири турли ижодий услубларга эга бўлиб, бир-бирларидан фарқланиб турсалар-да, улар бир дарахтнинг турфа шохларига ўхшайдилар. Зотан, улар ўзбек киносанъатининг намоёндалари саналди, айни вақтда ўзаро алоқадорликда бир-биридан таъсирланиб, тажриба алмашиб, бойиб бораётган кўп миллилатли совет кинематографиясининг вакилларидирлар. Улар ҳам биз, «оталари ва боболари» — Комил Ерматов, Наби Ғаниев, Йўлдош Аъзамов ва бошқалар каби, аввало, улўғ биродарлик ёрдами учун рус кинематографиячиларидан миннатдордирлар.

Бизнинг қардошлигимиз самараси ҳамма нарсада аён кўринади. Бир неча мисол келтираман: латиш киноактрисаси Вин Артмане ўзининг энг яхши чиққан ролини «Ленфильм» киностудиясида суратга олинган «Азиз уй» картинасида деб билади. Озарбайжонлик режиссёр Расим Ужаговнинг «Тергов» ва «Епиқ эшик олдида» фильмлари муваффақият қозонди. Шу фильмларда иштирок этган рус актёрлари А. Колягин ва Р. Нахпетовлар ҳам бу ютуқдан беҳад фахрландилар. Ёки кирғиз режиссёри Бўлатбек Шамшиев «Эрта келган турналар» (Ч. Айтматов асари асосида) фильмини «Ленфильм»да яратган бўлса, Али Ҳамроев ўзининг «Кобулда жазирама ёз» картинасини «Мосфильм» киностудиясида суратга олмоқда. Кўриниб турибдики, бизнинг қардошлигимиз қудрати ҳар бир ижодкор учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Ҳа, бизнинг имкониятларимиз ҳақиқатан ҳам кексидир. Мамлакатимизда 39 студия самарали ишлаб турибди. Ҳар йили 150 та бадиий фильм, телевидение учун 100 га яқин картиналар, юзлаб ҳужжатли, илмий-оммабоп мультфильмлар яратилмоқда. Яқингача ҳам Москва ва Ленинград студияларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган кино маҳсулотидаги ҳиссаси 70 фоизни ташкил этарди. Ҳозир эса жами қарилган кино маҳсулотининг ярми қардош республикаларда ишлаб чиқарилмоқда. Кинематографиянинг моддий базаси кенгаймоқда ва мустаҳкамланиб бораётди. Демак, юқоридаги нисбат янада ўзгариши мумкин. Юқори малакали миллий кадрлар тайёрлаш муаммоси ижобий ҳал этилган. Ҳозир Москва ва Ленинград олий ўқув юртларидан ташқари Киев, Тошкент ва Тбилиси шаҳарларида ҳам кино мутахассислари тарбияланмоқда. Булар ҳам, улўғ қардошлигимизнинг ҳаётбахш ҳосиятидир.

... Мен қўлимда кинокамера билан жаҳоннинг турли бурчакларида бўлдим, оламшўмул воқеалардан четда қолмасликка уриндим, 73 мамлакатни кезиб чиқдим. Қадим Ҳиндистонда, олис Индонезияда, қўшни Афғонистонда, Эрон, Ироқ, Туркия, Финляндия, Мексика, Марокко, Вьетнам, Шри Ланка каби турли мамлакатларда бир қатор фильмларни суратга олдим. Аммо кўпроқ ўз диёрим, пахтакор юртим — жонажон Ўзбекистонни суратга туширдим. Унинг ҳаётидан олинган ҳар бир лавҳа, тарихи-га оид ҳар бир кадр унутилмасдир, уларнинг бари менинг хотирамда абадий яшайди.

Мен жуда кўп давлат арбобларини, машҳур шахсларни экранда акс эттирдим. Жамол Абдул Носир, Хо Ши Мин, Жавахарлал Неру, Лаъл Баҳодир Шастри, Индира Ганди, генерал де Голл, Канада бош вазири Трюдо, Саудия Арабистони қироли Фейсал каби кўплаб таниқли арбоблар билан учрашишга муяссар бўлдим. Лекин ҳар доим кўпроқ ўз меҳнати, манглай тери билан она заминни гуллатаётган, афсонани ҳақиқатга айлантираётган ҳамюртларимни суратга олишга ҳаракат қилдим.

Кино соҳасидаги кўп йиллик фаолиятим давомида неча-неча қаҳрамонларни кадрга туширганим билан, она масканим фахри бўлган одамларнинг барчасини — унинг қўли гул қувувчиларини, уста пахтакорларини, хушзабон шоирларини, фидойи олимларини таниганим, билганим билан бир умр ғурурланаман. Узимни фойт бахтли ҳисоблайман! Ахир менга дostonу афсоналарга арзиғулик бемисл буюк ишларни кўриш nasib этди...

Мендан янги ишга киришимиздан аввал ўз олдимга қандай мақсад қўйишимни тез-тез сўраб туришади. Мен одатда шундай дейман: менинг ягона вазифам — иш

сонни улуғлаш! Биз замондошларимизга уларнинг янада ифодали, собитқадам бўлишларида, ўзларига ишончларини тагин ҳам мустаҳкамлашда кўмаклашишга, уларни муносиб куйлашга, янги ва улкан ишларга илҳомлантиришга даъват этилганмиз.

... Ҳар гал узоқ сафардан ёки киноэкспедициядан Тошкентга қайтар эканман, жонажон шаҳримни буюк қардошлигимизга қўйилган ёдгорликка ўхшатаман. Мен ҳозир у ҳақда фильм яратиш иштиёқида юрибман. 1966 йил 26 апрель zilzilаси Тошкент учун синов бўлди. Бу ерда одамгарчилик, ҳамият ва оқибат, дўстлик ва қардошлик, сабот ва матонат — ҳаммаси имтиҳондан ўтди. Қаттиқ ер ости силкинишлари ўз ишини қилди. Айниқса, Эски шаҳар, Кўкча дарвоза томонлар кўп зарар кўрди. Менинг қадрдон кўчам ҳам...

Афсуски, кинохроника операторлари zilzilанинг биринчи — табиий офат ва буюк жасорат рўй берган кунини суратга ололмаганлар. Мактабга бораётиб, йўлда ҳалок бўлган муаллима ҳам, билим даргоҳи томон ҳеч нимани писанд қилмай чопаётган болалар ленталарда акс этмай қолган. ТошДУнинг химия факультетида ёнғинга қарши ёлғиз ўзи курашган сержант Иван Лазерев ҳали суратга туширилмаган. Айниқса, тез ёрдам машиналарининг тезкорлигини айтмайсизми?

Эртасига, 27 апрель куни «Пахтакор» ва «Динамо» Минск командалари ўртасида футбол матчи ўтказилди. Уйин қизиган пайтда трибуналар чайқалиб кетди. Футболчилар бир он тўхтаб қолдилар-да... яна курашга киришиб кетдилар. Бу қайтарилмас лаҳза ҳам суратга олинмай қолди!

Энг муҳими — тошкентликлар офат қаршисида бош эгмадилар, ўз бурчларини унутмадилар, хушчақчақликни, ҳазил-мутойибани йўқотмадилар. Аксинча, аниқ мақсад йўлида бирлашдилар. Ҳатто ҳазиллашишга ҳам вақт топардилар:

— Қаерга кетяпсиз?

— Эпицентрга!..

Тошкентни бутун мамлакат қайтадан бунёд этди. Янги кўчалар қардош республикалар ва шаҳарлар номи билан аталди. Мен бундай қардошликни, одамларнинг бундай метин билригини фақат Улуғ Ватан уруши йилларида кўрган эдим! Кейин Тошкентда кўрдим!..

1966 йилнинг 7 ноябрь куни Тошкентдаги сўнги чодир йиғиштириб олинди. Эйтибор қилинг, май ойида уларнинг сони 1400 та эди. Ҳамшаҳарларимиз қиш фаслига янги уйларга жойлашиб, хотиржам кириб бордилар. Гўё чорасиз муаммога чора топилди. Барча қардош республикалардан, Москва ва Ленинграддан келган 22 мингдан зиёд инженер ва қурувчилар шаҳарга қайтадан боқийлик ато этдилар. Қисқа давр ичида қайта туғилган, янада гўзал Тошкент қад кўтарди. Биз эса бу жасорат, бу муҳаббат ва бу оқибат ҳақида, унинг соҳиби бўлган инсон ҳақида фильм яратдик.

Инсон! У нақадар гўзал, нечоғли қодир! Мен қаерда бўлмай, кинематографчилик тақдирим қаерларга элтмасин, дунёда янги Инсоннинг туғилиши, камолоти ҳақида экран орқали қандай масъулиятли иш, нақадар улкан бахт эканлиги тўғрисида ўйга толаман. Янги замоннинг янги қаҳрамони ҳақида хаёлга чўмаман. Унинг сиймосини ҳатто даҳо санъаткор ҳам бир ўзи яратолмайди. Фақат бутун куч ва имкониётларини бир нўқтага жамлаган бизнинг кинематографиямизгина бу буюк ишнинг амалга ошириши мумкин. Унинг замини, тасвир объекти эса бизнинг — совет кишиларининг серқирра, ёрқин ҳаётимиз, социалистик турмуш тарзимиздир.

Дадахон Нурий,
Амир Файзуллаев

НАФОСАТ БЎСТОНИ БУ...

Абдурахмон ҳожи тендошлари орасида ўзининг маърифатпарварлиги, илмфанга қизиқувчанлиги билан ажралиб турарди. Чунки у кўп юртларда бўлган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, мушоҳадаси кенг одам эди. Унинг катта бойлиги — шахсий кутубхонаси ҳисобланар, унда Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Миср, Шом, Юнон, Индонезия, Италия каби қатор мамлакатлардан олиб қайтган нодир китоблари сақланар эди.

Ҳали ўн ёшга тўлиб-тўлмаган кенжа ўғил Чингиз бутун борлиғи билан мана шу китобларга боғланиб қолди. Унинг учун ҳар бир кулличёт, ҳар бир девон икки тарафлама қиммат касб этар, бири — ундаги сатрларга яширинган фикр дурдоналари бўлса, иккинчиси — камалак рангида товланиб турган нақши нигорлар нафосати эди. Зийрак, тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб туровчи Чингиздаги дунёвий илмга бўлган фавқулодда ташналикни сезган ота умр бўйи йиғиб юрган китоблар хазинасини унга мерос қолдирди.

Йиллар ўтди. Уқиш-ўрганиш Чингизнинг кўз олдида янги бир олам — гўзаллик оламини очиб юборди. Шунинг иштиёқида у қўлига мўйқалам олди.

Тақдир тақозосини кўрингки, узоқ Троицк шаҳрида туғилган ўсмир Чингизни ҳаёт тўлқинлари қадимий санъат ва маданият маскани Самарқандга келтириб ташла-

ди. Улуғвор кошнлару осмонўпар миноралар, кўзни олувчи куббалару минг хил жидоларда товланиб турган сеҳрли нақшлар Чингизни бутунлай ўзига ром қилиб қўйди. Унинг кўз олдиди яна бир ўзгача олам — олдин кўрган, тасаввур қилганларидан юз чандон ёрқинроқ, мафтункорроқ ранглар жилваланиб кетди. Ижодий изланишлар жараёнида юрган ёш мусаввир ҳаётида янги бир саҳифа очилди. Чингизнинг Шарқ миниатюрачи рассоamlари услубига эргашиб чизган суратлари тез орада оғизга тушди.

Улкан мўйқалмак устаси Н. И. Бенков раҳбарлик қилган «Тасвирий санъат фабрикаси»га кириб таълим олиш эса умидли рассом ижодида асосий босқич бўлди. У мана шу ердан катта санъат даргоҳига қадам қўйди. Москвада Суриков номидаги бадиий институтда академик Игорь Грабарь қўлида тасвирий санъат сирларини чуқурроқ ўргана бошлади. Аммо, орадан кўп ўтмай, Улуғ Ватан уруши бошларини қолди. Институт Самарқандга кўчирилиб, Чингиз ўқишни шу ерда давом эттирди. Уша пайтда бу кўхна шаҳарга совет тасвирий санъатининг етуқ намоёндаларидан В. Фаворский, С. Герасимов, Д. Моор, В. Касиян, М. Шемякин каби рассомлар кўчиб келишган эди. Улар «Бутун куч ғалаба учун» деган шиор остида ўз ижодлари тигини душманга қарши қаратдилар. Чингиз Аҳмаров ижоди ҳам мана шу пайтда ҳарбий ватанпарварлик руҳи билан йўрилган янги босқичга ўтди. У фашист босқинчиларини лаънатловчи, халқни муқаррар ғалаба сари ундовчи қатор деворий суратлар, жанговар плакатлар чизди. Айниқса, рассомнинг 1942 йили, институтни битириш арафасида яратган «Ўзбекистон қилчи» номли триптихи бу давр ижодида алоҳида ўрин тутди.

Бу пайтда Чингиз Аҳмаров ўзбек тасвирий санъатига янги кириб келган ёш, моҳир рассом сифатида кўпчиликка танилиб қолганди. У тинимсиз ижод қилиш билан бирга рассомлик сирларини янада чуқурроқ ўрганиш учун аспирантурада ўқиди.

Ғалабадан кейин пойтахтимиз Тошкент марказида қад кўтарган улкан санъат кошоноси — Алишер Навоий номи опера ва балет театрининг ички залларини деворий суратлар билан безаш вазифаси турарди. Тасвирий санъатнинг ўта билимдон академик А. Шчусев Чингиз Аҳмаровни ўз ҳузурига қақиради. «Бу вазифани фақат сизгина уддалай olasиз», дейди. Ҳақиқатан ҳам, бош меъмор адашмаган эди. Рассомнинг улкан кошомага безак сифатида чизган деворий суратлари минг-минглаб томошабинларнинг таҳсинига сазовор бўлди. Чингиз Аҳмаров бу ишлари учун биринчи даражали СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Чингиз ака улкан мусаввиргина эмас, мушоҳадаси, билим доираси кенг, диди баланд олим ҳамдир. У киши фан кандидати, сўнгра профессор олим сифатида ўзбек санъатшунослигига оид қатор қизиқарли илмий ишлар қилди.

Чингиз Аҳмаров чизган суратлари бир бор кўриш билан кифояланиб бўлмайди. Рассомнинг ҳар бир асариди (айниқса, деворий монументал ишларида) бир-бири билан боғлиқ катта тарихий воқеалар силсиласи ётади. Диққат билан қарасангиз, худди қизиқарли китоб ўқигандай бўласиз.

Шу ўринда Чингиз аканинг кенг ҳажмли ўнлаб монументал ишларидан бири тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

... Самарқанд. Улуғбек расадхонасининг улуғвор обидаси. Оби раҳмат. Гавжум гузар. Бир ёнда машҳур меъмор Абдулла Бобохонов бунёд этган чойхона-ресторан. Унга рамзий маънода «Юлдуз» номи берилган. Агар бу ном билан аталиш сабабини билишни истасангиз, ичкарига кириб боринг. Шунда дунёнинг турли бурчакларидан Самарқандга оқиб келувчи хорижий меҳмонларга ажратилган зиёфат зали қаршисидан чиқасиз. Унинг шарқий ва жанубий деворларида қадимий шаҳарнинг бундан роса олти юз йил аввалги манзараси кўз олдингизда намоён бўлади: Улуғбек саройида базм. Буюк олим ва шаҳаншоҳ тахтада ўтириб куй тингламоқда. Унинг икки ёнида етти гўзал саф торган. Уларнинг ичида энг чиройли ва моҳирининг исми — Юлдуз... Улуғбек ўртада чарх уриб ўйнаётган раққоса санъатига зимдан офаринлар ўқияпти. Базмга сарой аъёнларидан ташқари жуда кўп ўзга юртлардан келган элчилар, адабиёт ва санъат арбоблари, замоннинг таниқли олиму уламолари ҳам таклиф этилган. Улар шохдан куйироқда ўтириб ўз мушоҳадаларини, ўй-фикрларини бир-бирларига нозик имо-ишора орқали изҳор қилмоқдалар... Ана, сарой ташқарисида бир кампир товок, дастурхон кўтариб олган элларни бошлаб келяпти. Бир бола девор панасига яшириниб турган ошиқ йигитнинг севги мактубини маъшуқа Раънога тутаяпти. Қизнинг исмини биз мактубдаги ёзувдан биламиз. Нақадар гўзал ва нозик бир вазият акс этирилган... Бериоқда тошлар орасидан чашма суви отилиб чиқаяпти: Бир тўп хотин-халаж кўзаларини сувга тўлдиришмоқда. Четроқда турган соҳибжамол қиз саройдан таралаётган мусиқа овозини эшитиб, хаёлга толган... Томда болалар варрак учиршляпти. Демак, айна баҳор пайти. Кўм-кўк либосга бурканган сарв ва чинор дарахтларининг шохлари шабадада аста чайқалиб турибди...

Улуғбек даврига оид бу тарихий-тасвирий лавҳани мусаввирнинг шоҳ асарларидан бири десак бўлади. Ҳар бир рангин қизиқдан, гўё, қандайдир кўзга кўринмас қувват ўтиб турибди: мужассам бир мавзунни акс эттирган барча лавҳалар ҳалиги қувват ёрдамида бир-бирига бирикиб ва айна вақтда ажралиб турганга ўхшайди. Ана шу яширин қувват ошкор бўлади-да, томошабинни ўзига осонгина асир қилади-қўяди. Бу эса, Чингиз аканинг «Шарқ Рафазли» — Беҳзоддан сўнг монументал тасвирий санъат оламида ҳеч кимга «тутқич бермай» келаётган ажойиб маҳоратни қўлга киритганига далолатдир.

Чингиз ака қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг ўтмиши, бугуни ҳақида бизга тўла тасаввур бера оладиган юзлаб асарлар яратди. Йиллар оша унинг устахонасида нафосат бўстони юзага келди. Бўстонга оро берган пурвиқор, пурҳикмат донишмандлардан Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Нодира, Умар Хайём, Лутфий, Саккокий, Паҳлавон Маҳмуд, Улуғбек, Али Қўшчи, Жомий, Навоий ва Беҳзодларнинг

табаррук сиймолари табассум ила боқиб турибди. Устахонанинг яна бир бўстонида бизга замондош бўлган Мая Плисецкая, Зулфия, Ҳалима Носирова, Гулчеҳра Нуруллаева, Қизлархон Дўстмухамедова сингари қатор санъат ва адабиёт намояндалари-мизнинг сиймолари бор.

Чингиз ака тасвирлаган бирор образ йўқки, томошабин қалбидан ўрин олмаган бўлсин. Юзлари тўлин ойдек порлаб турган қиз суратига боқар экансиз, дастлаб унинг гўзал чеҳрасидан кўзингиз қувонса, бир оздан сўнг бу қувонч ўрнини ўйчанлик, маъюслик эгаллайди. Гўё соҳибжамол сиймоси қандайдир аччиқ ҳақиқатни томошабин нигоҳидан яшириб тургандек! Бу аччиқ ҳақиқат нима ўзи? Саволимизга ўйчан соҳибжамоллар сиймосидан жавоб қидирамиз. Бу тасвирларда биз, аввало, ҳаётнинг энг кўркам фасли — баҳорни англаймиз. Биламизки, фасллар алмашиб, баҳор ўрнини қиш эгаллайди. Мана аччиқ ҳақиқат! Аммо бу ҳақиқат томошабини тушқунликка туширмайди, аксинча, тушқун кўнгилларга куч, мадад бағишлайди.

Чингиз аканинг дилларга сурур бағишловчи нафис суратлари замиридаги аччиқ ҳақиқат бобомиз Алишер Навоийнинг қуйидаги байти билан нақадар ҳамоҳанг:

**Баҳор эл гулга мойил, бағрима юз хор ҳар соат,
Этиб ҳар хоридин кўнглима минг озор ҳар соат.**

Бир куни шогирдлардан бири: «Чингиз ака, сизга фақат баҳор илҳом берадими, ё бошқа сабаблар ҳам борми?» деб сўраганда, мусаввир узоқ вақт жавоб бермади. Устознинг ҳозиржавоблигига ўрганган шогирд фавқуллода бу ҳолдан ноқулай аҳволда қолди. Анчадан кейин устоз хазин овозда шундай деди:

— Ана, кўр, менинг бир умрлик илҳомим! Мен уни айни баҳор чоғида, унинг умри баҳорида, менинг умрим баҳорида йўқотганман. Қидираману тополмайман. Лекин ҳамон қидиришни қўймайман...

Шогирд устоз имо қилган томонга қаради. Қаршидаги тахта устига сўяб қўйилган мўъжазгина чорўп ичидан Шамсируй Ҳасанованинг оддий қаламда ишланган сиймоси ўйчан боқиб турарди. Нечоғли вафою садоқат, нечоғли оғир жудолик!

Ҳа, пок севгидан пок орзулар туғилади. Пок орзулар кишини ҳамisha юксакликка чорлайди. Юксакликда қуёш бор. Қуёшнинг ҳарорати бор. Инсон қалби қуёшнинг ердаги кичик бир парчаси. Қуёш сингари у ҳам дунёнинг кичик бир қисмини ўз ҳарорати билан иситишга қодир. Унинг ҳарорати севгидир. У бахт бўлиб одамни юксак зўқиқлар сари чорлайди. Устоз Чингиз Аҳмаровнинг бахти ҳам мана шунда.

Чингиз ака дилида адабиётга, санъат ва маданиятга ҳаваси ва ҳурмати бўлган ҳар қандай одамни бошига кўтаришга тайёр. Унинг хонадонидан ёзувчи, шоир, санъаткор, олим, илҳосмандларнинг қадами узилмайди. Устознинг ҳар доим, ҳар қачон ҳам эшик қоқиб келган кишига кучоғи очиқ, бағри кенг. Меҳмон даставвал бир оз тортиниб туриши мумкин. Кейин бу хонадонга «озгина вақтга» келганини унутиб, алламаҳалгача қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Чунки уй соҳиби ўз меҳмонини зўй ўтмай повенсиз санъат оламига олиб кириб қўяди. Сўхбат соз, сўхбатдош зукко бўлса, кўнгил чароғон, хонадон нурафшон бўлади. Чингиз ака хонадонини нурафшон қилиб турган бу сўхбати соз лаҳзаларнинг саноғи чексиз.

... Мана, ниҳоят, узлуқсиз ижодий соатлардан сўнг, устоз мусаввир бирпас эркин ҳаёлларга берилиб, тин олаётир. Шунда беихтиёр унинг вужудини сурур қамрайди. Бу не сурур? Меҳнат суруримиз, ё умр суруримиз? Унисиз ҳам, бунисиз ҳам!

Чингиз ака ўз умрининг бирор дақиқаси ижоддан холи ўтганини эслай олмайди. Ешлиқдан одати шундай.

Тилга тушган «Ўзбекистон қиличи» деб номланган асаридан тортиб, унинг шу кунгача — қарийб қирқ йил давомида яратган асарларини санаб, саноғига етиш қийин. Улар мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги ўнлаб музейларга қўйилган бўлиб, томошабиларга олам-олам шавқ-завқ ҳада этмоқда.

Расмоннинг монументал деворий суратлари Москва метросига, қардош республикаларнинг қатор санъат кошоналари-ю, Ўзбекистонимизнинг бир неча маъмурий биноларига гўзаллик ва нафосат бахш этиб турибди.

Айниқса, Сочидаги «Ўзбекистон» санаторийси залига ишланган «Фасллар» триптихи, буюк юртдошимиз Ибн Сино туғилган Бухородаги Афсона қишлоғига қурилган қатор замонавий бинолар ичига қизилган суратлари кишини лол қолдиради.

Шу кунларда Чингиз ака зиммасига Тошкент метрополитенининг Навоий станциясини безаш ишлари юкланган. Бизни яна Навоий гулшанига олиб кирувчи ўнлаб деворий суратлар ниҳоясига етказилмоқда. Шогирдларнинг қўли-қўлга тегмайди.

Устоз яна наватдаги ижодий режалар билан банд. Унлаб қораламалар устида ишламоқда. Бу ўзбек халқининг олис ўтмишдаги ҳаётини акс эттирувчи ғоят улкан паннонинг дастлабки чизмалари. Демак, яна бир асар туғилмоқда...

Ҳа, монийсифат тасвир устаси, СССР Давлат мукофоти ҳамда Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ рассоми профессор Чингиз Аҳмаров ҳамон ижод бўстонида кезмоқда.

Яқинда партия ва ҳукуматимиз устоз мусаввирнинг табаррук етмиш ёши муносабати билан ҳамда совет тасвирий санъати ривожига қўшган улкан ҳиссасини юқори баҳолаб, уни Халқлар Дўстлиги ордени билан тақдирлади.

Кўпчилик санъат илҳосмандлари қатори биз ҳам таниқли монументалист рассом, ажойиб инсон, ёшларнинг меҳрибон мураббийси Чингиз ака Аҳмаровни табаррук етмиш ёши ва бу улкан мукофот билан чин қалбдан табриклаймиз.

Мўйқалам тутган қўлингиз асло толмасин!



Азиз Қаюмов,

Филология фанлари доктори

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБИР¹

[Машҳур шоир ҳаёти ва ижоди тўғрисида айрим лавҳалар]

Шеърлар девони

1525 йили Заҳириддин Муҳаммад Бобир қирқ икки ёшда эди. У — ҳаётий тажрибага бой инсон. Жанговарликда маҳорат касб этган ҳарбий арбоб, сиёсатда ўткир ҳукмрон эди. Унинг шоирлик ва олимлик қобилияти ҳам камол топган. Ана шу пайтда Бобир ўз шеърларни йиғиб девон (шеърлар тўплами) тузди. Уша йили Ҳофиз Миркотиб деган кишининг оға-иниси Самарқанддан Кобилга, Бобир хузурига келдилар. Қайтишларида улар орқали Бобир Самарқанд ҳукмрони Пўлот султонга ўз девонининг бир нусхасини юборди. Бу девоннинг охирига Пўлотхонга бағишлаб бир қитъа ёзиб қўшиб қўйди. Бу қуйидаги қитъадир:

**Ул сарвнинг ҳарамига гар етсанг, эй сабо,
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.
Раҳм айлабон соғинмади Бобирни, бор умид.
Солғой худой раҳмини фўлод кўнглига.**

Бу қитъада шоир Самарқандни, унинг одамларини соғинганини ёзади; Бобирни соғинмаган, кўнгли пўлатдек қаттиқ одамлар бари бир Бобирни эсларлар деб умид қилади. Пўлот сўзи («фўлод») Самарқанд ҳукмронининг оти бўлганидан, шоир лутф тушириб, фўлоднинг кўнглига раҳм келиши тўғрисидаги истагини ҳам изҳор этади.

Бобир шеърларининг бир девонга жам қилингани тўғрисида «Бобурийя» («Бобирнома»)ни кўчирган котиб («мусаввиди авроқ» — «варақларни қора қилувчи») ҳам хабар берган.

Бобирнинг шеърий мероси кўп эмас. Бобир шеърлятида ғазаллар ва рубойлар асосий ўринни эгаллайди. Яна бир неча маснавийлар, туюқ, қитъа, фард, ва муаммо-лар ҳам бор. Бобир шеърларининг асосий кўпчилиги эски ўзбек (туркий) тилида ёзилган. Яна Бобирнинг форс ва ўрду тилида ёзилган шеърлари ҳам бор.

Бобир шеърларининг мавзуи ранг-баранг. Севгили ёр таъсифи, муҳаббат дардлари, айрилиқ изтироблари ва висол севинчлари, севгида садоқат, вафодорлик ва фидокорлик Бобир лирикасида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Аммо Бобир шеърлятида ВАТАН мавзуи бош ўрин тутати. Лирик қахрамон Ватандан мангу жудоликнинг оғир азобларини тартади. Унинг ҳасрат ва фиғонларида она ер соғинчи, унга талпиниб интилишлар, Ватанга етиша олмай чекаётган изтиробларнинг акс садоси эшитилиб туради. Шоир ўз она юртини қолдириб кетишга мажбур бўлганидан қаттиқ куйинади, буни толе йўқлиги, юзи қаролик деб талқин қилади.

**Толёь йўқи жонимга балолик бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолик бўлди.**

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

**Уз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ераб, нетайин, не юз қаролиқ бўлди.**

Тақдир ва шароит ҳукми қатъий. Одамнинг шахсий интилишлари ҳаётнинг қатъияти олдидан ожиз. Шунинг учун ёру диёрдан айрилган лирик қаҳрамон қанчалик куйиб-ёнмасин, ўз қисматига бўйсунмай иложи йўқ.

**Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаи бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,
Лекин кетаримда ихтиёрим йўқтур.**

Бобир ўз она ери Фарғона ва Мовароуннаҳрни ташлаб, Кобил ва Ҳинд сари йўл олганида, у ерларда муттасил қолмоқни кўзда тутмаган эди. У охири, албатта, ўз Ватанига қайтмоғига ишонган.

**Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лоим эрмасмен.
Кобилда иқомат этди Бобир, дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқийм эрмасмен.**

Лекин ҳаёт ҳукми ўзгача бўлди. Бобир Кобилдагина эмас, балки Ватанидан янада йироқроқ Ҳинд элида, Огра шаҳрида дунёдан ўтди. Уни Ограда ерга топширдилар. Кейинчалик, Бобирнинг васиятига кўра, унинг ҳоқини Оградан Кобилга келтириб қайта дафн этдилар. Ҳарҳолда Кобил Ограга қараганда Фарғона ва Самарқандга яқинроқ. Ҳозир Бобир оромгоҳи ўрнашган жой Кобил шаҳрининг энг обод ва кўркам еридир. Уни «Боғи Бобирий» деб атайдилар. Кобил халқи бу боғни зиёратгоҳ ва истироҳатгоҳга айлантириб юборган.

Бобир ҳаётни, гўзаллиқни севар, уни ниҳоятда қадрлар эди. Ёр гўзаллиги, севгувчи қалбга бой туйғулар бағишловчи маҳбубанинг гўзал хатти-ҳаракати, козу жилвалари, унинг ошиқ кўнглига етказган шодлик ва озорлари, нимаики гўзаллик ва севги билан боғлиқ бўлса, шуларнинг ҳаммаси Бобир шеърларида ўзининг латиф тасвирини топган. Бу шеърларнинг лирик қаҳрамони фидокор ошиқ. У ўз севгисига ҳаммиша барқарор. Бу севгида қандай оғир дардларга мубтало бўлмасин, у тоқат қилади, чидайдди, ёр марҳаматига умид қилади, шу марҳаматни орзиқиб кутади.

**Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларуҳ, бу чехраи зардим.**

Ушбу байтда ошиқнинг айрилиқ азобларини чека-чека хазон барги сингари сарғайиб кетган чехраси лоларуҳ маҳбубанинг оташин руҳсориға зид қўйилган. Хазон бўлган барг оёқ остида ётади. Бу барг тупроқда ётганича бошини юқори кўтарган, мағрур маҳбубанинг қадами бошимга тегармикан деб интизор. Шу саодатни маҳбубдан ёлвориб илтижо қилади, аммо шунга етиша олмай доғда қолаверади:

**Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарадек ҳаргиз,
Оёғингга тушуб барги хазондек қанча ялбардим.**

Ушанда ҳам садоқатли ошиқ ўз севгилисидан хафа бўлмайди, унга шоду хуррамлик тилайди:

**Латофат гулшанида гул каби сен шоду хуррам қол,
Мен арча даҳр боғидин хазон япроғидек бордим.**

Эндиги мисраларда шоир лирик қаҳрамоннинг кундалик турмушдаги аҳволини тасвирлайди. Унинг аянч аҳволи нафрат кўзгатгудек, аммо севгувчи қалб кишиларнинг бундай муносабатига бепарво, аксинча, улуснинг ундан юз ўйрганларига шуқр қилади:

**Хазондек қон ёшим, сориғ юзимдин эл танафурда,
Баҳар ранги, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни қутқардим.**

Бу ғазалнинг якунловчи байтлари катта ҳаётий умумлашмаларга эга. Унда лирик қаҳрамон ўзининг бебахтлигидан шикоят қилади; осмон варақларини қанчалар титкиламасин, бахт юлдузини топа олмаганидан нолийди:

**Не толёдур мангаким, ахтари бахтим топилмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардин ахтардим.**

Шеър лирик қаҳрамоннинг турмуш зарбаларига чидади, унинг эл таъна ва таърифиға бефарқ экани, турмушнинг кўп синовларидан ўтиб, ана шундай фазилатларни касб этганининг эътирофи билан тугалланади.

**Улуснинг таъну таърифи манга, Бобир, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ёмон яхшидан ўткирдим.**

Шундай қилиб, олти байтда шоир ҳам севги изтироблари, ёр бепарволиги, ошиқ садоқати ҳам турмушнинг барча аччиқ-чучукларига муносабатини билдиради, ишқ ва ҳаёт дарсидан таълим беради. Бу ғазалнинг ҳажми қисқа, ифода услуби содда, мисралари раvon, баён этилган туйғулар ўз ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги ила жозибали.

Ана шундай ҳол Бобир шеърларига хос хусусиятлардир. Бу шоирнинг шеърий мактубларида ҳам кўзга ташланиб туради.

Ошиқ ўз севгилисига сабо орқали паём — хабар йўллайди. Унда севгувчи қалб-

нинг ўз маҳбубаси сари интилишлари, уни зориқиб соғингани, ёрнинг бепарволигидан гинахонлик шоирона тасвирини топган.

Сабо, ул гул ҳаримиға гузар қил,
Менинг холимдин ул гулға хабар қил.
Саломим етуур ул оромижонға,
Яна мундоқ дегил ул дилсонтоға:
Юзунгни кўрсатиб кўнглумни олдинг,
Олиб кўнглумни кўздин мени солдинг.
Дегил, дилдорлик мундоқ бўлурму?
Тариқи ёрлик мундоқ бўлурму!
Сени мундоқ тасаввур қилмас эрдим,
Бу янглиғ раҳмсиз ҳам билмас эрдим.

Сени деб барча оламдин кечибмен,
Рафиқу ёру ҳамдамдин кечибмен.
Замоне қилмадим сендин фароғат,
Вале бордур сенга мендин фароғат.
Мени аввал ўзунга ҳамдам эттинг,
Яна билмам, нега номаҳрам эттинг...
Сени севмаслигини жазм этурмен,
Бош олиб ўзга бир сори кетурмен.
Агар ботроқ юбормассен жавобим,
Бу хатдин ортуқ улур печу тобим.

Бошқа шеъринг мактубларда ҳам лирик қаҳрамон кечинмалари гўзал ва раво ифода этилади. Бобирнинг шеъринг мактублари чин инсоний муҳаббатнинг ёлқинли ҳаяжонларини ифодаловчи муҳаббатномалардир.

Бобир кўп шеърларини бевосита кундалик турмуш воқеаларининг таъсири остида ёзган. Бунинг баъзи мисоллари юқорида келтириб ўтилди. У мисоллар «Бобирнома»даги Бобирнинг ўз ҳикояларидан олинган. Шунинг учун мутлақо ишонарлидир. Бу шеърлар Бобир ижоди тарихини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифа ҳали ўз ижрочисини кутмоқда.

Бобирнинг шеъринг ижоди XVI аср эски ўзбек (туркий) тилида яратилган шеъринг ёрқин намунаси. У ўзбек адабий тилининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу жиҳатдан Бобир ўзбек тилидаги дунёвий адабиёт, адабий тилнинг шаклланиши ва ривож топишига салмоқли ҳисса қўшган шоир, шеърятда улуғ Навоий яратган анъаналарнинг давомчиси бўлган ижодкор сифатида танилгандир.

Бобир лирикаси, унинг ғоявий-бадий хусусиятлари, адабий тили, образлар системаси, уларнинг бадий талқини алоҳида тадқиқот мавзулари бўлмоғи керак.

Ноўрин ҳазил

Тўққиз юз ўттиз йил сафар ойнанинг ғурраси. Жумъа. (1525 йил, 17 ноябрь).

Бобир ўз қўшини билан Ҳиндистон сари йўл олган пайт. Қўшин дарё соҳили бўйлаб боради. Бобир ўз яқинлари билан гоҳо қирғоқда, гоҳо дарёда — кемада боради.

Ҳаво очиқ. Дарё шамоли ғир-ғир эсади. Кенг дарё текис ва жим оқади. Кема қирғоққа яқин ерда оҳида сузади. Бобир ва унинг гуруҳи кема ўртасида, гиламлар тўшалиб, кўрпачалар солинган шинам бир жойда суҳбат кўрмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги таъби назми бор кишилар. Айниқса Шайх Абдул Воҳид, Шайх Зайн, Мулло Алихон, Турдибек Ҳоксор бадиҳа (тўсатдан, олдин тайёргарлик кўрмасдан) шеър айтмоққа моҳирдирлар. Шеърхонлик бошланиб кетди. Утирганлардан бири Муҳаммад Солиҳнинг бир байтини ўқиди:

**Жоки, бу боший дигареро чи кунад кас,
Маҳбубийи ҳар ишвагареро чи кунад кас.**

(Ҳар бир ноз-карашмачини не қилсин киши; сен бўлган жойда бошқани нима қилсин киши. П. Шамсиев ва С. Мирзаев таржимаси.) Шу байтга ўхшатма қилиб шеър аytув бошланди. Ҳар ким ўз билганича шу қофия, шу вазнда бир байт айтар эди. Ҳазил-мутойибали байтлар ҳам айтилди. Бобир ўзининг доимий ҳазилкаши Мулло Алихонга атаб бир кулгили байт тўқиди:

**Моманди ту мадҳушу кареро чи кунад кас,
Ҳар говкуну мода хареро чи кунад кас.**

(Сенга ўхшаш ҳушсиз карни нима қилсин киши. Ҳар бир ҳўкизга ўхшаган урғочи эшакни нима қилсин киши. П. Шамсиев ва С. Мирзаев таржимаси).

Бобир илгарй ўзининг ҳар бир ёзган шеърини, хоҳ жиддий хоҳ ҳазиломуз бўлсин, кўчириб ёзиб, сақлаб қўйгувчи эди. «Мубайян» асарини ёзаётган вақтида маза-бемаза шеър айтмоқнинг даркор эмаслиги Бобирнинг кўнглидан ўтди. У ўзича ўйлади: «Ҳайф бўлғай ул тилдинким, мундоқ алфозни (сўзларни) дарж қилғай, яна фикрини қабих сўзларга харж қилғай: ва дариг бўлғай ул кўнглдинкин, мундоқ маоний зухур этгай (маънолар кўрсатгай), яна зишт (хунук) хаёллар анда хутур этгай (пайдо бўлғай)». Шундан буён ҳажв ва ҳазил шеърга Бобирнинг майли бўлмас ва мундоқ шеърлар айтмоқдан ўзини тийган эди. Аммо ҳозир кемадаги шеърхонлик ҳазил-мутойиба йўлига ўтиб кетгач, ўз аҳди хотиридан кўтарилиб, ҳалиги байтини айтиб юборди.

Бобир айтган байт кулгига сабаб бўлди. Утирганлар ичидаги нозик дидли кишилар одоб юзасидан жимлайиб қўя қолдилар. Баъзилар эса хушомад учун қойил қолгандай бўлиб қотиб-қотиб кулар эдилар. Бундай кулгининг ясама эканини пайқаб олмоқ қийин эмас. Аммо чоғир ва хуш кайфият буни пардалаган эди. Ҳамсуҳбатларининг муносабати қандай бўлганидан қатъи назар, Бобир қилинмаслиги лозим бўлган иш, айтилмаслиги керак бўлган гап юз берганини фаҳмлади ва хижолат чекди.

Орадан бир-икки кун ўтди. Сафар аҳли Биграмда тўхтадилар. Бу ерда Бобир қаттиқ касал бўлди. Иситма авж олди. Йўтал бошланди. Ҳар йўталганда бемор қон тупураб эди. Бобир бу касаллик қон таркибидаги ўзгариш сабабли пайдо бўлган, деб билди.

Гиламлар тўшалган кенг, шоҳона хиргоҳ. Тўрда, юмшоқ кўрпада бетоб Бобир мирзо ётипти. Унинг ранглари ола қизил. Иситма тоби баланд. Беморнинг ёнида табиб баъзи дори-дармонларини қўйиб муолажа қилмоқда. Мулозимлар хизматда. Шу вақт бетоб подшоҳнинг ҳолидан хабар олмоқ учун уч-тўрт киши хиргоҳга кириб келдилар. Улар орасида Мулло Алихон ҳам бор. Бобир келганларнинг саломига енгил бош тебратиб алик қилди. Бир оз ҳол-аҳвол сўрашиб, яхши истаклар изҳор этилгач, келганлар кетмоққа шайландилар. Шунда Бобир уларга тўхтанг деб ишора қилди. Сўнг у ёстиғи тагидан бир қоғоз олиб Мулло Алихонга узатди ва икки йўтал орасида бўғиқ овоз билан деди:

— Уқингиз. Бу шу бугун битилган истиғфор (тавба)дир.

Мулло Алихон одоб билан Бобир узатган қоғозни унинг қўлидан олди ва баланд овозда, ёқимли қироат билан ўқий бошлади:

**Не қилайин, сенинг билан, эй тил,
Жиҳатингдин менинг ичим қондур.
Неча яхши десанг, бу ҳазл ила шеър
Бириси фаҳшу, бири ёлғондур.
Гар десанг куймайин бу журм била,
Жилавингни бу арсадин¹ ёндур.**

Шеърни тинглаганлар Бобирнинг бу ёзган қитъаси кемада айтилган ҳазил байтдан тавба қилиб ёзилганини дарҳол тушундилар. Улар Бобирнинг кўнглини кутарувчи сўзлар айтиб, сўнг у билан хайрлашиб, хиргоҳдан чиқдилар.

Бобирнинг кўнглидан кечган эдики, у ўз аҳдини унутиб, ўша ноўрин ҳазил байтни айтиб, густоҳлик қилди. Сўзини бузгани учун эса унга нотоблик келди. Энди у бундан буён ўшандай нолойиқ ишлардан кўнглини тиндирган ва бу янглиғ бемаъни шеърлар ёзадиган қаламини синдирган эди.

Ҳиндистон фатҳидан сўнг

Понипат ёнидаги катта урушда Бобир қўшини ғолиб чиқди. Ҳинд подшоҳи Иброҳим Лўдийнинг 100 минг кишилиқ қўшини енгилб қочди. Иброҳим ўзи жанг майдонида ҳалок бўлди. Бобир Деҳли ва Ограни қўлга киритиб, Ҳинд мамлакатини ўз ихтиёрига ўтказди. Тўққиз юз ўттиз иккинчи йил ражаб ойининг йигирма тўққизида, душанба куни (1526 йил 12 май) Бобир подшоҳ Ҳиндистон учун курашда қатнашганларга ҳазинадан совғалар улашди; Самарқанд, Хуросон, Кошгар, Ироққа ҳам совғалар жўнатилди; машойихга назрлар тортиқ этилди.

Лекин ҳали бутун Ҳиндистон бўйича ҳукм юргизишга вақт эрта. Огра ва Деҳлидан бўлак кўрғонлар қўлга олинмаган. У кўрғондагилар беркиниб олганлар. Яна улар Баҳорхон деган кишига Султон Муҳаммад деб лақаб қўйиб, уни подшоҳликка кўтарганлар.

Ҳаво ғоят иссиқ. Атрофдаги кентларда бетартиблик. Озиқ-овқат, ем-хашак етишмайди. Унинг устига боди самум (иссиқ, кучли шамол) эсади.

Кўп одамлар касалланиб ўла бошладилар. Шунинг учун Бобир қўшинидаги баъзи беклар, баъзи йигитлар кўнгиллари совиб, Ҳиндистондан кетмоқ ҳаёлига тушиб қолдилар. Ваҳолонки, Ҳиндистонда қилиниши лозим ишлар ҳали жуда кўп. Эгалланган жойларга бошлиқлар тайинлаб, у ерларда тартиб ўрнатмоқ керак. Ҳали олинмаган кўрғонларни олмоқ, у ерлардаги одамларнинг — тўғриларининг кўнглини кўтариб, эгриларини сиёсат билан босмоқ лозим. Мамлакатда мунтазамлик барпо қилмоқ, алғов-далғовларга чек қўймоқ даркор. Шундай фурсатда ишонган кишиларининг Бобир билан бирга бўлмай, ундан узоқлашув ҳаёлига тушганлари унга анча таъсир қилди.

Оградаги катта бир дарахтзор. Вақт намози аср билан намози шом ораси. Қалин дарахтлар иссиқни сал псайтирадилар. Аммо ҳаво жуда дам. Улкан шохлари кўкка бўй чўзган дарахтлар оралаб икки киши секин сайр қилади. Улар Бобир ва унинг яқин арбобларидан бири. У — оқ, калта соқоли ўзига ярашган нуруний бир мўйсафид. Бу киши ҳозиргина Аҳмадий парвоначи, Вали ҳозинларнинг илтимосини Бобирга етказди. Уларнинг Ҳиндистонда қолмоққа раъйлари йўқ. Кетмоққа ижозат сўрайдилар. Хўжа Калон ҳам Фазнага кетмоққа руҳсат сўрамоқда.

Бобир бу гапларни диққат билан тинглади. Бобир ўз арбобининг сўзларини эшитиб, бир оз жим борди. Сўнг у суҳбатдошига кўнглидаги фикрларини айта бошлади. Бобирнинг овози бўғиқ, чеҳраси жиддий, кўнгли гинали. У гўё ўзига ўзи сўйлаётганга ёки овоз чиқариб ўйлаётганга ўхшаб гапирар эди.

— Кетмоқ тўғрисидаги сўзларни улуғ ёшли, тажрибали беклар айтганда, айби йўқ эди. Чунки ақл-хуши бор одам тўғри-нотўғри, яхши-ёмоннинг фарқига бориб, сўнг бир фикрга келади. Кичик-киримлардан бундай гапларнинг чиқмоғи ноўриндир. Мўйсафид Бобирнинг бу фикрларини бош ирғаб тасдиқлар, аммо Бобирнинг

¹ Арса — майдон.

фикрлов оқимига халал бермаслик андишасида жавоб қайтармас эди. Бобир давом этди:

— Кобилдан отланаётганимизда кичик-киримдан бир нечани бекликка кўтардик. Менинг булардан кутганим шундай эдики, мен ўтга, сувга кирсам-чиқсам, булар ҳам қўрқмай мен билан бирга киргайлар ва чиққайлар. Мен ҳар сорига борсам, улар мен билан бирга бўлгайлар. Йўқки, хилофи мақсудим сўз айтганлар. Ҳозир бирор ишни кўзда тутиб кенгаш қилсак, улар ўша кенгаш битмай турибоқ у сўз ва қарордан қайтадилар.

Бобир оғир изтиробда. Ҳақиқатан, ишониб ўзига яқинлаштирган одамлари қаршисига иш тусалар, қандай қилиб изтиробга тушмасин киши!

Уша куни кечкурун Бобир Ограда катта бир кенгаш қақирди.

Подшоҳнинг шароитга кўра яхшигина безатилган хонаси. Атлас кўрпачалар тўшалган. Юқорида тахтгоҳ. Тахт ёнида ҳар бир кўшинбоши, бек ва бошқа амалдорларнинг ўз мавқеларига яраша ўринлари. Ҳамма ўз ўрнида ўтирипти. Хонага Бобир подшоҳ кириб келди. Утирганлар «дувв» этиб ўринларидан турдилар. Бошлар таъзимга эгилди. Подшоҳнинг кайфияти нохуш, унинг жиддий нигоҳида кескинлик сезилади. Расм-русумлар яхросидан сўнг Бобир тахтга бориб ўтирди. Ҳамма яна ўз жойини эгаллади. Бобир сўз бошлади:

— Салтанат ва жаҳонгирлик беасбоб ва қурол даст бермас. Подшоҳлик ва амирлик бенавар ва вилоят мумкин эмас. Неча йил ҳаракатлар қилиб, машаққатлар кўриб, узоқ ерларни босиб ўтиб, кўшин тортиб, ўзимизни жангу жадалларга солиб бу ерга келдик. Тангрининг инояти билан кўп сонли душманни енгиб, мундоқ кенг мамлакатларни олдик. Ҳозир нима биздан зўр келдики ва қандай зарурият туғилдики, мундоқ жон чекиб тортиб олгон вилоятларни ҳеч бир сабабсиз ташлаб кетсак. Яна қайтиб бориб Кобилда қўли торлик ташвишига ўзимизни мубтало этсак. Ҳар ким давлат иста, мундин сўнг мундоқ сўзларни айтмасин; ҳар ким тоқат келтираолмай кетарга юз қўйса, бормоғидан қайтмасин.

Йиғинга чуқур тинлик чўкди. Ҳамма уйга ботган. Бобир кўпчилик ўзининг кетмок раъйдан қайтар, деб кутган эди. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Гарчи ҳозир ҳеч ким чурк этмай ўтирган бўлса-да, Бобир кетмок истагида бўлганларнинг қарори қатъий эканини фаҳмлади. Бу одамларнинг қарори юзларида ойнада кўрингадек равшан кўриниб турар эди. Улар орасида Хўжа Калон Кобилдан чиқиб, Иброҳимни босиб, Оғрани олгунгача яхши борди, мардона сўзлар айтди ва соҳибхимматлик билан иш тутди. Лекин Оғрани олгандан кейин бир неча кун ўтгач, унинг раъйи ўзгарди, кетмак қарори унда қатъий бўлиб қолди.

Бобир Кобулга совғаларни элтмоқни Хўжа Калонга топширди. Унинг кўшини қалин бўлгани учун Ғазна, Гардиз, Султон Масъудий ҳазорани, Ҳиндистондаги Кухром парганасини Хўжа Калонга берди. Хўжа Миримиронга ҳам Кобилга қайтмоққа рухсат қилди.

Йиғилиш тугагач, ҳамма бир-бирларига хушлик, омонлик тилаб тарқалдилар. Орадан уч-тўрт кун ўтди. Яна Оградаги дарахтзор. Унинг бағридаги салқин йўлкада Бобир ва унинг мўйсафид арбоби сайр қилиб суҳбат турсмоқдалар. Бобир ўзининг узоқ йиллик, синалган дўсти Хўжа Калоннинг кетмок қароридан хафа. Энг яқин дўстлар ҳам, вақти келиб, ўзликни дўстликдан устун қўядилар. Кун аста-секин мухитга чўкмоқда. Осмон юзасини қоронғилик тумани қоплаш вақти яқинлашмоқда.

Бобир ўз суҳбатдошига деди:

— Хўжа Калон Ҳинддан мутанаффир эди¹. Унинг кетар чоғи уйининг деворига ёзган байтини эшитдингизми?

— Йўк, тақсирим.

— Бўлмаса, мана, ўқингиз.

Бобир кўйнидан бир қоғоз олиб суҳбатдошига узатди. Мўйсафид киши подшоҳнинг қўлидан қоғозни одоб билан олди ва уни кўзига яқинлаштириб, ўқиди:

**Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,
Сиёҳ рўй шавам, гар ҳавоий Ҳинд кунам.**

(«Агар соғ-саломат Синддан ўтиб кетсам, Ҳиндни яна хавас қилсам, юзим қора бўлсин». П. Шамсиев ва С. Мирзаев таржимаси.)

— Қофияни хўб туширган. Эҳтимол, юзи қоралигидан тавба қилаётгандир,— деди мўйсафид киши бу шеърдан туғиладиган ёқимсиз таассуротни юмшатмоқ мақсадида.

— Йўк,— деди Бобир қатъий равишда,— бу байт Хўжа Калоннинг юзи қоралигига иқроридир. Чунки,— давом этди Бобир ўз фикрini шарҳ этиб,— биз Ҳиндистонда туриб, мундоқ зарофатомез байт айтмоқ ва битмоқ иўринмаган бир ҳол. Кетмоғидан бизга оғирлик бўлди, бу хил зарофатдан икки бор малол етди.

Мўйсафид киши сукут сақлади. У Хўжа Калоннинг қилмишидан Бобирнинг ранжиганини билар, аммо у ўша ранжнинг мунчалик очиқ баёнини кутмаган эди. Бобирга оғир ботган нарса— Хўжа Калоннинг Бобирни ташлаб кетаётганигина эмас эди. Дўстлар хиёнати, мураккаб пайтларда ишонган кишиларнинг юз ўгиришлари, ҳатто тесқари иш тутишларини кўп кўрган Бобир, эҳтимол, Хўжа Калоннинг кетмоғини ҳушёрлик билан қабул қилар эди. Ҳозир Бобирга оғир ботган нарса— Хўжа Калоннинг Ҳиндистонга тил тегизгани эди. Бобир Ҳиндистонни ўз тақдири деб қабул қилди, унга дил боғлади. Бобирнинг кўнгли бу ажойиб ўлкани обод ва мунта-

¹ Яъни Ҳиндистонни ёқтирмас эди.

МУҲАММАД БОБИР
ЗАҲИРИДДИН
А. ҚАЮМОВ

зам қилмоқлик иштиёқи билан тўла. Шундай ҳолатда бу ўлка шаънига беўрин айтилган таъна Бобирга малол келди.

— Мана бу жавобни Хўжа Калонга йўлласангиз,— деди Бобир ва бошқа бир қоғозни кўйнидан олиб суҳбатдошига узатди. Мўйсафид қоғозни Бобирнинг кўлидан аста олди.

— Уқингиз,— деди Бобир.

Мўйсафид қоғоздаги шеърни ўқий бошлади:

**Юз шукр де Бобирки, кариму ғаффор,
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.**

Мўйсафид Бобирга таъзим қилди. У подшоҳнинг бу шукронасини чин юракдан маъқуллар ва олқишлар эди.

— Давом этингиз,— деди Бобир жилмайиб.

**Иссиқлиғига гар сенга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг, Ғазни бор.**

Иккала суҳбатдош хандон ташлаб қулиб юборишди. Бу байт Ҳинд иссиғига чидай олмай Ғазнига кетган Хўжа Калоннинг совуқ ишига истеҳзо эди.

Тавба

Ҳиндистонда ҳали ҳарбий ҳаракатлар тўхтагани йўқ. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда жанглар бўлиб туради. Шароит ҳаммиша ҳушёр ва курашга тайёр турмоқни тақозо қилади.

Бобирнинг фикрида муҳим андишалар ҳукмрон эди. Ҳиндистон ҳали тамомила қўлга кирган эмас. Қўшин олдида катта ҳарбий вазифалар турипти. Ўлкани тинчитмоқ, унинг аҳолисини ўз томонига тортмоқ, юртда хавфсизлик ва тартиб ўрнатмоқ, ободончилик ишларини бошламоқ керак. Ана шундай кечиктириб бўлмайдиган ишлар турганда ғолиблар ғалабадан маст бўлсалар, ишрат чоғиридан ичиб, бадмастлик қилсалар — ярашадими? Ўйлаган режаларни амалга ошириш мумкин бўладими? Аксинча, мағлубиятга мубтало бўлиб қолмайдиларми? Шунинг учун ҳозир чоғир ичмоқдан тавба қилиш шарт бўлиб қолди. Ҳеч бўлмаса бир оз фурсатга шундай қилмоқ зарур.

Кечки овқатдан сўнг Бобир ўз хонасига чекинди. Бу хона шинам ва безакли. Катта гилам тўшалган. Унинг ўртасида кичик бир мез (хонтахта). Унинг тўрт томонида кўрпачалар солинган, парқулар қўйилган. Мез устидаги қандилда шамлар ёнади, қоғоз, қалам, давоёт тайёр. Бобир мез ёнига ўтирди. У бир варақ қоғозни олди, қўйиб, сал ўйлаиб турди-да, сўнг қўлига қаламни олди, уни давоётга бир ботириб, секин-секин қоғоз юзасига ёза бошлади:

**Чанд бошим зи маоний мазакаш,
Тавба ҳам бемаза нест, бичаш!**

(«Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан, тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам татиб кўр». П. Шамсиев ва С. Мирзаев таржимаси.)

Бобир ёзишдан тўхтади. Ёзганини ўқиди. Сўнг бир жилмайди. У туркий тилда ёзмоқчи эди. Беихтиёр форсий тилда ёза бошлаган. Бобирнинг она тили туркий бўлса-да, у форсийни ҳам она тили каби мукамал билар, бу иккала тил — туркий ва форсийнинг гўзаллиги ва бойлигидан наъша қилар, баравар севар эди. Бобир ва унинг яқинлари ўзаро ҳам туркий, ҳам форсийда сўзлашардилар. Бобир ўзининг кундалик ёзувларини туркий тилда олиб борар, расмий ҳужжатларни эса форсий тилда эълон қилар эди. Чунки Ҳиндистон, Афғонистон ерларида туркийга қараганда форсий тил кенгроқ ёйилган. Аммо Бобир кўшини ичида туркий тил кўпроқ ишлатилар, чунки кўшин асосан туркий халқлардан ташкил топган эди. Бобир ҳозир форсийда бошлаган шеърини туркийда давом эттира кетди:

**Неча исён била олудалигинг,
Неча хирмон аро осудалигинг,
Неча нафсингга бўлурсен тобиъ,
Неча умрингни қилурсен зойиъ.
Нияти ғазв ила ким юрубсен,
Улмакингни ўзунга кўрубсен.
Кимки, ўлмак ўзига жазм этар,
Ушбу ҳолатта билурсенки, нетар.**

**Дур этар жумла маноҳийдин ўзин,
Аритур барча гуноҳидин ўзин.
Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,
Тавба қилдм чоғир ичмакликтин!
Олтину нуқра, суроҳийю аёқ
Мажлис олоти тамомин ул чоқ —
Ҳозир айлаб барини синдирдум,
Тарк этиб майни, кўнгул тиндирдум.**

Эртаси куни эрталаб, нонуштадан сўнг, Бобир ўз одамларини йиғиб уларга бу шеърни ўқиб берди ва уларни ҳам чоғир ичмақдан тавба қилишга чақирди. Уша куни кечгача ва индини эрталабгача беклар ва ичкилардан, сипоҳий ва сипоҳий бўлмаганлардан уч юзга яқин киши чоғир ичмақдан тавба қилдилар. Бобирнинг буйруғига кўра, чоғирларга туз солиб, улардан сирка қилинадиган бўлди. Олтину қумушдан ясалган май идиш ва қадаҳлари ва бошқа асбобларни ерга уриб, пора-пора қилиб, ҳар бирини мискину бечораларга берилди, одамларнинг кўпи тавба шарафига эришиб, чоғир ичишдан бутунлай қайтди. Яна тинч сақланган мамлакатда мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сақламасин ва келтирмасин, деб бую-

— Буни ўқингиз. Кеча кечқурун ёзилган эди.
Турдибек Хоксор Бобирнинг қўлидаги қоғозни одоб билан олди ва ярим овоз билан ўқий бошлади:

**Дарвешонро агар на аз хешонем,
Лек аз дилу жон муътақиди эшонем.
Дураст мағўй шоҳий аз дарвеший,
Шоҳем вале, банди дарвешонем.**

(Дарвишлар бизга хеш бўлмасалар-да, лекин биз уларга жону дилдан хайрихоҳмиз. Шоҳлик дарвишликдан узоқдир, дема: шоҳмиз, аммо дарвишларга қулдирмиз).

Турдибек бу шеърни ўқигач, Бобирга яна бир бор таъзим қилди. Унинг кўнгли Бобирдек дарвиштабиат инсоннинг ҳукмронлик бандлари билан чамбарчас боғланиб ташланганига афсус билан тўла эди.

Хоксор чиқмоққа руҳсат сўрагандай бўлиб подшоҳга боқди. Аммо Бобир бир оз жимликдан сўнг суҳбатни яна давом эттирди. У Турдибекка деди:

— Сиз элчилик йўсунида фарзанди дилбандимиз Комрон мирзо ҳузурига боргайсиз. Сизронга уч лак хазиналар элтгайсиз. Яна,— деди у сал жимиб тургандан сўнг,— сизга бир топшириқ бор. Утган йил биздан кетганларнинг ҳасби ҳолига биргина китъа битган эдим. Шу китъани Мулло Алибекка шахсан топширгайсиз.

Бобир олдидаги мез кутисини тортиб очди ва у ердан бир қоғоз олиб Хоксорга узатди. Хоксор таъзим билан қоғозни олиб қўлига жойламоқчи эди, Бобир уни тўхтатиб:

— Ўқингиз,— деди.

Бу суҳбат подшоҳ билан сипоҳ эмас, балки икки дарвиштабиат шоир суҳбатига айланган эди.

Турдибек Хоксор қўлидаги қоғозни очиб, унда ёзилган шеърни овоз чиқариб ўқий бошлади:

**Эй, аларким бу Ҳинд кишваридин
Бордингиз энглаб ўзга ранжу алам.
Қобили хуш ҳавосини соғиниб,
Ҳинддин гарм бердингиз ул дам.
Кўрдингиз, топтингиз экин анда**

**Ишрату айш бирла нозу ниям!
Биз дағи ўлмадук, бихамдиллоҳ,
Гарчи кўп ранж эдию беҳад ғам.
Ҳаззу нафсию машаққати бадани
Сиздин ўтти ва ўтти биздин ҳам.**

Жангу жадаллар, сиёсий воқеалар, давлатни бошқаришга оид ишлар билан бир қаторда ижод ҳам тинимсиз давом этмоқда эди.

Икки мактуб

935 (1528) йил душанба куни рабиулаввал ойининг ўнинчи кунда Ҳумоюндан отаси Бобирга хушхабар келди. Ҳумоюн мирзо ўғил фарзанд кўрипти. Унинг отини Альамон қўйиштилар. Бу хабарни келтирган Ҳумоюннинг навқари Баёншайх ва Беккина Вайс Лоғарий шахзода Тахмаспнинг Ироқдан қирқ минг киши билан келиб Бистом ва Дамғанда Ренишни енгганилиги, сўнг Машҳадни олгани, Жом ва Харгард навоҳийсида Убайдхон бошлиқ султонлар устидан ғалаба қозонганини ҳам хабар қилдилар.

Бобир Баёншайх билан Беккина Вайс Лоғарийни ўз хонасида қабул қилди, уларнинг айтганларини диққат билан тинглади, Ҳумоюн фарзандининг севинчиси учун уларга яхши совғалар берди. Аммо сиёсий воқеалар тўғрисида бир сўз демади. Сўнг Бобир Баёншайх ва унинг шеригига деди:

— Бир-икки кун бу ерда бўлингиз. Мен Ҳумоюн мирзога ва Комрон мирзога мактуб битиб бераман, элтасиз. Иншооллоҳ, шанба куни ойнинг ўн бешинчисида савфарга йўл оларсиз.

Элчилар таъзим қилиб хонадан чиқдилар.

Бобир кўнглидаги фикр-ўйларини катта ўғли Ҳумоюнга муфассал ёзмоқ нияти бор эди. Бу мактубни Бобир 935 (1528) йил пайшанба куни — рабиулаввал ойининг ўн учинчи куни ёзди.

Бу мактуб Бобир иншосининг ёрқин намунаси ва туркий (эски ўзбек) тилидаги мактубот жанрининг муҳим бир кўринишидир. «Бобирнома»да бу мактуб тўласича келтирилган.

Бобир қўлига қалам олганида бирорта ортиқча сўзни ишлатмас, бирор фикрни ноаниқ ифода этмас эди. Фикрнинг равшанлиги, ифоданинг аниқ ва осон тушунарли экани Бобир услубининг асосий қондасидир.

Бобир ўғли Ҳумоюнга йўллаган мактубини оталик меҳри ва соғинчининг изҳори билан бошлайди: «Ҳумоюнга муштоқликлар била соғиниб салом дегач...» Сўнгра икки оғиз сўз билан элчилар ва хатлар келганини хабар қилади ва ўғлини фарзанд кўргани билан табрик этади:

**Шукр, бермиш сенга ҳақ фарзанде,
Санга фарзанду манга дилбанде.**

Бобир фақат ота ва бобога эмас. У олим ва тажрибали арбоб ҳам эди. Шунинг учун янги туғилган фарзандга қўйилган от тўғрисида баъзи мулоҳазаларини билдиради. Альамонни оддий одамлар тўғри айта олмай Аламо ёки Эломон деб атаб юборишлари мумкин. Умудан алиф, лом билан бошланадиган киши оти камдан-кам бўлади. Ҳумоюн ўз фарзандига от қўйганида шу томонларига аҳамият бермаган.

Бобир бу фикрларини билдириб бўлгач, боланинг отини ўзгартишни таклиф қилмайди, аксинча, «Тангри отини ва зотини фархунда ва муборак қилгай, манга ва санга кўп йиллар ва бисёр қарнлар Альамонни давлат ва саодат билан тутаберай» деб яхши ниятлар изҳор этади. Бундан кўринадик, Бобир оилада катта бўлмаган масалаларда ҳадеб ўз фикрини ўтказавермаган, аксинча, ўғилларининг мустақиллигини ҳурмат қилган, уларнинг бу борадаги қарорларига қўшилмас-да, уларни қабул қилган. Бобир ўзининг иккинчи ўғли Комроннинг Кобилда, тоғаси Султонали мирзонинг қизига уйланишини ҳам орқаворатдан эшитган ва унга совғалар йўллаган эди. Бу маълумотлар Бобирнинг оилавий демократияга бирмунча ўрин берганини кўрсатади.

Аммо жиддий сиёсий масалаларда Бобир подшоҳ қатъий йўл тутар ва катта сиёсатга оид фармонларни ўғилларига ўзи юборар эди. Ушбу мактубда ҳам Бобир амалга оширилиши лозим сиёсий тадбирлар тўғрисида Ҳумоюн мирзога йўл-йўриқлар берган: «Яна Комронга Кобилдаги бекларга фармон бўлдим, бориб санга қўшилиб Ҳисор ё Самарқанд, ҳар сориғақим, салоҳи давлат бўлса, юругайсиз. Тангрининг инояти билан ёғийларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни ниғунсор қилгайсиз... Сизларнинг жон тортиб, қилич чопмоқ маҳалларингиздур».

Шундан сўнг Бобир подшоҳлик қондалари тўғрисида ўғлига ўғит беради: «Гаранжомлик била қоҳиллик подшоҳлик била рост келмас». Бу фикр қуйидаги шеър орқали тасдиқ топади:

**Жаҳонгире таваққуф бар наёбад
Жаҳон онро бўвад кў бех шитобад.
Ҳама чизе зи рўйи кадхудойи
Сукун меёбад илло подшоҳий.**

(«Жаҳонгирлик тўхтаб турмайди, ким яхши тиришса, жаҳон ўшаники бўлади, ҳаётда ҳар бир нарсанинг тўхташи мумкин, аммо подшоҳлик тўхтамайди». П. Шамсиев, С. Мирзаев таржимаси).

Бобир ўғлига Балх, Самарқанд, Ҳисорни қўлга киритиш тўғрисида маслаҳат беради. Агар бирор ер қўлга кирса, унинг олти ҳиссаси Ҳумоюнга, беш ҳиссаси укаси Комронга тегиши кераклигини ўқтиради. Бу Бобир ўрнатган қонда эди ва унга риоя қилмоҳлик шарт. Ота ҳар иккала ўғли — Ҳумоюн ва Комрон ўртасида яхши муносабатлар бўлмоғи тўғрисида ланд-насихатлар қилади. Бу гапларда отанинг ҳар иккала фарзандига баробар ишончи ва меҳри кўриниб туради.

Бобир Ҳумоюнга тайинлаб ёзади: «Яна ининг билан яхши маош қилгайсен. Улуғларга кўтаримлик керак. Умидим борки, яхши ихтилот қилгайсен. Анинг ҳам муташарриъ ва яхши йигит қуюбтур; ул ҳам мулозамат ва якжиҳатликта тақсир қилмағай». Афсуски, Бобирнинг вафотидан кейин унинг ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон бу ўғитларга қўлоқ осмай, кўп бебошликлар қилишди. Бундан эса элга ҳам, ўзларига ҳам кўп кулфатлар етди.

Бобир Ҳумоюнни унинг ўзбошимчалиги учун қойийди: «Яна сендан озроқ гинам бор. Бу икки-уч йилдан бери бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йилдан сўнгра келди. Мундоқ бўлурму?» Бобир ўғли Ҳумоюнга подшоҳлик қондаларини тушунтиради. Ҳумоюн ўз хатида ёлғизликдан шикоят қилган бўлса керак. Бобир унга жавобан шундай ёзади: «Яна хатларингда ялғизлик, ялғизликким, дебсан, подшоҳликта айбдур». Бу фикрнинг исботи учун Бобир қуйидаги шеърни келтиради:

**Агар пой бандий ризо пеш гир
Ва гар як суворий сари хеш гир.**

(«Агар оёғинг бандда бўлса, ризолик бер, агар салт отлик бўлсанг, узингча иш тут»).

Шундан сўнг Бобир подшоҳлик банди ҳамма бандлардан мураккаброқ эканини айтади. Подшоҳлик ва ёлғизлик бир-бирига тўғри келмайди. Подшоҳ ўзининг тадбирли, иш кўрган беклари билан кенгашиб, уларнинг сўзига қараб иш тутмоғи лозим. Элга кам учрашувни ва хилватнишинликни ташлаш керак. Қонда икки маротаба инингни ва бекларни қақриб, уларга маслаҳат солгин, шунга қараб иш қилгин, деб ўғит беради Бобир подшоҳ ўз ўғли Ҳумоюнга.

Яна Бобир Ҳумоюнга Хўжа Калон билан қандай муносабатда бўлмоқ кераклигини ҳам ўргатади. «Хўжа Калон менинг билан густохона ихтилот қила ўрганиб эди, сен доғи нечукким, Хўжа Калон билан ихтилот қилар эдим, ушмундоқ ихтилот қилгайсен».

Бобирнинг Ҳумоюн мактуби бўйича қилган таибеҳлари устознинг шогирдига ўқитаётган дарсига ўхшаб кетади: «Яна мен дегандек бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен. Не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқуйолмас эдинг. Уқуйолмагандин сўнг, албатта, тағйир берур эдинг. Хатингчи худ ташвиш била ўкуса бўладур, вале асли муғлақдур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас, агарчи хела рост эмас. Илтифотни «то» била битибсен. Кулунжи «ё» била битибсен. Хатингни худ тавр қилиб ўкуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамомафҳум бўлмайдур. Фолиб, хат битарда қоҳиллингдин ҳам ушбу жиҳатиндур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳатдин муғлақ бўладур. Бундан нари бетакаллуф ва равшанпок алфоз билан бити. Ҳам санга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқуғувчига».

Бу маслаҳатлар барча учун энг яхши ишро қўлланмасидир.

Иккинчи мактуб (Хўжа Калонга)

Бобир билан Хўжа Калон ўртасидаги муносабатларни тарихчилар, эҳтимол, алоҳида тадқиқ этарлар. Ҳарҳолда «Бобирнома»даги маълумотлар асосида Хўжа Калоннинг нуфузли арбоб, Бобирнинг ҳам хизматда, ҳам кўнглига яқин кишиси бўлгани сезилиб туради. Бобир Хўжа Калоннинг давлат ҳаётидаги салмоғи билан ҳисоблашар эди.

Бобир Хўжа Калонга ўз қўли билан хат ёзган. Бу хатнинг бир нусхасини Ҳумонга ҳам юборган. Уша хат «Бобирнома»да тўласича келтирилган.

Хатнинг бошланишида Бобир Хўжа Калонга салом дегач, дарҳол асосий гапга ўтади. Бобир Ҳиндистон ишларининг тез орада саранжом топажагидан умидвор. Шундан сўнг ўзи «ул вилоятларга» («Кобил, Ғазни» А. Қ.) бормоқчи. «Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутқай,— деб ёзади Бобир.— Алалхусус мундоқ тойиб ва торик бўлганда (тавба қилиб майни тарк этиш кўзда тутилади— А. Қ.), қовун ва узумдек машру ҳазни киши не тавр хотирдан чиқарғай. Бу фурсатта бир қовун келтириб эдилар, кесиб егач, ғариб таъсир қилди. Тамом йиғлаб эдим».

Шундан сўнг Бобир бир вилоятда бир неча ҳоким бўлмаслиги керак, деган фикрни билдириб, Кобилни холиса қилганини, бу тўғрида Ҳумон ва Комронга ҳам хабар етказганини ёзади. Сўнгра Хўжа Калонга Бобирнинг эгачиси ва ҳарамларини Ҳиндистонга жўнатмоқни тайинлайди.

Шундан кейин Бобир Хўжа Калонга май таркини қилмоқни маслаҳат беради. Бу масаладаги фикрлар диққатга сазовордир. Биринчидан, май таркини қилмоқлик Бобирга осон бўлмади. Аммо, шароит талабига кўра, бу ишни амалга оширди. Кўнгида эса қарама-қарши фикрлар ғулғула қилар эди. Бунинг исботи ўша хатда келтирилган рубоийда аниқ кўринади:

**Май таркини қилгали паришондурмен,
Билмон қилар ишимнию ҳайрондурмен.
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилубмену пушаймондурмен.**

«Бу рубоий,— дейди Бобир,— ўтган йил айтилиб эрди». Бу тўғридаги фикрларини давом эттириб Бобир ёзади: «Филвоқиё бу ўтган икки йилда чоғир мажлисининг орзу ва иштиёқи беҳад ва ғоят эди, андоқким, чоғир иштиёқининин борлар (неча мартаба) йиғламоқ сарҳадига (чегарасига) етар эдим. Бу йил, алҳамду лиллох, ул даъдага тамом хотирдин рафъ бўлди» (кўтарилди).

Бобир Хўжа Калонни ҳам чоғирдан воз кечмоққа даъват қилади: «Сиз ҳам тавба қилинг. Сухбат ва чоғир ҳамсухбат ва ҳамкоса била хуштур. Ким била сухбат тутғайсиз, ким била чоғир ичғайсиз. Агар ҳамсухбат, ҳамкоса Шераҳмад ва Ҳайдарқулидир, худ бу тавбанинг хели ашқоли йўқтур, деб орзумандлик била салом. Панжшанба кунни жумодул охир ойининг ғуррасида (биринчи кунни) битилди. 935 (1528) йил».

Сўнг

Ушбу мактублар ёзилгандан сўнг орадан икки йил ўтгач, Заҳириддин Мухаммад Бобир Ҳиндистонда, Огра шаҳрида, ўзи бино этган Чаҳорбоғда дунёдан ўтди. 937 (1530) йил жумодуллаввал ойининг олтинчи кунни эди.

Бобир туркий ва форсий тилларида шеърлар ёзиб девон тузган шоир эди. Яна у сиёсий-иқтисодий трактат «Мубайян»ни ёзган (шеър билан), аруз вази қондаларига оид «Муфассал» деб аталган асар, фалсафий-ахлоқий мазмундаги «Волидийя» асарни ҳам Бобир қаламига мансуб. Бобир ўзи хат ихтиро этган ва уни «Хати Бобирий» деб атаган. Мусиқий илмидан ҳам Бобир яхши хабардор эди.

Бобирнинг шоҳ асарни «Бобирийя»дир. Илмий дунёда бу асарни «Бобирнома» деб юритилади.

«Бобирнома»да Заҳириддин Бобир бутун ҳаёти давомида ўзи кўрган ва билган воқеаларни ёзган. Бу асарда Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Ҳисор, Бадахшон, Кобил, Қандаҳор, Деҳли, Огра, Санбал, Бегнал ва бошқа Бобир қадами етган вилоятлар, уларнинг аҳолиси ҳаётига оид муҳим илмий маълумотлар жамланган. «Бобирнома»ни XV аср охири ва XVI асрнинг биринчи чорағидаги Урта Осиё, Хуросон, Афғонистон, Ҳиндистон тарихи, адабиёти, тили, иқтисоди, этнографияси, географияси, наботот ва ҳайвонот дунёси бўйича бир қомус деса бўлади.

«Бобирнома» эски ўзбек тили ва адабиётининг қимматли ёдгорлигидир. У XV аср охири ва XVI аср бошларидаги ўзбек тилида яратилган наср намунаси «Бобирнома» ўзбек адабиёти ва илмининг улўф намоёндаси Заҳириддин Мухаммад Бобир ижоди ва ҳаётини ёритувчи бирдан-бир ишонарли, биринчи манбадир.

Заҳириддин Мухаммад Бобирнинг лирик шеърлари, унинг «Бобирнома»си ижтимоий, ахлоқий ва адабиёт назариясига оид асарлари («Мубайян», «Волидийя», «Муфассал») XVI аср ўзбек адабиётининг тараққиётига улкан улўш бўлди.

Бобир ўзбек адабиёти ривожига муҳим ўрин тутган ижодкордир. Шунинг учун ҳам 1983 йили Бобирнинг туғилганига 500 йил тўлиши бутун халқларимиз маданий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этган бир воқеа сифатида нишонланмоқда.

Бобир адабий ва илмий меросининг марксча-ленинча методология асосида илмий равишда тадқиқ этилмоғи ва илмий истеъмолга киритилмоғи маданий меросга ленинча ёндашувнинг ёрқин бир намоишидир.

Тошкент — Сочи, 1981 йил

СИЁСИЙ САТИРА УСТАСИ

Санъаткорнинг адабиётдаги ўрни унинг ижодида намоён бўлган бош фазилат белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, инқилоб ишига садоқатни куйлаш, пролетариат жасоратини акс эттириш мавзуи адабий жамоатчилик юз йиллигини кенг нишонлаётган Демьян Бедний ижодий фаолиятининг асосий хусусияти даражасига кўтарилган. Демьян Бедний адабиётга масалнавис, сиёсий сатиранинг устаси сифатида кириб келган. Биринчи тўпламининг «Масаллар» деб номланишиёқ бу фикримизни тасдиқлайди. Шоир ўзининг шеър, масал, фельетон, памфлетларида мамлакатимиз душманларининг кирдикорларини сиёсий ўткирлик билан аёвсиз фош қилган. Унинг турли жанрларда ёзилган асарларида даврнинг кун тартибида турган муҳим масалалар акс эттирилган. Ижодкорнинг долзарб масалаларни илғай олиши, уларга ўз муносабати билан жавоб бериши Лениннинг назарига тушган ва доҳиймиз унинг ижодини ғамхўрлик билан кузатиб борган. Демьян Бедний ижодида сиёсий, партиявий, публицистик руҳнинг вужудга келишида у мунтазам суратда ҳамкорлик қилган «Правда» газетасининг аҳамияти алоҳида.



Гражданлар уруши даврида шоир ўз фаолиятининг ҳам ижодий, ҳам амалий қирраларини кенг миқёсда кўрсатди. Унинг бу даврда яратилган лирик, пафосли шеърлари, қизил армиячилар томонидан куйланган кўшиқлари, оқ гвардиячиларни қаттиқ сатира тиғи остига олган асарлари катта тарғибот ва ташвиқот жиҳати билан ҳам қимматли бўлган. Шоир асарларининг оммавийлигини таъмин этган асосий восита воқеа ва ҳодисаларни халқ сўзлашув тилида содда ифода этилганлиги билан боғлиқ. Инқилобнинг қаҳрамонлик ғалабасини

поэтик кўлам билан акс эттирган «Ер, эрк ва ишчи қисмати ҳақида», заминдаги мавжуд бойликларнинг ижодкори — меҳнат кишини васф этган «Бош йўл», Турксиб темир йўли қурилишини улуғлаган «Шайтон арава» асарлари шу жиҳатдан характерлидир. Демьян Бедний ижодига назар солганда, қардош халқлар ҳаёти ҳақида ёзилган асарлар ҳам кўзга ташланади. Бу борада унинг Шарқ халқлари оғзаки ижодига бўлган меҳри ва шу асосда ёзилган бир қатор асарларини эслаш kifоя. Ленин ҳақида ўзбек халқи орасида айтилиб юрган сюжет манбаида яратилган «Ер бахти» ва жасур ўзбек қизи Майна Ҳасанова ҳаёти асос бўлган «Зийнатнинг қасами» поэмалари шулар жумласидан. Бу хусусият интернационал шоир Демьян Бедний ижодининг асосий қирраларидан бирidir. Шоирнинг ранг-баранг мавзуларни хилма-хил шаклларда юксак гражданлик туйғуси ва ўткир публицистик пафос билан ифода этган асарлари унинг совет шеърятини алоҳида саҳифа билан бойитганлигини тасдиқловчи шаҳодатномадир. Демьян Беднийнинг шеър ва поэмалари, масал ва памфлетлари ўзбек китобхонининг ҳам кўнгил мулкига айланган.

Суръат ошар янада

Мўрт танли пўпанак титрайди қалт-қалт;
«Тўхтатинг, не керак тезлик бу қадар!»
Тарих паровози эса қилиб шаҳд,
Бош йўлдан борар!
Ортада — ўн уч бекат, қолди ўн уч йил,
Эҳ-хе, ажиб йиллар! Суръат — беқиёс.
Машинист бошқарар чақмоқдай дадил,
Пўпанак қўрқувдан питирлар холос:
«Қутқаринг»,
«Бекорга бўлмайллик адо»,
«Тормозни босинглар тезроқ!»
«О, худо!!»
«Воей, алланима шақиллаб кетди!»
«Воей, алланима тақиллаб кетди!»
Пўпанак куч бериб ўз чакагига,
Чўп тикар паровоз филдирагига:
«Ўн уч!» Иримчилар дейди машъум йил.
Аммо машинист-чи? — Кўтармас ҳазил,
У тоза, уфққа боқар мардона
Ва дадил суръатни оширар яна!

Асалари

Ям-яшил барг ёзмиш антиқа боғда,
Айни ёз чоғда
Асалари гулдан йиғаркан асал,
Ненидир хиргойи қиларди сал-пал.
Бутанинг остида, зах ерда бу он
Ётарди буралиб совуқ бир Илон.
Асаларин кўриб, кўзиб ҳасади,
Бўй чўзиб, вишиллаб, унга вайсади:
«Хўш, кўшни, айтгин-чи, нима учун сен
Шод-хуррам юрасан, хафақолман мен?»
Ахир, иккимизда бирмасми қисмат?
Шундоқ экан, қани бир хилда ҳурмат?
Одамлар қўрқишар менинг нишимдан,
Шу сабаб пайимга тушишар зимдан.
Сен яйраб юрибсан дўстдай бемалол,
Энди бир савол:
«Ўша ўткир нишдан бор-ку сенда ҳам,
Чақиш бобидаям ўзингсан ўктам?»
«Майли, саволингга берайин жавоб,—
Деди Асалари Илонга дадил,—
Ўзинг ўйлаб кўру мулоҳаза қил,
Феълу атворимиз, ишимиз — ҳар хил,
Иккимиз икки хил дунёмиз ҳисоб.
Сен нишинг қўллайсан ҳужумда бутун,
Мен эса — ҳамиша ҳимоя учун».

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ таржимаси

ШЕЪР — ФИКРНИНГ ГУЛИ

Рауф Парфи. Қайтиш. Лирика. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1981 йил.

Рауф Парфи йигирма йиллик ҳузурбахш машаққатли изланишлари бадалида ҳиссиёт ва фикриятнинг «янгича бир савиядаги» (И. Гафуров) синтезини, янгича бир кўринишдаги фалсафий лирикасини яратди. Унинг лирикаси юксак эмоционаллик билан интеллектуал теранликнинг омухталиги самарасида намоён бўлган янгича бир гўзаллик ҳодисасидир. «Лирика» туркумида чоп этилган «Қайтиш» мажмуаси ушбу йўналишдаги шоир изланишларининг маълум даражадаги ҳосиласи ҳисобланади. Шоирнинг «Ватан ҳақида Бернд Иеншга мактубим», «Пабло Неруда ўлимига», «Санъаткор», «Шоир», «Одамнинг боласи», «Виктор Харанинг сўнги кўшиғи», «Байроннинг сўнги сафари», «Соя», «Дилоромнинг кўзлари», «Туйғулар», «Юрак» сингари ўнлаб шеърлари ва умуман, сўнги йиллар лирикаси ана шундай дейишга асос беради.

Рауф Парфининг ҳар бир шеърида ҳаётдаги саволларга аввало, ўз қалбидан жавоб изловчи, теран фикрловчи, нозик ҳиссиётли шоир шахсиятини чуқур ҳис этамиз. Хусусан, Рауф Парфи лирикасида ҳаёт воқеа-ҳодисаларига, бепарқликка, ноҳақликка, нопоқликка лоқайд қараган шеърлар умуман йўқ; бу нарса шоирнинг маънавий-интеллектуал табиати ва шахсияти билан изоҳланади. Рауф Парфи шеърларидаги фикр тиниқлиги ва ҳиссиётнинг дилгир ёруғлиги шоир қалбидан андоза олганлиги боисидан ҳам руҳият манзараларини бевосита суратлантиргандек қабул қилинади.

Ижодкор воқелик манзараларини шойрона тадиққ этаркан, уларнинг майд-майда деталлар тарзида шеърларига олиб киришга интилмайдди. Балки уларнинг моҳиятини, одамлар муносабати ва мулоқоти кўринишларининг ҳиссий кечинмалар тарзидаги юксак коллизияларда намоён бўлган нуқталарини танлаб олади, тафаккур ва туйғулар нур билан ёритади. Шу жиҳатдан ҳам шоирнинг деярли ҳар бир шеърда олижаноблик ва тубанлик, ёруғлик ва қоронғилик, севиш ва дард, ҳақиқат ва қабоҳат сингари ижтимоий-маънавий масалаларнинг у ёки бу қирралари ёритилади, уларга шойрона жавоб изланади. Рауф Парфи шеърлари мураккаб воқелик ҳамда одамлараро муносабатлардан туғилган ҳақиқат, яхшилик, виждон покизалиги, умр масъулияти каби тушунчаларни

талқин этишдаги юксак инсонийлик позицияси билан ажралиб туради. Хусусан, айтилик, дўстга бир дўппи совға қилиш, кўшнинг оғир юмушини енгиллатиш ёки туғилган кунда унга гул тақдим этиш — булар замондошларимиз тушунчаси ва талқинидаги олижанобликнинг маъноси эмас. Улар оддий бурч, холос. Инсоний масъулиятдан ўсиб чиққан виждон покизалиги, қалб поклиги, севиш-вафо, садоқат каби юксак тушунчалар борки, улар олижанобликнинг беғубор мезонидир; улар ёмонлик, қабоҳат, риё, изтироб каби тушунчалар билан зиддиятда ўзлигининг нурли қирралари билан зухур топади. Шу боисдан ҳам Рауф Парфи «Хусусан, ҳаёт кўп мураккаб, деймиз, ўз-ўзимиз бузиб қўйгандан кейин», дейди. «Асли ҳаёт — жуда оддий». Шоир уч сонетдан иборат «Ҳамлет» асарига виждон, садоқат, жафо, ёвузлик каби тушунчалар талқинига давримизнинг юксак инсонийлик позициясидан ёндашади.

Шоир инсоннинг маънавий тўқислиги ва баркамоллигини ер юзини буткул ёруғликка чулғаниши билан уйғунликда кўради; бахт, олижаноблик, эзулик яхлит ва мужассам ҳолда қарор топгандагина олам нурга, ёруғликка чулғанади, инсон бахти, шодлиги, қувончлари барқарор бўлади, деган яхлит инсонпарвар фикр шоир шеърларидаги ҳаётбахш мотивларни таъминлайди.

Шоирнинг шеърий образлари эса инсон ҳаётининг мазмуни, тақдири, жамиятдаги ўрни, инсоннинг маънавий баркамоллигини таъминлаган олижаноблик, садоқат, меҳр, вафо (улар билан риё, ҳасрат, қайғу ёнма-ён, хусусан зид равишда келади) хусусидаги фалсафий мушоҳадалар билан суғорилган. Ушбу мушоҳадакорлик ўзининг гуманистик моҳияти билан ҳам файзли аҳамият касб этади. Зеро, улар замондошларимизнинг маънавий баркамол қиёфада намоён этувчи қаҳрамон образини яратиш учун хизмат қилади.

Рауф Парфи ҳаётни ва гўзаллиқни сева билади ва ўз севишсига мос рангда, оҳангда, мазмунида кўйлай олади; замондошларимизни эса ҳаётни ва гўзаллиқни севишга, ардоқлашга даъват этар экан, ўз кечинмаларини замондошларимиз қалбига кўчиради. Ҳаётнинг шодлик-сафоларидан қувона олади; ҳаёт гўзаллигига, маънавий покизаликка раҳна солувчи иллатлардан,

баъзи одамлар табиатидаги разиллик кўринишларидан нафратланади; шодлигини ҳам, ташвиши-қайғуларини ҳам замондошларимиз билан бирга баҳам кўришга, бўлашишига интилади.

Рауф Парфининг илк шеърларидаги туйғулар коллизияси, кайфиятлар, кечинмалар ҳолатлар сурати кейинги йилларда янги сифат ўзгаришлари ҳисобига бойиганлигини кўришимиз мумкин. Бу нарса, бир ўринда ўткир драматик кечинмалар таҳлили ҳисобига, иккинчи жойда эса осуда табиат манзаралари замирига яширинган кечинмалар, туйғулар драматизмини намоён этиш, табиат хоссаларининг зоҳирий ифодасидан фикр-мазмун теранлигига эришиш сингари янгича моҳиятларда тўкинлик касб этмоқда.

Шоирнинг лирикиси метафоралар — тимсоллар, ассоциациялар асосига қурилган бўлиб, улардаги ифодани образли, дейиш масала моҳиятини тўлиқ очиб беролмайди. Поэтик нутқ кечинмаларининг ўй-фикрлар, мушоҳадакорликнинг эса ўйчан ҳис-туйғулар тарзидаги силсиласидан иборат. Лирик қаҳрамон қалбида воқеликнинг акс-садоси ўлароқ уйғонган кечинмалар фикрчан туйғулар шаклига кириб кўз ўнгимизда суратланади. Бу нарса Рауф Парфининг индивидуал услубига хос етакчи хусусиятдир.

Шоирнинг ижодий индивидуаллигини тайин этган мазкур белгилар 60-йилларда руҳий ҳолатлар тарзида аниқса бўртиб кўзга ташланган бўлса («Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал», «Чироқ. Чироқ ёнар бўзариб», «Чексиз-чексиз дақиқалардан иборатдир», «Опоқ бўлут изғир саросар», «Тарғилланиб бормоқда осмон», «Тонг отмоқда. Тонг ўқлар отар» сингари шеърларида), 70—80-йилларга келгач, ушбу тамойил лирик қаҳрамон қалбини намоён этишда тимсоллар, метафоралар, истиоралар билан бойиш ҳисобига ифода воситаларини кенгайтирганлигини кузатиш мумкин.

Рауф Парфи ҳаёт материалларининг ўзини эмас, лирик қаҳрамон маънавиятига кўрсатган акс таъсирнинг кечинмалар, туйғулар манзарасини чизади. Шу боисдан ҳам уни руҳият мусаввири, дегинг келади. Биз шоир лирикасидаги руҳият манзараларидан ўз ҳаётини ҳамда маънавий-эмоционал, интеллектуал тажрибамизга кўра фалсафий-эстетик маъно уқишга интиламиз. «Санъат тушунчаси» шеъри шу жиҳатдан характерли:

Санъат

киприкларини темир дор қилиб
Унга муз ёшларини осар.

Санъат

инсоннинг шоҳ томирларини
Бўронли бир денгиз шаклида босар
Вужудим хужраси

уч миллиарддан ортиқ.

Ҳар хужрада олти қитъа —
Яшамак санъати шу олтиликда
Шу манзилда икки ранг аниқ.
Икки ранг: оқ ва қора

Ҳақиқат ва ёлғон.

Эй, жафокаш ҳақиқат.

Бу санъат,

санъат.

Сан..

Шоир талқинидаги санъат тушунчаси, хусусан, санъатда ифода воситаси сифатида хизмат қилган икки ранг — бу ижтимоий ҳаётдаги ижтимоий кучлар тушунчасини англатишга кўчади. Шу ўринда Рауф Парфининг ҳаёт материаллини бадий талқин қилишдаги ўзига хослиги яна бир бор намоён бўлади. У санъатдаги икки рангдан ижтимоий воқелик рангларининг мазмунини англайди ва ўқувчига ҳам шу нарсани англатади. Рауф Парфининг поэтик шакл борасидаги изланишлари ҳам диққатга сазовордир. Ушбу мажмуадан ўрин олган «Туйғулар» туркумидаги учликлар ўзбек лирикасида янги поэтик шакл. Шарқ шеърлятида фикр-мушоҳадакорликнинг афористик характерда тажассум топган тўртлик, фард сингари гўзал поэтик шакллари ўқувчиларга яхши маълум; улардаги ижтимоий-фалсафий, ахлоқий йўналишдаги мазмун қуюқлиги, маъно теранлиги шеърлят мухлислари томонидан юксак қадрланади.

Рауф Парфининг «Туйғулар» туркумидаги учликларида кечинмалар тўлқини жўш уриб туради.

Шоир шеърларида оқ ранг образига кенг ўрин берилган. У табиатда, ҳаётда одамлар феъл-атворида, воқелик рангларида учрагани каби турфа маъно қирралари билан ифодаланади. Шу боисданми, унинг шеърларидан оппоқ ҳарорат, оппоқ бир мусиқийлик, оппоқ бир ойдинлик руҳимизга оқиб киради ва тансиқ ҳиссиёт мисоли қалбимизга сингиб кетади...

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари кандидати

«БОРСА КЕЛМАС» МУАММОЛАРИ

Жонрид Абдуллаханов. «Барсе келмес», «Советский писатель» нашриёти, Москва—1981.

Кейинги йилларда адабиётда инсон ва табиат муносабати мавзуини еритишга эътибор кучайди. Чунки, табиятни муҳофаза этиш, гўзаллигини сақлаб қолиш ҳамда табиат кўркига зеб бериш ва уни турмуш фаровонлиги йўлида хизмат эттиришдек машаққатли иш долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, инсон ўз тафаккури, фикру хаёли, метин иродаси ва заҳматли меҳнати ҳамда мўъжизакор куч-қудрати билан табиат бағридаги қадимий қақроқ чўлларга-ю, қум тўзонларига ўранган саҳроларга гўзаллик ва ҳаёт ато этмоқда. Ёзувчи Жонрид Абдуллахановнинг «Советский писатель» нашриёти томонидан чоп этилган «Барса келмас» трилогияси ана шундай иродали, яратувчи, меҳнаткаш, бардошли замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилади.

Трилогиянинг биринчи китоби «Орият» («Совесть и честь»), иккинчи китоби «Барса келмас» («Барсе келмес»), учинчи китоби «Қундуз» («Кўндуз») деб номланган. Ёзувчи бу асар устида ун икки йил меҳнат қилди. Ўз қаҳрамонлари ҳаётини, воқеа бўлиб ўтадиган жойларни синчиклаб ўрганди.

Адиб Орол денгизи ва Амударё бўйлари, Устюрт даштини кезди, у ернинг габиатини, ҳайвонот оламини ўрганди, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари билан танишди. Дастлаб бу таассуротлар очеркларда тасвирланди. Кейинчалик «Барса келмас» трилогияси учун материал, манба бўлиб хизмат қилди.

Асарнинг чоп этилиш тарихига келсак, трилогиянинг биринчи китобидан олдин иккинчи ва учинчи китоблари Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан 1978 йилда «Барса келмас» номи билан бир жилд остида эълон қилинган эди. Шу нашриёт 1979 йилда асарнинг биринчи китобини Борис Ресков таржимасида «Барсе келмес» (Книга первая «Совесть и честь») номи остида рус тилида нашр этди. 1980 йилда эса «Ёш гвардия» нашриёти «Орият» номи билан уни ўзбек тилида чоп қилди. Ниҳоят «Советский писатель» нашриёти ҳар учала китобни яхлит ҳолда «Барсе келмес» деган номда нашр қилиб, маълум чалқашлик ва англашилмовчиликларга барҳам берди. Асарнинг ўзбек тилидаги варианты билан рус тилидаги яхлит вариантини солиштирганимизда ёзувчининг яна бир меҳнат машаққати кўзга яққол ташланади. У ҳам бўлса, адибнинг роман текстини таржиманом билан бирликда чуқур таҳрирдан ўтказгани, ўзбекча нусхасида сезиладиган баъзи ўринлардаги баёнчилик ва такрорийликка барҳам бергани билан боғлиқ масаладир. Адиб ва таржимоннинг бундай ҳамкорлиги асарнинг сиққилигини таъминлаши билан бирга таржи-

ма савиясининг яхши чиқишига сабаб бўлганлигини ҳам қайд этиш лозим.

Трилогияда қўйилган инсон ва табиат муносабати мавзуси — ижодкор олимлар ҳаёти ва илмий кузатишлари, улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, Орол денгизининг тақдири, муаммолари, ҳайвонот ва табиат орасидаги ечилиши лозим бўлган илмий ва амалий масалалар каби ҳаётий долзарб проблемалар фонида очилади.

Ёзувчи ўзи тўплаган ҳаёт материалларини саралаб, умумлаштирган ҳолда бадий жиҳатдан пухта ва қизиқарли тасвирлашга ҳаракат қилган. Адиб асарнинг бош қаҳрамони Темир Йўлчиев ва унинг атрофида ҳаракат қилувчи Назиржон Набижонов, Ойша Арслонова, Довулбой ота, Қундуз, Тожиддин Султонов сингари ижобий образларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос хусусиятини курсатишга интилган.

Китобнинг «Барса келмас» деб номланишида катта рамзий маъно бор. Ўзбек халқ эртакларида ҳикоя қилинишича, йўлга чиққан қаҳрамон олдида учта йўл пайдо бўлиб, биринчиси «Барса келар», иккинчиси «Барса гумон», учинчиси «Барса келмас» дейилган. Афсонавий қаҳрамон кўп ҳолларда «Барса келмас»ни танлаб, ниятига етгунча кўп тўсиқларга дуч келган ва уларни енгишга ўзида куч топа олган.

Жонрид Абдуллаханов асарини шундай номлаб ҳақиқатдан ҳам Орол денгизи соҳилларини қўш учса қаноти, одам юрса оёғи куяйдиган саҳродан иборат «Барса келмас» бўлганлигига ишора қилади ва эндиликда уни табиатнинг гўзал «келинчаги» га айлантираётган мард, олижаноб инсонлар образини тасвирлашни асосий мақсад қилиб олади. Шунинг учун ҳам адиб Темиржон Йўлчиев билан «Барса келмас»га йўл олган қаҳрамонини ҳам рамзий маънода Темиржон Йўлчиев деб атаган бўлса ажабмас. Демак, ёзувчи асар номига ҳам, қаҳрамон исмига ҳам маълум бир маъно юклагандай кўринади.

«Барса келмас»нинг биринчи китоби «Орият»да адиб Темиржон Йўлчиевнинг мустақил ҳаёт йўлига чиқиш сари интилишларини тасвирлар экан, китобхонни унинг болалик, ўспиринлик, студентлик йиллари, оилавий шароити, яшаган муҳити билан таништиради. Темиржоннинг отаси вафот этган, унинг васиятига биноан профессор Жамоловга шогирд тушгани ва қизи Юлдуз билан танишуви, қалбда туғён урган севгининг тотли ва аччиқ дамлари, ўстозининг раъйига қараб кўнгли хушламаган соҳага кириши каби ҳолатлар асарда жозива билан тасвирланган. Шунингдек, устоз ва шогирд ўртасида туғилган ғоятда чигал ва зиддиятли мураккаб вазият ҳам ишонarli тарзда курсатилган. Профессор Илдам Жамолов Темиржоннинг отаси Мардон Йўлчиев билан аввалдан илмда қарама-қарши одамлар эди. Шунга қарамадан Мардон Йўлчиев вазмин, бағри кенг ва

ҳамма одамга ишонувчан инсон бўлгани сабабли профессор Жамоловнинг эски гуноҳларини кечирган, ҳатто вафоти олди-дан ўзининг сеvimли фарзанди Темиржон-ни унга ишониб топширган эди. Дастлаб Жамолов Темиржон назарида яхши одам-дай, меҳрибон раҳбардай, шогирдига нуқул яхшиликни раво кўраётгандай туюла-ди. Аммо аста-секин унинг ҳақиқий қиёфа-си равшанлаша бошлайди. Профессор Ил-дам Жамолов Темиржонга ўхшаш ҳақиқий илм фидойиларидан кўра Ғойибга ўхшаган югурдакларни, истеъдодсиз дастёрларни ёқтиради, уларни қўллаб, уларга суянади. Оқибатда Темиржон устози билан кели-шолмай, бу даргоҳдан кетишга мажбур бў-лади. Лекин у хайрли ишга қўл уради, қалб амрига бўйсунди. Отаси ҳаётлигида бош-лаган савобли ишини ниҳоясига етказол-май оламдан кўз юлган эди. Темиржон отасининг чала қолган режаларини амалга оширишга киришади. Орол денгизи атро-фини кўкаламзорлаштириш ишига бел боғ-лайди ва бу ишда жонбозлик кўрсатади. Ёзувчи шу каби воқеалар тасвирини бер-ганда Темиржоннинг руҳияти ва характери-да юз берган ўсиш-ўзгаришларни реал кўрсатишга эришган. Дарҳақиқат, ўз усто-зига, қолаверса, севган кизи Юлдузнинг отасига қарши туриш юксак эътиқод ва соф виждон эгаси Темиржон учун осон эмас эди. Бироқ Темиржон учун бундан ўзга йўл йўқ эди ҳам. Хуллас, романинг биринчи китоби бош қаҳрамондаги изла-ниш, ҳаётда ўз йўлини топиш учун олиб борган машаққатли курашларини кўрсатиши жиҳатидан ибратлидир. Кези келганда, ма-на шу ҳолатлар тасвирида маълум дара-жада схематизм ва юзакилик борлиги ҳам-да бу ҳол ўзбек танқидчилигида тўғри кўрсатилганлигини ҳам қайд қилиб ўтиш керак.

Китобхон иккинчи ва учинчи китобларни ўқиш мобайнида, Орол денгизининг муам-молари, табиат манзаралари, у ернинг ҳайвонот олами, кишиларнинг турмуш тар-зи ҳамда расм-русмлари билан танишиб боради. Шунингдек, Темиржон ва Кундуз муносабати, улар йўлига тўғаноқ бўлган

Матназарнинг қилмишлари тасвирланади.

Жонрид Абдуллахонов шундай ўринлар-да қаҳрамонлар тақдирини табиат билан уйғу: ҳолда кўрсатиб, уларнинг маънавий оламини, дунёқарашини табиатга бўлган меҳр-оқибати воситасида ишонарли очиб берган. Асарда инсон — табиат фарзанди эканлиги, табиатга бўлган муҳаббат аини замонда инсониятга бўлган муҳаббат экан-лиги ғояси шу тарзда рамзий ифодалан-ган. Темиржоннинг отаси бошлаган ишга қўл уриб, уни ниҳоясига етказиш йўлида-ги уринишлари, бу борада тортган қийин-чиликлари Кундузнинг Орол атрофидаги ҳайвонот оламини сақлаб қолиш йўлида чеккан заҳматлари ҳам ишонарли, ҳаётий қизилган.

Табиат ва ҳайвонот оламининг ашаддий душмани бўлган Матназар одамларга нис-батан ҳам меҳрсиз, ҳам шафқатсиз. У икки аёлнинг бахтини ҳазон этади, Темиржонга зуғум қилади, ниҳоят Кундузхоннинг қоти-лига айланади. Китобдаги бу воқеалар тас-вири қизиқки билан ўқилади.

Асарда Темиржон образи орқали социа-листик жамиятимиз кишилари характери-нинг маънавий жиҳатдан ўсиши, бу улға-йишнинг асосий омили эса меҳнат шароити ёки қаҳрамонни қуршаб олган муҳит эканлиги кузатилади. Темиржоннинг ҳаёт йўли мураккаб кўринишга эга. У ҳақ йўлни танлаб, бу борада курашади. Темиржонда-ги кучли ирода, ҳалоллик, тиришқоқлик, чуқур дунёқараш, меҳнатсеварлик инти-лишларини рўёбга чиқаради.

Китобнинг айрим ўринларида тасвирда серсўзлик, гоҳо эса баёнчиликка мойиллик ҳоллари учрайди. Лекин бу каби камчилик-лар адиб кўтарган проблема қаршисига унчалик сезилмайди.

Қисқаси, асар ёшларимизнинг табиатга бўлган ҳавасини орттириб, уни кўз қорачи-ғидек асрашга ва уларни бу йўлда толмай ҳаракат қилишга ундайди. Назаримизда ро-маннинг қиммати ҳам ана шу билан белги-ланади.

Норқул БЕКМИРЗАЕВ,
филология фанлари кандидати

ЎЗБЕК РУБОИЎТИ ТАҲЛИЛИ

Иброҳим Ҳаққулов. *Ўзбек адабиётида рубоий*. «Фан» нашриёти. Тошкент — 1981.

Кейинги вақтларда ўзбек классик ада-биётида кенг қўлланилган айрим поэтик шакллар тарихини махсус ўрганишга ба-ғишланган қатор тадқиқотлар юзага келди. Ғазал ва бошқа лирик жанрлар ҳақидаги тадқиқотлар шулар жумласидандир. «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган ёш ада-биётшунос олим Иброҳим Ҳаққуловнинг «Ўзбек адабиётида рубоий» номли моно-графияси ҳам шу тилдаги ишлардан бири-дир. Унда рубоий жанрининг поэтикаси ва ўзбек адабиётидаги тадрижи, такомил борасида баҳс юритилади.

Тадқиқотчи академик А. Н. Веселовский концепциясидан келиб чиқиб, маъкур жанр тарихини унинг назарий асосларини таҳлил этишдан бошлайди. Шу сабабли китобнинг «Рубоий поэтикаси» деб номлан-ган биринчи бобда «рубоий» сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари, унинг адабий жанр сифатидаги таърифи, фор-мал-поэтик хусусиятлари, классик поэтикага оид асарлардаги рубоийга оид фикрлар, рубоийнинг дубайтий ва тарона билан му-носабати, қофияланиш системаси, компо-зицион-структуал ўзига хослиги, тематик таснифи каби қатор назарий масалалар янги фактлар асосида чуқур тадқиқ этила-ди. Муаллиф кўп сонли илмий ва адабий-баддий манбаларга таяниб, рубоий поэти-

касига оид ўз қарашларини дадил илгари суради. Шунингдек, бу боб айрим мунозарали ўринларга ҳам эга. Тадқиқотчи Воҳид Табризий, Фазуллоҳ Сафо, Муҳаммад Хусайн каби олимларнинг фикрига қўшилгани ҳолда классик поэтикада, шу жумладан, Навоий ва Бобирларнинг аруз ҳақидаги тадқиқотларида ўзаро синоним истилоҳлар сифатида қўлланилган рубоий, дубайтий ва тарона каби поэтик шакллари мустақил адабий жанрлар деб таърифлашга мөйиллик кўрсатади. Бизнингча, бу борада Алишер Навоийнинг «**рубой**» вазниким, ани «**дубайтий**» ва «**тарона**» ҳам дерлар...» (Бу ва кейинги таъкидлар бизники — Ш. Ш.) ҳамда Бобирнинг «**Билгилким, рубойиким, — дубайтий**» ва «**тарона**» ҳам дерлар, вазни ҳазаж баҳрининг музоҳофотиндир» деган назарий фикрлари асос қилиб олинса, ўринли бўлур эди.

Монографиянинг салмоқли қисмини «Ўзбек рубоёти тарихи» боби ташкил этади. Бу бобда рубоий генезиси, туркий халқлар оғзаки ижодиётида яратилган тўртликларнинг рубоий жанрининг юзага келишидаги роли ва аҳамияти, Навоий ва Бобирларнинг ўзбек адабиётидаги рубоий жанри тараққиётида туган ўрни, мазкур шоирларнинг бу жанрдаги ижодиётининг энг муҳим жиҳатлари, жанрнинг XVI—XIX асрлардаги таджирий тақомили каби масалалар ўзбек адабиётининг умумривожланиш қонуниятлари асосида ва қисман форс-тожик рубоёти билан қиёслаган ҳолда ўрганилади. Муаллиф профессор Э. Э. Бертельсининг қадимги араб шеърлатига хос бўлмаган рубоий жанрининг илдизлари туркий халқлар поэзиясида кенг тарқалган тўртликларга бориб тақалиши ҳақидаги мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаб, бу нуқтаи назарни конкрет далиллар асосида исботлаш ва чуқурлаштиришга муваффақ бўлган. Аммо муаллиф классик поэзиядаги аруз вазнида битилган рубоий ва мураббаъ каби жанрларнинг пайдо бўлишида дастлабки муҳим омил ва туртки бўлиб хизмат қилган халқ тўртликларини «тўла ишонч» билан «**рубойи жанрининг дастлабки намуналари**» (30-бет) тарзида баҳолайдики, бунга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Тадқиқотчи ўзбек халқ оғзаки ижодига мансуб тўртлик шаклидаги бармоқ вазнида ёзилган қўшиқ, терма, ўлан, лапар каби мустақил шеърини формаларни «**халқ рубойлари**» (32-бет) тарзида «кашф» қилади. Шунингдек, у Юсуф Хос Ҳожибнинг арузнинг мутақориб баҳрида ёзилган айрим тўртликлари ва Лутфийнинг раман баҳрида битилган тўртликлари — тажиссиз туюқларини ҳам «**рубойи формасидаги шеърлар**» (35—38-бетлар) сифатида таҳлил этади. Муаллифнинг адабий фактларни тадқиқ этишдаги бу хил ўзига хос «услуби» ва сунъий терминология яратиши китобнинг биринчи бобида унинг ўзи томонидан маъқулланиб, иқтибос сифатида келтирилган таниқли адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқовнинг «**Ҳар қандай тўртлик рубоий бўлавермайди**». Бирор тўртликни «**рубой**» деб аташ учун унда тугал мазмун, рубоий шакли бўлишдан ташқари, **рубойи вазни ҳам бўлиши керак**. Тўртлик қанчалик чуқур маъно ва гўзал шаклга эга бўлмасин, агар у **рубойининг махсус**

вазнига тушмаса, **рубойи бўла олмайди**» деган назарий жиҳатдан тўғри фикрларига зиддир. Классик поэтикада стабиллашиб, муайян адабий-бадий қонуният тусини олган рубоий жанрнинг формал-поэтик хусусиятларини инобатга олмаслик юқоридагидек мантиқий жиҳатдан асоссиз, назарий жиҳатдан чалкаш хулосаларга олиб келиши мумкин.

Монографиянинг Навоий ва Бобир рубоийлари таҳлиliga бағишланган қисмлари мароқли ўқилади. Тадқиқотчи биринчи марта Навоий рубоётини комплекс тарзда таҳлил этиш йўлидан бориб, шоир девонлари шеотчаларидаги рубоийлар ҳамда «Муншаот», «Девони Фоний», «Назм-ул-жавоҳир»даги рубоийларини унинг бошқа асарларидаги айрим ўринлар билан чоғиштирган ҳолда тадқиқ этади. Ғоёвий-тематик таҳлилни эстетик анализ билан қўшиб олиб бориш монографиянинг муҳим фазилатларидан бири сифатида кўзга ташланади. Муаллиф мазмун ва шаклнинг диалектик бирлиги масаласини Навоий ва Бобир рубоёти мисолида чуқур ёритишга муваффақ бўлган. Айниқса, Бобир рубоийлари тадқиқоти ўзининг оригинал фикр ва нозик мушоҳадаларга бойлиги ва қиёсий таҳлилни кучлироғи билан ажралиб туради. Аммо монографиянинг Навоий ва Бобирдан кейинги ўзбек рубоийнавислиги тадқиқотига оид қисмлари фатик материалларга камбағал бўлиб, таҳлил йўналиши жиҳатидан олдинги ўринларга қараганда анча сустдир. Чунки муаллиф XVI—XIX асрлардаги рубоий жанрининг тарихий тараққиёт йўлини Хожа, Ҳувайдо, Мунис, Огаҳий, Комил, Аваз каби шоирлар ижодидан олинган намуналар асосида таҳлил этиб, бу даврда мазкур жанрда баракали қалам тебратган ўнлаб шоирларнинг рубоийларини назардан четда қолдирган. Бизнингча, тадқиқотчи номлари зикр этилган шоирларнинг матбуотда эълон қилинган рубоийлари таҳлили билан кифояланмасдан қўлёзма манбаларга мурожаат қилиш воситасида Муҳаммад Солиҳ, Убайдий, Ҳозик, Маъдан, Шуқурий, Мужрим Обид, Шавқий Каттақўрғоний, Юсуф Сарёмий, Табибий, Муҳаййир каби қатор шоирларнинг бу жанрда ёзган шеърларини тадқиқот объектига олиб кирганда, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Зотан, монографиянинг «Ўзбек адабиётида рубоий» деб номланиши ҳам тадқиқотчидан шуни тақозо этади.

Яна бир жиддий мулоҳаза муаллифнинг монография хотимасида айтган «Навоийгача бўлган ўзбек шоирлари орасида рубоий хусусидаги классик поэтика кўрсатмаларига қатъий амал қилиб ижод этган рубоийнавис йўқ» деган узил-кесил хулосаси ҳақидадир. Аввало, бу борада юқоридагидек қатъий хулоса чиқариш учун ҳали эрта, яъни биз бу соҳада ҳозирча етарли фатик материалларга эга эмасмиз. Чунки Навоийга қадар яшаб ижод этган Атойи, Гадоий, Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Лутфий каби шоирларнинг ижодий мероси ҳозиргача тўла тикланган эмас. Шу сабабли мазкур шоирларнинг айримлари рубоий ёзган бўлишлари ва келажакда улар топилиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Иккинчидан, Навоийга қадар яшаб ижод этган хоразмлик ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий

адабий меросининг илмий истеъмолга олиб кирилиши ва унинг девонида ўн иккита рубоий мавжудлиги факти муаллифнинг қайд этилган хулосаси бир ёқлама эканлигини исбот этади.

Биз тадқиқотчининг ўзига хос таҳлил услуби, нозик мушоҳадаларга бой, назарий ва практик жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик кузатишлари борлиги ва шу жиҳатдан монография классик адабиётни тадқиқ этишга бағишланган қатор ишлардан ажралиб туришини алоҳида эътироф қилган ҳолда, кўпроқ эътиборни мунозаравий масалаларга қаратдик. Зотан, тадқиқотчининг

ўзи қайд қилганидек, «китобда кенгрон эътиборга муҳтож ёки талқинини топмаган нуқталар, мунозарали ўринлар» мавжуд. Биз ушбу фикрларга тўла қўшилган ҳолда, тадқиқотчининг бу эътирофини ўзбек рубоёиети каби мураккаб ва кўп қиррали, ранг-баранг соҳани янада чуқурроқ ўрганиш муаллиф томонидан келажакда давом этажигига ишора деб биламиз ва унинг бу соҳадаги хайрли ишларида омад тилаймиз.

Шарафиддин ШАРИПОВ,
филология фанлари кандидати

ГЎЗАЛЛИК ТУЙҒУСИ

Нортўхта Қиличев. Оппоқ тонг. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1981.

Нортўхта Қиличев. Ёронгул. «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент — 1981.

Ёш адиб Нортўхта Қиличев ҳикояларида оддий одамлар ва уларнинг ҳаётидаги қарама-қаршиликлар ҳақида ўйчан, синчковлик билан сўзлайди. Фикримизни унинг бирин-кетин нашр этилган ilk тўпламлари «Оппоқ тонг» ва «Ёронгул» тасдиқлайди. Ижодкор ҳикояларида қаҳрамонларнинг касб-кори, машғул бўладиган иши хусусида гапирмайди. Унинг учун муҳими, қаҳрамонларнинг маънавий оламини кўрсатишдир. Қаҳрамонларнинг руҳий аҳволини бадиий тадқиқ этиб, софдиллик ва беғуборликни улуғлайди, инсонийликка, ёт бўлган разиллик ва ифлосликни қоралайди. Ёш адиб инсон қалбидagi ана шу қарама-қаршиликларни, ҳаётдаги зиддиятларни реалистик тасвирлаш орқали замондошнинг маънавий дунёси билан боғлиқ бўлган муҳим белгиларни кўрсатишга интилади.

«Оппоқ тонг» тўпламига кирган «Тонгдек ойдin намозшом» ҳикоясининг қаҳрамони Асқарни биринчи бор ҳардамхаёл кийфада, тажанг бўлиб турган аҳволда учратамиз. Хотини Зулайҳо билан унинг ўртасида рўй берган можаро уни ўйга толдиради: «Нимага бунчалик жиззаки бўлиб кетяпман-а!» Асқар ўзига берган бу саволига жавоб излай бошлайди. «Арзимаган гапга шунча дилхиралик! Пул... баҳона. Ҳаммасига.. бола сабаби — шунда ички бир овоз фикрларига қарши чиқиб: «Йўқ, бу ҳам эмас! — деди қатъий йўсинда. — Узинг ахир ишингдан, одамлардан, умуман, яшашдан безиб боряпсан-ку!» У ботинан бунга иқрор бўлди. Ўз қаҳрамонини «шарпа каби таъқиб этаётган» хаёллар, аламга тўла кечинмалар ҳақида ҳикоя қилар экан, қаламқаш муҳим ахлоқий масалани ўртага ташлайди. Асқар катта орзумидлар билан ҳаётга қадам қўйган. Лекин мана шу юксак ниятларини амалга ошириш учун нима қилди? Унинг ҳамма нарсаси бор, кимсан Сэмандар раиснинг куёви. Қайнатаси: «Каттакон бир кесалхо-

нанинг бош врачисиз, данғиллама ҳовли-нгиз, минсангиз «Волга»нгиз, суйсангиз хотинингиз бор. Бўлди-да!» дейди. Бироқ, инсон бахти шундамикан? Асқар бир пайтлар муҳтожликдан кўрқди, мақсадларига осонликча эришишни ўйлади. Ўзи севган Бикажондан, юксак орзуларидан, илмий кенгаш қабул қилмаган тадқиқотидан ҳам юз ўгирди, ҳавойи орзуларга берилди. «Асқар нажот йўли — мансаби, машинаси, ҳовлиси, одамларнинг сохта хушомади-ю, улар ортида заҳарханда киноя билан жилмайиб турган хотинидан воз кечиб, эзгу мақсадлари сари бадар кетиш, деб биларди». Энди бир пайтлар тоғаси огоҳлан-тирган нарса рўй берган — Асқар эрку ихтиёрини бой бериб қўйган, ўзлигини ҳимоя эта олмаган, ўзи бир шарпага айлан-иб қолган. Қишлоқдаги одамлар унинг номига лақабини қўшиб айтишади. Улар «шунга ўрганиб қолишган». Асқарни станцияга элиб қўйган шофёр йигит соддадиллик билан: — «Мен сизни танийман, раис бобомизнинг куёвларисиз», дейди. Бу гап Асқарнинг нафсониятига тегса-да, энди унда «ҳамма нарсадан воз кечишга» на ирода, на куч-қувват қолган.

Ҳикоянинг сўнггида Асқар поезд купесига тасодифан Бикажон билан учрашади. Сўхбат давомида Бикажоннинг турмуш қийинчиликларини зўр ирода билан қарши олганлиги ва келажакка ишончини кўриб, «руҳида кўпдан буён сезмаган бардамлик»ни ҳис этади. Энди кўзига ҳамма нарса яхши... беғубор, қадрдон кўриниб кетади. Бу ҳақда қаламқаш ўз ҳукмини чиқармайди, алмо ҳикоянинг «Тонгдек ойдin намозшом» деб номланиши бежиз бўлмаса керак...

Ҳаёт мураккаб қарама-қаршиликларга тўла: гўзаллик ва хунуқлик, эзгулик ва ваҳшийлик, тўғилиш ва ўлиш доимо ёнма-ён туради. Ҳаётдаги ана шу мураккаб муайёсabatларга биринчи бор тўқнаш келган инсонда — ҳали шафқатсизлик, ваҳшийлик, ўлим билан таниш бўлмаган гўдак кўнглида қандай туйғулар кечади? Булар унинг руҳиятига қанақа таъсир кўрсатади? Бу хусусда ёш ижодкорнинг «Юзма-юз» ҳикоя-суда фикр юритилади.

Ёш адибнинг иккинчи тўпламидан жой

олган «Ёронгул» ҳикоясида эса ўз она қишлоғидан Тошкентга келиб, илмий текшириш институтларининг бирида ишлаётган ёш олим Асрорқулнинг қалбида кечаётган туйғулар билан танишамиз. У ота-онасини, хотини, ўғли Элмуродни, қишлоғини соғинган. Шаҳардаги ҳамма нарса унга бегонадек: «Атроф-теварак аллақандай фэйсиз бир тусга кирган. ...Осмён хўмрайиб олган: баланд иморатлар... аллақандай хира соя каби кўзга ташланади».

Асрорқул табиатни севади, кўм-кўк ажриқ ва майсалар қоплаган нишаблик, ундан ластда шарқираб оқаётган сув, хушбўй ис таратиб турган, гуллаган дарахтлар, қизча кўлидаги ёронгул... Унинг туғилиб ўсган қишлоғига, қадрдон кишиларига нисбатан муҳаббати, ўқувчи кўзи ўнгида ажиб сеҳрли куч билан намоеён бўлади. Бу куч қалб тозалигини сақлаб қолишга ёрдам беради, инсонга, унинг имкониятларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Инсонга, инсон қалбининг покликсизлиги ишонч туйғуси «Мўъжиза» ҳикоясида ҳам давом эттирилган. Ёзувчи диққат Толибжон ва Ёқуб Тешаевичнинг ўй-фикрларини, қалбида кечаётган ғалаёнларини, руҳий изтиробларини қўзатади; Ёқуб Тешаевич иккиланади. У жуда кўп қийналса керак сочлари оқариб кетган. Унинг кўз ўнгига турмуши бузилган қизнинг хомуш қиёфаси келади, кунда рўй бераётган оилавий машмашалар эсига тушади. У нима қилсин? Бошлигининг ниятларини англагандек бўлган Толибжон маъюслик билан унга разм солади. «Буюк Тагор ҳақ: «Инсон покиза яшамоғи учун лоақал худо бўлмоғи керак», — деган фикр ўтади

унинг ҳаёлидан. Лекин Ёқуб Тешаевич ўзининг ёшлик йилларини, дўстларини эслайди, виждон овози ундаги иккиланишларни босиб кетади. Тўрт хонали квартиранинг ордерини Толибжонга узатади. Мўъжизами? Ҳа, мўъжиза! Бу Ёқуб Тешаевичнинг илгариги ниятларидан халос бўлишини эмас, шунингдек, Толибжон кутган нарсанинг акси содир бўлганини ҳам эмас, балки инсонга нисбатан йўқолаётган ишончнинг кучайганлигини билдиради.

«Қушлар учиб кетдилар» ҳикоясида гўзалликнинг разилликдан устунлиги ҳаётий тасвир асосида тасдиқланади.

Лекин доим ҳам ёш адиб қаҳрамонлари тўлақонлилик касб этавермайди. Жумладан, унинг «Оқим» ҳикоясидаги Султон «чаласавод мудир»нинг инсон қадрини ерга урувчи «одатлари»га қарши ўзида куч тапа олмайди. Султоннинг ушбу «хислати» янада чуқурроқ асосланиши лозим эди. Бу ижодкордан ҳали ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантириш йўлида тинмай изланиши, тил устида қўнт билан ишлаши кераклигини тақозо этади.

Шунга қарамай, ёш адибнинг инсонга нисбатан ишонч, меҳр барқ уриб турган, тенгдошлари ҳаётидаги воқеаларни шонрона руҳга йўғирилган ҳолда акс эттирган ҳикоялари китобхон кўнглида яхши ҳислар уйғотиб, уларни атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмакликка ундайди.

Ҳар икки тўпламдаги ҳикояларга жо этилган қаламқашнинг фикрлари китобхон қалбига сингиб кетади.

Улугбек САИДОВ.

РЕЖИССЁРНОМА

Нафиса Зоҳидова. Тошхўжа Хўжаев,
Ғафур Ғулум номидаги
Адабиёт ва санъат наشريёти.

Шу пайтгача ўзбек театршунослиги миллий режиссура ва режиссёрлар олдидан катта қарздордек бўлиб қолаётган эди. Маннон Уйғур, Ятим Бобожонов, Александр Гинзбург, Музаффар Муҳамедов, Раззоқ Ҳамроев каби забардаст режиссёрлар ижоди ҳақида ҳанузгача арзирли бирор иш қилинмаган эди. Ҳолбуки, юқоридаги режиссёрларнинг ижодий меросини ўрганишнинг ўзидек, ўзбек режиссёрномасининг ардоқли саҳифаларини ташкил этган бўларди.

Мана, ниҳоят бу саҳифага сарлавҳа қўйилди. Ўзбек театри режиссураси ривожига катта меҳнати синган атоқли режиссёрлардан бири Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, Абдулла Тўқай номи Татаристон АССР Давлат мукофоти лауреати Тошхўжа Хўжаев ҳақида ҳажман ихчам, аммо мазмунан салмоқли асар нашр этилди.

Театрнинг уч муҳим компонентидан бири бўлган ўзбек актёрлиги санъати проблемалари ижобий ҳал этилгани ҳолда, ре-

жиссура ва драматургия муаммолари кескин тус олиб бораётганлигининг ўзи ҳам ўзбек режиссёрномасини яратиш масаласи нақадар муҳим эканлигини кўрсатади. Шу жиҳатдан қараганда Тошхўжа Хўжаевни шахсан кўрган, унга яқиндан таниш бўлган, репитициялари жараёнида иштироқ этган театршуно олима Нафиса Зоҳидова китобининг пайдо бўлганлиги диққатга сазовордир.

Тошхўжа Хўжаевнинг ижоди, унинг шахси каби мураккаб ва ибратлидир. Олима ҳам таъкидлаб ўтганидек, Тошхўжа Хўжаев ўз ижодий чўққисига яқинлашган, бадий программаларини эндигина амалга ошираётган бир пайтда, бемаҳал оламдан ўтди. Унинг не-не ижодий режалари онгида, қоғозларда, қораламаларда қолиб кетди. Шунга қарамай у шу қадар бой, сермазмун ва ранг-баранг ижодий мерос қолдирдики, улар қўллаб илмий ишларга, тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қила олади. Шу маънода Нафиса Зоҳидованинг китоби режиссёрнинг ижодий оламига билдирилган ҳурмат-эҳтиром натижасидир. Агар йирик рус режиссёрлари ҳақидаги шу каби китобларга қиёс этиладиган бўлса, Тошхўжа Хўжаев ҳақидаги бу рисолини бўлажак ҳақиқий моногра-

фиянинг айрим қимматли саҳифалари, деб айтиш мумкин.

Тошхўжа Хўжаевдан ўзи ҳақида гапириб беришини сўраганларида, «Менинг кимлигимни билмоқчи бўлсангиз, спектаклларимни кўринг, ўзим ҳақимда бошқа ҳеч гап илова қила олмайман» (159-бет) деган экан. Китоб муаллифи ҳам ана шу принципга амал қилиб, режиссёрнинг ижодий меросига, спектаклларига мурожаат қилиш, уларни илмий таҳлил этишдан иборат ягона методологик тўғри йўлдан борган.

«Тошхўжа Хўжаев» тадқиқотининг илмий-таълиқий савияси ҳам алоҳида эътиборга арзигulikдир. Даставвал, илмий мураккаб масалалар таҳлил объекти қилиб олинган бу асарнинг ғоят ўқишли эканлиги раволиги, қизиқарли ёзилганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, Тошхўжа Хўжаевнинг етимлиги, балет мактаб-интернатида таҳсил олиши, оркестр «коробкаси»да ўтириб дафъа-дафъа «Гамлет» спектаклини томоша қилганлиги, драма ҳаваскорлик тўғрарига қатнашуви, 1937 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига иштирок этиши, пойтахт театрларида спектакллар кўриши, Муқимий номли театрда раққос, бутафор, сахна ишчиси бўлиб ишлаганлиги, деярли барча спектакллардаги барча роль текстларини ёд билганлиги, хулласи, унинг театр даргоҳида вояга етганлиги ҳикоя қилинган. Энг муҳими эса, ана шу саҳифаларда бўлажак улкан режиссёр санъатининг илдиэлари очилган. Бу китоб муаллифининг шубҳасиз қатта ютуғидир.

Китобда Тошхўжа Хўжаев саҳналаштирган спектаклларнинг айримларигина таҳлил объекти қилиб олинган ва ҳажм имкониятларидан келиб чиқиб, шуларнинг ҳам энг муҳим қирраларини ёритиб бериш билан чекланилган. Тадқиқотчи Тошхўжа Хўжаев режиссурасининг моҳиятини нафис ва мантиқий теран қатламларини, ғоявий-бадий концепцияларининг материалистик асосларини очишга ҳаракат қилган. Айниқса, «Қутлуғ қон», «Йўлчи юлдуз», «Сарвқомат дилбарим», «Ўғирланган умр», «Улимдан кўчли» каби спектакллар таҳлилида олима режиссёрнинг ижодий методи, программаси ва ғоявий-бадий қарашларини атрофлича ёрита олган.

Олиманинг режиссёр санъатидаги профессионал аниқлик ва теранлик, мантиқий изчиллик масалаларини ёритган саҳифалари ғоят ибратли ва қимматлидир. Мана, биргина мисол. «Сарвқомат дилбарим» спектаклида Илёс Асалга биринчи марта «Ҳой, кампир!» деб мурожаат қилади. Нега энди ёш йигит гўзал бир қизга «кампир» деб мурожаат қилади? Саҳна «тили»да тушунарсиз бўлган ана шу биргина сўзини асослаш учун Тошхўжа Хўжаев шундай саҳна бунёд этади: Тоғ йўлининг бурилиш бир еридаги четан билан тусилган кичик ҳовли. Бир кампир, зўр бериб эшик олдини супурмоқда. Шу пайт Илёс пайдо бўлади. У кампирга бир қараб кўйиб, йўлда тикилиб қолган машинасини чиқариш учун бир ёғочни олади-да, индамай чиқиб кетади. Шу пайт кампирнинг гўзал қизи — Асал кириб келади. Кампир бугун совчи келаётганлигини айтади-да, эшик олдини супуриб-сидиришини буяради. Қизнинг кў-

лига супурги ушлатиб, сочига чанг қўнмасин учун бошидаги рўмолини Асалга ўраб қўяди. Кампир кириб, кетиб, Асал супуришга киришганда, кўлида челақ билан сув қидириб, Илёс кириб келади-да, унга «Ҳой, кампир...» деб мурожаат қилади.

Кўринадики, биттагина сўзини Тошхўжа Хўжаев бутун бир таъсирчан ва мантиқий мустаҳкам воқеа билан боғлайди. Ҳолбуки, асар бирор ношуд режиссёр кўлига тушса, жонини койитмасдан шу биттагина сўзнинг баҳридан ўтиб қўя қолган ёки унинг мантиқий асосини четлаб ўтган бўларди. Асар муаллифи ижодига чексиз эҳтиром ва садоқат билан қарагувчи Тошхўжа Хўжаев эса Чингиз Айтматовнинг ана шу биргина сўзини ҳам авайлаб асради ва уни мантиқан мустаҳкам асослайди.

Китобда бу каби асосли профессионал аргументлар кўп.

Тошхўжа Хўжаевнинг актёрга муносабати, актёрлар билан ишлаш маҳорати масаласига қатта ўрин берилган ва ўзбек театри тарихи учун қимматли бўлган ҳақиқатлар таъкидланган. Шу маънода, режиссёрнинг «Улимдан кўчли» («Монсерро») спектаклида Турғун Азизов билан бирга амалга оширган ишлари тавсифи диққатга моликдир. «Монсерро образини яратиш учун,— деб ёзади Нафиса Зоҳидова,— режиссёр Турғун Азизовни «унга хос бўлган ташқи риторика, характерилик, декламациядан қўтқарди», (130-бет), «ҳусусиятларни ифода этишда ташқи эффектлардан узоқлаштирди», (ўша ерда) «об-разга ташқи томондан ёндашиб ўрганиб қолган Турғун Азизовни» (131-бет) «паузаларда тўғри ва самимий яшашга ўргатди». Тошхўжа Хўжаевнинг актёрлар билан ишлаш санъатидаги бундай профессионал қимматли хусусиятлари қадрлидир. Нафиса Зоҳидова улардан энг ибратлилари хусусида фикр юритади, ҳолос.

Китобнинг юқоридаги каби фазилатларини таъкидлаш билан бирга, айрим камчиликларини тилга олиб ўтиш ҳам фойдаланган ҳоли бўлмас деб ўйлаймиз. Жумладан, Тошхўжа Хўжаев «ўзбек саҳнасида ўз мактабини яратди» (7-бет) деган жумла бор. Бу тубдан нотўғри гап. Режиссёр ўз устозлари Маннон Уйғур ва Ятим Бобожоновлар мактабига содиқ қолиб, муайян ижодий ютуқларни қўлга киритганлиги маълум. Шунинг учун, бу масалаларда объективроқ бўлиш тақозо этилади. Шунингдек, унинг «Оила», «Мангу ҳаёт» каби режиссёрлик изланишларининг дастлабки босқичларидаги спектакллар «ўзбек театри тарихида бутун бир даврни ташкил этади» (22-бет), «Тошхўжа Хўжаев «миллий саҳна санъатининг аниқ истиқболдини белгилаб берди...» (47-бет) каби ўринсиз муболағалар борки, уларни ислоҳ ва таҳрир этиш шубҳасиз лозим эди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек режиссёрномасининг муҳим бир саҳифаси ёзилди. Бу саҳифа ёрқин ва ибратлидир. Шубҳа йўқки, истеъдодли олима Нафиса Зоҳидова ўз изланишларини дазом эттиради, ва йирик ўзбек режиссёри Тошхўжа Хўжаевнинг мукамал ва объектив ижодий сиймосини яратади.

Сотимхон ИНОМХУЖАЕВ,
санъатшунослик фанлари кандидати

Шиллар, хуржисайлар, Воқеалар

ЎЗБЕК ПОЭЗИЯСИНИНГ ШАЙДОСИ

Совет шеърляти ижодий услуби ва истеъдодига кўра ранг-баранг ижодкорларга жуда бой. Уларнинг барчаси бир улуғ мақсад — шахсни юксак коммунистик ахлоқ принциплари руҳида тарбиялаш йўлида ижод қиладилар. Поэзия бу вазифаларни шоир ўз ижодий принципларидан чекинмаган ҳолда акс эттирганда, ҳаққоний сўзлагандагина бажара олади.

Худди шундай сўз санъаткорларидан бири рус совет шоири Николай Николаевич Ушаковдир. Унинг номи кўпдан бери мамлакатимизнинг талантили шоирлари сафидан жой олган.

1927 йилда Н. Ушаковнинг «Республика баҳори» деган биринчи шеърлар тўплами нашр қилинди. Бу китоб шеърлятга яна бир ўзига хос, нозик дидли лирик шоир дадил кириб келаётганидан далолат берарди. Биринчи тўпландаёқ шоирнинг жиддий ҳамда босиқлиги кўзга ташланади. Китоб Н. Ушақовни ўзида бой классик анъаналар билан совет поэзияси тажрибаларини бирлаштирган юксак поэтик маданиятли шоир сифатида танитди. «Республика баҳори» саҳифаларида ҳаётбахш поэзия санъаткори биз билан сўзлаша бошлади. Унинг шеърларида инқилобнинг содда ва жиддий образи яшар эди. Н. Ушақов биринчилардан бўлиб лирикага саноат мавзусини олиб кирди. Шоир шеърларининг аксарияти баҳорни, яъни табиий ва ижтимоий ҳаёт баҳорини мадҳ этади. Шунинг учун ҳам Н. Ушақов шаҳарни, унинг индустриясини таърифлар экан, ҳар дафъа бизга домналар ёнида кунгабоқарнинг гуллаб турганини, уларсиз бизнинг оламимиз қашшоқлашиб кетишини уқтириб ўтади.

Оламга китобий кўз билан эмас, балки ўз назари билан, «синчков назар» билан қарашни шоир алоҳида қайд этади. У бутун умри давомида, юзаки қараганда у қадар кўзга ташланмайдиган, ҳаётини воқеалар — ер-сувлар, паровозлар, уруш инваллидлари, содда ва камтар одамлар, қороллар, ҳисобчилар ҳақида ёзадики, аслида бу янгича тушунча касб этган лирика эди.

Н. Ушақовнинг «Республика баҳори» (1927) тўпламига кирган шеърларидан тортиб то «Баҳор қасри» (1962) китобига жамланган асарларигача баҳор мавзуи етакчи ғоя сифатида жаранглайди. Албатта, гап фақат уларнинг номланишидагина эмас.

Моҳиятда. Моҳиятда эса, ҳар гал табиатнинг янгиланишида инсоннинг ҳаёти ҳам, жамият ҳам гўё қайтадан янгилангандек бўлади. Саёҳатга бўлган иштиёқ, олис ва яқин ўлкаларни кезиш туйғуси ижодкорни умрининг сўнгги дамигача тарк этмади. У мамлакатимизнинг турли бурчакларида бўлди.

Шоирнинг ижодий фаолиятида Ўзбекистоннинг ўрни ва таъсири алоҳида аҳамият касб этди. Бу гўзал диёр шоир ижодини янги мавзу ва образлар билан бойитди. Н. Ушақов Ўзбекистонга биринчи марта 1941 йил 14 декабрда келади ва 1944 йил 5 майгача Тошкентда яшайди. Кейин у Ўзбекистон бўйлаб кўп сафарлар қилади. Урта Осиёнинг бир қанча республикаларини кезиб чиқади. Аммо шоирнинг Ўзбекистон билан, унинг маданияти ва адабиёти билан яқиндан танишиши анча олдин бошланган эди.

Табиатан интернационалист, баҳор куйчиси бўлган шоирнинг қалбини барча янгиликлар тўлқинлантиради. Шу боисдан ҳам у ҳамма жойда юз бераётган, хусусан Ўзбекистонда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришларни четлаб ўтиши мумкин эмас эди. Шавқли меҳнат нафаси Н. Ушақов шеърлятининг асосий қиёфасини белгилайди.

Шоирнинг 1948 йилда ёзилган «Саҳро китоби» туркуми унинг ўзбек халқи урф-одатларини, характерини ўзига хос миллий хусусиятларини чуқур ўрганганлигидан далолат беради.

Н. Ушақов Тошкентга келганда Ўзбекистон халқ шоири Уйғуннинг уйига кўнардди. «У (Ушақов) ҳайратланарли даражада маданий зиёли, жуда кенг дунёқарашга эга бўлган ўта билимдон киши эди». — дейди Уйғун Н. Ушақов билан бўлиб ўтган суҳбатларини хотирлар экан.

Ўзбек халқи ҳаёти, унинг урф-одатлари, яшаш тарзи, этнографияси бу икки ижодкор суҳбатининг бош мавзуини ташкил этарди. Келгусида Навоий, Муқимий, Ҳамид Олимжон, Уйғун асарларини таржима қилишида бундай учрашувлар Н. Ушақовга катта ёрдам беради.

Аммо Н. Ушақовнинг мазкур туркуминини ўз вақтида тўри тушунмаган ўртоқлар ҳам бўлди. Баъзилар уни ҳатто реал ҳаётдан ажралиб қолганликда ва шаклбозликда айблашди.

Украин совет шоири М. Рильский 1951 йилда шундай деб ёзганди: «Мен бир пайтлар Николай Николаевичнинг «Сахро китоби» туркумини тушунмаган эдим, У менга шаклбозлик махсулоти бўлиб туюлган... Бу нотўғри эди ва мен бугун ўз хатойимни тан олишдан хурсандман». Н. Ушаковнинг Ўзбекистон ҳақидаги шеърларида Шарқ гўзаллигидан туғилган ҳайратнинг сохта романтикаси ва экзотик шеъриятнинг доимий қолиплари йўқ. Шоир ўз шеърларига ўзбекча сўзларни қалаштириб ташламайди. Борди-ю, Н. Ушаков мисраларида ўзбекча сўзлар учраса, улар мазкур ўринда керакли маънони аниқ ва тушунарли қилиб беришга хизмат қилади. Н. Ушаков Ўзбекистон ҳақидаги оригинал шеърларида Шарқ шеър тузилишининг турли шакллари, вазилари ва оҳангларига тез-тез муарожаат қилади. Уларда Н. Ушаковнинг Урта Осиё халқ оғзаки ижоди, Шарқ шеърияти классиклари асарларини қай даражада ўргангани, фақатгина ўрганиб қолмай, шу пайтгача ўзига номаълум бу янги дунёга мослашиб кетгани унинг шеъриятидаги шарқона образлар системаси аънанасини давом эттиришида акс этади. Шу сабабли ҳам унинг шеърларидан ўзбек халқ достони «Алпомиш», эртак ва афсоналар, Навоий «Хамса»си, Муқимий сатираси, ўзбек совет шоирлари Ҳамид Олимжон, Уйғун ва бошқалар асарларининг қаҳрамонлари осон ва табиийлик билан жой олган.

Н. Ушаков адабиётларимизнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсирини мустаҳкамлаш учун тинмай ҳаракат қилди. У бу ишга ўзининг бутун ҳаёти ва истеъдодини бағишлади.

Ўзбек шоирлари асарларининг рус тилига қилинган таржимаси фақат рус ўқувчиларининггина эмас, балки Ватанимиздаги барча халқларнинг ҳам мулкидир, чунки рус тили улар учун дўстлик тилига айланган.

Совет китобхонларининг кўп миллатли шеъриятимиз билан танишуви М. Горький ташаббуси билан барча ёзувчилар ўзларининг биринчи съездларига тайёрланишга ётган тарихий 30-йилларга тўғри келди.

М. Горький кўп миллатли адабиётимизнинг равнақини кўра олди. Бадий таржима ўша йилларда жуда кенг камол топди. Ҳар бир совет шоири ва ёзувчиси ўз халқини бошқа қардош халқлар ижоди билан таништиришни ўзининг шарафли бурчи деб билди. Кўплаб рус шоирлари қардош халқлар адабиётига муарожаат қилиб, ўзларининг узоқ йиллик ижодий тақдирларини у билан боғлайдилар. Улар қардош халқлар маънавий бойлигини очишга киришган мана шу машаққатли, аммо шарафли вазифани ихлос ва эътиқод билан бажарганларнинг биринчи мардона отряди эди. Совет бадий таржимаси мактабида Шарқ ва Ўзбекистон шеърияти билан — ўз таржимонлик тақдирини доимий боғлаган бир қатор талантли рус шоирлари силсиласи пайдо бўлди. Л. Пеньковский, Н. Гребнев, В. Державин, С. Иванов сингари таржимон ижодкорлар шу силсиланинг бақувват бўғинларини ташкил қилади. Булар

орасида Н. Ушаковнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини алоҳида кўрсатиш лозим. Уларнинг тинимсиз меҳнати натижасидагина Шарқ шеърияти рус тилида бутун гўзаллиги билан намойиш бўлди. Уша йилларда шарқнинг улкан эпослари — «Жангар», «Манас», «Алпомиш»лар таржима қилинди.

Таржимонлик ишининг анча қийин томонлари бор. У истеъдоддан ташқари, зўр меҳнатни ҳам талаб қилади. Шундай биракали меҳнат, айниқса Н. Ушаков таржималарида ёрқин кўринади.

Унинг ўзбек адабиётининг буюк классиклари Навоий, Муқимий, Нодира, Увайсийлар ҳамда Ойбек, Уйғун, Зулфия каби совет шоирлари ижодидан қилган таржималари ана шу заҳматли меҳнат маҳсули сифатида китобхонларга манзур бўлди.

Н. Ушаковнинг ўзбек шеъриятдан қилган таржималарини кўздан кечирарканмиз, таржимон уларнинг асл нусхадаги руҳини, миллий хусусиятларини сақлаган ҳолда ўгиргани равшан бўлади. Айни бир вақтда мазкур шеърлардаги умуминсоний туйғуларнинг рус тилида ҳам садо беришини кузатиш мумкин.

Таржима қилинаётган асарнинг асосий мазмунини англаб олиб, Н. Ушаков шеърнинг қолган ҳама компонентларини шу асосий мазмунни ифодалашга бўйсундиради.

У ҳар бир таржима қилаётган асарига туйғулар мусиқийлигини, жонли руҳини сингдиришга ҳаракат қилган. Албатта, таржималарга ўзига хос лирик шoirлардан бири бўлган Н. Ушаковнинг индивидуал истеъдоди, шахси ва маҳоратининг таъсири уйғунлашмасдан иложи йўқ. Шоирнинг ўзига хос хусусиятлари таржималарида ҳам сезилади: фикрни лўнда ифодалаш, шеърини ихчамликка интилиш, характер ва воқеликнинг нозик тафсилотларини ҳам кўра билиш маҳорати, фикрларнинг афористик аниқлиги шулар жумласидандир. Масалан, Уйғуннинг «Лолақизгалдоқ» шеърининг таржимасини эсга олайлик. Н. Ушаков оптимизми, унинг ички дунёси, лирик «мен»и Уйғун шеъриятига яқин ва ҳам-оҳангдир.

Шунинг учун ҳам баҳор, табиат, ҳаёт куйчиси Н. Ушаков Уйғуннинг шеърларидаги ҳаёт ифодасини тўғри тушунди ва уни аниқ бадий акс эттира олди.

Ўзбек шеърияти таржимаси устида иш олиб бориши, ўз навбатида унинг ижодий ўсишига катта ёрдам берди. Ўзбекистон диёри Н. Ушаков учун ҳаётбахш ижод булоғига айланди. Бу ҳол айниқса унинг таржима назарияси билан шуғулланишига кенг имконият туғдирди ва у натижада бу соҳанинг билимдон назариятчиси сифатида донг таратди.

Н. Ушаков адабий танқидчи сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Бу борада унинг «Сени севаман, ҳаёт», «Шеъриятда мушоира» каби китоблари қимматлидир. Ажойиб шоир, таржимон, танқидчи, камтарин, талантли инсон Н. Ушаковнинг адабиётимизда ўз ўрни ва мавқеи бор.

Дилбар АБДУЛЛАЕВА,
филология фанлари кандидати

«БУЛБУЛ КАБИ САЙРАБ ТУРГИН, ДҮМБИРАМ»

(Нурмон шоир АБДУВОЙ ўғли ҳақида)

Анъанавий барҳаёт дostonларни куйлаб келган, кўпгина терма, кўшиқлар яратган Нурмон шоир Абдувой ўғлининг ҳаёти ва ижоди ҳанузгача мукамал ўрганилган эмас.

Кўрғон ва Булунғур дostonчилик мактабларининг содиқ толиби бўлган бу шоир ўз устозлари Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммад Жомурод ўғли Пўлкан, Ислоом шоир Назар ўғли каби забардаст бахшилар сафида меҳнаткаш халқнинг дардкаши, ҳамдарди бўлди. Нурмон шоирнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам фожиавий қисматларга бой эди. У мустабид тузум жафоларини кўп тортди, ғам-андухда кун кечирди. Шунинг учун ҳам Нурмон шоир ижодида золимларни, ижтимоий тузум иллатларини фош этиш катта ўрин эгаллайди. Шоир ўзи куйлаган реал халқ қаҳрамонларини мадҳ этибгина қолмади, балки улар билан бир сафда турди, курашди.

Нурмон шоир туғилган 1862 йил Урта Осиёда аҳоли икки томонлама зулм-истибдод исканжасига олинаётган давр эди. Отаси Абдувой Абдуфозил ўғли Каттақўрғоннинг Энам яхши қишлоғидаги камбағал-деҳқонлардан бўлиб, шоиртабиат, санъатга шайдолардан саналарди. Абдувойнинг Нурмондан бошқа Нормамат деган ўғли, Ойжиға, Ширин исми қизлари бор эди. Булар ичида ёш Нурмон эччиллиги, ўткир зехни, илм-санъатга ўчлиги билан ажралиб турарди. Аммо Абдувой отанинг қўли қисқалигидан Нурмон ўқиёлмай қолади. Ёш Нурмон укалари билан Хайдар лўлак, Эсонбойларнинг молини боқди, ерида ишлади. Иштихоннинг Гадоё топмас қишлоғига бориб Бегимбой, Шодмонбойлар эшигида мардикорчилик қилиб, салкам ўттиз йил давомида оғир меҳнатдан боши чиқмади. Жисмонан бақувват, эччил ўсган Нурмон Бухоро, Самарқанд, Қарши, Қарки туманларигача бориб кўпқари чопишда донг чиқаради, дўмбира чертиб дoston, терма айтишни машқ қилади. Дoston, терма айтиш ҳаваси уни Саройқўрғонлик машхур бадиҳагўй Абдуҳолиқ бахши даргоҳига етаклайди. У икки йиллик шогирдлик даврида устозидан дoston айтиш сирларини мукамал ўрганайди. У 48 ёшида Қўқоной деган камбағал бир қизга уйланади.

Янгй типдаги ўзбек халқ дostonчилигига пойдевор қўйган шоирлар қаторида Нурмон шоир Абдувой ўғли ҳам фахрлий ўрин эгаллайди. Шоир ижодининг илк даврларидаёқ шакллана бошлаган ижтимоий мотивлар «Намоз» дostonида айниқса кучли жаранглайди. Мазкур дostonда у «Алломиш», «Гўрўғли», «Рустам» каби анъанавий дostonлардаги ватанпарварлик ғояларни, демократик принципларни ижо-

дий давом эттириб, исёнкор шоир сифатида танилди. У асарларининг мазмунига ўзи каби аламзадаларнинг дарди, саргузашти, орзу-интилишларини, золимларга нисбатан қаҳр-ғазабини қўшиб куйлади. Замона зўрлари халқ севган шоирни тазийқ остига ола бошладилар. У Хайдар лўлак ва Эсонбойларнинг сиқиғи билан Энам яхши қишлоғини ташлаб кетади. Шаҳар-қишлоқ кезиб, иш ахтариб самарқандлик Раззоқ бойнинг эшигига, келади.

Нурмон шоир кундузлари тирикчилик ғамида юриб, кечалари, тўй-маъракаларда халқнинг азиз меҳмони бўлар, дўмбира чертиб улар кўнглини хушларди. Шоир бу ҳақда «Булбул каби сайраб тургин, дўмбирам» термасида очик сўзлайди.

Нурмон шоир термаларининг мавзуй кенгая боради. У давр ҳодисаларини, халқ ташвиши, умидларини ҳаётий деталлар, характерли бадий умулшамаларда ифодалай бошлайди.

1907—1910 йилларда юз берган чигиртка офати халқни хонавайрон қилганлиги маълум, Экинлар нест-нобуд бўлади, минглаб деҳқон хонадонлари донсиз қолади, очлик-қақатчилик туфайли кўплаб одамлар қирилади. Бу эса ғалла жамғариб олган ер эгаларига наф келтиради, зулм-ҳақсизлик яна кучаяди. Ҳозиржавоб Нурмон шоирнинг топқирлиги унинг чигиртка табиий офати мисолида халқнинг мунгли ноласини куйлаганида, юрт эгаларидан бошлаб, генерал губернаторгача бу табиий офатни даф этишга қурби етмагани фактини таъсирли кўрсатганида сезилади:

Чигирткани олди келди улуска,
Маҳмаюсуф хабар қилди булуска,
Булус туриб арзи ёзди уруска!
Деҳқонларни зор йиғлатди

чигиртка...

Нурмон шоир ижоди асардан-асарга камолга ета борди. Юморга мойил ўнқоки термалардан давр иллатларини кўрсатувчи «Серкамни бер, Дўсқора», «Чигиртка», «Золим подшо ҳақида» каби ижтимоий мазмунга бой, ғоявий теран термалар яратади. Мазкур шеър, термаларда шоир ўзи каби аламзадаларнинг кўнглидаги дардини куйлайди. Нурмон шоир ўша мураккаб давр воқеа-ҳодисаларига тийрак кўз билан қарайди. Бу уни томирларида инқилоб қони кўпирган, вужуди исён, чор самодержавиеси ва маҳаллий хон-беклар зулмига қарши курашиш, улардан ўч олишга аҳд этган Намоз баҳодир ҳақида дoston яратишга даъват этади. Бундай ниятнинг амалга ошишида шоирнинг халқ қасоскори билан яқиндан танишлиги, Намоз баҳодир шаънига тўқил-

1 Генерал-губернатор.

ган кўшиқ, ҳикоялардан воқиф бўлгани кўл келади.

Тўғри, Нурмон шоир ҳаётий ҳақиқат — Намоз бошлаган ҳаракатнинг бутун мураккаб, зиддиятли ва сиёсий мақсадларидаги чекланган томонларини тўлалигича акс эттиролмади. Бу, албатта, шоирнинг ҳам чекланган дунёқараши билан изоҳланади. У халқ баҳодирининг ҳаракатини чин дилдан олқишлайди, куйлайди, золимларга қарши жасоратини улуглайди:

Бошига ярашар заррин дастори,
Кўргонда кетади Оқподшо эслари.
Ўзи қипчоқ Шерниёздай дўстлари,
Намоздайин мерган ўтган жаҳонда...

Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз бера бўшлаган ижтимоий воқеалар, муносабатларга бағишланган янги типдаги дostonлар орасида Нурмон шоир Абдувой ўғли яратган «Намоз» дostonи муносиб ўрин эгаллайди. У даврнинг муҳим, долзарб воқеалари ҳақида фикр юритиб, эркпарварлик ғояларини куйлади ва ўзбек халқ оғзаки ижодини ижтимоий мазмун билан бойишига, унинг аниқ фактларга асосланган янги босқичга кўтарилишига ҳисса қўшди. Шоир Намоз образи мисолида халқнинг бекиёс қудрати, жасоратини улуглайди. У қаҳрамонини идеаллаштирмасдан, ортиқча бўёқлар ишлатмасдан реал замин, замондан узмаган ҳолда талқин этган.

Профессор Фулом Каримов биринчи буржуа революцияси арафасидаги муҳит тўғрисида бундай деб ёзади: «Ҳамма даврнинг энг илғор адабиёти ҳисобланган халқ оғзаки ижодида революцион ғоялар 1905 йилги буржуа революцияси арафасида туғилди. Бу жиҳатдан «Намоз ўғри» темаси характерлидир». Дарҳақиқат, Намознинг қасаскорлик фаолияти жуда катта ижтимоий синфий аҳамиятга эга бўлган зулм-истибдодга қарши эрк-озодлик учун курашнинг ибтидоси эди. Бу ҳаракат кўлга азм-ирода билан қурол олинса, замонани ўзгартириш мумкин эканлиги тўғрисидаги ҳақиқатдан илк сабоқ берди. Бежиз эмас, Нурмон бахши оригинал ташбеҳ, сифатларда халқ қасаскорини мадҳ этади:

Кеча-кундуз юргани дала-дашт бўлди,
Ўттиз йигитларга ўзи бош бўлди,
Ҳокимларга неча кун кенгаш бўлди,
То ўлгунча Николай билан ғаш бўлди,
Намоздайин бир зўр ўтди жаҳонда.
Оти Намозбекди, ўзи шер эди,
Рақибларга оч бўридай дориди,
Ўн тўрт бўлис ушлаёлмай қарида,
Намоздай қарчиғай бордир.

жаҳонда.

Бургутдайин қовоғини уйғанди,
Бор кучини билагига йиғанди,
Намоз деса ётган бойлар уйғонди...
Намоздай валломат бордир жаҳонда.

Ниҳоят, ўзаро кураш кескин паллага кириб, драматик ҳолат юз берганда зулмкорлар пул, олтиннинг қонли, мараз панжасини ишга соладилар. Катта маблагга сотилган Намознинг Кенжа ёсмли жосус йигити уни уйқусида 1907 йилнинг 10 июнида отиб ўлдиради. Сўнг юртни сўровчилар халқнинг ўтирак фарзанди шаънига дoston яратиб куйлаб юрган шоирни қувғинга оладилар ва уни 1914 йилда тутиб

олиб зиндонга ташлайдилар. Исёнкор Нурмон шоир салкам тўрт йил сўроқсиз зиндон азобларига чидайди, аммо танлаган йўлидан қайтмади, маҳбуслар ичида ҳам «Намоз» дostonини, ўт чақнаётган термаларини куйлашни давом эттиради.

Замона зулмкорлари қасоскордан қутилганликларини тантанаворлик билан нишонлайдилар. Аммо улар эрк учун курашни маҳв этиш, халқнинг ҳақли янғроқ овозини бўғиш мумкин эмаслигини тушунмасдилар. Намоз ҳаракати аро йўлда қолмади, унинг сафдошлари у бошлаб берган адолат йўлидан дадил боравердилар.

Улуғ Октябрь инқилоби инсоният ҳаётида буюк воқеа бўлди. Барча мазлумлар қатори Нурмон шоир Абдувой ўғли ҳам оламни тубдан ўзгартирган бу воқеани зўр хурсандчилик билан қарши олди. Аммо зиндон азобини тортган шоир бир умр ногирон бўлиб қолади. У инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ эркини, инқилобнинг шарофатини улуглайдиган қатор шеър-термаларни ижод этади. «Яшасин Шўро ҳукумати», «Яшасин Охунбобоев», «Темир йўл», «Колхоз бўлди, саз бўлди», «Деҳқони бордир ўзбекининг», «Халқ номзоди Усмон Барака» каби шеър-термалари шулар жумласидандир. Унинг асарлари Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Мухаммад Жомурод ўғли Пўлканлар иштирокида 1927, 1928, 1930 йилларда Самарқандда бўлиб ўтган халқ шоирлари кўригида яхши баҳоланди.

Инқилоб туфайли ёруғ ҳаётнинг ёруғлигини кўрган Нурмон шоир эрк-озодлик юртини, фаровонлик йўлидаги ўзгаришларни ўз термаларида чин дилдан улуглайди:

Москвадан олиб келди тракторини,
Колхоз қилиб текин берди кўшини,
Ҳеч подшо қилолмас қилгон ишини,
Яшасин, яшасин Шўро ҳукумати!..

Колхоз қилиб камбағални бой қилди,
Капаратдан колхозчига чой қилди,
Каттакўргон шахрин катта жой қилди,
Яшасин, яшасин Шўро ҳукумати!..

Эътиқодига содиқ қолган Нурмон Абдувой ўғли умрининг сўнгги гага халқ, Ватан хизматида камарбаста бўлиб келди. Шунинг учун ҳам халқ сеvimли шоирини ардоқлар, маърака, йиғинларга уни замбилда олиб келар, у дўмбира ертиб, дoston, термалар айтиб, давраларга файз киритарди. Ниҳоят, умрининг ярми жисмоний, руҳий азобда ўтган шоир 1939 йилнинг апрель ойида ўз қишлоғи Энам яҳшида вафот этди.

Шоирнинг бой ижодий меровини ўрганиш борасидаги ишлар марҳум фольклоршунос олим Ҳоди Зариф томонидан унинг бир неча шеър-термаларини «Ўзбек фольклори хрестоматияси»га киритилишидан бошланди. Аммо янги типдаги ўзбек халқ дostonчилигида катта воқеа ҳисобланган исёнкор шоир ижоди, айниқса унинг «Намоз» дostonи кенг планда ўрганилгани йўқ. Бизнинг ушбу мақоламиз шоирнинг ҳаёти ва ижодини тўла тадқиқ қилиш йўлидаги илк қадамдир.

Субҳонқул УМАРОВ,
филология фанлари кандидати

Юрий Ковалёв,
Алексей Карасек

Бўри из қолдиради

Повестъ!

Жинойт, қидирув бошқармасида ҳеч кимни топмагач, у Раиса Павловнага кўн-ғироқ қилиб, шу ой ичида Кўкбулоққа учган йўловчиларнинг рўйхатини зудлик билан жўнатиш зарурлигини бошлиққа айтишни ўтиниб сўради. «Яхшиямки, ҳозир ойнинг боши,— ўзича кулимсираб қўйди Невструев.— Бордию ойнинг охири ёки ҳатто ўртаси бўлганда-чи? Бизнинг йигитларимиз учун ҳам, аэрофлот учун ҳам бир дунё ташвиш бўларди!»

— Одам-ку кўп-а,— деди майор Петелин юзи ва гарданидаги терни артиб,— аммо улар орасида бирорта таниш киши йўқ... Шунақаси ҳам бўларкан-да? Бу иш жуда чигал, жуда чигал!..

— Ўртоқ аэровокзал бошлиғи! Мен бу рўйхатни ҳозирча ўзимда қолдираман. Йўқотмасликка тилхат ҳам беришим мумкин...

— Инструкция бўйича мумкин эмас,— бошлиқ қўлларини ёзди.— Иш тақозо қилса, илож қанча?

— Ўртоқ Петелин! Сизнинг барча участка инспекторларингизни қанча вақт ичида тўплай оламиз? Бир соат етадимми?

— Ортиб ҳам қолади, ўртоқ катта лейтенант! Буйруқ берсак, бас, кўз очиб юмгунча тўпланишади. Одамларимиз интизомга ўрганишган. Уларни шу ерда тўплаймизми ёки ўзимиз шаҳар тушамизми?

— Шаҳарга борақолайлик,— жавоб берди Невструев.— Сиз ҳозирча уларни тўплаб туринг, мен унгача почтага кириб чиқаман... Уша ерда у-бу нарсани кўздан кечиришим керак.

— Бўпти! Бажарилади, ўртоқ катта лейтенант! Қани, машинага марҳамат!

* * *

Кўкбулоқда почтамтни, негадир, «бошпочта» деб аташарди, шунинг учун ҳам шофер аввал бошда гап-нима ҳақда бораётганини тушунмади. Сўнгра у хатосини

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

бирдан англаб қолди-да, хижолат бўлди ва Невструев тушган машинани майдонда қад кўтарган кўркемгина уч қаватли бино томон елдириб-кетди.

Невструев ўзини таништиргач, ғоят жиддийлиги ёшига унча ярашмаган, форма кийган навқирон «бошпочта» бошлиғидан сўнги икки ҳафта ичида бу ердан жўнатилган телеграммаларни кўрсатишни илтимос қилди.

— Бир ҳафталигиними ёки икки?... қайтариб қатъий сўради бошлиқ.

— Яхшиси, кейинги икки ҳафталигини,— осойишталик билан жавоб қилди Невструев. Унга ўзини жуда расмий ва сипо тутишга уринаётган ёш бошлиқ муқаррар ёқиб қолди.— Ҳа, ҳа, албатта, яхшиси, икки ҳафталигини кўрсата қолинглар!

Катта лейтенант бекорга чўчимаётганига иқрор бўлди: «бошпочта» бошлиғи стол устига бири кичикроқ, яна бири каттароқ икки уюм телеграмма қоғозларини чиқариб қўйди.

— Бор-йўғи икки ҳафтада шунча кўп телеграмма жўнатилганми?

— Бу ерда,— деди бошлиқ қўлини катта тўп устига қўя туриб,— бутун ой давомида жўнатилган телеграммалар. Остида тикиб таҳлангани— энг охирилари. Манависи эса, сўнги бир ҳафтаники...

Невструев телеграммаларнинг катта тўпига тегмади. Кичик тўпи ичидан бир нечасини ажратиб олаётиб, у адрес остига нотекис, йўғон чизиқ тортилганини кўриб қолди: «Эгасига тегсин!» Телеграммада ҳам «Эгасига тегсин» деб қайд этиладими? Ажабо; бунақаси жуда камдан-кам учрайди... Хўш, кўрайлик-чи, кимга жўнатилган экан. «Кочнева Лидага», «Тез етиб кел нқт. Аликнинг қасали оғир». Етиб келми ёки учиб келми? Қасали оғир. Хўш... Демак, бир гап бор, бир гап бор. Дарвоқе, телеграммани ким жўнатяпти? «Оля».

— Уртоқ бошлиқ, телеграммани жўнатган қизни бу ёққа таклиф этиш мумкинми? Йўқ. Хўп, унда, яхшиси, қизнинг олдига ўзимиз борақолайлик...

«Телеграммалар қабул қилинади» деган ёзувли ойна яқинида навбат кутиб турганлар йўқ эди. Тахта тўсиқ орқасида ўтирган қиз қандайдир китобни мириқиб ўқиётган экан. У ўзи томон яқинлашаётган қадамлар товушини эшитиб, эринибгина бошини кўтарди, лекин бошлиққа кўзи тушган ҳамона ишчан қиёфага кирди.

— Манави телеграммани тасодифан сиз жўнатмаганмисиз?— Невструев унга қўлидаги телеграммани узатди. Қиз аввал унга жиддий тикилди ва, сўнгра, ўз бошлиғига саволмуз қаради. Бошлиқ қизга боши билан «жавоб бер», дегандек имо қилди.

— Мен қабул қилганман. Лекин бунақа адрес ҳадеб бўлавермайди. Шунинг учун ҳам эслаб қолганман... Лекин тасодифан қабул қилиб олманман,— совуққонлик билан жавоб берди қиз.— Мижоз кириб келди, ёзди, ҳақ тўлади. Бу ерда ҳеч қанақа тасодифга ўрин йўқ-ку?

— Келинг, қўйинг, шу арзимас гапга жаҳлингиз чиқмасин!— илтимос қилди жиламайиб Невструев.— Биз ҳали гапни давом эттиришимиз керак, лекин мени сиз ҳалитдан чўчитиб қўйдингиз. Оббо сиз-ей!

Қиз бирдан юмшаб, чеҳраси ёришди:

— Сўранг, марҳамат!

— Бу телеграммани жўнатган Оля эсингизга тушдими? Эҳ, яна тагин «тасодифан» деб юборишимга сал қолди-я!

— Уша Оля,— деб кўлди қиз,— агар билсангиз, менинг Ваня ёки Петя бўлиб қолганимдақа эди!

— У ким эди?

— Сиздан ёши каттароқ ва елкалари қорувлироқ амаки эди. Мана бунақасига дағдаға қилди,— қиз ўрнидан туриб, қўлларини чўзиб теласига кўтарди.

— Уни яхши эслаб қолдингизми? Агар уни учратганингизда, таний оларминдингиз?

— Нимайди? Бу жуда муҳимми?— қизнинг кўзларида учқун чақнади.

— Жуда, жуда муҳим! Жуда ҳам!...— қизгин, тез-тез такоррлади Невструев.

— Унда эслашга уриниб кўраман...— деди қиз қатъий ва билиб қўйиш учун жиддий қиёфада сўради:— Бошқа ҳеч нима керак эмасми?

— Керак! Керак! Яна шундай телеграммалар бўлган-бўлмаганини эслаш керак?

Қиз бош тебратди, жавоб берди:

— Мен бунақасини бошқа қабул қилмаганман... Эҳтимол, бошқа сменада қабул қилинган телеграммаларни қараб кўриш керакдир? Кўздан кечирайлик?

— Бир йиллигини қараб чиқсанглар, дуруст бўларди,— деди илтимос қилиб Невструев.

— Хўп, бўлади!— деди қиз жингалак сочларини силкитиб ва, сўнгра, почта бошлиғидан илтимос қилди:

— Александр Иванович, айтинг, ҳаммасини менга олиб келишсин. Одам йўғида ўтириб, ўбдон излайман.

* * *

Милиция бўлимнинг навбатчилик хонасида шахарнинг барча участка инспекторлари аллақачон тўпланган эдилар. Катта лейтенантни кўрган захоти ҳамма жимиб қолди ва чекаётганларнинг бари дарҳол папиросларининг чўғини кулдонга босиб ўчирди.

— Майор Петелин: сиз келишингиз билан ҳамма унинг ҳузурига киришини таяинлади,— деди навбатчи, Невструевга яқинлашиб.

— Зиммаларингга топширилган маҳалла— участка каттами?— деб сўради Невструев ҳамма Петелиннинг хонасига кириб ўтиргандан кейин.

— Уртача: икки-икки ярим минг кишига битта инспектор тўғри келади,— деди шаҳар бўлими бошлиғи.— Балки, сизда бундан ҳам кўпроқдир.

— Бизники салкам икки баравар кўп. Демак, иш ҳажми ҳам шунча марта кўп деган гап. Лекин, бари бир, бизнинг бошлиқлар ўз инспекторларидан участкаларида яшаётганларнинг ҳар бирининг фамилиясинигина билишни эмас, балки уларни шахсан танишни ҳам талаб қиладилар.

— Биздан ҳам худди шуни талаб қилишади,— дейишди инспекторлар жонланиб. Петелин эса завқ билан жилмайиб қўйди.

— Мана ҳозир сиз, ўртоқлар, бу талабни қатъий адо этишларингизни исботлашларинг керак,— катта лейтенант инспекторларнинг ҳар бирига жилмайиб кўз ташлаб чиқди. Тўпланганлар ажаблангандай бир-бирига қараб қўйишди. Пойтахтдан келган меҳмон улар учун қандай синов тайёрлаб қўйган бўлса?

— Мен ҳозир сизга бундан бир неча кун бурун бу ёқдан самолётда учиб кетган йўловчиларнинг рўйхатини тарқатаман. Сиз бўлса, улар орасидан ўзингизга таниш фамилияларни қидириб топинг... Қолган гапни кейин айтаман, қани, энди бошланг.

Фамилиялари дона-дона ёзув билан кўчирилган қоғозга энгашиб ўқиётган инспекторларни кузатаркан, Невструев ички ҳаяжонини босолмади. «Наҳотки, шунча уринишдан бирор иш чиқмаса?» деган савол уни яна безовта қилар эди. Лекин бошқа оперативларга хос ишонч тўғуси катта лейтенантда ҳам кетма-кет умид туғдирар ва дадиллантириб келарди. У ўша тутқич бермаётган калаванинг учини гўё шундоқ ёнгинасида, ҳатто қўл узатса етадиган жойда эканини ҳис этиб турарди. Ҳа, қўл узатсанг, бас, бутун бошли калава сеники!.. Аммо инспекторлар бир-биридан узоқлашиб деразага яқин борадилар, афсус билан қўлларини ёзиб, елкаларини қисадилар, шунча фамилия орасида битта ҳам таниш учрамаганига ачинадилар. Шу пайт хонада катта лейтенантнинг кўнглини чоғ қиладиган овоз бирдан янгарди.

— Бизнинг ветеран...— шивирлади Петелин унинг қулоғига.— Капитан... Участка инспекторлари орасида унвони энг катталардан, бошқа ишга ўтишни сира хоҳламайди. Узимга ёқади, дейди. Менинг ўрним шу ерда, дейди, вассалом...

— Мана, мен ўз ҳамюртимни топдим,— давом этди капитан шимолий рус шеваларига хос талаффузда.

Невструевга шу пайт унинг кўпчиб турган юзи дунёда ҳамманикидан зиёда бўлиб кўринди.

— Черников... менинг танишим, менинг участкамда яшайди. Исми ҳам айнан тўғри келади... Манави жойда унинг учиб кетгани ёзилган, чамаси, лекин мен уни худонинг берган куни кўраман. Ишга бораётганида кўраман, ишдан қайтаётганида кўраман... Бордию у бирор ёққа кетган ёки самолётда жўнаган бўлса, хотини Валентина бу ҳақда менга ҳалигача юз марта айтиб улгурарди. Чунки ишчининг бирор ёққа сафар қилиши чинакам воқеага айланади, десам муболағага йўманг. Нега десангиз, ишчи йил давомида бир марта отпускага чиқади; унганча уни иш жойидан қўзғатиб бўлсиз!

— Сен ўз Черниковингнинг қаерда яшашини биласан-ку, Николай Иванович, шундай эмасми?— деди Петелин капитан сари бир-икки қадам ташлаб.

— Билганда қандоқ! Кўзимни боғлаб қўйсалар ҳам топа оламан. Унинг коттежи янги посёлкада.

— Кимда яна қандай гап бор, ўртоқлар?— сўради Невструев.— Унда, Николай Иванович, дарров черниковларникига югурамиз.

Черников уйда йўқ экан, аммо уларни ҳовли боғида тушликка чиққан хотини қарши олди.

— Эримми? У иш жойидан бошқа қаерда ҳам бўларди!— ёйилиб кулди хотин.— Ишчи одам-да!— унинг сўз оҳангидан ғурурланиб гапираётгани сезилиб турарди.— Интизомга қатъий риоя қилади. Тушликка уйга ҳам келмайди: бир оз узоқлик қилади, дейди. Менинг идорам шундоққина ёнимизда: истасам уйимга юз марта кириб-чиқишим мумкин... Айтганча, у сизга нима учун керак бўлиб қолди, ўртоқ участка инспектори?— жиндак саросимага тушгани юзидан билиниб турарди.— Бирор ишқал чиқармадимми, ўзи? Бундай бўлишига ҳеч ақлим бовар қилмайди, чунки ондан туғилиб, у бунақа қилиқ чиқармаган.

— Қўйсангиз-чи, Валя-Валентина, қизиқмисиз!— участка инспектори уни дарҳол тинчлантиришга ошиқди.— Бир иш юзасидан керак бўлиб қолди-да. Сиз бўлса: «Бирор ишқал чиқардимми, ўзи?» деб ўтирибсиз! Сизга йўқ деб айтдикми, демак, ҳеч гап бўлгани йўқ. Хўп, майли, бошқа вақт кирармиз. Кетдик, ўртоқлар! Ҳа, Валентина, у шу кунларда бирор ёққа бормадимми?

— Қанақасига у менсиз бирор ёққа боради? Ҳеч унинг бунақа қилиғи йўқ!— Черниковнинг хотини қўлини силкиди.— Ўзига ҳам айтишлар!

— Биз уни ҳозир иш жойидан топамиз,— деди участка инспектори машина ўрнидан жила бошлаганда.— Химкомбинат гаражининг устахонасида ишлайди. Яхши чилангар! Шаҳарда донг таратган...

Черниковни улар эндигина келиб тўхтаган кузовсиз машина ёнида учратишди. У кўйлагининг ени билан юзидаги терни тўхтовсиз артаётган шоферга қўлини силкиб, алланимани қизғин тушунтирарди. Капитанни кўриб, охириги марта ўнг қўлини силтаб қўйди-да, келганларни кутиб олишга шошилди.

— Наҳотки, мени йўқлаб келган бўлсанг, Николай Иванович?— у инспекторнинг қўлини қисиб силкий кетди, сўнгра қўлини рўмолчасида яхшилаб артаркан, галма-гал

Петелин ва Невструев билан кўришди.— Бугун уйқудан чап ёним билан турганга ўхшайман, чоғи. Машинада келибсизлар, бирор фалокат, юз берганми, дейман?

— Йўғ-э, Петр Иванович, сен бизга бутунлай бошқа иш вазидан кераксан,— жавоб берди унга капитан.— Четроққа чиқайлик... Сен шу кунларда бир ёққа учмоқчи бўлганмидинг?

Черников: «У ҳазиллашяптими ёки жиддий гапиряптими?» дегандек, инспекторга тикилди.

— Учиш менга йўл бўлсин! Нима, йилига ўн отпускам борми?

— Сен, Петр Иванович, гапимни ҳазилга бурма, билсанг, масала — жиддий! Узингга аён-ку: мен бекордан-бекорга сенинг ҳам, бошқаларнинг ҳам бошини қотирмайман.

— Қайдан билай, Николай Иванович! Ундай бўлса, гапир, бирор қор-қол юз бердими? Мен сенга нима учун керак бўлиб қолдим?

Участка инспектори Невструев томонга ўгирилди.

— Узингиз сўрайсизми ёки менга ишонасизми, ўртоқ катта лейтенант?

— Бу ерда ҳозир сарой амалдорларига ҳос мулозамат кўрсатиб ўтиришининг мавриди эмас, ўртоқ капитан! Вақт ҳар галгидан ҳам қиммат! Петр Иванович,— Невструев Черниковнинг кўзига тўғри қараб сўради:— Агар сиз ҳеч қаёққа кетмоқчи бўлмаган ва ҳақиқатан ҳам учмаган экансиз, нега ва қай тариқа сизнинг фамилиянгиз бир неча кун бурун йўловчи-учувчилар рўйхатига тушиб қолди?

— Қандай қилиб? Қаердан?— гангиб қолиб қайтариб сўради Черников.— Ҳеч балодан хабарим йўқ! Шуни аниқ биламанки, ҳеч қаёққа учмоқчи бўлганим ҳам ва учганим ҳам йўқ! Менинг бу ерда, худога шукр, ишим бошимдан ошиб-тошиб ётибди.

— Манави сизнинг фамилиянгизми?— Невструев унга исми-шарифи қайд қилинган варақани узатди.— Исми ва отасининг исми ҳам сизникими, ахир?

— Фамилия меники, қолганлариям меники... Балки, яна бир Черников бордир, а? Ана, Москвада саксон минг Иванов бор, дейишади-ку! Уларнинг ярмидан кўпрогининг исми ва отасининг исми ҳам бир-бирига тўғри келармиш...

— Бизнинг шахримизда Черниковлар камроқ. Ҳеч бирининг исми ва отасининг исми бир-бирига адаш эмас.— Майор Петелин сўзларни дона-дона қилиб гапираркан.— Биз буни аллақачон текшириб кўрдик...

— Сиз намунча менга ёпишасиз?— Черниковнинг бирдан жаҳли чиқди.— Айтдим-ку, сизга, у — мен эмас, деб. Тамом! Агар яна бирор гапларинг бўлса, айтинглар! Бошқа гапларинг бўлмаса мен кетдим! Ҳаётто буфетга бориб келишга ҳам вақтим йўқ,— у жилаётиб тўхтади.— Шошманг, шошманг... Қани, ўртоқ катта лейтенант, бу қоғозни менга тагин бери кўрсатинг-чи! Худди ўзим, худди...— ниманидир эслаб гапирди Черников.— Мен ҳозир ярим соатга жавоб сўрай. Кейин жўнаймиз.

— Қаёққа борамиз?— сўради инспектор.

— Бизнинг уйга борамиз, уйга... Наҳотки, у шундай қилган бўлса?

Черников йўлда тўлқинланиб тушунтирарди:

— Биласизми, ўртоқ капитан! Бир мусофир аёл бизникида кўнган эди... Балким, ўша аёлнинг ишидир бу?

— Аёл?— шофёрга бақамти ўтирган Невструев бўйини шундай кескин бурдики, бўйин умуртқалари қирсиллаб кетди, лекин у оғриқ сезмади.— Аёл дедингизми?!

— Ҳа. Қаёқдандир келиб қолган аёл... Оти — Лида...

— Лида? Кочневами?— шошиб сўради катта лейтенант.— Кочнева? Шундайми? Черников эзилиб афтини буриштиради.

— Ҳм-м... йўқ, ундай эмас, чамаси. Унинг фамилияси бошқача. Лидалигини-ку, жуда аниқ эслайман-а, фамилияси эса, нима десангиз денг, мутлақо эсимда йўқ. Ҳар қалай, фамилияси менга бошқача бўлиб туюлаяпти-да. Ишқилиб, фамилияси сиз айтгандақа эмас-ов. Балким Валя биларё У билан доим шивир-шивир қилиб юришарди.

Улар етиб келиб, ҳовлига киришаётганда ҳам Черников гапдан тўхтамасди.

— Мана, ҳозир уйнинг калитини оламиз... Уни ёзги ошхонанинг ғаладонига қўйгандик. Қани, кўрамиз, кўрамиз... Паспортигимиз жойида эканми ёки йўқми? Агар... зап ҳангома бўлади-да,— у эшикни очди-ю, дарҳол нафасини ичига ютди.

Сервант томон отилди, ўрта қутини суриб, шундай чанг солдики, газета парчалари ҳар ёққа учиб кетди. Ниҳоят, қутининг тагини ёпаркан, энгил нафас олди:

— Худога шукр-ей! Жойида экан! Мана менинг паспортим, қаранглр! Мен бўлса, ҳеч қанақа айби йўқ кишини гуноҳкорга чиқариб хафа қилиб қўйишимга сал қолди-я.

— У ҳақиқатан ҳам айбсиз эканми?— деди секин Невструев паспортини кўздан кечириб ва уй эгасидан ўйчан сўради:— Уша Лида... Уйнинг калитини қаерга бекитишларингни билармиди?

— Бўлмаса-чи, биларди!— ишонтириб жавоб берди Черников.— Нима, уйда яшаб турган одам уй эгаси ишдан то қайтиб келгунча кўча-кўйда итдек сарсон кезиб юрсинми?

— Айтинг-чи, уйингизда унинг биринчи марта кўноқ бўлишимиз?— давом этди Невструев.— Лида сизникида ҳозиргача неча марта кўнган?

— Мана шу — охиргиси, учинчи марта... у шу йилнинг бошларида бўлганди... ўтган йили ҳам...

— Мен сиздан илтимос қиламан, Петр Иванович,— деди қувониб кетган катта лейтенант,— у сизникида қачон бўлганини аниқ эслаш шарт. Майли, хотинингиз ёрдам берсин. Бу жуда муҳим, жуда муҳим, тушуняпсизми?

Черников жимгина бошини ирғаб қўйди.

— Ҳаммасини бир бошдан эслаганингиз учун, сизга катта раҳмат. Петр Иванович,— чилангарнинг дағал қўлини қаттиқ қисди Невструев.— Сиз ўша Лида билан қачон ва қай йўсинда танишгансиз?

— Уни ўтган йили хотиним бошлаб келди... Шаҳар марказидан у-бу харид қилиб қайтаётса, куча четидаги ўриндикда бир аёлнинг тиззасига кичкина сумкасини қўйиб йиғлаётганини кўриб қолади. Валя уни биров хафа қилган ёки сумкасидан пулмулини ўғирлаган деб ўйлайди. Ёнига бориб ўтиради-да, нега кўз ёши тўкаётганини сўрай бошлайди. У бўлса, эрини йўқлаб келганини, эри олис конда ишлаётганини, ҳозир у ёққа етиб бориш учун кеч бўлиб қолганини, меҳмонхонада жой йўқлигини айтади. Агар ёз бўлганда ҳам бошқа гап эди, дейди у, куча-қўйда тунаб қолардим. Қишнинг совуғида қайга ҳам бораман, дейди. Шунда, хуллас, Валя унинг қўлидан ушлаб, уйга бошлаб келади... Хушрўйгина аёл, бунинг устига ёшгина... Кейинчалик у худди қариндошдай бизникига келиб-кетиб юрадиган бўлди.

— Эҳ, Петр Иванович, Петр Иванович!— таъна қилиб гапирди участка инспектори.— Сен тўғри одамсан, ҳеч нарса деб бўлмайди. Лекин катта хатога йўл қўйгансан... Мутлақо нотаниш одамларни уйга бошлаб келиш ва ҳатто уларнинг фамилиясини сўрамаслик мумкинми? Балким ўша одам жиноятчидир!— Ҳозирча овоза қилмай турамиз, ўртоқ капитан,— уни тўхтатиб қолди Невструев.— Петр Иванович, юринг, биз сизни ишхонангизга олиб бориб қўямиз-да, ундан кейин ўз ишимиз билан шуғулланамиз...

Улар Черниковни гараж дарвозаси ёнида машинадан туширгач, Петелин Невструевдан сўради.

— Энди қачон?

— Ҳозир сизнинг «бошпочта»нгизга бир зумга кириб чиқамиз. Кейин эса, аэропортга йўл оламиз,— жавоб қилди катта лейтенант.— Биласизми, мен шу тобда худди асов отдек ер тепиниб турибман.

Майор Петелин эса, серғайрат, ёш, бутун вужудидан куч ёғилиб турган катта лейтенантга маъқулловчи нигоҳ билан боқди.

Патила сочлари пешонасига тушган қиз Невструевни эски танишлардек қарши олди:

— Мен сизга «хўп, бўлади» деб айтгандим-ку!— деди у нозланиб ва катта лейтенантга телеграф қоғозини узатди.— Мана яна бир «Эгасига тегсин» деб жўнатилган телеграмма... Алиқнинг бетоблиги ҳақида. Энди бу ҳақда фақат Оля эмас, балки Галя маълум қиляпти.

— Эҳтимол, худди анави Оляга ўхшаган ўша Галядир-да, а?— сўради Невструев.

— Нимайди? Бўлиши мумкин!— қиқирлаб кулди қиз.

— Мен мана шу иккала телеграммани ҳам сизлардан мусодара қилиб олам,— деди Невструев ёнига яқинлашиб келган ўзини жиддий тутувчи почта бошлиғига.

— Аммо фақат барча зарур расмиятларга амал қилинган тақдирда...— жавоб берди у.

— Албатта!

Машина катта тезликда аэропорт томонга елиб борарди.

— Кечирасиз, ўртоқ майор, мен сизни ўзимнинг режаларимдан огоҳ қилмадим. Нафсиламрини айтганда, айтарли яхлит режанинг ўзи ҳам йўқ... Фақат хомчўтлар бор, холос. Холос, биз, оперативниклар шоирларга ўхшаб ирим-сиримга бериламиз. Агар ўз режаларингни аввалдан айтиб қўйсанг, амалга ошмай қолади, деб ўйлаймиз.

— Узингиз билгандай иш тутаверинг, ўртоқ катта лейтенант,— деб жавоб берди очиқ кўнгиллик билан шаҳар бўлими бошлиғи.— Кутилмаганда фўйдам тегиб қоладими деб, мен сиздан нари кетмай юрибман. Бизнинг капитан ҳам худди шундай...

— Аллақачон фойдаларингиз тегди, кўп ёрдам қилдинглар!— деб Невструев майорнинг сўзини бўлди ва ҳар иккаласининг ҳам қўлини қисиб қўйди.— Тўғриси айтилганда, бунчалик ёрдам бўлишини кутмагандим!

Невструев аэропортда йилнинг бошидан Кўкбулоқдан учган йўловчиларнинг узундан-узун рўйхатига яна кўмилди.

— Мана, ўртоқлар, баъзи бир нарсалар ойдинлашди,— деди у ёнма-ён ўтирган шаҳар бўлими бошлиғи ва участка инспекторига.— Алиқнинг бетоблиги ҳақидаги телеграмма юборилган заҳоти бу ёқдан Мартова Лида ҳам жўнаб кетган... Телеграммалар эса Кочнева Лида номига жўнатилган. Биз эртага шу ой давомида бу ёққа учиб келган йўловчиларнинг рўйхатини оламиз, агар улар орасида Лида Мартова бўлса, ярим ғалаба қўлга кирди, деяверинг. Энди эса колония билан боғланиш керак. У ерда Юсуф Хўжаев ўзини қандай ҳис этяптикин?

— Ҳозирнинг ўзидаёқ боғланамиз, ўртоқ катта лейтенант,— шай туриб жавоб берди Петелин телефон сари юриб ва дарров Невструевни ўзи томон имлади.

Хўжаев топшириқ тўла-тўқис бажарилганини маълум қилди ҳамда бошқа иш буюришмаса, у Невструев ҳузурига етиб боришини айтди.

— Келаверинг, Юсуф! Биз ҳозир аэропортдамыз, шу ерда сизни кутамиз. Йўл-йўлакай яна баъзи бир ишларни бажарамиз...

— Ана, кўрдингларми, ўртоқлар,— Невструев хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади,— демак, аэропорт ходимлари ҳамма билганларини бизга айтишмабди, агар билганларини...

— Бу қанақаси? Мен...— бирдан бошини кўтарди Петелин.

— Ҳозир, ҳозир, ўртоқ майор... Мана, нима юз беришини кўринг... Хўп, бо-

ринги, мана бундай ҳам бўлсин: фамилияси «икс» ўша Лида билетларни... ўз паспорти билан Черниковга, яна кимларгадир аввалроқ олсин... Кимгалигини ҳозирча биз ҳам билмаймиз. Ахир, у билетларини қайддан ўтказиши керак эди-ку! Қоидага кўра, қайддан бир соат олдин ўтказилади, сизда-чи? Ярим соат аввал... Бундай ҳол камдан-кам учрайди-да...

— Ҳа, самолётларнинг у ёқдан келиши кечикканда, баъзан шундай бўлади,— катта лейтенантнинг фикрига қўшилди Петелин.

— Унда нима бўлади? Билетни Черников паспорти бўйича қайддан ўтказиб, сўнгра уни уйга элтиб қўйишига ва яна изига қайтиб келишига Лида улгурмаган бўларди. Агар, унинг ихтиёрида ҳатто машина бўлган тақдирда ҳам бунинг уддасидан чиқиши қийин эди. Уйлашимча, унга билетларни анча олдин қайддан ўтказиб беришган, Лида ўз васийлиги остидаги одамлари билан самолёт кетишини хотиржамгина кутиб ўтирган... Агар, шундай вазиятда хотиржамлик ҳақида сўз юритиш мумкин бўлса, албатта...

— Мен сизни аввал бошда ёш ва ғўрроқ бўлса керак, деб ўйлаган эдим,— деди қойил қолиб майор.— Мана энди бунинг ўзингизга баралла айтиб турибман, ўртоқ катта лейтенант!

Невструевнинг хушомадга тоби йўқ эди, лекин шаҳар бўлими бошлигининг сўзи самимий айтилаётганини хаёлидан ўтказди-да, кўнглига унчалик малол олмади. Бунинг устига, шу маҳал Кўкбулоқда энг кекса участка инспектори ҳам майорнинг сўзини маъқуллаётгани унинг юз ифодасидан шундоққина билиниб турарди.

— Бугун, бахтимизга, ўша фавқуллодда ҳодиса юз берган кунда аэропортда навбатчи бўлган смена навбатчилиқ қиляпти,— деди Невструев,— уларни яна безовта қилишга тўғри келади...

Йўловчиларни ўша кунини қайддан ўтказган хотин бошини қуйи эгиб ўтирарди. У Невструевга гуноҳқорона тикилиб қараганда, кўзлари жиққа ёш эди.

— Сиз, ўртоқ катта лейтенант, ҳамма нарсани ойнада кўргандай равшан айтиб ўтирибсиз,— жазага маҳкум бўлган кишидек гап бошлади у.— Бошлиқларимиз, кўрсатмага хилоф қилманглар, ундан сира четга чиқманглар, деб бизни бир неча марта огоҳлантиришган эди. Мен айбдорман! Узим!.. Бир аёл мени жон-қолимга қўймади... Қайдни аввал расмийлаштиринг деб, ёлбораверди. «Мен шу ерда бўламан, дейди, қолганлар ҳадемай келиб қолишлари керак... Ишқилиб, кечикиб қолишмасайди... Балки, тўғри самолётга қараб чопишар...» Бир гапириб, бир йиғлайди. Кўз ёшини дув-дув тўқади... Мен чидаб туролмадим. Учала билетини ҳам қайддан ўтказиб бердим... Гуноҳ қилдим, хато қилдим...

— Бу гуноҳ кимгадир жуда қимматга тушади!— Петелин ўзини тутиб гурулмади.— Гуноҳ эмиш! Бу гуноҳ эмас, бу — жиноят!

Невструев уни имо билан тўхтатиб қолди.

— Ҳеч ким яна бирор нимани айтишни унутмадим, ўртоқлар!— сўради катта лейтенант, аэропорт ходимларига мурожаат қилиб.

Хонанинг кунжагида ўтирган аёл ўрнидан турди.

— Мен ҳеч нимани унутганим йўқ... Фақат мендан ҳеч ким ҳеч нимани сўрамади. Мен бу ерда фаррош бўлиб ишлайман. Мен ўша кунини пол артадиган латтани олишга бораётган маҳали (уни шу яқин-ўртадаги панжарага қурисин деб, илиб қўювдим) бир нима гувиллади, орқамга бурилиб қарасам, машина келаётган экан. Ҳалиги... усти брезент машиналар бўлади-ку! Ҳа, худди ўшанақаси. У аэропортдан анча ўтиб тўхтади. Ундан уч киши тушди: икки эркак, бир хотин... Мен ўзимча-ўзим ўйладим: «Нимага, аэропортдан анча нарига ўтиб тўхташди, энди орқага пиёда қайтишганда уларни офтоб ўхшатади-ку!..»

— Сиз уларнинг кўринишлари қанақалигини, қандай кийинганини эслаб қололдингизми?— суриштира кетди катта лейтенант.

— Мендан бунинг сўраб-тергашларини туш кўрибманми? Бўлмаса ҳар бирига разм солиб қарардим, латта-путтасигача эслаб қолардим.

— Ҳеч бўлмаса, машинасига дурустроқ қарагандирсиз?— сўради Петелин.

— Машинадай машина-да! Шунчаки бу ёққа тез-тез келиб туради. Яна унинг пешонасига ёзиб қўйилган: «Эҳтиёт бўлинг, одамлар!» деб. Ишчиларни ишга олиб борадиган ҳам ишдан олиб қайтадиган машинага ўхшайди, чамамда...

— Мен бу машинани етти қават ернинг тагидан бўлса ҳам топаман,— Невструевнинг қулоғига шивирлади майор.

— Албатта!— деди катта лейтенант ҳам секингина.

Эрталаб Невструевга шаҳар бўлимида алоқа бўлими келтирган пакетни беришди. У пакетни шошиб очди, хатга кўз югуртирди ва бирдангина катта лейтенантнинг сабрсизлик билан кутган нарсасига кўзи тушди: қайд этиш варақасидаги еттинчи номер остида Мартова Лид. Ник. фамилияси ёзиб қўйилган эди.

7

Ҳожихонов Невструев ва Ҳўжаевнинг Кўкбулоқда олиб борган тафтиш-қидирув ишига оид ҳисоботларини мана, неча марта қайта-қайта ўқиб чиқди. У хавфли жиноятчиларнинг қамқокдан қандай қочганларини (ақл бовар қилмайди) ўша жойда ўзи бўлмагану кўргандай аниқ тасаввур этиши керак-ку, ахир. «Автофургонга оид тафтишни йиғитлар охирига етказмаганлари дуруст бўлмапти. Бу ёққа зарур маълумотларни етказиб бериш учун шошилган бўлишса керак. Хайр майли, маҳаллий оператив ходимлар ниҳоясига етказишар... автофургонни аниқламай қўйишмайди...»

Телефон жиринглаб, хаёлини Сузди. Бошлиқнинг овози.



— Ҳозир етиб бораман, ўртоқ генерал!— Ҳожихонов телефон дастасини қўя-ётиб: «Раиса Степановна орқали эмас, шахсан ўзи чақирди... демак, яна бирор гап бўлган-ов», дея кўнглидан ўтказди.

У қабулхонадан ўтиб, бошқарма бошлиғининг кабинетига кириб борганида у ерда, эр-хотин бўлишса керак, кексароқ бир эркагу аёл ўтиришган экан. Хотин киши йиғлайвериб қовоқларигача шишиб кетибди. Одатда, генерал туриб қарши олар эди. Бу сафар аксига ҳатто сўрашмади ҳам. Ҳожихонов буйруқ кутиб, стол четида туриб қолди.

— Марҳамат, ўтиринг,— деди генерал ниҳоят.— Яна битта ЧП, Угловая кўчасидагидан ҳам баттар... Уйларида нимаики қимматбаҳо буюмлар бўлса, барини ўмариб кетишибди...

Генерал гапираётганида аёл ўкириб йиғлаб юборди. Эркак киши унинг қулоғига шивирлаб нималардир, деди. Аммо у ҳам йиғламоқдан бери бўлиб, ўзини ба-зўр босиб ўтиргани сезилиб турарди.

— Қачон!— деб сўради Ҳожихонов.

— Уч кун бўлди,— деди эркак киши гапиришга ҳам мажоли қолмагандай.—

Уч кун...

— Уч кун?!— полковник ажабланди.— Уртоқ генерал! Уч кун ўтибди-ку, бугун хабар қилишса-я?! Бирорта оператив ахборотда бундай жиноят содир бўлгани тўғрисида имо-ишора ҳам йўқ!

— Улар милицияга айтишни ман этишди!— эркак киши қўлидаги шляпасини гижимлаб туриб тушунтирди.— Узимиз чақиртирамиз, дейишди...

— Угловая кўчасидаги жиноятнинг такрори. Шундай эмасми, ўртоқ генерал?

— Ухшайди... Лекин такрори эмас,— деди Сафаров.— Менга айтганларингни, агар қийин бўлмаса, қайта бошдан гапириб берасизларми, полковник ҳам эшитсин?

— Қийин? Анавилар...— кекса киши изтироб чекиб бош чайқади,— чақирилмаган даҳшатли меҳмонлар келган куни қийин бўлганди... Ҳа, жуда қийин бўлганди бизга! Ундай кунни душманимга... йўқ, душманимга ҳам раво кўрмайман!

Ҳиқ-ҳиқ йиғи, оҳ-воҳлар билан бўлиниб турган узуқ-юлуқ гап-сўзлардан Ҳожихонов куйидагиларни англаб олди. Уша, эшиклари олдида енгил машина тўхтаган қўрқинчли кун катта уйда чол-кампир икковларигина ўтиришган экан. Чунки қизлари

эрга теккач куёв билан Харьковга кўчиб кетган, катта ўғиллари. яхши врач, неча йилдирки, Африкада хизмат қилар экан. Кенжа ўғиллари инженер-мелиоратор, келин билан Россиянинг ноқоратупроқли зоналарига ишга жетган. Болалари бари яхши одам бўлиб етишган. Ҳовли-жой уларнинг ёрдамида тикланган. Рўзгор-анжом ҳам улар туфайли бут. Совға-салом, пул юбориб туришади. Чол-кампир болалардан миннатдор. Уларни ҳам, ёшлари бир жойга бориб қолган бўлишига қарамай, ҳамон ишлашади: газ-сув сотишади.

Уша кун кампири дераза олдида дам олиб ўтирган экан. Газ-сув дўконига бормоқчи бўлиб отланаётганида машина келиб тўхтабди. Ундан бир ҳарбий киши тушиб эшикларини тақиллатибди. «Мана шу ўртоқ командирникидай погон таққан», деб кекса киши Ҳожихоновни кўрсатди.

Генерал билан полковник беихтиёр бир-бирига қараб қўйишди.

Кекса киши, соат учларда, ҳа, тушки овқатдан кейин куппа-кундузи ҳарбий киши келиб эшик тақиллатса-ю, нега очмаслигим керак? Бирор зарур иши бордир, деб ўйлапти. Ҳарбий кишини ўйига таклиф этибди. Орқасидан фуқароча кийинган яна икки киши кирибди.

Ҳарбий киши, биз МВДданмиз. Уйингизда тинтув ўтказамиз; дебди. Уй эгалари эътироз билдириб, ордер талаб қилишибди. Шунда ҳарбий кийимдаги киши ва унинг шериклари уларни ўзларининг хосхоналарига судраб кириб: «Ҳинг демай ўтиринглар!» дея буюришибди. Илож қанча? Хоналардаги мебеллар қулагани, жавон, чамадонлар қулфлари шикир-шикир очилгани — барини эшитиб ўтираверишибди. Ниҳоят, тинтув ўтказганлардан биттаси хосхонага бош суқиб: «Жойларингдан қимирламай кутинглар! Керак бўлганларингга ўзимиз чақиртирамиз. Ҳеч кимга оғизларингдан бир қалима сўз чиқмасин!» деди.

— Шунинг учун ҳам индамадик. Кор-хол юз бермасин деб...— Кекса киши рангида ранг йўқ, гапида давом этди.— Кейинча... Тўғрироғи, бугун хотиним кўшнисига дардини айтибди. У бизни ақлдан озганлар деб сўкиб, тезда милицияга хабар беринглар, депти. Мана биз келдик.

— Кийим-кечакларингни олишибдимиз?— гапга аралашди Ҳожихонов.

— Кийим-кечакни бошларига урадимиз?— чол маънос илжайди.— Пул, тилла заём, зеб-зийнатлар... Болаларимизнинг ҳамма нарсаларини биз асраб берардик.

— Боллаб асраб бердик!— дея ҳиқ-ҳиқ йиғлар эди кампир.

Ҳожихонов унга стаканда сўв узатиб, тасалли беришга уринди:

— Хафа бўлманг. Жинойтчиларни топиш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

— Эй, худо! Нима кўйга солдинг бизни, эй худо!...— кекса киши изтироб ичида чайқаларди.

— Эслайсизми, ўша сизларни тунаганлар орасида оғзи тўла тилла тишлиси ҳам бормиди?— деб сўради Ҳожихонов кекса кишининг тепасига келиб. У чайқалишдан тўхтаб ўйланиб қолди.

— Йўқ,— деди кампир кўз ёшини арта туриб. Эри ҳам унинг сўзини тасдиқлади.

— Тилла тишни тилга олдингиз?— савол назари билан боқди генерал.

— Невструевнинг ахборотида қочган жинойтчилардан бири Робик Абрамяннинг юқориги, пастки тишлари бари тилладан экани қайд этилган.

— «Бўри»ми лақаби?

— Йўқ. «Бўри» бошқаси... Қориев Алиқ...

— Бу ишни кимга топширмоқчисиз?— деб сўради генерал. Балки бошқа бошқармадагилардан ёрдам сўрашга тўғри келар?

— Ҳозирча бунга зарурат йўқ,— ғоз туриб жавоб қилди полковник.— Невструев билан Ҳужаев Кўкбулоқда яхши ишлашди. Кўп нарсани аниқлашди. Ушлар шуғулланишади...

Ҳожихонов генерал хузуридан чол-кампири эргаштириб чиқиб, Невструев ҳимоятига топширди-да; ўзи зудлик билан «Военторг»га жўнаб кетди.

У, шу кунларда аҳоли орасида ҳеч ким полковниклар погоню ҳарбийча кийим-бош харид қилмадимиз, деб суриштирганида «Военторг»дагилар хафа бўлишди.

— Анавинда кимлар ҳарбийча кийим-бош харид қилиши мумкинлиги кўрсатилган, бўлим мудирини деворда осиглиқ турган эълонга ишора қилди.— Биз ўша талабларга ҳаммиса риоя қиламиз!

— Мен бу ерга шунчаки ҳавасакка келмадим. Аниқ маълумот олиш учун келдимки, демак, зарурат шунга тақозо қилипти-да!

Бўлим мудирини шу гапдан кейин анча паст тушиб, муомаласини ўзгартирди:

— Ҳарбийча кийим-бошнинг фақат биздангина харид қилиш мумкин, деб ўйлайсизми? Чайқов бозорига бир бориб кўринг-а, ўртоқ полковник.

Ҳожихонов ичида унинг фикрига қўшилди. Чайқов бозорини ёпиш учун қанчалик уриниб кўрилмасин, натижа чиқмади. Бир жойда бекитишса, бошқа жойдан худди кўзиқориндай кўкариб чиқади.

У ёндафтаридан бир варақ йиртиб, ўзининг телефон номерини ёзиб берди. Ҳарбий бўлмаганлардан бирортаси мабодо ҳарбийча кийим-бош сўраб қолса, секингина телефон қилишини илтимос қилди.

Ҳожихонов «Военторг»дан Ички ишлар бошқармасига жўнади. Райко қабул қилишини сўраб кўнғироқ қилган эди. У Невструев юборган ахборот, генерал хузурида кекса чол-кампири арзини эшитиш ва, ниҳоят, «Военторг» билан банд бўлди. Райконинг балки муҳим гапи бордир? Бекордан-бекорга кўнғироқ қилмайди-ку? Шубҳасиз, у билан учрашиши керак.

Чиндан ҳам майор Райко ишга нафи тегадиган айрим тафсилотларни аниқлабди.

...У «чақириқ қоғози» босилган машинкани қидириш ишига киришиш олдидан ўз фаолият доирасини чегаралаб олди:

Майда ҳарфли машинкалардан хунари машинкада ишлашдан иборат бўлган одам деярли фойдаланмайди; улардан, асосан, ижодий ходимлар фойдаланади; шундай экан, портатив машинка эгасини қаламқаш ижодкорлар орасидан қидириш керак, деган қарорга келди. Оператив-техник бўлимининг ходимлари билан майда шрифт-ҳарфларни ҳолдан тойғунча солиштира-солиштира охири машинка эгасини аниқлади.

— Аввалига гаплари унча қовушмай турди. Райконинг Ички ишлар бошқармасидаги эканини эшитган журналист уни ёқтирмагандай совуқ қарши олди:

— Йўқ, мен детектив нарсалар ёзмайман... Фақат гоҳида, ундаям командировкада бекорчиликдан зерикканимдагина қўлга оламан. Мен сизга бошқа бир ўртоқни тавсия этардим — Николай Сергеевич Нестровни... Унга ҳеч нима керакмас, милиция ҳаётига оид шов-шувга сазовор бўлган бирор ҳодиса билан таништирсангиз, бас! Қийиб ташлайди! — у шундай деди-ю, ўгирилиб телефонга чўзилди.

Райко қўл ҳаракати билан уни тўхтатди.

— Сиз мени тушунмапсиз, ўртоқ... Бизни машинкагиз қизиқтиради.

— Ажабо?! Машинканинг нима алоқаси бор?! Биз гўё бошқа-бошқа тилда гаплашаётгандаймиз, ўртоқ майор... даражангиз, гувоҳномагизни тўғри ўқидим, шекилли?

— Тўғри, бари тўғри, — дея тасдиқлади Райко. — Лекин, илтимос, менинг гапимгаям қўлоқ солинг. Сизнинг машинкагизда бир «хужжат», хужжат қўштирноқ ичида албатта, ёзилган. Гапни қисқа қилсак, сизнинг машинкагиздан жиноятчи унсурлар фойдаланишган...

Журналист қизариб-бўзариб, сапчиб тушди:

— Сиз, демак, мени ўша унсурлар билан алоқада бўлганимни фош этгани келгансиз, шундайми?

— Қўйинг-э! Миянгизга шундай фикр келганини қаранг! — Райко тушунтиришга ҳаракат қилди. — Машинка, ахир, сизнинг хоҳишингизсиз ҳам уларнинг қўлига тушиши мумкин-ку?

— Албатта, мумкин, — деди журналист анча юмшаб. — Ўша сизни қизиқтирган машинкани аллақачон қуритганман.

— Кўнглим сезган эди-я! — Райко маъюс жилмайди. — Машинканинг эгаси алмашиб, қўлдан-қўлга ўтиб кетгандир-ов, деб ўйлагандим-а. Бирортасига бердингизми, сотдингизми ёки совға?..

— Ҳеч кимга бермадим, сотмадим, совғаям қилмадим, — афтини бужмайтирди ҳамсуҳбати. — Комиссион магазинга топшириб, ўзимга ҳарфи йирикроқ машинка топдим.

— Қайси магазинга топширдингиз?

— Ярмаркадагига. У ерда узоқ туриб қолмади. Топширган кунимдан роппароса бир ҳафтадан кейин пулингизни олсангиз бўлади, деб кўнғироқ қилишди.

— Бошқа саволими йўқ, — Райко хайрлашаётиб узр сўради: — Афв этинг. Сизни андак ташвишлантирдим. Иложимиз қанча — хизматчилик.

— Тушунаман, ҳечқиси йўқ, — журналист уни йўлаққача кузатиб чиқди.

Райко редакциядан чиқибоқ ярмаркага жўнади. Йўлда кетаётиб машинкани ким олди экан, деб ўйлади ва стенография-машинисткаликка ўрганаётган бирорта қиз уйда машқ қилиш учун олгандир, ҳойнаҳой, деган қарорга келди. Йўқса, бошқа кимга керак? Кейин машинисткаликка ўргатадиган курсга ҳам бош суқиб ўтишга тўғри келади... Агар ўша қиз курсга қатнамай бирортасига ўзича шоғирд тушган бўлса-чи? Ана, устунларга қанчадан-қанча эълонлар ёпиштириб ташланган! Унда анча мушкул... лекин машинка эгасини топиши керак, топмай қўймайди, чунки жудаям зарур.

Тўғриси, бугун омади келган кун экан. Анавини қарангки, Райко машинкага оид савол берар-бермас сотувчи унинг тахминини тасдиқлади. Чиндан ҳам у қидираётган машинкани стенография-машинисткалик курсида ўқиётган бир қиз уйда машқ қилиш учун олган экан. Буни сотувчи аниқ эслаб қолганининг сабаби бор: комиссия магазинга машинка кам тушади... харид қилган қиз ёшгина... Бу йил ёки ўтган йили ўрта мактабни битирган бўлса керак, деб тахмин қилди у. Ташқи қиёфасими? Аниқ чизиб бериши қийин бўлди. Ҳозирги қизлар, тақлид қилиб, бир-бирларига жуда ўхшаб кийинишади. Кўрмоқчимсиз? Ердам беришим мумкин, — кулимсиради сотувчи. — Машинка келиб қолса кўнғироқ қиларсиз, деб телефон номерини қолдирган эди.

Буёғи осон кўчди: қизнинг иш жой телефони лойиҳалаш институти экан уй адреси аниқланди.

— Энди нима қилсак экан? — Райко полковник Ҳожихонов билан маслаҳатлашди. — Қиз билан учрашайми ёки кутайми?

— Яхшиси, арқонни узун ташлайлик, — деди у. столни аста чертар экан. — Уйини зимдан кузатайлик... Харченко қандай гап топиб келади, кўрайлик...

— Мана, биз ҳам келдик! — бўсағада Харченко кўринди. У текис, оппоқ тишларини кўрсатиб кулар эди. — Фамилиямни тилга олдинглар, йўқладинглар-ов! Доклад қилишга рухсат этасизми, ўртоқ полковник! Ёки майор билан ҳали гапларинг тугамадимми?

— Сизни кутаётган эдик, марҳамат!— деди Ҳожиҳонов расмий оҳангда. Қидирув бўлимининг бошлиғи Харченконинг сўзларидан ўзининг ҳақ эканига ишонч ёғилиб турарди. У тахмини тўғрими, хатоми деб уйлаб ҳам кўрмай мақсад томон тикка бостириб бораётгани аён эди.

— ...Геометрия дарслигидан маълумки, тўғри чизиқ, икки нуқта оралиғидаги энг қисқа йўлдир!— дея ўз ақл-заковатини намойиш этгани ҳолда ахборотига яқун ясади у.

— Албатта... албатта, геометрия дарслигида шундай,— бизнинг ишимизда тўғри чизиқ ҳаммавақт ҳам энг қисқа йўл бўлавермайди... Бунинг сиз, афсуски, неча марта ўз тажрибангизда синаб кўргансиз, ўртоқ майор...

— Хато қилмай пишмайсан!— жиддий туриб жавоб қилди Харченко.

Бутун шаҳар автоинспекцияси том маънода оёққа турғазилди. Айниқса, йўл назоратидаги ходимлар гарданига оғир вазифа юклатилди: номери «11» рақами билан тугайдиган ҳар қандай машина бирор баҳона билан тўхтатилиб, ГАИга юборилсин, деб буюрилди.

— Нега ҳар қандай? Ўзингиз, ахир жабрдийда таксига тушган, деяпсиз-ку?— эътироз билдиришга уриниб кўрди баъзи автоинспекция ходимлари.

Харченко ўз фикрида қатъий эди:

— Тўрни қанчалик ёйиб ташласак, овимиз шунчалик бароридан келади!

Афсуски, ҳозирча тўрға кутилган сайд илинмади. Тўхтатилган автомашина шоферлари чакка соқолсиз ва деярлик бари ҳозиржавоб, ширинсухан кишилар эди. Харченко эса Аванес амаки тасвирлаб берган ўша жағигача ўсиқ чакка соқол босган камгап шоферни қидираётган эди-да.

Майор Харченко автоинспекция ходимлари билан шаҳардаги таксопарк ва автокомбинатларни айланди: у ерларда аини смена алмашиш пайтига етиб боришга ҳаракат қилди. Чунки бу пайтда деярлик ҳамма шоферлар йиғилган бўлади. Лекин бу қидирувлардан ҳам натижа чиқмади. Бошқармага икки қўлини бурнига тикиб қайтиб борса, ҳамкасблари кулишмайдимми, ахир? Унинг юраги ғаш эди. Энди қайтиб кетаётганида... Ҳа, худди 11-таксопарк диспетчерхонасида номери «11» рақами билан тугайдиган машинанинг дарағи чиқиб қолса-я!

— Аҳ-ҳа, кутулиб бўлсан энди!— Харченко ичида яниди-да, қўлини-қўлига ишқади.— Ўша қарияга қилган қилиғингни менга қиллолмайсан. Мен, сендақа «камгап»ни сергап қилиб қўяман!

Ўша, у қидирган машинанинг дарағи таксопарк диспетчери — кампирдан чиқди. Хўжалик директори билан гаплашаётганида диққат билан эшитиб турган экан.

— Бу ўртоқларга балки, Илёс Муродов керакдир? Утган сафар навбатчилик қилганимда у ўзининг машинасини минмай бошқа «34—11» номерли машинада ишга чиққан. Уларнинг «ГАЗ-24»ини сменадоши ремонтга топширган эди. Тўғри, Илёс чакка соқол қўйган... Бу ўртоқ айтган одам у бўлмасин тағин...

— У қаёқда ҳозир? Зудлик билан топинглар!— Харченко қолбона бақирди.

— У касал-ку,— деди директор.— Уч кундан бери бюллетенда...

Адресини олиб, Харченко автоинспектор билан Муродовникига — Янги масивга жўнади. Бу ёқлар ҳали тартибга тушмаган, ҳатто уйларнинг номери ҳам йўқ экан.

— Катта шаҳарда жинкўчагача топсанг-ку, бу ерга келиб адашиб ўтирсак!— Харченконинг хуноби ошди.— Шу ерлик одамлардан сўрайлик-чи...

Чиндан ҳам дуч келган одамдан сўрашди. Тела бўлиб уюлиб ётган қурилиш ахлатлари ёнидан айланиб ўтишди. Ниҳоят, қидирган уйларини топишди. Дарвозасида электр кўнғироқ йўқ экан. Харченко уни сейф калити билан қаттиқ-қаттиқ тақиллата бошлади. Тўғри, эшик тақилламас, балки пўкиллларди. Чунки эшик ўртасига тахта ўрнида жойланган қалин картон қоқилган эди. Харченко буни пайқаб, афсуслангандай бош чайқаб қўйди.

— Бундай эшиклар ҳалол кишилар учун мўлжалланган, албатта, лекин эгрилар учун жуда қўл келар экан-да,— қийналиб ҳам ўтиришмайди: пичоқ учи билан салгина кавласа тамом — калитга ҳожат ҳам қолмайди.

Ичкаридан «ким, ким керак?!» деган овоз ҳам эшитилмади. Эшик секингина очилиб бўсағада уй эгаси пайдо бўлди. Сочининг патила-патилалигига, эгнидаги пахмоқ пижамасининг ёғимлигига қараганда, унинг каравотдан энди турганини пайқаш қийин эмас эди.

Харченко ичида «шу» деди. Ҳа, чиндан ҳам ўзи қидираётган чакка соқолли, чолни аэропортдан Угловая кўчасига олиб берган такси шофери қаршисида турарди.

Йигит уларга жимгина қараб турар: чеҳрасида на кўрқув, на ҳайрат аломати бор эди.

— Балки киринглар деб, таклиф қиларсиз?— унинг туриши Харченкога ёқмади.

Йигит пинагини ҳам бузмади: индамай йўл бўшатди.

— Нимага келдинглар деб сўрамайсиз ҳам,— уй эгасининг бепарволиги Харченконинг ғашига тегди.

— Келсизлар — бирор зарил иш чиққандир-да...— деб қўйди чакка соқолли йигит каттакан деразага тутилган дарпардани очаетиб.

Хона ёруғ тушгач, кенгайиб кетгандай бўлди.— Харченко зимдан кўз ташлади: деворларга зарварақ қоғоз ёпиштирилган, оёқ остида тўқ қизил линолеум. Тўғри, мебель янги, лекин ҳали жой-жойига қўйилмаган, идиш-анжомлар ҳам бепартиб — бир бурчақда газета устида қалашиб ётибди...

Муродов кутилмаган меҳмонларга стул қўйиб, ўзи ўтирди-да, тирсаги билан столга суяниб кута бошлади.

— Сизлар кимсизлар, деб сўрамайсиз ҳам?— уй эгасининг бепарво ўтириши Харченконинг жаҳлини чиқарди.

— Нимага энди?— совуққонлик билан жавоб қилди уй эгаси.— Мен уни биламан,— Муродов автоинспектор томонга кўз қирини ташлаб қўйди.— Ўз уйимда йўл қодаларию тартиб-интизомни мен бошқараман!

— Биз сизнинг олдингизга автоинспекция иши билан келмадик,— деди Харченко.

— Қулоғим сизда,— деди йигит ўша-ўша бепарволик билан.

— Бундан бир неча кун муқаддам сиз бир чолни аэропортдан шаҳарга олиб борганмидингиз?

— Ҳар куни 60-70 сўмдан кира ҳақи топшираман. Бу — киши бошига бир-икки сўмдан тўланса, ўттиз-элликта йўловчи деган гап... Ҳари эсда турарканми!— Муродов чимирилди.

— Бир эслаб кўринг-а!— Харченко уй эгасига тик боқди.— Бу сиз учун жуда муҳим.

— Мен учун энг муҳими ҳозир иситмамни қайтариш,— Муродовнинг йўтали тутди.

— Касалингизни врачга арз қиласиз! Мен жиноят қидирув бошқармаси ходимиман,— майор баланд келди.— Менинг сиз билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ. Нимани сўрасам, шунга жавоб қилинг!

— Ҳўш, сўранг. Нимани айтишим керак экан? Менинг жиноят қидирув бошқармасига ҳеч қандай ишим йўқ. Улар билан,— Муродов автоинспектор томонга яна имо қилди,— бошқа гап.

— Эсланг, бир эслаб кўринг-а,— қистай бошлади Харченко.— Эсингизга туширишга тўғри келади: аэропортдан тикма қанорқопи машинангиз юкхонасига зўрға сиққан бир чолни олиб Углова кўчасига олиб боргансиз...— У Муродовнинг кўзларига синовчан тикилди.— Уй номери қандайлигини ўзингиз айтарсиз... Ҳўш, эсингизга тушдимми?

— Ҳа-ҳа, эсладим...— Муродов ўрнидан туриб ошхонага кириб кетди. У ерда тунука чойнак шақиллади. Харченко «энди ёрилмай қаёққа борарди», дегандай автоинспекторнинг биқинига ғолибона туртиб қўйди.— Эсга тушди...— деди Илёс Муродов ошхонадан қайтиб чиққач.— Уй номери ёдимда йўқ. Чол ёдимда: Ҳаво дим, нафасинг қайтгудек-ку, у бўлса этаги тўпиғига тушадиган макентош ки-йиб олибди...

— Ҳўш, кейин?— қистокқа олди Харченко.

— Кейин ҳеч нима,— бепарволик билан жавоб қилди Муродов.— Чолни айтган жойига элтиб қўйдим. Юқини опкиришдим. Кейин янги йўловчи қидириб кетдим. Плани мен учун биров тўлдирмайдиганми...

— У ерга бошқа қайтмадингизми?— Харченко ўлжаси устига сапчишга ҳозирланаётган мушукдай бутун диққатини жамлаб, Муродовнинг кўзларига тикилди.

— Нима қиламан бориб?— Бобой ҳеч нима демади...

— Ўзингиз-чи? Ўз хоҳишингизча?... Ҳамтовоқларингизни бошлаб бормадингизми мабодо?

Муродовнинг рангпар чеҳрасига қон тепди:

— Сиз ўртоқ жиноят қидирув... гапни чалғитманг!

— Мен чалғитмаяпман, сўраяпман!— Харченко столга мушт туширди.— Олиф-тагарчилик кетмайди!— Тўғрисини айтинг!

— Агар бундақа дўқ-пўписа қиладиган бўлсангиз, мен сиз билан гаплашмайман. Касалман. Ана бюллетеним,— Муродов сервант томонга ишора қилди.— Бошқа ҳеч нарсани билмайман.

— Яхши-и-и!— Харченко унга хезланди.— Билмасангиз, билдириб қўямиз! Нега ўша куни шаҳарга ўз машинангизда эмас, бошқа машинада чиқдингиз?

— Шеригим менга айтмай машинани тузатишга топширган экан. Нима қилай, кўча чангитайми? Бўш турган машинага ўтирдим-да, ишга чиқиб кетдим. Оёқни осмонга кўтариб ётгандан кўра ишлаган яхшимасми?

— Нима яхши, нима ёмонлигини кейин биламиз!— Харченко гапини кесиб ташлади-да, бир варақ қоғоз узатди.— Ҳозирча мана бунга қўл қўйинг.

— Нима экан у?— деди Муродов қоғозга қарамай.

— Бирор ёққа кетиб қолмаслик ҳақида тилхат.

— Марҳамат! Унта бўлмайдими!— Муродов тилхатга жимжимадор қилиб қўл қўйиб узатди.— Бу тумов билан қаёққа ҳам бордим.

* * *

— Бошқа гап ҳам бор!— Харченко ғалаба нашидасини сураётгандай бир кайфиятда эди.— Мен, ўртоқ полковник, йўл-йўлакай яна бир ишга қўл уриб қўйдим!

Ҳожихонов чимирилди; бу Харченкога теккан касал! Узиям, генерал ҳам, бошқармадаги бошқа ходимлар ҳам унга, одам деган ёғирроқ бўлади, ўртоқ, деб неча марта тартибга чақиринган. Йўқ, ўпкасини босиш қаёқда.

— «Гўзаллик саломи»да ўз одамим бор. Ўша «жонон» айтди, унинг олдида бир йигит кирган экан,— Харченко Ҳожихонов билан Райқони ховлиқтирмоқчи бўлдими, атайин гапни пайсалга солди.— Ўша заргар... нотаниш киши... илгари уни ҳе-

чам кўришмаган экан... келиб қимматбаҳо буюмлар бор, харидор топ, деб илтимос қилган эмиш.

— Қизиқ-ку,— полковник чиндан ҳам қизиқиб қолди.— Буниси, ўртоқ майор, «Муродов иши»га қараганда кетидан тушса арзийдиганроқ экан.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми, ўртоқ полковник? Менимча, иккала фронтда ҳам ғалаба нақд!

— Азизим Максим Алексеевич, тўла ғалабага эришиш учун ҳеҳ-ха-а, ҳали узоқ югуришга тўғри келар-ов!— дея маъюс жилмайди Райко.

— Саноқли кунлар қолди Галина Алексеевна!— Харченко унинг елкасига аста уриб қўйди.— Салгина исканжага олсак, тамом, ғалаба кўлимизда! Муродов билан ўша йигитни нима қилай, ўртоқ полковник?

— Муродовга ҳозирча тегиш керак эмас,— деди Хожихонов.— «Шубҳали», бу ҳали жиноятчи деган гап эмас. Нотаниш «заргар»ни эса, пайдо бўлди дегунча, қўлга олиш керак. Максим Алексеевич, команда беринг, бизнинг одамларимиз ўша жойда кўз-қулоқ бўлиб туришсин.

— Йигитни-ку, ўз-ўзидан маълум, қўлга оламиз!— Харченко тихирлик қилди.— Лекин менга қолса, Муродовни ҳам камерага тикқан бўлардим!

— Эҳ, Максим Алексеевич, Максим Алексеевич! Сизга қолса...— Райко шундай деди-ю, у ёғини айтмади.

8

Катта лейтенант Невструевга теракзор кўчасида содир бўлган босқинчилик иши билан шуғулланишни таклиф қилганларида у рўйхус бермади. Ахир, «иккала Лида»— Кочнева билан Мартовага оид топишмоқ ҳали ечилмаган эди-да.

Жиноят қидирув бошқармасининг бошлиғи унча қистамади.

— Бу ишни Хўжаевга топширсак-чи?— деб маслаҳат солди.— Сафарингизда у сизга ҳамроҳ бўлди... ишлашиб кўрдингиз. Қалай, фойдаси тегдими?

— Хар биримиз ҳам бу соҳага келганимизда дастлабки топшириғимиз бўлган. Кейин иккинчи, учинчи, ўнинчи топшириқлар олганмиз,— дея ўз мулоҳазасини айтди Невструев.— Сафарда «бўрилар изи»ни қидиришимиз бу унинг биринчи иши эди. Аммо анча синчков. Бора-бора пишиқ, оператив ходим бўлиб етишувига имоним комил. Бундай қараганингизда уятчан, бўшангдай кўринса-да, аслида, анча чапдаст. «Майли, бошлайверинг. «Лида»ларга оид ишни тугатганимдан кейин мен ҳам қўйлишарман... Бир ишни тагига етиб нуқта қўйишим керак-ку, ахир.

— Келишдик.

Полковник ёш офицернинг қўлини маҳкам сиқиб хайрлашди. Ҳа, ўзига очиқ билдирмагани билан, унга нисбатан ҳурмати ўзгача. Бунини ошкор қилиб бўлар эканми. Хизматда қўл остингдагиларни «суюклилар» ва «суюксизлар» тоифасига ажратиб бўлмайди, ахир.

— Хўжаевни айтиб юборинг...

* * *

...Невструев бошқармадаги картотекани кавлаштириб ҳеч нимани аниқлай олмади. Мартова деган фамилияликлар йўқ, лекин, «Кочневалар» анча-мунча бўлгани билан уларнинг таржimai ҳолига доир далиллар Кочневаникига тўғри келмайди: исми ҳам бошқа, ёши ҳам. Кўкбулоқдаги Черников билан аэропорт ходимининг айтганларига қараганда Кочневанинг ёши ўттиздан ошган бўлиши керак эди.

У Бошқарма архивидан адреслар маҳкамасига ўтди. «Мартова фамилияли аёл-ними ёки Кочневани қидиришдан бошлаш керакмикан?— деб хаёл суриб қолди катта лейтенант карточаларни бирма-бир кўздан кечираркан.— Кочнева фамилиясидаги аёл телеграмма олиб турган. Телеграмма ишхонадан олинган, эски гувоҳномани кўрсатса ҳам бераверишади. Лекин аэрофлот кассасидан билет олиш учун албатта паспорт талаб қилинади. Агар у эрга теккан бўлса, мантиқан Кочнева фамилиясини Мартова қилиб ўзгартириши ҳам мумкин...

Ва у Лидия Мартовани қидиришга қарор қилди.

— Иш тенг ярмига камайдиган бўлди, ўртоқ катта лейтенант!— деб қувонишди адреслар маҳкамасидаги қизлар.— Вақт ҳам тенг ярмига кам сарфланадиган бўлди. Бироқ бу Мартова деганлари сизга нега керак бўлиб қолди? Ё ўзингизга қалиқ қидириясизми? Узоққа югурмай кўяқолинг, ўзимиздаям қизлар кўп!

— Олдин Мартовани топайлик, совчилик тўғрисида кейин гаплашаверамиз. Бизда бўйдоқлар тўлиб-тошиб ётибди!— дея ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди Невструев.

— Ундай экан, қизлар, чаққон-чаққон бўла қолинглар!— дея кулди улардан бири.— Бу гапдан тўйнинг ҳиди келяпти. Кечаси билан Ниҳоллар саройини туш кўриб юрибман-а!

Қизлар адреслар варақаларини титишаётганларида Невструев ташқарига чиқди.

Одамлар башанг кийинган ёки иш кийимида тўп-тўп, якка-якка бўлишиб қаёққадир шошилишар эди. Қанча кундан бери ўзи қидираётган Мартова ҳам балки ҳозир шулар орасидадир. Балки анави йкки қоchoдан биттиси уни қўлтиқлаб кетаётгандир... Одамларга қанчадан-қанча зиён-захмат етказиши мумкин у иккови. Уларнинг шериклари! Ахир, ундай қочиш режасини тайёрлаш ва уюштириш биргина Кочнева ёки Мартованинг қўлидан келмайди!

Адреслар маҳкамасидаги қизлар уни яна шўх ҳазил-ҳузил билан қарши олишди.

— Қирқни уриб қўйган Лидия Мартоваларни бошингизга урасизми? Ёшроқлар топилмас эканми? Мана биз ҳам бормиз

— Кимга совчи қўйишга бошим қотган. Адашмаслик учун ҳаммага бирдан йўллай қолсаммикан-а?

Қизларнинг ҳазил-мутуйибалари остида Невструев адреслар маҳкамасини тарк этди. Кўча иссиқ, дим эди. Қўлида ўн икки адрес. Шаҳарда ўттиздан-қирқ ёшгача исми шарифи Мартова Лидия бўлган аёллар шунчалик кўп эканки! Яхшиям унинг қидиргани Мартова Иванова, Васильева ёки Хўжаева, Аҳмедова бўлганда нима қиларди!

У адреслар маҳкамасига яқин хиёбонда тўхтаб, бўш скамейкалардан бирига ўтирди. У райондан-бу районга, шаҳарнинг бу бошидан-бу бошига тентираб юрмаслик учун адреслар варақаларини кўриб ажрата бошлади. Кун оғиб қолган эди. Вақтни бекор кетказмаслик учун Невструев шу бугуноқ адресдаги яқинроқ бир-икита уйга кириб чиқишга қарор қилди.

У кўнғироқ тугмасини босиб узоқ кутди. Ичкаридан ҳеч қандай жавоб бўлмади. Ниҳоят, қарама-қарши квартира эшиги очилди.

— Сизга ким керак?— деб сўради коржомасининг енги хамир-ун юки тўладан келган бир хотин мулоимлик билан.

— Лидия Мартовани кўрмоқчи эдим...

— Уни энди кўрмоқлик худодан ўзга бандасига насиб бўлмаса керак,— қўшни аёл Невструевга жавоб қилатуриб шифтга маъюс боқди.

— Нима бўлди?!— Невструев ажабланди.

— Хабарингиз йўқми?

— Билсам сўрамасдим.

— Лидочка қазо қилди,— қўшни аёл йиғламсиради.— Ўтган ҳафта... У энди йўқ...

— Емон бўпти-ку!— Невструев чиндан ҳам марҳумага ачинди.— Бахтсиз ҳодиса юз бердимиз!— дея қўққисдан сўради у. (Касби шундай бўлгач, нима қилсин?!)

— Йў-йўқ...— тушунтира кетди қўшни аёл.— Лида тоби бўлмай узоқ ётди. Касалхонада ҳам ётди... оқ қон касали билан. Бошимизга бало бўлиб қаёқдан пайдо бўлди-я бу касал?! Уша касалхонада қазо қилди бечора. Уйда ҳеч ким йўқ, жанозага келган қариндошларни кузатгани кетишган.

Шундай қилиб биринчи эшикни қоққандаёқ ҳаракати муваффақиятсиз чиқди. «Ирим-сиримга ишонадиган бўлсам, аслида бугун қидиришни тўхтатишим зарур... Бошланиши бундоқ, охири бахайр бўлсин... Бироқ биз на худо, на шайтонни биламиз. Вақт кутиб турмайди...» Невструев ичида ўзи билан ўзи шундай сўзлашди-да, қадамни тезлатди.

Бошқа Лидия Мартова икки йиллик отпусказини олиб, мана, иккинчи ой Рига денгиз қирғоғида дам олаётган экан. Яқин кунларда қайтса керак, дейишди уйдагилар. «Йўл— ойдин,— деди ичида катта лейтенант.— Демак, бу ҳам эмас».

Яна бир Лида Мартова учинчи бор бутун ёз мавсуми давомида балиқ консерва заводига ёлланиб, Куриль ороллари қирғоқларида ишлайдиган ишчи қиз бўлиб чиқди. Демак, уям қидирган одами эмас, ҳушчақчақ, озода кийинган кичкина кампир кўринди. Унинг чеҳрасидан илтимосингизни ерда қолдирмаслиги айнан кўришиб турарди.

Эртасига эрталабданоқ Невструевнинг омади келди. Олмазор маҳалласига тўртинчи адресга келганида, биринчи адресга борганидагидек, кўнғироқни ҳарчанд чалмасин, ҳеч ким чиқмади. Анчадан кейин қўшни квартира эшиги очилиб... ҳа, бу сафар тўладан келган маъюс аёл эмас, ҳушчақчақ, озода кийинган кичкина кампир кўринди. Унинг чеҳрасидан илтимосингизни ерда қолдирмаслиги айнан кўришиб турарди.

— Лидами? Йўқ-йўқ!— оч пушти ранг шим-у, янги калта катак қўйлак кийган кампир катта лейтенантнинг сўроқларига ўзгача бир эътибор билан жавоб бера бошлади.— Биз ўзимиз уни ҳафталаб, ҳатто ойлаб кўрмаймиз. Ишхонасидами ёки қаердадир санқиб юрса керак-да. Яқинда қаёққадир жўнади, шекилли... Қаёққа, дейсизми? Аниқ бир нима деёлмайман, яхши йигит, узр, билмайман.

— Ёлғиз ўзи жўнадимикан? Ёки ёнида яна?— таваккал қилди Невструев.

Кампир бармоғини силтаб пўписа қилган бўлди:

— Вой, бу ёшлар-эй! Лаҳзада ошиқ бўлиб, лаҳзада рашк ҳам қила қолишадди! Кўнғлимга ўтириб қолдингиз, яхши йигит. Шунинг учун ҳам сизни хафа қилмоқчи эмасдим-ку, бироқ иложим қанча? Ёлғиз эмас, йўқ, ёлғиз эмас! Ёлғиз ўзи бўлса, ўғлимнинг паспортини нега олади?

— Балки ЗАГС учун керак бўлгандир?

— Менинг Игорининг минг чандон яхшироқ ёри бор!— дея қўл силтади кампир.— Жуда яхши туришади... Ҳатто Лидия ҳам ораларини бузолмайди... Улар районга қудамга экин-тикинга қарашгани кетишган.

— Ўғлингизни паспортлари Лидада қолавердимиз?— шунчаки бир гапиргандай сўради Невструев.

— Нега қоларкан? Бир ҳафта ўтмаёқ қайтариб берди.

— Игорни танисам керак...— деди катта лейтенант эслашга ҳаракат қилаётган киши қиёфасига кириб.— Фамилияси нима эди?

— Меники қандай бўлса, уники ҳам шундай,— деди кампир ўзгача бир мам-

нуният билан.— Биз Казачкинлармиз! Еруғ жаҳонда Қазаққовлар кўп, бироқ Казачкинлар бармоқ билан санарли, оз. Шундақа, яхши йигит!

Невструев Кўкбулоқдан учган ўша пассажирлар рўйхатини кўз ўнгига келтирди. Дарвоқе, йигирма бештача фамилия орасида «Казачкин И. Г.» ҳам бор эди. Э-ҳа!..

Гапдонгина кампирдан у яна бир нарсани аниқлаб олди: Лида эски Қорасувда турадиган опасникида ҳафталаб қолиб кетар экан. Опаси бўлса эри билан қайсидир районда ишлар экан. Улар бефарзанд, уйларига қарайдиган одам бўлмаганлигидан Лида бориб ётиб юрар экан. Лекин кампир адресини аниқ айтиб бера олмади.

— Кўпдан-кўп раҳмат сизга, бувижон!— Невструев ҳеч қандай сохталиксиз миннатдорчилик билдирди.— Фақат менинг келганимни Лида билмагани маъқул. Бизнинг учрашувимиз унинг учун фавқулодда бир қувончли ҳодиса бўлишини истардим.

Кампир, Лида мендан бир оғиз ҳам сўз эшитмайди, деб қанчалик ишонтирмасин, Невструевнинг бунга имони комил эмас эди. Чунки анча гапдонгина экан ёқимтой бувижон. «Бунинг олдини олиш учун Лидани биринчи бўлиб у эмас, мен кўришим керак», деган фикрга келди катта лейтенант.

У шаҳар ички ишлар бошқармасига яхши қайфият билан кириб келган бўлса-да, кўп ўтмай бу хушнудликдан асар ҳам қолмади.

— Яна ўшанақа ўғирлик!— деди ҳовлида дуч келиб қолган полковник Ҳожихонов.— Ҳаммамиз ўша ёққа борамиз. Сиз иккинчи машинага ўтиринг. Уғирлик услуби ўшандай!

Чиндан ҳам услуб жуда ўхшаш. Катталар ишга кетишиб уйда буви билан на-бира қолган экан. Эрталабки соат ўнларда кўнғироқ жиринглабди. Қиз бола, бирга дарс тайёрлагани ўртоғим келгандир, деб эшикни очса, уч эркак. Биттаси ҳарбийча кийинган. Бошқасининг кўлида қулфлари ялтироқ қора портфел... Ичкари киришиб-да:

— Биз милицияданмиз!— дебди ҳарбий.

— Милицияга қандай иш бор экан бу ерда?— деб буви гап бошлаши билан уни итариб-итариб ҳаммомга қамаб қўйишибди.

Қиздан қимматбаҳо буюмларни, пул яширилган жойни кўрсатишни талаб қилишибди. Қиз гапириш у ёқда турсин, кўрққанидан йиғлашга ҳам ҳоли қолмапти.

Уғрилар оладиганини олиб кетишаётиб эшикни сиртидан қулфлаб кетишибди. Қиз ўзини ерга отиб дод-вой солибди. Буви деразадан ҳалигиларнинг машинасига кўзи тушибди— такси эмасмиш. Телефонга ёпишса трубкаси, узиб қўйилган экан. Шундан кейин у, зора қўшнилар эшитишса, деган умидда девору эшикларни тақиллата бошлабди. Чиндан ҳам қўшнилар пайқаб қолишиб, кампирнинг ўғлига ва милицияга телефон қилишибди.

Қиздан сўрашса ҳарбийча кийим-у, қулфлари ялтироқ қора портфелдан бошқа ҳеч нимани эслолмабди. Кампир икитаси мўйловли эканини, анави ҳарбий кийимдагисининг фуражкеси тағидан оқ сочи патила-патила бўлиб чиқиб турганини айтибди. Қўшнилардан биронтаси ҳам на машинани, на ўғрилари кўришибди. Қиз бир оз ўзига келгач, ҳарбий кийимдаги одамнинг поғонидаги юлдузлар Невструевникидай, фақат асл каттароқ эканини айтибди.

Талончилик содир бўлган жойдан қайтишгач, бутун оператив группа генералнинг ҳузурига йиғилди. Хонада, узун стол атрофида ўтирган офицерлар ҳижолат чекишаётгандай бир қиёфада эди.

— Кейинги ўн йил ичида шаҳримизда юз берган жиноий ишларга оид ҳужжатлар билан танишиб чиқдик,— деди генерал ўтирганларга ваэин боқиб.— Бироқ, «услуг» жиҳатдан ўхшабини учратмадик. Шаҳримизда бундақа ўғирлик бўлмаган. Министрлик бошқа шаҳарлардан маълумот сўради. Мен ҳам қардош республика пойтахтларига телефон қилдим... кутайлик-чи. Бу фавқулодда ҳодисага бизнинг касбимиздаги одамларнинг қандай қарашларини яхши биласизлар? Биз-чи? Қўлимиздан нима келди? Министрга, шаҳар партия комитетига, ижроия комитетига жиноятчилар қўлга туширилганлиги тўғрисида қачон доклад қиламиз? Босқинчилик қандай кўринишда бўлмасин, у ўтакетган оғир жиноятдир! Бунинг устига яна жиноятчи ҳарбий кийимда... балки бизнинг милиция кийимидадир? Шаънимизга қанчалик ёмон доғ тушишини тасаввур этасизларми? Улар устидан суд бўлмагунича, аҳолига биз ўзимизнинг бегуноҳ эканимизни исботлаб беролмаймиз. Қидирув-тергов ишлари ҳақида ким доклад қилади? Сизми, полковник?

— Кечаги маълумотлар асосида ахборот беришим мумкин, ўртоқ генерал!— деди Ҳожихонов ғоз туриб.— Бугун ўртоқлар билан гаплашишга улгурмадик, жиноят содир бўлган жойга шошилиш жўнашга тўғри келди...

— Унда кимдан бошласак экан?— Сафаров миқ этмай ерга қараганча ўтиришган оператив группа ходимларига кўз ташлади.— Галина Сергеевна, сиз?

— Бирор янгилик йўқ, ўртоқ генерал...— гуноҳкордай бўшашиб жавоб қилди Райко.— «Чақириқ қоғозини» машинкалаган қизни топдим,— лекин умумий манзарани чалкаштириб юбормаслик учун у билан бевосита учрашиб гаплашганимча йўқ.

— Ҳа, хабарим бор,— деб қўйди генерал қовоғини солиб. Бошқарма ходимлари уни бундай қиёфада камдан-кам учратганлар. Ахир, шаҳарда оператив ҳолат фавқулодда кескинлашган эди-да. Қовоқ солиш ҳам гапми, аслида шу пайт генерал дод деб юбориш даражасида эди.— Кейин нима қилиш кераклигини биргаллашиб ҳал қиламиз... Майор Харченко! «Гўзаллик салони»да қандай янгиликлар бор?

— «Заргар» ҳали келганича йўқ,— Харченко ўрнидан турар экан, кителининг

барини тортиб қўйиб жавоб қилди.—Кутаяпмиз. «Заргарлик»ка алоқадорларни жамлаб туриб шаппа қопқонга туширамиз, деб ўйлайман!—у генералнинг чимирилганини кўриб гап оқимини ўзгартирди.—Мен, ўртоқ генерал, чолни Угловая кўчасига обортан такси шоферини ҳам топдим. Менинг фикримча, уни қўлга олиш керак. Сезишимча, у йирик наҳанглардан бўлса керак...

— Сизнинг ўйингизу сезишингиздан бизга бирор наф, Муродовга эса бирор зиён ётганича йўқ,— дея унинг гапини бўлди генерал.— Сизга мен ҳам, полковник Ҳожихонов ҳам ўз ҳис-туйғуларингизни Бошқарма ташқарисида қолдириб кириш, деб неча марта айтганмиз. Бизга далиллар— инкор этиб бўлмайдиган аниқ далиллар керак! Утиринг! Сиз нима гап топиб келдингиз, ўртоқ катта лейтенант!— Сафаров Мелкумовга имо қилди.

— Мен, ўртоқ генерал, кеча темир йўл районини айланиб чиқдим. Автобуста кетаётиб бир гуруҳ балиқчиларни учратдим. Овдан қайтишаётган бўлишса керак— қармоқлари филоф ичида... Шулардан бири, ҳаммани оғзига қаратиб, гап бериб кетаётган экан. Мен ҳам қулоқ солдим. Гапириб-гапириб туриб, «қарасам» деб кўядиган одати бор экан,— Мелкумов қалдирғоч қанотидай қоп-қора қошларини кериб Райкога маънодор боқди.— Эсимда, Галина Алексеевна бир вақт шу иборатга эътибор берган эди! «Қарасам, дейди ўша овчи, пўкак бир томонга лик-лик этиб оғиб бораяпти! Қарасам, қармоққа товонбалиқ илингана ўхшайди!» У мана шу хилда гапирар экан. Товарная станциясида тушди. Мен ҳам тушдим. Квартирасигача сездирмай кузатиб бордим. «Балиқчи»нинг исми шарифини уй дафтаридан билиб олдим... Менинг диққатимни тортган яна бир нарсаси, бу унинг бошидаги фуражкеси бўлди. Ҳа, темир йўлчилар фуражкеси...

— Чиндан ҳам диққат қилса арзигулик далил,— генералнинг овозида илиқлик зуҳур этгандай бўлди.— Ҳўш, чолингиз қалай?

— Соғ-саломат, кайфияти ҳам жойида.

— Хонасида телефон борми? Узиб қўйинглар!— Сафаров буюрди.— Чол эса, тайинлаб қўйинг, ҳозирча меҳмонхонадан ташқарига чиқмасин... Анавилар кетларидан одам тушганини сезиб қолиб, унинг пайини қирқиб қўйишмасин, яна... Қариянинг кафиллиги сизнинг бўйингизга юкланади, катта лейтенант.

— Қарияга кўз-қулоқ бўлиб тураман, ўртоқ генерал!

Генерал полковник Ҳожихоновни бир четга тортиб маслаҳатлашишди шекилли, қайтиб тўпланганларга шундай деди:

— Менинг фикрим... полковник Ҳожихоновнинг фикри ҳам шундай: «балиқчи» ва машинистка қизни қўлга олишга тўғри келади... Сиртмоқни қаттикроқ тортиш керак эди-я, афсуски, шарт-шароит бунга йўл қўймапти... Ўртоқ Невструев, опа-сингил Мартовалар уйини топишингиз учун қанча вақт керак бўлади?

— Ҳозироқ район бўлими ходимлари билан эски Қорасув маҳалласига жўнашим мумкин!

— Бу ишни кечгача бажарсангиз тузук бўларди.

— Буйруғингизни бажаришга тайёрман, ўртоқ генерал!

— Бўлмаса кенгаш ёпиқ. Ҳамма жой-жойига борсин. Биз Ҳожихонов билан шу ерда бўламиз. Сизлардан дарак кутамиз... Лекин эҳтиёт бўлинглар— ўзбошимчалик бўлмасин!

— Улар ҳар хил-а?— генерал, ҳамма тарқагач, кабинетида у ёқдан-бу ёққа аста одимлар экан, ўзи билан ўзи сўзлашгандай ўйчан гапирди.— Бир қарабсиз полковник, яна бир қарасангиз капитан. Гоҳ мўйловли, гоҳ мўйловсиз. Кўрганлардан биттаси сочи қоп-қора деса, бошқаси оппоқ, дейди. Тилладан қоплама тиш қўйдиргани ҳам ҳозирча ҳеч ким мен кўрдим, демаяпти... Наҳот, бу ўғрилар шундай бутун бир катта тўда бўлишса? Ёки алоҳида-алоҳида кичик гуруҳлардан иборатмикан? Анчадан бери шаҳарда бундай фавқулодда ҳодиса юз бермаган эди. Ҳўш, сиз нима дейсиз, Абдулла Ҳожихонович? Нега дамингиз чиқмай қолди?

Полковник ўтирган ўрнида, нима қилай, дегандай бўйини қисиб қўйди:

— Сизнинг гапларингизга қулоқ солиб турибман, ўртоқ генерал. Шу чигал иш ҳақида менам ўйлаяпман. Тилладан қоплама тиш қўйган киши тўғрисида эса, Икром Сафарович, менинг кичкинагина мулоҳазам бор... Узим бир текшириб кўрсам дейман.

[Давоми 6-сонда]

ЕТТИНЧИГА ЎТАР КЕЧАСИ

ҲИКОЯ

Жиноий-қидирув инспектори Саксонбоев қурилиш бошқармаси кираверишидан туриб ҳовлини кузатди. Бошқарма ҳовлиси, худди шаҳар майдонидай катта эди. Унинг ўнг томонини гараж ва таъмирчилик устахонаси эгаллаган, чап томонини қўшни базанинг баланд фиштин девори тўсиб турарди. Бинога кираверишдан сал нарироқда унча баланд бўлмаган сершоҳ дарахтлар қад ростлаган, уларнинг салқинида эса қуруқшаб қолган қўш тахтадан ясалган ўриндиқ ва сigaretа қолдиқларини ташлаш учун ерга ярим кўмилган тепаси очиқ бочкадан иборат чекиш жойи жиҳозланганди. Ҳозир у ерга ўн чоқли одам йиғилганди. Уларнинг кўплари билан Саксонбоев танишиб улгурган; булар асосан ҳисобот ҳужжатлари топширгани қурилиш участкаларидан келган прораблар эди.

— Сергей Иванович,— чақирди. Саксонбоев,— сизни мумкинми?

Зуев худди қадимий ҳайкал бюстидай катта бошини силкиб қаддини ростлади, эндигина чека бошлаган сигаретасини бочкага ташлаб, дўстона жилмайганича инспекторнинг ёнига келди.

— Эшитаман.

У инспектордан бир калла баландроқ, елкалари ҳам деярли икки баробар кенг, қадди-қомати — машқларни йиғиштириб қўйгани сабабли семира бошлаган ўрта вазнли штангачини эслатарди.

Саксонбоев унинг қўлтиғидан олиб, фиштин девор томонга бошлади. Прораблар уларга бот-бот нигоҳ ташлаб қўйишарди.

— Сергей Иванович,— гап бошлади, ниҳоят, Саксонбоев ўйчан ҳолда,— бир нарсани аниқлашга ёрдам берсангиз.— У талаб эмас, илтимос қилаётганди.

— Жоним билан,— Зуев чўнтагидан сигарета пачкасини чиқариб инспекторга тутди.

У бошини чайқаб, қовоғини солди.

— Демак, шундай... Қелинг, яна бир бошдан гаплашайлик. Касани еттинчидан еттинчига ўтар кечаси уриб кетишган. Сиз еттинчида эрталаб келгансиз. Поезда, командировкадан. Шундайми?

— Шундай,— кулимсиради Зуев. Унинг бутун кўриниши гўё: «Мана, кўряпсизми, айни бир нарсани иккинчи ё учинчи марта сўраётган бўлишингизга қарамай, менинг ҳатто жаҳлим ҳам чиқмаяпти. Тушунаман — хизматчилик. Қўлимдан келган ёрдамимни аямайман. Аммо... вақтни беҳуда ўтказиб юбормаётганмикимиз?»— деяётгандай эди,— шундай,— яна такрорлади у.— Фақат командировка дейиш унчалик тўғри эмас. Район маркази менинг доимий иш жойим. Уч йилдан бери шундай. Газ кони очилганидан кейин у ерда бизга ҳам, бизнинг болаларимиз, ҳатто невараларимизга ҳам иш етиб ортади. Бошқармада эса, йўл-йўлакай бўламан, ҳисобот, буюртма ва лойиҳа ҳужжатлари дегандай... Бунинг устига оилам ҳам шу ерда яшайди.

— Демак, оиламиз сиз билан бирга эмас экан-да?

Зуев оғзини очиб жилмайди — унинг тишлари текис ва оппоқ эди. Умуман у ҳасад қилса бўладиган даражада соғлом одам эди.

— Район маркази оила билан турадиган жой эмас.

— Бари бир, уч йил... Оғир бўлса керак?

— Кўникиб қолдик. Хотиним илмий-текшириш институтида ишлайди. Директор эмас, албатта, аммо ҳарҳолда группа бошлиғи. Қи-

зим олти ёшидан акробатика билан шуғулланади. Ҳаммаси маромида, уларни жойидан қўзғаб нима ҳам қилдим. Бунинг устига район марказида мен бошқармага нисбатан... салгина кўпроқ бўламан. Биз, монтажчилар кўчманчи халқмииз. Асосан даштда, чўл-биебонда, хуллас, одам яшамайдиган олис жойларда ишлашимизга тўғри келади. Коллективимиз фақат эркаклардан ташкил топган. Вагончаларда яшаймиз, навбат билан ўзимиз овқат тайёрлаймиз...

— Янглишмасам, сиз поездда келгансиз, шундайми?

— Худди шундай.

— Район маркази, район маркази...— минғирлади Саксонбоев.— Менимча, у ерда тузуккина аэропорт бор. Рейслар ҳам қулай. Сиз агар самолётда учсангиз жуда кўп вақтингизни тежаб қолган бўлардингиз.

— У ернинг об-ҳавосига ишонмайман.

Зуев сигаретасини лабига қистириб, гугурт чақди.

— «Олтин Руно» чекасимми?— қизиқсинди Саксонбоев.

— Баъзан ўзимни эркалайман. Асосан, «Прима».

— Демак, еттинчи числода ҳам сиз поездда келгансиз?

— Шундай!— тоқат билан жавоб берди Зуев.

— Кейин тўғри бошқармага?

— Ҳа. Идорага тўққиздан сал ошганда аъло кайфиятда кириб бордим-у, ўғирлик ҳақидаги гапни эшитдим. Аблаҳлар!

У яна гугурт чақди-да, афтини тириштириб ёғинди, сигарета негадир ҳамон ўт олмаганди.

— Тешилибди, — деди Саксонбоев паст товушда, лекин маънодор қилиб.

Зуев оғзини очганча унга тикилди:

— Нима?

— Филтрнинг яқинида тешик бор экан, деяпман.

— А-а... Раҳмат, сезмабман.— У бошқа сигарета олди, тутатар экан, қўлидаги кумуш қопқоқли катта соатига нигоҳ ташлаб сўради:— Мен бўшманми, ҳисобот топширишим керак эди.

Саксонбоев чўнтагидан блокнот олди, унинг орасидан қандайдир қоғоз чиқарди-да, Зуевга узатди:

— Мана, ҳурматли Сергей Иванович, темир йўл бошқармасининг справкиси. Унда ёзилишича, еттинчи число кунни поезд район марказидан сўнги бекатга уч соат кечикиб келган. Шундай экан, соат тўққиз-ўн орасида сизнинг бошқармага етиб келишингиз сира мумкин эмас. Агар, таъкидлаётганингиздек, шу поездда келган бўлсангиз,— у бир зум сукут сақлади,— шунга қарамай, сиз бошқармада бўлгансиз... Буни қандай изоҳласак экан?— унинг нигоҳида яшириб бўлмас бир аянч ифодаси пайдо бўлган, гўё инспектор қаршисидаги келишган ёш йигитнинг ноқулай аҳволга тушиб қолганига чин дилдан ачинаётгандай эди.

— Кечирасиз... Илҳом Сак...

— Саксонович.

— Илҳом Саксонович... Мм... Шунақа бўлди денг...— Зуев тўхтовсиз уча бошлаган ўнг кўзини кафти билан ишқалади.— Нима ҳам дердим! Бўйин товламайман — мен бу поездда келмагандим. Самолётда учгандим...

— Еттинчида?

— Ҳа... Еттинчида... Шахсий ишим юзасидан, шунинг учун, табиийки, сизни ортиқча чалғитмай қўя қолай дегандим.

— Раҳмат,— Саксонбоев ҳамон вазмин ва жиддий эди,— хўш, бундай тан олишдан кейин олтинчидан еттинчига ўтар кечаси қаерда бўлганингизни айтиб беришни илтимос қилишимни ўзингиз ҳам сезаётган бўлсангиз керак? Бу сизнинг ўта шахсий ишингиз бўлган тақдирда ҳам.

Зуев энди, гўё инспектор ўзидан электр заряди чиқара билиши мумкинлигини сезгандай, унга хавотир билан тикилди.

— Олтинчида район марказида куним жуда серташвиш ўтди. Югур-югур, чоп-чоп дегандай. Самолётда учишдан аввал овқатланишга ҳам улгурмадим. Ниҳоят, соат кечки олти яримда самолёт манзилга қўнганида, мен шарбати сўриб олинган анорга ўхшаб шалпайиб қолаёзгандим. Ўзимни сал эпаккага келтириш мақсадида ресторанга киришга қарор қилдим. Юз грамм коньяк ичиб, кайфиятим бир оз яхшиланди. Яна такрор овқатланишга киришдим: уйдагиларимга мен, одатда, келишим ҳақида аввалдан ҳеч қандай хабар бермайман. Шунда денг, бир сўз билан айтганда, сиз эркак сифатида мени тушунишингиз керак... Мен ўн йилдан бери даштда кўчманчи ҳаёт кечираман... Аёл зотини баъзан ҳафталаб фақат тушингдагина кўрасан... Хуллас, қарасам, қўшни столда чиройликкина бир аёл ўтирибди. Бир ўзи. Мен ҳам бир ўзимман. Хуллас, бирга ўтиришни таклиф қилдим. Яна коньяк ва жўжа гўшти буюрдим. Овқатдан кейин уникига кетдик...

— Адреси, ҳойнаҳой, ёдингизда қолмаган бўлса керак?

— Қаёқда дейсиз! Қанақа адрес! Мен анчагина ичгандим. Биз яна бир шиша коньяк ҳам оливолгандик. Таксида, турган гап, ўпишдик, йўлга қараш хаёлда ҳам йўқ эди!

У Саксонбоевга, бундай шўхликлар сизнинг қўлингиздан келармикин, дегандай зимдан тикилди.

— Эрталаб қайтаётиб, қаерга келганингизни билиб олгандирсиз?

— Қайсидир янги микрорайон. Беш қаватли уй, йўл четида. Журнал дўкони ҳам бор эди. Бунинг устига биз нимагадир гижиллашиб қолдиг-у, у ердан жуда эрта қайтдим, ҳали кун ёришмаган, соат тўртлар чамаси эди. Яна бир оз мизғиб олиш учун аэропортга қайтдим. Эрталаб эса, одатдагича бошқармага етиб келдим,— у Саксонбоевга маънодор қараб қўйди,— ўзингиздан қолар гап йўқ, эркакчилик ҳар ҳолда...

— Хўш, демак, сиз самолётда келгансиз... Аммо, нима учун поездга ҳам билет олганингизга сира тушунолмаёйман? Бошқармангизнинг бухгалтериясига аванс ҳисоботига қўшиб сиз топширган поезд билетини назарда тутяпман.

— Яъни?..

— Яъни, нима учун сизга иккинчи билет зарур бўлди?— такрорлади Саксонбоев.

— Илҳом Саксонович! Афтидан, сизга бор ҳақиқатни гапириб беришим зарурга ўхшайди. Йўқса ҳаммаси чалкашиб кетяпти...

— Фақат ҳақиқатни,— деди инспектор энди ўта жиддий қиёфада.

— Ҳа... Аммо илтимос, ҳамма гапларим орамизда қолса... Кўриб турганингиздай, ўғирликка буларнинг заррача ҳам даҳли йўқ, лекин шаҳсан менинг мавқеим учун...

— Биз сиз билан бир одаммиз деб ҳисоблайверинг,— жавоб берди Саксонбоев,— протокол ёзмаёйман, яширин магнитофоним ҳам йўқ. Кейин ҳамма гапларингизни рад қилиш ихтиёри ҳам ўзингизда. Фақат ҳозир менга ўша кун кечаси қаерда бўлганингизни ҳаққоний ҳикоя қилиб беришингиз керак.

— Нимагадир сизга жуда ишонгим келяпти,— Зуев ўжарлик билан даҳанини кўксига босиб қўйди.— Ҳаммасини айтиб бераман. Хуллас, шаҳарда менга таниш бир аёл бор... Мен учун жуда қимматли бўлган аёл. Мен, умуман, худбин эмасман... Аммо шундай аёлни бутун умр кутардим... Қисқаси, ҳар гал шаҳарга келганимда икки кечани уникида ўтказаман — келган куним ва қайтаётганимда. Шунинг учун ҳар гал иккита билет сотиб оламан — самолётга ва поездга. Иккинчи билетни бухгалтерияга топшираман. Нега дерсиз? Шундай қилмасам бўлмайди. Оилам яшайдиган уйнинг ўттизга яқин квартирасида бошқармамиз ходимлари яшашади. Бухгалтерлар ҳам. Бари ҳамма нарсадан хабардор. Арзимаган тасодиф туфайли... Оиламни эса, ҳурмат қиламан, қизимни яхши кўраман.

— Бор гапингиз шуми?— лоқайдлик билан сўради инспектор.

— Бошқа ҳеч нарса қўшолмайман...

— Демак, сиз еттинчига ўтар кечасини Наташаникида ўтказганингизни тасдиқлайсиз, шундайми?

— Ҳа!— Тез бошини ирғади Зуев. Унинг бармоқлари билинар-билинамас титрарди.

— Мен ўша аёл билан гаплашишни истардим. Уша сизнинг...— Саксонбоев керакли сўзни тополмаётгандай тусмолланди.

Прораб бошини чайқади.

— Илҳом Саксонович... Наташани бу ишга сира аралаштиргим йўқ. Менга ишонмаяпсизми?— унинг товушида энди асабийлик пайдо бўлди.

— Яхши, яхши,— кутилмаганда рози бўлди Саксонбоев, бир дақиқалик сукутдан сўнг у чуқур нафас олиб хўрсинди:— Биласизми, Сергей Иванович, еттинчи числода поезд кечикмаганди. Жадвал бўйича келганди.

— А... с-справка-чи?

— Сиз бўлсангиз, қоғоз бандаси экансиз.

— Бўлмаса нимага... А! Тушундим! Сиз мени айлантирмоқчи бўлибсиз-да... Бопладингиз, қойил қолдим, бопладингиз! Кутмагандим.

— Тан оламан — айлантирдим. Бўлмаса қандоқ қил дейсиз. Ахир сиз ҳам гапни айлантирдингиз-да, Сергей Иванович.

— Биласизми, Илҳом Саксонович,— унинг гапини бўлди Зуев,— агар сиз бу устомонлигингизни ўғрини қидириш ишига сарфлаганингизда, у аллақачон қўлга тушган бўлармиди.

— У шундоқ ҳам қўлга тушган.

— Наҳотки?!— ҳайратда қолди Зуев.— Унда... унда мен умуман ҳеч нарсага тушунолмай қолдим. Бу сўроқларга на ҳожат?

— Бу сўроқ эмас. Биз очиқчасига суҳбатлашяпмиз,— деди Саксонбоев юмшоқгина қилиб,— хўш, ўғри масаласида. Унинг исми Блажевич. Йигирма олти ёшда, уч марта судланган. Маълумоти—ўрта. Суратини кўришни хоҳлайсизми?

Зуев елкасини ноаниқ қисди.

— Мана,— Саксонбоев блокнотидан сурат чиқарди.

Прораб ҳуштак чалиб юборди.

— Чинданам босқинчи-ку!

— Босқинчи? Бироқ мана у бизга нималарни гапириб берди. У кўпдан бери сизларнинг идорангизни кузатиб юрган экан. Бошқарма биносига ёнма-ён қўйилган ошхона — вагонни ҳам кўз остига олиб қўйибди. Вагоннинг тоmidан иккинчи қават деразаларига Блажевичдай дароз одамнинг бўйи бемалол етади. Иккинчи қават деразалари кўпинча кечаси беркитилмайди.

— Ҳамма гап тунука томларда. Жуда иситиб юборади,— изоҳ берди Зуев,— агар кечаси ойналар беркитиб кетилса, хоналар ҳаммомга айланади-қўяди.

— Блажевичга бу қўл келган. Шундай қилиб, еттинчига ўтар кечаси у техника бўлимига кирган. Вақт ярим кечасидан оғган. Кейин коридорга чиқадиган эшикни очиш учун чўнтагидан калитларни чиқарган... Аммо, қизиги шундаки, эшик қулфланмаган экан. Блажевич, калтафаҳмлиқ билан қулфлашни унуттишган, деб ўйлаган. Коридор бўйлаб секин бораркан, бу ерда ўзидан бошқа яна кимдир борлигини қўққисдан пайқаб, тўхтаб қолади. Шу пайт кимнингдир зиналар орқали биринчи қаватдан кўтарилаётганини кўрган Блажевич дарҳол ўзини холлга уради. Холл зимистон қоронғилик оғушида, коридорни эса, ташқаридан дераза орқали тушиб турган катта прожектор ёруғи кесиб ўтганди. Ҳалиги кимса энди коридор бўйлаб келарди...

Саксонбоев бир зум гапдан тўхтади. Зуев қимир этишга юраги бетламай қотиб турарди.

— Блажевич ўзи беркинган қоронғи бурчакдан ёруғ жойдан ўтаётган нотаниш кимсани аниқ кўрди. У техника бўлимига кириб, ичкаридан эшикни қулфлади. Блажевич уни бир неча дақиқагина кўрган, шунга қарамай яхши эслаб қолган. Қўлида портфели ҳам бор экан...

— Алдаган Блажевичингиз!

Сансонбоев фотосуратни чўнтагига солди.

— У алдамаган бўлса-чи?

— У ҳолда,— зўраки жилмайди Зуев,— эҳтимоллар назариясига тўғри келмайдиган ўта мос тушиш ҳодисаси юз берибди-да.

— Шундайку-я... Лекин бу ишда қизиқ бир деталь бор. Нотаниш кимса ёруғ жойдан ўтаётганда Блажевич уни кўриб қолган, дедим. Хотираси жуда ўткир экан қурғурнинг, унинг сўзлари бўйича рассоми-миз ўша кимсанинг суратини чизишга муваффақ бўлди. Суратдаги одамни кўриб ҳаммамиз ҳайратда қолдик. Биласизми, у ерда кимнинг расми чизилган...— У тўхтаб ҳамсуҳбатига синчковлик билан тикилди,— энди, Сергей Иванович, нега сиз билан бунчалик узоқ ва батафсил гаплашаётганимга тушунган бўлсангиз керак?

— Тушунолмаяпман,— деди Зуев саросимада кўзларини катта очиб.

— Блажевич коридорда сизни кўрибди, сизни...

— Бекорларни айтибди! Ёлғон!— ғазаб билан бақирди Зуев.

— Энди бу ёғини эшитинг,— деди инспектор,— Блажевич ҳақидаги ҳамма гапларим уйдирма. Мен сизга эски бир кисавурнинг суратини кўрсатган эдим. Ҳеч қандай Блажевич ҳам йўқ, пул ҳам...

— Мен билан ҳазиллашяпсизми, ё...

— Шундай дейиш ҳам мумкин. Лекин жиддий гапирсам, касса жойлашган хонадан сизнинг изларингиз, жуда кўп изларингиз топилди.

Зуев аллақандай жунжикиб, хўрсиниб қўйди.

— Икки ойча аввал менга жуда пул зарур бўлиб қолди. Кўпмас, тўрт юз сўм. Ойнинг охири эди — наряд топшираётгандик. Участканинг ҳамма нарядлари эса, менинг қўлимдан ўтарди. Билмадим, бу қаёқдай калламга кела қолди, мен бригада табелига яна бир фамилияни қўшиб қўйдим... Мени тўғри тушунинг. Шароитга қараб иш тутгандим. Ундан кейин бу пулларни бари бир бригадага қайтиб бермоқчи эдим... Тежаб, йиғиб, бировдан олиб бўлса ҳам қайтиб беришга қатъий қарор қилгандим. Шундан сўнг орадан тахминан бир ой ўтгач, олдимга ўрта ёшлардаги семиз бир одам келди-да, ўзини ОБХССдан деб танитди. У айтдики, табелга қўшилган «ўлик» фамилия ҳақида ҳамма нарса маълум ва бу иш судга оширилиши мумкин экан. Аммо гапининг охирида очикдан-очик порага шама қилиб, қилмишимни босди-босди қилиб юбориш мумкинлигини ҳам билдирди.

— Сизга ўзини ОБХССдан деб танитган одам бирор ҳужжат кўрсатдими?

— Й-ўқ. Ўша пайтда буни сўраш хаёлимга ҳам келмабди.

— Давом этинг.

— Мен жуда қўрқиб кетдим. Ишхонадаги мавқеимга, умуман шаънимга доғ тушиши ҳеч гапмас эди-да. Биргина хатойим жуда қимматга тушаётганди... Агар ёнимда пулим бўлганида, ўша одамга бериб, қутулиб қўя қолган бўлардим. Омонат кассадаги озгина жамғармамдан олай десам, хотинимга буни қандай изоҳлашни билмасдим. Бунақа пулни танишлардан ҳам олиб бўлмасди. Мени ҳаммадан ҳам даҳшатга солаётгани — бу гаплардан монтажчиларнинг хабардор бўлиб қолишлари эди. Бу ерда гап пулда эмас. Қандай тушунтирсам экан... Трассада биз бир ҳавода нафас олиб, бир қозондан овқат еймиз... Йўқ, мени бунинг учун кечирмаган бўлишарди. Бир неча кечани ухлолмай ўтказдим. Ниҳоят, ўша лаънати нарядни ўғирлаб, йўқотиб юбориш керак, деган фикрга келдим.

— Шошманг,— унинг гапини бўлди Саксонбоев,— сиз тажрибали ишлаб чиқариш ходимисиз. Табелни ўғирлаганингиз билан аллақачон банкага ўтиб кетган ҳужжатларни ололмайсиз-ку?

— Шундайку-я... Аммо бошқа бирорта ҳужжат ҳам менинг қўлим билан тўлдирилмаган. Ҳарҳолда бу нарядни ким ёпганини исбот қилиш амримаҳол бўлиб қоларди.

— Тушунарли. Энди яңа еттинчига ўтар кечаси юз берган воқеага қайтсак.

— Ўша куни охирги рейс билан учиб келдим, айти пайтда бухгалтерия учун поездга ҳам билет сотиб олгандим. Саноат шаҳарчасига автобусда бордим. Соат тунги ўн бирлар чамаси эди...

Техника бўлимида шкаф орқасида хонанинг қўшимча калити осилган. Буни ҳамма билади. Мен эшикни очиб коридорга ўтдим. Кейин биринчи қаватга тушдим. Бу ерда икки-уч неон чироқ зингиллаб ишлаб турарди. Бухгалтерияга кириш жуда осон — эшикнинг иккала томони ни ўзингга тортсанг бўлди, кейин худди ўшандай ёпиб қўйиш мумкин. Девордаги шкафни эса, мен кичкина отвертка ёрдамида очдим.

Йўлга қайтиб чиққанимда, соатга қарадим-у, ҳайратда қолдим. Ярим соат ҳам ўтмабди. Автобуслар ҳали юришаётганди. Бироқ мен ҳалқа йўлгача яёв бордим-да, такси тўхтатдим.

— Қаерга бормоқчи эдингиз?

— Аввал аэропортга. У ер орқали Наташаникига, яъни мен боя сизга айтган аёлникига...

— Сиз у билан кўпдан бери танишмисиз? — шошилиб сўради инспектор.

— Баҳордан буён. «Марказ» ресторанида танишганмиз.

— Кечирасиз, шу учрашувларингиз ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Дастлаб озгина жамғармам бор эди. Бир ойдаёқ унинг ҳаммасини сарф қилиб бўлдим. Бу ённга ўзимни тўхтатишга қурбим етмай қолди. Назаримда, мен чинакам севги нашъасини энди сураётгандай эдим. Табелга «ўлик» фамилияни тиркаб қўйишимга ҳам ана шу аёл сабабчи бўлди-да.

— Наташа кечаси идорага боришингизни билармиди? — яна тез сўради Саксонбоев.

— Умуман биларди...

— Умуманингиз нимаси?

— Мен унга нарядни ўғирламоқчи эканимни айтгандим...

— Ўғирлаш режасини бирга тузганмидингизлар?

— Ҳа!

— Жуда яхши! — Саксонбоев негадир ҳаяжонланиб бармоқларини қирсиллатиб қўйди.

— Яна бир савол... Сиз ўша куни Наташаникига борганингизда у бирон ерга чиқиб келмадими?

— Чиқиб келди... — жавоб берди Зуев. — Мен ҳатто ҳайрон бўлдим. Аввалига хурсанд бўлди, ўпиб қўйди, кейин ҳозиргина унга олиб келишган дорини бемор амакисига етказиш кераклигини айтиб чиқиб кетди.

— Узоқ йўқ бўлиб кетдими?

— Йигирма минутча.

Саксонбоев, ниҳоят, қатъий ва кескин оҳангда:

— Кетдик! — деди.

Ҳеч қаяққа қарамай, плиталар атрофини айланиб ўтиб, дарвоза олдида турган ҳаворанг «Волга» сари юрди.

Саксонбоев машинага ўтириб, радиотелефон трубкасини кўтарди.

— Бўлимми? Сенмисан, оғайни? Дарҳол оператив группани олиб А-23 кварталига етиб келинглар. 15 минутдан кейин «Универсам» ёнида учрашамиз... Бу — эски номер, Зуев. Наташа... Уйлашимча, уни сизнинг чиройли кўзларингиз эмас, балки пулни аямаслик одатингиз ўзига мафтун этган. Аммо граф Монте-Кристо ҳақидаги афсона кўп ўтмай инқирозга юз тутган — сизнинг пулингиз тугаб қолган. Наташа ҳаммасини тушуниб, сиздан қутулишга қарор қилган. Аммо у қуруқ қолаверишга одатланмаган. У сизни хизмат юзасидан жиноятга қўл урдиришга муваффақ бўлган. — Бу унчалик қийин иш эмас. Ундан кейин саҳнада унинг шериги — ОБХСнинг қаллоб ходими пайдо бўлган. Айтарли мураккаб бўлмаган ифвогарлик бошланган. Бироқ йирик

Ўлжа ундиришни уdda қилиша олмаган — сизнинг пулингиз қолмаганди.

Наташа бундай ахборотни эътиборсиз қолдира олмасди. Тўғрироғи, буни у дарҳол ўз шерикларидан бирига етказган. Афтидан, улар шундай режалараштиришган: сиз келиб кетганингиздан кейин касса жойлашган хонага кимдир киради ва сейфни очади. Кейин бу одам гўё ҳеч нарса билмагандек сейф олдида сиз чекадиган «Прима» қолдиғини, сиз киядиган шимнинг иплари ва бошқа излари-нгни қолдиради. Бу ерда, хўп деяверинг, суд экспертизаси деган тушунча билан яхши таниш бўлган тажрибали ва совуққон одамнинг қўли бор.

«Волга» айланма автомобиль йўлига чиқиб, шаҳар томонга жилди. Саксонбоев бир зум орқасига ўгирилди. Зуев жуда аянчли аҳволда эди. Унинг кўзлари ғайритабий равишда катта очилган, бақбақалари осилиб тушган ва кенг пешонасида тер томчилари йилтилларди. Саксонбоев давом этди:

— Аммо бу режани муваффақият билан амалга ошириш учун бир шарт бажарилиши керак эди: ўғирлик қилинадиган кечада сиз, албатта, шаҳарда, Наташаникида бўлишингиз лозим эди. Фақат шундагина сизга нисбатан шубҳа уйғониши мумкин. Бошқармада пул жуда эрта — олтинчида олинганини ва сизнинг шаҳарда ҳамон йўқлигингизни билган бу муттаҳамларнинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас. Бирдан мўъжиза юз беради — худди ўша идорага кириб чиққан кунингиз кечаси соат бирга яқинлашганда сиз Наташанинг олдида ҳозир бўлгансиз. Бу ҳақда у ўша заҳоти шерикларига хабар етказадди ва улар олдиндан белгиланган режа бўйича ҳаракат бошлашадди...

Саксонбоев светофорнинг қизил чироғига кириб борар экан, сигнални босди. Милиционер «Волга»нинг номерига қараб олгач, қўлини чаккасига қўйиб честь берди.

— Очигини айтсам, мен ҳам аввал сиздан шубҳалангандим. Аммо бир нарса эътиборимни тортди. Касса жойлашган хонанинг икки деразаси бор. Биринчиси катта — кўчага қараган, иккинчиси кичикроқ — коридорга қараган, у орқали кассир пул тарқатади. Уғри чироқни ёқишдан аввал иккала деразанинг ҳам пардасини яхшилаб беркитган. Аммо сиз кичкина деразани беркитмасданоқ иш бошлайверган бўлардингиз. Негаки бу деразанинг коридор томонидан тахта эшикчалар ёрдамида маҳкам беркитиб қўйилганлиги идорангизнинг ҳар бир ходимига маълум. Ҳақиқий ўғри буни билмаган. Ҳаммаси айнан шундай бўлганлигига кафиллик беролмайман, лекин... у ҳақиқатга яқин. Асосийси эса, Наташанинг биз келишимиздан буткул беҳабар...

Саксонбоев Зуевга бошини ярим ўғирди, прораб машинанинг олдинги ойнаси фонида унинг қатъий ва аниқ чеҳрасини кўрди.

— Мен сизга ишонмайман, Зуев. Монтажчиларга бўлган муҳаббатингизга ҳам, юқори ҳиссиётлар ҳақидаги гапингизга ҳам ишонмайман. Уларнинг ҳаммаси ҳозир мени чалғитмоқчи бўлиб валдираганингиздай ғирт ёлғон. Йў-ўқ, сиз жиноят қурбони эмассиз. Шу пайтгача сизни эътиқодингиз эмас, балки қўлга тушиб қолишдан қўрқиш ҳиссигина жиноят йўлига киришингиздан сақлаб келган. Аммо сиз кўпдан бери қонун чегарасидан чиқмай, мумкин бўлган ишни қилишга мойиллик сезиб юргансиз ва ўзингиз ҳам сезмаган ҳолда, ана шу чегарани ошиб ўтгансиз...

— Аммо мени, алдашди, лақиллатишди. Буни исбот қиламан! — эътироз билдирди Зуев чийиллаган овозда.

— Келдик! — деди Саксонбоев машинани тротуарга яқинлаштирар экан ва ташқарига қаради. — Шу ердამисан, оғайни! Қани, ишга.

Русчадан Ҳожиакбар ШАЙХОВнинг эркин таржимаси



Эргаш Ёндош

Муроса

Янги асар келтирди у кутубхонадан,
Ўқиб чиқди:
Мазмун ғализ,
Мавзу тумтароқ,
Ташлаб қўйди, арзимас деб бир чақага ҳам.
Автор кимга яқинлигин ўйлади бироқ...
Аниқлади... «Фалончи»га чатишган экан.
(Одамзодга муроса ҳам керак-да шаксиз.)
Сал кундан сўнг у танқидчи имзоси билан
Газетада чоп этилди илиқ бир тақриз.

«Мода»

— Поччам барака топгур хўп меҳрибон-да сизга,
Жиянимиз тўйида беқасам кийдирармиш.
→ Ҳа, менинг ҳам кимим бор шу бир поччангдан ўзга!
— Тўғри-ку, тўн кийувчи тўёна пул берармиш.
— Э... шундоқ де... неча сўм?
Сўми тайинми?
— Тайин!
Опамнинг айтишича, роппа-роса уч юз сўм!
— Эҳ-ҳе... ке, шу чопонни киймай қўя қолайин,
Биласан-ку, шаҳарда мода эмас ҳозир тўн!

Поп

Самандар Воҳидов

Савол

«Гуллар сочишади пойимга бир кун...»
Шу орзу айлади дилини қўноқ.
Қанча гул очилиб-сўлди
Ва лекин
У юрган йўл ҳамон билқилдоқ тупроқ.

Армон қийноғидан оғир дард борми?
Ўзи гуллар узиб отди пойига.
Сархуш айлагандай шунда кўкнори,
Гул босиб,
Юраги тушди жойига.

Қўллари тилинди,
Зерикди охир,
(Ўзмай босмоққа ҳам бор-ку имкони).
Энди гулзор аро одимлаб оғир,
Бир-бир эзиб ўтди раъно, райхонни.

Бу гуллар кимгадир берарди шукуҳ,
Кимнинг илҳомига бўларди қанот.
Илдизлар инграши унга берар руҳ...
Нега яратувдинг уни, эй ҳаёт?

Бухоро

Маданият ҳаёти

7 январда, пойтахтимиздаги муҳташам санъат қошонаси — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР академик катта театри биносига атоқли адиб Алексей Толстой таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча ўтказилди. Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленияси биринчи секретари Сарвар Азимовнинг кириш сўзи билан очилди. Сўнг Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин Алексей Толстой ҳақидаги эсдаликларини гапириб берди. СССР Давлат мукофоти лауреати Лев Ошанин, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим атоқли рус адабининг ўзига хос ёрқин ижоди, унинг совет адабиётида туган ўрни тўғрисида сўзладилар.

* * *

Москвада, СССР Ёзувчилар союзида ўзбек адабиёти кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди (24.XII.82.). Филология фанлари доктори, таниқли адабиётшунос олим Пирмат Шермухамедов бугунги ўзбек адабиёти тўғрисида доклад қилди. СССР Ёзувчилар союзи ўзбек адабиёти кенгаши раиси Анатолий Софронов бошқарган бу адабий мажлисда Е. Исаев, Е. Сидоров, З. Кедрина, С. Северцев, В. Оскоцкий, К. Султонов, Е. Андреева, В. Костров, Г. Хонтемирова каби шоирлар, ёзувчилар, олимлар сўзга чиқдилар. Улар бугунги ўзбек шеърятини, хусусан Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Омон Матжон каби шоирлар ижоди ҳақида илиқ гаплар айтдилар.

А. Фадеев номидаги Марказий адабиётчилар уйида СССРнинг 60 йиллигига бағишланган ўзбек шеърятини мажлиси ўтказилди. Кечани СССР Ёзувчилар союзи правленияси секретари Ю. Суворцев олиб борди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленияси секретари Уктам Усмонов бугунги ўзбек шеърятини ҳақида сўзлади. Мушоирада эса Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Зулфия, Шукрулло, Туроб Тула, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Гулчеҳра Жўраева, Нормурод Нарзуллаев, Раззоқ Абдурашид шеърлари ўқилди. Шеърят кечасида ўзбек поэзиясининг Москвадаги тарғиботчилари — шоир ва таржимонлардан А. Дементьев, Ю. Нейман, Н. Гребнев, А. Передреев, М. Синельников, С. Северцев, Р. Казакова, Н. Кондаковалар сўзга чиқиб, ўзбек шеърятидан қилинган таржималарини ўқиб бердилар.

* * *

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар

союзи драматургия ва кинодраматургия кенгашининг йиғилиши ўтказилди. (4.1.83.) Кенгаш раиси, республика маданият министрининг биринчи ўринбосари Улмас Умарбеков ўтган йилги ишлар якуни ва бу йил қилинажак ишлар хусусида муфассал сўз юритди. Пьесалар ва киносценарийларни нашр этиш масаласи кўрилди. Бу соҳага оид муаммолар юзасидан Шухрат Аббосов, Мамажон Раҳмонов, Баҳриддин Насриддинов, Учқун Назаров, Сами Абдуқаҳор, Муҳсин Қодиров, Тошпўлат Турсунов, Жўра Тешабоев каби ўртоқлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилишда драматург Муҳаммад Хайруллаевнинг «Кетар жафоси» комедияси муҳокама этилди.

* * *

Яқинда чехословакиялик адиблар — Петер Штерлинг ва Любош Юриқда юртимизда меҳмон бўлдилар, халқимиз ҳаёти, адабиётимиз ва маданиятимиз ютуқлари билан яқиндан танишдилар. Тошкентда, Юлиус Фучик уй-музейи ва республика Театр жамиятида, Сирдарёда область деҳқонлари ва хизматчилари билан бўлган учрашувлар, самимий суҳбатлар чех адибларида чуқур таассурот қолдирди.

* * *

Бундан икки-уч йил аввал ўзбек тилида «XX аср Македония шеърятини» антологияси нашр этилган, китобхонлар қадимий Македониянинг навқирон шоирлари ижоди билан танишган эдилар. Яқинда македониялик шоир, таржимон Люпо Стойменски диёримизда меҳмон бўлди, юртимиз ва юртдошларимиз ҳаёти билан танишди. У Македонияда нашр қилинадиган бугунги ўзбек совет шеърятини мажмуасининг таржимонидир.

* * *

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг қардош халқлар адабиёти билан алоқа қилиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Комиссия раиси — Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленияси секретари Саъдулла Кароматов ўтган йили амалга оширилган ишлар, комиссиянинг бу йилги режалари хусусида батафсил сўз юритди. У, айниқса, адабий алоқалар ва адабиётлар дўстлигининг ёрқин, амалий намунаси — қардош ижодкорларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш масаласи муҳим эканлигини уқтириб, таржималар ва нашрлар сифатига алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлади.

* * *

Яқинда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи қошида телевидение ва радио ада-

биёти кенгаши тузилди. Кенгашнинг 24 январда ўтказилган мажлисида кенгаш раиси Расул Раҳмонов сўзлади. Сўнг Ўзбекистон телевидение ва радиоси адабий драматик эшиттиришлар редакциялари бош редакторлари — Урол Ўтаев, Насиба Эргашева, Ўзбектеlevision директори Фани Расулов, кенгаш секретари Отаёр, ижодкорлардан Омон Мухторов, Усмон Азимов, Дина Рубиналар сўзга чиқиб, радио ва телевидениеда адабий эшиттиришлар ҳамда кўрсатувларнинг сифатини оширишда қилинадиган ишлар, кўрилиши керак бўлган тадбирлар хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи пуб-

лицистика кенгашининг йиллик ҳисобот мажлиси ўтказилди. Мажлисни кенгаш раиси Йўлдош Муқимов олиб борди. Филология фанлари доктори Очил Тоғаев ва ёзувчи Владимир Тюриков ўтган йили эълон бўлган публицистика асарлари хусусида доклад қилдилар. Сўнгра Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Иброҳим Раҳим, ёзувчи ва публицистлардан Саъдулла Сиеев, Шомурод Сиддиқов, Нусрат Раҳматов, Анатолий Ершов, Аҳмад Мелибоев, Зокир Қуртнезирова, Асад Асильов ўртоқлар бу соҳанинг ўзига хос ижодий муаммолари хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Кенгаш мажлисида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеи секретари Борис Пармузин қатнашди ва нутқ сўзлади.

АДАБИЙ ЖУРНАЛЛАР АПРЕЛЬ ОЙИДА

Звезда Востока

Журнал ўзбек совет шоирлари Уйғун, Зулфия, Р. Қодирий, А. Сеитов, Т. Матмуродов, М. Икром, К. Назаров, А. Нуримовларнинг дохий Ленинга бағишланган шеърлари билан очилади.

М. Швердиннинг «Жайхун» романининг бошланиши, С. Муҳамедов, Р. Мирҳайдаровларнинг повесть, ҳикоялари ҳам шу сондан ўрин олган.

«Поэзия» бўлимида А. Ивановнинг туркум шеърлари, «Саргузашт, фантастика» бўлимида эса, Ж. Сименоннинг «Мегрэни ўғирлаган киши» романининг охири билан танишасиз.

«Публицистика», «Адабий танқид», «Китоблар оламида» каби рубрикалар остида ҳам қизиқарли материаллар берилган.

Ёшлар

Журналнинг ушбу сонидида Ўткир Ҳошимовнинг «Квазарлар» ҳамда Темур Пўлатнинг «Шинаванда» қиссаси чоп этилган. Қ. Тошмирзаевнинг «Яшил дафтар» ҳикояси, М. Хидирнинг «Кумуш кўнгироқлар» иншолари, О. Фармоновнинг «Бошга тушганда...» ҳажвий ҳикояси ўрин олган.

Шоирлардан Чўлпон Эргаш, Тоҳир Қаҳҳор, Анвар Обиджон, Тўлқин, Яхё Тоғаев, Исмоил Маҳмудларнинг шеърлари билан ҳам журналнинг шу сонидида танишасиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг 500 йиллигига бағишлаб эълон қилинаётган С. Ҳасаннинг «Ҳиндистонда Бобир даври», П. Қодировнинг «Сўнмас юлдуз» мақолалари алоҳида қизиқиш билан ўқилади.

Шунингдек, журналнинг «Ақл тиши» бўлимида ҳам диққатга сазовор материаллар эълон қилинган.

ЙИЛАБЫЗ

Журналнинг мазкур 2-сонидида бутунисича ёшлар ижодига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Урие Эдемованинг республикада яшаб ижод қилаётган татар адабиётининг навқирон авлоди асарлари ҳақидаги мақоласи билан очилади.

Тоир Халиловнинг, «Эски ғижжак», Сабрие Саутованинг «Умид нағмалари», Исмоил Керимовнинг «Ким айбдор?» қиссалари, Ю. Али, С. Мажитова, Н. Аметова ва бошқа ёш ёзувчиларнинг ҳикоялари «Наср» бўлимида эълон қилинган. Шеърят муҳлислари А. Кўкиева, Ш. Аббосов, С. Иброҳимова, Р. Мамиш ва бошқа ёш шоирлар асарлари билан танишиши мумкин. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан тайёрланган гулдаста кичкинтой журналхонларга ўзига хос бир совға бўлган.

Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Н. ВЛАДИМИРОВА, Ж. ЖАБ-
БОРОВ, ЗУЛФИЯ, Т. МАЛИК (масъул секретарь), МИР-
МУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор
ўринбосари), У. НОРМАТОВ, А. ОРИПОВ, И. РАҲИМ,
Т. ТУЛА, УЙҒУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙ-
ЗИЙ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУ-
ҲАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ, Н. ҚОБУЛ, Ҳ. ҒУЛОМ.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 4

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент—1983

Рассом О. Арутюнов.

Тех. редактор М. Аҳмедов.

Корректор А. Билолов.

Редакцияга қелган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларига қай-
тарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши
шарт.

Теришга берилди 29.01.83 й. Босишга рухсат этилди 15.03.83 й. Қоғоз формати
70×108¹/₁₆. Қабарик босма. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Р—02825. Наш-
риёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 176500. Заказ № 5139.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент—700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© «Шарқ юлдузи», 1983.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР—332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ—332181.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ—330918, ПРОЗА—332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК—332479.